

86
F/16



АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ

САОДАТГА
ЭЛТУВЧИ
ИЛМ

Аллоҳ таолонинг жаннати сари
борувчи обидлар йўли

**САОДАТГА
ЭЛТУВЧИ
ИЛМ**

АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ИЛМ

(Аллоҳ таолонинг жаннати сари борувчи обидлар йўли)

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎК 297.1

КБК 86.38

F 16

Таржимон:
Миразиз Аъзам

Нашрга тайёрловчи:
Иброҳим Нуруллоҳ

Абу Ҳомид, Ғаззолий


Саодатга элтувчи илм / Абу Ҳомид Ғаззолий; таржимон: Миразиз Аъзам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 352 б.

Бутун дунёда “Ҳужжатул ислом” унвони билан шуҳрат қозонган Абу Ҳомид Ғаззолий қаламига мансуб ушбу китоб алломанинг сўнгги асари ҳисобланади. Китобнинг батафсил номи “Минҳожул обидин ила жаннати Раббил оламин” (Оламлар Раббининг жаннати сари боровчи обидлар йўли)дир. Асарда мусулмонларни ибодатдан тўсадиган иллатлар ва мақсадларига етишишга моне бўладиган сабаблар ҳамда маънавий камолотга эришиш йўллари атрофлича ифодаланган.

УЎК 297.1

КБК 86.38

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йилдаги 2051-сонли ҳулосаси асосида нашрга тайёрланди.



© Иброҳим Нуруллоҳ

© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018



ҒАЗЗОЛИЙ КИМДИР?

1. Ҳаёти

Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғаззолий (1058-1111) – ҳужжат ул-Ислом, ислом оламининг буюк мутафаккирларидан биридир. Абу Ҳомид Тус шаҳрининг (ҳозир Машҳад деб аталади) Тобарон қишлоғида ҳижрий 450 йилда дунёга келган. Отаси Муҳаммад – ип йигирувчи, турли ип маҳсулотлари тайёрлаб сотувчи, яъни арабча айтганда, ғаззол эди, касби кўп вақтини олиши сабабли илм билан шуғуллана олмайди. Лекин ўғилларини у даврда обрўли ҳисобланган ва расман қўллаб-қувватланаётган маълумотлар билан қуроллантиришга ҳаракат қилди, шу туфайли илм ва тасаввуф оламига икки буюк шахсиятни етиштириб беришга муваффақ бўлади. Булар Абу Ҳомид Муҳаммад ва унинг укаси Абул-Футуҳ Аҳмаддир. Муҳаммад ғаззол Тусда ўғиллари Муҳаммад ва Аҳмадни ўзининг сўфий бир дўстига тавсия этгани ва таҳсиллари билан алоқадор бўлишини илтимос қилганини тарихчи олим Субкий “Табақот” асарида қайд этган. Бу ривоят Абд ал-Ғофир ал-Форисийда ҳам учрайди.

Ғаззолий Тусда ал-Розиқонийдан бир муддат фикҳ ўқийди. Кейин Журжонга кетиб, Имом Абу Наср ал-Исмоилийдан ҳам таҳсил олади. Ўқишлар битиб уйига қайтаётганида мударрисига китобининг четларига ҳошия ва эслатмалар ёздириб олади.

Булар барча тариқатларни қамраб олган муҳим кўрсатмалар эди. Аммо, афсуски, йўлда уларни қароқчилар тўнашади.

Бу ҳақда Имом Асъад ал-Муҳайний “Ал-Кавокиб ад-дуррия” китобида бундай ҳикоя қилади:

Ғаззолийнинг шахсан ўзидан эшитганман:

“Журжондан она шахримга қайтарканман, йўлда қароқчилар йўлимизни тўсди. Карвонда ҳар неки бўлса, ҳаммасини тортиб олишди. Ҳеч бўлмаса китобларимни қайтариб олиш учун уларнинг орқаларидан кетавердим. Бошлиқлари менга ўгирилиб: “Қайт орқангга, йўқса сени ўлдирамиз!” – деди. Мен бошлиққа ёлвориб, ундан Аллоҳ ризоси учун молларимни қайтариб беришларини илтимос қилдим. Барибир улар сизларга керак бўлмайди, дедим.

– Молларинг нимадир? – деди.

– Анов тўрвадаги китоблар. Улар менинг ўқиш китобларим... Тинглаш, ўрганиш ва ёзиш учун ғурбат диёрга бориб келаётган эдим.

Бу сўзларимга бошлиқ қотиб-қотиб кулди ва:

– Сен қандай қилиб онангга бу китобдагиларни ўргандим, дейсан? Китобларни тортиб олганимиз учун бутун билимларинг ҳам йўққа чиқибди. Китобларинг йўқолса, илминг ҳам йўқ бўларканда? – деди. Сўнгра шерикларига:

– Китобларини қайтариб беринглар, – деб буюрди. Аллоҳ бу қароқчилар бошлиғини мени иршод қилиши (кўзимни очиши) учун гапиртирганди. Тусга қайтганимда уч йил тинимсиз ҳаракат қилиб, устозимдан ўрганганларимни ва китоб четига ёзиб берган тавсияларини тўла-тўқис ёдлаб олдим. Энди биров йўлимни тўсиб, китобларимни тортиб олса ҳам, илмсиз қолмас эдим”.

Дастлаб Имом Асъад ал-Муҳайний томонидан нақл этилган бу можаро кейин бошқалар томонидан ҳам такрорланиб, кенг овоза бўлиб кетган (чунончи, Ибн ал-Самъоний ўзининг “Зайл” асарида буюк вазир Низомулмулкнинг таржимаи ҳолини баён этаркан, бир дафъа Низомулмулк Ғаззолийнинг қароқчилар ила бўлган можаросини нақл қилганини ҳам келтиради).

Шундай қилиб, орадан уч йил ўтгандан кейин Ғаззолий Нишопурга кетади. У ерда Хуросоннинг мутлақ ягона олими даражасига кўтарилган имоми – Имом ал-Ҳарамайн Абдулмалик ал-Жувайнийнинг (1028-1085) дарсларига қатнай бошлайди. Машҳур Низомия мадрасасида тинглаган бу дарсларни оз вақт ичида

тўла-тўкис ўзлаштириб, Имом ал-Ҳарамайннинг энг илғор уч талабасидан бири сифатида танилади. Энди у шофеъий олимларига тўлиб кетган Хуросон ва Ироқ муҳитида шофеъий фикҳининг усул ва оташин баҳслари ичра каломда, мантиқда ва айниқса низо ва муҳолифатда бутун Хуросоннинг Имом ал-Ҳарамайдан кейинги олимига айланган эди. Шахсан устоднинг ўзи ҳам Ғаззолийни бениҳоя даражада тақдирлашга ҳаракат қиларди. Ёлғиз мунозара ва баҳсдаги қудрати ва фасоҳати (сўзлари ёқимли, қоидага мос, услуби чиройли экани)нинг ўзиданоқ ҳайронликка тушарди, талабаси таълиф (умумлаштириш) ва тасниф (классификация) водийсига қадам босганда, устод очикдан-очик фахр ва ғурур туйғусини ҳис қилмаслиги, ҳақиқатда бу ҳолдан мамнун бўлмаслиги мумкин эмасди.

Низомулмулк Нишопурдаги Низомия мадрасасида муҳолифлик ва усул курсисига Имом ал-Ҳарамайнни тайин этганда, Бағдодда қурдирган Низомия мадрасасининг бундай курсисига Ироқнинг машҳур шофеъий фақиҳи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Али ал-Шерозийни (ўлими 474 йил) келтирганди. У шофеъий мазҳабдан бўлган бу вазир атрофида дарҳол шофеъий олимлардан ташкил топган бир ҳолат юзага келтиради. Аммо мамлакат султони Алп Арслоннинг ҳанафий мазҳабига муҳаббати ҳар икки мазҳаб соликлари (тарафдорлари) ҳам алоҳида-алоҳида иззат-икром қилинишларига сабаб бўларди (бу борада Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”сига қаранг. Тошкент, «Адолат» нашриёти, 1997).

Имом ал-Ҳарамайннинг вафотидан (478) кейин Ғаззолий Нишопурни тарк этиб, Низомулмулкнинг мажлисига кетади. У ердаги илм арбоблари – олимлар ва имомлар билан илмий мунозараларга киришиб, ҳаммасини енгади. Улар Ғаззолийнинг илми ва фазлини қабул қилишга мажбур бўладилар. Вазир Низомулмулк ҳам муносиб ҳурмат кўрсатиб, уни Бағдоддаги Низомия мадрасасига, Абу Исҳоқ ал-Шерозийнинг ўрнига тайин этади.

484 (1091) йилдан Бағдодда дарс бера бошлаган Ғаззолий ҳафадан тортиб авомга қадар кенг жамоат муҳаббатини қозонишга муваффақ бўлади.

Ғаззолийнинг замондоши Абдулғафур ал-Форисий дерки:

“Бағдодда Ғаззолий чақмоқ сингари шундай бир гулдурос таратдики, шуҳрати замон буюклари, амирларининг ва халифалик олимларининг шуҳратидан ошди. Дарсларида 400 киши ҳозир бўлар эди”.

Бу ҳол 488 йилгача давом этади. Лекин шу вақтдан бошлаб унинг қалбига секин-аста бир шубҳа оралаб, бу шубҳаси кун сайин кучайиб, руҳий ҳолатига таъсири ҳам ортиб боради (“Ал-Мунқиз мин ал-залол”, Миср, 1309, 21-бет. Бу асарни Ғаззолий ёши 50 дан ошганда ёзган ва ўз ҳаётига оид эътирофларини жамлаган). Дарс беришни тарк этади. Бир муддат ҳар нарсадан шубҳаланиб, сўфиёна яшайди. Тили тутилади, фасоҳат ва балоғати зойил бўлади. Меъдасидан ҳам изтироб чекарди. Ниҳоят, илоҳий бир лутф туфайли шубҳадан покланган бир имоннинг туғилиши асносида ғайб оламининг асроридан огоҳлик йўллари кўринади. Қол оламидан ҳол оламига етганликнинг (яъни гап-сўзлар оламида, одамлар билан яшашдан кўра ёлғизликда, маънавий оламда, илмлар ва ибодатлар дунёсида яшашдан келадиган) нашъа, қувончлари ичида Бағдоддан чиқиб кетиб, хилват ва узлатда яшамоққа аҳд қилади. Аммо уламо аҳли дарсларни бундай ният билан ташлаб кетишига қаршилик кўрсатажагини билгани учун ҳаж нияти билан Ҳижозга кетаётганини айтиб, ўрнига укаси Абул-Футуҳ Аҳмад Ғаззолийни (ўлими 520-1126) қолдиради (Ибн Халликон, “Вафоёт”; Ёфиъий, “Миръот ал-жанон”) ва тўғри Шомга (Сурияга) йўл олади (“Ал-Мунқиз мин ал-залол”, 21-бет).

489 йилда Шомга етиб бориб, у ерда икки йил қолади, узлат ва хилват ихтиёр этиб, риёзат ва мужоҳадага тўла ҳаёт кечиради. Аввалига сўфий китобларда ўқиганларини ўз ҳаётига татбиқ этиб, Амавия жомеъида эътикофга кирган Ғаззолий кундузлари Мунаббаҳрага чиқиб, эшигини ёпганича истиғроққа чўмарди (яъни важд билан, завқ-шавқ билан ўзини билмас даражада фикрга кўмиларди).

Субкий ўз асарларининг 4-жилди, 104-бетида ривоят қилишича, Ғаззолий аш-Шайх Наср ал-Мақдисийнинг Амавия жомеъида кўп турганлиги боис у яшаган ва илгари мазкур шайх номида

бўлган маҳалланинг номи Ғаззолий номига қўйилган. Ғаззолий Шомга кирган куни аш-Шайх Наср ал-Мақдисий вафот этгани боис у бул зот билан кўриша олмагани ва Шайх ўз ўрнига Ғаззолий ўтқазилишини васият қилгани маъносидаги баъзи ривоятлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Аслида, 490 (1097) йилда вафот этган шайх Наср Ғаззолий билан кўришган бўлиши мумкин, ўз мақомига ўтқазилишини васият қилган зот эса тилмизи (талабаси) Асруллоҳ ал-Масисийдир (Бу хабарлар ва Ғаззолийнинг сўфий либосда кезиб юрган вақтлари тўғрисидаги баъзи бир ҳаёлот маҳсули бўлмиш ривоятлар Субкийнинг юқорида келтирилган асарида баён этилган).

Заҳабийнинг ҳикоя қилишича, бир кун Ғаззолий Амийнийя мадрасасини зиёрат қилгани борганда, у ернинг мударриси, “Ғаззолий шундай деганди”, дея сўз бошлайди. Шу ҳодиса сабаби ила ғурурга берилиб, гуноҳга ботишдан қўрққанидан Шомни тарк этади. Юртма-юрт кеза бошлайди.

Шомдан Қуддусга кетиб, саҳрода яна истиғроққа чўмиб хилватда яшаган Ғаззолий, ўз тили билан айтганда, “ғайб оламининг тажаллийларига мазҳар бўлишнинг берган нашъаси ила” бу ердан ҳаж учун Маккага кетгандир (“Ал-Мунқиз”, 22-бет). Шунинг билан бирга Субкий, Шомдан чиқиб кетган Ғаззолийнинг муқаддас мақом ва мазорларни зиёрат қилиб, Мисрга, ундан кейин Искандарияга кетганини ва у ердан Мағриб султони Юсуф ибн Тошфиннинг ҳузурида ишлаш ниятида қабулига ҳам кирмоқчи бўлган чоғида у зот вафот этганини эшитиб, Мисрга қайтганини қайд этади. Шундан сўнг ҳаж фарзини адо этиб, Бағдодга келади. Бу ерда энди том маънода “музаккир” (воиз) сиймоси сифатида ишлай бошлайди. Ана шу пайтларда “Ихёу улумиддин” номли машҳур асарини ёзиб битказади. Айни чоғдан мадрасада талабаларга ҳам “Ихё”ни ўқита бошлайди. (Бу ерда Ғаззолийнинг “Ихёу улумиддин”, яъни “Диний илмларнинг жонлантирилиши” асаридаги “ихё” сўзига тўла изоҳ бериш эҳтиёжи сезиляпти. Бу сўз арабчада жуда кўп маъноларни англатади: янгитдан ҳаёт бериш, уйғонтириш, тирилтириш, кучлантириш, поклаш, қувонч бахш қилиш, севинч

каби. Яъни, юқоридаги номни “Диний илмларнинг қувончлари” деб олиш ҳам мумкин. Назаримизда, шундай деб олинса, ўзбек ўқувчисининг кўнглига ўтиришади, китобнинг асл мазмунига ҳамоҳанг бўлади.– М.А.)

У энди аввалгидан ҳам тикилинч тингловчилар жамоасига хитоб этарди. Лекин бу ҳол узоқ давом қилмади.

Бир куни у ваъз айтаётганида укаси Абул-Футуҳ ичкари киради ва сўз сўраб, бундай шеър ўқийди:

*Мен кучлиман, халқ заиф деб, халққа берар бўлдинг қувват,
Халқни кучли қилмоқ учун сарф айладинг қанча ғайрат.
Халқ кучланди – олға кетди, ҳориб ортда қолдинг ўзинг,
Ҳидоятга бошладинг-у, ўзинг қолдинг беҳидоят.
Нима бўлди, оғажоним, гапим кирмас қулоғингга
Айтсанг ҳамки халққа шунча гўзал ўғит, ваъз-насиҳат?
Эй, чарх тоши! Қачонгача темирларни чархлайсан-у,
Ўзинг ўтмас бир матоҳсан, кўзларингда йўқ басират.*

Шундоғам мизожига тамомила ҳоким бўлган сўфиёна ҳаёт орзуси уни яна Тусга чекинмоққа жалб этади. Бу ерда 10 йил мунзовиёна (ёлғизликда) яшаган Ғаззолийни Низомулмулкнинг халифаси (ўринбосари) Фахрулмулк такрор Низомия мадраса-сида мударрислик қилишга рози бўлишга ундарди. Одамларнинг имони заифлашиб, бидъат аҳлининг кўпайиб кетаётганини кўрган Ғаззолий илм аҳллари билан истишора этиб (машварат, маслаҳат йиғини ўтказиб), хилват ва танҳолик жоиз эмаслигига қаноат ҳосил қилади ва 499 (1105) йилда такроран дарс бера бошлайди (“Ал-Мунқиз”, 29-бет). Бир муддат ўтгач, Тусга қайтаркан, уйининг ёнида бир така ва мадраса қурдириб, иршод, талқин, ибодат ва зикр билан тўла ҳаёт кечиришни афзал билгани кузатилади (Субкий юқоридаги асарининг 105 ва 109-бетларида бу маълумотни Абд ал-Ғофир ал-Форисийдан нақл қилиб келтиради). Аммо уни кўролмайдиганлар бу осуда ҳаётини лойқалатишдан ҳам ўзларини тиёлмаганлари маълум.

Эски дўстлари қаторида рақиблари ҳам ҳанафий мазҳабига нисбатан муҳаббат ила тўйинган султон Санжарга Ғаззолийнинг Абу Ҳанифага қаршилигини таъкидлашиб, ўзлари билан мунозара қилишга чақирилишини истаганлар ва бу хираликлари билан уни хилватхонасидан чиқаришга муваффақ бўладилар. Ғаззолий Санжарга ёзган бир мактубида амрга итоат этиб, Машҳадгача етиб келганининг баёни ила ҳаётини ҳикоя қилиб, ҳукмдорлар ҳузурига чиқмасликка қасамёд этгани боис аҳдига риоят қилинишини сўрайди. Бу ҳол рақибларининг оёқ тираб олишларига сабаб бўлади. Улар Санжарга Ғаззолийни мутлақо кўришлари кераклигини ва Абу Ҳанифа ҳақида нима дейишини шахсан ўз оғзидан эшитиш орзулари борлигини изҳор этадилар. Ғаззолий ўрдугоҳга келтирилиб, Санжарнинг ҳузурига чиқарилади. Ўз тахтида ўтирган Санжарнинг ҳузурида Ғаззолий катта ҳурмат-эҳтиром ила, ўзига хос услуб, балоғат ва самимият билан гапиради. Бундан фавқулодда масрур бўлган ҳукмдор, Ғаззолийни иззат ва икромлар билан Тусга қайтариб юборади. Лекин дарс бериш вазифасидан озод қилиш ҳақидаги аризасини қабул қилмайди. Барча уламоларнинг мустақилликлари қонунлаштирилажagini айтиб, яқинда ўз номига бир мадраса қуражagini ва у ерда дарс беражagini сўйлайди (Имом Ғаззолий ҳаётининг бу жиҳатлари “Илоҳиёт факультети мажмуаси”да М.Шарафиддиннинг “Санжар ва Ғаззолий” мақоласида кенг ёритилган. Бу ерда тилга олинган мактуб ва мулоқотга оид қайдлар Фотиҳ кутубхонасидаги 426-рақамли ёзмадан нақл этилган).

2. Вафоти ва у ҳақда айtilган баъзи фикрлар

Тусга қайтган Ғаззолий бутун вақтини уйининг ёнида ўзи қурдирган такя ва мадрасада ўтказарди. Вақтини тақсимлар экан, бир қисмини Қуръон ўқишга, бир қисмини кўнглига яқин кишилар билан суҳбатга ва бир қисмини дарсларга бағишларди. Кундузлари рўза тутар, кечалари таҳажжуд намозини ўқишда лавом этарди. У шундай бир одатий вазиятда 505 йил 14 жумодул-охирда (1111 йил 19 декабрда) шафақ чоғи 53 ёшида вафот этди.

Укаси Абул-Футуҳ Аҳмад ал-Ғаззолийнинг ифодаси билан айтганда, жумодул-охирнинг душанба куни бомдод намози учун таҳорат олган ва намозини ўқигандан кейин кафанлигини келтиришларини сўраган. Кафан келтирилганда докани бошига ва кўзининг устига қўйган ва: “Аллоҳим! Амринг бошим устига...” – деган. Шундан кейин муборак юзини қиблага ўтириб, оёқларини узатган, субҳнинг ғира-шира қоронғисида Ҳақнинг раҳматига етишган. Туснинг Тобарон қишлоғида бир чеккага дафн этилган. Ўғли йўқ эди, икки қизи бор бўлиб, уларга етарли мерос қолдирган. Қабристонда Ғаззолийнинг турбаси камтарона бир мазордир. Васиятига амал қилиб, қабрига ҳеч нима қилинмаган.

Имом Субкий ориф биллоҳ Шайх Абулҳасан аш-Шозилийдан бундай нақл қилади:

“Ғаззолий ўз даврининг алломаси, тили ва баракати эди. Мен тушимда Аллоҳнинг Расулини кўрдим, Мусо ҳазратлари ва Исо ҳазратларидан: “Сизнинг умматингизда Имом Ғаззолий каби бирон зот борми?” – деб сўраётган эканлар, улар: “Йўқ”, – деб жавоб беришди”.

Замонининг Алломаси Абулаббос ал-Марсийдан Ғаззолий ҳақидаги фикрларини сўрашганда, у бундай деб жавоб берган:

“Мен Ғаззолийнинг сиддиқларга хос энг юксак мақомга чиққанига гувоҳлик бераман.

Қутблар учдир:

1. Илмлар қутби – Ғаззолий.

2. Ҳоллар қутби – Боязид Бистомий.

3. Мақомлар қутби – Абдулқодир Жийлоний.

Бу ҳукм “Ал-қасд ваъс-саодат” номли асарда ёзилган”.

Абдуллатиф ал-Мутрий бир мактубида Имом Субкийдан Ғаззолий ҳақида сўраганда у бундай жавоб олган:

“Ғаззолийнинг исми ва фазилати бутун дунёни эгаллаган. Унинг суҳбатини эшитган ва китобларини ўқиган одам ҳақиқий даражаси исмидан кўп устун эканлигини кўради”.

Абу Иброҳим ал-Бағдодий “Бағдод тарихи” асарида ёзади: *“У шундай бир кимса эдики, бу дунёдаги кўзлар унингдай нотиқни, унингдай зукко ва оқилни кўрмаган эди”.*

Ибн Муқрий “Тухфат ул-иршод”да:

“Унинг муборак исми билан кўкраклар масрур бўлиб кўтарилиб кетади, нафаслар қувончга тўлади”, дейди.

Алишер Навоий ҳазратлари “Садди Искандарий” достони муқаддимасида Ғаззолийни: “Кўк гумбази узра безакли қандил”, “фалакдан туриб ердаги кишиларга бахт ва толе улашади”, деб таърифлайдилар (Алишер Навоий. “Садди Искандарий”. Насрий баёни билан. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 513-бет.)

“Насойим ул-муҳаббат” номли асарининг 439-рақамли мақолатида эса, уни “Хужжат ул-ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий-Тусий, кунияти Абу Ҳомид ва лақаби Зайнуддиндир”, дея қайд қиладилар (Алишер Навоий. Мукаммал Асарлар Тўплами, 17-том, 249-бет).

3. Асарлари

Имом Муновий – Нававийдан, Нававий эса – шайхи Тиғлисийдан бундай нақл этади: Ғаззолийнинг ёзган асарларини санадим ва умрига тақсимладим. Кўрдимки, ҳар кунига тўрт жуздан тўғри келяпти. Назаримда, бу Аллоҳ таолонинг вақт ичида вақт яратиб, бандасига берган эҳсондан бошқа нарса эмас. Бундай сўз айни замонда Ибн Жарир Табарий, Ибн Шоҳин, Ибн Нақиб, Имом Нававий, Субкий ва Суютийларга нисбатан ҳам айтилган.

Ғаззолий деярли ҳамма илм соҳасида қалам тебратган. Тафсир, ҳадис, тарих, фалсафа, фикҳ, мантиқ, тасаввуф у ёқда турсин, хатто ҳарф илмлари, руҳоний сирлар, одатларнинг хусусиятлари, илоҳий исмларга оид латифалар ва ал-кимё илмларида ҳам турли асарлар таълиф этган.

“Ихёу улумиддин”ни ҳозирги замон турк тилига таржима қилган арабшунос олим Али Арслон, Ғаззолийнинг 74 китобини ҳеч қандай изоҳсиз санаган (1985 йилги Истанбул нашри, 1-жилд, 45–47-бетлар). 1988 йилда Истанбулда нашр этилган “Ислом Энциклопедияси”нинг IV жилдида эса унинг 27 асари саналган ва таърифланган. Биз қуйида улардан айримлари ҳақидаги маълумотларни келтириш билан кифояланамиз.

1. Ихёу улумиддин. Бу – Ғаззолийнинг энг машхур асари бўлиб, тўрт қисмдан иборатдир:

а) Ибодат.

б) Одат.

в) Муҳлиқот.

г) Мунжиёт.

Ҳар қисми – 10 китоб, жами 40 китобдан иборат.

Шороний “Ал-Мунан” номли асарида Абу Ҳасан Шозилийдан бундай ривоят келтиради:

“Ихё” инсонга илм, руҳ озиғи ва нур беради”.

Субкий эса бундай дейди:

“Мусулмонларнинг ғамхўрлик билан ўқиши керак бўлган ва халқ табақаларининг ҳидояти учун кенг тарқатиш лозим саналган асар бор бўлса, у фақат “Ихё”дир”.

Бу асар Ғарб мамлакатларига кенг тарқалганда, ғарбликлар қатта қизиқиш билан ўқиб чиқдилар, аммо асар заиф ҳадислар билан тўлалиги ҳақида айюҳаннос сола бошладилар. Шундан кейин мусулмон оламидаги олимлар ҳам “Ихё”ни тадқиқ қилишга киришиб кетдилар. Ҳатто Ибн ул-Жавзий ундаги янглиш ҳадисларни жамлаб бир китоб чиқарди.

Шундан сўнг бошқа мусулмон олимлари “Ихё”да саҳиҳ бўлмаган ҳадислар бор, деб Ғаззолийга ҳужум этилмаслиги керак, деб чиқдилар (Мавлано Ибн Хайр).

Муртазо ал-Забидий ўзидан олдин ўтган Абд ал-Ғофир ал-Форисий, Субкий, Ас-Самъоний, Ибн ал-Асокир каби ва бошқа олимларнинг ёзганларини жамлаб, бир китоб тайёрлади ва унга 21 фаслдан иборат сўзбоши ёзди. Унда, жумладан: *“Кашфи Зунун” муаллифи, уйдирма бўлмаслик шарти билан саҳиҳ бўлмаган ҳадислар тарғиб ва ташвиқ мақсадида зикр этилиши мумкин, дейди. Бу ҳукм тўғридир, деб қайд этади.*

2. Кимийёи саодат. Бу асар “Ихё”нинг баъзи қирсқартма ва қўшимчалар билар муаллиф томонидан форсчага қилинган таржимасидир. Ҳажми “Ихё”дан тахминан 3 барабар кичикдир.

3. Минҳож ул-обидин (Обидлар йўли). Тўла номи “Минҳож ул-обидин ило жаннат рабб ул-оламин” (Оламлар Раббининг

жаннати сари борувчи обидлар йўли). Ғаззолийнинг сўнгги китоби эканлиги қайд этилган бу асарни Шамсиддин Боложусуний икки марта шарҳлаган ва қисқартиб мухтасар қилган. Ҳар хил босма нусхалари кўп.

4. Қавоид ал-ақоид (Эътиқодга айланган қоидалар). Каломий масалалардан баҳс юритувчи бу китобга Рукниддин Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Астрободий (ўлими 717) ва Муҳаммадамин ибн Садриддин ал-Ширвоний (ўлими 1036) шарҳлар ёзишган (Бу ҳақда қаранг: “Кашф аз-Зунун”, II, 1358).

5. Илжом ал-авом ан-илм ал-калом (Авом билиши лозим бўлган калом илмининг ҳаммаси). Сергапликка қарши ёзилган бу асар, авомнинг калом илми билан муфасссал машғул бўлиши шарт эмаслигини илгари суриб, Қуръоннинг мажозий маънодаги оятларига дуч келганда, салафларнинг (қадимий раҳбарлар, олимларнинг) айтганларига тобе бўлиш кераклиги ғояларини илгари суради ва бу борада риоя этилиши лозим саналган шартларни келтиради. Китоб уч қисмдан иборат:

- а) Салафларнинг ақидаси.
- б) Ҳақиқий ақида салафларнинг ақидаси бўлиши.
- в) Ҳар хил фасллар.

Асар турли даврларда кўп тилларда ҳар хил мамлакатларда босилиб чиққан (Истанбул, 1287. Мадрас, 1306. Миср, 1306, 1309 ва ҳоказо).

6. Ал-Мазнунун биҳ ало ғайр аҳлиҳ (Шубҳага қолганлар ва ёт аҳллар). Китоб тўрт рукндан ташкил топган:

- а) Рубубият (Аллоҳнинг ўз бандаларига илоҳга муҳтожлик ҳолатларини кўрсатиши).
- б) Фаришталар.
- в) Мўъжизалар.
- г) Ўлимдан кейинги ҳаёт, ҳашр-нашр.

Бу асарга Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Малакий (ўлими 750) бир раддия ёзган (Бу ҳақда қаранг: “Кашф аз-Зунун”, II, 1713).

7. Мақосид ал-фалосифа (Файласуфларнинг мақсадлари).

Ғаззолий фалсафани танқид қилишдан олдин уни билиш кераклигини англагани учун унинг ҳамма томонлари ва масалаларини равшан ва очиқ-ошкор ўртага қўйишга ҳаракат қилган. Бу асарнинг бир қисмини Георг Беар 1888 йилда Лейденда нашр этган. Тўла нусхаси эса Мисрда 1331 йилда чоп қилинган.

8. Таҳофут ал-фалосифа (Файласуфларнинг таназзули).

Ғаззолийнинг юнон фалсафасига қарши танқидларини қамраган бу асари Бомбайда 1304 йили тошбосмада, Мисрда эса 1319, 1321 йилларда нашр этилган. Асар бир неча Оврупо тилларига таржима қилинган.

9. Меъёр ал-илм (Илмнинг меъёри). Мантиққа доир бу асар Мисрда 1329 йилда нашр этилган.

10. Ал-Мунқиз мин ал-залол. (Адашганларни қутқарадиган нарсалар). Ғаззолийнинг эътироф-иқрорларни қамраган бу китоби Декартнинг “Нутқ ҳақида усул” китобига ўхшайди. Ғаззолий бу ерда илмларнинг ғояларини баён этиб, Ҳаққа етишиш учун ўзи босиб ўтган йўллари изохлаган.

11. Ал-мустасфо фи усул ил-фикҳ (Фикҳнинг мусаффо усуллари). Шу мавзуга доир ушбу машҳур асар бир муқаддима билан тўрт китоб ҳолида ёзилган. Муқаддимада умумий мантиқдан баҳс юритилади; биринчи китобда ҳукмлар, иккинчисиди – далиллар, учинчисиди – истисмор (фойдаланиш йўллари), тўртинчисиди – мустасмор (ҳосилдор, фойда берувчилик) баҳс мавзуи қилиб олинган. Бу асарни Абу Али ал-Ҳасан ибн Абдулазиз ал-Фихрий (ўлими 776) шарҳлаган, Сулаймон ибн Довуд ал-Ғарнотий (ўлими 832) бу шарҳга таълиқот ёзган (“Кашф аз-Зунун”, II, 1673).

12. Ал-Босит (Ёювчи). Имом ал-Ҳарамайннинг шофеъийликка оид “Ниҳоя ал-матлаб” асарининг хулосасидан иборат.

Ибн Халликон шофеъий мазҳабида бундай мукаммал асар ёзилмаганини айтади.

13. Ал-Восит (Мўътадиллик). Шофеъийликдан баҳс этган бу асар “Ал-Босит”дан келтирилган баъзи иловалар билан хулосаланган. Шофеъийлар орасида рағбат кўрган 5 китобдан

биридир. Бу асар Ғаззолийнинг талабаси Муҳаммад ибн Яҳё ал-Найсобурий томонидан “Ал-Муҳит” номи билан 16 жилд китоб ҳолида шарҳланган. “Ал-Восит” ҳақида Нажмиддин Аҳмад ибн Али ал-Рифъанинг “Ал-Матлаб” номли тугалланмай қолган шарҳи машҳур. Яна бошқалар ҳам шарҳ китоблари ёзишган (Бу ҳақда “Кашф аз-Зунун”нинг II, 2008 га қаранг).

14. Ал-Вожид (Вужудга келтирилган). Бу китоб “Ал-Босит” ила “Ал-Восит”дан вужудга келтирилган. Шофеъий мазҳабидаги асосларни қабул қилган китоб. Бу асарни Фахриддин Розий, Маҳмуд Урмавий, Муҳаммад Арбилий, Абдукарим Рофеъий каби зотлар шарҳ этганлар. Ал-Нававий эса, Рофеъийнинг “Ал-Азиз ало ал-вожид” деб номлаган шарҳини қайта ишлаб, қисқартиб, “Ал-равза” номи билан бошқа мухтасар китоб ҳолида эълон қилган. Ибн ал-Мулаққин “Ал-Вожид” китобидаги ҳадисларни 7 жилдда текшириб, аниқлаб ва шарҳлаб чиққан (бу шарҳлар билан танишиш ва бошқа кўпдан-кўп маълумотлар олиш учун “Кашф аз-Зунун”, II, 2002-2004 га қаранг).

15. Насиҳат ал-мулук (Подшоҳларга ўғитлар). Султон Санжарнинг амри билан ҳукмдорнинг ҳузурида бўлиб ўтган тортишувлар ва баҳслар шу ном билан форсча ёзилган, деган хабарлар бор. Аммо унинг асл нусхаси йўқ. Арабча таржимаси “Ат-Тибр ал-масбук фи насихат ал-мулук” номи остида кўп марта босилган (Миср, 1277, 1317, 1306 ва ҳоказо).

Арабча таржиманинг босмаси ва ёзмаларида бу асар Муҳаммад ибн Маликшоҳга хитобан ёзилгани кўрилади. Аммо арабча таржиманинг Асъад Афанди кутубхонасида 2921-рақами остида сақланаётган нусхасида асар Султон Санжарга ёзилгани қайд этилган.

16. Ал-Мақсад ал-асно, шарҳ асмоиллоҳ ал-хусно (Аллоҳнинг гўзал исмларини шарҳлашдан буюк мақсад). Ушбу китоб ўша даврда калом олимларини қаттиқ ўйлантираётган ва машғул этаётган мавзулар билан алоқадор бўлса-да, шарҳларида аксарият таъаввуфий асосларга риоя этилади. Китоб мазмуни уч гуруҳга ажратилган:

а) Муқаддима моҳиятидаги масалалар.

б) Мақсадлар ва ғоялар.

В) Иловалар ва комиллик моҳиятидаги маълумотлар.

Бу асар Мисрда 1324 йилда икки марта нашр этилган.

17. Ал-қонун ал-куллий фит-таъвил (Туш таъбири тўғрисида умумий қонун). Бу асар Ғаззолий тириклигида эълон қилинмаган. Аммо унинг қўлёзмаси Валиуддин кутубхонасида 1975-рақами остида сақланади.

Баъзи ҳадисларнинг таъвилига доир қимматли бир асардир.

“Ғаззолийнинг таъвил (туш таъбири) ҳақида босилмаган бир асари” сарлавҳаси остида М.Шарафиддиннинг тавсия мақоласи билан Илоҳиёт факультети мажмуасининг 16-сонида 46 саҳифа ҳажмида эълон қилинган.

Ушбу қайдлар “Ислом Энциклопедияси”даги (4-жилд, 748-760-бетлар) маълумотлар, “Ихёу улумиддин”нинг тўрт жилдлик тўла нашрига ёзилган сўзбоши ва бошқа бир қатор манбалар асосида тайёрланди.

Биз ҳозирча шу маълумотлар билан кифояланамиз. Фақат қўшимча қилиб шуни ҳам айтиш керакки, Ғаззолий асарлари кейинги йилларда ўзбекчага ҳам таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилмоқда.

Миразиз Аъзам таълифи.



КИРИШ

Сўнгсиз ҳамду санолар, саноксиз шукрлар У, коинотнинг Яратувчисига ва бутун жонлиларнинг ризқ берувчисига бўлсинки, яратик (яратилган)нинг вужуди Унинг карам ва эҳсон денгизидан бир томчи, нурли жамолидан бир ёғдудир.

Коинотнинг бу кўз қамаштирувчи санъат асарларида, давом этаётган барча ишларда ва ҳар нарсада кўриниб турган ушбу низом ва оҳанг Унинг борлиғига, қудрати ва бирлигига аниқ бир далил, очиқ бир исботдир.


Сўнгра сўнгсиз ҳурмат, саноксиз салот ва салом ул, умматининг етакчиси ва инсониятнинг йўл кўрсатувчиси, шариат тахтининг подшоҳи, тариқат ва ҳақиқатнинг порлоқ қуёши, илоҳий сифатларнинг кўзгуси Муҳаммад Мустафо (алайҳиссалом)га бўлсинки, у пайғамбарларнинг энг афзали, охиргиси ва юксак ахлоқнинг намунаси ва тамойилидир.

Сўнгра яқинлик буржларининг ёғдулари ҳидоятга эришганларнинг энг порлоқ юлдузлари бўлган Пайғамбар хожамизнинг юксак оила аъзолари ила улуғ саҳобаларига бўлсинки, улар ислом дунёсининг буюклари, саодат тўла ҳақ йўлнинг сардорларидирлар.

Бундан сўнгра, эй ҳақиқат талабгорлари, шуни яхши билиб, чуқур ўзлаштириб олингки, Қуръони каримнинг кўрсатмалари ва Ҳаким бўлмиш Аллоҳнинг амр этганлари шулардир:


Инсонлар ила иблислар бор бўлишларининг сабаби ва ҳикмати, инсонларнинг идрок ва ақл кучи билан нақшланишларининг юксак мақсади – Ҳақ таолога холис ва пок қалб билан ибодат этишдир. Токи кўнгиллари жилоланиб, теваракка ибрат кўзи билан қарайдиган бўлсинлар. Бу айни вақтда дардларнинг дориси

ва ниҳоят, Раббимизнинг амридир. Бу борада Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай буюради:



Яъни: “Мен Раббингизман, Менгагина ибодат қилинг” (Анбиё сураси, 92-оятнинг охири).

Бошқа бир оятда эса мана бундай марҳамат қилади:



Яъни: “Албатта, неъматлар сизларга мукофотдирки, сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз, шукрларингизга лойиқдир” (Инсон сураси, 22-оят).

Бу йўлнинг бошидан бошлаб охирига борганимизда орқага ўгирилиб очиқ кўз билан бир қараб кўрсак, ақлни ишлатиб тўғри йўл нималигини бир ўйласак, у вақтда бу йўлда бўлиш осон эмаслигини англаймиз. Лекин тикансиз гул, жафосиз ёр ва илонсиз гўша бўлмаганидай, яна жонни койитмасанг, жонона қайда, дейдилар.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам бир қутлуғ ҳадисларида бундай дея марҳамат қилганлар:

“Жаннат заҳматли ва қийин ишлар ила ўралган. Ўшалардан ўтмагунча жаннат йўлини топиб бўлмайди. Жаҳаннам эса нафснинг ахлоқсиз пардалари билан ўралган. Нафснинг истакларини бажарган одамнинг борар жойи жаҳаннамдир”.

Бошқа бир қутлуғ ҳадисларида бундай марҳамат қиладилар:

“Жаннат йўли тик тепаликдир. Унга етиб бориш оғирликларни енгиш билан бўлади. Жаҳаннам йўли эса текисдир, унга етиш осондир”.

Тўғри одамларга диққат билан қарасак, бундай ҳолни кўрамиз: Уларнинг кўпчилиги заиф, танлари кучсиз, ҳиммат ва ҳайратда бир мунча ялқов, амаллари нуқсонли. Умр қисқа, иш кўп, йўл узоқ. Бадавлат, ўзига тўқ одамлар уларга қўл узатиб кўмаклашиб юборай демайдилар. Бу аҳволда дардли ва ёрдамга муҳтож ўша тўғри одамлар ҳаётнинг оғир-енгилига қарамай, ўз ожизликларини

бирма-бир енгиб, қўнимгоҳлари ва оғир кечиклари кўп бўлган бу йўлни ғайрат ва ҳиммат билан давом эттиришлари керак.

Мўминлар амири, Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратлари бундай марҳамат қилганлар:

“Туянинг оёқ изи у қаёққа кетганини ва қаерга борганини кўрсатувчи ёрқин далилдир”.

Демакки, йўлда кўрилган излар бу ерлардан ўтганларнинг далилидир. Ундай бўлса, бу замин у замон, бу юксак осмонлар нечун энди Қудратли Яратувчидан далолат бермасин?! Бу тафаккур, мушоҳада ва ўйлар ҳақ йўлдаги инсонлар учун биринчи кечикдир. Буни илм кечиги дейдилар.

Бу кечикни ўтгандан кейин ҳақ йўлдаги одам бошқа кечик – бошқа тўсиқларга дуч келади. Уларнинг оти: дунё, халқ (одамлар), шайтон ва нафс. Буларни енгиб ўтса, бу ҳақчи одам яна бир оғир тўсиқ – оғир кечикка дучор бўлади: буниси – тақдир, қазо каби мусибатларга тўла кечикдирки, бундан ҳам ўтиб, олдинга қараб бориш керак.

Хуллас, бу китоб Ҳақ йўл фидойилари – обидлар йўлининг етти турдаги кечиклари ҳақида баҳс юритади:

Биринчи бўлим: Илм ҳақида (илм кечиги).

Иккинчи бўлим: Тавба ҳақида (тавба кечиги).

Учинчи бўлим: Дунёвий тўсиқлар кечиги.

Тўртинчи бўлим: Авориз ҳақида (тақдир-қазо кечиги).

Бешинчи бўлим: Бавоис ҳақида (сабаблар кечиги).

Олтинчи бўлим: Қаводих ҳақида (офатлар кечиги).

Еттинчи бўлим: Ҳамд ва шукр ҳақида (шукур кечиги).

Раҳмат хазинаси беҳисоб бўлган Ҳақ таолога ниёз қиламизки, бизни тўғри йўл неъматидан бенасиб этмасин. Ниятларимизни қабул айласин. Бу соҳада тилимиз ва қаламимизни ўткир қилсин. Биздан ризосини, марҳамати ва карамини аямасин. Омин.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ИЛМ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Эй Аллоҳга топиниш йўли билан маънавий мартабаларга эришмоққа интилувчи, жаҳаннам азобидан қутулиб Аллоҳнинг ёнида яхшилар қаторида бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган киши, бу тилагингга етишиш учун энг муҳим ишинг илм ўрганишдир. Чунки илм бу доиранинг қутби, бу дарахтнинг мевасидир. Дунёда ҳақиқий муршид илмдир, яъни илм инсонларга ҳақ йўлдан юришни ўргатади. Ана ундан кейин иккинчи муҳим ишинг ибодатдир. Илм ва ибодат икки катта гавҳардирки, ҳаётда кўрганларингнинг жами шуларга эришиш учун яратилган. Аллоҳ таоло юборган пайғамбарлар, уларга туширган китоблар, бу еру кўк ва улар орасидаги нарсаларнинг ҳаммаси – ҳар нарса шу икки қимматли гавҳарни қўлга киритиш учун бор қилингандир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Куръони каримида бундай марҳамат қилади:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ وَمِنَ الْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَنْزِلُ الْأَمْرُ بَيْنَهُنَّ لِتَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا ﴿١٢﴾


Яъни: “Аллоҳ етти осмонни ва ердан ҳам ўшаларнинг мислини (яъни етти қават ерни) яратган зотдир. (Аллоҳнинг) амри фармони уларнинг (яъни етти қават осмон ва етти қават ернинг) орасига тинмай нозил бўлиб туради. Аллоҳнинг (буларни яратиши, Унинг) ҳақиқатан ҳар нарсага қодир эканлигини, илми билан ҳақиқатан ҳар нарсани ихота қилиб олганини билишларингиз учундир” (Талоқ сураси, 12-оят).

Ривоят қиладиларки, бир куни Довуд ҳазратлари (Ул зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин!) Аллоҳ таолодан: – Эй Раббим, бу инсонларни нима учун яратдинг? – дея сўради.

Шунда Аллоҳ жавобан: – Мен сирли бир хазина эдим, билинишни истадим ва севдим ва Мени билсинлар, дея бу халқни яратдим, – деб марҳамат қилган эди.

Шу ояти карима ва қудсий ҳадисдан аён бўладики, ер-кўкларни ва улар орасидаги ҳамма нарсаларни йўқдан бор қилган Аллоҳ таоло аслида зот ва сифатлари билан билинишни истайди. Ана бу икки далил бизга шуни исботлайди: илм – бу жаҳонда энг азиз ва қийматли бир гавҳардирки, унинг тенги йўқ ва бебаҳодир. Масалан, Аллоҳнинг бирлигини ўргатадиган тавҳид илми.

Аллоҳ инсонларни яратишдан кузатган мақсадини яна қуйидаги ояти каримада бундай тушунтирган:



Яъни: “Мен жинларни ҳам, инсонларни ҳам фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим” (Зориёт сураси, 56-оят).

Бу ояти каримадан ҳам яратилишнинг бирдан-бир ғояси Яратганга, Аллоҳга ибодат эканлигини ва бу мутлақо адо этилиши шартлигини англаймиз. Аммо ибодат илмсиз бўлмайди. Шу сабабли Ҳақ таоло бу оятни Мени билгандан кейин ибодат қилишингиз учун яратдим; бошқа нарса учун яратмадим, маъносида амр этган. Бу тушунтиришдан аён бўладики, илм ва ибодат, Аллоҳнинг ҳузурида энг азиз ва қийматли гавҳардирки, қиймати бебаҳодир ва яна аён бўладики, бу дунёда фойдали илм билан пок (солиҳ) амалдан яхшироқ ҳеч нарса йўқдир. Шундай бўлгач, ҳар банданинг вазифаси кучи етганча буларни адо этишдан иборатдир. Бу икки гавҳарнинг энг устуни, энг фазилатли ва қадрлиси илмдир. Шунинг учун ҳам Пайғамбар ҳазратлари бир қутлуғ ҳадисида марҳамат қиладики:

Олимларнинг (илм эгаларининг) обидлардан (ибодат қилувчилардан) устунлиги, умматининг энг азизидан Менинг устунлигим кабидир.

Бошқа бир ҳадисида ҳам бундай маълум қиладилар:

Илм одамига бир карра эътибор бериш менинг ёнимда бир йил кундузи рўза тутиб, кечаси намоз ўқишдан севимлироқдир.

Яна бир кун ҳазрат Пайғамбар:

– Саҳобаларим! Сизга жаннат аҳлининг энг шарафлиси кимлигини айтайми? – дея сўради. – Айтинг, эй Аллоҳнинг Расули, деганимизда, – Умматимнинг олимларидир, – деб марҳамат қилгандилар.

Яна бир кун Пайғамбар ҳазратлари:

Мен меърож кечасида жаҳаннамга дуч келдим, халқини кузатдим ва кўпчилиги қашшоқлигини кўрдим, – дея марҳамат қилганларида, саҳобанинг: – Эй Аллоҳнинг Расули, мол-дунёси йўқ қашшоқлар эдими? – деган сўроғига, – Ундай эмас, бу – илми йўқ қашшоқлар эди, – деб жавоб бергандилар.

Бу қутлуғ ҳадислардан англаймизки, илм ибодатдан устунроқ ва фазилятлироқдир. Лекин ҳар олим илмига амал қилиши вожибдир. Йўқса, унинг илми ҳавога кетади. Чунки илм бир дарахт бўлса, ибодат унинг мевасидир. Гарчи асил дарахтдир ва мева бериш шарафи унга оиддир. Лекин фойдаланиш жиҳатидан аҳамиятлиси эса мевадир. Шу сабабли ҳар бир инсон иккисидан ҳам лаззатланиши ва ризқланиши лозим.

Ёлғиз биттаси билан кифояланмаслик керак. Яъни, кишилар ҳам илм ўрганишлари, ҳам ибодат қилишлари керак. Чунки фақат иккаласини адо этган тақдирдагина фойда ҳосил бўлади.

Бу борада Ҳасан Басрий ҳазратлари ҳам бундай дейди:

“Илм – амалнинг, амал ибодатнинг имомидир, ибодат унга тобедир”.

Қуйидаги икки сабабга кўра илм доимо ибодатдан устун бўлган:

1. Ибодат тўқис ва нуқсонсиз бўлиши учун банда, аввало, яратувчисини билиши, сўнгра унга ибодат қилиши мумкин. Раббига нималар вожиб, нималар керак эмаслигини билмаган банда уни қандай идрок эта олади ва қай шаклда унга топина олади?

2. Шариатга кўра қилиниши ва қилинмаслиги керак бўлган нарсаларни билмагунча ибодат қандай адо этилишини ва нималардан сақланиш кераклигини ҳам билиб бўлмайди. Хатто бундай билимсизлик ва ё янглиш билим, банданинг Аллоҳдан бошқасига ишониб топинишига йўл очиб қўйиши мумкин. Бундай ҳол эса

унинг ёмонликқа дуч келишига, бунинг охири ачинарли ва аччиқ бўлишига ва ўлганда имонсиз кетишига сабаб бўлади. Имонсиз кетиш икки шаклда юз беради:

1. Банда ўлим тўшагида, тамом ҳушсиз ҳолда ётаркан, ишониши зарур бўлган нарсалар борасида кишининг кўнглига шак ва шубҳалар келади ва ё инкор ҳолига тушади.

Шу ҳолдалигида Азроил руҳини олади. У шубҳа ва инкорлар, бу банда билан Аллоҳ орасида абадий бир парда бўлади ва бу парда сабаби ила Аллоҳдан доимий равишда узоқда қолади, борар жойи абадиян жаҳаннам бўлади.

2. Киши ўлим тўшагида, тамом ҳушсиз ҳолда ётаркан, унинг қалбини осий бўлиш фикр ва туйғуси, дунё шаҳватлари ёки нафсининг лаззатлари эгаллаб олади, кўнгил бу фикр ва туйғуларга тўлади. Бу ҳолда имоннинг асли йўқ бўлмайди. Лекин ўша пайтда зеҳн ва қалб булар билан машғул бўлиб қолганлиги учун Аллоҳ таолони ўйлашни тамоман унутлади. Худди шу вақтда Азроил руҳини олади. Мана қалби ва зеҳни дунё шаҳват ва лаззатларига берилган бу киши билан Аллоҳ орасида яна бир парда тортилиб қолади ва бу парда тортилган муддат давомида у азобланиб ётади. Лекин имони билан бирга кетгани учун гуноҳлари даражасида азоб кўргандан кейин парда кўтарилади ва ўзи ҳам қутулади.

Бу баёндан англашилдики, агар киши дунёдаги амалларининг охират ҳаёти билан боғлиқлигини билса ва дунёдаги ҳаётини шунга кўра кузатиб ва тузатиб борса ва Аллоҳ тайинлаган тартиблар асосига қўйса, ҳушсиз онларида бошга келган бу фалокат жарига йиқилишдан ўзини осонликча қутқариб қолади. Чунки киши соғлигида ҳар не ҳолда бўлмасин, ҳаётини қандай ишлар билан ўтказган, зеҳн ва қалбида нималар жо бўлган бўлса, ўлимида ҳам ўша ҳолда ўлади. Шунинг учун ҳам устларига Аллоҳнинг саломии ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир қутлуғ ҳадисларида бундай марҳамат қилганлар:

“Қандай яшаган бўлсангиз, шундай ўласиз. Қандай ўлган бўлсангиз, шундай ҳашир қилинасиз”.

Демак, соғлигида умрини тоат-ибодатда ва покликда ўтказиб, тўла ишонч билан яшаган кимса, ҳушсиз ҳолида ҳам шу пок ишонч ҳамроҳлигида жон таслим қилади.

Ҳақ таоло мўмин бандаларини тўрт ерда имон билан, Қуръон билан барқарор қилади: 1 – Жон таслим қилаётганда; 2 – Қабрда Мункар ва Накир фаришталарга жавоб бераётганда; 3 – Сирот кўпригидан ўтаётганда; 4 – Маҳшар кунида ҳисоб бераётганда.

Шу тўрт жойда кишининг имони унинг қутқарувчиси бўлади.

Бу изохдан шуни тушуниб оламизки, ҳар мўмин, Ҳақ таолонинг зот ва сифатлари билан феълларини билгандан кейин шариатнинг амр ва тақиқларини ҳам ўрганиб, унга кўра ҳаракат қилиши керак бўлади. Яъни, шариатнинг буюрганларини қилиш, тақиқлаган нарсаларини қилмаслик ҳар мўминнинг бурчидир. Шу сабабдан, шариатнинг амр ва тақиқлари нималигини билиш лозим. Намоз, рўза, закот ва ҳаж ибодатларини, бутун шартлари-ю одоб ва аркони билан ўрганишни вожиб қиладики, токи уларни чинакамига тўғри адо этиш мумкин бўлсин. Акс ҳолда, ибодатларида янглишлик ва бузилишлар келиб чиқадики, бундай ибодат мақбул бўлмайди. Шу сабабдан зоҳири кўринмайдиган ибодатларнинг ҳам ўрганилиши вожибдир. Булар қалбий (самимий) ибодатлар дейилади. Улар қалбнинг ишлаши ва ишламаслиги (иштирок этиши ва иштирок этмаслиги) керак бўлган ҳолатларга мувофиқ равишда иккига бўлинади. Биринчиси булардир:

1. Таваккул (банда ҳар турли тадбирни амалга оширишга киришгандан кейин қолганини Аллоҳга ҳавола қилиши).

2. Тавфиз (банданинг ҳар ишда Аллоҳга суяниши).

3. Сабр (банданинг ҳар турли бало ва фалокат қаршисида метин бўлиши).

4. Ризо (банданинг қазо ва қадар-тақдирга рози бўлиши, бўйин эгиши).

5. Ихлос (банданинг адо этаётган барча ибодатлари ёлғиз Аллоҳ учун адо қилиниши).

6. Тавба (банданинг бошқа такрорламаслик шарти билан гуноҳларидан тавба қилиши).

Чек-чегарасиз орзу-ҳавасларга берилиш, кибр (гердаиш), ҳасад, ҳирс, ғазаб каби ҳоллар бу айтилганларнинг тескарисидир.

Бу ботиний ибодатлар фарз эканлигини, яъни адо этилиши керак бўлганларни адо этиш, тақиқ қилинганлардан сақланиш кераклигини буюрган кўпгина оятлар бор. Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай буюради:

وَعَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٢٣﴾

Яъни: “Агар ҳақиқатан мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккул қилингиз” (Моида сураси, 23-оятнинг охири).

Бу оятдан таваккул ва тавфизнинг фарз бўлгани англашилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوا لِلَّهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴿١٧٢﴾

Яъни: “Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз – покиза нарсалардан енглар ва агар Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангизлар, У зотга шукр қилингиз!” (Бақара сураси, 172-оят).

Бу оятдан эса ризо фарз бўлганлиги тушунилади.

وَاصْبِرْ وَمَا صَبْرُكَ إِلَّا بِاللَّهِ وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُ فِي ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ ﴿١٢٧﴾


Яъни: “(Эй Расулим), сабр қил, сенинг сабринг Аллоҳ(нинг тавфиқиға суяниш)дан бошқа (наrsa) эмас” (Наҳл сураси, 127-оят).

وَاصْبِرْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ ﴿١١٥﴾

Яъни: “Сабр қил, зеро Аллоҳ сабр қилганларнинг ва чиройли ҳаракат қилганларнинг мукофотини зое этмас” (Худ сураси, 115-оят).

Бу икки оятдан эса сабр фарз бўлганлиги англашилади.

Бошқа бир оятда Ҳақ таолога шундай бир тавба билан тавба қилингизки, у тавба сизга ўғит берувчи ва зиё тутувчи бўлсин, дейилади, бу оятдан тавба фарз бўлгани билинади. Бошқа бир оят эса мана бундай:



Яъни: “Раббинг номини ёд эт ва ёлғиз унга берил (ихлос билан ибодат қил)” (Муззаммил сураси, 8-оят).

Бу оятдан ихлоснинг фарз бўлгани аёндир. Ушбу фарзларнинг ҳаммасини ўрнига қўйиб адо эта билмоқ учун уларнинг тескари-сидан сақланиш лозим.

Бу изоҳлардан маълум бўлдики, намоз, рўза, закот, ҳаж сингари зоҳирий (кўриниб турувчи) ибодатлар фарз бўлгани каби, таваккул, шукр, сабр, ихлос, тавба каби ботиний (кўрин-майдиган, қалбдаги, самимий) ибодатлар ҳам фарздир. Ҳар иккисини ҳам амр этган Аллоҳдир. Ҳар иккиси ҳақида инзол қилинган китоб эса биттадир. У ҳолда намоз ва рўзани фарз билиб, уларни рукнларига, шартларига риоя қилиб адо этаркан-миз, сабрни, таваккулни нима учун фарз билмайлик, ҳукм ва шартларини ўрнига қўйиб адо этмайлик ва бизга аталган фой-далар борасида ҳар доим ўйламайлик? Ҳақ таолонинг амрларини тарк этиб, кимнинг амри асосида ҳаракат қиламиз? Қуръони каримнинг ўғитлари нурдир, ҳидоятдир дегувчи илмларни тарк этайликми?

Дунё севгисини озайтиради, бемаъни ҳавасларни йўқ қила-ди, қалбларни Аллоҳ севгиси билан тўлдириб, бу қалб эгаларига тақво беради, дейдиган илмни қўйиб, вақтимизни юқорида айтилган бемаъни ишларга сарф қилайликми?

Подшоҳлар ёнида қадр-қимматимизни баланд қиладиган бир мавқега эга бўлишни истайликми ва қўлга киритган мавқе ва мартабалардан фойдаланиб, беш қўлни оғизга тиқиб, ҳаром мол орттирайликми ва шу тариқа жаҳаннам оловига ем бўлайликми? Шу ҳолни хоҳлаймизми?

Бутун оламнинг идораси қудрат қўлида бўлган Ҳақ таолога онт ичиб айтаманки, бу йўлдан озишдир. Лекин кўпчилигимиз бундан беҳабармиз. Бу ўткинчи ва хато йўлда эканлигимизни билолмаяпмиз.

Иккинчи бефарқлигимиз булардир:

Нафилалар билан ўралашиб, фарзларни тарк этамиз. Фарз-ларни тарк этиш Аллоҳга исён эканлигини била туриб, уларни

қолдирамиз ёки бефарқлик қиламиз ва нафила ибодат билан Аллоҳдан юксак даража кутамиз. Ҳолбуки, нафила ибодат фарзларнинг мажбуриятини бўйнимиздан соқит қилолмайди. Аллоҳнинг буюрганларини қолдириб, ўз билганларимизни адо этиш билан Унга яқинлашиб бўлмайди. Бундан ҳам ёмонроғи неча-неча гуноҳлар қиламиз-да, тағин уларни ибодат ҳисоблаймиз. Масалан, тул-и амал, яъни битмас-туганмас орзу-ҳавас. Ундай қиламан, бундай қиламан деган чексиз ҳаваслар кетида ҳовлиқиб юриш ғирт гуноҳдир, исёндир. Билимсизлигимиз сабабли буни яхшилик деб ўйлаймиз ва югурганимиз-югурган. Баъзан ҳатто Аллоҳга ёлвориб, илтижода бўлганимизни, унга яқинлашганимизни ё ҳамду санода бўлганимизни ва ёхуд атрофимиздаги инсонларни яхшиликка ундаганимизни ҳисоблаб юрамиз. Ҳолбуки, бу ҳаракатларимиз риё ва кўз-кўз бўлгани учун аслида исёндан бошқа нарса эмас. Яна шунга ўхшаш неча-неча гуноҳлар қиламиз ва бу гуноҳларимиз билан Аллоҳнинг азобига лойиқ бўлиб қоламиз. Зотан, биз буларни ибодат санаб, савоб олишдан умидвор бўлиб ва ҳатто уларни қилганимиздан ғурурланиб юрамиз. Мана шуларнинг ҳаммаси, яъни ибодат билан гуноҳни керагича билмаганимиз учун, не-не гуноҳ ва хатоларимизнинг фарқига бормай, сочдан тирноққача гуноҳга ботишлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Ички (қалбий) амалларнинг ташқи (зоҳирий) амаллар билан алоқалари ҳам, яъни уларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ томонлари ҳам бор. Қалбий амалларнинг баъзиси тузатувчи, баъзиси бузувчи бўлади. Масалан, ихлос фойдали амалдир. Ислоҳ қилади, тузатади. Риё ва кибр эса бузувчи амалдир. Зоҳирий амалларни бузади. Бизга вожиби шуки, буларнинг қайси бири тузатувчи, қайси бири бузувчи эканлигини билишимиз керак, бу – бизнинг зоҳирий амалларимизни ҳимоя қилишимизни осонлаштиради. Агар солиҳ амаллар бузуқликлардан тозаланмаса, банданинг бахтиёрлиги бахтсизликка айланади. Бу эса буюк йўқотишдир.

Аллоҳ шонини юксалтиргур ва устларига саломини ёғдиргур Пайғамбар ҳазратлари бир қутлуғ ҳадисларида бундай деб марҳамат қилганлар:

“Олимнинг уйқуси жоҳилнинг намозидан яхшироқдир”.

Чунки жоҳилнинг билмасдан қилган ёмонликлари яхшиликларидан кўпдир. Шу туфайлидирки, олимнинг уйқуси қўлдан бой берган ибодатини йўққа чиқармайди. Лекин жоҳилнинг намози баъзан шундай бўладики, қанчадан-қанча ибодатларини йўқ қилиб юборади. Шу боисдан ҳам мусулмон оламининг мутафаккирлари, солиҳ ва олимлари, келажакни олдиндан кўрувчи инсонлари, ибодатлари мақбул бўлишини истаганлар диний ва дунёвий илмларни ўрганишда, Аллоҳ ҳақидаги билимларини кенгайтиришда жоҳил халқдан ғайратлироқ ҳисобланадилар ва қилган ишлари диққатга лойиқ ва фойдалироқдир. Бу изоҳдан аён бўлдики, илм ва маърифат, ибодат доирасининг маркази бўлмиш топинишнинг муҳим меҳроби (бош уриладиган жойи)дир ва доимо ибодатдан олдиндадир. Шундай экан, мўминлар учун илмнинг амалдан устун тутилиши вожибдир. Илмнинг ибодатдан устунлигини кўрсатадиган иккинчи сабаб эса фойдали ва ҳақиқий илм, олимларда тақво (Аллоҳдан қўрқув ва чўчиш) туйғусини орттиради. Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай хабар берган:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

Яъни: “Аллоҳдан, бандалари орасида (чинакамига) фақат олимларгина қўрқадилар” (Фотир сураси, 28-оят).

Чунки Ҳақни билган олимлар Ундан қўрқадилар, ҳайбатидан чўчийдилар, Унинг комиллиги ва улуғлигини англайдилар. Демак, илм ва маърифат қўрқув, чўчиш ва сақланишдан пайдо бўлади ва илм соҳибини исёндан асраб, доимий тоат-ибодатга йўналтиради. Охират йўлига юзланиш – юксак истак ва сўнгги мақсад эмас. Асл мақсад ибодатларни тўқис адо этиш ва тақиқлардан сақланиш тарзида Ҳақ таолонинг ёнида, унга яқин бўлиш мартабасини қўлга киритмоқдир.

“Шариатнинг ҳар мусулмон эркак ва аёлга илм ўрганиш фарзидир, деган амрига кўра, фарз бўлган илмлар қайсилари ва улардан ўрганилиши шарт бўлган билимнинг миқдори қанча?” саволига бундай жавоб берамиз: фарз бўлган ва ҳар кимга ибодат учун лузумли – зарур бўлган билимни берувчи илмлар учтадир:

1. Тавҳид илми (Аллоҳнинг бирлигини ва бутун коинотнинг ягона ҳокими эканлигини билдирувчи илм).

2. Сир илми (ботинни, қалбга оид ибодатларни билдирувчи илм).

3. Шариат илми.

“Булар қай миқдорда ўрганилиши керак?” деган саволга жавоб қуйидагичадир:

1. Тавҳид илмидан эътиқодга оид жиҳатларни биладиган даражада ўрганиш фарзи айнди. Шунини пишиқ-пухта ўрганишнинг лозимки: Аллоҳ бирдир, ўртоғи ва ўхшаши йўқдир, ўлимсиздир; ҳар нарсани билади, қудрати чексиздир, кучи ҳар нарсага етади; гаплашади, эштади ва кўради, бошланиши ва охири йўқдир; камол сифатлари билан сифатлангандир, нуқсондан холидир, йўқ бўлишдан узоқдир. Бутун борлиқларни яратган Удир. Устига Аллоҳ саломии ёғилгур Муҳаммад ҳазратлари Унинг кули (бандаси) ва Расулидир (элчисидир). Аллоҳдан неки келган бўлса ва Расули уни келтирган бўлса, бари ҳақдир ва тўғридир.

Тавҳиднинг асослари шу биз айтган диний ишончларнинг жами барча далиллари ила Қуръонда бордир. Ислом оламида чикқан буюк олимлар ҳам ёзган китобларида буларни батафсил шарҳлаганлар. Калом китобларида ва суннатда (яъни Қуръон ҳақидаги китобларда ва ҳадисларда) йўқ нарсалардан сақланиш лозим. Қуръон ва ҳадисларда бўлмаган масалаларни динга киритган бидъат аҳлидан ўзингни торт. Чунки улар тўсиқлардир ва таҳликалидир. Шу ҳолда истиқболда лозим бўладиган ва сени таҳликалардан сақлай оладиган эътиқодий масалаларни ўрганишинг фарздир.

2. Сир илмидан қалбингда адо этилиши ва адо этилмаслиги лозим бўлган ботиний ибодатларни билиб олишинг лозим. Чунки фақат шу йўлда Аллоҳ ёдга олинса, Унга тоат-ибодатда бўлинса, ибодат тоза қалб билан ва ихлос билан адо этилса, мақсад амалга оширилган бўлади. Шу боис бу илмни ҳам билиш фарздир. Чунки ибодат буларсиз мақбул бўлмайди. Буларни ушбу китобда кенг миқёсда тушунтириб берамиз.

3. Шариат илмидан ҳам ҳар мўмин учун таҳорат, намоз, рўза каби лузумли нарсаларни ўрганиш фарзи айнди. Лекин закот,

ҳаж, жиҳод каби ибодатлар агар сенинг зимманга юкланган бўлса, сен учун фарзи айнди. Юкланмаган бўлса, ўрганишинг вожибдир.

Яна хаёлга бундай савол келиб қолиши ҳам мумкин:

“Бутун имонсизларнинг дамини ичига туширадиган, бутун миллатларни Ислом жамиятига қўшадиган, Исломга терс бидъат мазҳабларнинг ҳаммасини суннат мазҳабига айлантирадиган даражада тавҳид илмини ўрганишимиз бизга фарзми?” Бунга биз “йўқ” деб жавоб берамиз. Жамият ичида бундай илмий кучга эга бир қанча кишининг бўлиши билан бошқаларнинг зиммасидан бу масъулият олиб ташланади. Бизнинг ишончимизни тузатадиган ва ибодатимизни нуқсонсиз адо этадиган даражада билимни эгаллаш бизга фарздир, ортиғига зарурат йўқ. Яъни: тавҳид илмини тафсилотлари, барча нозикликлари билан ва бутун эътиқодий масалаларни бутун миқёслари ила ўрганиш бизга фарзи айн эмас. Лекин бизда шубҳа уйғотувчи ва ишончимизни сусайтирувчи масалаларни ҳал қилишга ярайдиган билимларни ўрганишимиз фарзи айнди. Ортиғига зарурат йўқ. Ҳатто ўз ҳолида қолдирган яхшидир. Чунки зарар келтириши мумкин. Диний масалаларда ортиқча диққатни жалб қилиб, баҳс ва тортишувларга киришганларнинг баъзилари йўлдан тойганлиги, баъзилари рофизий, баъзилари муътазила бўлганини кўрмайпсизми? Ҳатто имом Юсуф ҳазратларига кўра, керагидан ортиқ тортишувлар имомлар учун ҳам жоиз эмасдир.

Фақат комил ишонч билан шуни айта оламанки: агар ҳар шаҳарда суннат аҳли олимларидан бир олим бўлса, мусулмонларнинг диний шубҳаларини ҳал қилса, қалбларини бузуқ ишончлардан ҳимоя қилолса, исломиятга тескари ишонч эгаларининг дамини ўчирса ва халқни бу бидъат аҳлининг қутқуларидан халос эта олса, бошқа мўминларда бу фарзга бутунлай эҳтиёж қолмасди.

Шунингдек, сир (ботиний) илмидан ҳам, қалбларнинг ғариб ҳолларини ва бутун нозикликларини билиш фарз эмас. Фақат амални бузадиган кибр, риё, ҳирс кабиларни, ибодатга ёрдамчи бўладиган таваккул, сабр, ихлос, шукр каби ҳолларни ўрганиш етарлидир.

Фикҳ (шаръий) илмларининг ҳам барча тафсилотларини билиш фарзи айн эмас. Ибодат билан алоқадор қисмларини ўрганиш етарлидир.

Яна: “Тавҳид илмидан зиммамизда фарз бўлган миқдорни ўрганиш етарлими ва киши ўз-ўзича буларни ўргана оладими?” деган саволга бу жавобни берамиз:

Ҳақиқий муаллимнинг Ҳақ таолодир. Истаган бандасига тўғридан-тўғри илҳом йўли орқали ёки бир ўқитувчи воситаси билан ўрганишини таъмин этади. Лекин бир ўқитувчидан ўрганганинг қулайроқдир.

Илмнинг бу тури мақсадга тезроқ етказди. Фақат бу йўл ўтилиши қийин, унинг қийноқлари кўп ва қўрқинчли томонлари хаддан зиёдадир. Шу сабабдан қанчадан-қанча одамлар илм йўлидан четлашиб кетадилар ва хато йўлларда тушиб қоладилар, қанча-қанчалари йўлда қолиб, чўлда шубҳа-гумонларга дучор бўладилар. Қанчалари эса оз вақт ичида бу йўлдаги қўналғалардан бир-бир ўтадилар ва мурод-мақсадларига етадилар. Булар бари Энг Буюк Билувчи Аллоҳнинг тақдирига, амр ва иродасига боғлиқдир.

Илмнинг фойдаларини ва ибодат соҳасидаги муҳим гапларни юқорида айтиб ўтдик. Лекин тавҳид илми билан ва сир илми ила бандани Аллоҳга яқинлаштирганда, қалбга қўрқув ва сесканиш тушиши фойдали. Холис – пок ният билан ибодатнинг ижобларини ўргатиш ва хатоларни тузатишда бу бошқаларидан фойдалироқ ва фазилатлари кўпроқдир.

Бир маҳал Ҳақ таоло Довуд (алайҳиссалом)га ваҳий йўли билан “фойдали илмни ўрган” амрини берганида, Довуд (алайҳиссалом): “Эй Раббим, фойдали илм қайсиниси?” – дея сўради. Ҳақ таоло: “Бу – менинг улуғлигимни, ҳар қандай нуқсонлардан поклигимни, ҳар нарсада ва коинотнинг ҳар заррасида қудратим ва иродаминг камолини билдирувчи илмдир. Бу илм сени менга яқинлаштиради”, деб марҳамат қилди.

Аллоҳ рози бўлгур Али ҳазратлари ҳам: “Мен болалигимда Раббимни билмасдан ўлиб, жаннатга кирсайдим – севинмасдим. Чунки Ҳақ таолони билган кишининг қўрқуви зиёда бўлади. Раббига ибодати қусурсиз ва кўп бўлади; халққа хайрли ўғитлари

мўл бўлади; агар мен болаликда ўлсайдим, гарчи жаннатга кирсам-да, ҳар қалай, бу бахтиёрликка эришолмасдим”, деб марҳамат қилган.

Илм ўрганишда қийинчилик жуда кўплигининг сабаби: илм таҳсили – дунёдан ва одамлардан узилмагунча мумкин бўлмайди. Дунёнинг орзу-ҳавасларидан тамоман воз кечилмагунча ва етук мужоҳада билан ишлаб, кўнгил ойнасининг зангини сидириб, уни жилолатиб, ёлғиз ва озод ҳолда олам билан алоқага киришилмагунча, ашённинг ҳақиқий шакллари қалб ойнасига акс солмайди ва илм қуёшининг нурлари бу деразадан кириб, кўнгил чумчуғини яйратолмайди.

Илм йўлидаги энг катта қийинчилик шу: илм таҳсил қилувчиларнинг аксарияти, ўз ўртоқларидан устун бўлишни ва давлат томонидан қўлланишни мақсад қилиб, ҳукумат катталарига мурожаат этиб ва уларга хизмат қилиб, нозарур ишлар билан машғул бўлиб, уларнинг маъносиз ва шариатга хилоф амрларини китобларга мослаштириб талқин қиладилар.

Фойда кетига тушиб, амри маъруф ва наҳйи мункарни тарк этадилар. Тўғри гапни айтмайдилар, мавқеларини йўқотишдан қўрқадилар. Булар шундай инсонлардирки, турли амалларни машаққат чекиб, ўзларини ҳар томонга уриб қўлга киритган бўладилар. Дунёвий орзу-ҳаваслари устун келиб, бунга илмий тус беришга ҳаракат қиладилар. Динларини дунёга сотадилар ва охир-оқибатда бу тижоратларидан зиён кўриб чиқадиладар. Бундай илмдан сақланиш лозимдир. Шу сабабли устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай деб марҳамат қилгандилар:

“Аллоҳ, бизни фойдасиз илмдан асра, бизга фойдаси бўлмаган илмнинг гуноҳларидан Ўзингга сиғинаман...”

Боязид Бистомий ҳазратлари ҳам:

“Мен ўттиз йил ишладим, йўлдан озганлар билан курашдим, илм таҳсилидаги қийинчилик ва таҳлиқани ҳамма нарсадан устун кўрдим”, деган эди.

Энди, эй азиз, Худо кўрсатмасин, агар шайтон сени йўлдан уриб, илм олаётганингда дунё учун “шу ишни қил”, дея қалбингга васваса солса, “Аллоҳ, ўзингга сиғинаман” деб бу васвасани

қалбингдан суғуриб от! Агар бундай қилолмасанг, илм таҳсилидан воз кеч! Ибодатга фойдали бўладиган даражада илм ўрганиш билан кифоялан. Тўғри, илм билан дунёда мол ва мансабни қўлга кирита оласан. Лекин охиратда жаҳаннам оловига ўтин бўлишинг мумкин.

Бу шарҳлардан шуни билиб олдикки, илм олмаганлар ибодатнинг керакли шартларини осонлик билан ўрнига қўёлмайдилар. Агар бир киши барча фаришталар қилган ибодатлари даражасида ибодат қилса ҳам, илмсиз бўлгани тақдирда, бу ибодатининг унга ҳеч бир фойдаси бўлмайди, бекорга чарчагани қолади. Шундай бўлгач, ҳар бир мусулмон диққат билан ва бутун ҳаёлини жамлаб илм ўрганиши вожибдир. Айни замонда ўрганганларини назорат қилиб бориши керак. Ўзтиқодий масалаларга асосланиб, далиллари билан бирга ёдлаб, таҳсил ҳаётида бўшанглик қилмай, амал пайтларида эснамай ва танбаллик кўрсатмай, огоҳлик билан қатор қийинчиликларга қаршилик қилса, йўлдан адаштирувчи чуқурларга йиқилиб, шайтонларга қўшилиб қолиш ва охиратини йўқотиш фалокатидан қутулади. Бу изоҳлардан кейин қисқача қилиб яна ушбу гапларни қулоққа қуйишни лозим топдим:

а – Коинотга ва коинот ичидаги сон-саноксиз санъат асарларига диққатли бир назар билан қараган ва улар ҳақида нозикдан-нозик ҳаёлларга толган онингда бу оламнинг муҳаққақ бир Яратувчиси борлигини, Унинг ўлимсиз, олим (ҳар нарсани биладиган), ҳар нарсага қодир, ирода соҳиби, сўйлайдиган-эштадиган-кўрадиган, бошланғичи ва сўнги бўлмаган, камол сифатлари билан васфланган, бутун нуқсонлардан пок, жисмдан, замон ва макондан, жиҳатлардан узоқ, тенги, шериги ва ўхшаши бўлмаган ягона бир Аллоҳнинг борлигини идрок этасан.

б – Устларига Аллоҳнинг саломии ёғилгур Муҳаммад ҳазратларининг кўрсатган мўъжизаларига ва нубуввати (пайғамбарлик, элчилик)нинг асарларига маҳлиё бўлган пайтларингда унинг Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканлигига ва ул зот охиратдан ҳар не хабар берган бўлса, ҳашр, қайта тирилиш, қабр азоби, Мункар ва Накирнинг қабрдаги сўроқлари, амалларнинг тарозидан тортилиши, сирот кўпригидан ўтиш ва шуларга ўхшаш не-

лар сўйлаган бўлса, ҳақ ва тўғри эканлигига ишондим, имон келтирдим, дейсан.

в – Аҳли суннат ва жамоат ҳолларига боқсанг ва уларнинг диний соҳадаги машаққат билан қўлга киритган илмларини ўргансанг, берган хабарларининг жами тўғрилигига шубҳасиз ишонасан. Масалан: Ҳақ таоло охиратда васфий камчиликсиз ва нуқсонсиз, яъни пок ўлароқ жаннат аҳлига кўринажакдир. Қуръон Аллоҳнинг Каломидир, яратилмагандир, ҳарфлардан, садолардан иборат эмасдир. Малакут (фаришталар ва руҳлар) оламида ҳар неки воқе бўлса, ҳатто қалбларда туғилган, кўзларни қамаштирган неки бор бўлса, ҳаммаси Аллоҳнинг қазо ва қадари (тақдири), амр ва иродаси билан вужудга келади.

Яхши ва ёмон, фойда ва зарар, имон ва куфр – ҳаммаси Аллоҳдандир, Ҳақ таоло учун ҳеч бир нарса вожиб эмасдир.

Савоб берса – фазилатидан, азоб берса – адолатидандир.

Буларнинг бари бидъат аҳли ўртага чиқмасдан аввал аҳли суннат томонидан собит ҳолга келтирилган асослардир. Куйида буни янада кенгроқ тушунтираман.

г – Зоҳирий (кўринувчи) амаллардан вожиб бўлганларининг ҳаммасини ўрганганингдан кейин таҳорат, намоз, рўза ва шуларга ўхшаш неники билсанг, жамини шариатнинг маълум амрларига кўра адо этасан, шунда, муҳаққақки, Аллоҳ сенинг зиммангга юклаган ва фарз қилган барча амалларни камчиликсиз ўрнига қўйган бўласан.

Шу тариқа ҳам олим, ҳам омил (амал қилувчи) бўласан ва Муҳаммад умматининг олимлари ичида ҳурмат топасан. Билимсизликдан, ғафлат ва тақлиддан йироқ эканинг ва илмнинг омили бўлганинг учун катта савобларга эришасан, халқнинг ва Холиқ (Яратувчи)нинг ёнида қадр-қимматинг юксак бўлади. Шундай қилиб ва Аллоҳнинг мадади билан илмнинг бу машаққатли ва азобли кечигидан ўтган бўласан.

Ҳақ таолога ёлворишларимиз мадад бериб, бизга ҳам фойдали илм эгаси бўлишни ҳамда хайрли амаллар қилишни насиб ва муяссар айласин. Омин.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ТАВБА

Эй тоат-ибодатни хоҳловчи киши, ҳақ йўлини, тўғри йўлни билгандан кейин барча гуноҳлардан ҳам тавба қилишинг лозим. Чунки гуноҳларнинг шумлиги-хосиятсизлиги имондан маҳрум ва илоҳий мададдан йироқда қолишга сабаб бўлади ва улар кучли бир маъсият (итоатсизлик) боғичларидир. Итоатсизлик эса жуда оғир юкдир. Эгасини, хайрли ишлар қилишни яхши кўриб, Аллоҳнинг амрларини адо этишдан қайтаради. Аллоҳга юзланмоқ учун бу юк озая бориши керак бўлади. Гуноҳ амаллар қилишдан сақланмаслик ва гуноҳ қилишда давом этиш қалбга маъюслик беради ва ҳайратга солиб, уни қорайтиради, ғам-қайғуга тўлдиради.

Қалбни бу гуноҳдан поклаб қутқармагунча тоатда лаззат, итоатда маза бўлмайди. Ҳатто шундай пайтлар бўладикки, Худо асрасин, эгасини кофирликка етаклаб кетади. Қалби гуноҳларнинг ғам-қайғуси билан, ёмонликлари билан кирланган ва қорайганлар тоат-ибодатга осонлик билан йўл топа олмайдилар. Аллоҳнинг буйруқларига қарама-қарши иш юритувчи бунга ўхшаш кишиларни ахир қандай қилиб ҳақ йўлга чақира оласан? Ичи ифлосликлар билан тўлганларни қай йўл билан Ҳақ таолога ёлворишга даъват эта оласан?

Шунинг учун устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур хожамиз Пайғамбар ҳазратлари бундай деб марҳамат қилганлар:

“Ёлғон сўзлаган бир кимсанинг оғзидан чиқаётган сўзнинг қўланса ҳидидан яхшиликларни ёзишга масъул бўлган фаришталар қочадилар”.

Бундай кимса тилига Аллоҳнинг зикри ҳам ярашмайди. Бундан шу нарсани англаймизки, тавба қилмаган гуноҳкорлар маъсият (итоатсизлик)нинг беҳосиятлиги сабабидан ибодат ва унинг шартларини кўнгилдагидай адо этиш қулайлигини қўлга

киритолмайдилар. Ҳатто бунга эришсалар ҳам ибодатдан лаззат ололмайдилар, қалбларини поклаёлмайдилар. Кечалари туриб намоз ўқиёлмайдилар, кундузи рўза тутишга азм этолмайдилар. Уларнинг бундай кучга эришиш-эришмасликлари тавба қилишларига боғлиқдир. **Зотан фақат тавбага келиш билан ибодат қилувчиларнинг тоатлари қабул этилмайди. Чунки улар қарздор кимсалардир. Зора қарз берган кимса оладиганидан воз кечса, бахшида қилиб юборса, деган умид билан қарз олган кимса қарз берган кимсага кичикроқ бир ҳадя берганда қарз берган кимса бу ҳадяни қабул этмагани ва оладиганидан воз кечмагани каби.** Бу ҳолатдан қутулишни истаган айбдор учун ўз айби орқасида бўйнига тушган гуноҳдан, ёмонликларидан тавба қилиш ва **ҳақларига тажовуз этган кишиларининг розилигини олиш қандай фарз бўлса, гуноҳкор бўлган банданинг ҳам тавба келтириш ва Аллоҳнинг розилигини олиш учун адо этган ибодатларининг аксарияти нафила бўлади. Худди асл қарз тўланмасдан берилган ҳадя қабул қилинмагани каби.** Шундай бўлгач, ҳаром ишлар қилишда туриб олган киши гуноҳларини эътироф этмагунча, бўйнини эгиб, узр айтиб, тавба ва истиғфорда бўлмагунча Аллоҳнинг унга ғазабини, аччиғини сусайтиролмайди. Фақат шундай қилгандан кейингина Ҳақ таолонинг розилигини олади ва ўшанда Рабби учун қилган хизмати, тоат-ибодати қабул бўлади.

“Ажабо, тавба нима ўзи? Аркон ва шартлари нималардан иборат? Насух тавба нима дегани? Буларни билиб олайлик-да, шунга кўра тавба қилиб, гуноҳларимиздан фориғ бўлайлик”, деган саволга жавобимиз қуйидагича:

Тавба кишини Аллоҳдан узоқлаштирадиган йўлдан қайтиш ва Унга яқинлаштирадиган йўлга қараб юришдир. Бу эса уч шартга боғлиқ:

1. Маъсият, гуноҳкорлик банда ила Аллоҳ орасида қалин бир парда тутиб қўйганини билиш керак бўлади.
2. Банда гуноҳи борлиги сабабли севгилисидан узоқлашганидан маъюслик ва пушаймонлик ҳис қилиши лозим.
3. Тавба қилишга бутун борлиғи билан ва қийналиб интилиши даркор.

Бу эса иккига бўлинади:

1. Гуноҳ ишга қўл уришдан ўз хоҳиши билан воз кечиш ва умрининг охиригача бу ҳолини асрашга тўла самимият билан ният қилиш.

2. Дунёда қанча яшаса, шунча вақт давомида гуноҳга сабабчи бўлган амалларининг оқибатидан қутулиш учун интилишга азму қарор қилиш.

Дин алломаларининг бир қисми гуноҳ қилмасликка азм этишни тавба дейишади. Бошқа бир қисми эса қилинган гуноҳлардан пушаймонлик ҳис қилишни тавба деб билади. Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам:

«Пушаймонлик ҳис қилиш тавбадир» деган қутлуғ ҳадислари билан бу кейинги қарашни маъқуллаганлар.

Бу изоҳлардан аён бўлиб турибдики, қилган гуноҳларидан пушаймонлик ҳис этгани ё этмагани учун умрининг охиригача гуноҳ қилишни тарк этажигига азм билан ният қилмаган ва ўз хоҳиши билан такрор гуноҳга берилиш эҳтимолига йўл қўйган ҳолда ҳеч бир гуноҳ қилмаган киши гуноҳларини тарк этган дейилмайди, ҳақиқий тавбакор аталмайди. Шунингдек, умри бўйи ҳеч бир гуноҳ қилмаган ва бундай бир нарсани хотиридан ҳам ўтказмаган киши муттақийи тоиб (Аллоҳдан кўрқиб, чекинган ҳолда тавба қилган) дейилади. Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам куфрга қарши тавба қилганларни муттақий дейдилар. Чунки у умри давомида кичик бир гуноҳ ҳам қилмаган. Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратлари бунинг куфрдан тавба қилган дейилишини айтган.

Яхши, шундай бир савол берилса: «Жуда қари бир одам бор, кўнглида зино қилган, гоҳо йўл тўсиб, инсонларни пичоқлаган. Лекин энди буларнинг ҳеч бирига кучи етмагани учун тавба қилмаса, тавбаси қабул бўладими?» Жавоб: «Шубҳасиз, қабул бўлади. Чунки тавба эшиги ҳар вақт очик. Гарчи қария бу гуноҳларни қилишга кучи етмагани учун тавба қилгани мумкин эмас. Лекин бунга қарши бериладиган жавоб мана қандай: Тавба қилиш демак, қилган гуноҳининг ёмонлигини тасвир этиш ва хоҳи уни, хоҳи шунга ўхшаш гуноҳни қилмасликка

азм этишдир. Кўринишда ўхшаш бўлиши шарт эмас. Ёлғиз маънода ўхшаши бўлса бас. Ҳа, бу қариянинг зино қилишга ва йўл тўсиб одам пичоқлашга кучи етмайди. Лекин буларга ўхшаган ёлғон сўзлаш, бўҳтон қилиш, ғийбат бошлаш каби гуноҳларни қилиши мумкинки, булар ҳам зино ва йўлтўсарлик каби гуноҳкорликдир. Гарчи даражалари бидъатдан пастроқдир. Фақат мужтаҳидларга кўра, ўхшаш гуноҳлар каби бирор гуноҳдир. Бу изоҳдан кейин айта оламизки: бир киши қилган гуноҳлари борасида пушаймонлик туйса ва бундан буён на уларни на-да моддий ва маънавий жиҳатдан уларга ўхшаганларини қатъиян қилмасликка ният билдириб, ич-ичидан тавба этса, унинг ботилаги Аллоҳнинг изни билан қабул бўлади.

Тавба қилинг. Фақат Аллоҳнинг Улуғлигини эсга олиш, аччи азобидан сақланиш эмас, балки дунё манфаатларини қўлга киритиш, мавқе ва мансабга эришиш ёхуд халқдан қўрққан ё камбағалликдан қутулиш ва ё у гуноҳни қилишга кучи етмагани учунгина тавба қилган бўлса, тавбаси мақбул эмасдир. Мана шу санаганларимиз ҳақиқий тавбанинг шартларидир. Ана шу арконлар (асослар) ва шартлар ичида қилинган тавба Аллоҳнинг ёрдами билан қабул этилади.

Ажабо, гуноҳкорни тавба қилишга мажбурлаган сабаблар нима экан? – деган саволнинг жавоби қуйидагилардир:

а – Гуноҳ қилганларнинг айблари вужудга келтирадиган оқибатларнинг кўз ўнгида жонлантирилиши.

б – Гуноҳлари сабабли Ҳақ таоло қаршисида нақадар катта азоб ва қайғу қийноқлари ичида туражагини ўйлаши.

в – Бу шиддатли ва аччиқ азобга чидолмаслигини ўйлаб қўйиши.

Дунёдалигида қуёшнинг иссиғига, бир босқинчининг муштарига, ҳатто бир чумолининг чақишига чидаёлмаган инсон зот жаҳаннамнинг шиддатли оташига, забонийларнинг қийновларига, оловдан яратилган, туя бўйни йўғонлигидаги илонларнинг хужумларига, хачирдай катта-катта чаёнларнинг чақиши қандай чидай олишини ўйлаган вақтида безовталиқдан кеч кундуз ухлаёлмайди, унинг бу чўчишлари ва хавотирлари ўзини насух тавбага мажбурлайди ва охиратдаги бу аччиқ ҳаёти

ўйлаб кўз ўнгига келтираркан, уни қамраб олган даҳшат тавба қилдиради.

Насух тавба нима дегани?

Жавоб:

То умрининг охиригача тавбасида туришига ва ҳеч бир тарзда бу сўзидан қайтмаяжигига азм қилган кишининг тавбаси насух тавба дейилади.

Кимда-ким: “Пайғамбар ҳазратлари ўз қутлуг ҳадисида:

«Қилинган гуноҳлардан пушаймонлик ҳис қилиш тавбадир», деб марҳамат қилганлар, тавбанинг асослари ва шартлари бора-сида баҳс буюрмаганлар, нима учун сиз бу борада бир қатор асослар ва шартларни илгари суряпсиз?” – дея савол берса, унга жавобимиз бундай бўлади:

Тавба ихтиёрийдир. Кишининг хоҳишига боғлиқдир. Айни замонда қилиниши амр этилган бир вазифа сингаридир. Холбуки, пушаймонлик баъзан хоҳишга боғлиқ бўлмаган ҳолда тўсатдан бўлиши мумкин. Яъни, тавбада истак ва орзу ҳоким. Пушаймонликда эса бу ҳокимият йўқ. Мол-дунёсини йўқотишдан, мансабидан айрилишдан қўрқиб, уларни жон-жаҳди билан авайлаган ҳолда пушаймонлик ҳис қилиш тавба саналмайди. Мутлақ надоматнинг тавба саналиши учун юқорида айтилган шартлари ичидан зарурий бўлиб ҳис қилиниши ва хоҳиш билан юз бериши лозимдир. Ана шундай пушаймонлик, Ҳақ таолонинг буюклигини ёдда тутиш, Унинг азобидан қутулиш марҳаматини сўраб, ризосини қозониш мақсади билан ичидан ҳис қилинган ва Аллоҳ сири учун бўлган пушаймонлик тавбадир. Шу боисдан ҳам Пайғамбар ҳазратлари тавбанинг барча шу шартларини ташиган пушаймонликка ишорат қилганлар.

Ҳақ таоло Куръони каримида бундай амр этгандир:

تُوبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا

Яъни: «Аллоҳга насух тавбаси билан (чин кўнгилдан, холис) тавба қилинглар!» (Таҳрим сураси, 8-оятдан).

“Ажабо, бу илоҳий амрга кўра, катта ё кичик гуноҳ қилмаган кимса бормикан? Аллоҳнинг энг олий бандалари бўлган пайғамбарлар ҳам гуноҳ қилган-қилмаганликлари борасида дин олимлари орасида ихтилоф бор. Бу аҳволда, яъни ҳатто пайғамбарлар ҳам хато қилишлари мумкин экан, бошқа инсонларга ҳеч бир гуноҳ қилманглар, деган таклифда бўлиш тўғримики, ажабо, бунга инсоннинг кучи етармикан ва бундай таклиф қилсак, бир оз мантиқсиз бўлмасмикан?”

Биз бундай саволга қарши шундай жавоб берамиз: Асос эътибори билан ҳеч гуноҳ қилмасликдай бир нарсани ўйлашнинг ўзи ҳам имконсиздай кўринади. Бу Хақ таолонинг бандасига бўлган лутфи ва инояти ила мумкин бўлади. Лекин таклифда инсоннинг кучи етадиганидан ортиқ нарса йўқ. Аллоҳнинг ёрдами бўлгандан кейин ҳеч гуноҳ қилмаслик мумкин.

Асосан тавбанинг шарти будир: Билатуриб гуноҳ қилмаслик. Янглишиб қилинган гуноҳ кечирилади. Бу ҳол тавба амрини адо этишга тўсқинлик қилмаслиги керак. Тавба қилганлар қасдан – билатуриб гуноҳ қилсалар, кетидан дарҳол тавба қилишлари керак. Чунки тавба эшиги бекилмайди. Тавба қилайми-қилмайми, тавбам қабул бўладими-бўлмайдами? дея ўйламаслик керак. Тавба қилма, барибир қабул бўлмаслиги мумкин, деган гаплар шайтон берадиган васвасалардир. Тавбадан кейин яна гуноҳ қилмаслигини била оласанми? Тавбали бўлган пайтингда мабодо вафот этиб қолсанг, тавбали ҳолда кетасан. Тавбадан сўнгра такрор гуноҳ қилишинг мумкинлигини қабул қилган тақдирда ҳам тавбанинг сенга қандай зарари бўлиши мумкин? Тавба қилишинг билан олдин қилган гуноҳларинг кечирилса-ю, фақат охиргиси қолса, бу ҳам сенинг ютуғинг эмасми? Агар шайтоннинг васвасалари тавба қилишингга тўсқинлик қилса, бу ютуқдан қуруқ қоласан.

Бу изохдан билиб олдикки, тавбадан воз кечиш ҳеч қачон жоиз эмас. Фақатгина тавба чин кўнгилдан бўлиши лозим. Юракдан, самимий бўлмаган тавбанинг фойдаси йўқ. Худди бу, бўз оқартирувчилар тили билан айтганда, бўзни оқартирдим деган

билан бўз оқариб қолармиди? Ёки, бошқача айтганда, ҳолва деган билан оғиз чучирмиди?

Гуноҳ уч турлидир:

1 – Намоз, рўза, закотдай фарзларнинг бажарилмаслиги.

То ҳаёт экансан, буларнинг оқибатидан қутулиш учун уларнинг қазоларини адо этишинг лозимдир.

2 – Банда билан Аллоҳ орасидаги ҳуқуқдан туғилган гуноҳлардир. Ичкилик ичиш, қимор ўйнаш каби... булардан қутулиш учун ҳам аввалги гуноҳларга ва бирор ҳолда қилинган гуноҳларга ич-ичдан ҳис қилиб, қатъият билан дарҳол тавба қилиш керак.

3 – Инсонларнинг ҳақларига дахлдор гуноҳлардирки, булардан қутулиш юқоридагиларга қараганда анча қийинроқдир.

Бу ҳам турличадир. Масалан:

а) – Жонга, жинсга, номусга ва динга тааллуқли бўлади. Бировнинг молини тортиб олган бўлсанг, дарҳол эгасига қайтариб беришинг ёки унинг билан ҳалоллашишинг керак. Агар эгасини тополмасанг ва ё у ўлган бўлса, унинг номига садақа беришинг лозим. Агар камбағаллик сабаби ила бу молни қайтариб беришга ёки садақа қилишга кучинг етмаса, қиёмат кунида ҳақ эгасининг розилиги олиниб, афв этилишинг учун Аллоҳга ёлборишинг керак.

б) – Гийбат (орқадан гап-сўз қилиш), бўҳтон, сўкиш каби гуноҳлардан қутулиш учун ҳақдорнинг олдида ўзингни ёлғончи қилишинг ва ундан ҳалоллик сўрашинг лозим. Агар бундай қилганинг тақдирда балога қолишдан ва у одамдан зарар кўришингдан қўрқсанг, ҳақдор номига камбағалларга яхшилик қил ва кечирилишинг учун Аллоҳга ёлвор.

в) – Агар бировнинг жонига суиқасд қилган бўлсанг, ўлдирган ёки яралаган бўлсанг, товон бериб, ўлдирган одамнинг ёр-биродарларининг кўнглини ол, ҳалоллаш. Бундай қилмаганинг тақдирда қиёмат кунида ҳақдорнинг розилигини олиб афв этилишинг учун Ҳақ таолога ёлвор.

г) – Агар бировнинг жинси ва номусига тажовуз этган, шайқасига ва болаларига хиёнат қилган бўлсанг ҳам, ҳақдорнинг

розилигини олиб, кечирилишинг учун Аллоҳга илтижо қилишинг керак. Янада каттароқ фалокатларга дуч келмаслигингга амин бўлсанг, ҳақдор билан ҳалоллашишинг лозим.

д) – Агар бир мўмин-мусулмонга: кофирсан, мунофиксан, бидъатчисан каби сўзлар билан диний туйғуларини задалаган, таҳқир этиб инжитган бўлсанг, дарҳол узр сўрашинг ва афв этилишинг учун ҳалоллашишинг даркор. Агар бу мумкин бўлмаса, пушаймонлик ҳис қилиб, кечирилишинг учун Ҳақ таолога ёлворишинг керак бўлади.

Изоҳларнинг қисқача хулосаси

Бутун бу тушунтиришларнинг қисқача хулосаси будир:

Хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, бировнинг ҳақиға тажовуз қилган бўлсанг, аввало, ўша одам билан ҳалоллашиш чораларини қидир. Бунга имкон тополмасанг, ўша тажовуз қилган одаминг, сендан ҳақдор шахс номига атаб фақирларга садақа бер ва қиёмат кунида даъвогар бўлишларини ўнгламоқ учун Аллоҳга ёлвор. Бу ёлворишларинг самимий ва сезиларли эса, афв қилинишинг эҳтимоли кучли бўлади. Қолгани Аллоҳга ҳаволадир.

Ана шу айтилганлар тарзида тавба қилсанг, қалбингни бутун гуноҳлардан аритсанг ва умрингнинг сўнгигача тавба ифодалаган сўзингда турсанг, Аллоҳнинг лутфи ва иноятлари ила барча гуноҳу маъсиятларингдан қутуласан.

ГУНОҲНИНГ МОҲИЯТИ

Гуноҳ Ҳақ таолонинг амрларига қарши ҳаракат қилиш демакдир. Бундай қарши ҳаракат асосида инсонга хос тўрт сифат ётади:


1 – Рубубият (илоҳийлик) сифати.

2 – Шайтоний (айёрлик, умидсизлик) сифати.

3 – Йиртқичлик (ҳайвонга хос) сифати.

4 – Васваса (бу ҳам ҳайвоний) сифати.

Ушбу сифатларнинг ҳар бири бирор турдаги гуноҳга сабаб бўлади. Бу сифатларни эшитган-билган ҳикматлари асосида ту-



затмаганлар, уларни мувозанат билан ўртача шаклда қўллай олмаганлар имондан айрилиб, бузуқлик жарига йиқиладилар. Инсонда бу тўрт сифат бўлишининг сабаби унинг тўрт аралаш унсурдан яралганлигидандир. Ҳар унсур ўзига мос хусусиятини намоён этади.

1. Рубубият сифатида шу хусусиятлар бўлади: мақтанчоқлик, такаббурлик, яхши кўриш, азиз бўлиш, бойлик, мансаб ва боқий қолиш иштиёқи каби бир қатор катта гуноҳларга сабаб бўладиган хусусиятлар.

2. Шайтоний сифат: хасислик, алдоқчилик, ҳийлакорлик, зулм, босқинчилик, фасод (ўртани бузувчилик) ва имондан айрилиш-бузуқлик каби сифатлардир.

3. Йиртқичлик сифати: ғазабланиш ва кўпириш, кин ва ўчиш, уруш-жанжал ва сўқиниш, ўлдириш ва дабдала қилиш каби сифатлардир.

4. Васваса сифати: ҳирс, шахват, ўғрилиқ, ҳаром ейиш ва мол гўплаш кабилар...

Бу сифатлар бараварига эмас, галма-галига, бадан ва руҳнинг ҳолатига кўра аста-секин ўртага чиқади. Энг аввал ваҳм-васвасали ҳайвоний сифатлар ўзини кўрсатади. Кейин рубубият сифатлари устун ҳолга ўтади. Булардан кейин шайтоний сифатлар ўртага чиқади. Сўнггра йиртқичлик сифати ҳужумга ўтади. Сўнггра рубубият сифати илгарилар бошлайди. Бу сифатлар аниқ-таниқ шакл касб этаётганда инсоннинг аъзоларига дахл қилишга ўтади.

Баъзиси қалбга боради: куфр, бидъат, фасод, кин, қизғанчиқлик каби.

Баъзиси кўз ва қулоққа боради: номаҳрамга боқиш, ахлоқ бузувчи қўшиқ ва чолғуларни тинглаш каби...

Баъзиси тилга боради: ёлғон гапириш, сўқиниш, ғийбат, бўҳтон сингарилар...

Баъзиси қоринга ва алоқа аъзоларига йўл олади: ҳаром ейиш, эрно қилиш, уриш, ўлдириш каби...

Баъзиси бутун вужудга ёйилади: аъзоларнинг жами бирга-бир шаклда гуноҳ йўлга бориши каби...

Булардан ҳосил бўлган гуноҳларнинг зарарини ҳам қисқача хулосалаб беришимиз мумкин:

Ҳақ таолонинг сифатларига тўсиқ ва кўринишига парда бўладилар. Жаннат эшикларини ёпадилар ва Аллоҳнинг шиддатли азобларига мубтало қиладилар.

Чунки:

Бандани нафснинг шаҳватлари каби Ҳақ таолонинг эшигидан узоқлаштирадиган бошқа бирор нарса йўқ. Шунга кўра дунё ифлосликларидан алоқани узмаган одамда тўғри йўлдан юриш имкони қолмайди.

Гуноҳнинг нималигини идрок этувчилар ва зарарини тўла англаганлар, ифлосликдан юз ўгириш ва сақланишни ўзларига фарз деб билганлар ва бутун аркону шартлари билан тавба қилганлар бундай йўлдан юрувчиларга ҳеч қачон эргашмайдилар, ғафлатдан ва имонсиз қолишдан албатта қутулиб оладилар.

Тавбанинг маъносини, нималигини билмаганлар балки яхши кишиларнинг ва дин олимларининг асарларига асосланиб тавба этсалар ва уларнинг тутган йўлларида кетсалар, қалбларини гуноҳлардан поклаб оларлар.

Булар ҳам тавба қилганлардандир. Лекин тавбалари тақлидийдир. Шунга кўра Ҳақ таоло буларнинг тавбаларини қабул қилади. Тақлидчиларнинг имонини қабул қилгани каби...

Гуноҳ қилганлар икки сабабдан тавбаларини кечиктирмасликлари лозим:

1 – Тавба қилмасдан олдин ажал келиб қолиши мумкин. У вақтда гуноҳлари бўйнида қолган ҳолда ўлади.

2 – Ҳар бир қилинган гуноҳ қалбни яна бир оз қорайтиради. Кўзгу тутилганда инсон нафаси уни қандай хиралаштирса, бу қорайиш ҳам қалбга сиқилиш ва қайғу беради. Кўзгунинг юзи буғдан хиралаша-хиралаша охири занг босгани каби қалбнинг қорайиши ҳам сиқилишни, қайғуни шундай орттиради. Инсоннинг гуноҳи кўпайган сари қалбидаги қорайиш қуюқлашади, қалинлашади ва шу ҳолга келгандан кейин бу изни қалбдан сидириб тозалаш қийинлашади. Занглаган ойнанинг зангини кетказиш қийин бўлгани каби. Бу аҳволда тавба қилиш қалбнинг

табiiй қораси ҳолига келган ушбу қурумни сидириб ташлашга кучи етмайди ва йўқ қилолмайди. Балки, фақат гуноҳларга қарши амалга оширилган солиҳ амалгина уларни сидириб ташлар ва йўқ қилар. Чунки гуноҳлар қилинаверганидан қалбда юзага келган қалин қораларни солиҳ амаллардан ҳосил бўлган нур кетказар ва қалб сиқилишлардан қутулар. Ойнанинг зангини жилвир сидириб порлатгани каби. Шунинг учун ҳам устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари:

“Бир гуноҳ қилиб қўйган чоғингизда орқасидан дарҳол бир яхшилик қилингки, ўша гуноҳингизга каффорат бўлсин”, – дея марҳамат қилганлар.

Яширин қилган бўлсанг, яширин, очик қилган бўлсанг, очик яхшилик қил.

Бу каффорат бир яхшилик қалбнинг бир феъли, бир қалб иши бўлади. Чин кўнгилдан Ҳақ таолога ёлвориш бўлади. Садақа бериш каби қўл ва оёқ билан амалга оширилади. Айбини эътироф этиш каби тил билан ифодаланади.

Мўмин бир гуноҳ иш қилиб қўйганда: “Эй Раббим! Гуноҳимдан кеч”, – десин ва гуноҳ қилган заҳоти тавба қилсин. Сўнг: “Эй Раббим! Солиҳ амал қилишимни осонлаштир!” десин.

Солиҳ амал қилгандан кейин: “Эй Раббим! Бу солиҳ амалимни қабул айла!” – дея дуо қилсин.

Луқмони Ҳаким фарзандига бундай васият қилган:

– Ўғлим! Тавбангни кечиктирма, чунки ўлим кутилмаганда келиши мумкин.


Шундай бўлгач, эй ақлли киши, гуноҳларингга дарҳол тавба қилишинг керак. Чунки кечиктиришда зарар катта бўлиши мумкин. Тафсирчилар қутлуғ оятга асосланиб, бундай тавсия қилганлар: Ўлим тўшагидаги инсоннинг кўзларидан парда кўтарилади ва у кетаётган йўлини кўради. У ер ёмон бўлса, руҳни олишга келган фариштага: “Менга бир кун муҳлат бер, тавба қилиб олай; солиҳ бир амал қилай, Раббимдан узр тилай”, – дея ёлворади. Азроил унга: “Муҳлатни қўлдан чиқаргансан, шунинг учун энди бир кун қолмади”, деганда яна ёлворади:

“Майли, бор-йўғи бир соат орқага сур, тадоригимни қилай.”
Фаришта: “Соатларинг ҳам қулфланди”, дея жавоб беради ва шу онда унинг тавба эшиги тарақ этиб ёпилади. Алам билан ва заҳмат чекиб жон беради. Аллоҳ бизни бу ҳолга тушишдан асрасин!

Кўп заҳматли ва таҳликаларга тўла бўлган тавба кечигидан эсон-омон ўтиш учун бағоят диққатли ва кўп ғайратли бўлиш лозим. Бу борада Абу Исҳоқ Исфарионий деган катта бир олим ўз ҳолини бундай таърифлаган:

– Мен ўттиз йил Ҳақ таолога насух тавбаси (энг самимий, холис тавба) насиб қил, – дея ёлвордим, дуою ниёзда бўлдим. Тилагим қабул этилмаганини кўриб, ҳайратга тушдим, паршон бўлдим. Ниҳоят, бир кеча тушимда менга:

“Ўттиз йил тилагинг қабул бўлмаганига эсанкираб турибсан. Лекин Аллоҳдан нима тилаганингни биласанми? Ҳақ таолонинг севгилиси бўлмоқ учун Қуръони каримдаги:



Яъни: “Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади” (Бақара, 222) оятини ўқимаганмисан? Аллоҳнинг севгисини қозониш, бу мартабага етиш осон деб ўйлайсанмики, шунча йил ёлворганингни пеш қиласан?” дея овоз бердилар.

Энди бу зотнинг ва унга ўхшаш неча-неча олим ва солиҳ зотларнинг диний майдондаги инжиқликларини, қалбларини ёмонликлардан тозалаш хусусидаги жаҳду курашларини, Аллоҳнинг ризосини қозониш йўлида қаттиқ ғайрат қилганликларини кўриб эшитганингдан кейин сенинг қиладиган ишинг ўтмишдаги солиҳ инсонларнинг ва уммат буюкларининг юрган йўлларида бормоқдир.

Ана шундай. Кечиктирилган тавбанинг зарари катта бўлади. Чунки гуноҳлар қилинганда даставвал сиқилиш ва қайғу, кейин эса фалокат ва жарлик бордир. Аллоҳ асрасин. Кибрланган малъун шайтон ҳақидаги, Балъам ибн Боур тўғрисидаги ҳикояларни эшитдинг. Дунёга сиғинганлари юзасидан шундай бир гуноҳга

ботдиларки, олдин мужрим, сўнг имондан маҳрум бўлган кофирга айландилар. Абадиян Аллоҳнинг эшигидан қувилиб, маҳву паршон бўлдилар.

Мана бу қиссадан ҳисса олайлик. Ечимига етайлик. Кўнглимиздан ғафлат пардасини олиб ташлайлик. Ичимиздаги гуноҳ томирларини кесайлик. Қоронғилик уйқусидан уйғониб, диндан қайтиш чуқурига йиқиلىшдан сақланайлик. Акс ҳолда гуноҳ қилишдан чекинмаган инсоннинг ёнида ибодатнинг қадри қолмайди, яхши ўғитлардан сабоқ ололмайдиган ҳолга тушиб қоламиз.

Эран (буюк олим)лар дейдиларки:

Қилинган бир гуноҳдан қутулиш учун қирқ йил йиғлаб Аллоҳга ёлворганлар шайтоннинг таъсирида қилган гуноҳларини кўз ўнгимизга келтирайлик. Каттами, кичикми – барини ҳисоблаб, уларнинг тўловидан қутулиш учун тавбамизни кечиктирмайлик. Ҳар лаҳза келиши тақдирда (муқаддар) бўлган ўлимга ҳозир турайлик. Чунки ўлим кўз очиб-юмгунча келиши мумкин.

Ҳазрат Одам (алайҳиссалом)нинг ҳолидан ибрат ол:

Ҳақ таоло уни қудрат қўли билан яратди, фаришталарни унга сажда қилдирди ва уларнинг елкаларида жаннатга элттириб жойлаштирди. Сўнгра бир гуноҳ қилиб қўйгани учун бошидан қаромат тожини, бўйнидан жаннат зийнатларини олдиртирди ва жаннатидан чиқартирди.

Ҳазрат Одам (алайҳиссалом) бу гуноҳи сабаб ер юзида 200 йил йиғлаб тавба қилди ва афв этилиши учун Аллоҳга ёлворди. Фақат шундан кейингина буюк Аллоҳ марҳамат қилди, тавбасини қабул этиб, кечирди.

Ҳазрат Одам (алайҳиссалом) пайғамбар бўлгани ҳолда қилиб қўйган бир гуноҳи юзасидан бу ҳолга тушди ва фақат асрларча ёлворгандан сўнг афвга сазовор бўлди, ажабо, турли гуноҳлар қилиб, тавба этмаганларнинг ҳоллари қандай бўларкан?

Сўнгра гуноҳларидан тавба этганлари ҳолда яна кейинча нима бўлиши борасида андиша қилувчиларга қараб туриб, ажабо, тавба қилмаганлар қандай вазиятга тушарканлар, деб ўйлайсан киши. Улар қилган гуноҳларининг ҳисоб-китоби бўл-

майди деб ўйлашармикин? Йўқ, ҳисоб-китоб албатта бўлади. Шундай экан, барча гуноҳларингдан бир он олдин бўлса ҳам тавба қилишинг вожибдир. Такрор гуноҳ қилиб қўйсанг, яна тавба қил. Ҳатто гуноҳ қила-қила уни бир санъат ҳолига келтирган бўлсанг, худди ўшандоқ тарзда такрорлаб тавбангни санъат ҳолига келтир. Гуноҳ қилавериб биқиб кетишдан чарчамаганини каби тавба этишдан ҳам биқиб толиқма. Шайтонга эргашиб гуноҳ қилганинг каби Раҳмонга ҳам эргашиб тавба келтир. Чунки гуноҳ қилгандан кейин бу йўлдан қайтиб тавба келтириш яхшилиги аломатидир.

Ҳазрат Пайғамбар (алайҳиссалом) бир қутлуғ ҳадисларида бундай деб марҳамат қилганлар:

“Сизнинг энг яхшиларингиз кўп гуноҳ қилган бўлишига қарамай, кўп тавба қилиб, Ҳақ таолога юзланган ва ялинганлардир”

Ҳақ таоло Ўзининг Куръони каримида бундай буюради:

وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ، ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿١١٠﴾

Яъни: **“Ким бирон-бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳ мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар”** (Нисо сураси, 110-оят).

Шундай бўлгач, эй тавбага чанқаган киши, сен барча кечмиш гуноҳларингдан самимий бир туйғу ва чин кўнгилдан кучли бир истак билан тавба қил. Кимнинг ҳақиқа тажовуз қилган бўлсанг, қўлингдан келганича, ўша киши билан ҳалоллаш, ундан ризосини ол. Ўтмишда қазо қолдирган ибодатларингнинг қазосини адо эт. Аллоҳга ёлвор, ялин, юздан оқувчи сувингни тўк. Токи марҳаматга келиб, гуноҳларингни афв этсин. Ҳақларига тажовуз қилиб, ҳалоллашиш имконини тополмаганинг кишилар учун ҳам сенга ҳақларидан воз кечиш имконини олиб берсин. Бундан кейин кимса кўрмайдиган хилват гўшаларга чекин, поклан, таҳорат олиб, тўрт ракат намоз ўқигандан кейин қиблага қараб юзингни ерга сур. Бошингни тупроққа қўй ва йиғлаб, нафсингдан шикоят қил. Нафсингга бундай де:

– Эй, юзи қора, осий ва гуноҳкор нафс! Аллоҳдан кўркмайсанми, уялмайсанми? Ҳеч охират ва у ернинг аламли азобини

ўйламасдан қандай гуноҳ қиласан ва Аллоҳнинг амрларига қарши ҳаракат этасан? Унинг шиддатли азобига чидай оласанми? Ғазабидан қутулишга кучинг етадимики, мунча гуноҳлар қилдинг?

Яна шунга ўхшаган бир талай сўзларни ич-ичингдан айтиб, нафсингни азобла.

Қиёмат кунининг шиддатини ва ўз ҳолингни ўйла ва эзилиб, маъюс ҳолда йиғлаганингдан кейин бошингни тупроқдан кўтар. Икки қўлингни очиб, Ҳақ таолога ниёз-дуоларда бўл ва тахминан бундай дея ялин:

– Эй Раббим! Қочоқ банданг яна остонангга келди! Сенинг бу осий банданг тинчлик учун сенга ёлворишга келди! Гуноҳ қилишдан воз кечди ва сенга ибодат қилиш учун сендан мадад сўрашга келди! Бутун камчилик ва хатоларини идрок этган банданг сендан узр ва афв сўраб келди! Эй марҳамати мўл улуғ Аллоҳ! Фазлу караминг билан мени кечир, хизматингга қабул эт. Мени ҳимоя қил ва эшигингдан хафа қилиб ҳайдама! Кечмиш гуноҳларимни афв эт! Энди қолган умримни сенга ибодат билан ўтказишимга изн бер ва энди мени гуноҳ қилишдан асра. Бутун яхшиликлар сенинг қудрат қўлингда. Сен хоҳлаганингни қиласан. Мендан лутфу иноятингни аяма. Ризонгни олиб сенга итоат ва ибодатда бўлишимни осонлаштир!

Яна, эй ҳар ишни қилдирадиган, ҳар қайғу ва сиқилишларни кетказадиган, эй бутун коинотни бир онда йўқ қилиб-бор этиш қудратига соҳиб бўлган (Зот), бизни кечмиш гуноҳларимиздан қутқар! Қалбларимизни ҳар турли ёмонликлардан арит! Марҳаматинг билан бизни ҳимоя қил ва афв эт!– дея дуо қил.

Сўнгра яна йиғлаб ёлвор:

– Эй марҳаматли ва сахий Аллоҳим! Эй гуноҳкорларнинг ёлворишларини, тилакларини ўгириб қўймайдиган Холиқим! Мени кечир, афву мағфиратингга сиғинаман! – дея дуо ўқигандан кейин, ҳазрат Пайғамбар (алайҳиссалом)га салот ва салом келтир ва барча мўминлар учун ҳам афву мағфират тила. Сўнгра Ҳақ таолога тоат ва ибодатингни давом эттир. Буларнинг ҳаммасини адо этганингдан кейин энди сенинг тавбанг қабул қилинган, онадан янги туғилгандай бутун гуноҳларингдан

фориғ бўлган ва сен **“Аллоҳ тавба қилганларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади”** оятининг маъно ва моҳиятига эргашган бўласан. Сенга катта ажр ва гўзал савоблар бўлади. Сен насух тавбасини бутун адаби ва аркони билан адо этиб тугатган, бутун гуноҳлардан покланган ва улар берадиган сиқилиш ва маъюсликлардан қутулган бўласан. Дунё ва охиратда Аллоҳнинг хос бандаларидан ҳисобланасан. Аллоҳнинг мадади билан шу сифатларга эришган ҳолда Тавба кечигидан эсон-омон ўтган бўласан. Йўлинг энди мудом очик бўлсин, эй азиз!

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ТЎСИҚЛАР

Китобнинг бошида баён қилгандик – ибодатга халақит берадиган тўртта тўсиқ бор:

1. Мол-дунё

Ибодатнинг биринчи тўсиғи бўлмиш мол-дунёга берилиб, унга боғланиб қолган одам албатта яна бойлик орттириш учун ҳаракат қилади. Шу сабабли кўпинча ибодатдан қолиб кетади. Моддий борлиқ бўлган дунё молини қўлга киритиш учун ҳаракат қиларкан, албатта уни яхши кўради ва унга боғланиб қола бошлайди, бу ҳол уни дунё ишлари билан узлуксиз машғул бўлишга мажбурлайди. Шу тариқа ҳам ички ҳаётда (қалбан), ҳам ташқи ҳаётда мол-дунёга боғланган бу киши ибодат билан машғул бўлолмайди. Чунки руҳан ва қалбан доим бир нарса билан банд кимса банд этган нарсанинг зидди бўлган нарсанинг боғичларини кесишга мажбур бўлиб қолади. Шу сабабли дин олимлари дунё билан охиратни икки рашқдор хотини бўлган эркакка ўхшатадилар. Бирини мамнун этиб, рози қилса, иккинчисини инжитади. Ёхуд дунё билан охиратни шарқ билан ғарбга ўхшатадилар. Шарққа қараб юрсанг, ғарбдан узоқлашасан; ғарбга қараб юрсанг, шарқдан йироқлашасан. Яна дунё билан охиратни икки паллали бир тарозига ўхшатадилар. Бир палла оғир босса, иккинчи палла енгил бўлиб, кўтарилиб кетади. Қисқаси, бир нарсага мойиллик ҳосил қилиб, унинг билан машғул бўлдингми, зидди бўлган нарсдан юз ўгиришга мажбурланиб қоласан.

Машҳур саҳобалардан бири, Аллоҳ рози бўлгур Абу ад-Дардо: “Тижорат билан ибодатни (дунё билан охиратни) барга барабар юритмоқчи бўлдим. Юритолмадим. Охири

тижоратни ташлаб кетдим, ибодат билан машғул бўлдим” деган.

Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратлари ҳам бундай деб марҳамат қилганди: “Агар ибодат билан дунёни мендан бошқа бир кимса баравар юрита олсайди, муҳаққақки, мен ҳар иккисини ундан мукаммалроқ тарзда баравар юритардим. Чунки Ҳақ таоло менга ҳам дунё учун куч, ҳам охират учун юмшоқлик берган. Иккови бир-бирига зид бўлгани сабабидан уларни бирга юритолмадим”.

Устига Аллоҳнинг шони ва саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам бир қутлуғ ҳадисида марҳамат қилгандики:

«Дунёни севган охиратига зиён етказади, охиратини севган эса дунёсига зиён етказади. Эй умматим! Шундай бўлгач, мангу бўлган нарсани ўтқинчи бўлган нарсадан устун қўйинг, дунёни қўйиб, охиратга боғланинг!»

Бу изоҳлардан аён бўлдики, ҳам ич-ичингдан, ҳам ташқи кўринишингдан, яъни баданинг дунё билан, зеҳнинг у ҳақдаги ўйлар билан, қалбинг унга бўлган муҳаббат ила банд экан, чиндан ҳам ибодат қилиш имконларинг оз бўлади. Лекин ҳам ич-ичингдан, ҳам ташқи кўринишингдан Ҳақ таолога юзланган бўлсанг, сен учун ибодат қилиш осонлашади. Чунки қалбинг бесаранжомликдан холи, тинчлик-хотиржамликда бўлади. Бу ҳол эса ўз вақтида ибодат қила боришингга мадад беради.

Атоқли олим Салмон Форсий ўғит бериб айтадики:

“Дунёдан қўлини тортиб, Аллоҳга юзланган кишининг қалби албатта ҳикмат нури билан ёришади. Бутун аъзолари ибодат учун унга ёрдамчи бўлади. Дунёга берилмаслик, ҳеч шубҳасиз, ибодатнинг қиймати ва шарафини орттиради”.

Устига Аллоҳнинг шони ва саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир қутлуғ ҳадисларида бундай дея марҳамат қилганлар:

«Қалби дунёга боғлиқ бўлмаган, ёлғиз Аллоҳ севгиси билан тўла бир зотнинг адо этган икки ракат намози, қалбида бундай севги бўлмаган ва дунёга боғлиқ бўлган кишиларнинг умр бўйи адо этган намозларидан яхшироқ ва севимлироқдир».

Хўш, аслида зуҳд нима? Яъни, дунёдан қўлни тортиб, Аллоҳга боғланиш қандай бўлади?

Дин олимларининг фикрича, зуҳд икки қисмдан иборат.

Бири – банданинг хоҳиш ва иродасига боғлиқ.

Бошқаси – банданинг хоҳиш ва иродасига боғлиқ эмас.

Банданинг хоҳиш ва иродасига боғлиқ бўлган зуҳд уч тоифадир:

1. Дунёнинг орзу-ҳавасларидан воз кечиш, мол-дунёни тарк этиш.

2. Тўплаган мол-дунёсини камбағалларга, муҳтожларга тарқатиш ва янгидан тўплашни ўйламаслик.

3. Дунё севгисини қалбидан сидириб ташлаш. Лекин бу, яъни кўнгилнинг дунёдан нафратланиши ва дунё севгисини қалбдан сидириб ташлаш инсоннинг қўлида эмас. Инсон истаган пайтида дунёдан нафратланиш иродасига эга эмас. Фақат иродаси билан қилиниши мумкин бўлганларни қила-қила буни ҳам вақти-соати келиб адо эта оладиган бўлади.

Масалан: дунё борлиқларига нисбатан аста-аста совуган ва қалбини Аллоҳга боғлаган киши, гарчи дунё севгисини ирода қилиш билан қалбдан сидириб ташлаш бениҳоя қийин бўлса ҳам, пайти келиб дунё учун қалбида нафрат туйғусини ҳис қила бошлайди.

Оламда қанча-қанча кишилар борки, кўринишда дунёга боғланиб қолмаганликларини, дунёни ҳеч севмасликларини кўрсатмоқчи бўладилар. Аслида эса, улар кўнгилдан дунёга боғлангандирлар ва уни ичдан севадилар. Булар икки юзли инсонлардир. Ҳақиқий зоҳид – иродаси билан дунёни тарк этган, дунё севгисини қалбидан сидириб ташлаган ва ёлғиз Аллоҳга, Ҳақ таолонинг Қуръони каримида боғланган кишилардир.

Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай хабар берган:

تِلْكَ الدَّارُ الْآخِرَةُ نَجْعُهَا لِلَّذِينَ لَا يُرِيدُونَ عُلُوًّا فِي الْأَرْضِ وَلَا فَسَادًا وَالْعَاقِبَةُ
لِلْمُتَّقِينَ

Яъни: «Биз охираат юртини ер юзида зулму зўравонлик ва фасод (бузғунчилик) қилишни истамайдиган ва оқибат

(бундан) **тақво қилувчи кишиларга берамиз»** (Қасас сураси, 83-оят).

Бу оятга кўра, дунёда зўравонлик ва бузғунчилик (фасод) қилмайдиганлар охиратнинг бахтли ҳаётига муяссар бўладилар.

Бошқа бир оятда Аллоҳ бундай марҳамат қилади:

مَنْ كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ الْآخِرَةِ نَزِدْ لَهُ فِي حَرْثِهِ وَمَنْ كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ الدُّنْيَا نُؤْتِهِ مِنْهَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ نَصِيبٍ ﴿٢٠﴾

Яъни: «Ким охират экинини истаса, унинг экинини орттирамиз. Ким дунё экинини истаса, унга ҳам фақат ўшандан берамиз. Охиратда эса унинг ҳеч бир насиби бўлмайди!» (Шўро сураси, 20-оят).

Эътибор бераётган бўлсангиз, бу оятларда ҳар хил истак ва иродалардан баҳс этилаётир. Шундай бўлгач, ўзини обид деб билаётган киши, ўзини дунёга боғлаб қўяётган молини (яшаш учун зарур бўлганидан ортиғини) ўз хоҳиши билан камбағалларга тарқатса ва ичидаги дунёга оид эҳтирос ва шаҳватларидан воз кечса (Аллоҳнинг ёрдами билан), унда аста-аста дунё севгиси кучсизланади, Аллоҳга боғлиқлик туйғуси кучаяди.

Дунёнинг ёмонликлари, офатлари, айбларини, дунё молининг, мақоми ва унвонларининг аслида бир пулга қимматлигини тушунган, уни тарк этишга, муҳитидан, “олий тоифа” деб ҳисобланувчи даврасидан совиш сари бошлайди ва бу ҳол қалбидаги дунё севгиси пасайишига сабаб бўлади. Лекин бир қисм орифлар дерларки: дунёнинг ёмонлик ва айбларидан, вафосизлигидан баҳс этиб, дунёни тарк этганларини сўйлаганларнинг сўзларида унга бўлган боғлиқлик иси сезилади. Яъни, дунё шундай хусусиятларга эга бўлмасайди, биз тарк этмасдик, демоқчи бўладилар. Ҳолбуки, буларсиз ҳам дунёни тарк этиш лозимдир. Шунга қарамай, баъзи азизлар дерларки: бу вафосиз дунё Ҳақ таолонинг душманидир. Бир мўмин банда Раббининг душманини севса, Унинг ғазабига дучор бўлажagini, неъмат

завол кетишига ва раҳмати узилиб қолишига сабаб бўлажагини ўйламайдими?

Ҳақиқатан, дунё ифлослик, мурдорлик, қулаш (фалокат) ва йўқ бўлишдан иборатдир. Еб-ичилган нарсаларнинг нажосатга айланишини, кийилган либосларнинг чувринди бўлажагини, уйлариинг бир кун йиқилиб, кулга айланажагини, барча жонлиларнинг ўлиб, тупроқ бўлажагини кўрмаяпсанми? Инсон шундай бир дунёнинг нимасига майл кўрсатсин? Шундай бўлса-да, ясаниб, ороланиб юришга ҳаракат қилади.

Нафснинг орзуси жозибали кўринади, кўнглингни очади ва сени ўзига тортади. Ғофиллар унинг бу ташқи кўринишига алданиб, унга боғланадилар. Ақллилар эса ташқи томонига эмас, ички томонига қараб ва асл ҳолатни кўриб, ундан узоқлашадилар ва Аллоҳга боғланадилар.

Бирон бир киши: “Ажабо, дунёнинг завқларидан, лаззатларидан тийилиш фарзми ё нафилами?” – деб сўраса, жавоб будир: Инсонни завқлантирадиган нарсалар икки хусусиятга эга: ҳаром ва ҳалол. Ҳаром нарсаларнинг завқу сафосидан тийилиш фарздир. Ҳалолидан қочиш мустаҳаб саналади. Ибодат йўлининг ҳақиқий йўлчилари учун ҳаром – нажас бир ўликнинг лоши кабидир. Зарурат бўлмагунча унга яқинлашилмайди. Агар унга яқинлашиш мажбуриятида қолинса ҳам, фақат зарари кетадиган даражада қилинади. Зоҳид ҳалол молни ҳам фақат лузуми даражасида қўллатади. Чунки бу ҳам унинг учун бир ўлик (мурда) ҳукмидадир. Зоҳидлар, обидлар назарида, ҳаром оташ даражасидадир. Қатъи ҳаромни емайди ва ҳеч бир тарзда унга яқинлашишни кўнглидан ҳам ўтказмайди. Ўлишга рози бўлса бўладик, аммо ҳаромни қўлиш у ёқда турсин, унга яқин ҳам йўламайди.

Бу мақомга эришганларнинг қалби дунёдан совиган, кўнглида дунё севгилари тамоман йўқ бўлади. Ҳидланиб қолган мурдадан жиркангандай, дунёдан нафратланади.

“Табиатида, яратилишида эрмакка, завққа шай, кучли бир ҳайли бўлган инсонга бу орзусини амалга оширишга етарли, унга тортувчи борлиқлар билан тўла бу дунё қандай қилиб ҳидрувчи бир оташ, жирканч бир мурда бўлиб кўринсин?” деган саволга қарши бундай жавоб берамиз:

Ҳақ таоло, ўзи танлаган баъзи бандаларига, ўз душмани ва мўминларига ҳам дунёнинг ҳаром бўлишини билдирган.

Аллоҳга бориладиган йўлларни поклаган, дунёнинг жафоли ва ўткинчи эканлигини барча зиёнлари билан англаган бу зотлар учун – дунё албаттаки, ёндирувчи бир оташ ва жиркантирувчи бир мурдадир. Лекин дунёнинг ёмонликлари, офатлари ва вафосизлигини кўрмайдиган даражада кўзлари пардали ғофиллар, албаттаки унинг ташқи живир-живирларига алданиб, завқу эрмакларга кўмиладилар ва кайфу сафо қилиб юрганларидан ғурурланадилар. Буни бир мисол билан янада яхшироқ изоҳлаб беришимиз мумкин: фараз қилайликки, бир уста ҳолвачи нафис таъмга эга бўлган ҳолва пиширади ва ичига ўлдирувчи заҳардан маълум миқдор аралаштиради, буни халқнинг бир қисми кўради-ю, бошқа қисми кўрмайди. Уста пишириб тайёрлаган ҳолвасини бағоят нақшли, юлдузли лаганчаларга жойлаб, халққа тақдим эта бошлайди. Заҳар қўшилганини кўрганлар, табиийки, лаганчаларнинг гўзаллигига, юлдузига алданмайдилар ва ҳолвани олмайдилар ҳам, емайдилар ҳам. Ҳатто азобга солинажаклари ва ёмон оқибатларга дучор бўлажаклари айтилиб, ейишга мажбурлансалар ҳам, қатъиян олмайдилар ва емайдилар. Чунки ҳолванинг ўлдирувчи хусусияти борлигини биладилар ва шу сабабли ҳолва улар учун ёндирувчи бир оташ, жиркантирувчи бир мурдадай кўринади. Лекин ҳолванинг ичида заҳар борлигини билмаганлар лаганчаларнинг гўзаллигига алданиб, ҳолвани оладилар ва завқ билан, иштаҳа билан ейдилар. Айни вақтда емаганларга ҳайратланиб қарайдилар ва бу тийилишларни аҳмоқлик ва эсипастлик деб ҳисоблайдилар. Мана сизга ҳаромнинг зарарини билиб, ундан тийилган ва ўзини олиб қочганлар билан билар-билмас унга ташланганларнинг ҳолини гавдалантирувчи чиройли бир мисол.

Лекин уста ҳолванинг ичига заҳар солмаса-ю, бунинг ўрнига унга тупурса, акса урса ва қориштириб пишираверса, лаганчаларга тўлдириб, халққа бера бошласа, яна устанинг бу ҳаракатларини кўрмаган-билмаганлар катта иштаҳа билан уни тушираверадилар, билганлар эса жирканадилар ва зарурат бўлмаганда, асло

емайдилар. Бу иккинчи мисол ҳам ҳушёр тақводорлар билан ғофил кимсаларнинг ҳалол молга нисбатан бўлган муносабатларини билдиради.

Гарчи бу икки тур инсонлар яратилиши, табиати жиҳатдан бир хил бўлсалар-да, лекин басират (кўрувчанлик, фаҳми ўткирлик) ва ғафлат бобида турличадирлар. Бирининг ёқтирган-севган нарсасидан бошқаси нафратланади ва ўзини олиб қочади. Агар ғофиллар дунёни зоҳидлар англаган даражада англасалар эди, улар ҳам зоҳид бўлишарди. Ёхуд агар зоҳидлар ғофиллар каби дунёнинг ўзларига бўлган зарарларини билмасалар эди, улар ҳам ғофиллар каби беш қўлни оғизга тикқандай дунёга ташланар, унга рағбат кўрсатар эдилар.

“Ибодат қила билиш учун баданда куч, қувват бўлиши керак, баданнинг кучли бўлиши эса ейишга, ичишга боғлиқ. Бу ҳақиқат қаршисида дунёдан қўл тортиш қандай мумкин бўлади?” саволига ушбу жавобни берамиз: Баданнинг кучланишидан мақсад ибодат вазифасини бажариш бўлганига кўра ейиш-ичишни ҳам вужудга шундай куч бериши учунгина адо этмоқ керак, завқу сафо суриш учун эмас. Яъни, вужуднинг эҳтиёжи учунгина ейиш-ичиш керак, лекин завқ ва эрмакка етакловчи нарсалардан сақланиш лозим.

Шу нарсага ишонишинг лозим: Аллоҳ, хоҳласа, бир сабаб яратади ва баданингга куч ато этади. Ёхуд фаришталарда бўлгани каби бир сабабсиз ҳам бандаларига куч ва қудрат бера олади. Гоҳида ҳеч кутмаганингда бир ердан сенга ризқ эшигини очади. Баъзан сенинг ҳаракатинг, интилишларинг ва топганларингни ризқ учун сабаб қилади. Баъзан ҳеч билмаган ва хоҳламаган бир нарсангни ризқингга сабаб қилади. Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло Қуръони каримида бундай дейди:

وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ۖ وَيَرْزُقْهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ ۚ وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ ۚ

Яъни: «Ким Аллоҳдан қўрқса, (Аллоҳ) унга чиқиш (қутулиш) бўлини эҳсон этади. Уни ўзи ўйламаган томондан ризқлан-

тиради. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзига етарлидир» (Талоқ сураси, 2–3-оятлардан).

Шундоқ тушунилиб турибдики, ризқ сўрашнинг ҳожати йўқ. Агар Аллоҳга таваккул қилиб, ибодатларингни тоза қалб билан адо этиб турсанг, Аллоҳнинг ёрдами билан ҳеч кутмаган ерингдан ризқинг етиб келади. Агар бу даража сабр этолмасанг, ибодат қилишга етарли кучга эга бўлиш учун, вужудинг қувватланиши учун Аллоҳдан ризқ тила, аммо завқу сафо қилиш, кўнгилочар эрмаклар учун эмас. Токи тилагинг охират учун бўлсин ва ибодат қилиш мақсадин кўрсатсин. Ана шу тарздаги тилак зухдга қарама-қарши келмайди.

2. Инсонларга аралашиб юриш

Ибодатга моне бўладиган иккинчи тўсиқ эса инсонлар орасига аралашмоқдир. Инсонлардан узоқ бўлишга интилишнинг икки сабаби бор:

А. Одамлар сендан ўзлари билан тез-тез учрашиб туришни сўрайвериб ҳоли-жонингга қўйишмайди ва ибодат қилишингга моне бўлишади.

Азизлардан бири бундай ҳикоя қилади:

Бир кун бир жамоатни кўрдим, ўқ отишарди. Улардан узоқда эса бир киши турарди. Ўз иши билан машғул эди, у билан сўйлашишни истаб, олдига бордим.

– Менга сен билан гаплашишдан кўра Аллоҳни ёдга олиш яхшироқ ва севимлироқ, – деди у.

– Бу ерда ёлғизсан, сиқилгандирсан, – дедим.

– Аллоҳ ва икки фаришта менга ёрдам беряпти.

– Хўп, бир оғиз гап: сенингча, анави ўқ отишаётганларнинг қай бири ютади? – деган саволимга, у:

– Аллоҳ қай бирини афв этса, ўша ютади, – деб жавоб берди.

– Мен қай томонга қараб юрсам, тўғри кетган бўламан? – деб сўрадим. У кўкни кўрсатди ва ўрнидан туриб кетди. Мен билан ортиқ гаплашмади.

Бу лавҳадан англашилдики, бир одам иккинчисини ўзи билан машғул қилади ва ибодатдан чалғитади. Ҳатто ёлғиз ибодат қилишига ҳам моне бўлади. Айни вақтда сени бало ва фалокатларга етаклайди.

Хотам Асом айтади:

Халқдан (одамлардан) беш нарсани илтимос қилдим, сўзимга қулоқ солишмади:

а) Аллоҳга ибодат қилинглари, Унга боғланинглари, дедим, – қилмадилар;

б) У ҳолда мен ибодат қилай, ёрдамчим бўлинглари, дедим, ёлвордим, – қилмадилар;

в) Сизлардан айрилиб, ёлғиз бошимга ибодат қиламан, мендан инжиманглари дедим, – инжиндилар;

г) Ҳаммангиздан воз кечдим, менга Аллоҳ йўлида бўлишимга моне бўлманглари;

д) Мени номашруъ ишларга (Аллоҳ тақиклаган амалларни қилишга) чақирманглари, у йўлда юрмасам, менга душманлик қилманглари дедим, – тингламадилар.

Бу ҳам етмагандай, охирида, нечун бизнинг йўлимизга юрма-япсан, деб душманга айландилар. Кўрдимки, менинг йўриғимга юргилари йўқ. Ҳаммаларидан воз кечдим ва айрилишдим ва ёлғиз бошимга ибодат билан машғул бўлдим.

Устларига Аллоҳнинг шони ва саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари узлат (ёлғизликка тортилиш, чекиниш) чоғининг ўзига хос томонларини ва узлат вақтидаги одамларнинг ҳолларини билдириб: **Узлат вақтига етишганлар узлат қилсинлар**, – дея марҳамат қилганлар.

Шубҳа йўқки, Пайғамбар ҳазратлари бизга энг яхши ва фойдали ишларни биздан мукаммалроқ билади. Шундай бўлгач, ҳар ким ўз вақтига қарасин, агар Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қилган жиҳат ва шароитларни кўрса, унинг кўрсатмаларига риоя этсин, насиҳатларини қабул қилиб, шунга кўра ҳаракат этсин. Чунки сенинг мазкур вақтингда сенга фойдали ёки зарарли бўлган нарсалар нима эканлигини У сендан яхшироқ билади. Алдоқчи фикрларга ва йўлдан адашган назарияларга ўралашиб қолиб, ўзингни ўзинг алдама, охири қилган ишинг зиён келтириб, пушаймон бўлишинг ҳеч гап эмас.

Пайғамбар ҳазратларининг узлат вақтини қандай тавсифлаганларини ўз оғизларидан эшитган Аллоҳ рози бўлгур Абдуллоҳ ибн Умар ибн Лос бундай тушунтиради:

Бир кун Пайғамбар ҳазратларининг атрофида тўпланиб суҳбатлашаётган эдик. Келажак ёмон кунлардан гап кетганда жамоатга у замонлар ҳақида бундай марҳамат қилдилар:

“Одамлар аҳдига вафо қилмайдиган, омонатга хиёнат авж оладиган, бармоқларини бир-бирларига ўқталадиган (ораларида нифоқ, уюшмаслик бўладиган) вақтлар”.

– Эй, Аллоҳнинг Расули, ўшандоқ вақтларда биз нима қилайлик? – деганимизда, бундай буюрдилар:

– Уйингизга чекининг, жимгина-жимгина ўтиринг. Тилингизни тийинг, овозингизни чиқарманг. Билганингизни қилинг, билмаганингизни қилманг, бошқасини тарк этинг. Фақат сизнингча муҳим бўлган ишни қиларкансиз, бировнинг ишига аралашманг.

Яна бир қутлуғ ҳадислари эса мана бундай:

“Бу ёмон кунлар ҳарж кунларидир”.

– Эй Аллоҳнинг Расули, ҳарж нима дегани? – деб сўралди.

Марҳамат қилдиларки:

“Ҳарж одамлар бирга ўтириб, кейин туриб кетганларида энг яқин дўстига ҳам ишонмайдиган кунлардир”.

Аллоҳ рози бўлгур саҳоба Ибн Масъуд айтади:

– Пайғамбар ҳазратларининг Ҳарс ибн Умайрага бундай амр қилганларини эшитдим:

“Бошингга шундай кунлар келадики, воизлар кўп бўлади, илмига амал қилувчи олимлар камаяди, тиланчилар кўпаяди, садақа берувчилар озаяди. От жилов етагида юрганидай, илм ҳам нафсининг орзу-ҳавасларига бўйсунди”.

Умайра:

– Эй Аллоҳнинг Расули, бу қандай пайтда юз беради? – деб сўраганида, бундай марҳамат қилдилар:

“Намоз ўқишлар камайиб, намозхонлар озайиб, қозилар ва давлат арбоблари порахўрликка берилган, динларини шу тубан дунёнинг манфаатларига сотадиган вақтларда. Сен

у замонларга етсанг, инсонлардан узоқлаш, ҳеч ким билан кўришма, халқни тарк эт”.

Эй азиз жигар, энди сен бу ҳадисларда билдирилган ҳолларнинг ҳаммасини яшаётган шу даврингда кўрмоқдасан.

Нечун Пайғамбаримиз ишорат билан маълум қилган амрларига биноан ҳаракат қилмайсан, орзу-ҳавасларга бериласан?

Динимизнинг солиҳ ва таниқли кишилари, бундай ҳоллар кўзга ташланган пайтларда инсонларнинг ёмонликларидан сақланмоқ учун узлатга чекиниш лозимлиги борасида бир фикр-дадирлар ва буни инсонларга васият қилдилар ва бундай замонларда халқ ичида юришнинг хато бўлишини айтдилар. Шубҳа йўқки, уларнинг басиратли қарашини ва хайрли насиҳатларини қабул қилган кимсалар бизлардан кўпроқдир ва бизнинг давримиз уларникидан яхшироқ эмас. Ҳатто ёмонлик қилиш борасида улардан ортиқдир.

Юсуф ибн Арбот Суфён Саврийдан хабар беради:

Аллоҳ номига қасамки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Шундай бўлгач, бу замонда биз учун узлатга чекинмоқ ҳалолдир.

Эй азиз қардош, ўйла, ул зотнинг замонида узлатга (ёлғизликка) чекиниш ҳалол бўлганда, бизнинг замонимизда вожиб, ҳатто фарз бўлмадимми!..

Суфён Саврийнинг Обуд ибн Ҳаввосга бундай бир хат ёзгани айтилади:

«Сен Пайғамбар ҳазратларининг саҳобалари, бир вақтлар бизни келгуси фитна ва ифлослик замонларига етказма, деб Аллоҳга сиғинардилар, дегандинг. Илмлари бизникидан баландроқ бўлган у зотлар шундай қилишган экан, ажабо, ўшандоқ замонда яшаб турган бизнинг ҳолимиз нима бўлади? Илмимиз ҳам, сабримиз ҳам уларникидан оз. Бу аҳволда биз шундай бир замонларга қолдикки, бизни хайрга, яхшиликка йўналтирадиган ёрдамчилар жуда кам. Дунёнинг ҳолидан юрагимиз ярали. Давримиздаги инсонларнинг ёмонликлари яхшиликларидан анчагина ортиқ».

Аллоҳ рози бўлгур ҳазрати Умар узлат борасида бундай деган эди:

Инсонларга аралашиб юргандан кўра ёлғизликка чекинишда кўпроқ роҳат бор.

Суфён ибн Утба айтади:

Бир кун Суфён Саврий ҳузурига борганимда, менга бир насиҳат қилки, ёдимда қолсин, дегандим, халқ билан алоқангни озайтир, деди. Мен нега бундай тавсия қиляпсан, ахир, қутлуғ бир ҳадисда:

«Халқ билан алоқасини кўпайтирган кишининг охират кунда мўминларга шафоат ҳаққи бор», дея марҳамат қилинганини мендан яхшироқ биласиз-ку, деганимда, менга бундай жавоб берди: Бу замонда инсонларнинг маккорлигини дарҳол кўриш қийин, фақат иккиюзлама хатти-ҳаракатларини кўрсайдинг, тушунадинг.

Менимча, бу қутлуғ ҳадис бизнинг бундай замонларга оид эмас.

Суфён Саврийни вафотидан бир неча йил кейин тушда кўрдим ва яна менга насиҳат қилишини сўрадим. Менга: “Халқнинг ёмонликларидан ҳимоялана олиш учун одамлар билан алоқани озайтир. Тилингни тий. Ёмон одамларни уйингга киритма. Юрагингни ўткинчи ҳис-туйғулардан, зеҳнингни ифлос фикрлардан тозала, Аллоҳ таолонинг амрларини адо эт, тақиқлаганларидан сақлан”, деди.

Суфён Саврий дерки: Бу давр шундай даврки, имкон қадар кўчага чиқма. Тилингга тош ол. Ўзингга мадор бўладиган даражада озгина ризққа рози бўл ва ҳар ишингда фақат Аллоҳга суян.

Довуд Тои ҳазратлари бундай деган:

«Дунёда рўза тут (нафснинг орзу-ҳавасларини ғамга ботир), охиратда ифтор қил (завқларингни охиратга қолдир), арслондан қочгандай бу инсонлардан қочки, зарарлари сенга юқмасин».

Ибн Убайд бундай тушунтиради:

Қайси бир ҳаким илмга (мантиқ, фалсафа, тиб ва ҳоказо илмларга) бош урсам, у соҳанинг катталари менга бундай ўғитлар беришди деган:

Агар Ҳақ таолонинг ҳузурида кадр-қийматинг ва шон-шарафнинг юксалишини истасанг, халқ ичида ном қозонма ва мансабга

оид орзу-ҳавасларингни юрагингдан чиқариб от. Эй азиз қардош, англаяпсанми: узлатда, ёлғизликка чекиниб халқ билан кўп ошқатик бўлмасликда катта фойдалар бор.

Биз бу баҳсни қисқача баён этдик. Бу хусусда кенгроқ маълумот олишни истаганлар “Ахлоқ ул-Аброр” китобимизга мурожаат қилсинлар.

Б. Узлатнинг (инсонлардан маънан узоқлашиб, ёлғизликка чекинишнинг) иккинчи сабаби эса будир: Халқ билан алоқада бўлган обидлар ибодатларида шон-шуҳрат орзусидан қутулолмайдилар. Ва бу ҳол қора чумоли қоронғи кечада қоронғи жойда кўринмасдан юрганидай, инсоннинг руҳига сингиган туш ҳам томирларида шундай айланиб юрадики, бирон кимса уни кўрмайди ва кўрса ҳам, англай олмайди.

Ҳолбуки, халқдан узилолмаганлардан кўпининг илми ўзларига ярамаганидай, бировга ҳам бир хайри тегмайди.

Магар Аллоҳ ўз лутфу карами ила уларни асраши мумкин.

Бу борада Яҳё ибн Муоз ҳам:

«Киши ибодатининг халқ ичида кўз-кўз қилиниши – бу бир риё кўрпачасидир», дейди.

Шу сабабли обидлар ва зоҳидлар тоифаси риёдан кўрққанлари учун бегоналар у ёқда турсин, бир-бирларини зиёрат қилишга бормас эдилар.

Ривоят қиладиларки:

Ҳарам ибн Ҳайвоний, Увайс Қаранийга:

– Эй Увайс! Бизга кўриниб ўтиш билан шараф бер, кўзимиз қувонсин. Бу – зиёратга боришимдан яхшироқдир. Чунки зиёрат ва кўришувларда кўз-кўз унсури бор. Бу эса риёга олиб боради ва ибодатни бузади, – деган экан.

Бир куни буюк авлиёлардан Иброҳим ибн Адҳам бир шаҳарга келади. У ернинг таниқли солиҳ зотларидан Сулаймон Ҳаввосдан сўрадилар:

– Ул зотни зиёрат қилгани борасизми?

Жавоб бундай бўлди:

– Шайтон билан кўришиш унинг билан кўришишдан афзалроқдир.

Одамлар бу жавобдан ғижиниб, бундай қўпол гап айтилганидан эсанкираб қолдилар ва:

– Ул мухтарам зотдан нима ёмонлик кўрдингизки, бундай деяпсиз? – деб сўраганларида, Сулаймон Ҳаввос:

– Ҳеч бир ёмонлигини кўрмадим. Лекин у билан кўришсам, у вақтда муруолик (лаганбардорлик, иккиюзламалик) қилишдан ва шу сабабли ибодатимнинг бузилишидан қўрқаман.

Ҳолбуки, шайтон билан юзма-юз келсам, у вақтда Аллоҳга сиғинаман ва унинг шарридан ҳимоялана оламан, – деб жавоб берди.

(Ушбу китобни арабчадан туркчага илк бор таржима қилган Илёс ибн Абдуллоҳ ал-Ниҳоний қўшимча қилиб дейди:

Ривоят қиладиларки, Имом Ғаззолий ҳазратларининг шайхи орифлардан бирини зиёрат қилгани боради. Талай вақтгача суҳбатлашадилар. Бир-бирларини дуо қиладилар ва охири хайрлашаётиб, шайх орифга: Бу йиғилишдан яхшироқ ва бахтлироқ бир йиғилишда бўлмагандим, дейди. Ориф унга бундай жавоб беради: – Мен эса бу йиғилишдан андишалироқ ва таҳликалироқ бир йиғилишга дуч келмаганман. Чунки сен олиб борган гўзал суҳбатлар билан илм ва амалингни устунлигини менга кўрсатишга уриндинг ва шу тариқа ўзингни кўз-кўз қилишга шошдинг. Мен ҳам гапларингни тасдиқлаб риёкорлик қилдим. Шу тариқа иккимиз ҳам риё йўли билан амалларимизни буздик ва бу – суҳбатимизнинг Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлмаслигига сабабдир, деб ўйлайман. Орифнинг бу жавобидан шайх қаттиқ эзилди. Ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, ақлидан айрилар даражада инграб бошлади ва Аллоҳдан афв ва мағфират тилаб туриб кетди. Кейинчалик бир қанча мажлисларда бу воқеани сўйлаб юрган шайх ўз тингловчиларига бу борада ўғитлар бериб юришни унутмади).

Зоҳидлар, орифларнинг бир-бири билан учрашув ва кўришувларида мана шундай тўсиқлар бўлар экан, ажабо, дунё аҳлининг ғофил кимсаларнинг ҳоли нима бўлади-ю, ёмон инсонларнинг кўрар кун қандай бўлади?

Эй азиз қардош! Замоннинг, айниқса бизнинг замонимиздаги инсонларнинг ёмонликларидан, айбу гуноҳларидан қутули

осон деб ўйлайсанми? Йўқ, осон эмас. Чунки улар турли ҳоллари билан сени ибодатдан қолдириб, қилаётган тоатингни бузадилар. Шу сабабли сенинг халқдан узлатга чекинишинг зарур бўлаётир. Фақат шу йўл билангина ўзингга келаётган зарарлардан ҳимоялана оласан.

“Халқдан узлат қилишнинг ҳикмати нимадир? Узлатга чекинишларнинг синф ва даражалари борми? Бор бўлса, узлатнинг қандай чегаралари мавжуд?” деган саволларга бундай жавоб берамиз:

Бу борада халқ икки синфга бўлинади:

1. Биринчи синф инсонларнинг илмига, ҳикматига халқнинг эҳтиёжи бўлмайди. Шу сабабдан бундай инсонларнинг жамоатдан айри яшашларига ва халққа аралашмасликларига бирон тўсиқ йўқ. Фақат жамоат билан қилиниши фарз ва вожиб бўлган жума, байрам (ҳайит) намозларида иштирок этишлари, рўзғорларини таъминлаш жиҳатидан халқ билан алоқага киришлари ва бундан ташқаридаги вақтларда танилмайдиган ва билинмайдиган даражада халқдан узоқ туришлари керак бўлган кишилардир.

Аммо булар бутунлай узлат қилишни истасалар, бир гўшага чекиниб, халқ ила ҳеч алоқага киришишни истамасалар, бу икки тарзда бўлади:

а) – Бу кабилар тоғ бошларида ёки дара қирғоқларида кимсасиз ерларда ўтиришлари керакки, шу ҳолдагина юқорида айтилган жамоатларга аралашиб мажбуриятдан халос бўла оладилар. Баъзи зоҳидлар бундай жойларда ўтиришни устун кўришларининг сабаби ҳам шудир: “Халққа аралашиб ва диний жамоатларга қўшилиш мажбуриятдан қутулиш”.

б) – Жума ва байрам намозлари каби фарзларни адо этиш ва моддий эҳтиёжларини таъмин қилиш учун халқ билан алоқаларида ҳосил бўладиган маънавий масъулият билан гуноҳ буларни адо этиш билан қўлга киритилган савобдан кўпроқ бўлиши ишончига борган чоғида бу ишонч узлатга чекиниш учун бир узр бўлади.

(Ушбу китобнинг арабчадан туркчага илк таржимони яна кўшимча қилади:

Маккада узлатга чекинган баъзи шайхларни кўрдим. Тура жойлари узоқ бўлмаган ҳолда Қутлуғ Ҳарамга келиб намоз ўқишмасди. Жамоат билан намоз ўқиш сизнинг зиммангизда: вожиб-ку, нега буни тарк этяпсизлар? – дея сўрадим. Менга юқорида айтилган “жамоатга қўшилишнинг гуноҳи савобида ортиб кетармикин” деган андишадамиз, деб узр айтдилар. Мен ҳам, узрли инсонларни айблайолмайман, дедим.

Ҳақ таоло узрлиларни ва бандаларнинг қалбларини билади.

Лекин ҳақиқий йўл – жамоат намозларида бўлиш ва халқнинг хайрли ишларига ҳисса қўшишдир. Агар киши бутунлай узлатда бўлишни истаса ва жамоат билан алоқани тамоман узишни хоҳласа ҳамда жамоатда бўлиш фарз ва вожиб саналган намозларнинг маънавий жавобгарлигидан холи бўлишни истаса, у ҳолда юқоридай баён этилганидай тоғ тепалари, дара бўйлари каби овлоқ ва инсонлардан жуда узоқ жойларда яшаши лозимдир. Шаҳарда ёлғиз ўтириб, халққа қўшилмаслик, жамоатларга аралашмаслик хатодир. Гарчи инсонларга қўшилиш сабабли орттириладиган гуноҳлар хайрдан ошиб кетиш эҳтимоли узр саналса ҳам. Лекин узр сифатида кўрсатилган далил аксинча бўлиб чиқиши, яъни: хайр гуноҳдан ортиқ чиқиши ҳам мумкин ва у ҳолда узлат яхши натижа бермаган бўлади. Хулласи калом, узлатни хоҳловчи мўминлар бу жиҳатларни яхши билиб олишлари керак ва қайсинисини хайрли деб кўрса, ўшанга кўра ҳаракат қилишлари даркор).

2. Бир қисм инсонлар борки, олимдир ва илмига амал қилади. Ваъз ва насиҳатлари билан халққа тўғри йўл кўрсатиш ва яхши ишларга ундаш ва бидъат аҳлининг овозини ўчириш кучига эгадир. Бундай зотларнинг ёлғизликка чекиниб, халққа аралашмаслиги жоиз эмас. Аксинча, халқни яхшиликка чақириш уларга Аллоҳнинг амр ва тақиқлари ҳақида ваъз ва насиҳатлар айтиб, тўғри йўлга йўналтириш, диний муаммоларни ечиб тараддудлардан қутқариш хусусида нафсини бахшида қилиш унга вожиб бўлади. Бу борада устларига Аллоҳнинг саломат ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир қутлуғ ҳадисларида бундай деганлар:

«Ўртада пайдо бўлган бидъатларга (динга қарши одатларга) қарши мужодалада бўлмай жим ўтирган олимга Аллоҳнинг лаънати бўлсин».

Бу лаънатга инсонлар орасида юрганлар мустаҳақ бўлишади. Узлатга чекинганлар мустаҳақ бўлмайдилар. Лекин уларга ҳам халққа қайтиш ва бу вазифани кераги даражасида адо этиш вожибдир.

Бу борада устод Абу Бакр ибн Фаврақ ҳазратлари айтадилар: “Ибодат қилиш учун халқдан узоқ бир тоғ бошига чиқдим. Ибодат билан машғул бўлганим бир чоғда кўкдан бир садо келиб, менга бундай деди: Эй Абу Бакр, халққа ваъзу насиҳат қилиб, одамларни тўғри, ҳақ йўлга чақириш илмининг кучига соҳибсан. Бу сенга вожиб бўлатуриб, нега тоғ бошига чиқдинг? Шунда дарҳол шаҳарга тушдим ва вазифамни қила бошладим”.

Маъмун ибн Аҳмад ҳам муаллими Абу Исҳоқдан шундай бир гап эшитганини ривоят қилади: “Бир кун Лубнон тоғларидаги обидлар олдида кетдим ва: – Эй ўт еяётганлар! Муҳаммад умматини бидъатчилар, йўлдан тойганлар қўлида қолдириб бу тоғ бошларида нима қилиб ўт еб юрибсиз? – деб сўрадим. Улар эса: – Биз халққа ваъз-насиҳат қилгулик қудратга эга эмасмиз. Аллоҳ таоло бундай куч-қудратни сенга берган. Бу амр бизга эмас, сенга фарз! – дея жавоб бердилар”.

Шундан кейин устод **“Жоми ул-жалий вал хафий”** номли китобини ёзиб, халқни Ҳақ йўлига чақирди ва бидъат аҳлининг қўлидан қутқарди.

Диний мушкулларни осон қилиш учун одамлар ёрдам сўрайдиган олимларга бу вазифани адо этиш вожиб бўлади.

Бундай олимларнинг васфлари ва юрадиган йўли икки турлидир:

1. Халққа етакчилик қиладиган олим. Кўп сабрли, ўта юмшоқ, теран дунёқарашли ва бу муҳим вазифасида муваффақиятли бўлиши учун Аллоҳнинг мададини тилаб юриши лозим.

2. Кўринишда одамларга ичдан маънавий устод бўла олувчи олимлар. Булар халқ сўраса, жавоб бериши керак. Зиёрат қилгани келса, очик юз билан кутиб олиши зарур.

Ҳар кимга ижтимоий ҳолати, мавқеи ва даражасига кўра вазифа юкласин. Агар жим бўлиб қолса ва чекинаётгандай кўринса,

тўхтатиб, гапни бошқа ёққа бурсин ва фурсатини топиб, унга бир топшириқ берсин. Яхши ишларда халққа ёрдамчи (мададкор) бўлсин. Ёмонлик қилса, қарши борсин. Бундайлардан узоқ туриш билан бирга ваъз-насихатда бўлмоқдан ўзини четга олмасин. Кучи етса, ёмонликларини бартараф қилсин. Халқнинг ҳақ ва ҳуқуқига риоя этсин.

Ибодатларга қўшилсин. Зиёратларга, кўнгил сўрашлар, табрикларга бориб, Аллоҳ ризоси учун кўнгилларини олсин. Ўзидан сўраган нарсалари, ишларини иложи бўлса қилиб беришдан ўзини четга олмасин ва туриш-турмуши яхши бўллатуриб улардан пора олмасин. Ниманики қилса, Аллоҳ розилиги учун қилсин, ўзига нимаки тиласа, Аллоҳдан тиласин. Ҳеч кимсадан ҳеч нима тама этмасин. Уларга жаҳл қилмасин. Қаттиқлик кўрсатмасин. Қўлидан келса, муҳтожларга садақа берсин. Пулдан ёрдам қилсин. Заҳматларига ярасин, кулиб, очиқ юз билан муомалада бўлсин. Агар ўзлари миннатдорчилик маъносида бир нима бермоқчи бўлсалар, қайтармасин. Бирор тиқилинч иши бўлса, ҳатто бу жуда муҳим эса-да, гапирмасин, ичида тутсин. Сўнгра ўз нафсига қараб ўшандоқ пайтларда чин юракдан ичкин ибодатини қилсинки, Ҳақ таолога мақбул келсин.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратлари:

«Тунда ухласам – нафсимга бўйсунган бўламан, кундуз ухласам – фуқароларимга зарар бераман. Бу иккиси ўртасида ух-лаш менинг учун мумкинмикан?» – дея одамларни тафаккур қилдиргандилар. Демак, нафсининг халқ билан, қалбнинг Аллоҳ билан бўлиши жуда қийин масала ва мушкул бир ишдир. Ёлғизликка чекинганлар бу хусусда кўп мужоҳада қилишлари керак бўлади.

Шу сабабдан баъзи шайхлар дерларки: Инсонлар билан тур, ўтир. Лекин ёмонликларидан сақлан. Тирикликда яшаб, ўликларга мослашмоқ нақадар мушкул ва қийин ишдир.

Ибн Масъуд буюради: Халққа аралаш. Лекин қалбан улардан узоқ турки, динингга зарар бермасинлар. Фақат фитна ва фасод денгизи жўшганда унинг долғалари оламни изтироб гирдобига, динсизлик ва бузғунчилик чуқурига бошлайди ва ҳар кимни ўз

бош оғриғига шерик қилади. Бу фитна ва фасод, бу ахлоқсизлик халқнинг қуйи табақасидан устки табақасигача ҳаммага юқиб ва ҳамма шу ёмон муҳитда эсанкираб қолаётган пайтларда олимлар илмларини кўксига кўмсинлар ва халқдан бутунлай ажралиб, бир гўшада ўтирсинлар. Ўз нафсларини тузатиш билан ва ибодат билан машғул бўлсинлар. У ҳолда ҳар олим ва солиҳ ўз даврига эътибор берсин. Агар фитна ва фасод замони бўлса, узлатга чекинсин. Лекин бу ишни яхшилаб, назокат билан қилсин, қаноатсизлик кўрсатмасин. Чунки бу хусусда ҳам хато қилиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Бир қисм инсонлар борки, вожиб бўлган чоғда ёлғизликка чекинмайдилар. Бир қисми халққа қўшилиш вожиб бўлган пайтда узлатга чекинади. Бир қисми эса ҳайвон каби фақат ўз роҳатини ўйлайди ва ўзини узлат аҳлидан ҳисоблайди. Бир қисмининг бошига эса етакчи бўлиш савдоси тушиб қолади ва яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш (амри маъруф, наҳйи мункар) ишончи билан маъсиятни (гуноҳ ишларни) ибодат ҳисоблаб, ўзларича ғурурланиб юрадилар.

Устларига Аллоҳнинг шони ва саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир ҳадисларида бундай марҳамат қилганлар:

“Жамоат билан бирлик бўлган пайтларда ундан айрилманг, чунки Ҳақ таолонинг қудрат қўли жамоат устидадир. Шайтон инсоннинг бўрисидир. Тўдадан айрилганларни – илгарилаб кетганларни ва ортда қолганларни талайди”.

Бошқа бир ҳадисларида эса бундай деб марҳамат қилганлар:

“Шайтон бир кишига тенгдир, икки кишидан узоқдир”.

Бунга нима дейсиз?” саволига жавобимиз бундай:

Тўғри, Аллоҳнинг Расули бирликда бўлишни, жамоатдан айрилмасликни амр этганлар. Лекин фитна ва фасод пайтларида ёлғизликка чекинишни ва кимсага қўшилмасликни буюрганлар.

Зотан, буни юқорида қайд этдик. Ушбу ҳадислар орасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Бу ҳадисларни муҳаққиқлар (тадқиқотчи, текширувчи олимлар) бир-бирига чоғиштириб, солиштириб кўрганлар. Масалан, **“Алайкум бил жамоъа”** (жамоат билан бирлик) жумласининг уч маъноси бор экан:

Биринчиси – диний ишларда ва шаръий ҳукмларда бирликни англатади. Чунки Муҳаммад (алайҳиссалом) уммати ичида гуноҳ қилиш, четга чиқиш (тойиш) масалаларида бирлашиб бўлмайди. Жумҳур (кўпчилик) билан бирлашиш диний ҳукмларга қарши ҳаракат эса, йўлдан тойган бўлади. Лекин кўпчиликнинг бирлашиши шаръий ҳукмларга мувофиқ бўлган тақдирда ёлғиз ибодат мақсадида халқдан айрилса, бу қутлуғ ҳадисга қарши ҳаракат қилган бўлмайди.

Иккинчиси – жума ва жамоат билан ўқилган намозларда, байрамларда (ҳайитларда) ва қатнашиш вожиб бўлган мажлисларда иштирок этиш жамоат билан бирликда бўлиш демакдир. Чунки бундай тўпланишларда мусулмонларнинг диний кучи ва қудрати ошади ва айни чоғда динсизларга, имонсизларга қарши қаҳрли ва ўлдирувчи бир кўргазма бўлади. Бундай йиғилишлардан Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти кам бўлмайди. Шу сабабли узлатга чекинганларнинг мутлақо бундай йиғилишларда қатнашиши диний бир вазифадир. Бошқа пайтларда айри бўлсинлар ва шу тариқа ўзларини муҳтамак (бўлиши эҳтимол) ёмонликлардан асрасинлар.

Учинчиси – фитна ва фасод, ғала-ғовур бўлмаган пайтларда халқ билан бир бўлинг, бирликда бўлинг демакдир. Ёхуд замон оғир бўлса, ишонч ва амалларида заифлар жамоатдан айрилмасинлар демакдир. Чунки ёлғиз бошига бундай бузуқликларни тузатишга кучлари етмайди. Лекин басират аҳлидан (ҳақиқатни кўрувчилардан) бўлиб, дин ишларида кучли ва бировга муҳтож бўлмаганларнинг фитна ва фасод замонларида ёлғизликка чекиниши яхшироқдир.

Чунки омма билан қоришишнинг ёмонликлари узлатнинг зарарларидан анчагина кўпдир. Лекин бундай узлатнинг ҳам шартлари бор: исломиятга фойдали, яхшиликка қараб йўналган жамиятларга қўшилганларнинг ишларидан орқада қолмаслиги керак. Фақат тоғ бошларида ва жуда узоқда ўтирган бўлса, бундай диний йиғилишларга қўшилмасликлари узрли саналади. Айни чоғда ислом олимлари, обидлар қаерда бўлишларидан қатъи назар, ҳеч бири диний йиғилишдан узоқда турмасликлари ва уларга қўшилишлари керак, замон янгиликларидан беҳабар қол-

масликлари шарт ва икки дунёнинг ҳам савобидан баҳраманд бўлишлари зарур, деб ҳисоблайдилар.

Гоҳо-гоҳо эранлар замон ўзгаришларию бузуқликларига аҳамият бермайдилар, деган гаплар қулоққа чалинади. Улар дунё кезиб юрадилар. Исломий йиғинлар қаерда бўлса, ўша ерда ҳозир бўладилар. Улар учун ернинг томирлари доим узайиб-қисқариб туради, масофалар аҳамиятсиз, истаган жойларига бир онда етиб борадилар ва у шаҳарнинг халқига турли кароматлар кўрсатадилар. Қанчадан-қанча қийналиб қолганларга ёрдам қўлларини узатадилар. Дунёнинг шарафи ва боқийлиги улар билан биргадир. Аллоҳ ул комил зотлардан рози бўлсин. Бу дунёда ва охиратда азиз айласин. Улар ўз нафсларини тарк этиб, биздай бечораларни тилакларига етказиш учун ҳиммат кўрсатадилар ва жафо чекадилар.

“Бир қутлуғ ҳадисда:

“Умматининг дунёда инзивога (узлатга, ёлғизликка) чекиниши – масжидларда ўтириб Ҳақ таолога юзланиб ибодат билан машғул бўлишидир”, дея марҳамат қилинган. Бу ҳадисдан халқдан узилишнинг жоиз эмаслиги англашилади. Бунга нима дейсиз?” деган саволга жавобимиз будир:

Ушбу ҳадис узлатнинг бир турли изоҳидир. Чунки масжидда ибодат билан машғул бўлмоқ ва халққа аралашмоқдан мақсад кўринишда халқ билан, маънода Ҳақ билан бирга бўлишдир. Зотан, ҳақиқий узлат мана шудир. Асло халқдан тамоман узилиш дегани эмас.

Шунинг учун ҳам Иброҳим Адҳам ҳазратлари: **“Халқ ичида ёлғиз бўл! Раббинг билан машғул бўлишни одат ҳолига келтир! Маънан инсонлардан узоқлаш!”** дейдилар.

“Олий мадрасаларда, зовия ва такяларда (узлат жойлари ва дарвишларнинг ётоқхоналарида) бўлган ҳамда у ерларда диний илмларни ўрганаётган ва ё тариқатнинг маънавий оламида юксалмоқчи бўлганлар – узлат аҳлига кирадими ёки халқ билан бирга ҳисобланадими?” – дея савол берилса, жавобимиз будир:

Бу муассасалар дин илмини ўрганишга ҳаракат қилаётган шариат олимлари билан илм-ал-яқинда (ҳар нарсанинг моҳияти

ва кайфиятини билиш илмида) маънавий соҳада юксалишни истаган тариқат соликлари (сўфийлик маслагига мансублар) учун ғояга, мақсадга етказувчи ва яхши иш жойи тарзида очилган.

Бунда икки катта фойда бор:

1. Халқдан айри туриб, улар билан муносабатни тарк этиш орқали ўз ғояларига осонликча эришиш имконини қўлга киритади.

2. Диний соҳада ва исломий анъаналарга кўра халққа керакли даражада ёрдам беради. Бу тақдирда энг тўғри йўл мадрасалар ила зовия ва такяларда туриш ва айрилишмай туриб (узлатга чекинмай, халққа аралашган ҳолда) қандай бўлмасин, фазилат ва савобни бирлаштириб олишдир.

Ана шу фойдаларни ҳисобга олиб, юқорида номлари зикр этилган муассасалар шаҳарларнинг кўпида қурилганки, хайр соҳиблари диний маълумотларни эгаллашига ёки яқин илмини (маънавий билимларни) эгалламоқчи бўлганларга яқин келажакда одамларга керакли моддий-маънавий ёрдамларини беришлари учун шароитлар яратилган. Илм ва маърифат таҳсилида қийинчилик кўрмай мақсадларига эришсинлар; халқнинг диний соҳадаги мушкулларини ечиб берсинлар; солиҳ зотларни кўриб, уларнинг қилаётган ишларидан ўрнак олсинлар, дейилган. Шундай экан, соф ният билан бу муассасаларни қурган ё мавжудларини қўллаганлар илм ва амал жиҳатидан катта савобларни қўлга киритадилар. Дунёда динга хизмат қилганлар охиратда бахтлилар тоифасига кирадиганлардан бўладилар.

“Муридларнинг ҳоли нима бўлади? Мужтаҳидлар, муршид ва орифларнинг узлат қилишлари жоизми? Ёхуд улар билан бирга бўлиб суҳбатларини олиш вожибми?” каби саволларга жавобимиз бу:

Агар бугуннинг фаоллари, муршид ва орифлари ўзларидан аввал келган салафларнинг йўлларида бўлсалар, улар каби ахлоқли ва ҳақ йўлда эсалар, улар дин қардошларимиз, тариқат йўлдошимиз ва ибодат ёрдамчиларимиздир. Уларнинг узлат қилишлари қатъиян жоиз эмасдир. Чунки суҳбатларидан катта маънавий ютуқларга эришамиз. Улар Лубнон тоғларидаги

обидларга ўхшайдилар. Тўпланадилар, тоат-ибодатда бир-бирларига ёрдам берадилар, бало ва фалокат қаршисида сабрли бўлишни тавсия этадилар.

Лекин йўллари йўқотган, ибодатларини ўзгартирган ва салафларининг одат ва анъаналарига риоя қилмайдиган муршидларга нисбатан муридлар халққа қандай муомала қилишса, уларга ҳам шундай муомала қиладилар.

Ҳар бири ўз гўшасига чекинади, ибодатлари билан машғул бўлади. Тилларини тийиб юради. Диний йиғинларда ва хайрли ишларда улар билан бирдамлик қилади. Бошқа ишларда улардан айрилади. Мана шулар ҳақиқатан узлат аҳлидан узлат қилган ҳисобланишади.

“Ажабо, мадраса ва такяларда яшовчилар билан баҳслашишдан ўзига зиён етаётганини кўрган бир киши улардан айрилиб, кимсасиз бир ерда ибодат билан машғул бўлса, жоизми?” деган саволларга жавобимиз будир:

Мадрасалар, такялар – амал ва ибодат билан маълумотли бўлишда бирор қалъа кабидир. Бу қалъада ўғрилар, зўравонларга, яъни йўлдан тойганларга қарши курашадиган фаоллар бор. Ушбу муассасалардан ташқаридаги ерлар эса ҳувиллаган, бўм-бўш чўлларга ўхшайди. У ёқларда инсонлар билан жинларнинг шайтоний аскарлари кезиб, айланиб юради. Қалъадан чиққанларни пичоқлайди, тоатларини ман қилади ва ўзларини асир этади. Бу аскарлар билан жанг қилишга ва урушишга кучи етмайдиганларнинг, яъни имони заиф бўлганларнинг қалъадан чиқишлари, имонли муассасалардан кетишлари жоиз эмас, ўша ернинг ўзида узлатда қолишлари тўғрироқдир. Аммо басират аҳлидан бўлган ва дин душманларининг босқинларига қарши тура оладиган кучли мурид учун қалъада бўлиш ҳам, чўлда бўлиш ҳам бирдекдир.

Уларнинг ташқарига кетишларидан хафа бўлмаслик керак. Лекин қалъада, яъни имонлилар орасида бўлиши яхшироқдир. Чунки ташқарида ғофил қолган чоғларида шайтоннинг босқинларига дучор бўлишлари ҳеч гап эмас. Шу сабабдан илм олиш ва амал қилишга шайланганлар ичида бўлиб, уларнинг қийин-қийинларига аралашиб қолишлари яна хайрлироқдир. Бу

изоҳлардан шуни англаймизки, имонлилар жамиятидан айрилиш хатодир.

“Дин қардошларимизни зиёрат қилиш ва улар билан диний-ахлоқий баҳсларда бўлиш ҳақида нима деган бўлардингиз?” саволига жавобимиз будир:

Аллоҳ ризоси учун дин қардошларимизни ва яхши инсонларни зиёрат қилиш ибодат ҳисобланади. Бунда турли фойдалар бор:

1. Зиёратлар жуда тез-тез бўлмаслиги керакки, хижолатликка солмасин. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг салоти ва саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари Абу Ҳурайрага (Аллоҳ ундан рози бўлсин) бундай буюрганлар:

«Севги ортиқ, зиёратлар сийрак бўлсин».

2. Зиёратнинг ҳақлари, шартлари ўрнига қўйилиши керак.

Ортиқча ясан-тусан қилмасдан, лузумсиз гаплар айтмасдан ва ўзгаларни ғийбат қилмасдан қайтиш лозимки, турли нохуш оқибатларга олиб келмасин. Зиёрат кўнгил олиш ва фақат Аллоҳ учун бўлиши шарт.

Ривоят қиладиларки, бир кун Суфён ва Фазл (икковларини ҳам Аллоҳ раҳматига олсин) учрашдилар. Қучоқлашиб кўришдилар, мириқиб суҳбатлашдилар, неча бора йиғлашиб ҳам олдилар. Сўнгра айрилишаркан, Суфён деди:

– Эй Абу Али, назаримда, яқин орада бундан ёқимлироқ суҳбатда бўлмагандим.

Фазл эса:

– Бундан ҳам ачинарли суҳбатда бўлмагандим, – деди.

– Нега ундай деяпсан?

– Чунки сен ғоят чиройли гапларинг билан илмингни ва хитобот кучингни кўрсатишга уриндинг. Мен ҳам шундай туйғуларни бошдан кечирдим ва ўзимни кўрсатдим. Шу сабабли учрашувимиз Аллоҳ учун учрашув хусусиятини йўқотди.

Демакки, яқин дўст ва ошналарнинг зиёрати ҳам шу айтган шартларимиз доирасида қилинса, жуда фойдали ва хайрли бўлади. Ва бу зиёратлар ахлоқий ва маънавий жиҳатдан комиллашувга етаклайди.

“Фитна ва фасод бўлмаган оддий, табиий замонларда жисман халқ билан, қалбан улардан узоқ ва маънан Аллоҳ билан бўлиш ҳолига қандай етишиш мумкин ва бунинг йўллари қандай?” саволига жавобимиз будир:

Буни таъмин этадиган уч ҳолат бор:

1. Бутун бўш вақтингни тоат-ибодат билан ўтказ. Чунки ибодат инсонни Ҳақ билан машғул этади. Бўш вақтни инсонлар билан ўтказиш моддий ва маънавий қашшоқлик аломатидир. Нафсингни бекордан-бекорга инсонлар билан суҳбатга ва уларнинг ҳоллари билан машғул бўлишга боғлама. Бу сенинг учун вақт бекор ўтказилди деган гапдир. Аммо бўш вақтларингни ичдан келган бир туйғу билан ибодатда ўтказсанг, Аллоҳга яқинлашган бўласан, қилаётган ибодатингдан лаззатланасан ва шу тариқа халқдан маънан узоқлашган бўласанки, шундай равиш билан халқнинг ўринсиз ва ғашингни келтирувчи ҳаракатларидан нафратлана бошлайсан.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Мусо ҳазратлари Ҳақ таолога муножотда бўлиб, ёлвориб-ялинишларидан кейин халқнинг орасига қайтганда одамларнинг сўзларидан сиқилмайдиган ва ҳатто баъзан қулоқларига пахта тиқиб оладиган бўлганди.

Макка ва Мадина имомлари ҳам шу гапни тез-тез такрорлайдилар:

Халқдан узоқлашгинки, Аллоҳга яқинлигининг ва боғлиқлигининг ортсин.

2. Агар халқдан узилолсанг, ибодат иши сен учун осонлашади. Чунки умидингни узган бир нарсадан сенга на зарар, на фойда келажagini ўйламаганинг учун бўшлиқ кўнгил билан Аллоҳга боғланган бўласан.

3. Инсонлар билан кўришиб гаплашишдан ва лузумсиз вақт ўтказишдан юзага келадиган зарарлар устида ўйлашдир.

Шу уч шартга керагича риоя қилсанг, маънан халқдан узоқлашган ва ичдан унга боғланган бўласан.

Ибодат йўлининг бекитадиган ва олға силжишининг тўхтатиш учун уринадиган учинчи тўсиқ **шайтон**дир.

Иккита сабаб борки, улар сенинг шайтон билан жанг қилиб энгиб олишинг зарурлигини кўрсатади:

1. Шайтон шундай бир душманки, ҳеч қанақасига тинчликка рози бўлмайди. Унинг энг катта завқи сени йўлдан чиқариш ва фалокат сари судраб олиб боришдан иборат. Шундай бўлгач, бу жон душманингдан хавфсизлигингни таъминла ва ғафлатга тушма. Бунга далил истасанг, бундай оятлар бор:

أَلَمْ آعْهَدَ إِلَيْكُمْ يَبْنَىءَآءَآءَ أَن لَّا تَعْبُدُوا الشَّيْطَانَ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٦٠﴾

Яъни: «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир» (Ёсин сураси, 60-оят).

Аллоҳ сизга шундай амр қилмаганми, ахир? Мана бу оятда ҳам худди шунга ўхшаш амр бор-ку!

إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمْ عَدُوٌّ فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا

Яъни: «Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман тутинглар» (Фотир сураси, 6-оят).

Бу икки ояти каримадан аён бўлиб турибдики, шайтон инсоннинг жон душмани. Ундан ҳимояланиш вожибдир.

2. Инсонга душманлик қилиш шайтоннинг табиати ва яратилиши натижасидир. У нафсини сен билан жанг қилишга йўналтирган, кеча-кундуз турли ҳийла ва алдовлар билан сени йўлдан чиқаришга ва йўл қўйилган бир онлик ғафлатдан ҳам фойдаланиб қолишга уринади. Халқни тўғри йўлга солишинг билан сенга душманлик қилишга киришади. Чунки сенинг қилган ишинг унинг орзуларига зиддир. Халқни тўғри йўлга чақиришинг унинг жаҳлини қистайди, ғазабини орттиради, амалларингни қандай қилиб бўлмасин бузишни ўйлайди.

Бу вазиятда у сенинг билан қандай қилиб тинчлик шартномаси тузиши мумкин? Сени фалокат сари судраш унинг бирдан-бир амалидир. Чунки сенга бўлган душманлиги абадийдир. Шайтон шундай бир яратик, шундай бир мавджудотки, унга ёмонлик қилмаган, ёмонликни қасд этмаган, ҳатто айтганларига юрган бўлсанг ҳам, фалокат жарига улоқтиради. Ҳолбуки, сен

унинг билан мухолафатдасан. Албатта, сенга душманлиги ва фалокат сари судрашга интилиши янада шиддатли бўлади. У барча амалларингни бузишга интилади. Бошқа мўминларга ҳам, хусусан сенга ҳам душмандир. Сўнгра у сенга душманлик бобида ёлғиз ҳам эмас: нафси аммора (инсоннинг хунук ва шайтон ташвиқларига эътирозсиз ва қаршиликсиз-курашмай тобе бўлиш ҳоли) ва пушаймонлик каби бошқа инсоний сифатлар фақат унинг ёрдамчиларидир. Ҳатто сени йўлдан чиқариш ва фалокатларга судраш учун билдирмай томирларингга ҳам кириб олади.

Яҳё ибн Муоз бундай дейди:

Шайтон бекорчи, вақти бўш, сен нафсингнинг орзуларини амалга ошириш билан бандсан. Шайтонни кўролмайсан. У сени кўради. Чунки сен уни унутасан, у сени унутмайди. Сенинг нафсингда унга ёрдамчилар бор. Улар ўз амримда деб ўйлайсан. Ҳолбуки, улар сенга билдирмай душманинг билан бирлашган, сени йўқ қилишга уринишади. Шунинг учун ҳам сен шайтон билан жанг қилишинг керак ва уни талаб ташлашинг керак. Йўқса, у сени ҳалок қилади.

“Ажабо, шайтоннинг ёмонликларидан қутулиш учун унинг билан қай йўсинда жанг қилиш керак?” деган саволга бундай жавобни берамиз:

Бу борада икки фикр бор:

Биринчи фикрга кўра, шайтоннинг ёмонликларидан қутулиш учун Аллоҳга сиғинишдан ўзга чора йўқ. Чунки шайтон Ҳақ таолонинг бандаларини таловчи қутурган бир итдир. Уни қуваласанг, сени баттар талайди. Вақтимиз бекорга кетиб, заҳмат чекамиз. Ҳатто бир лаҳза вақт топса ҳам, бизни яралаб ўлгуради. Шу боис бу қутурган итнинг эгасига мурожаат қилсак, уни боғлаб қўяди, тинчлантиради ва бизни ёмонликларидан қутқаради.

Иккинчи фикрга кўра, Аллоҳга сиғиниш билан баробар шайтон билан жангга киришиш ҳам керак – шундай тавсия олади. Бу ҳолда энг тўғри йўл – шайтоннинг ёмонлигидан қутулиш учун олдин Аллоҳга сиғинасан. Чунки У бизни

шайтоннинг шарридан ҳимоя қилиш қудратига эга. Агар у (шайтон) тинчимай, яна бизга ҳужум қилаётганини кўрсак, шуни ёдга олиш керакки, Ҳақ таолонинг бизга шайтонни юбораётгани бесабаб эмас: имонимизнинг кучи қандайлигини, сабримиз қай даражада эканлигини синаётир. Шу тариқа Аллоҳ имонсизларни имонлилар устига ташлайди. Уларни даф этишга қудрат берганини назарда тутиб, бандасига яна ғайратчанлик савобини ва сабрли бўлиш мукофотини ҳам бериш, ҳатто ўлмаса, ғозийлик, ўлса, шаҳидлик мартабасини насиб этиш, бутун гуноҳлардан аритиш мақсадида бу душманларни унинг устига ташлайди. Бу эса имонлилар учун катта бир маънавий ютуқ ва юксак фазилатдир. Гарчи кўринишда бу шиддатли мусибатдай таассурот қолдирса ҳам, лекин аслида бу мўмин учун илоҳий бир лутфдир.

Шунинг учун ҳам Қуръони каримда бундай огоҳлантирилган:

وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ حَتَّىٰ نَعْلَمَ الْمُجْتَهِدِينَ مِنْكُمْ وَالصَّابِرِينَ وَنَبْلُوَ أَخْبَارَكُمْ ﴿٣١﴾

Яъни: «Қасамки, ичингизда курашчан ва сабр қилган зотларни билгунимизча ва хабарларингиз (тўғри-нотўғрилиги)-ни аниқлагунимизча сизларни имтиҳон қилажакмиз» (Муҳаммад сураси, 31-оят).

Яна бир оятда бундай дейилган:

أَمْ حَسِبْتُمْ أَن تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَعْلَمِ اللَّهُ الَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ وَيَعْلَمَ الصَّابِرِينَ ﴿١٤٢﴾

Яъни: «Ёки сиз Аллоҳ ичингизда ким ҳақ йўлда курашган-у, ким сабр-тоқат қилганини юзага чиқармасдан бурун жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми?» (Оли Имрон сураси, 142-оят).

Шайхларнинг билдиришича, шайтон билан курашиб енгишнинг уч йўли бор:

1. Шайтоннинг ёлғону фитналарини билиш билан. Худди уй эгасининг уйғоқлигини билган ўғри уйга кирмай ортга қайтгани каби шайтон ҳам ҳушёр кимсаларни алдаёлмайди.

2. Шайтоннинг ундашига қулоқ бермаслик, ҳийлаларига алданмаслик ва буларга қарши қалбингда заррача ҳам мойиллик ҳис қилмаслик билан. Чунки шайтон ҳураётган итга ўхшайди. Устига бостириб борсанг, баттар вовуллайди. Ортга тислансанг, тинчийди. Кетингдан қувмайди.

3. Ҳақ таолони ёдда тутиш ва шукрни тилдан қўймаслик ва қалбингдан ҳеч чиқармаслик.

Аллоҳнинг салоти ва саломии ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қиладилар:

“Инсон ажални етаклаб келаётган хасталикдан қанчалик қўрқса, шайтон ҳам Ҳақ таолонинг тилга олинишидан шунчалик қўрқади”.

“Ажабо, шайтоннинг ёлғонлари нималардан иборат, уларни қайси йўл ила билиш мумкин?” деган саволга жавобимиз бундай:

Шайтон ёлғон ва шубҳаларни, нафси амморанинг (инсоннинг хунук ва шайтоннинг ташвиқларига эътирозсиз ва қаршиликсиз тобе бўлиш ҳоли) мулоҳазаларини ўқдай ёғдиради. Билмаганлар буларни англай олмайдилар. Шайтоннинг шундай ҳийлалари борки, бамисоли тузоққа ўхшайди. Шу ҳийлалари билан халқни овлайди. Буни билмайдилар ҳам. Фақат буларнинг инсон қалбига қандай кирганлари билинса, тузоққа тушишдан ҳимояланиб қолади.

Олимларнинг ва басират соҳибларининг айтишларича, инсон қалбида пайдо бўлган турли манзаралар, фикрлар, мулоҳазаларнинг моҳияти будир:

Ҳақ таоло инсонни яратганда қалбига уни доимо яхшиликка ундаб турувчи бир фаришта қўйди. Бу фаришта илҳомчи, даъвати эса илҳом дейилади. Бу фариштанинг қаршисида инсонни доимо ёмонликка чақирадиган шайтон қўйди. Унинг вати васвасачи, даъвати эса васваса дейилади. Фаришта яхшиликдан бошқа нарсага чақирмайди. Шайтон даъватининг ўпи эса гуноҳ ишлардир. Фақат баъзан-баъзан яхшиликка ҳам чақириб қўяди. Лекин буни охирида яна гуноҳлар сари рағзиш учун қилади. Масалан, нафила намозини ўқишнинг моҳияти будир: Ҳақ таоло инсонни яратганда имкон борича

уни мураккаб қилиб яратган. Чунончи, қалбидаги фаришта уни яхшилик қилишга чақиради. Лекин инсон ана шу яхшиликни амалга ошираркан, бу ишини кўз-кўз қилишни ҳам хоҳлайди. Бу хўжакўрсинга қилган уринишлари унинг яхшилигини ювиб юборади. Басират аҳли бир-икки чақириқларга қулоқ соларкан, бу чақириқ-даъватларни кўнгил қулоғи билан эшитади.

Аллоҳнинг салоти ва саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир ҳадисларида бундай ўғит берадилар:

“Бола туғилганда Ҳақ таоло унга бир фаришта билан бир шайтон юборади. Шайтон қалбининг сўл қулоқчасига, фаришта эса ўнг қулоқчасига жойлашади. Бири доимо яхшиликка, бошқаси ёмонликка ундайди”.

Пайғамбар ҳазратларининг бошқа бир ҳадислари эса мана бундай мазмунда:

Аллоҳ инсон зотини баъзан яхшиликка чақирсин деб бир фаришта, баъзан эса ёмонликка чақирсин деб бир шайтон туширади. Бундан ташқари Ҳақ таоло инсонни доимо шахвату завққа суяги йўқ бир табиат билан яратганки, буни “ҳавойи нафс” дейилади. Бу ҳам шайтон каби инсонни гуноҳга чорлайди.

Шундай қилиб, даъватчилар учта бўлади: фаришта, шайтон ва нафс. Бу уч манбанинг таъсири билан қалбда туғилган фикрлар инсонни бир ишни қилишга ва ёки уни тарк этишга сабаб бўлади.

Булар баъзан-баъзан инсонга изтироб ҳам беради. Айтилган шу уч сабаб билан юз берган бундай ҳолларнинг ҳаммаси чиндан ҳам Аллоҳнинг илми ва истагига боғлиқ ҳолда майдонга келади. Лекин булар гоҳ воситали, гоҳо воситасиз бўлгани учун тўрт қисмга бўлинади:

1. Ёлғиз Ҳақ таолонинг таъсири остида инсоннинг қалбида туғилган фикр ва хотиралар. Булар **воситасиз фикрлар** дейилади.

2. Аллоҳнинг ёрдами билан ва фақат инсоннинг табиатига уйғун ҳолда қалбда туғилган фикрлар, булар **ҳавойи нафс** дейилади.

3. Фариштанинг чақириғига мувофиқ Аллоҳнинг ёрдами билан қалбда туғилган хотира ва фикрлар, булар **илҳом** дейилади.

4. Шайтоннинг чақириғига мувофиқ ва яна Аллоҳнинг ёрдами билан қалбда туғилган фикрлар, булар **васваса** дейилади.

Биринчилар, яъни Аллоҳ томонидан воситасиз ҳолда тўғридан-тўғри қалбда туғилган фикрлар баъзан инсонга илоҳий лутфу эҳсон бўлсин дея фақат хайрга, яхшиликка, баъзан бандани имтиҳон қилиш учун фақат гуноҳга, ёмонликка қараб йўналган бўлади.

Шайтон туғдирган фикрлар нуқул ёмонликка йўналган бўлади. Баъзан қалбни яқуни яна ёмонлик билан тугайдиган яхшилик қилишга ҳам чақиради.

Нафс сабаб бўладиган фикрлар ҳам фақат ёмонликка қараб йўналган. Баъзан яхшиликка йўналгандай кўринади-ю, барибир охири яна гуноҳдир.

Лекин фаришта воситачилиги билан қалбда туғилган фикрларнинг ҳаммаси яхшиликка қараб йўналган. Чунки унга ёлғиз яхшиликка етакловчилик вазифаси берилган.

Инсон қалбида туғилган фикр ва мулоҳазаларнинг сабаблари ва турларини кўриб чиқдик.

Энди эса қуйидаги уч нарсани ҳам билиб олишимиз вожибдир:

1. Қалбда туғилган бу фикрлар хайрмикин, гуноҳмикин?

2. Гуноҳ ҳисобланганлари бизни синаш учун Аллоҳ томонидан юборилганми ё ҳавойи нафс томониданми, шайтон томониданми? Суянса бўладиганини фарқлаб олиш лозим.

3. Қалбда хайр сифатида туғилган фикр Аллоҳ томониданми, фариштаданми ёхуд шайтон ё нафснинг бир адаштирувчи ёлғоними? Буни билиш ҳам бизга вожибдир. Ана шу уч нуқтани алоҳида-алоҳида тадқиқ қилайлик.

А – Хотира ё фикр яхшиликми, ёмонликми (хайрми, гуноҳми)? Дин олимлари буни фарқлаш учун у қуйидаги тўрт ўлчовдан бири билан тортилиши кераклигини айтадилар:

1. Биринчи ўлчов шариатдир. Қалбда туғилган фикрларни шариат тарозиси билан ўлчаймиз, яъни унинг асослари билан

ҳар томонлама ҳисоблаб чиқамиз, унга мос тушса – демак, хайрдир. Мос тушмаса ва ё шубҳа уйғотса – гуноҳдир.

2. Шариат бундан бирор якун чиқаролмаса, иккинчи ўлчовга бош урамиз. Яъни, саҳиҳлиги шубҳа уйғотмайдиган, имонли эканликлари тўла ишончли зотларнинг амалларига чоғиштирамиз. Агар уларнинг гўзал ахлоқига уйғун бўлса – хайрдир. Уйғун бўлмаса – гуноҳдир.

3. Бундан ҳам бир натижа чиқаролмасак, учинчи ўлчовга бош урамиз. Бу эса нафсдир. Нафсингга қарайсан. Агар нафс кўрққани учун эмас, табиий равишда қалбингда уйғонган фикрдан жирканса – хайрдир, ундан табиий равишда жирканмаса – гуноҳдир.

4. Тўртинчи ўлчов эса нафснинг майлидир. Агар нафс ўша фикрга қарши табиий бир мойиллик ҳис қилса ва уни амалга оширгиси келса, гуноҳдир. Чунки нафс хайрга табиий равишда мойиллик кўрсатмайди. Бу яратилишнинг ижобидир. Доимо ёмонликка мойил бўлади. Борди-ю, табиий равишда майл этмаса ҳам, яна шариат ўлчовидан бир карра ўтказсанг, хайр ва гуноҳ фарқларини яхшироқ билиб олган бўласан.

Б – Хотирга келган ёмон бир фикрнинг Ҳақ таолоданми, шайтонданми ёхуд ҳавойи нафсданми эканлигини яхши билиб олиш учун қуйидаги уч нарсага диққат қилиш керак:

1. Агар хотирга келган фикрнинг қалбингда ўрнашиб, кетмай айнан туриб қолганини, ҳеч ўзгармаётганини кўрсанг, бу Аллоҳдан ё нафсдандир. Агар тараддудли ва изтироб берувчи хусусиятга эга бўлса – шайтондандир. Чунки Аллоҳдан келадигани қатъий ва ўзгармас бўлади. Нафсдан келадигани ҳам собит ва ўзгармасдир. Буни Аллоҳдан келадиганидан фарқлай олиш учун қуйидаги нарсага диққат қилинади:

Ҳаққа эришган олимлар нафси амморани қоплонга ўхшатадилар: Ҳужум қилган нарсасини жуда дабдала қилмасдан, остига босиб олиб йўқ қилади. Дин душманига ўхшайди: ишончингни йўқ қилиш учун жанг қилади – ё ўлади, ё ўлдиради. Шайтонни эса бўрига ўхшатадилар: бир томондан қувасан, айланиб юраверди, иккинчи тарафдан келади, қаршингга келиб ўтиради, ҳужум қилмайди.

2. Қалбда туғилган фикр агар қилинган гуноҳдан кейин дарҳол хотирга келган бўлса – Аллоҳдандир. Чунки қилган гуноҳингнинг қутсизлигидан Аллоҳ уни сенга хотирлатган. Агар гуноҳ қилишдан аввал қалбингда туғилган бўлса – унга ҳам қара, қалбингда ўзгармай собит тураверса – нафсдандир ёхуд шайтондандир. Сени ёмонлик қилмоққа жалб этаётир.

3. Қалбингда туғилган фикрлар, агар Аллоҳни зикр этишларинг натижасида заифлашса – шайтондандир. Чунки шайтон Аллоҳнинг зикри қаршисида чидаб туrolмайди.

Аллоҳнинг салоти ва саломии ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай деб марҳамат қиладилар:

“Шайтон Аллоҳ зикр этилган ердан қочади. Ғафлатга тушган пайтида инсоннинг қалбига кириб олади, васваса беради”.

В – Қалбда туғилган, хайрга қараб йўналган фикрлар Аллоҳданми, фариштаданми эканлигини фарқлашнинг уч йўли бор:

1. Қалбда туғилган фикр собит, ўзгармас ва кучли бўлса – Аллоҳдандир. Агар тараддуд бор бўлса – фариштадандир. Чунки фаришта сенга насиҳат қилади. Сендан хайрни илтимос қилади ва сени хайрли иш бажаришга чақиради.

2. Қалбда туғилган фикр бир ибодат ёки яхши бир ҳаракатдан кейин дарҳол юзага келган бўлса – Аллоҳдандир.

Шунинг учун ҳам Қуръони каримда бундай дейилган:

وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا

Яъни: **“Бизнинг йўлимизда курашган зотларга албатта йўлларимизни кўрсатамиз”** (Анкабут сураси, 69-оят).

Яна бошқа бир сурада ҳам шундай буюрилган:

وَالَّذِينَ آهَدُوا زَادَهُمْ هُدًى وَءَانَّهُمْ وَقَوْهُمْ

Яъни: **“Тўғри йўлда юрган зотларга эса (Аллоҳ) уларнинг қўриқларини орттиради”** (Муҳаммад сураси, 17-оят).

Агар хотирга келган хайрли фикр ўртада ҳеч нарса йўқ бўлмаганда ҳам вужудга келган бўлса, у фариштадандир.

3. Қалбда туғилган фикрлар ишончларингга ва ички ҳолингга оид бўлса – Аллоҳдандир. Тафсилотларга ва ташқи амалларга боғлиқ бўлса – фариштадандир. Чунки дин олимларининг фикрича, фаришта ички ҳолларни билолмайди.

Хотирга келган шартли фикр шайтоннинг ҳийла ва алдоқлари натижасими-йўқми деган муаммони англаш учун қуйидаги жиҳатларга қаралади:

а – Хайрли ишни қилишда нафс малол ҳис қилмаса ва унинг адо этилишига ошиқса – шайтондандир.

б – Хайрли ишни қилишда нафс малол ҳис қилмаса-ю, аммо қўрқаётган бўлса, оқибатини ўйлаб шошилмай ҳаракат қилса, бу – Аллоҳдандир, уни адо эт.

Агар бир ишни қилаётганингда нафсингни хоҳишли, севинчли ва шошаётган ҳолда кўрсанг, у фикрни амалга оширишдан воз кеч. Бир ишда шошилиш хатодир. Шошилмай ҳаракат қилиш доимо яхшидир.

Пайғамбар ҳазратлари бир ҳадисда бундай марҳамат қилдилар:

“Шошқалоқлик – шайтондандир. Фақат беш жойда шошилиш керак:

1 – Вояга етган ва ўзини идрок қила бошлаган қизни эрга беришда.

2 – Қарзни ўз вақтида қайтаришда.

3 – Ўликни кафанлаб дафн қилишда.

4 – Келган меҳмонга овқат беришда.

5 – Гуноҳ қилингани сезилган заҳоти тавба қилишда”.

Шошилмай ҳаракат қилиш ҳар доим яхши натижа беради. Чунки қилинаётган хайрли иш атрофлича ўйлаб амалга оширилади. Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлиш-бўлмаслиги ҳақида тўхтаб ўйла ва хулосангга қараб ҳаракат қил. Хуллас, басиратли ҳаракат қилиш – ишни билиб адо этишга, яхши тугаллашга ва савоб қозонишга олиб келади.

ШАЙТОННИНГ ҲИЙЛАЛАРИ

Шайтоннинг инсон қалбига васваса солиб ибодатини бузишга уринадиган йўллари еттитадир:

1. Кишининг ибодат қилишига тўсқинлик яратади, ибодатни тарк эттириш ҳаракатида бўлади. Ибодатнинг муҳимлигини билувчи “мен бунга муҳтожман, бу дунёга охиратга ҳозирлик кўриш учун келдим. Бу эса солиҳ амал билан бўлади” дегувчи, васвасани кўнглидан чиқариб ташловчи кишига дуч келса, шайтон бундай ҳийлани ишга солади:

2. Бор-йўғи уч-тўрт кунгина оламнинг завқу сафосини сур, сенда бу дунёнинг орзу-армони қолмасин, ахир! Ундан кейин тавба қилиб, солиҳ амалларга бош урасан, Ҳақ таолонинг Ризвон жаннатига кирасан. Ҳар икки дунёда ҳам бахтиёр бўласан, деган шайтонга басират аҳли бу жавобни беради:

Ажал қўлимда эмас, тонггача соғ қоламанми-йўқми, билмайман. Сўнгра бугуннинг ишини эртага қўйсам, эртанинг ишини қачон қиламан. Ҳар куннинг ўзига хос бир иши бор. Уни ўз кунда қилишим шарт бўлганидай, намозни ҳам ўз вақтида ўқишим фарздир. Бу жавобга қарши шайтон бундай ҳийлани ишга солади:

3. Ўлим эшигининг қоқмасидан бурун ибодатининг тез-тез ва устма-уст адо этгинки, кўп савобга эришасан ва Ҳақ таолога иқинлигинг ортади деган шайтонга ҳидоятга эришган мўминлар бундай деб жавоб берадилар: Оз ва лекин тугал ва мукаммал адо этилган амал кўп ва лекин нуқсонли адо этилган амалдан яхшироқдир. Бу гапга қарши шайтон бундай ҳийлани ишга солади:

4. Бутун одоб ва аркони билан ибодатининг мукаммал тарзда адо этки, кўрганлар сенинг бу гўзал ибодатингга қойил қолсинлар ва ўрнак билиб сенга эргашсинлар. Бундан икки савобни қўлга киритасан: бири – қилган ибодатининг савоби, иккинчиси сенга эргашганлар туфайли олган савобинг. Шайтоннинг бундай талқиндан кузатган мақсади ибодатингга риё қўшиб бузишдир. Тақводор мўминлар унга бундай жавоб берадилар: ибодатимиз

ёлғиз Аллоҳ учундир. Халққа кўз-кўз қилиш учун эмас. Агар сен айтгандай қилсак, зиёнимиз фойдамиздан кўп бўлади. Ибодатимизни Аллоҳ кўрса ва қабул қилишни амр этса, кифоядир. Халқнинг кўриши ёки кўрмаслиги билан бизнинг ишимиз йўқ. Умидимиз халқдан эмас, Аллоҳдандир. Бу жавобга қарши шайтон бошқа бир ҳийлани ишга солади:

5. Гўзал амал билан машғул бўлдинг. Холис ибодат қилдинг ва шу тариқа Аллоҳнинг ёнида қадринг, мартабанг ортди. Эранлар (буюк олимлар) мақомига, сиддиқлар (содиқлар, тўғри йўл тутганлар) мартабасига кўтарилдинг, дейди. Аммо басират аҳли (кўзи очиқ, ҳушёр мўминлар) бу фикрни ҳам рад этадилар ва дерларки: Бизга бу ибодатни насиб этган Аллоҳга ҳамду сано айтамиз. Бу Унинг фазлу карами натижасидир. Бизга куч ва қудрат берди. Басират ва маърифат эгаси қилди. Ибодатимизни тўсиқлардан халос қилди. Лутфу карами билан ибодатимизни қадрлади. Йўқса, қилган ибодатимиз унинг бизга берган неъматлари билан ўлчанмайди. Балки бу неъматлардан мингдан бирининг шукри, қилган гуноҳларимизнинг юз мингдан бирига каффорат бўлади. Ҳақ таолонинг ибодатларимизни қабул қилганлиги биз учун энг буюк саодатдир. Бу жавобга қарши шайтон яна ҳийла ишлатади:

6. Ибодатингни халқдан яшир. Ҳар неки қилсанг, кўрсатмай қил, кимса билмасин. Чунки улуғ зотлар ҳам ибодатларни яширинча қилишардики, буни Аллоҳдан бошқа кимса билмасди.

Шайтоннинг бу васвасадан мақсади ошкора қилиниши керак бўлган баъзи амалларни тарк эттириш ва ибодатни яширин қилиш тарзида халқ ичида “У ибодатини яширинча адо этади” деган миш-миш билан танилиши ва шу тариқа риё сари боришига эришишдир. Аввалги риё ибодатни очиқ қилиш билан халқ кўзига ташланиш бўлса, буниси ибодатни яширинча қилиш тарзида машҳур бўлишдир. Ҳидоятга эришганлар бу ҳийлани шундай савалайдилар: “Эй малъун, шу ергача келган ҳийлаларинг билан ибодатимизни бузишга эриша олмадинг. Энди эса динимизга айёрона қўл узатиб, уни сўндириш учун ғайрат қияпсан. Мен Аллоҳнинг бир бандасиман. У менинг Раббимдир. Ибодатимни истасам, яширин, истасам, ошкор

адо этаман. Аллоҳ истаса, мени азиз қилади, юксалтиради. Истаса, ҳақир этади, қадрсиз қилади. Ҳукм Уникидир. Мен Унинг қудрат қўли остидаман. Халқнинг қўлида нима ҳам борки, мени улардан, ҳидоятимни кўриш-кўрмасликларидан андишага борсам?!”

Шундан кейин бу малъун ва иккиюзламачи ёлғончи сўнгги ва энг муҳим ҳийласини ишга солади:

7. Бу гал у қазо ва қадар масаласини ўртага ташлайди ва бундай дейди: Бу ибодатнинг сенга нима фойдаси бор? Агар яратилишингда манглайингга бахтиёрлик ёзилган бўлса, амални тарк этиш билан ҳеч бир зарар кўрмассан. Агар бахтсизлик ёзилган бўлса, қиладиган ибодатингдан сенга не фойда? Манглайингдаги ёзмишни ўзгартира оласанми? Бу ерда ҳам сенга Аллоҳнинг ҳидояти ва ёрдами етиб келади ва сиддиқлар, солиҳлар бу қийин кечикдан ушбу жавобни бериб ўтиб кетадилар: «Биз Аллоҳнинг бандаси, қулимиз. Бизга Унинг ишига аралашишни эмас, Унга хизмат қилишни буюрди. Илоҳий сирларни, илоҳий ҳикматларни фақат Ўзи билади. Бандаларига қандай хоҳласа, ўшандай муомала қилади. Фоили мухтордир (мустақил раъйлидир). Истаганини қилишда сарбаст, яъни эркин-озоддир. Хоҳлаганини қилади. Унга эътироз этиш ҳеч кимсанинг ҳадди эмас. Қулга қуллик ярашади. Ўзингга лойиқ топилганини кўриб хизматида бўласан. Ҳақ таоло ўзига нима лойиқлигини билади. Истаганини қилади, кимса билан маслаҳатлашмайди. Банда дейдики: “Тақдиримда бахтлиманми, бахтсизманми – қатъи назар, менга солиҳ амал қилиш ва Раббимнинг амрларини адо этиш лозим. Чунки бахтли бўлсам, ибодатларим билан бахтлиман, ё илоҳим! Лутфинг ила менга азалдан саодатни тақдир қилибсан. Ибодатимни керагидай адо этаман. Мени раҳматинг ва жаннатингдан маҳрум этма, чунки тақдиринг ўзгармасдир. Солиҳ амал қилганларга катта савоб беражагингни ваъда этдинг. Карим бўлган ваъдангдан тилайманки, мени сабабсиз бахтли қилганинг ва масъуд яратганингдай, ибодатларимни ҳам фазлу караминг билан қадрли қилиб, менга янада юксак мартабаларинг эҳсонини дариф тутмагайсан. Агар тақдиримда бахтлилик бўлмаса, қиёмат

кунида нафсимни айбламайман ва дунёда осий бўлмасайдим. бу фалокат бошимга келмасди, сўзини айтмай, ёлвориб тилайинки: “Ё Раббим! Дунёда амрларингга қарши бормадим. буйруқларингни тамомила ўрнига қўйишга ва розилигингни олишга ҳаракат қилдим. Истасанг, мени жаннатингга жўнат. истасанг, жаҳаннамга, икки жаҳонда ҳам сенинг розилигингни қозонган бўлсам, шу саодат менга кифоя”.

Қуръони каримда Ҳақ таоло бундай марҳамат қилган:

وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي صَدَقْنَا وَعَدَهُ.

Яъни: “Аллоҳга ҳамду сано бўлсин, бизларга ваъдасини **рост қилди**” (Зумар сураси, 74-оят).

Бу қутлуғ оятга кўра, Аллоҳга имон келтириб тоат-ибодатда бўлган кимса албатта жаннатга киражакдир. Чунки Аллоҳ ваъдасига хилоф этмайди.

Бу кенг изоҳдан кейин англашилдики, шайтон инсоннинг энг катта душманидир. Ибодатни унинг ҳийлаларидан асраб қолиш жуда қийин. Шу сабабдан инсон ибодатларида эҳтиётли ҳаракатлари билан шайтоннинг алдовларига тушиб қолмаслиги ва доимо унинг таъсири остида гуноҳ қилиб қўймаслиги учун Аллоҳга сиғиниб, унинг ҳийлаларидан ўзини асрашни сўраши лозимдир.

Ибодатга халақит берадиган тўртинчи тўсиқ эса инсоннинг **нафсидир**.

Эй шарият йўлдошлари, эй тариқат қардошлари! Ҳақ таоло ҳаммамизни нафси амморанинг гуноҳларидан сақласин! Чунки нафс инсоннинг энг кучли душманидир. Ўғриларнинг бошлиғидир. Балоларнинг энг даҳшатлиси, офатларнинг энг шиддатлисидир. Дардининг сабабини билиб бўлмайди, дорисини топиш маҳол. Чунки бу душман ичда, кўзга кўринмайди. Уйни (баданни ва руҳий борлиқни) ичдаги маккор ўғридан ҳимоялаш қийин, ҳийлаларини ҳайдаш унданда мушкул. Бунинг дарди ичдан ва юракдан уради. Бошқа аъзоларингиз сингари ташқарида эмаски, кўриб бир чора кўрсанг. Бу нафс, ўз соҳибига ҳам дўст, ҳам душмандир. Киши дўстининг айбини билмайди ҳам, кўрмайди

ҳам. Кўзларни кўр қиладиган севги у. Севгилисининг қанча айби бўлса ҳам – кўрмайди. Чунки инсон нафсининг ёмонликларини яхшилик сифатида кўради. Биронта айбини айб деб билмайди. Ҳолбуки, нафс доимо унга душманлик қилади. Ҳар он уни фалокат сари судрайди, аммо бундан хабари бўлмайди. Қанийдики, Аллоҳнинг ёрдами етишиб келсаю, уни ҳимоя қилса. Бу инсонларнинг ҳолига қараб бир оз ўйлансанг, бутун бу омонсиз савашларга, ёмонликларга ва фалокатларга сабаб – тўғридан-тўғри ёхуд шайтоннинг ёрдamidан фойдаланган нафси аммора эканлигини англайсан.

80 минг йил ибодат қилган шайтонни Аллоҳга исён қилдирган ва эшигидан қувилишига сабаб бўлган ким (нима)? Кибр ва рашки юзасидан уни адашув денгизига чўктирган ва илоҳий марҳаматдан абадийян махрум этган ким? Шубҳасизки, нафс! Чунки у замонда ёлғиз эди, на дунё, на инсон, на-да шайтон бор эди. Унга васваса берган бу сўнгсиз фалокатга сурговчи – ёлғиз нафс эди.

Бундан кейин беихтиёр Аллоҳга исён этган аждодимиз Одам Ато ва Момо Ҳаво бўлди (устларига Аллоҳнинг саломи ва раҳмати ёғилсин!) Улар нафсларининг шаҳватига ва ўлимсиз ҳаётга эришмоқчи бўлиб, эҳтиросларга берилдилар.

Шайтоннинг ҳийласига алданиб, тақиқ этилган мевадан едилар. Амрга итоатсизлик қилганликлари учун Аллоҳдан узоқлаштирилдилар. Фирдавс жаннатидан улоқтириб ташландилар. Бу оддий (жўн) ва тубан дунёга туширилдилар. Нафсларининг абадий ҳаёт эҳтироси ва инсоний шаҳвати бўлмасайди, шайтоннинг ҳийласига учиб Ҳақ таоло тақиқлаган мевани емас, ҳам ўзларининг, ҳам авлодларининг бу ўткинчи дунёга элиб, бунча заҳмат ва балоларга учрашларига сабабчи бўлмас эдилар.

Ҳобил-Қобил ҳикоясини эшитмадингми? Нафсининг эҳтирос ва шаҳвати касридан қардош қардошни ўлдирмадими?

Модомики аҳвол шундай экан, инсониятнинг пайдо бўлишдан тортиб то бугунга қадар инсонлар орасида майдонга чиққан бутун ёмонликлар, фалокатлар, урушлар, ғалаёнлар,

йўлдан озишлар ё тўғридан-тўғри ёхуд шайтоннинг ёрдами билан ҳар нафснинг шаҳват ва эҳтиросидан туғилган. Агар нафснинг бу толесизлиги бўлмасайди, ҳар ким яхшилик ва соғлиқ-омонлик йўлида бўларди. Нафснинг ўз эгаси билан олиб борган омонсиз душманлиги аён бўлгач, ҳар мўминга вожиб саналадиган нарсан нафсга эргашмаслик ва доимо уни тўғри йўлга солишга, яхшилик сари юрғазишга ҳаракат қилишдан иборатдир.

“Бу кўринмас, омонсиз душманга қарши қандай курашайлик, ўзимизни ундан қандай ҳимоя қилайлик?” деган саволга жавобимиз бундай:

Нафс мураккаб бир душмандир. Йўлга солиш, ислоҳ қилиш қийин. Бошқа душманларга ўхшамайди. Чунки нафс айна замонда инсоннинг минадиган отидир. Биз унга миниб, мурод-мақсадимизга етишамиз. Шунинг учун уни бутунлай тинчителиш, ғамгин қилиб қўйиш мумкин бўлмагани каби, бошини бўш қўйиш, ўз ҳолига қолдириш ҳам катта хатодир. Чунки у ҳолда соҳибига зиён етказди ва фалокатига сабабчи бўлади.

Ривоят қиладиларки, бир араб беклардан бирини дуо қиларкан: “Аллоҳ нафсингдан бошқа бутун душманларингни йўқ қилсин”, депти. Чунки бу душманнинг йўқ бўлиши инсоннинг ўлишидир. Мана нафсни тамоман тинчителишнинг қийинлиги шу муаммога тааллуқлидир. У ҳолда нафсимизни тарбиялаб, унга ёмонликдан тийилиш ва доимо яхшиликка интилиш кучини беришимиз керак экан. Чеклаб қўйиш, риёзат қилдириш ва тилакларига тўсқинлик яратиш йўли билан уни кучсизлантиришимиз лозимки, саркашлигини ташласин ва итоатли бўлсин. Лекин бизга зарар етказмаслигига амин бўлган ҳолда, боқимига ҳам бефарқ қарамаслик керак. Акс ҳолда, бир-бир чорраҳалардан ўтиб, сўнгги қўналғага етиб бориш осон бўлмайди. Шу сабабга кўра, миниладиган отнинг емини ўртача қилиб бериш керак. Оғзига тоат сувлиғини солиб, устига тақво юкини ортиш керакки, ақлли-хушли бўлсин ва ишга ярасин.

Улуғ шайхлар нафсни тарбиялаш, уни тўғри йўлга солиш учун уч нарсани тавсия қиладилар:

1. Нафснинг лузумсиз тилакларига тўсиқ бўлмоқ, зарарли орзулари билан алоқасини узиб қўймоқ тарзида итоатли ва гапга кирадиган қилмоқ. Айтайлик, саркаш асов бир эшакнинг емини озайтириш йўли билан бир маромга солингани каби.

2. Оғир юк юклаш (кўп ибодат қилдириш) тарзи билан. Масалан, йиртқичлашган эшакка оз ем бериб, кўп юк ортиш билан ювош ҳолга келтирилади.

3. Нафс сенга итоатли ва айтганингни қиладиган бўлиши учун Ҳақ таолонинг ёрдамини тилаш ва унга бу масалада доимий ўтинчда бўлиш.

Қуръони каримда Юсуф тилидан бундай буюрилган:

وَمَا أُبَرِّئُ نَفْسِي ۚ إِنَّ النَّفْسَ لَأَمَّارَةٌ بِالسُّوءِ ۖ إِلَّا مَا رَحِمَ رَبِّي

Яъни: “Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс албатта барча ёмонликларга буюргувчидир – фақат Раббим раҳм қилгувчи (нафс) мустасно” (Юсуф сураси, 53-оятдан).

Мана шу уч асосга кўра ҳаракат қилсанг, Аллоҳнинг ёрдами билан нафсинг итоатли бўлади, унинг ёмонликларидан қутуласан ва омонликка эришасан.

ТАҚВО

Нафсни эгасига бўйсундирадиган, унга итоатли қиладиган ягона нарса тақводир. Тақво кўзга кўринмас бир хазинадир. Унинг жавоҳирот ва қимматбаҳо тошлари кўп. Унинг ичида шу қадар ҳисобсиз катта халоскорликлар, иззат-икромга тўла ризқ-насиба, чексиз бойликлари борки, уларни бирма-бир англатиш имконсиздир. Қисқача қилиб айта оламизки, дунё ва охират савобини таъмин этадиган ҳар нарса бу хазинада тўпланган. Тақводор одамга қанча хайр ва савоблар берилажагини билдирувчи жуда кўп оятлар бор. Биз қуйида улардан фақат 12 тасини тарҳлаб ўтамир:

1. Ҳамду санодир.

وَإِنْ تَصَبَّرُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ

Яъни: “Агар сабру тоқат ва тақво қилсангизлар (яъни Аллоҳдан қўрқсангизлар), бу ҳодисаларга нисбатан (кўрсатилган) азм (матонат)дандир” (Оли Имрон сураси, 186-оятдан).

2. Тақводорлар душмандан ҳимоя қилиниши билдирилган:

وَإِنْ تَصَبِرُوا وَتَتَّقُوا لَا يَضُرُّكُمْ كَيْدُهُمْ شَيْئًا

Яъни: “Агар сабру тоқат ва тақво қилсангиз, уларнинг (душманларингизнинг) найранглари сизга ҳеч зарар қилолмайди” (Оли Имрон сураси, 120-оятдан).

3. Аллоҳ тақводорларнинг дўсти эканлиги маълум этилган.

إِنَّ اللَّهَ مَعَ الَّذِينَ اتَّقَوْا وَالَّذِينَ هُمْ مُحْسِنُونَ

Яъни: “Аллоҳ ҳеч шубҳасиз тақводорлар ва чиройли амал қилгувчилар билан биргадир” (Наҳл сураси, 128-оят).

وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ

Яъни: “Аллоҳ тақводорларнинг дўстидир” (Жосия сураси, 19-оятдан).

4. Хавотирдан халос қилиниши ва ҳалол ризқ берилиши билдирилади.

وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ۖ وَيَرْزُقْهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ

Яъни: “Ким Аллоҳдан қўрқса, (Аллоҳ) унинг учун чиқиш (кутулиш) йўлини эҳсон этади. Уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантиради. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳ) ўзи унга етарлидир” (Талоқ сураси, 2–3-оятлар).

5. Амалларингиз туфайли мушкулларингиз осон қилинажиги баён этилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا ۖ يُصْلِحْ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ

Яъни: “Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар. (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар” (Аҳзоб сураси, 70–71-оятлар).

6–7. Тақво соҳиблари Аллоҳ томонидан севилиши билдирилади. Дарҳақиқат, Аллоҳ муттақийларни севади.

8. Тақводорларнинг ибодатлари албатта қабул қилинажаги хабар этилади.

قَالَ إِنَّمَا يَتَقَبَّلُ اللَّهُ مِنَ الْمُتَّقِينَ ﴿٢٧﴾

Яъни: “Аллоҳ фақат тақводорлардан (уларнинг қурбонлиги, дуосини) қабул қилади» (Моида сураси, 27-оятдан).

9. Тақволилар Аллоҳ ҳузурида қадрли ва азиз бўлажаклари билдирилади.

إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتَقَنُّكُمْ

Яъни: “Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир” (Хужурот сураси, 13-оят).

10. Иккала дунёда ҳам бахтли бўлишлари хабар берилади.

الَّذِينَ ءَامَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴿٦٣﴾ لَهُمُ الْبُشْرَىٰ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ

Яъни: “Имон келтирган ва (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлган зотлар учун бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам хушхабар бордин” (Юнус сураси, 63–64-оятлардан).

11. Жаҳаннам оташидан қутулажаклари баён этилган.

ثُمَّ نُنَجِّي الَّذِينَ اتَّقَوْا

Яъни: “Сўнг тақводор бўлган зотларни қутқарурмиз” (Ҳашр сураси, 72-оят).

Бу ҳақда яна бир оят:

وَسَيُجَنَّبُهَا الْأَتَقَى ﴿١٧﴾

Яъни: **“Тақво аҳли жаҳаннамдан узоқлаштирилади”** (Вал-Лайл сураси, 17-оят).

12. Тақволиларга жаннат ваъда қилинади.

وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ
لِلْمُتَّقِينَ

Яъни: **“Раббингиз томонидан бўлғувси мағфиратга ҳамда тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг”** (Оли Имрон сураси, 133-оят).

Бу оятлардан очиқ-равшан кўриниб турибдики, дунё ва охират саодати тақво деган хазинанинг ичидадир. Шундай бўлгач, эй мўмин-мусулмон жигарим, икки жаҳонда ҳам бахтли бўлишни истасанг, тақводан фойдаланиш фурсатини қочирма! Мукаммал ибодатнинг суянса бўладиган учта асоси бор:

1. Ибодатда Аллоҳ сенга муваффақият беради.

2. Ибодат яхши адо этилади ва тўқис бўлади.

3. Ибодатнинг Аллоҳ томонидан қабул қилиниши – тақво шу уч асосни ҳам қамраб олади.

Шунга кўра Қуръони каримда оятлар шу уч асосни ўртага қўяди:

“Аллоҳ тақволилар билан биргадир”.

“Аллоҳ тақволиларнинг амалини ислоҳ қилади (тузатади)”.

“Аллоҳ тақволиларнинг тақвосини қабул қилади”.

Кўриниб турибдики, ибодатнинг майдони ва топинишларнинг маркази шу уч асосдадир. Чунки тавфиқ – Аллоҳнинг ёрдами бўлмагунча осонгина адо этилмайди. Ислоҳ, тузатишлар бўлмагунча амал тамом бўлмайди. Тамомланган амал қабул этилмаса, фойдаси бўлмайди.

Шу сабабли обидлар тоат-ибодатлари муваффақ бўлишини, хатолари тузатилиб, нуқсонлари тугатилиб ва ибодатлари Аллоҳнинг карами ва лутфи билан қабул бўлишини сўраб, доимо Ҳақ таолога ёлворадилар. Бу сўралганларнинг ҳаммасини Аллоҳ тақволиларга (истасалар ҳам, истамасалар ҳам) ваъда қилган. Бу шарҳга кўра, иккала жаҳонда масъуду бахтиёр бўлишни

истаган обидлар албатта тақволи бўлишлари лозимки, қилган ибодатларининг фойдасини кўрсинлар.

Баъзи мазор тошларида бундай ёзувлар учрайди:

“Тақводан устун бир охират озиғи йўқ.

Эй, охират йўлчилигига чиққанлар!

Тақво озиғини бирга олмасдан бу йўлга чиқманг!

Акс ҳолда паришон бўлурсизлар”.

Обидлар, зоҳидлар бутун умрларини ибодат билан ўтказадилар. Бир қанча заҳматларга, қийинчиликларга дучор бўладилар. Ажабо, ибодатларим қабул этилдими, этилмадими, дея хавотир ва андишага тушадилар. Агар бу зотлар, ибодатларини тақволи ҳолда адо этсалар, ҳеч андиша қилмасинлар, ибодатлари албатта қабул бўлган. Ахир, Ҳақ таоло Қуръони каримда: **“Аллоҳ фақат тақволиларнинг ибодатини қабул қилади”**, дея огоҳлантирган-ку!

Аллоҳ рози бўлгур Оиша ҳазратлари хабар берадилар:

“Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Расулуллоҳ хожамиз дунёда тақводан бошқа ҳеч бир нарсани мақбул кўрмасдилар. Чунки у зот тақво учун юборилгандилар. Бир тақволини кўрсалар, тушунмовчилик-ҳайронликлари тарқаб кетарди ва ўзларини бахтиёр ҳис қилардилар”.

Тавротда:

– Эй, Одам ўғли! Аллоҳга тақво қилки, хоҳлаган ерингда бўлганигда ҳам, тинч бўласан, одамлар билан бирга бўлишдан чарчамайсан, дея ёзилган.

Нақл этилишича, Омир ибн Қайс ўлим тўшагида ётганида охиратни хотирлади ва умри бўйича кеча-кундуз минг ракат намоз ўқиган бўлишига қарамай, йиғлай бошлади. Ундан “Ҳақ таолонинг ҳузурида сендан устунроқ обидни кўрмаймиз, нега йиғлаяпсан?” деб сўрашганида, бундай жавоб беради:

Аллоҳ фақат тақволиларнинг ибодатини қабул қилади! оятини хотирладим ва, ажабо, ибодатим қабул бўлармикин, деб ўйлаганим учун йиғладим.

Дерларки, бир кун муридлар шайхларидан бир ўғит беришни сўрашибди. Шайх, майли, Ҳақ таолодан келган ва мен олдимга келиб-кетган барча инсонларга қилган васиятимни сизларга ҳам айтайин, депти ва қутлуғ бу оятни ўқибди:

“Қасамки, биз сиздан аввал ўзларига китоб берилганларга ҳам, сизга ҳам тақволи бўлинг (Аллоҳдан қўрқинг) дея тавсия этганмиз”.

Ҳақ таоло бандалари (қуллари) учун энг фойдали нарса нималигини яхшироқ билади. Бу борада У яна раҳмлироқ, шафқатлироқ ва ўғит берувчидир. Агар дунёда тақводан ҳам яхшироқ ва фойдалироқ бирон устун нарсаси бўлсайди, уни бандаларига албатта тавсия этарди. Чунки имонли бандаларига инояти, раҳмати бениҳоя кўпдир. Ҳикмати камол мартабасидадир. Биздан аввалгиларга ва бизга турли қобилият ва истеъдодларни тавсия этган Аллоҳнинг наздида тақво – У берган мартабалар ичида энг юксагидир ва сўнгсиз лутфидир. Тақвода унинг ҳикмати ва раҳмати лойиқ бўлган турли ўғитлар билан бирга турли танбеҳлар ҳам бордир.

Масалан: Ўғит, кўрсатма, иршод, танбеҳ, таъдиб (тарбия), озорлама каби ҳар неки бор бўлса, ҳаммаси бунинг ичида мавжуддир. Демакки, бу қобилият (тақво қобилияти) дунёнинг бутун яхшиликлари билан охирагдаги ҳолларнинг ҳаммасини ичига олади. Тубанликлар билан тўла фоний дунёдан узоқ бўлиш, маънавий соҳада устун даражада юксакка кўтарилишгача ҳаммаси тақво ичида мавжуд. Бу шарҳга кўра, мўминнинг тақводан бошқа бирор тилаги бўлмаслиги керак. Чунки қобилиятларнинг энг гўзали, амалнинг энг шарафлиси шудир.

“Шундай бўлгач, ёқимли бу қобилиятнинг (тақвонинг) моҳиятини, турлари, мартабалари ва шартларини кенг ўргансак, керагини осонроқ ўрнига келтира оламизми?” деган саволга ушбу жавобни берамиз:

Тақвонинг арабчада луғавий маъноси ҳимояланиш, қўрқиш, сақланишдир. Обидлар гуноҳ қилишни холис ният билан тарк этиб, шу сўзларида турсалар, албатта нафсларини гуноҳдан сақлаган ва тақво сифатини эгаллаган бўладилар. Бу шарҳга

кўра, тақвонинг маъноси қалбни гуноҳлардан поклашдир. Лекин ўхшаши бўлмаган бир гуноҳга қўл урмаган ёки **гуноҳ қилишни тарк этиб, барча гуноҳларидан покланган** кишини **тоиб (тавба қилган)** дерлар, тақволи (тақво соҳиби, муттақий) демайдилар. Демак, **тақво – қалбнинг ҳар вақт гуноҳ-дан тозаланган бўлишидир.**

Қуръони каримда тақво уч маънода қўлланилган:

1. Қўрқиш, сақланиш маъносида. Аллоҳ, Бақара сурасининг 21-оятда тақвони **“Мендан қўрқингиз”** маъносида, 28-оятда эса **“Аллоҳга қайтариладиган кундан сақланинг”** маъносида ишлатган.

2. Тоат ва ибодат маъносида. Оли Имрон сурасининг 102-оятда **“Эй мўминлар, Аллоҳга қандай ибодат этиш – қўрқиш – лозим бўлса, ўшандоқ ибодат қилинг – қўрқинг”**, дея ишлатилган.

3. Қалбни гуноҳлардан аритмоқ маъносида. Яъни, ҳеч бир тарзда гуноҳ қилмаслик ва қалбнинг доимо пок туришини таъминламоқ. Дин олимларига кўра, тақвонинг моҳияти ва ҳақиқий маъноси шу уч асосда жамланган.

Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло: **“Кимки Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этса ва Аллоҳдан қўрқиб, тақво қилса, бас, айнан ўшаларгина ютуқ эгаларидирлар”** (Нур сураси, 52-оят), дея марҳамат қилган. Бу оятда Аллоҳ олдин тоатни ва қўрқувни, сўнгра тақвони зикр этган. Бундан англашиладики, тақвонинг ҳақиқий маъноси қўрқув эмас, тоатдир. Қалбни гуноҳлардан, ёмонликлардан тоза тутиш, пок сақлашдир.

Дин олимлари тақвонинг уч хилини аниқ кўрсатганлар:

1. Аллоҳга шерик қўшишдан тақво (Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмаслик, яъни бандани Аллоҳ ўрнида кўрмаслик, қалбни булардан пок билиш).

2. Бидъатдан тақво қилиш (диний ишонч ва ибодатларга янгилик қўшишдан сақланиш).

3. Гуноҳлардан, ёмонликлардан тақво (қалбни тоза тутиш).

Зотан, Қуръони каримда шу уч асос билдирилган:

لَيْسَ عَلَى الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جُنَاحٌ فِيمَا طَعِمُوا إِذَا مَا اتَّقَوْا
وَعَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ ثُمَّ اتَّقَوْا وَعَامَنُوا ثُمَّ اتَّقَوْا وَأَحْسَنُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ
الْمُحْسِنِينَ

Яъни: “Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун – агар (ҳаром нарсалардан) сақланиб, имон ва яхши амалларида собит бўлсалар, сўнгра ўзларини сақлаб (у нарсаларнинг ҳаромлигига) имон келтирсалар, сўнгра Аллоҳдан қўрқиб, чиройли амаллар қилсалар – (илгари) еб-ичган нарсаларида гуноҳ йўқдир. Аллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади” (Моиди сураси, 93-оят).

Муфассирлар (тафсирчи олимлар) ушбу қутлуғ оятнинг тафсирида бундай фикрларни илгари сурадилар: биринчи – тақводан мақсад Аллоҳга шерик қўшишдан сақланиш, Аллоҳнинг бирлигига ишонмоқдир. Иккинчи – тақводан мурод бидъатдан (динга зид амал ва ишончлардан) сақланишдир. Учинчи – тақводан кутилгани қалбни гуноҳлардан пок сақламоқдир.

У ҳолда қутлуғ оятнинг маъноси бундай бўлади: Имон келтириб, солиҳ амал бажарганлар еганлари ҳалоллиги борасида сўроқ қилинмайдилар. Аллоҳга шерик қўшмаганлар унинг бирлигига ишониб, Аллоҳ Расулининг суннатига боғланадилар. Бидъатдан сақланганлар тоат ва ибодатларини тўғри адо этиб, (суннат аҳлининг эътиқоди асосида) гуноҳлардан сақланадилар.

Баъзи олимларнинг фикрича, тақво:

- а) ҳаромдан сақланиш;
 - б) тақиқларга риоя қилиш;
 - в) лузумсиз баъзи мубоҳ нарсалардан узоқ бўлиш демакдир.
- Бу охиргисига ишора қилган ҳадис ҳам бор:

“Муттақийларга бу исм берилишининг сабаби, хато қилиб қўймаслик учун кўпинча ҳалол бўлган нарсаларни ҳам тарк этадилар ва шу тариқа гуноҳ қилиб қўйишдан сақланадилар”.

Демак, Аллоҳга шерик қўшишдан ва ҳаром нарсалардан тақво қилиш авом кишилар тақвосидир. Шулар билан бирга

шубҳалардан, мубоҳлардан, исрофдан сақланишлари устун кишилар тақвосидир. Сиддиқларнинг тақвоси эса бундай: Ҳақ таолони ёдга олишга, ўйлашга тўсқинлик қиладиган ҳар нарсадан сақланишдир. Ҳалол, ҳаром кўринган ва кўрилмаган, ҳатто қалбда туғилган хотиралардан, Ҳақ таолони ёдга олишга моне бўладиган ҳар нарсадан сақланмагани муттақий демайдилар.

Бу изохдан кейин энди тақвони барча шартлари билан муфассал тушунтириб берайлик.

ТАҚВОНИНГ ҚИСМЛАРИ

Тақво динга (ишонч ва амалга) зарар бериши эҳтимол бўлган ҳар нарсадан сақланишдир. Динга зарар бериши мумкин бўлган феъллар икки қисмга бўлинади: Бири – гуноҳ қилиш мутлақ ҳаром бўлган феъллардир. Бошқаси – бузуқ мубоҳлардан, яъни нафснинг буларга ҳирс билан боғланиб, адо этгани вақти келиб ҳаромга ва исёнга (итоатсизликка) қадар бошлаб бориши мумкин. У ҳолда нафси амморанинг йўлдан тойиш эҳтимолига қарши охират азобига лойиқ бўлади. Шубҳали нарсалардан тақво – мандубдир (йўл берилади). Бу тақво ҳам савобга сабабчи бўлади. Тарк этса, азобга сабаб бўлиши мумкин. Бузуқ мубоҳлардан тақво этиш, яъни ҳалол нарсаларда чега-радан ўтишда, исрофдан сақланишда катта хайр-савоблар бор. Тарк этса, ҳисобининг сўралишига ва қиёмат кунда узоқ вақт ҳибсда тутилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу изохлардан англаймизки, тақвонинг қуйи даражаси ҳаром нарсалардан сақланишдир. Чунки ҳаром нарсалардан қочиш мажбурий саналади. Тақвонинг юксак даражаси эса ҳалол нарсаларда ҳам ҳаддан ошиш, исроф, хуллас, зиён келтирувчи нарсаларнинг ҳаммасидан сақланишдир. Олимлар бу даражани **адаб мақом**и дейдилар. Бу мақомда бўлганлар тақво ишларида етук, бу хазинанинг жамига соҳиб, иршод йўлида комил, Ҳақ таолонинг лутфу карамига эришган, Аллоҳнинг қабулига сиғинган мақбул кишилардир. Чунки булар инсонни Аллоҳдан узоқлаштирувчи ҳар нарсадан бутун аъзоларини ҳимоя қилган, ўз нафсларига тақво сувлиғини таққанлардир.

“Ажабо, нафсимизга тақво сувлиғини тақиб, ўзимизга итоатли қила олиш учун қай тарзда ҳаракат қилишимизни айтиб бера оласизми?” – дея сўралса, жавобимиз бундай бўлади:

Олим ва фазл зотлар бу жиҳатни кўп таҳлил этганлар ва **аъзоларнинг тақвоси** номи остида бўлим-бўлим қилиб хулосалаб берганлар. Ҳар бўлимда эса аъзолардан бирини изоҳлайдилар. Булар: кўз, қулоқ, тил, қалб (кўнгил, дил) ва меъда тақволаридир.

I. Кўз тақвоси

Кўз тақвоси – кўзнинг ҳаром нарсаларга қарамаслиги ва бемаъни нарсалардан ҳам ўзини олиб қочишидир. Чунки кишининг бошига келадиган офатлар, балоларнинг кўпи кўзқарашлардан бошланади. Бу жиҳатни уч нуқтада исботлаб берамиз:

1. Ҳақ таоло Қуръони каримида амр қилади:

قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ذَلِكَ أَزْكَى لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ خَيْرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٢٠﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад) мўмин эркакларга айтинг, кўзларини (номахрам аёлларга қарашдан) тийсинлар ва авратларини сақласинлар. Бу ўзлари учун энг тоза (бир ҳаракат)дир. Шубҳасизки, Аллоҳ (бандаларининг нима) қилаётганларидан хабардордир” (Нур сураси, 30-оят).

Муфассирларнинг фикрича, бу қутлуғ оят уч маънога ишора қилади. Бири – бандаларнинг адаби, тарбиясидир. Иккинчиси – фойдали танбеҳ-йўриқдир. Яна бири эса – тақдирлаш ҳақидаги хабардир. Ҳақ таоло мўмин эркакларга шундай кўзларини ҳаромдан сақласинлар амри билан бандаларига тарбияли бўлишни амр этган. Банданинг вазифаси эса, бу амрга кўра юришдир. Акс ҳолда, Ҳақ таолонинг илоҳий мажлисида аёлларни беҳурмат қилгувчиларга, тарбиясизларга ҳужжат берилмайди. Шундай бўлгач, адабни тарк этиш, уятсизлик каби ҳаракат

соҳиблари Аллоҳдан узоқлаштирилади. Лекин Ҳақ таоло ўз оятида яна: кўзларини ҳаромдан тийсинлар, ўзлари учун бу тозалик йўлидир деган амри билан бандаларига фойдали танбеҳ бериб, поклик йўриғини ҳам кўрсатмоқда.

Бунинг икки маъноси бор: оятдаги биринчи маъно: Эй Муҳаммад, мўминларга айтинг, кўзларини тийсинлар буйруғи, кўнгилларни гуноҳдан тоза тутиш ва тоатларини орттириш учундир. Чунки кўз тийилмаса, дарҳол, қасдан, била туриб ўзи учун ҳаром бўлганларга боқса, гуноҳ қила бошлаган бўлади. Бу ҳаром боқишга кўнгил ҳам аралашса, гуноҳ ортади ва кўз эгасини маънавий ҳалокатга етаклайди. Кўз ҳалолга боқса, яна кўнгилга тегиниб кетади ва нафс уйғона бошлайди. Бу йўлда ибодат ва тоатдан ортда қолади. Лекин кўз боқмаса, барча бу таҳликалардан ҳимояланган бўлади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Исо ҳазратларидан бундай ривоят қиладилар:


“Нима бўлса бўлар, дегин-да, бир нарсага қарашдан тийил. Чунки қараш қалбга шаҳват уруғини экади. Бу эса кўз эгасини тўғри йўлдан чиқаришга кифоядир”.

Аллоҳ раҳмат қилгур Зуннун Мисрий дерки:

“Ҳаромга кўз эшигини юмиш на қадар гўзал дарвозабонлик! Шаҳватнинг қалб уйига киришининг олдини олади! Демакки, кўзингни ҳаромдан тийсанг, қалбинг топ-тозалигича қолади. Шунинг кўмагида неча-неча фитна ва балолардан қутуласан ва яхшиликларингни орттирган бўласан”.

Оятдаги **“Шубҳасизки, Аллоҳ нима қилаётганларингизни билади”** амрида эса таҳдид маъноси бор. Яъни, ҳаромга боқишдан сақлан ва билки, Аллоҳ қилган гуноҳларингиздан хабардор ва бу амалларингизга кўра жазоингизни беради.

Бошқа бир оятда эса Аллоҳ бундай марҳамат қилади:



Яъни: **“Аллоҳ кўзларнинг хоинона боқишини ва кўксларда (қалбларда) яширилган ҳар нарсани билади”** (Ғофир сураси, 19-оят).

У ҳолда билиб қўйинг, сизлар учун ҳақ ҳукм чиқараман, деб огоҳлантиради.

2. Кўз тақвоси муҳимлиги ҳақида Пайғамбар ҳазратлари бундай марҳамат қилганлар:

“Бегона хотинга қараш шайтоннинг ўқларидан бир ўқдир. Бун тарк этган кишига Ҳақ таоло ибодатдан лаззат олишини осонлаштиради”.

Ибодатнинг одобини ва Аллоҳга ёлворишнинг лаззатини ола билган обидларнинг мартабаси баланд бўлади. Бу ҳол солиҳ инсонлар орасида ҳам кўп тадқиқ қилиб ўрганилган.

Ҳаромга қарашдан кўзларини тийганлар ва солиҳ амал қилганлар ибодатларидан лаззат оладилар ва кўнгиллари топ-тоза бўлади.

3. Кўзларимизни тийишнинг учинчи йўли будир:

Эй одамзот! Вужудингнинг аъзоларига қара, мулоҳаза қил ва нима учун яратилган бўлса, ўша нарсага ишлат, бошқасига сарфлама! Масалан, инсоннинг оёқлари жаннат боғларида айланиш учун, қўллари (беҳишт) дарахтларидаги меваларни териш учун, кўзлари охиратда Аллоҳнинг жамолини кўриш учун яратилган. Ҳақиқий вазифалари шулардан иборат бўлган аъзоларингни дунёдалигингда ҳаром ва кераксиз нарсаларга ишлатсанг, охиратда сенга ваъда қилинганларидан маҳрум бўласан.

Шундай бўлгач, эй азиз! Сенга вожиби бу аъзоларга аслида юклатилган ишларини қилдиришдир ва бошқа нарсага сарфламасликдир. Сен, ахир, охиратнинг буюк саодатини бу вафосиз дунёнинг ўткинчи завқларига сотмассан.

II. Қулоқ тақвоси

Қулоқ тақвоси – бу бамисоли қулоққа пахта тиқиб олишдир.

Эй азиз! Шуни яхши билишинг керакки, тубан, ифлос сўзларни эшитиш, тақиқланган нарсалар ҳақидаги сўзларни тинглаш ҳаромдир. Булардан сақланмоқ лозим. Мубоҳ нарсаларни ҳам ортиқ тинглашдан қочиш керак бўлади. Бунинг икки сабаби бор:

1. Тингловчи сўзловчининг шеригидир. Зарарли, зиён келтирувчи нарсалар гапиришдан ҳосил бўлгани каби, эшитишдан ҳам туғилиши мумкин. Демакки, тинглаш ҳам гапириш сингари ёмондир.

2. Фаҳшга, ёмонликларга оид нарсаларни тинглаш қалбга гуноҳлар ваҳмини солади. Инсонни баъзан ёмонликларга мойил қилади, ибодатларига ҳалал беради. Тингловчининг қалбида жойлашган нарсалар бамисоли ейилган овқатга ўхшайди. Бири фойдали, бири зарарлидир. Ҳатто баъзисининг зарари заҳардай таҳликали ва ўлдирувчидир. Сўзнинг зарари овқатнинг зараридан кўпдир. Чунки овқатнинг зарари бир муддатдан сўнг ўтиб кетади. Лекин сўзлар зарарининг изи ўчмас бўлиб, мангу қолиши ҳеч гап эмас. У из қалбга заҳмат ва жароҳат бериши мумкин, миш-мишга, рашкка ва турли зарарли ваҳималарга сабаб бўлади. Баъзан катта фитна ва балоларни ҳам вужудга келтиради.

Овқатнинг зарарини дори билан кетказса бўлади, меъда соғаяди. Лекин сўздан келган дардга даво топилмайди. Чунки унинг изларини қалбдан, хотираларини миядан сидириб ташлашнинг имкони йўқ. Шундай бўлгач, инсон қулоғини ёмон, зарарли, тубан ва маъносиз сўзларни эшитишдан ҳимоя қилиши керакки, қалб тинч бўлсин ва турли офат ва балолардан соғомон қолсин.

III. Тил тақвоси

Тил тақвоси ҳам жуда муҳимдир.

Тилнинг ўзи жуда кичик, аммо жиноятлари катта. Унинг фитнасидан қутулиш қийин. Чунки кўпиртириш ҳодисасини катталаштириб, шишга айтлантира олиши жиҳатдан тил жуда улкан қувватга эга. Бу соҳада у бошқа аъзоларни йўлда қолдириб кетади.

Аллоҳ рози бўлгур Суфён ибн Абдуллоҳ хабар беради:

Бир кун устларига Аллоҳнинг шавкати ва саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратларидан: “Эй Аллоҳнинг Расули! Энг кўп кўрқилиши керак бўлган нарса нима? Бизга билдирингки,

ундан сақланайлик!” – деб сўрадилар. Расулуллоҳ муборак бармоғи билан тилини кўрсатди ва: “Мана шудир”, – дея жавоб берди.

Бир кун устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Исо ҳазратларидан ҳам: “Бизга бир амал ўргатингки, жаннатга киришимизга сабаб бўлсин,” – деб илтимос қилдилар. “Ҳеч гапиришмаслик”, – деб жавоб бердилар. “Бунга кучимиз етмайди”, – дедилар. “У ҳолда хайрли гапдан бошқа бир калима ҳам гапирманглар”, – деб буюрдилар.

Юнус ибн Убайд айтади:

Басранинг энг иссиқ кунларида рўза тутишга кучим етарди. Лекин лузумсиз суҳбатларни тарк этишга қандайдир ожизлик қилардим.

Тилни тийиш, сақлаш ва тарбия қилиш хусусида олимлар беш асосни тавсия этадилар:

1. Абу Саид ал-Худрий хабар беради:

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир ҳадисларида бундай буюгандилар:

«Одамзод эрта билан турганда барча аъзолари ўз ҳолларини баён этиб тилга: “Аллоҳдан тўғри бўлишингни тилаймиз. Чунки сен тўғри бўлсанг, биз ҳам тўғри бўламиз, сен эгри бўлсанг, тўғрилиқдан тойсанг, биз ҳам тўғри йўлдан тоямиз”, дейишади».

Бу қутлуғ ҳадисдан англаймизки, тилнинг таъсири кучли бўлгани учун бошқа аъзоларни ҳам ўз йўлида юргизади.

Молик ибн Динор дейдики:

Қалбингда сиқилиш, баданингда ҳолсизлик, ризқингда етишмовчилик сезилса, билгинки, бу – зарарли, маъносиз ва ноўрин гаплашишлар натижасидир.

2. Вақтни бекорга сарфламоқдир. Чунки инсоннинг **Аллоҳни эслаш, яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш, яхшилик қилиш ва насиҳатда бўлиш, ўрганиш ва ўргатиш, ваъз ўқишдан бошқа** айтган сўзлари зарарли бўлгани сабабли, жуда оз бўлса ҳам, вақтни лузумсиз ва маъносиз йўқотишга ва ибодатни бой беришга олиб келади.

Ривоят қиладиларки:

Ҳасан ибн Синон бир куни кетаётган йўлида бир бинони кўриб, шу ердаги кишиларнинг биридан бу бино қачон қурилганини сўраган ва дарҳол ўз нафсига мурожаат қилиб:

– Эй мағрур нафс, сенинг учун муҳим бўлмаган нарсани нега сўраяпсан? Бунга кетадиган вақтингни Аллоҳни зикр қилиш билан ўтказсанг, яхши бўлмасмиди? – деган. Ва бу хатосини бир йил рўза тутиш билан нафсини азоблаш тарзида тўғрилаган.

Тилларини тийиб юрган, вақтларини сабабсиз ва бемаъни сўзларга сарфлаб ўтказмаган қандай ажойиб ва бахтли инсонлар экан улар! Вақтларини кераксиз гапларга сарфлаб йўқотувчиларга уят! Улар ўзларига зиён келтириб, ўзларини фалокат жарига йиқитадилар!

3. Солиҳ амал ва хайрли ишлар билан машғул бўлишдир. Ишсиз кимсалар, вақтларининг кўпини ҳикоя сўйлаш, сафсата сотиш, бировларни ғийбат қилиш ва фитналарга сабаб бўладиган гап-сўзлар билан ўтказадилар. Ҳолбуки, айтишларича, ғийбат – яшин каби бир нарсаки, кишининг неча йиллик тоатини ёқиб юборади ва яна айтадиларки, ғийбат ичингга ташланган бир манжаниққа ўхшайди, ибодатингни сочиб юборади, шарққа, ғарбга отади, совуради, ўзингни паришон қилади.

Яна бундай ривоят қиладилар:

Бир кун азизлардан бирига, фалон киши сенинг ғийбатингни қилади, дейдилар. У комил зот эса ғийбат қилган кимсага бир сават хурмо жўнатади ва яхшиликларингни менга армуғон этганингни эшитдим. Мен бунинг эвазига сенга шу хурмони жўнатаяпман, деб хабар беради.

Яна бундай ҳикоя қиладилар:

Абдуллоҳ ибн Муборак мажлисида, мени ғийбат қилишни истаганларга шу савобни ўргатаман, дейди: Мен агар ғийбат қилишим керак бўлса, онам билан отам учун қиламан. Чунки яхшиликларим (савобларим) улардан бошқасига кетишига чи-долмайман.

Яна ривоят қиладилар:

Хотам Асом бир кеча хасталаниб таҳажжуд намозини ўқи-ёлмай қолади. Хотини уни айблай бошлайди. Хотам хотини-

га бундай жавоб беради: «Бу кечага умрини бераётган, таҳажжуд намозини ўқиётган қанча-қанча кишилар бор. Тонг отгунча уларнинг ичидан баъзилари мени гап-сўз қилиб, тоатларининг савобини менга беради. Ана ўшалар мен учун ишлашади».

4. Тилини тутган одамлар дунёнинг офатларидан қутулиб қоладилар.

Суфён Саврий дерки:

Ёмон сўз сўйлама – тишинг синишига сабабчи бўласан.

Бошқа бири дейди:

Эзмалик қилма – қадрингни йўқотасан.

Тилингни тут – шонинг юксалади.

Яна бири дейди:

Тилингни тут – таҳликага тушма. Чунки гап-сўз кўпинча аламга, аччиқ ҳодисаларга сабабчи бўлади.

Ибн Муборак дейди:

Гап-сўздан тилингни сақла. Чунки тил – эгасини тезлик билан фалокат учиримига сургайди. Тил – қалбнинг таржимонидир. Кишининг камоли гап-сўзларидан билинади.

Ибн Мутий дерки:

Инсоннинг тили арслонга ўхшайди. Арслон эркин қолганида инсонларни қандай парча-парча қилса, тизгинсиз тил ҳам фалокатларга сабабчи бўлади.

Дерларки, неча-неча сўзлар мавжудки, эгасига зимдан: мени унут, йўқса, сенга зарарим тегади, дейди.

Бу барча ўғитларимиздан билиб олдикки, киши учун тилни гапиртирмайдиган сувлиқ билан сувлиқлаш вожибдир.

5. Тил охират азобларига сабабчи бўлишини ёдда тутиш лозим. Сухбатда ишлатилган гап-сўзлар охиратда сизнинг тақдирингиз ҳал қилинишида иштирокчи бўлади. Ҳароми ҳам, ҳалоли ҳам. Агар ҳаром сўз бўлса, охиратда эгасини азобга дучор қилади.

Пайғамбар ҳазратлари ҳам марҳамат қиладилар:

«Меърож кечасида жаҳаннамда бир қисм инсонларни кўрдим, сассиқ нарсалар ейишарди. Жаброил (алайҳиссалом)дан булар кимлигини сўрадим, дедикки: «Дунёда одам этини еганлар» яъни ғийбат қилганлардир».


Яна Аллоҳнинг салoми ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари буюрадилар:

“Тилингни илм ва Қуръон аҳлига теккизма! Ғийбат қилиб, халқни тўзғитма, парчаламаки, охирагда дўзах итлари сени ҳам титиб, парчалаб ташламасинлар!”

Дейдиларки, ғийбат қалбни бузади ва ишламайдиган ҳолга келтиради. Ибодатни зое кетказди ва ундан келадиган ҳидоятни йўқ қилади. Айтилган сўзлар мубоҳ бўлса ҳам, лузумсиз ва бузуқ экани учун яна уятли бўладилар. Бу уятга қолганлар тўрт гуруҳга бўлинадилар:

а) Елкаларимиздаги кироман котиби номли хат ёзиб борувчи фаришталар лузумсиз ва яхши бўлмаган сўзларни ёзиш билан кўп ташвиш келтирадилар. Ақлли одам бундан сиқилади, лекин бекор гапириб, уларга азият бермайди. Чунки бу фаришталар ҳар сўзланган сўзни ёзадилар.

Ҳақ таоло Қуръони каримда огоҳлантиради:



Яъни: **“У (инсон) бирон сўзни талаффуз қилиши билан олдида ҳозир нозир турган кузатувчи фаришта ёзиб олади”** (Қоф сураси, 18-оят).

б) Бу кераксиз ва маъносиз сўзлар, бузуқ суҳбатлар ёзилиб, бир китоб ҳолига келтирилгандан сўнг Аллоҳнинг ҳузурига жўнатилади. Шу сабабдан инсон зарурати йўқ суҳбатдан, бўлар-бўлмас ва ўринсиз сўзлардан сақлансинки, Аллоҳнинг ҳузурига юборилган китобидан уялиб қолмасин.

Дерларки, бир кун бўлар-бўлмас ва лузумсиз гаплар айтган бир кишини тинглаган шайх ўзига: Бу гап-сўзларинг ёзилади, қиёмат кунда Аллоҳнинг ҳузурига етказилади. Буларни айтганингга пушаймон бўласан. Диққатли бўл. Аввал ўйла, кейин сўйла – эртага уятли бўлмайсан, деган.

в) Бу ёзилганлар қиёмат кунда Аросат майдонида бутун инсонлар ўртасида ва Аллоҳнинг ҳузурида ўқилади. У чоғда сен қийинчиликлар ичида, оч, яланғоч, кўзлари ёшли ҳолда, жаннатдан узоқ, неъматлардан маҳрум, паришонлик ва

хайронликда кутиб турасан ва ҳолим нима бўларкан, деб ўйлайсан. Буларнинг бари ўша маъносиз ва бузуқ гап-сўзларингнинг натижаси бўлади.

г) Бу китобни ўқиб чиққанингдан кейин ҳар тарафдан сенга таассуфлар, озорлар ёғила бошлайди ва дерларки:


– Дунёда шунча йил яшагандан кейин Раббинг учун фақат шу бўлар-бўлмас сўзлар билан тўла китобни армуғон қилиб олиб келдингми? Бу бемаъни ва кераксиз гап-сўзларга сарфлаган вақтингни Ҳақ таолонинг ҳамду саносига, зикр ва шукрларга сарфласанг бўлмасмиди? Қуръон ўқишни тарк этиб, ҳасис ва ўткинчи нарсаларга вақт кетказибсан, уят сенга! – дея айб-лайдилар.

Шундай қилиб, тили туфайли дунё ва охиратда бўладиган бу қайғули натижаларни кўз олдига келтирган кишилар учун саналган ана шу тўрт асос жонли ва кучли ўғит бўлади.

IV. Қалб (кўнғил) тақвоси

Ҳар бир инсон ўз қалбига яхши назар билан қараши, унга хайрли ва нурли фикрлар тақдим этиши, диққат-эътиборли бўлиши ва ёмон туйғулардан асраш учун ғамхўрлик қилиши лозим. Чунки қалбнинг таҳликалари буюк, олган таъсирларининг излари ўчмас, касалликка чалинса, тузатилиши жуда қийиндир. Олимлар қалбни ҳимоялаш ва тарбиялаш ишини беш асосга жамлаганлар.

1. Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай буюради:



Яъни: “Аллоҳ кўзларнинг хоинона боқишини ва кўксларда (қалбларда) яширилган ҳар нарсани билади” (Ғофир сураси, 19-оят).

Бошқа бир оятда: “Албатта, Аллоҳ ичларингиздаги нарсани ҳам билур. Бас, Ундан (азобидан) эҳтиёт бўлинг” (Бақара сураси, 235-оят), деб буюради. Яна бир оятда: “Сўзларингизни хоҳ ичингизда, хоҳи очик айтинг. Аллоҳ қалбингиздагини билади” (Оли Имрон сураси, 29-оят), дея огоҳлантиради. Қуръони

каримда Аллоҳ бутун яширган фикрларингизни билади маъносидаги ва шунга яқин мазмундаги оятлар кўп. Ҳаммасида ҳам билган ва тушунган бандалар учун қўрқитувчи, таҳдид этувчи, йўлга солувчи фикрлар баён этилган. Шундай бўлгач, ғайбни (кўзга кўринмайдиганни) биладиган ва ҳар ҳаракатингизни назорат қиладиган устун бир борлиқ билан муомалада эканлигини унутма. Хатти-ҳаракатларингизни шунга мослаки, нажотга эришасан.

2. Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир ҳадисида бундай марҳамат қиладилар:

“Аллоҳ юзингизга, жисмингизнинг суратига боқмайди, ёлғиз қалбларингизга боқади”.

Бу қутлуғ ҳадисдан Аллоҳнинг қарайдиган жойи – қалб эканлиги англашилади. Шундай экан, халққа кетворган ва тоза кўринсин деб юзи ва баданининг кирларини ювиб тозалаган, ясаниб чиройли кўринишга ҳаракат қилувчи инсон зоти нима учун Аллоҳнинг қараш жойи бўлган қалбини кирли, тубан фикр ва туйғулардан тозалаб, яхшиликлар билан яратишга ғайрат кўрсатмасин? Нима учун насух тавбасининг соф суви билан гуноҳларининг кирларини ювиб, қалбини тоат ва ибодат жавҳарлари билан безатмасин? Аксинча, нима учун кейинчалик пушаймон қилдирувчи ахлоқий қабиҳликлар, жирканч фикр ва ҳаракатларнинг хотиралари билан қалбини барбод этиб, бузади?!

Агар халқ қалбининг бу ҳолини, бу кўзга кўринмас ёмонликларини билса, ундан нафратланар, юз ўгирар, бир дақиқа ҳам у билан кўришишни истамас эди. Бундай инсонлар (Аллоҳ паноҳида асрасин) ё бу ҳақдаги оят ва ҳадисларга ишонмайдилар ёинки ҳайвон ва жоҳиллардай ҳеч бир нарсани идрок этолмайдилар.

3. Ўрду (армия) ва фуқаро устидан ҳукм юритувчи подшоҳ ўлка учун қандай бўлса, инсон қалби ҳам бадан ўлкаси учун шундай подшоҳдир. Барча аъзолар унинг амрида ва итоатида-дирлар. Адолат ва тўғрилиқ билан ҳаракат қилувчи подшоҳ ўз фуқароси устидан қандай тўғри иш юритса, вужудда бош бўлган қалбнинг тўғрилиги фуқароси ҳолатидаги барча аъзоларнинг шундай тўғрилигини таъмин этади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қиладилар:

“Инсоннинг ичида бир эт парчаси бор. Агар у тўғри бўлса, бутун вужуд ҳам тўғри бўлади. Агарда у бузуқ бўлса, бадан ҳам бузуқ бўлади. Бу эт парчаси инсон-нинг қалбидир. Модомики бутун аъзоларнинг тўғрилиги қалбнинг тўғрилигига боғлиқ экан, демак, бутун диққат ва ғайратимизни унинг ислоҳи ва тўғрилигига сарфлашимиз керак бўлади”.

4. Инсонда қимматли жавоҳирлар билан тўла бир хазина борки, бу ҳам бўлса қалбдир. Бу хазинанинг ичида бебаҳо дурру гавҳарлар мавжуд: Аллоҳнинг билинишини ва икки жаҳоннинг саодатини таъмин этувчи ақл Ҳақ таолонинг ҳузурида инсоннинг бутун феъл ва ҳаракатларига қадр-қиймат берадиган басират, қилинган тоат ва ибодатларнинг қабул бўлишини таъмин этувчи холис (пок) ниятдир. Одамзодни бошқа мавжудотлардан, ҳатто фаришталардан ҳам устун қила оладиган нарса шариат илмлари билан бошқа илмлар ва ниҳоят гўзал ахлоқ, мақтовга арзирли истеъдодлар, фазилатлар бутун бу хазинанинг гавҳарлари, ёқут-олмосларидир. Мана шундай истеъдодлар билан безанган инсон нафси башарий чеклашлардан қутулган ҳолда, тариқат йўлида юради ва ҳақиқат оламини томоша қилади. Шундай бўлгач, эй одамзод, сенинг энг муҳим вазифанг, бу шарафли хазинани ўғрилардан, йўлтўсарлардан (қизғаниш, кибр, хирс, хасислик, зулм кабилардан) жон-жаҳдинг билан ҳимоя қилишинг керакки, бу бебаҳо жавоҳирлар, бу фойдали истеъдод ва қобилиятлар қўлдан кетмасин.

5. Агар қалбни диққат билан кузатсак, унда бошқа аъзоларда учрамайдиган шундай беш ҳолни кўрамиз:

Биринчи ҳол. Барча душманлари унга ҳужум қилиб, қулатмоққа ҳаракат қиладилар. Доимо қалбга кириб оладиган шайтон гуноҳ ва ёмонликларга сургаса, яхшилик фариштаси шайтонга қарши курашиб, қалбни яхшиликка ундайди. Қайси томон кучли чиқса, қалб ўша тарафга қараб йўналади.

Иккинчи ҳол. Қалб доимо иш билан машғулдир. Чунки у инсонни яхшиликка ундаётган ақл билан ёмонликка сургаётган ҳавойи нафс аскарларининг қароргоҳидир. Улар бу ерда доимий

даъват ҳолидадирлар. Баъзан ақл, баъзан ҳавойи нафс аскарлари устун келади. Шундай бўлгач, бу қалъани ҳимоя қилиш учун душман (ҳавойи нафс) аскарларидан тозаланиши керакки, ақл зафарга эришсин.

Учинчи ҳол. Қалб хилма-хил таҳликаларга юзма-юз келиб қолади. Кеча-кундуз унга ёмон фикрлару зарарли хотира ўқлари ёмғирдай ёғади. Бу ёғиш бир он ҳам тўхтамагани каби, бошқа бирор кимса ҳам уни тўхтатолмайди. Чунки қалб кўзга кўринмайди – истаган пайтинг эшигини очиб кўролмайсан. Қулоқ сингари эмас. Чунки қулоқ шундайки, эшитишни истамасанг, унга бармоқларингни тиқиб оласан. Тил каби эмас, тилинг гапиришни истамаса, тишингни-тишингга қўйиб, оғзингни юмиб оласан. Зарарли фикр ва васваса ўқлари қалбни нишонга олаверади. Унга ҳар тарафдан ёғилади. Тўхтатишга кучинг етмайди. Кун бўйи тиним билмай ёғаверади, танаффуси йўқ. Нафси аммора ҳам бу зарарли нарсаларга майллидир. Сув каби орқама-орқа оқиб келаверади. Бу вазиятда қалбнинг офат ва балолардан қутулиши чиндан ҳам жуда оғир, мушкул бир ишдир.

Тўртинчи ҳол. Қалбнинг қўл билан ушлаб бўлмайдиган, кўзга кўринмайдиган маънавий хасталикларини даволаб яхшилаш жуда қийин. Касал билинмаганда даволаш ишини ҳам бошлаш мумкин эмас. Ундай бўлса, қилинадиган иш – ўткир назар билан қалбга қараш, уни тез-тез зиёрат этиш ва кучли бир тарбия билан бу хасталикни аритишга интилишдан иборат.

Бешинчи ҳол. Кўнгил доимо изтиробдадир. Унга зарарли фикр ва васваса ўқлари узлуксиз ёғиб туриши сабабли бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтиб туради. Баъзи зотлар қалбнинг бу ҳаракатини оловда қайнаётган бир қозон сувнинг ҳаракатига ўхшатадилар. Шунинг учун қалбга қайнаётган қозон дея от берилган, дейдилар. Чунки у доимий ўзгариш ҳолидадир. Бу ўзгаришлар қанчалик суръатли, бу ларзалар қанчалик зиёда бўлса, бошга тушадиган фалокатлар ҳам шу қадар кўпдир. Қалбнинг ларзага тушиши бошқа аъзоларникига ўхшамайди. Унинг тўғри йўлдан чиққанини кўрсатувчи ҳол олдин юракни

сиқувчи дунёга бел боғлаши, сўнг ҳаво ва ҳавасларига чўмиши оқибатида Аллоҳни инкор этиб, кофир (имонсиз) бўлишидир. Ҳақ таоло Иблис ҳақида бундай маълум қилди:

إِبْلِيسَ أَبَى وَاسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿٣٤﴾

Яъни: **“Иблис эса (сўзида туриб олиб) кибрланди ва кофирлардан бўлди”** (Бақара сураси, 34-оятдан).

Бу оят кибр имонсизликка сабаб бўлажигига ишора қилади.

Куфур (имонсизлик) эса қалбнинг амалларидандир.

Бальом ибн Боур (Мусо Пайғамбар даврида мол-дунёси туфайли кибрланиб кетган бир яҳудий олим) тўғрисида ҳам бундай қутлуғ оят бор:

وَلَكِنَّهُ أَخْلَدَ إِلَى الْأَرْضِ وَاتَّبَعَ هَوَاهُ

Яъни: **“Лекин у ерга ўтириб қолди ва ҳавойи нафсига эргашиди”** (Аъроф сураси, 176-оятдан).

Бу оятда айтилган дунёга мойиллик, ҳою ҳавасга берилиш ҳам қалбнинг ишидир. Бунга берилганларнинг охири ҳам фалокат билан тугайди, деб танбеҳ берилган.

Бошқа бир қутлуғ оятда бундай дейилган:

وَنَقَلِبْ أَفئِدَتَهُمْ وَأَبْصُرُهُمْ كَمَا لَمْ يُؤْمِنُوا بِهِ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَنَذَرُهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١١٠﴾

Яъни: **“Ва худди аввал-бошда имон келтирмаганлари каби кўнгиллари ва кўзларини айлантириб қўямиз ва ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юрган ҳолларида уларни тарк қиламиз”** (Анъом сураси, 110-оят).

Ана шу сабабга кўра, Аллоҳнинг танланган бандалари қалбларининг тўғри йўлдан тойишидан қўрқадилар ва Аллоҳдан бошқа ҳеч бир нарсага мойил бўлмасликка ҳаракат қиладилар.

Ҳақ таоло бундай бандаларига ишора этиб, бундай марҳамат қилган:

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ ﴿٨﴾

Яъни: “Эй Раббимиз, бизни йўлга солганингдан кейин қалбларимизни Ҳақдан оғдирма. Бизга ўз ҳузурингдан раҳмат ато эт. Албатта, Сенгина барча яхшиликларни ато этгувчисан!” (Оли Имрон сураси, 8-оят).

Ва яна Аллоҳ бундай холис бандаларини мақтаб маълум қилади:

يَخَافُونَ يَوْمًا تَتَقَلَّبُ فِيهِ الْقُلُوبُ وَالْأَبْصَارُ ﴿٣٧﴾

Яъни: “Улар қалблари ва кўзлари (даҳшатдан) айланиб қоладиган кундан қўрқадилар” (Нур сураси, 37-оят).

Раббимиздан ёлвориб сўраймизки, бизни дунёда ибрат олувчилардан, охират ишларида кўзи очик (хушёр) бўлганлардан қилсин. Қалбимизни, тилимизни ва барча аъзоларимизни ислоҳ этсин, тўғри йўлдан адаштирмасин.

Бу изоҳдан қалбнинг жуда муҳим аъзо эканлиги англашилди. Ислоҳ қилинишининг аҳамиятли экани, ихмол қилинишининг (яъни бепарволик кўрсатилишининг) катта зарарларга сабаб бўлиши ҳам бир ҳақиқатдир. Шунинг учун қалбни доим ислоҳ қилиб юришга, унинг ҳолига бепарво қарамасликка одатланайлик!

“Қалбнинг офатларидан ўзимизни қандай асрашимиз мумкин?” – дея сўралса, жавобимиз будир:

Бу бениҳоя кенг мавзудирки, уни бутуни ила ҳатто ушбу китобга сиғдириб ҳам бўлмайди. Дин олимлари буни ўз китобларида кенгдан-кенг баён этганлар. Уларнинг билдиришларига кўра, инсон қалбида етмишта чиройли фазилат, етмишта ёмон сифат жойлашган бўлади. Ва булардан вужудга келувчи неча-неча яхши ва ёмон феъл ва ҳаракатлар бор. Ғафлат уйқусидан уйғонган, нафсини ислоҳ қилиш билан машғул бўлган диндор кишилар учун буларни билиш ва шу йўлда амал қилиб, етук инсон ҳолига кўтарилиш жуда қийин иш эмас. Энди буни қисқача бир тарзда очик-ойдин айтиб берай:

Нафсларнинг фитнаси, руҳларнинг балоси бўлган ва қалбдаги инсонлик туйғуларини илдиз-илдизидан йўқ қиладиган тўрт офат бор:

1. Битмас-туганмас орзу-ҳаваслар.
2. Ҳасад.
3. Ишда шошма-шошарлик (югур-югур, ур-йиқит).
4. Кибр.

Буларга қарши қалбини ислоҳ этиб борган, уни инсонлик туйғулари билан нақшлайдиган тўртта фазилат мавжуд:

1. Қисқа ва чекланган орзу-ҳаваслар.
2. Ишда вазминлик (шошмай, диққат билан, насиҳатларга қулоқ солиб ҳаракат қилиш).
3. Камтар-хокисор кўнгиллилик (қалбни нақшлайдиган ва инсонликни юксалтирадиган фазилатлар билан, бузғунчи сифатларни ўргангандан кейин бизга тушадиган вазифа бу офатлардан сақланиш ва юксак сифатларни эгаллаш учун керакли даражада куч сарфлашдир).
4. Кўнгиллардаги кераксиз ғам-қайғулар, кераксиз интилишларни улоқтириб ташлаб, асл мақсад сари осон йўл топиб бориш.

Энди офат келтирувчи ёмон сифатларни ўрганиб чиқайлик:

А. Узун (битмас-туганмас) орзу-ҳаваслар

Битмас-туганмас орзу-ҳаваслар шундай катта бир офатдирки, нафсдаги одобиликни ва тоатни (Аллоҳга итоатлиликни) йўқ қилади. Бунинг эвазига ҳар доим ёмонлик ва бузуқчиликка чақиради. Инсонларни балолару шумликларга судрайди. Шу тариқа узлуксиз орзу-ҳаваслар эгаларида тўрт қаттиқ таҳликани вужудга келтиради.

Биринчи таҳлика: ибодатга нисбатан сусткашлик ва танбаллик уйғотади. Вақтим етарли, бугун бўлмаса, эртага адо этарман, олдимда ҳали узун йиллар бор, кейин улгурарман, дейди ва шу тариқа ибодат қилишдан қолиб, умрини бекорчи ишларга сарфлайди, умри битганини билмай қолади.

Довуд Тоий дерки:

Жаҳаннам азобидан қўрққан кимсага узоқ яқин бўлади.

Яъё ибн Маоз дейди:

Узун орзу-ҳавас бутун яхшиликларнинг йўлини тўсади.

Очкўзлик (бойликка тўймаслик) инсон ҳақ-ҳуқуқига риоят-ни йўқ қилади. Сабрий гўзаллик катта савоб олиб келади. Нафси аммора эса эгасини гуноҳлару ёмонликларга даъват этади.

Иккинчи таҳлика тавбани кечиктиришга ва тарк этишга сабаб бўлади. Ҳали ёшман, тавба қилишга вақтим етарли. Ҳозир ишлаб, пул топиб олай, беш-олти йил бўлса-да завқу сафо суриб, бу дунёнинг мазасини тотай, ана ундан кейин тавба қилиб, умримнинг сўнгини чиройли амаллар билан безарман, деб ўзини тамомила дунё ишларига бағишлайман, деган пайтида ажал етиб келади, тавба этмасидан бурун мўлжалу ниятлари узилади, ҳаммасидан маҳрум бўлиб ўлиб кетганини ўзи ҳам билмай қолади.

Учинчи таҳлика: Узун орзу-ҳаваслар эгасига охиратни унуттиради, ҳирс ила мол йиғиш иши билан банд қилади ва унга бундай гапларни айттиради: «Кучим, қувватим бор экан, кўпроқ мол-дунёни қўлга киритиб, бир ерга жамлай. Бир муддат кейин қарилик келади. Заифлашиб, иродам пасаяди, ишласам ҳам қўлга бир нарса киритолмайман, паришон ҳолга тушаман. Қариганда камбағал бўлишдан ёмони йўқ. Соғлиқдан айрилиб, касаллик билан бирга бўламан. Сўнгги кунларимда кимнинг эшигини қоқаман? Ҳаракат ва ғайратим борида вақтни қўлдан бой бермай. **“Соғлиқда дўстларга муҳтож бўлгандан кўра ўлганда молинг душманларингга қолгани афзал”** деган оталар сўзини унутмай», дейди. Ва шунга ўхшаш фикрлар билан бу ўткинчи дунёга берилади ва мол-дунё тўплай бошлайди. Молининг закотини, садақасини бермайди, у шундай фикр ва дийдиёлар билан юрганида бирдан ажал ёқасидан олади. Вақтини бекорга ўтказган бўлиб чиқади. Моли ўзига илон бўлади. Завқи аламга, роҳати қийноққа айланади. Тўплаб йиққан моли бу дунёда қолади, у дунёга оғир оқибатлар, гуноҳларини орқалаб кетади, абадиян ҳасрат ва пушаймонликда бўлади.

Абу Зар ал-Ғифорий (биринчилар қатори исломга кирган мусулмонларнинг бешинчиси бўлиб, устига Аллоҳнинг саломи ва салоти ёғилгур Расули Акрам ҳақида 282 та қутлуғ ҳадисни

ривоят қилган. Хижрий 31-йилда вафот этган. Аллоҳ раҳм қилган бўлсин!) дерки:

- Етолмаган кунларимнинг алам ва қайғуси мени ўлдирди.
- Нега ўлдирди? – дея сўрадилар. Бу жавобни берди:
- Амалим ажалимдан кейинги кунларимга ҳам тажовуз қилди, ундан ҳам ошди.

Тўртинчи таҳлика: Битмас-туганмас орзу-ҳаваслар қалларни қорайтиради, гуноҳларни унуттиради, охират ҳақиқи ўйларни ақлга яқин йўлатмайди. Чунки узун орзу-ҳаваслар ортидан ҳовлиқиб келаётган кимса на гуноҳларини хотирлайди на ўлимини; на-да мазордаги ҳолини... Бу кабиларнинг фикргап-сўзи нуқул дунё, даромад, одамлар билан олди-берди ҳақида бўлади – бутун вақтини ана шундай бекорчи нарсалар сарфлайди. Табиатига кўра бу ҳол қалбнинг қорайишига бўлар-бўлмас нарсаларга ўралашиб, охиратни унутишига гуноҳларини эсламаслигига сабаб бўлади. Бундай вазиятда инсоннинг қалбидан софлик ичида жамланувчи марҳаматиясида тавба қилиш ва охиратни ўйлаш каби диний ва инсоний туйғулар жой олмайди. Булар фақат ибодат савобини улоқтириш қилинган гуноҳларнинг азобини, охиратнинг ҳолларини ўлимнинг изтиробини ва натижасини ўйлаш билан ҳосил бўлади. Зеро, Қуръони каримда Ҳақ таоло огоҳлантиради:

“Улар узун умрли бўлишларини ўйлаб дунёга берилдилар. Қалбларининг қорайишининг сабаби шудир”.

Аллоҳ рози бўлгур Али ҳазратлари ҳам бундай ўғит бергандилар:

“Сизлар учун мени энг кўп қўрқатадиган икки нарсаси бири битмас-туганмас орзу-ҳавас, иккинчиси ҳавойи нафсга берилишингиздир. Чунки узун орзу-ҳавас охиратни унуттиради. Ҳавойи нафсга берилиш эса тўғри йўлдан тойдиради, Аллоҳдан узоқлаштиради”.

Демак, дунё учун битмас-туганмас орзу-ҳавасга берилсан, ғафлатда қолиб, тавба қилишда сусткашлик қилсан ва кўп гуноҳга ботасан. Ибодатинг озаяди. Ҳирсинг ортади. Гуноҳларинг кўпаяди. Қалбинг қораяди.

Бу ўғитлардан узун орзу-ҳавасдай таҳликали офат йўқлигини англадик. У ҳолда узун орзу-ҳавасларнинг офатларидан қутулиш учун ўлимни ва нариги дунёни, қабр азобини ва абадий ҳаётни ўйлаш ва “соғлиғимга кўп ҳам ишонмай, охиратим учун иш қилай”, деб пок қалб билан ибодатга берилиш лозимдир.

Авф ибн Абдуллоҳ дерки:

Қанча-қанча кишилар борки, маълум бир вақтга ўлмай етиб боришни истайдилар. Аммо у вақтга етмай ўладилар. Бугунги ишларини эртага қолдирган қанча-қанча кишилар борки, тонггача ҳам етишолмайдилар. Ажалнинг ҳар он келиши мумкинлигини ўйловчилар эса, чексиз орзу-ҳаваслардан воз кечадилар.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Исо ҳазратлари дунё ҳаётини бундай гавдалантиради:

“Дунё уч кунликдир: Кечаги кун ўтди, қайта қўлга кирмайди. Эрта энди келади, аммо биз унгача етиб борамизми, буниси шубҳалидир. У ҳолда ҳозир биз ичида яшаб турган бугунни ғанимат бил ва унинг қадрига ет”.

Абу Зар дейди:

Дунё ҳаёти уч соатдан иборат: ичида биз яшаётган соат, ўтган соат ва келажак соат. Ўтган соат қайтмас бўлиб ўтиб кетган. Келажак соатга етиб борамизми – билмаймиз. Аслида, бу дунёда бир соатга эгасан. Қадрини бил.

Баъзи бошқа олимлар ҳам, дунё уч нафаслик бир вақтдан иборатдир, дейдилар. Бири кетди, бошқа келмайди. У нафасда нима қилган бўлсанг, ўша сенга қолди. Бири келмади. Келажаги ҳам маълум эмас. Кутганларнинг қанча-қанчаси ўлиб кетишди. Ҳақиқатда шу онда яшаб турган бир нафасингга эгасан. Қадрини бил, бекор ўтказма. Сенга вақтинг нимага яроқли кўринса, ўшанга сарфла. Истасанг, ибодат билан Аллоҳни ёдлаб ўтказ, истасанг, гуноҳ қил, фақат ақлингни ишлат: охират ҳаётини ўйла ва шунга кўра ҳаракатда бўл.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай марҳамат қилганлар:

“Келгусида мендан қолиб кетади деб ўйлаган еримга ўлмасдан аввал бир қадам ҳам босмадим, юта олишим гумон

деб билган бирон луқмани ўлмасдан аввал оғзимга ҳам олмадим. Нафсим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, сизларга ваъда қилинган нарсалар (қилинажагига сўз берилганлар) мутлақо содир қилинажакдир”.

Эй азиз! Бу айтганларимиз тўғрисида ўйласанг, бу фикрларни диққат билан бир неча кун зеҳнингдан ўтказсанг, турган гапки, битмас-туганмас орзу-ҳаваслар васвасаси қалбингдан ювилиб кетади ва унинг ўрнини қисқа орзу-ҳаваслар тўлдиради: тавба қилиш учун шошила бошлайсан; таот-ибодат ишига бериласан, дунёга бўлган хоҳишларинг озаяди. Унга боғланиб қолмайсан. Гуноҳ қилишдан қўл тортасан. Қалбингни охират андишаси эгаллайди. Ҳар он ўлимни хотирлайсан. Ҳар куни охират манзарасини кўз ўнгингдан ўтказасан. Ва бунинг натижаси ўлароқ қалбингдаги қайғу, қоронғилик аста-аста тарқалиб, унинг ўрнини шафқат ва марҳамат туйғулари билан Аллоҳдан қўрқув (тақво) ва ишонч тўлдиради. Ибодатларингни Аллоҳ буюрганидай тўкис тарзда адо этсанг, ишларингда тўғрилиқ устувор бўлади. Шу тариқа Аллоҳнинг мадади билан эртанги кунга аминлик ила, имон тўла биллурдай пок қалбинг туфайли охиратга кўчасан.

Ривоят қиладиларки:

Зирот ибн Абу Авфийни ўлимидан сўнгра тушда кўрибдилар ва Ҳақ таолонинг наздида қайси амаллар хайрли бўлишини сўраганлар. **“Қазо ва қадарга (тақдирга) ризолик кўрсатиш ва ортиқча орзу-ҳавасларга берилмаслик”** деган жавобни берган.

Барча бу изоҳ ва тушунтиришлардан дунёда ортиқча орзу-ҳаваслар кетидан қувиш фалокат келтиришини англадингиз ва энди ундан воз кечиб, Аллоҳга сиғинишнинг бахт келтириши ҳақиқатлилигини билиб, шунга яраша яшайсиз деган қаноат билан дуода қоламиз.

Б. Ҳасад

Ҳасад – бу одамни жуда ачинтирадиган бир сифат ва катта офатдир. Ишлар тўхтаб қолиши ва қалб бузуқлашиб кетишининг бирдан-бир манбаидир. Гуноҳ қилишу ёмонликлар сари одим-

лашларга сабаб кўпинча ҳасад бўлади. Бу шундай бир иллатки, қанчадан-қанча олимларни тўғри йўлдан тойдирган. Илмли ва маърифатли инсонларки бу иллатнинг таъсири остида қоларкан, жоҳил инсонларнинг бу офат олдидаги ҳоллари қандай кечишини тасаввур қилинг.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай огоҳлантирганлар:

“Инсонларнинг олти тоифаси олти нарса сабабли: араблар таассублари (ўзгаларга хусуматлари, фанатизми), беклар зулмлари, раислар кибрлари, тижоратчилар олди-сотдида уриб қолишлари, деҳқонлар илмсизликлари, жаҳолатлари, олимлар ҳасадгўйликлари сабабли тўппа-тўғри жаҳаннамга кетадилар”.

Хатто олимларни ҳам жаҳаннам аҳли сафига қўшадиган офатдан сақланиб, қалбимиздан ҳасадни сидириб ташлайлик.

Кўролмаслик инсонга беш шаклда зарар келтиради:

1. Ҳасад ибодат ва тоатни бузади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қилганларки:

“Олов ўтинни қандай еб битирса, ҳасад ҳам ибодатимизни шундай еб ботиради.”

2. Ҳасад ҳасадгўйни гуноҳга ботиради.

Ваҳб ибн Мина дейди:


Кўролмасликнинг уч аломати бор:

а) Қаршингда ялтоқланади;

б) Ортингда сени ғийбат қилади;

в) Сенинг ва ё бошқа бировнинг бошига фалокат тушса ёхуд зарар ёғилса, севиниб кетади.

Ҳасад шундай ёмон ва зарарли бир иллатки, Ҳақ таоло бундан қутулиш учун Ўзига (Аллоҳга) сиғинилиши кераклигини амр этади:



Яъни: **“(Раббимдан) ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман”** (Фалақ сураси, 5-оят).

Шайтондан ва сеҳрбозларнинг ёмонликларидан қутулиш учун Ўзига сиғинилиши кераклигини амр этган Аллоҳнинг ҳаса, борасида ҳам айни буйруқни бериши бу – инсонлар учун нақада таҳликали бир офат эканини кўрсатиш учун етарли далилдир.

3. Ҳасад ҳасадгўйга ҳеч кераксиз жойда руҳий тушқунлик заҳмат ва нотинчлик беради.

Ибн Саммоҳ дейди:

Кўролмасликдан бошқа мазлумга ўхшаган бирон золимни кўрмадим. Чунки ҳасадгўйнинг нафси зиёнда, ақли эсанкирашда, қалби аламдадир.

4. Ҳасадгўйнинг қалб кўзи кўр бўлган (басиратидан айрилган) бўлади. Ҳасадгўй Ҳақ таолонинг амр этган ҳикматидан бирон хулоса чиқаролмаган бир кимсадир.

Суфён ибн Саврий дейди:

Тақводор бўлишни истасанг, жим бўл, кўп гапирма. Ўрганган-билганларингни сақламоқчи бўлсанг, бирон нарсага қаттиқ берилма. Халқнинг тилидан қутулмоқчи бўлсанг, ўзгани кўролмайдиган бўлма.

5. Ҳасадгўй доимо етишмовчилик ва маҳрумиятда бўлади. Инсон кўролмаслик билан мақсадини амалга оширолмайди. Биров унга ёрдам қўлини узатмайди.

Хотам ал-Асом дерки:

Кинга берилган динга берилмайди. Гийбат қилган одам обид бўлмайди. Тухматчига ишонч бўлмайди. Ҳасад қилганлар Аллоҳнинг ёрдамини кўрмайди. Ҳасадгўйларнинг борликлари ва бахтли бўлмасликларининг сабаби ва ҳикмати – Аллоҳнинг мўмин бандаларига берган неъматининг йўқ бўлишини исташларидир. Ҳақ таоло мўминларга берган неъматини ҳасадгўйларнинг истаги билан қайтариб олмайди. Ўзига тоат ва ибодатда бўлган бандаларини қолдириб ҳам Унинг рубубиятига аралашиб, ҳикматини айбловчиларга албатта ёрдам бермайди. Бу шундай бир сифатки, инсонни эсанкиратиб қўяди. Ақлини, идрокини олади. Ибодатини бузади ва кўп гуноҳ қилишига сабаб бўлади. Инсонни истаган нарсаларидан маҳрум қилади. Душманларидан енгилишига олиб келади. Унинг истаклари толесиз, феъли пушаймонлик билан тўлади. Хасталиги оғирлашиб, даво топиши қийинлашади.

Иложини топиб давоси билан шуғулланмаса, ҳасад соҳибининг фалокатига сабаб бўлади.

В. Шошқалоқлик

Ишда шошма-шошарлик, бефарқлик омадсизлик келтирувчи бир феъл-атвордирки, унинг касридан фурсатлар қўлдан бой берилади ва у кўп гуноҳлар қилинишига сабабчи бўлади.

Шошма-шошарликдан ҳам тўрт офат майдонга келади:

а) Обидлар кўп ибодат қилиб, янада юқори мақомларга кўтарилишни тилайдилар. Лекин ибодатларини шошилиб, ўз вақтидан аввал қилганлари учун бу тилакларига эриша олмайдилар. Баъзан ошиққанлари учун ибодатни барча шартлари билан, қонунларига тўла риоят этиб адо этолмаганликларидан ўзлари кутган таъсир ва натижани кўрмайдилар. Бу аҳволдан умидсизликка, мотамга тушадилар, амалларида бўшашиш бошланади ва шунинг оқибатида ибодат савобидан ҳам маҳрум қоладилар.

Баъзида ибодатларини ошириб юборадилар, ўзларини кўп чарчатадилар. Ҳолбуки, тилакларнинг амалга ошиши ва исталган мартабаларга етишув – ифрот ва тафритга бормай (ибодатни кўпайтирмай ва камайтирмай), ўртача ҳаракат орқали қўлга киритилади. Чунки ифрот ҳам, тафрит ҳам кишини мақсаддан узоқлаштиради.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай буюрадилар:

“Бизнинг динимиз метин, соғлом ва мўътадил бир йўлдир. Бу йўлга назокат билан киринг ва шошилмай юринг, ифрот (ошиб кетиш) ва тафрит (ортда қолиш, камайтириш)дан сақланинг”.


Йўлда шошиб юрган эшак кейин ортда қолиб кетади, қўнадиган жойларига вақтида етиб боролмайди ва охир-оқибат манзилга етолмайди.

“Эришар мақсуд манзилига оҳиста кетган” ёки ***“Тепага шошганлар оёғига ўралар этак”*** сингари ўғитлар бекорга айтилмаган.

б) Ҳақ таолодан бир тилагига етказишни сўраган шошма-шошар киши дуо ўқиганда, Аллоҳдан мақсадига тезроқ етказишни сўраб устма-уст дуо қилади. Лекин умид қилган тилаги вақтида бажо бўлмаганини кўрганда дуо ўқишни тўхтатади ва шу тариқа тилаги амалга ошишини ўнгламоқчи бўлади.

в) Шошқалоқ одам ўзини ранжитган бир кимсани дарров ёмон дуо қилади ва хафалиги ўтмагунча бад дуосини қилаверади. Бу ёмон дуоси туфайли ўша мўмин зарар кўради ҳам. Лекин ўзи ҳам сабр қилиш савобидан маҳрум қолади. Баъзан бу ёмон дуосини ҳаддан ошириб юборади. Бу ҳолда у гуноҳга қолади.

Ҳақ таоло Қуръони каримида бундай деб буюради:



Яъни: **“Инсон яхшилик сўраб дуойи хайр қилгани каби, ёмонлик тилаб дуойи бад ҳам қилади. Инсон мана шундай шошқалоқдир”** (Исро сураси, 11-оят).

г) Ибодатнинг, ёлвориш ва тақвонинг асли ҳар нарсада диққатли ва фикр қилувчи бўлишини тақозо этади. Ейишда, ичишда, кийинишда, хуллас, бутун ишларида назокат ила ва масалани англаган ҳолда ҳаракат қилмаган шошқалоқ инсон ҳар вақт хатога йўл қўйиши мумкин. Ҳатто ейиш, кийиниш ва ичишда ва барча ишларида шубҳага тушиши ва баъзан ҳаром иш қилиб қўйишдан ўзини тиёлмаслиги ҳам юз беради. Бундай ёшлар ва етук инсонларнинг тоат ва ибодатларида хайр йўқ. Чунки ибодатнинг сармояси ва саодатнинг ғояси тақводир.

Шошқалоқлик шундай бир феъл-атворки, шошма-шошар одамни яхшиликдан ва тилагига етмоқдан қолдиради. Мўминларга зарар келтиради. Шошма-шошарлик касалидан қутулиш учун унинг керакли давосини қилиш керак. Одамда бу иллат бўлган тақдирда, бунинг ҳамма давр учун энг замонавий дориси тақводир, назокат билан ва ўйлаб иш юритиш одатини ўзлаштиришдир.

Г. Кибр

Кибр кўп хатарли ва ҳалокатга олиб борувчи хасталиқдир. Бошқа феъл-атворларга ўхшамайди. Улар ибодатнинг баъзи қисмларига, кибр эса ибодатнинг аслига зарар етказди.

Ибодатни илдиз-илдизидан йўққа чиқаради.

Ҳақ таоло Қуръони каримда огоҳлантиради:

إِلَّا إِبْلِيسَ اسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿٧٤﴾

Яъни: **“Ёлғиз иблисгина кибрланди ва кофирлардан бўлди”** (Сод сураси, 74-оят).

Бу қутлуғ оятдан англаймизки, кибр куфрга (имонсизликка) олиб боради. Энг камида қуйидаги тўрт офатга сабаб бўлади:

1. Кибрли инсон ҳақиқатни кўра олмайди, қалб кўзи боғланади.

Ҳақ таоло Қуръони каримда таъкидлайди:

سَاصْرِفْ عَنْ عَائِلَتِي الَّذِينَ يَتَكَبَّرُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ

Яъни: **“Ер юзида ҳақсизлик қилиб кибрланганларни оятларим- (ни идрок қилиш)дан буриб юбораман”** (Аъроф сураси, 146-оят).

Бошқа бир оятда Аллоҳ бундай огоҳлантиради:

كَذَلِكَ يَطْبَعُ اللَّهُ عَلَى كُلِّ قَلْبٍ مُتَكَبِّرٍ جَبَّارٍ ﴿٣٥﴾

Яъни: **“Аллоҳ ҳар бир мутакаббир ва зўравоннинг қалбини мана шундай муҳрлаб қўяди”** (Ғофир сураси, 35-оят).

Англадингизми, қанча-қанча оқилларни ҳайратга соладиган ана шу қиёси йўқ оятларни такаббур кишилар идрок этишда ожизлик қиладилар!

2. Кибрли бўлганларни Ҳақ таоло севмайди.

Қуръони каримда Аллоҳ жуда кўп оятларда очиқ-равшан қилиб огоҳлантирган:

“Аллоҳ кибрланганларни севмайди”.

Ривоят қиладиларки:

Бир куни устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Мусо ҳазратлари Ҳақ таолога бундай савол беради:

– *Эй Раббим, энг кўп ғазабингни қўзғайдиган ва сен севмайдиган инсонлар кимлардир?*

Аллоҳ бундай деди:

– *Қалби кибрли, тили заҳар, қўллари қийимсиз, кўзлари ҳақ ва ҳақиқатни кўрмайдиган ва ёмон ахлоқ эгаларидир.*

3. Кибрлини Ҳақ таоло ҳақир (паст, қадрсиз) ва залил (тубан ва хор) қилади.

Хотам ал-Асом дейди:

Инсон уч нарсадан: кибр, ҳирс ва гердайишдан эҳтиёт бўлсин. Такаббурлар ўз яқинлари ва хизматдошларидан ҳақорат эшитмасдан бурун, ҳирсли очкўзлар бир бурда нонга ва бир ютум сувга зор бўлмасдан аввал, мол-дунёси ортиб гердайганлар ифлосликлари фош бўлмагунча бу дунёдан кетмайдилар.

Дейдиларки, бекорга кибрланганларни Ҳақ таоло албатта ҳақир ва залил қилажакдир.

4. Такаббурлар жаҳаннамда азоб кўражаклар. Бу борада Қудсий (Илоҳий) ҳадисда Ҳақ таоло ўз пайғамбари орқали бундай огоҳ қилади:

“Кибр ва буюклик фақат Менга хосдир. Ҳар кимнинг эгни (либоси) ўзига мос ва ўзиники бўлади, уни бошқа бировга шерик қилмайди. Кибр ва буюклик ҳам Мендан бошқасига лойиқ эмас. Дунёда Менинг бу сифатимни ўзига ўзлаштирганларни эртага (келажакда) жаҳаннам оловида ёқаман”.

Демак, бу феъл Ҳақ таолони танишга тўсқинлик қилади, жаҳаннам азобларини тортишга сабаб бўлади, Аллоҳнинг неъматларини ва санъат асарларини идрок этишга монелик кўрсатади. Дунёда нафратга учраш, охиратда жавобгарликка дучор бўлиш шу феълдандир. Ақли-хуши жойида бўлганлар бундай ёмон феълнинг офатларидан ғофил бўлмайдилар. Бошқаларга зарар келтиришдан сақланадилар ва йўл қўйган гуноҳлари учун Аллоҳдан афв сўраб, Унга ёлворадилар.

Мана шу ўғитлардан англадикки, кибрланишнинг бу тўрт офатидан фақат биттаси ҳам инсонга зарар бера олади, тўртовининг биракай берадиган зарари нақадар катта бўлишини энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Ҳақ таолога ёлворайлик, лутф ва карами билан бизни шундай ёмон феъл-атворлардан сақласин.

Бу ёмон сифатларни ва пушаймон келтирувчи феъл-ҳўйларни англатдик. Булардан сақланиш вожиблигини билдирдик.

Энди эса бизга “буларнинг ҳақиқатлари, чегаралари ва қисмларини ҳам изоҳлаб берингки, унга кўра ўзимизни бу офатлардан сақлайлик”, деб мурожаат қилувчиларга жавобимиз қуйидагичадир:

Дин олимларининг таърифлашича, **узун орзу-ҳавасни** билдирувчи амал – бу кишининг узоқ яшаш учун қилган амали ва ажалининг кеч келишидан умид қилишидир. Қалбинг шу фикр ва хаёлга кўра созланган. Бунинг зидди бўлган **қисқа орзу-ҳавасни** билдирувчи амал эса, кишининг узоқ яшаш истагини ва ажалининг кеч келажаги умидини қалбидан чиқариб ташлашидир. Қисқа орзу-ҳавасли одам узун ё қисқа умрлилигини Аллоҳнинг тақдирига ҳавола қилиб қўяди. Ҳақ таоло хоҳласа, умримни узайтиради, хайрли ишлар қилиб узоқ яшасин деса, узайтиради, яшатмаса, яна Ўзи билади, дейди. Агар бир киши мен иккинчи бир нафас, иккинчи бир соат, иккинчи бир кун албатта яшайман, деса, уни узун орзу-ҳавасли инсон деяверинг. Бу узун орзу-ҳавасли одам гўё ғайбни (кўринмайдиган ва номаълум келажакни) биладигандай мўлжалидаги яшайдиган вақтини ўтказиш учун рўзғорини тузуклаб қўйиш билан овора бўлади ва бунга кўп вақт сарфлаши сабабли ибодатини қилолмайди. Лекин бу одам, Аллоҳ тақдир этган бўлса, Худо хоҳласа, яшайман деб ўйласа ва рўзгор сабаби билан шу ишонч асосида машғул бўлса, узун орзу-ҳавас гуноҳидан қутулган, қисқа орзу-ҳавасли одамга айланган бўлади.

Узун орзу-ҳавасга сарфланувчи амаллар икки қисмдир:

Биринчиси, мол-мулк тўплаш ва бой бўлиш мақсади билан узоқ яшашни тилаб, узун орзу-ҳавасга берилувчи кимсадир, ўлимни хаёлига келтирмайди, ҳеч ўлмайдигандай хирс билан яшайди, машаққат чекади ва шу боисдан бир қатор гуноҳларга ботади.


Аллоҳ Куръони каримда марҳамат қилади:

ذَرَّهُمْ يَا كُلُّوا وَتَمَتَّعُوا وَيُلْهِمُ الْأَمَلُ فَسَوْفَ يَعْمَلُونَ ﴿٢﴾

Яъни: **“Уларни қўяверинг, еб-ичиб, фойдаланиб қолсинлар, орзу-ҳавасларига машғул бўлаверсинлар. Бас, яқинда билиб олурлар”** (Хижр сураси, 3-оят).

Иккинчиси, бу узун орзу-ҳавасли кишилар хайрли бир ишни тамомлаш учун узоқ яшашни истайдилар. Лекин бу хайрли ишни битириш ўзлари учун фойдали ё зарарли бўлишини билолмайдилар. Чунки ўша ишга баъзан риё ва кўз-кўз қилиш каби офатлар аралашади ва у пайт хайр сидирилиб, йўқ бўлиб кетади. Масалан, бир киши намоз, рўза каби ибодатларини бошларкан, буларни тамомлагунча ўлмайман, деган фикрда бўлади. Чунки бундай ишонч ғайб устидан ҳукмронлик демақдир. Агар ишни бошласа, Худо хоҳласа, десин ва бу ишни мутлақо битираман деган қаноатда бўлмасин. Фақатгина: «Эй Раббим, бу иш яхшиликка бўлса, тугатишимни осонлаштир», дея дуо ва ниёзда бўлсин.

Ҳақ таоло ўз Пайғамбарига бундай деб буюрган:



Яъни: **“Ҳеч бир нарса ҳақида, буни албатта эртага қиламан, дема”** (Каҳф сураси, 23-оят).

Дин олимлари яхши ниятни узун орзу-ҳаваснинг тескариси, деб ҳисоблайдилар. Яхши бир иш учун яхши ният билан узоқ яшашни истаган киши узун орзу-ҳавасни режалаштирган деб ҳисобланмайди. Яхши ниятли шахс бошқа ишларини қолдириб, мўлжаллаган яхши ишини бошлаши ва буни охирига етказиши учун Ҳақ таолога ёлвориб, Унгагина суяниши керак.

“Хайрли ишнинг охирини Аллоҳга ҳавола этишнинг ҳикмати нима?” деган саволга бу жавобни берамиз:

Хайрли ишнинг бошланғичида ҳали бир таҳлика мавжуд эмас. Чунки ишни бошлаш жараёни узоқ давом этмайди. Асл узоқ вақт у ишни тамомлагунга қадар давом этади ва мана шу вақт ичида ишни Аллоҳга ҳавола қилмай давом эттирсак, баъзи кутилмаган таҳликалар юз бериши мумкин.

Бу таҳликаларни икки асосга жамлай оламиз:

1. Ажабо, ишни битира оламанми, битира олмайманми?

2. Бу ишнинг тугалланиши хайр бўладими ё гуноҳ бўладими? – билинмайди.

Биринчи таҳлика, яъни ишни бошларкан, одам битириш-битиролмаслигини билмаганлигидан бўлади. Бунда Худо хоҳласа, битказаман, дейиши керак.

Иккинчи таҳлика ишнинг якуни яхшиликками, ёмонликками эканлигини билмаганлигидан бўлади. Бунда тафвиз лозим. Яъни, хайрли иш тамомланишини Аллоҳдан тилайман, дейиш вожибдир. Бир хайрли иш қила бошлашда бу шартларга риоя этсанг, яхши ният қилган ва узун орзу-ҳавас билан яхши ниятни шу тарзда бир-биридан айирган бўласан.

Эй азиз, агар шу маъноларни доим ёдингда тутсанг, кўп жойда фойдасини кўрасан. Қисқа орзу-ҳаваснинг қалъаси, яъни узун орзу-ҳавасдан қутулишнинг ягона чораси **ўлимни ўйламоқдир**. Айниқса, гердайиб-ғурурланиб кетганингда ва ғафлатда эканингни фаҳмлаб етганингда бирдан ўлиб қолишинг мумкинлигини эслаб қўй. Ақлли одамларга узун орзу-ҳавасларнинг зарарларидан қутулиш учун озми-кўпми шунчалик билим кифоя қилади.

Ҳасад – Ҳақ таолонинг мўмин бандаларига берган неъматининг йўқ бўлишини истамақдир. Агар бу неъматларнинг йўқ бўлишини истамасдан, ўзига ўшандоқ неъматлар берилишини истаса, бу **ғипта**, яъни **ҳавас** дейилади.

Ҳавас 4 турлидир: вожиб, мандуб, мубоҳ, ҳаром.

Аллоҳнинг мўмин бандасига берган неъматининг диний жиҳатдан бўлса, масалан, намоз, рўза каби – бунга ҳавас қилиш вожибдир.

Агар дунёвий фазилатлар ва ахлоқий ҳаракатларга, масалан, муҳтожларга ёрдам бериш кабиларга ҳавас қилиш мандубдир, яъни мақбулдир, шариатда жоиз ҳам дейилади.

Агар ўша неъматдан фойдаланиш мубоҳ бўлса, унга ҳавас қилиш ҳам мубоҳ саналади (яъни ҳавас қилса ҳам, ҳавас қилмаса ҳам бўлади ва бу гуноҳ ҳисобланмайди).

Агар орзу қилинаётган нарса ҳаром бўлса, унга ҳавас қилиш ҳам ҳаромдир.

Агар неъмат эгаси ахлоқсиз ёки фақир бўлса ва унинг шунда ҳолга тушишига сабаб ўша неъмат саналса, у неъматнинг йў бўлишини (заволини) тилаш жоиздир. Агар исёнга сабабчи бўладиган ёки душманнинг қўлида қуроллар каби зарар берувчи неъматлар бўлса, буларнинг йўқ бўлишини хоҳлаш, дин олимларига кўра, ҳасад эмас, интилишдир.

Баъзан ҳасад мажозий маънода ғипта (ҳавас) деб ҳам ишлатилади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлар бир қутлуғ ҳадисларида ҳасад ўрнида ғипта ишлатиб, бунда дея марҳамат қилганлар:

“Ғипта қилманг, фақат икки кишига ғипта қилинг. Бирида: Ҳақ таоло анов кишига Қуръон насиб этган. Кеча-кундуз ўқийди ва унинг ҳукмларига амал қилади, дейишингиз мумкин. Бошқасида: Аллоҳ унга ҳалолидан мол, бойлик берган, кеча-кундуз бу молини муҳтожларга беришга, бойлигини ҳар вақт ва ҳар ерда Ҳақ йўлига харжлашга интилади, дейсиз”.

Буларнинг биринчиси диний неъматдир. Унга ғипта (ҳавас) қилиш вожибдир. Иккинчиси дунёвий бир неъматдир. Унга ҳавас қилиш мандубдир.

Ҳасаднинг зидди Ҳақ таолонинг бандаларига берган неъматининг, агар хайрли бўлса, давомини истамақдир.

“Ушбу неъматга ҳасад қилмай, аксинча, давомли бўлишини тилайлик десак, унинг хайрли ё хайрсизлигини қаёқдан биламиз?” саволига жавобимиз будир:

Агар ўша неъмат ўша мўмин учун хайрли бўлишига узил-кесил қаноат ҳосил қилган бўлсанг, бойлиги боқий бўлишини тилайвер. Агар зарарли бўлишига ишонсанг, заволини тила. Агар шубҳа-гумонинг бўлса, у ҳолда бақосини ҳам, заволини ҳам тиламай, тафвиз йўлига борасан (яъни йиққанлари яхшиликка бўлса, Аллоҳ уни бардавом қилсин, агар ёмонликка бўлса, Аллоҳ берган неъматини қайтариб олсин, дея ишни Аллоҳга ҳавола қиласан).

Ҳасад иллатидан қутулиш учун Ҳақ таолонинг имонли бандаларига дунё ва охират учун берган чексиз неъматларининг

фойдаси ва мақсади бўлганлиги тўғрисида ўйлаш, дунёга оидлари бошқаларга ёрдам бериш учун, охиратга оидлари шафоатга етишиш учун сарфланганлиги тўғрисида фикр юри-тиш лозим. Дунёда имонли бандаларнинг фаровонлиги ва бой яшаши, моддий ва маънавий жиҳатдан кучли бўлишлари сен учун ҳам яхшидир. Чунки бунинг соясида мусулмонлар бир-бирларини қўллаб, бир-бирларига ёрдам берадилар. Бунинг натижасида вужудга келган birlik ва tenglik сенинг ҳам ҳузур-ҳаловатингга сабаб бўлади. Охиратга оид неъматлари қиёмат кунида сенинг ҳам раҳматга ва шафоатга етишувингга хизмат қилади. Ҳақиқатда мўминларга берилган неъматларга сен ҳам шериксан. Шуларни ўйласанг, неъмат соҳибларига ҳасад қилиш ўз неъматингнинг ҳам заволини тилаш дегани бўлади, шундай экан, ҳасад иллатини қалбингдан чиқариб ташла.

Шошқалоқлик – қалбда бўладиган ҳовлиқтирувчи бир куч-дир, ўшанинг зўрлаши билан инсон ўйлаб мулоҳаза қилиб кўр-масдан, ишга киришади ва уни битиришга шошилади. Бунинг зидди диққат-эътибор ва ғамхўрлик, эҳтиёт ва ҳовлиқмасликдир. Шошмаслик – таваққуф (тек туриш)дан фарқланади. Бир ишни бошлашдан олдин, бунинг тўғри ё нотўғрилигини ўйлаш тавақ-қуф (тўхтаб туриш)дир. Шошмаслик эса, ишни муваффақият билан якунламак учун эҳтиётли ҳаракат қилмоқдир.

Шошмаслик ишда янглишлик ва хатога тушишдан сақланишдир.

Инсон бутун ишларида юзага чиққан хато ва зарарлар шош-қалоқликдан келганини, диққат-эътибор билан, шошмасдан ва эҳтиёт билан ҳаракат қилиш барча зарар ва хатоларни тўғ-рилашига ва ишни муваффақиятга олиб келишига сабаб бўла-жagini ўйласа, ҳеч бир амалида шошқалоқликка йўл қўймайди ва бу иллатни қалбидан чиқариб ташлаб, доимо ҳовлиқмай ҳаракат қилишга интилади.

Кибр – инсоннинг ўзини асл ҳолидан устун кўришидир ва ҳар тарафдан бошқалардан юксакман, деб ўйлашидир. Бу хусусият эгаси такаббур дейилади. Кибрнинг зидди тавозудир. Тавозе кишининг ўз нафсини паст тутиши, яъни камтарлик, хокисорлик холидир.

Кибр ва тавозе икки қисмдир:

А) Авомга хос. В) Киборларга хос.

Биринчиси – ейишда, ичишда, кийинишда, уйда ва ҳар нарсада оддийликни йўқотишдир.

Иккинчиси – юқори табақанинг такаббурлиги, яъни ейишда, ичишда, кийинишда, уйда ва ҳар жойда доимо дабдаба, ҳашаматга, зеб-зийнат ва ўзини кўз-кўз қилишга уринишдир. Юқори табақа шарафли инсонларнинг камтар, хокисорлигини ҳам, сафдошларининг камсуқумлигини ҳам, авомнинг ўзини паст тутишини ҳам ўз нафси, ўз шахсининг ҳаққи деб билади. Юқори табақанинг такаббурлиги унга нисбатан бошқалардан келса, бунга уларнинг ҳаққи йўқ, деб ўйлайди, уни қабул қилмайди. Бу турдаги такаббурда мутлақ гуноҳ ва исён борлиги аниқдир.

Тавозули инсонлар мутавозий дейилади. Инсон ҳақиқий мутавозий бўлиши учун ўзининг аввалини, сўнгини ва бу орада бўлган ҳолини ўйлаши лозим.

Дин олимлари дерларки:

– Эй одамзод, сен аввал бир нутфа (бир томчи маний) эдинг, сўнг бир парча этга айландинг, яшаган давринг ичида ҳам сен ҳамон ўша-ўшасан. Ифлослик ва ёмонлик манбаисан. Бу ҳолингга қара ва ўзинг ҳақда чуқур-чуқур ўйлагинки, зора кибр деган бу ҳалокатли иллатдан қутулиб олсанг. Сўнг сал-пал камтарроқ бўларсан.

У. Меъда тақвоси

Эй азиз, сенинг ҳаётингни давом эттирадиган, сенга қувват ва қудрат бағишлаб турадиган бир аъзоинг борки, уни авайлаш ва ислоҳ қилиб туриш умрингнинг гаровидир. Меъда деб аталадиган бу аъзонинг сенга қанчалик фойдаси бўлса, унга диққат-эътибор бермасанг, шунчалик зарари ҳам бордир. Бу жиҳатдан бошқа аъзоларингга ўхшамайди. Вужуднинг заифлашуви ё кучайиши, барча аъзоларнинг бир меъёрда тартибли ёки бетартиб ишлаши фақат унга боғлиқдир. Шу сабабдан уни ҳаромдан ва шубҳали нарсалардан, ҳатто ҳалол бўлган нарса-

лардан ҳам эҳтиёт қилиб, меъёрсиз, керагидан ортиқ ишлашига йўл бермаслигинг керак.

Шубҳали ва ҳаром бўлган нарсаларда уч офат бордир:

1. Жаҳаннам оловида ёнишингга сабабчи бўлади.

Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай деб буюради:

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ آلِيَتَمَى ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا
وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا ﴿١٠﴾

Яъни: **“Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта Саирга (дўзахга) киражаклар”** (Нисо сураси, 10-оят).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам бундай огоҳ этганлар:

“Ҳаром овқатдан ҳосил бўлган ҳар эт парчаси жаҳаннам оловида ёнишга мустаҳақ бўлади”.

2. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейиш, шариатга кўра, қабиҳдир, тоза эмасдир. Тоза бўлмаган нарса билан ибодат қилиш ҳам саҳиҳ ва мақбул саналмайди. Аллоҳ жунуб бўлганлар (булганганлар)нинг масжидга киришини, таҳоратсиз кишиларнинг намоз ўқишини ва Қуръони каримни қўлга олишини ман этади. Ҳолбуки, жунублик ва таҳоратсизлик мубоҳдир. Чунки жунублик эркак ё аёлнинг ўз жуфти ҳалоли билан алоқа қилишидан ҳосил бўлган. Таҳоратсизлик ҳам ухлаб қолиш, ел чиқариш каби табиий ҳодисалардан юзага келади. Шу боис иккиси ҳам мубоҳ бўлгани ҳолда, биринчиси масжидга киришдан, иккинчиси намозга туриш ва Қуръонни ушлашдан қайтаради. Ҳаром ва шубҳали нарсани ейишдан вужуди тамомила кирланган киши эса қандай қилиб Ҳақ таолонинг хизматига лойиқ бўла олсин ва ул юксак ҳузурга чиқиб қандай тоат-ибодат қила билсин?

Яҳё ибн Муоз ар-Розий дейди:

Ибодат Аллоҳнинг хазинасида кўмиб қўйилган, бошқача бир қулф билан қулфланган бир гавҳардир. Бу хазинанинг калити дуодир. Тишлари ҳалол луқмадир. Тишлари бўлмаган бир калит

эшикни очолмагани каби, хазинанинг ичидаги гавҳар (ибодатнинг савоби)га эришмоқ учун хазинани очар пайтда ҳалол луқма калити керак бўлади.

3. Ҳаром – ифлос ва нопок бир нарсадирки, инсонни хайрдан маҳрум қилади. Ҳаром еб қилинган ибодатнинг савоби бўлмайди. Ҳаром еб қилинган ибодат кишини чарчатишдан бошқа бир нарсага ярамайди.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай деб марҳамат қилганлар:

“Тунлари намоз ўқиш билан ўтган қанча-қанча кишилар борки, уйқусиз қолишдан бошқа бирон нарсага эришолмайдилар. Рўза тутган қанча-қанча кишилар борки, оч ва сувсиз қолишдан бошқа бирон наф кўрмаганлар”.

Ибн Аббос дейди:

Қорнида ҳаром луқма бўлган кимсанинг намози қабул қилинмайди. Ҳалол овқатлардан ошиқча ейиш обидлар учун офат, иштаҳаси катталар учун қаттиқ қийноқдир. Одатда, иштаҳани синдириш учун махсус заҳмат чекадилар. Керагидан ортиқ емоқ инсонга ўн турли зарар беради:

1. Ортиқча овқат ейиш қалбни қорайтиради. Басират (кўрувчанлик) нурини йўқ қилади.

Пайғамбар ҳазратлари бундай деб буюрадилар:

“Кўп еб-ичиш билан кўнглингизни ўлдирманг. Экинни кўп суғориш уни хароб қилгани каби, кўнгил ҳам ортиқча еб-ичишдан ўлади”.

Баъзи шайхлар инсон меъдасини қалбнинг тагида қайнаётган бир қозонга ўхшатадилар. Қайнаётган қозоннинг буғлари қалбга кўтарилиб, уни қоплайди, нотинч қилади, қийнайди.

2. Кўп емоқ бошқа аъзоларни бузади, гуноҳлар-ёмонликлар сари бошлайди. Ёлғиз кимсаларнинг кўзлари шубҳали ва ҳаром нарсаларга қарай бошлайди. Тили лузумсиз нарсаларни гапиреди, жинсий аъзоларининг шаҳват майли оёқларни ҳаромга юргизади ва қўллари унга ёпишиб ўрала бошлайди – хуллас, бу борада очкўзлашади. Ҳолбуки, меъда етарлича овқатланса ва бир оз оч бўлса, бутун аъзолари ҳам ёмонликлардан ва бузуқликлардан табиий равишда узоқ бўлади.

Абу Жаъфар бундай дейди:

Инсоннинг меъдаси шундай бир аъзодирки, оч бўлса, бошқа аъзолари тўқ бўлади. Яъни, тинч бўлади, қутурмайди. Агар тўқ бўлса, бутун аъзолари оч бўлади. Яъни, ҳар турли орзу-ҳавас ва ҳаволарни тусайди ва инсонни турли ёмонликларга етаклайди. Қисқаси, инсоннинг барча ҳол ва ҳаракатлари меъдасига тушган овқатнинг тури ва миқдорига боғлиқ. Агар унга ҳаром кириб борса, у одамдан чиқадиган жамики нарсалар ҳам ҳаром бўлади. Ҳалол кирса, у одамдан чиқадиган жамики нарсалар ҳам ҳалол бўлади. Агар ҳалол овқатдан лузумсиз ва ортиқча кирган бўлса, у одамдан чиқадиган жамики нарсалар ҳам лузумсизлик ва маъносизлик касб этади. Чиндан ҳам, овқат амалларнинг бир уруғи, меъда унинг даласидир: нима эксанг, ўшани оласан.

3. Кўп емоқ англаш қобилиятини қийинлаштиради, идрокни заифлаштиради.

Аллоҳ раҳмат қилгур Дороний дейди:

Ҳақ таолодан бир тилагинг, истаган бир нарсанг бўлса, бир неча кун ҳеч нарса ема, оч қол, тилагинг қабул бўлади, истагинг рўёбга чиқади. Чунки кўп емоқ, ақлнинг ҳақни топишига тўсқинлик қилади. Бу тажрибадан ўтган ва аён бўлган ҳақиқатдир.

4. Кўп емоқ оз ибодат қилишга сабабчи бўлади. Чунки вужуд оғирлашади, танбаллашади. Кўп емоқ кўзларни ҳам хиралаштиради. Емакдан бир соат кейин вужуднинг ҳаракатлари оғирлашади, аъзолар ғайратсиз ҳолга келади, одамни уйқусиратади ва ниҳоят, одам ўликдай бўлиб ерга чўзилиб ётади.

Бекорга одамлар орасида “Қоринбой (қўмақай)лар фалаж бўлишга ҳозирлик кўраверишсин” дейишмайди.

Аллоҳнинг саломи бўлгур Яҳё ҳазратлари бир куни шайтонга дуч келади. У қўлида сертикан бир тўп тутганини кўради. Яҳё ҳазратлари:

– Қўлингдаги нима? – деб сўрайди.

Шайтон:

– Нафснинг шаҳвати. Бу билан мен инсонларни йўлдан ураман, – деб жавоб беради.

Яҳё ҳазратлари:

– Менда шунга алданадиган истак топдингми?

Шайтон:

– Йўқ. Лекин бу кеча тўйгунча егулик егандинг. Сўнг шу кеча ибодатингни оқсатиб уйқуга толдинг.

Яҳё ҳазратлари:

– Ундай бўлса, мен бундан буён тўйиб овқат емайман!

Шайтон:

– Ундай бўлса, мен ҳам бундан буён ҳеч кимсага бу ҳийламан айтмайман.

Яҳё ҳазратлари шундан кейин умрида бирон марта тўйгунча овқат емади.

Умрида бир марта ортиқча овқат еганнинг ҳоли шу бўлса, умрида бир карра ҳам ва бир кеча ҳам оч қолмаганнинг ҳоли нима кечади?

Суфён Саврий дейди:

Ибодат шундай бир амал, шундай бир ишдирки, ишхонаси танҳолик, иш қуроли қаноат(очлик)дир.

5. Кўп овқат еганлар ибодатнинг лаззатини сезмайдилар.

Аллоҳ рози бўлгур Абу Бакр ҳазратлари дейдиларки:

Ибодатдан завқ олмоқ учун мусулмон бўлганимдан бери тўйиб овқат емадим, қониб сув ичмадим. Раббимнинг жамолини кўриш, маънавий ҳузурга етишиш учун шундай қилдим.

Аллоҳ рози бўлгур Абу Бакр ҳазратларининг бу сирларини фақат эранлар (эрлар, мардлар) биладилар ва англайдилар. Бошқалар бунинг нималигини ҳеч қачон била олмайдилар. Абу Бакр ҳазратларининг бу бебаҳо фазилатларини билган Расулulloҳ бундай деб марҳамат қилдилар:

“Абу Бакрнинг сиздан устунлиги рўза ва намозда эмас, балки қалбида собит бўлган, ҳеч озаймаган илоҳий маърифатидадир”.

Абу Сулаймон Дороний дейди:

“Мен ибодатнинг завқини очликдан, қорним устихонимга ёпишиб туришидан оламан”.

6. Кўп егувчи одамда ҳаром ейиш эҳтимоли ҳам ортади.

Чунки ҳалол ризқ баданнинг соғ яшашига етарли миқдорда келади. Ҳаром мол (ризқ) эса эҳтиёждан ортиқча бўлади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари:
“Ҳалол мол баданнинг омонлигига етарли даражада келади. Ҳаром мол эса кўп келади”, дея хабар бердилар.

7. Кўп овқат ейиш вужуд ва қалбни кўп ишлатади. Қўлга кўпроқ ризқ киритиш учун қаттиқ ишлаш, ишни ҳозирлаш, ейиш ва сингдириш учун аъзоларнинг ўлгудай ҳаракат қилиб, титилиб кетиши, ич кетиш касали ва ундан келувчи нохушликлар ва ниҳоят бошқа турли касалликлар ва безовталикларнинг аксарияти ортиқча овқат ейишдандир.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари буюрадилар:

“Барча дардлар, хасталикларнинг манбаи қорин қўйиш (қўмақайлик), ортиқча овқатлардир. Энг кучли ва фойдали дори эса парҳездир”.

Молик ибн Динор дейди:

Ҳадеб ҳожатхонага бораверишга Аллоҳдан ҳаё қиламан.

8. Қорин қўйиш (қўмақайлик) ўлим пайтида шиддатли сиқилишларга сабабчи бўлади. Айтишларича, ўлим чоғидаги сиқилишларнинг шиддати ҳаётдаги яшаш (ейиш-ичиш, завқу сафо) билан мутаносибдир. Яъни, инсон дунёдан қанча кўп завқ олган бўлса, ўлимнинг заҳмати ҳам шу қадар оғир кечади. Ана шу оғир қийноқлардан кейингина руҳини таслим этади.

9. Кўп овқат еганларнинг охиратдаги савоблари оз бўлур.

Ҳақ таоло бундай деб маълум қилади:

وَيَوْمَ يُعْرَضُ الَّذِينَ كَفَرُوا عَلَى النَّارِ أَذْهَبْتُمْ طِبْعَكُمْ فِي حَيَاتِكُمُ الدُّنْيَا وَاسْتَنْعَمْتُمْ بِهَا
 فَالْيَوْمَ يُجْزَوْنَ عَذَابَ الْهُونِ بِمَا كُنْتُمْ تَسْتَكْبِرُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَبِمَا كُنْتُمْ
 تَفْسُقُونَ

Яъни: **“Кофир бўлган кимсалар дўзахга кўндаланг қилинадиган кунда (уларга):”Сизлар ўз ҳузур-ҳаловатингизни дунё ҳаётингиз ичида (яшаб) битирдингиз ва улардан фойдаланиб бўлдингиз. Ер юзида ноҳақ кибрланганингиз ва фисқ(-фужур)**

га тойганингиз эвазига бугун хорлик азоби билан жазоланасиз”, (дейилур)” (Аҳқоф сураси, 20-оят).

Ҳақ таоло ўз Расулига: **“Дунёда барча истакларингни ўрнига қўйдим. Охиратингда ҳам ҳеч бир етишмовчилик қолдирмайман”,** – дея марҳамат қилди. Бу лутф ёлғиз Пайғамбар ҳазратларига кўрсатилган, холос. Бошқа инсонлар дунёда сурган завқу сафолари миқдорида охиратда хафагарчилик ва махрумият кўражаклар.

Ривоят қиладиларки:

Холид ибн Валид бир куни Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратлари шарафига зиёфат беради. Умар ҳазратлари дастурхонга ўтирадилар-у, “бу ноз-неъматлар биз учун, аммо арпа нонига ҳам тўймаган, охиратга кўчган фақирлар учун нима бор?” – дейдилар. “Улар учун жаннат бор”, – дейди Холид. Шунда Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратлари: “Улар дунёда кўрган хафагарчиликлари эвазига жаннатга кирдилар ва у ернинг нозик таомларини едилар. Биз бўлсак, ҳозир бу таомни еймиз. Бу жиҳатдан улар биздан юқоридадилар”, деб марҳамат қиладилар.

Яна бир кун Умар ҳазратлари чанқаб, сув сўраган. Кимдир ичида хурмо ҳам бўлган совуқ сув берди. Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратлари бир ютум ичди, сув совуқ ва ширин кўринди, эгасига қайтариб берди. У одам: “Эй мўминларнинг амири! Ширин ва совуқ сув бериб бир хато қилдимми, нега ичмадингиз?” деб сўради. Умар ҳазратлари: “Сув гўзал, дунёда шу пайтгача бундай ажойиб сувни ичмагандим ва энди ҳам ичмайман, охиратга сақлаб қўяман. Агар охират кўркуви бўлмасайди, мен ҳам доим сиздай еб-ичар ва завқланар эдим”, – дея жавоб берди.

10. Кўп овқат еган одам қиёмат кунида ҳибсга олинадиган ва бир ўзи сўроққа тутилади.

– Ҳалол ейишда нега ҳаддан ошиб, завққа берилдинг? – деб сўрайдилар, қийнайдилар ва озорлайдилар.

Мана, ўта овқатхўр ва қўмақайлар дучор бўладиган ўнта офатни тушунтириб бердик. Буни тушуниб етган киши ҳалол ризқларини эҳтиёт бўлиб ейиш ҳаракатида бўлади. Ибодат қилишига ва ризқ топиш тадорикига етадиган, яъни кучдан қолмаслигига кифоя

қиладиган овқат билан қаноатланади, ортиғидан чекинади. Ҳаром ва шубҳали овқатлардан эса қатъиян сақланади.

“Ҳалол, ҳаром ва шубҳали егуликлар қандай билинади, буларнинг қисмлари ва ҳуқуқлари нималардан иборат?” деган саволга жавобимиз будир:

Баъзи олимларга кўра, шариат тақиқлаган ҳамда ҳаром қилган ва бошқаларники эканлиги аниқ-таниқ маълум бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ҳеч шубҳасиз ҳаромдир. Агар бошқа бировнинг моли эканлиги ва шариатга кўра тақиқланганини мутлақо билмасанг ва фақат зўрға бир фикрга келсанг, билки, у нарса шубҳалидир.

Баъзи олимларга кўра, хоҳи қатъий бир маълумотга асосланган бўлсин, хоҳи катта тахминга кўра ҳаромлиги ва шаръан тақиқланганлиги маълум бўлган ҳар нарса ҳаромдир. Агар ҳаром ёки шубҳали эканлиги қатъиян билинмаган ва балки ҳалолдир, деб ўйланган нарсанинг айти шу чоғда на ҳалоллигини, на ҳаромлигини айтилмаганимиз учун у нарса шубҳалидир. Ҳаром бўлган нарсалардан сақланиш фарздир. Шубҳали бўлган нарса фоиз молидан бўлса, яна ҳаромдир, ундан сақланиш фарздир. Фоиз молидан бўлмаса, сақланиш мустаҳабдир (сақланса – савоб, сақланмаса – гуноҳга кирмайди).

“Ажабо, давлат арбобларининг берган ҳадяларини олиш жоизми ё жоиз эмасми?” деган саволга жавобимиз будир:

Бу масалага қарашлар ҳам ҳар хил.

Баъзи олимларга кўра, ҳаромлиги аниқ бўлмаганларини қабул этиш жоиздир.

Баъзиларига кўра, ҳалоллиги аниқ билинмаган нарса олинмайди. Чунки бу асрда уларнинг моли кўпинча ҳалол бўлмайди. Уларнинг ҳалол моллари жуда оздир. Биринчи дунёқарашни қабул қилганлар (яъни ҳаромлиги аниқ бўлмаган нарсалар олинади дегувчилар) ўз фикрларини қуйидаги мисол билан асослайдилар:

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари Искандария султонининг ҳадясини қабул қилишни буюрганлар

ва Қуръони каримда, яҳудийлар – ҳаром еувчилардир, дейилгани ҳолда, улардан қарзга пул олганлар. Сўнгра Ибн Аббос, Абу Ҳузайфа ва Ибн Амр каби муҳтарам саҳобалар, Ҳажжож, Абдулмалик ибн Марвон каби золим давлат бошлиқларининг ҳадяларини қабул қилишган.

Бундай қарашни қабул қилмаган олимлар дейдиларки, устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратларининг бундай ҳадяни қабул этиши умматлар учун далил ва намуна бўлолмайди. Чунки бу қабул, эҳтимолки, Расулуллоҳнинг пайғамбарлик масъулиятининг ижросидир ёки ҳалоллиги шахсан ўзларига маълум бўлганлигида юз берган.

Саҳобалар қабул қилганликларининг сабаби ҳам ҳадянинг ҳалол ё ҳаромлигини билмаганлари ёхуд олиб, фақирларга бермоқ нияти билан бўлгандир.

Олиниши жоиз эмаслигини айтган олимларга кўра, бу замоннинг давлат арбоблари умуман аксар ҳолларда золимдирлар. Золимларнинг моллари эса, кўпинча ҳаром ва ғайриқонунийдир. Ҳукм кўпчиликнинг ҳаққига оид бўлганлиги учун берган ҳадяларини қабул қилиш жоиз эмасдир.

Баъзи олимларга кўра, ҳаромлиги аниқ бўлмаган ҳадяни фақир қабул этиши жоиздир. Бой учун жоиз эмасдир. Улар ўз қарашларини бундай асослайдилар: Ҳаром билан ҳалол молни бир-биридан фарқламоқ мумкин бўлмаса, ёинки давлат хазинасидаги молнинг қандай ва қаердан йиғилгани номаълум саналса ва эгасига қайтариш имконсиз бўлса, у ҳолда бу молни фақирларга садақа сифатида тарқатишдан бошқа чора йўқдир. Бу вазиятда давлат арбобларининг ўз шахсий моли бўлса, фақирнинг уни олиши ўз ҳаққидир. Давлат моли бўлса, унда яна унинг ўз ҳаққи бордир. У ҳолда давлат арбобларининг хоҳ ўз моли, хоҳ давлат моли бўлсин, фақирнинг олиши жоиздир. Бу ҳақ масаласи олимлар учун ҳам айнан шундайдир. Чунки фақирнинг ҳам, олимнинг ҳам давлат хазинасида ҳақлари бор.

Аллоҳ рози бўлгур Али ҳазратлари бундай буюрганлар:

“Ўзи орзу қилиб мусулмон бўлган ва Қуръонни ўқиб унга кўра амал қилганлар ҳар йили байтулмолдан (давлат хазинасидан)

икки юз дирхамдан ҳадя олишга ҳақлидирлар. Кимки бу ҳаққини дунёда ололмаса, охиратда албатта олади. Олимлар ҳам шундай ҳуқуққа эгадирлар”.

“Айрим тоифа ва синфлар, чунончи, савдогарлар ва ҳунаромандлар ишларида қалбакилик ишлатиб, олди-сотдида ҳийла аралаштириб, ҳалолга ҳаромни қўшадилар. Буларнинг ҳадя ва садақаларини қабул қилиш жоизми ё жоиз эмасми?” деган саволга берадиган жавобимиз бундай бўлади:

Кўриниши тоза, муомалаларида, ишида дуруст бўлганларнинг ҳадя ва садақасини қабул қилиш жоиздир. Ишининг аслини, ҳийла ишлатган-ишлатмаганини ва бунга ўхшаш ҳолларини кавлаштириб ўтиришнинг зарурати йўқ. Чунки бундай қилсак, у киши ҳақида суи занга (ёмон ҳаёлга) борган бўламиз. Бу, албатта, хато эмас, аммо бизга ҳусни занга (яхши ҳаёлга) бориш буюрилган.

Бу масалада икки хил қараш мавжуд:

Биринчи қараш – шариатга кўра ҳукм этиш ва амал қилишдир. Яъни кўринишда тоза, олиш-беришида дуруст кўринган киши борасида ҳеч ўйлаб ўтирмай ва муҳокама қилмай, ҳадя ва садақасини қабул этиш жоиздир.

Иккинчи қараш тақво нуқтаи назаридан қарашдир. Бунга кўра, кишининг тижорат ҳаёти суриштирилади, дуруст-нодурустлиги, топган ҳалол молларига ҳаром аралашган-аралашмагани аниқ-таниқ билинмагунча ҳадя ва садақасини олиш жоиз эмасдир.

Ривоят қиладиларки:

Бир куни бир киши Аллоҳ рози бўлгур Абу Бакр ҳазратларига сут келтириб беради. Шунда у киши Абу Бакр ҳазратларидан: “Илгари сизга бирон нима келтирсам, келтирган нарсам ҳақида суриштирар, сўнгра олар эдингиз. Нега бу сут ҳақида ҳеч нима сўрамай ичдингиз?” – деганда, Абу Бакр ҳазратлари: “Ундай бўлса, айтиб бер, бу қандай сут эди?” – деб сўрайдилар. У киши: “Бир жамоат йиғилиб турган экан, ораларидаги бир одамга афсун ўқидим, эвазига шу сутни берганди”, – деди. Абу Бакр ҳазратлари ичган сутини дарҳол қусиб ташлади ва:

– Эй Раббим, менинг кучим фақат шунга етди, томирларимдаги оқимга Сен Ўзинг етарлисан, – дея марҳамат қилдилар.

Бу қиссадан англаймизки, тақво дунёқарашига риоя қиламан, деган одам ҳақиқий ҳолни суриштириб билмасдан, бир нарсани қабул этмаслиги лозимдир.

“Бу ҳолга кўра тақво шариатнинг зидди каби кўриняпти, бунга нима дейсиз?” саволига жавобимиз будир:

Шариатда илтифот ва осонлик асосдир.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қиладилар:

“Мен тамойили пишиқ, лекин илтифот ва осонлик йўлига бошловчи бир дин билан юборилдим”.

Тақво эса эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишни, суриштириш, текширишдан кейингина қаноатланиб амал қилишни буюради.

Дин олимлари дерларки:

Тақводор бўлиш ҳар ишда, айниқса, ибодат ишларида таваллуд кунини тўқсон марта нишонлай олиш даражасида қийиндир. Шунга қарамай, тақво шариатнинг бир қисмидир. Чунки шариатнинг икки ҳукми бор: бири – жоизлик, иккинчиси – эҳтиётлик ва яхшисини устун кўриш ҳукмидир. Жоизлик ҳукми илтифот ва осонлик устига, эҳтиётлик ҳукми текшириш ва суриштириш устига қурилган. Шундай бўлса ҳам тақво шариатнинг зидди эмас, ундан фарқли жойи йўқ, унинг бир қисмидир. Яъни шариат ва тақво фарқли калималар билан ифода қилинишига қарамай, аслида айни бир нарсадир.

Берилган ҳадя ва садақанинг ҳалол ё ноҳалоллигини суриш-тирмасдан қабул этмаслик тақвонинг зарурий томони эканлигига кўра, тақводорнинг ҳадя олиши ҳам, кун кечириши ҳам қийинлашади. Чунки бу замондаги фойдаларга аксарият ҳолларда ҳийла, ҳаром аралашмоқда. Шунинг учун эндиликда тақво йўли оғир ва юракни сиқадиган бир йўл бўлиб қолмоқда. Шу боис тақводор бўламан деган одам бу йўлнинг барча заҳматларини ёдда тутиши ва барибир уларга асосланиши керак.

Йўқса, ниятига етишолмайди ва тақво мақомига кўтарила олмайди. Тақво йўлининг бу қийинчилигини билганлари сабабли

қадимдан солиҳ кимсаларнинг бир қисми тоғ тепалари ва дара ёқалари каби кимсасиз ерларга чекинардилар. У ерда ҳалол-ноҳалоллигидан шубҳа қилинмайдиган тоғ ўтлари ва мевалар билан овқатланардилар. Тақво йўлининг олий мартабаларига чиқишни мақсад қилган бу кишилар ана шундай ҳар турли заҳмат ва оғирликларни бўйинларига олардилар. Бунинг эвазига эса катта савобларга эришардилар.

Лекин кимсасиз ерларда эмас, халқ орасида яшовчи тақво соҳиблари қўлма-қўл айланиб юрадиган озиқ-овқатларни олиб ейишга мажбурдирлар. Булар ўзлари шубҳага борган нарсаларни ейишдан тийиладилар ва ибодатларини тўкис адо этиш учун соғликларига етарли куч берадиган миқдорда озиқ-овқат олиш билан кифояланадилар, ортиғини олмайдилар. Бу аҳволда шубҳали нарсалардан уларга зарар келмайди, гуноҳкор бўлмайдилар. Чунки зарурат учунгина олгандирлар. Зарурат ҳаромни ҳам му-боҳ қилади. Чунки емаса, ибодатини қилолмайди ва ниҳоят ўлиб кетади.

Ҳасан Басрий дейди:

Халқнинг олди-сотдиси бузилди. Ишларига ҳаром ва шубҳа аралашди. Шунинг учун тақво соҳиблари соғликларига етадиганини олиш билан қаноатлансинлар.

Ривоят қиладиларки:

Ваҳб ибн Олуд уч кун оч юрар, сўнг битта нон оларди.

– Эй Раббим! Овқатланмай ибодат қилишга кучим етмаганини биласан. Агар шу еганимда ҳаром аралаш бўлса, гуноҳимни кечир! – дер, сўнгра нонини сувга ботириб ер эди.

Бу икки тоифа, яъни кимсасиз ерларга чекинганлар ва халқ орасида қаноат билан яшаганлар тақвонинг олий даражасига эришган инсонлардир. Тақвонинг қуйи даражасида бўлганлар эса, еб-ичадиган нарсалари жиҳатдан кўп ортиғига бормаганлар, озига қаноат қилганлардир.

Ҳақ ва ҳақиқат йўлида бўлганлар чеккан заҳматлари ва қийинчиликлари даражасида савобга эришадилар. Охиратдаги неъматлари ҳам ўша нисбатда бўлади. Зеро, Ҳақ таоло Қуръони каримда: **“Бас, кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган**

бўлса, (қиёмат куни) уни кўрар” (Залзала сураси, 7-оят), деб амр қилган.

Ушбу изоҳлардан ҳаром ва шубҳали нарсаларга тўла бу йўлда қандай қилиб эҳтиёт бўлиш йўллари ўрганилди.

“Қиёмат кунида қамалишга ва оғир сўроқларга сабаб бўладиган ҳалол нарсалардан олинадиган миқдорнинг нималигини ҳам билиб олайликки, унга кўра ўзимизни сақлаб қолайлик” деган масалага жавобимиз будир:

Молнинг ва у билан алоқадор бўлган озиқ-овқатнинг ҳалоллик ҳоли ният ва мақсадга кўра уч қисмдир:

1) Мол тўплашдан мақсад фаровон яшаш, кўз-кўз қилишга арзигулик ҳаёт кечириш халқ ичида бойлиги билан ва тўкин ҳаёт тарзи билан мақтаниш-ғурурланиш, керилишдир.

Шу мақсадда тўпланган молнинг, еб-ичишларнинг ҳисоби бор ва бу сўроққа, қамоққа олинишга сабаб бўлади. Бу ишда айниқса кибрлангани ва керилгани учун гуноҳ қилган ҳисобланади ва қамоққа олиниб, қаттиқ сўроқ қилинади. Ушбу масалада Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай деб огоҳлантиради:

أَعْلَمُوا أَنَّمَا الْحَيَوةُ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهُمْ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌ بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِي الْأَمْوَالِ
وَالْأَوْلَادِ ... وَفِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ شَدِيدٌ


Яъни: **“Билинглarki, бу дунё ҳаёти фақат бир ўйиндир, зеб-зийнатдир, ўрталарингизда ўзаро мақтанишдир. Мол-дунё ва фарзандларни кўнайтиришдир. Охиратда эса қаттиқ азоб бордир”** (Ҳадид сураси, 20-оятдан).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам бир ҳадисларида бундай деб марҳамат қилганлар:

“Дунёда керилма, ким риё ва кўз-кўз қилиш учун мол истаган ва буларни қилган бўлса, қиёмат куни Раббининг ғазабини, аччиғини ўзига қаратган бўлади”.

2) Ейиш-ичиш, ҳайвоний лаззат ва шаҳвоний туйғуларини қондириш учун дунёда мол-дунё топган киши охиратда қамоққа

олиниб, сўроқ қилинади. Бу борада Ҳақ таоло Қуръони каримда яна бундай деб огоҳ этади:




Яъни: **“Сўнгра ана ўша кунда (қиёматда) сизларга берилган ҳар неъмат юзасидан албатта сўроққа тортиласиз”** (Такосур сураси, 8-оят).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам:

“Даромаднинг ҳалоли учун ҳисобот, ҳароми учун азоб бординир,” – деб марҳамат қиладилар.

3) Ҳалол молни Аллоҳ учун тўплаган, ҳалол луқмасини ўзига, диний вазифаларини адо этиш кучини қўлга кирита оладиган нисбатда ва эҳтиёжига яраша олган мўминлардан қиёмат кунда ҳисоб ҳам сўралмайди, уларга азоб ҳам берилмайди. Аксинча, уларнинг бу ҳоли улар учун бир яхшилик ва хайрдир. Охиратда савоб топишига ва маънавий даражаларда юксалишига сабаб бўлади. Зеро, Ҳақ таоло бундай хабардор қилади:



Яъни: **“Ана ўшаларнинг топган хайр ва дуоларидан (савоб) насиблари бор”** (Бақара сураси, 202-оятдан).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам:

“Фақат оила аъзоларининг тириклиги учун ишлаб даромад топган ва ундан қўни-қўшнига ёрдам бериб турган мўмин қиёмат кунда ой каби ёруғ юз билан Раббининг ҳузурига чиқади,” – деб марҳамат қиладилар.

Ҳалол молнинг ишлатилишида икки шарт бор:

Бири: ундан воз кечгандан кўра фойдалангани устунроқ. Яъни, ибодат қилишга кучи етсин учун егуликдан фойдаланади, агар егулик емаса, ибодатини қилолмайди. Бу ҳолда овқатланиши зарурий бўлади.

Иккинчиси: ибодатини керагидай адо этиш учун овқатланишни ният қилади. Агар бу егуликни олмасам, кучдан қоламан ва

ибодатимни қилолмаслигим мумкин, деган киши егуликни шу ният билан олганлиги учун хайрлидир. Бу ҳолда мўмин, қиёмат кунида ҳисоб-китоб ва сўроққа тортилмаслик учун (овқатсиз қолиш ибодатига моне бўлажигига ва шу сабабдан фақат Аллоҳга оид вазифаларини керагидай қила олишини айтиб) егуликни олаётганда ният қилиши лозим бўлади. Шу орада бошқа мақсадлар ҳам орага кирса, яна у егуликдан жавобгарлик келмайди. Фақат дунёнинг шаҳват ва лаззатларини ўйлаб овқатланилса, бу ҳол қамалишга ва сўроққа сабаб бўлиши турган гап.

Ҳисоб: молини қандай ва қаердан қўлга киритганини, нимага ва қай ният билан харжлаганини кишидан сўраш жавобгарликка тортиш демакдир.

Шу тариқа маҳшар кунида ҳар ким молининг ҳисобини беради.

Қамоқ: кишининг қиёмат кунида оч, сувсиз, яланғоч ва ғамгин, ҳисоб-китоби кўриб чиқилгунча жаннатдан маҳрум этилишидир.

“Ҳалол бўлган нарсаларни истаганимизча ишлатиш ҳуқуқига эга эмасмизми? Нега бундан ҳам сўроққа тутиламиз, озорланамиз ва кутишга мажбур бўламиз?” деган саволга жавобимиз будир:

Бунинг сабаби инсон учун зарурий бўлган тарбия ва назокат қоидаларига риоя этмасликдир. Масалан: давлат бошлиғининг дастурхонига чақирилган бир кимса у ерда керагидай ҳаракат қилмаса, дастурхон одоби ва ахлоқ қоидаларига риоя этмаса, назокатсиз ва тарбиясиз ҳаракатларда бўлса, (егуликлар ўзига ҳалол бўлишига қарамай) озорланади, айбланади. Ҳатто таҳқир ва ҳайфсан олади.

Шунинг каби инсонлар Аллоҳнинг бир дастурхони бўлган дунёда зиёфат ва икромдадирлар. Бу дастурхоннинг султони, эгаси Аллоҳдир. Ҳақ таоло инсонларни, Мени танисин, Менга ибодат қилсин ва бандалик вазифаларини ўрни-ўрнида адо этсин, дея яратган ва ҳисобсиз неъматлар билан тўла бўлган бу дунёни уларга берган. Биз яратилишимизни билмай, бандалик вазифаларимизни ўрнига қўймай, Унинг амрларига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатсак ва одобдан ташқари ҳаракатлар қилсак, албатта озорланамиз, айбланамиз ва танбеҳларга учраймиз-да!

Биз бу дунёга завқу сафо суриш ва Раббимизнинг амрларига хилоф ҳаракатлар қилиш учун келмаганмиз. Аллоҳни таниш, унга топиниш ва бандалик қилиш учун яратилганмиз.

Мана шу оддий ҳақиқатни билган киши ғафлатга тушмайди. Раббининг бутун амрларини ўрнига қўяди, тақиқларидан сақланади, хуллас, нафсини тақво ғами билан ғамлайди ва шу тариқа абадий бахт-саодат билан сўнгсиз ҳузур ва роҳатга етишади.

Эй азиз қардош! Бу узун кечикдан ўтаркансан, ғофил бўлакўрма! Чунки бу кўп қийинчиликлар ва заҳматлар билан тўла узун кечикдир. Кими дунё, кими атрофидаги одамлар, кими шайтон, кими эса нафс отлик тўсиқлар сабаби ила бу кечикдан ўтолмай, фалокатга учраганлар, йўқлик жарига қулаганлар. Шундай бўлгач, сенга бу хусусда фойдали маълумотлар бергим кел-яптики, бу хатарли кечикдан осон ўтишнинг имконини топиб, у фалокатдан ва йўқ бўлиб кетиш таҳликасидан зора қутулиб қолсанг.

Дунё: Бу дунёда инсонлар уч ҳолда бўладилар: ё басиратли, ё ҳимматли, ё ғафлат аҳлидирлар. Агар басиратли бўлсанг, бу айтажакларимни ўзлаштириб олсанг, сенга етарлидир: Ҳақ таоло, сенинг Раббинг, севгилингдир. Сен эса унинг бандаси ва маҳбубисан. Дунё унинг душманидир. Сенинг ўйлаб босадиган қадамнинг Раббингга яқин бўлишдир.

Ҳолбуки, дунё сени Ундан узоқлаштирмоқчи бўлади. Бундай вазиятда дунё ҳам сенга, ҳам севгилингга душмандир. Киши душманини қандай севади, ахир!

Агар ибодат йўлида ҳимматли ва ғайратли бўлсанг, мана бу сўзларим сенга етарлидир, эшит:

Бу вафосиз дунё шундай алдоқчи, бузуқ бир хотиндирки, у ҳақда ўйлашинг сенинг тоат ва ибодатингга тўсиқ бўлади.

Агар бу йўлда басиратсиз ва ҳимматсиз бўлсанг, ғофил бир инсон эсанг, мана бу сўзларим сенга етарлидир, эшит:

Бу дунё сенга қолмайди. Агар сен ундан воз кечмоқчи бўлмасанг, у сендан албатта воз кечади.

Ҳасан Басрий дейди:

Дунё сенга келса, сен дунёдан кетасан. Бундай вазиятда дунёдан қандай фойда кутасанки, ҳирс билан унга боғланиб, бу бе-

баҳо умрингни унинг йўлида фидо қиласан?

Дунё ҳаёти бир туш, келиб-кетувчи бир хаёлдан иборат. Ақли бўлган одам ҳеч замонда ҳақиқатни қўйиб, бу хаёл ва туш оламига боғланадими?

Шайтон: сенинг буюк душманинг бўлган шайтон ҳақида берадиган ушбу ишонтирувчи маълумотим сенга етарлидир:

Ҳақ таоло Расулуллоҳга хитобан буюради:

وَقُلْ رَبِّ اعُوْذُ بِكَ مِنْ هَمَزَاتِ الشَّيْطَانِ ﴿١٧﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад!) **айтингки:** Раббим мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман” (Муъминун сураси, 97-оят).

Ҳақ таоло олимларнинг энг хайрлиси, одамзоднинг энг ақлли, доноси ва энг фазилатлиси бўлган, Пайғамбарларнинг етакчиси ҳисобланмиш ҳазрат Муҳаммадга шайтоннинг васвасаларидан Аллоҳга сиғинишни амр этмоқда. Ахир, сен шу қадар чекланган ақлинг билан, жаҳолат ва ғафлатинг билан Аллоҳга сиғинмасанг, шайтоннинг васвасалари, ёмонликларидан қандай қутуласан?

Одамлар: Одамларнинг сенга етказадиган зарарларига келсак, улар билан бирга туриб, бирга ўтиришинг, уларга мослашишинг охиратинг куйишига сабаб бўлади. Уларга қарши ҳаракат қилсанг, сенга ёв бўлиб қоладилар, сени хафа қиладилар. Мажбурлаб ўзларига эргаштирмоқчи бўладилар.

Уларга мослашсанг, сенга ялтоқланиб, сени мақтаб, сийлаб, эъзозлайдилар. Шу тариқа ғурурланиб, кибрланиб, босар-тусарингни билмай қоласанки, бу ҳол сени фалокатга олиб боради. Улардан ўзингни тортсанг, сени майда кўрадилар. Сен билан осмондан келиб муомала қиладилар ва сен хафа бўлиб кетасан, уларга кининг ортади ва гуноҳкор бўласан.

Хулоса шуки, одамлар билан олиш-бериш қилмоқ, бирга ўтириб-турмоқ ва уларга мослашмоқ – улар билан айтишиб қолишга ва бунинг оқибатида ҳар турли фалокат ва балоларга сабаб бўлади. Шуларнинг ҳаммасини ва ўз ҳолингни ўйла. Ўлганингдан кейин эса улар сени тарк этадилар ва шундай унутиб юборадиларки, гўё сени дунёда кўрмаган-у, номингни ҳам эшитмагандек. Қабр-

да сен ўзинг билан ола кетган солиҳ амалларингдан бошқа ҳеч кимсанинг сенга ёрдами тегмайди. Буларни ўйла. Ақлингни бошингга йиғ, ғофил бўлма. Йўқса, бу вафосиз инсонлар, йўқ бўлишга маҳкум бу оломон сенинг бошингга кўп ташвишлар ёғдиради. Раббингга ибодат қилишдан маҳрум қолдиради. Бу ҳол юз берганда эса, Аллоҳнинг ҳузурига чиқишга юзинг чидамайди. Ана шунинг учун охиратингни ўйла, у ерга чиқа олиш пайида ўзингни яхши ҳозирлагинки, охирги тураржойинг ва абадий бошпананг ўша ердир. Доимо ўша жойнинг эгасига (Аллоҳга) муҳтожсан.

Дунё ва охират учун барча ишларингда борадиган жойинг ва ҳар қандай ҳолга тушганингда ҳам сиғинадиган еринг, фалокат ва мусибатлар чоғида сени қўллайдиган ва қутқарадиган масканинг ўша жойдир.

Нафс: Нафси амморанинг алдоқларини ва ёмонликларини билгинг келади. Унинг ҳолларига эътибор бер ва ўрганиб ибрат сабоғини ол. Нафс деган бу пасткаш махлуқ шаҳват ҳислари кучайган пайтларда ҳайвонлашиб кетади. Ғазабланган чоғларида нақ арслонга айланади. Гуноҳ ишлар қилаётган онларида беғубор бола қиёфасида бўлади. Ноз-неъматлар ва мўл-кўлликлар ичида яшаётганда фиръавнга айланади. Оч қолган вақтларида жинни бўлади-қўяди. Тўқлигида қоплон бўп кетади. Тўйган заҳоти хушчақчақ одамга айланади. Жўшади. Оч қолдирсанг, инграб, ҳиқиллай бошлайди. У, одатда, ёмон феълли эшакка ўхшайди. Яхши боқсанг, қутуради, оч қолдирсанг, ёқимсиз овоз билан ҳанграйди, тинчингизни бузади.

Баъзи олимлар дейдилар:

Нафс шу қадар ёмон хулқли, аҳмоқ ва ўжарки, шаҳватга ё бир гуноҳга интилганда, уни тўхтатишга киришсанг ва унга шу пайт Аллоҳни, Пайғамбарни эслатсанг, бутун солиҳлару авлиёларни шафоатчиликка келтирсанг, ўлимни, қиёматни, жаннат ва жаҳаннамни ёдига солсанг, буларнинг ҳеч биридан таъсирланмайди. Қилмоқчи бўлган ишидан воз кечмайди. Йўлдан тойишда давом этаверади. Фақат овқатини камайтирсанг, вақтида едирмай-ичирмай қўйсанггина, шаҳвати тинчланади.

Гуноҳ қилишдан воз кечади. Чунки унга ҳеч нарсa таъсир қилмаса ҳам, очлик яхшигина таъсир кўрсатади. Мана басират аҳли (кўзи очик, хушёр кишилар) нафсинг барча бу ҳолларини (ёмон хулқларини, хоинлигини, тескари жиннилигини ва шумлигини) шундай яхши биладилар ва шу асосда лоқайд бўлмай (аксинча, диққатли бўлиб) ҳаракат қиладилар.

Аҳмад ибн Аркон ал-Балхий дейди:

Душман билан уруш қилаётган вақтимизда бир кун нафсим мени жангга боришга қистай бошлади. Ҳайратга тушиб, ўз-ўзимга дедимки: Ҳақ таоло Қуръони каримда:

إِنَّ النَّفْسَ لَأَمَّارَةٌ بِالسُّوءِ

Яъни: **“Нафс албатта барча ёмонликларга буюргувчидир”** (Юсуф сураси, 53-оят), – деб амр қилган. Ҳолбуки нафсим мени яхшиликка ундаяпти. Бу қандай ҳикмат бўлди, бунда бир сабаб бўлса керак, деб ўйладим. Балки, душманни енгиб устун келиш баҳонасида инсонларга қоришиб кетишимни хоҳлаётгандир. Бундан кузатган мақсади урушга кетаётганимни халқ эшитсин, менга ҳурмат кўрсатсин, ғуруримни эркалатсин ва мен кибрланиб гуноҳга ботай – шуни истаётгандир, дедим. Шунда нафсимга:

– Урушга борсам, ҳеч кимсага кўринмайман, жанг майдонида ҳам кимсасиз бир жойда тураман, – дея таъкидладим. Нафсим бу фикримни ҳам қабул қилди. Шундан кейин мен нафсимга:

– Ҳақ таоло тўғри буюрган, сен ёлғончисан. Мени хайрли ишга ундамайсан. Турган гапки, бунда бир ғаразинг, бир хийланг бор, – дедим. Кейин нафсимни бошқа усул билан синаб кўрдим. Унга дедимки:

– Урушга кетаман. Лекин шуни билиб қўйки, жанг чоғи мени кўриқлайдиган кўриқчи олмайман ва энг олдинга ўтиб, душманга биринчи бўлиб мен ҳужум қиламан. Шунда олдин сен ўласан, сен! – дедим. Буни ҳам қабул этди. Хуллас, у қилиши мумкин бўлган бутун ёмонликларини ўзига айтдим ва шу сабабларга биноан уни ўзимдан четлатдим, бунга ҳам рози бўлди. Ва яна ўз илтимосини такрорлади. Шунда Ҳақ таолога ёлвордим ва дедимки:

– Эй Раббим, сен доим ҳақсан, нафсим ёлғончи. Мени бу хайрли ишга ташвиқ этишинг сабаби нима? Менга билдир, чорасини топайин.

Ниҳоят, Аллоҳ лутф этди: нафсимни сўйлатди, мақсад ойдин бўлди. Нафсим дедик:

– Эй Аҳмад, ҳеч бир сўзимни ўрнига қўйиб адо этмайсан. Барча орзуларимга қаршилиқ қиласан, мени ҳалок этасан. Менинг бу ҳолимни ҳеч ким тушунмайди. Агар урушга кетсанг, биринчи жангдаёқ ўлардинг, сендан қутулардим.

Халқ ҳам эшитиб:

– Аҳмад шаҳид бўлди! – дер эди. Бу гап ҳар тарафга ёйиларди ва ҳар ерда овоза бўларди. Шу тариқа мен ҳам танилар, шуҳрат қозонардим. Шунда мен нафсимнинг орзу-тилагига риё ва шуҳрат бўлганлигини англаб, урушга кетиш фикридан воз кечдим.

Энди нафсининг алдоқчилиги ва йўлдан урувчилигига қара! Сенга шундай ишлар қилдирмоқчи бўладик, зора ўлимнингдан кейин ҳам риё ва шуҳрат гуноҳига ботсанг. Унинг ёмонликларидан ва ғуруридан Аллоҳга сиғинайлик.

Бу мавзуга оид ўрганилиши шарт бўлган қуйидаги маълумотларни ҳам сизларга билдириб қўяй:

Ибодат икки қисмдир:

1. Эришиш (савобни қўлга киритиш) ибодатлари.

2. Сақланиш (гуноҳ қилишдан сақланиш) ибодатлари.

Сақланишдан ҳосил бўлган ибодат салимроқ (соғломроқ) ва яхшироқдир. Бу – тоатларнинг муҳими ва кучлисидир. Буни тақво дейдилар.

Ибодат қилишни янги бошлаганлар, яъни диннинг чуқур мазмунларидан хабардор бўлмаганлар ибодат қилишга ғайрат қиладилар – намоз ўқийдилар, рўза тутадилар.

Кўпдан ибодат қилиб юрган комил инсонлар (диннинг асосларини пухта билганлар) сақланишга кўпроқ аҳамият берадилар. Зеҳнларидаги фикрларни, қалбларидаги чексиз орзу-ҳавасларни миядан ва қалбдан чиқариб ташлайдилар.

Аллоҳдан бошқасига мойил бўлмайдилар. Ортиқ овқатдан ошқозонларини, кераксиз гап-сўзлардан тилларини, ҳаром ва маъносиз нарсаларга қарашдан кўзларини сақлайдилар.

Баъзи билимдон олимлар дейдиларки:

Оламда сукутдан фазилатли рўза, бировга озор ва азият бермасликдан юқори турувчи садақа йўқ...

Эй азий! Шу икки қисм ибодатни тўла-тўқис адо этсанг, тилагинг амалга ошаётган бўлади. Ибодат йўлида поклик ва омонликка эришган ва айни чоғда жиҳод қилаётган ва зафарга эришаётган бўласан. Агар ибодатнинг сақланиш қисмини қилсанг-у, эришиш қисмида баъзи камчиликларга йўл қўйсанг, солиҳдирсан. Лекин бунга эришган бўлмайсан. Чунки бу солиҳ амалларингни йўқ қила бошлайди. Ёмон ахлоқ ҳам солиҳ амалларингни емиради. Баъзан кўп заҳмат ва қийинчиликлар билан эришган ибодатингни биргина ёмон сўз ва ё янглиш бир ҳаракат билан бузасан.

Ривоят қиладиларки:

Не деркин, дея Ибн Аббосдан икки киши ҳақида сўрдилар:

– Бирининг хайрли ишлари кўп, лекин кўп гуноҳ ҳам қилади. Бошқаси оз гуноҳ қилади, аммо ибодатларида етишмовчиликлар анчагина. Қай бири яхшироқ?

– Оз гуноҳ қилгани фазилатлироқ, – дея жавоб берди.

Ибодатни икки хил хасталик билан солиштириб кўрайлик.

Хасталикнинг давоси ҳам икки хил: бирини дори, иккинчисини парҳез ва диққат тузатади. Агар дори билан парҳез бирлашса, хасталик тез ўтиб кетади. Бемор тузалади. Диққат ва парҳез доридан яхшироқ натижа беради. Чунки парҳез қилмасак, дорининг фойдаси оз бўлади ёки умуман фойда бермайди. Лекин дорисиз диққат ва парҳез кўпроқ фойдали бўлади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари:

“Диққат ва парҳез – дорига эҳтиёж қолдирмайди”, – дея марҳамат қилганлар.

Ривоят қилишларича, ҳинд табиблари хасталарини дори билан эмас, парҳез билан даволашаркан. Хаста бир неча кун емак-ичмакдан тийилса, тузалиб кетармиш.

Бу маълумотлардан англашилдики, тақво асилдир. Аллоҳнинг ҳузурида обидларникидан устундир.

Рисоламизнинг **Тақво** бўлимида тилга олганимиз тўрт аъзонинг тақвоси бошқа аъзоларга ҳам таъсир ўтказиши сабабли уларнинг аҳамияти жуда каттадир.

Кўз: Дунё ва охиратга оид бутун ишларнинг маркази кўнгилдир. Унинг, яъни қалбнинг яхши-ёмон туйғулари билан буларга боғлиқ ҳаракатларнинг кўпи кўздан келади.

Аллоҳ рози бўлгур Али ҳазратлари бу хусусда бундай марҳамат қилганлар:

“Кўзларига ҳоким бўлмаган киши учун кўнгилнинг (қалбнинг) обрўи йўқдир”.

Тил: Тилнинг энг катта ютуғи ва фойдаси ибодатдир.

Йиғадиган меваси тоат ва маърифатдир. Шунинг билан бирга унинг ёмонлик ва зарарлари ҳам кўп. Ғийбат, лузумсиз ва фойдасиз сўзлар каби. Тил шундай бир катта офатдирки, баъзан сенинг неча йиллик тоат ва ибодатингни бир зумда йўқ қилади. Шунинг учун ҳам маънавий комилликка эришган не-не комил инсонлар борки, тилларини оғиз зиндони ичида узун муддатга қамаб қўйгандирлар.

Баъзи олимлар дерларки:

Аллоҳ йўлига кирганлар учун энг фазилатли ёрдамчи тилларини тийишдир.

Поклик осмонига чиқиш учун ягона йўл сукут сақлашдир.

Яъни, маънавий неъматларга эришишнинг ягона йўли – тилнинг хайрли ишлардан бошқа ҳамма масалада сукут сақлашдир.

Фақат хайрли иш учун, ҳақ учун, ҳақиқат учун Аллоҳ йўлида сукут сақламаслиги керак. Бошқа ҳар жойда сукутдан улуғ ҳеч нима йўқ. Басират соҳиблари (кўзи очик, ҳушёр инсонлар) буни тушуниб, ўз ҳолларига қарасалар, ўринсиз ва кераксиз гапга сарфланадиган нафасларини Аллоҳга тавба ва истиғфорга хизмат қилдирсалар, ҳар ҳолда эришган савоблари кўпроқ бўларди. Шунда Ҳақ таолонинг марҳаматли онларини кўрар, Унинг афвига, мағфиратига ноил бўлар эдилар. Ёки “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ” десалар, улар учун юксак даража ва устун мартабага эришиш имкони ортар эди. Ёхуд охири бахайр бўлсин учун дуо ўқиб, Раббига ёлворсалар, балки дуолари

қабул этиларди ва қиёмат кунда учрашлари мумкин бўлган азоблардан қутулардилар. Бундай фойдаларнинг сақланажаги кўнгилсиз онларни қочирарди, лузумсиз гаплари сабабли маҳшар кунда сўроқ ва ҳисобга тортилмас ва қамоққа маҳкум этилмас ва азобга рўпара бўлмас эдилар.

Баъзи эранлар (буюк зотлар) дерларки:

Ўринсиз ва бемаъни сўз сўзлаган киши дарҳол шу ондаёқ “Субҳоналлоҳ!” деб истиғфор айтса, бахтсизлиги бахтиёрликка айланади.

Меъда: Овқат ейиш истаги кишига турли егуликлар харид қилдиради. Албатта, озиқ-овқат яшаш учун керакли нарса. Айни замонда ибодатнинг ҳам уруғидир. Агар уруғ пуч ё зарарланган бўлса, экин ҳам бўлмайди. Ҳатто баъзан бу пуч ва яроқсиз уруғ далани ҳам ишдан чиқаради. Ер умуман ҳосил бермайдиган бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Маъруф Карҳий дейди:

Рўзадор бўлганингда кимнинг таомлари билан ва кимнинг ёнида ифтор қилаётганингга диққат қил. Не-не кишилар борки, еган бир луқмалари уларнинг қалбларини бузиб, ибодатларига моне бўлади. Не-не луқмалар борки, таҳажжуд (тунги намоз)ларига тўсиқ бўлади, намоз ўқишларини имконсиз қилади. Не-не ёмон назарлар борки, эгасини Қуръон ўқишдан қолдиради.

Шундай бўлгач, бундай бебаҳо сўзларни кўнглингдан чиқарма. Озиқ-овқат олганда диққатли бўл ва эҳтиёткорликни унутма. Ўзингга ўзинг адабли ва тадбирли муомала қил. Акс ҳолда, меъдангни (ошқозонингни) кераксиз ва ортиқча егуликлар билан тўлдирган, бамисоли овқатга ҳаммоллик қилган бўласан. Бу ҳол сенинг вақтингни ўғирлайди. На ибодатнинг мазасини сезасан, на қалбингда маърифат нури порлайди.

Иброҳим ибн Адҳам ҳазратлари дейдилар:

Лубнон тоғларидаги обидларнинг кўпчилиги билан гаплашдим. Менга одамлар орасига қайтаётганимда шу тўрт нарсани уларга насиҳат қил, дейишди:

1. Кўп овқат еган ибодатдан завқ олмайди.

2. Кўп ухлаган умрининг баракатини тополмайди.

3. Одамларнинг ризосини кўзлаган одам Аллоҳнинг ризосини кутмасин.

4. Кўп гапирган ва ғийбат билан машғул бўлганларнинг охири яхшилик билан, омонлик билан тугамайди.

Саҳл дейдики: Бутун хайрлар, яхшиликлар шу тўрт васф ичида тўпланган. Комил инсонлар шуларга риоят қилиш орқали комилликка эришадилар:

1. Очлик.

2. Сувсизлик (чанқоқ).

3. Сукут (лузуми бўлмаса гапирмаслик).

4. Ёлғизлик (одамларнинг ёмонликларига аралашмаслик ва танҳоликда ибодат билан машғул бўлиш).

Баъзи орифлар дерларки: Сармоямиз очликдир.

Бунинг маъноси шудир: Гуноҳдан халос бўлишга яшаш тарзида покликка риоя қилиш, ибодатдан завқ олиш, ҳикмат ва маърифатни эгаллаб, ҳар қандай очликка сабр қилиш, чидаш орқали эришилади.

Қалб: Моддий ва маънавий ҳолларда ўзига хос, асил, энг мураккаб бўлгани кўнгилдир. У бузилса, бошқа аъзоларнинг ҳаммаси бузилади. У тузук бўлса, пок бўлса, бошқалари ҳам пок бўлади. Кўнгил амр берувчи, ҳукм юритувчи султондир, бошқа аъзолар унинг хизматчиларидир, унга бўйсунадилар. Султон нотўғри ҳаракат қилса, қўл остидагилар ҳам нотўғри ҳаракат қилишади. Агар тўғри бўлса, хизматчилари ҳам тўғри бўлишади. Яъни қалбнинг тобелари бўлган кўз, қулоқ, тил, меъда (ошқозон) фақат қалбнинг ҳолига боғлиқ. Бу аъзоларда юз берган бузуқлик аниқ-таниқ қалбда юз берган бир бузуқликнинг натижаси бўлади. Модомики шундай экан, Аллоҳ йўлида юрмоқчи бўлган одам олдин бор куч-ғайрати ва шижоати билан қалбини тузатиб олиши, ёмон фикр ва туйғулардан тозалаши вожибдир. Қалбни яхшилаш ва поклаш нозик ишдир. Тадбирлари оғир.

Шу сабабдан басират соҳиблари (кўзи очиқ, ҳушёр кишилар) бу хусусда жуда диққат-эътиборли бўладилар.

Боязид Бистомий дейди:

Кўзимга, тилимга, нафсимга аччиқ-аччиқ дорилар бериб тутатдим. Аммо қалбнинг дорисини топишда ҳаммасидан кўпроқ қийналдим.

Бундай вазиятда юқорида айтганларимиз узун орзу-ҳавас, шошқалоқлик, ҳасад ва кибрдан жуда эҳтиёт бўлиб сақланиш сен учун вожибдир. Чунки бутун офатларнинг манбаи шулардир.

Ҳасад ва кибр иллоти айниқса кўпчилик олимларга ва Қуръон ҳофизларига (қориларга) ёпишади. Улар ўз тенгдошлари, дўстларининг ўсиб кетганини кўрдиларми, тамом, уларнинг йўқ бўлишини, балога учрашларини истаб, рашк ўтида қовриладилар.

Ривоят қиладиларки:

Молик ибн Динор ҳофизларни ҳамманинг олдида имтиҳон қиларди, аммо бир ҳофизни ҳеч бошқа ҳофиз олдида имтиҳонга тутмасди. Бунинг сабабини сўраганларида, улар бир-бирларини рашк қиладилар, шуни кўп кузатганим учун уларни барабар имтиҳон қилмайман, дея жавоб берганди.

Дерларки:

Бир кун Фазл ўғлини бундай деб огоҳлантирганди:

Менга шундай бир жойдан уй олгинки, мутлақо Қуръон ҳофизларидан узоқ бўлсин, айниқса, бир айбимни кўрганда дарҳол ҳаммага ёядиганлардан, Аллоҳнинг менга берган неъматларини кўрганда рашки келадиганлардан йироқроқ бўлсин. Шундай бир тоифа олимлар борки, солиҳ ва яхши инсон қиёфасида юрадилар. Билимлари ва бир неча ракат ортиқча намоз ўқиганлари билан ғурурланадилар, юзлари ғамгин бўлади, аммо ўзларини баланд тутадилар, одамларни кичик ва паст кўрадилар. Бамисоли илм ва ибодатлари билан халққа миннат қилгандай бир тарзда виқор билан юрадилар ва яна нақ ўзлари жаннатга, бошқалар жаҳаннамга тушадигандай, қўлларида илоҳий бир маълумотнома бордай ҳаракат қиладилар. Ўзларини бахтли ҳисоблаб, бошқа инсонларни ё бахтиёр ё бахтсиз қилиш кучига эга эканликларини халққа кўз-кўз қилмоқчи бўладилар. Сўфийлар либосини кийиб, ўзларига сўфиёна кўриниш беришга интиладилар. Лекин қилаётган ишлари маънавий камолотга яқин келмаслигини

ҳис қилишда, аслида тараққиётга тўсиқ эканликларини ва кибрланиш деган ёмон иллат ўзида эканлигини идрок этишга ожиздирлар.

Дерларки:

Марқад Соҳий бир кун Ҳасан Басрийни зиёрат қилгани боради. Ўзи сўфийлар киядиган, қалин юнгдан бўлган иссиқ кийимда юрарди. Ҳасан Басрий эса доимий муътабар либосида эди. Унинг эғнига диққат билан қараб, ғижимлаб ушлаб кўрди. Ҳасан Басрий унга деди:

– Менинг либосим жаннат аҳлининг либосидир. Сенинг кийганинг жаҳаннам халқининг кийимидир. Бизга билдирилишича, жаҳаннам халқининг кўпчилиги кийинишлари сабабли дўзахга тушган. Чунки улар икки юзлилик қиладилар. Бирлари зуҳд ва тақволарини кийимларида кўрсатмоқчи бўлсалар, бирлари кибрларини кўксиларида сақлайдилар.

Шундан кейин Ҳасан Басрий гапини бундай тугатди:

– Аллоҳ ҳаққи учун, бу оламнинг Яратувчисига онт ичиб айтаманки, сизнинг бу кийимингиз ичида шундай бир кибрингиз борки, бунақаси ипак ва атлас кийганларда ҳам йўқдир.

Эй азиз, агар Худо берган шу кўрувчи кўз ва идрок этувчи зеҳнингни ишга солиб, диққат билан бу дунёни кузатсанг, унинг оз қисми мангуликка хизмат қилишини, кўп қисми чарчатишдан бошқа нарсага ярамаслигини англайсан, яхшилиги ёмонлигидан озлигини, зарарлари фойдасидан кўплигини кўрасан. Дунёни ҳаддан ортиқ севиш ва у билан кўп овора бўлиш кишини Ҳақ таолодан узоқлаштиришини, қиёмат кунида қамалишга, сўроғу азобга сабаб бўлишини қатъият билан англаб етсанг, унинг ҳаромларидан сақланасан, ортиқча ҳалолидан тийиласан. Эҳтиёжингга керагидан ортиғини олмайсан, дунё неъмат ва лаззатларига чўммайсан. Охиратда Ҳақ таолога яқин бўлмоқ учун тинимсиз ишлайсан. Халқнинг сенга фойдадан кўпроқ зарари тегишини сезасан. Ичларида вафо, қалбларида сафо йўқ. Одамлардан узоқ бўлиш ва эҳтиёждан ортиқ кўришмаслик кераклигини англайсан. Улар билан бирга ишлашга мажбур ҳолатларингда фойда ва зарарларидан сақланасан, шунда ҳақбатларидан сенга зиён етмайди, кўришиб қолганинг учун

хафа бўлмайсан. Шу тарзда ҳаёт кечирсанг, бутун ишларинг ўнгидан келади, ҳар ишингда Аллоҳнинг ёрдами кўрасан, гуноҳ ва жавобгарликлардан қутуласан.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай деб буюрганлар:

“Ишларингда тўғри бўл. Шунда қаёнга юрма, Ҳақ таолони ёнингда топасан. Сўнгра шайтоннинг бутун ёрдамчилари билан сенга душман эканини бил. Унинг алдов ва ишонтиришларини доимо мулоҳаза қил, сўнг унинг ёмонлигидан Аллоҳга сиғиниб, ундовларига қарши бориб, Аллоҳга таваккул этсанг, лаънат тамғали шайтоннинг бутун алдов ва ундашларидан, ёмонликларидан (Аллоҳнинг ёрдами билан) осонликча қутуласан”.

Алло таоло марҳамат қилади:

إِنَّهُ لَيْسَ لَهُ سُلْطَانٌ عَلَى الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٩٩﴾

Яъни: **“Албатта, имон келтирган ва Раббиларига таваккул қилувчи зотларга шайтоннинг ҳеч бир ҳокимияти йўқ”** (Наҳл сураси, 99-оят).

Дерларки:

Абу Ҳишомдан сўрадилар:

– Дунё ҳаёти нима? Шайтон ким?

Жавоб берди:

– Дунё ҳаётининг ўтмиши туш, келажаги орзудир.

Шайтон эса шундай бир кимсаки, бизга зарарли бўлган ишда ёрдамчи, фойдали бўлган ишда тўсқинчидир.

Нафси амморанинг жоҳиллигини, тубанликларини ва булардан сақланмаганининг фалокат чуқурига қандай думалашини билсанг ва ишларинг якунини диққат билан тадқиқ этсанг, нафсингни ақллилар каби кўрардинг. Болалар ва жоҳиллар сингари кўрмасдинг, чунки булар аҳволга қарайдилар-у, якунини кўролмайдилар; хасталикнинг зарарларини тушунмаган ва аччиқ дея дорини ичмаганлиги учун тузалмаган касалларга ўхшайдилар. Нафсингга зўрлаб тақво сувлиғини тақиб қўйсанг, аҳамиятсиз ва ножоиз ишларни ман этсанг, ачинарли сифатлар-


инг
сан,
ари
ни
ри
ш-
га
нг,
ин,
у-

дан ва ёмон феъллар-дан узоқлаштирсанг; битмас-туганмас орзу-ҳаваслардан, шунингдек шошқалоқлик, мўминлардан қизғаниш, лузумсиз ва ноўрин кибрланишдан, шахват ҳирси билан кўп озиқ-овқат олишдан сақлансанг, кифоя. Йўқ, мен ундай қилсам, зарар кўраман, дея қўрқма. Аслида, сен Ҳақ йўлига кирган, омонликка, ҳузур ва роҳатга етишган бўласан. Чунки Ҳақ таоло раҳмати ва инояти билан тирикчилик ишларида бандаларига катта ёрдамда бўлади. Диний жиҳатдан зарарли саналган ишларга муҳтож этмайди. Бу вазиятда мубоҳ бўлган нарсаларнинг ортиқчасини тарк этишдан зарар келмайди. Балки, бу, билсанг, сенга хайрлироқ ва фойдалироқдир. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар:

– Тақво осон нарса: нафсим бир нарса истайди, агар у нарса жуда керакли бўлмаса, рад этаман; чунки нафсимга уни берсам, ундан кўпроғини хоҳлайди, бермасам, озига қаноат қилади, – дейдилар.

Юқорида ҳам ёзгандик: нафс бир эшакдирки, қанча юк ортсанг, чидайди, юкини енгиллатсанг, саркашлик қилади. Нафс ҳам шундай. Ҳар истаганини қилсанг, йўлдан тояди, оз берсанг, қаноат қилади, ювошгина туради.

Мана шу баён этганларимизга риоят қилиб, шартларни ўрни-ўрнида адо этсанг, ҳеч шубҳасиз, дунёга фақат тегишлича аҳамият бериб, охират ишларига хоҳишинг баландроқ ва орзулироқ бўлади. Одамлар билан фақат зарурий ҳолларда муносабат қилиб, ёмон ишларидан алоқани узасан. Шунда Аллоҳга яқин, Унинг ҳузурида ҳурматли бир хизматкор бўласан. Ориф ва комилларнинг йўлида юриб, етукликка эришасан. Дунёда Аллоҳнинг азиз бандалари қаторига кирасан. Охират кунида эса Ҳақ таолонинг:



Яъни: **“Раббингга қайт, сен ундан рози, у сендан рози бўлади”** (Вал-Фажр сураси, 28-оят), – деган илтифотига ва лутфи-карамига ноил бўлиб, фаришталардан ҳам устун турасан. Чунки фаришталарнинг нафси аммораси йўқки, уларни гуноҳ қилиш-

га етакласа. Шахвати йўқки, ёмон ҳирсларга мойил этса. Шайтон уларни алдай деса, уларга яқин йўлай олмайди. Сен бўлсанг, не-не омонсиз душманларнинг ёмонликлари ила, балолари ила доим юзма-юз келасан ва улар билан узоқ вақт жанг қиласан. Охири ҳаммасини енгиб, Аллоҳнинг хизматига кириб, тўғри ҳаракатларинг билан, тоат ва ибодатларинг туфайли розилигига эришасан.

Ҳаммамизнинг чин кўнгилдан, юрак-юракдан Ҳақ таолога ниёзларимиз, ёлворишларимиз ҳаммамизни, бутун мусулмонларни бу душманларнинг ёмонликларидан, гуноҳларидан ва зарарларидан лутф ва инояти билан асраб, хузурида покланган бир қалб билан хизмат қилувчи севгили бандалари қаторига дахлдор этсин! Омин, эй Оламларнинг Эгаси – Аллоҳ!

ТҶРТИНЧИ БЎЛИМ

ИБОДАТДАН ҚОЛДИРУВЧИ САБАБЛАР

Обидларни ибодатдан қўядиган ва мақсадларига етишларига монелик қиладиган сабаблар бўлади ва улар тўрт хилдир: буларни китобнинг бошида қисқача айтиб ўтгандик, энди кенгроқ тўхталамиз.

Обидларни ибодатдан қўядиган сабабларнинг биринчиси ризқдир. Инсон яшашга мажбур бўлгани учун уни истайди. Бу тўсиқдан қутулиш ризқда ҳам, бошқа ишларда ҳам Аллоҳга таваккул қилиш билан бўлади. Бу борада Аллоҳга таваккулни зарурлаштирувчи икки нарса бор:

1. Биринчиси: Таваккул қилмасдан дунёга боғланувчилар. Улар озиқ-овқат тадориги учун кўп уриниб, югур-югур қиладиган тижоратчи ва дўкандорлар ёки турли режа тузиб, турли хаёлларга бериладиган ва қалбини тирикчилик ишлари билан машғул этадиган бошқа касб эгалари каби ибодатларида бўшашиб ҳаракат қиладилар. Ўзларини тоат-ибодатга беролмайдилар ёхуд бериш учун вақт тополмайдилар. Вақт топиб ибодат қилсалар ҳам, бу ибодатдан савоб ололмайдилар. Чунки бадан ибодатда-ю, лекин қалб хаёл ва ўйлар дунёсида бўлади. Булар қалбларидан бу дунё хирси ва туйғуларини, мияларидан ташвиш ва хаёлларини улоқтириб ташлаб, Аллоҳга таваккул этолмаганлари учун тараддудда бўладилар. Ё тоат-ибодат билан машғул бўлолмайдилар ёинки унга керагича берилолмайдилар. Уларнинг дунёлари ҳузурсиз, охиратдаги ҳоллари нотайин бўлади.

Шайх Абу Аҳмад бундай дейди:

Бу дунёда икки хил кишининг иши юришади ва яхши якун топади. Бири – қобилиятли, эпчил экани – иш юритишда эркин ва жасур бўлади: Кучига ва эпчиллигига ишонгани учун қаршиликларга парво қилмайди, юзхотир қил, деганларга қулоқ сол-

майди. Ҳар қандай тўсиқни азму жасорат билан енгади, ишини қилади, битказади, мақсадига эришади.

Иккинчиси – таваккул қилганлар эса, басиратлари кучли бўлгани учун иш борасида Аллоҳнинг ёрдамига ишониб ҳаракат бошлайдилар, одамларнинг қўрқитишига парво қилмайдилар ва шайтоннинг алдовларига учмайдилар. Тилаганига етишувга муваффақ бўладилар. Лекин ишларида доим иккиланиш бўлгани, хатти-ҳаракатда қўрқоқ ва чекинувчан, таваккули қусурли, ғайратлари суст, иродалари заиф бўлгани учун ҳайвонлар ва итлар каби эгаларининг кўзига қараб, улар бир нима беришини кутиб яшайдилар.

Бундай инсонларнинг қалблари ҳар доим илтимос қилиш, қарз сўраш ва аллақандай орзу-хаёллар билан алланималарни исташ ҳолатида бўлади. Қиладиган ишлари оддийлигига қарамай, камдан-кам ютуққа эришадилар. Ҳолбуки, ҳикмат соҳиби бўлган, ғайратли инсонлар чин кўнгилдан яхши ишлаганлари учун муваффақиятга эришиб, юқори мансабларга кўтариладилар ва устун вазифаларни қўлга киритишга муваффақ бўладилар. Бироқ юқори мансабга интилувчи ва фойда ҳирсига берилган, бола-чақа, хотин-халаждан кўнгил узиб, Аллоҳ йўлига кира олмаганлар, худди ана шу сабабга кўра мақсадларига осонлик билан эришолмайдилар. Айрим намуналарни кўриб чиқайлик: Ҳукмдорлар ўз тахтларида қолиш ва салтанатни давом эттириш учун доим рақиблари билан олишиб ётадилар. Бу йўлда ё юртни қўлга киритадилар ёки каллаларини бериб, маҳв бўлиб кетадилар. Тижоратчилар эса шарқу ғарб мамлакатларида, қитъалар, денгизларда айланиб кезинадилар. Турли шаҳарларда турли уйларда, меҳмонхоналарда тунаб, ҳар хил таҳликани инобатда тутган ҳолда ҳарёққа кириб-чиқиб юрадилар. Бу эҳтирос ва машаққатлар ичида мол йиғиб, пул топишга ҳаракат қиладилар. Буларда бой бўлиш ва мол тўплаш ҳирси шу қадар кучли бўладики, уларни шунча таҳликаларга тушишга мойил этади. Охирида ё бой бўлишларини, ё ўлик кетишларини биладилар. Бозор кишилари, дўкончилар эса ғайратлари суст, қалблари заиф бўлгани ва сармоядан зарар кўрмасмиканмиз, дея кўрққанлари учун таҳликали ва оғир

ишларга киришолмайдилар. Оз даромадга қаноат қиладилар. Узун ва ҳоритувчи йўлчилик билан жонларини койитмайдилар. Буларнинг энг узун йўлчилиги уйдан дўконгача ва дўкондан уйгачадир. Шу сабабли на давлатнинг катталари каби юксак мартабаларга ва мақомларга эришадилар, на тижоратчилар каби катта даромадларни таъмин этадилар.

Лекин охират йўлчиларининг сармояси таваккулдир. Шунга суяниб, қийинчиликларни енгадилар ва қалблари роҳатга чўмиб, ибодатларини қилишга куч топадилар. Ёлғизликка чекиниб тоат ва ибодатларини адо этадилар, истаган ерларига борадилар, борган, қўнган жойларида шаҳарларнинг таҳликаларидан қўрқмайдилар. Чўллардаги, тоғлар ва даралардаги кимсасиз ерларда бемалол кун ўтказадилар, ейиш-ичиш, кийиш ва бир жойга сиғиб кетиш борасида ташвиш чекмайдилар. Булар инсонлар учун кўп яхшиликлар қила оладиган ва айни чоғда етакчилик қобилиятига эга зотлардир. Аслида, ер юзининг ҳақиқий беклари ва ҳокимлари шу азизлардирки, инсонлар ўз ихтиёри билан булар кўрсатган йўлга қараб кетадилар.

Бу мухтарам зотларни ҳеч кимса тўхтата олмайди ва йўлларига тўсқинлик қила олмайди. Лекин булар дунёнинг бошқа беклари каби хизматчиларга, ёрдамчиларга ва қўриқчиларга муҳтож эмасдирлар. Уларга ёлғизликнинг ўзи кифоя, улар мол-дунёдан юз ўгирган ва Аллоҳ севгисини қозонган кишилардир.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари:

“Ким одамларнинг энг фазилятлиси бўлгиси келса, тақводор бўлсин. Одамларнинг энг кучлиси бўлгиси келса, таваккул этсин. Халқ ичида энг бой бўлгиси келса, Ҳақ таолога яқин бўлсин ва суянгани, ишонгани Аллоҳ бўлсин”, – деб буюрганлар.

Сулаймон ибн ал-Ҳаввос дейди:

Ҳақ таолога тоза, пок ният билан таваккул қилган кишига барча беклар ва одамлар муҳтож бўладилар.

Иброҳим ал-Ҳаввос дейди:

Бир кун чўлда бир одамга дуч келдим. “Йўл бўлсин?” – деб сўрадим. “Каъбага!” – деди. “На минишга уловинг бор, на озиқ-овқатинг, қандай борасан?” – дедим. “Эй ишончи заиф, менга

ишонмаган одам, ерларни ва кўкларни яратган, уларни асраш ва идора этиш қудратига эга бўлган Аллоҳнинг мени озиқ-овқатсиз, уловсиз йўллашга кучи етмайдими?” – дея жавоб берди. Мен у одам билан хайрлашиб кетдим. Лекин Маккага борганимда у одамни Каъбани тавоф этаётган ва ҳар айланишда: **“Эй кўнгил. Дунёни тарк эт, Раббингдан бошқасини севма”** сўзларини такрорлаётган ҳолда кўрдим. У ҳам мени кўрди, таниди ва: “Каъбага энди кепсан шекилли?”

Сенинг озиқ-овқатинг ва уловинг ҳам бор эди. Булардан маҳрум менингдек заиф одамдан нечун кейинда қолдинг?” – деди ва тез хайрлашиб кетди.

Абу Мутий дейди:

Бир кун Хотам ал-Асомдан сўрадим:

– Сен озиқ-овқатсиз ва уловсиз чўллару тоғларда – ҳар ёқда айланиб юрармишсан?

Жавоб бериб дедик:

1. Менинг озиғим тўрт нарсадир:

- 1– Дунё ва охираат Аллоҳнинг қудрат қўлида эканлигини,
- 2– Барча мавжудотлар, яратиклар Унинг қуллари эканлигини,
- 3– Ризқлар ва сабаблар Унинг амри билан тарқатилишини,
- 4– Коинотнинг ҳар зарраси унинг тасарруфида эканлигини кўрдим ва бунга ич-ичимдан ишондим. Мана шу тўрт нарса менинг Аллоҳга таваккул этишимни тақозо қилади.

2. Иккинчиси: Таваккулни тарк этишда катта хато ва таҳликага борганлар. Улар Аллоҳнинг ваъдасини унутган кишилардир. Ҳолбуки, Ҳақ таоло инсонларни ризқлари билан бирга яратди. Ҳақ таолонинг, Аллоҳ сизни яратди, сўнгра ризқингизни берди, деган қутлуғ оятдан биламизки, яратилиш ва ризқ бериш ёлғиз Аллоҳга оид хусусдир. У бизни яратгандан сўнгра ризқимизни беражагига ҳам ваъдаси бордир. Ҳақ таоло бу ваъдаси билан ҳам кифояланмай, ризқимизни берувчи эканлигини билдирди. Зеро, У Қуръони каримда бундай марҳамат қилган:

إِنَّ اللَّهَ هُوَ الرَّزَّاقُ ذُو الْقُوَّةِ الْمَتِينُ

Яъни: **“Шубҳасиз, ризқлантирувчи ҳам, метин қувват соҳиби ҳам Аллоҳнинг Ўзидир”** (Зориёт сураси, 58-оят).

Яъни, Аллоҳ бутун жонлиларнинг ризқига кафилдир, албатта беражақдир. Ҳатто бу сўзи билан кифояланмай, яна онт ҳам ичди. Бу борада Қуръони каримда бундай дейилган:

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا

Яъни: **“Ер юзида яшаган ҳар жонлининг ризқини бермак Аллоҳга оиддир”** (Худ сураси, 6-оятдан).

Яъни, ернинг ва кўкнинг Рабби ҳаққи учун ҳар нарсага ризқ берадиган Аллоҳдир. Ўз борлиғимиздан шубҳамиз бўлмагани каби, бунга ҳам шубҳамиз бўлмаслиги керак.

Яна Ҳақ таоло бундай деб ишонтиради:

فَوَرَبِّ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِنَّهُ لَحَقُّ مِثْلِ مَا أَنْتُمْ نَاطِقُونَ

Яъни: **“Самоларни ва ерни яратган Раббига қасамки, албатта у (ваъда қилинаётган барча нарса) худди сизларнинг сўзлашингиздай (яъни сўзлаган сўзларингиз ўзларингиз учун қандоқ ҳақ бўлса, шундоқ) ҳаққи-ростдир”** (Зориёт сураси, 23-оят).

Яъни, Ер ва кўк Рабби ҳаққи учун сизга ризқ бериш сизнинг сўзлашингиз каби Аллоҳ учун ҳам оппа-осондир.

Яна Ҳақ таоло бу билан ҳам кифояланмади ва бундай деб буюрди:

وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ

Яъни: **“Ва ўлмайдиган тирик зотга таваккул қилинг...”** (Фурқон сураси, 58-оятдан).

Энди, шундай очик ва кескин билдирилган ва индирилган амрларга қарамай, Ҳақ таолонинг сўзига ишонмаган, ваъдаси билан кифояланмаган, ризқнинг берувчиси борлигига суянмаган, онтига қаноат қилмаган, қўрқитишларига парво қилмаган ва амрини адо этмаган кишининг қиёмат кундаги ҳоли нима бўлади ва охири қаёққача боради? Аллоҳга қасамки, бутун олам ва

Одам болаларининг ҳаммаси Унинг қудрат қўлида ва иродасининг таъсири остидадир. Лекин инсонларнинг кўпчилиги ғофил бўлганликлари учун бу билимсизлик уларга шиддатли бир мусибат ва катта офатлар келтиради.

Хасан Басрий дейди:

Ҳақ таолонинг қасам билан билдирган бирон амрига ишонмаган қавмга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

Ривоят қиладиларки:

“Кўклар ва ернинг Раббига қасамки, Аллоҳнинг ваздалари худди сизнинг гаплашишингиз каби ҳаққи-ростдир” (Зориёт, 32), ояти инган вақтда фаришталар бир-бирларига бундай деган эканлар:

– Энди ризқларини беришга кафил бўлганига қарамай, Ҳақ таолони хафа қилган инсонлар йўқ бўладилар!

Увайс Қараний деди:

– Раббингни тасдиқ этмасанг, еру кўкдаги жамики яратиқлар, мавжудотлар қанча ибодат қилсалар, сен-да шунча ибодат қилсанг ҳам, ибодатларинг қабул қилинмайди.

– Қандай тасдиқ этамиз? – дея сўрадилар.

– **Ризқингизни беришга Аллоҳ кафил бўлганига ишонмоқ ва шу ишонч билан вужудингизни ибодатга шай ҳолга келтирмоқ орқали,** – дея жавоб берди.

Ҳарам ибн Ҳаййон, Увайс Қаранийдан сўради:

– Ўтириб жойлашиш учун менга қаерни тавсия этасан?

– Шомни, – деди Увайс.

– У ерда тирикчилик қалай?

– Сен ризқ борасида шубҳага тушганлардан экансан. Бундай кишиларга ўғит таъсир қилмайди, – деди Увайс.

Ривоят қиладиларки:

Ўликларнинг кафанларини шилиб кетган бир ўғри тавба қилиш учун Боязид Бистомийнинг олдига келади. Боязид ундан бу ишни қандай қилганини ва нималар кўрганини сўрайди.

– Мингта мазордан кафанларни ечиб олиб чиқардим. Икки кишидан бошқа юзлари қиблага ўгирилган ўликни кўрмадим, – деди ўғри.

Бу гапни эшитган заҳоти Боязид:

– Бу мискин кишилар ризқларига тадорик қилганда таваккул этмаганлари учун юзлари қибладан ўгирилгандир, – деди.

Ривоят қиладиларки:

Бир солиҳ инсон яхши бир кишидан:

– Ҳолинг қалай? Имонинг саломатми? – дея сўрайди.

– Имоннинг саломатлиги фақат чиндан ҳам таваккул қилган инсонларда бўлади, – дея жавоб беради яхши киши.

“Таваккулнинг фазилатларини, фойдаларини тушунтириб бердингиз. Энди бизга таваккулнинг ҳақиқатини, ҳукмларини даражалари билан, бошқа жиҳатларини ҳам бизга айтиб берингки, унга кўра ҳаракат қилиб фойдаланайлик?” – дея сўровчиларга жавобимиз будир:

Сўралганларни билиб олиш учун олдин “таваккул” калимасининг маъносини, қандай ҳолларда таваккул қилинишини, таваккулнинг чегарасини ва қандай илтижолар ўқилиши лозимлигини билиб олишимиз лозим.

“Таваккул” калимаси “ваколат” сўзидан олинган. Луғавий маъноси – “бир кишини вакилликка тайин этиб, бутун ишларни унга топшириш ва унинг ишларига аралашмасликдир”.

Ризқ учун уч ерда таваккул этиш зарурдир: қисмат ерида, нусрат ерида (ёрдамга муҳтожлик бўлган жойда) ва ризқ ерида.

А. Қисмат ери: Ҳақ таолонинг кишига азалдан қисмат қилган улушини, ҳиссасини тайин этган нарсаларнинг мутлақо ўзига келажагига ишонмоқ ва ундан ҳеч шубҳага тушмасликдир. Чунки илоҳий тақдир ўзгармайди. Бу ҳақиқат эшитилган ва кўрилган турли далиллар билан собит бўлган.

Б. Нусрат ери: дин йўлидаги, ҳақ, ҳақиқат йўлидаги курашларда бўлгани каби ризқ ишида ҳам Аллоҳнинг ёрдамига ва уни мутлақо муваффақият келтиражагига ишониб, ўз кучига ва ёрдамчиларининг кўплигига эмас, Аллоҳга суянмоқ ва унга таваккул этмакдир. Ахир, Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай буюради:

فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ

Яъни: **“Бир карра азм этдингми, энди Аллоҳга таваккал қил (Унга суян)”** (Оли Имрон сураси, 159-оятдан).

Ва яна бундай буюради:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اِنْ نَّصُرُوْا اللّٰهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُخْرِجْكُمْ مِّنْ اَقْدَامِكُمْ

Яъни: **“Эй мўминлар! Сиз Аллоҳга (Унинг динига ва Расулига) ёрдам берсангиз, у ҳам сизга ёрдам беради ва (душманга қарши) қадамларингизни собит қилади...”** (Муҳаммад сураси, 7-оят).

Тағин бундай марҳамат қилади:

وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِيْنَ

Яъни: **“Мўминларга ёрдам бериш эса зиммамизда ҳақдир”** (Рум сураси, 47-оятдан).

В. Ризқ ери: Ҳақ таоло қудратига ишонган ва суянган, унга таваккул этган бандасининг ризқига кафиллик қилади ва буюради:

وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللّٰهِ فَهُوَ حَسْبُهُ

Яъни: **“Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир”** (Талоқ сураси, 3-оятдан).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам:

“Агар сиз Ҳақ таолога тўқис имон билан таваккул этсангиз, қушларга ризқ бергани каби сизнинг ҳам ризқингизни беради”, – деб ишонтирадилар.

Қушларнинг эрталаб оч турганини ва оқшом тўқ бўлиб қайтганини кўрмайсизми? Ризқ учун жуда ҳирсли эмас, аммо оч қолмайди. Шу даражадаги таваккул мўмин учун айна фарздир. Ақлий ва шаръий далилларга кўра, халқ ичида ёйилган шу таваккулдир. Бу хусусда исталган ҳол ҳам шудир. Солиҳ инсонлар ризқнинг бу турини “мазмун” ўталган ризқ дейдилар. “Таваккул ризқи” ҳам дейишади. Лекин мутлақ таваккул ризқнинг қайси қисмидир? Буни билиш учун ризқнинг қисмлари ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим.

Ризқ тўрт қисмдир: мазмун (кафолатланган, ўталадиган), мақсум (бўлинадиган), мамлук (қўлга киритиладиган, мулкка айланадиган) ва мавъуд (ваъда қилинган).

1. Мазмун ризқ: Вужудга қувват, яшаш кучи берадиган миқдордаги озиқ-овқат. Бу миқдор ризқ учун кишининг Аллоҳга таваккул этиши фарздир. Аллоҳ бу миқдор ризқни мутлақо бандасига беради. Ақлан ва шаръан шундай.

Чунки Аллоҳ баданимиз билан иш кўришимизни ва ибодат қилишимизни амр этишни буюрди. Шу сабабдан баданимизга буларни адо этишга етарли миқдордаги озиқни беришни ҳам кафилликка олди, яъни ўз лутфи ва карами билан бу вазифани зиммасига юклади.

Баъзи олимлар дерки:

Ҳақ таоло қуйидаги сабаблар туфайли бандалари ризқини ўтайди, кафолатлайди:

А. Раббимиз – бизнинг Ҳомиймиз, Хожамиз, Эгамиздир.

Хожалар ўз қулларининг эҳтиёжини адо этишлари вожиб бўлганидай, бандаларининг тириклигини таъмин этиш ҳам Эгамизга вожибдир.

Б. Ҳақ таоло бизни ризққа муҳтож қилиб яратди. Лекин ризқимизни топиш йўлларини бизга билдирмади: ризқимиз нимадан иборат, миқдори қанча, қаерда эканини, қачон қўлимизга киришини сир тутди. Ризқимизни қай тарзда топамиз? – буларни билмаганимиз учун нима қилишни билмаймиз. Бундай тақдирда эҳтиёж сезаётганимиз миқдордаги ризқимизни бизга етказиш Ҳақ таолога вожибдир.

Аллоҳ бизга бир қатор хизмат ва мажбуриятларни юклаган. Чунончи, ризқ кетидан қувиш – Унинг буюрган хизматларини адо этишга тўсиқ бўлади. Шундай экан, бизга яшашга ва бу хизмату бу ибодатларни адо этишга етарли миқдорда ризқ бериш Аллоҳга вожибдир.

Тўғри ва мантиқли кўринган бу фикрлар илоҳий сирларни билмаганларнинг даъво қилишлари тарзида “ризқимизни бериш Ҳақ таоло зиммасидаги вазифадир”, дейишлари эса, хатоли бир дунёқарашдир. Бу ақлга эмас, балки Ҳақ таоло ўз лутфу карами билан ризқимизга кафил бўлгани ва буни зиммасига олганлигидир.

2. Мақсум ризқ: Ҳақ таолонинг азалдан бандаларига қисмат қилган ва Лавҳул Махфузда ёзган (маълум миқдордаги ейишлик, ичишлик ва кийишлик) ризқидир. Ҳар кимсанинг ҳиссасига тушган ризқ маълумдир, озаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам, муайян вақтда эгасини топади. Бу ризқ маълум вақтда (на олдинроқ, на кейинроқ) келади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қиладиларки:

“Ризқ азалдан тақсим қилинган. Тақво аҳли, тақволари билан уни орттиролмаганлари каби, имонсиз ва ёмон инсонлар ҳам ёмонликлари билан уни камайтиролмайдилар”.

3. Мамлук ризқ: Ҳақ таолонинг бандаларига берган дунё молидир. Ўзлари ёки қўллари билан фақирларга беришлари учун Аллоҳнинг бандаларига азалдан тақдир этган мол-дунё миқдоридирки, мамлук ризқ дейдилар. Фақат Ҳақ таолонинг:

“Сизга берганим молдан муҳтожларга берингиз”, деган амрини унутмаслик керак.

4. Мавъуд ризқ: Бу аслида Ҳақ таолонинг тақво соҳиби бўлган бандаларига ваъда қилган ҳалол молидир. Таҳи бузилмаган, эзилмаган бу мол уларнинг қўлларига ўтажак. Аллоҳ таоло Куръони каримда бундай маълум қилади:

وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ۖ وَيَرْزُقْهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ

Яъни: **“Ким Аллоҳдан қўрқса, (Аллоҳ) унга чиқар йўлни эҳсон этар ва уни ўзи ўйламаган ёқдан ризқлантирар”** (Талоқ сураси, 2–3-оятлардан).

Ризқнинг қисмларини ўргандик. Буларнинг ичида биринчиси (мазмун ризққа) вужуднинг яшаши ва ишлашига етарли ризққа таваккул этиш вожибдир. Лекин мақсум ва мамлук ризқ инсон учун жуда муҳим бўлмаганлигидан таваккул этиш вожиб эмас. Мавъуд ризқнинг берилиши учун эса бир тақвонинг ўзи шартдир.

Баъзи олимларга кўра, таваккулнинг таърифи қуйидагича:

Кишининг барча ишларида Аллоҳга умид боғлаши ва ризқсиз қолмасмиканман, дея андишага тушмаслигидир.

وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ

Яъни: **“Аллоҳнинг фазлидан (ризқу рўз) сўранглар...”** (Жума сураси, 10-оятдан).

“Бу оятдан ризқ сўрашингиз керак маъноси англашилади-ку, бунга нима дейсиз?” саволига жавобимиз будир: Баъзи олимларга кўра, оятдаги “фазл” сўзидан мақсад Қуръон илми ва савобдирки, сиз шуни сўрайсиз.

Баъзиларига кўра, азалдан тақсим этилганча қолган молдир.

“Аллоҳ кафил бўлган **мазмун ризқ** учун сабабларга бош уриш ва уни сўраш жоизми?” саволига жавобимиз будир:

Йўқ, жоиз эмас. Чунки Ҳақ таоло қодири мутлақдир. Ўзи кафил бўлган ризқни қандай хоҳласа, ўшандай беради. Сабаблари изланишига ва сўралишига боғлиқ эмас. Аллоҳ у ризқни мутлақо беради. Бериши учун сабаб изланиши ва сўралишини шарт қилиб қўймаган.

Ҳақ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади:

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا

Яъни: **“Ер юзида қимирлаган зот борки, ҳаммасининг ризқини бериш Аллоҳнинг зиммасидадир...”** (Худ сураси, 6-оятдан).

Бу оят биринчи ризқимизга Аллоҳ ҳеч қандай шартсиз кафил бўлганини билдириб турипти.

Сўнгра инсон бу мазмун ризқ қайсиниси, қаерда бўлади, қандай сабаблар билан қўлга киради? – буларни билмай туриб нимани ҳам истасин. Демак, энг тўғриси – сабаб изламаслиги ва бу сабабларни Яратганга ҳавола этиши керак, ишларни Унга қолдириши лозим. Пайғамбарлар, авлиёлар, комил зотлар кўп вақтларини ибодат билан ўтказардилар, дунё ишлари билан кўп овора бўлмасдилар. Улар шу йўл билан, яъни дунёни иташдан воз кечиш билан осий бўлмадилар. Бу изоҳлардан англаймизки, биринчи ризқни сўраш ҳеч кимсага вожиб эмас.

“Ажабо, ризқ иташ билан, машаққат чекиш, узоқ меҳнат қилиш билан ризқ ортадимми ва истамаслик билан камаядимми?” дея сўралса, берадиган жавобимиз будир:

Баъзиларига кўра: таваккул яшашни таъминловчи озиқни Аллоҳдан бошқа ҳеч кимса беролмаслигига ишонишдир.

Шайхулислом дейди:

Таваккул билан тааллуқ орасида фарқ бор. Таваккулнинг маъноси бадан тиклиги (яшашга етарли куч) Ҳақ таолодан келишига ишонмоқдир. Тааллуқ калимасининг маъноси бадан тиклигининг Ҳақ таолодан бошқа бир кучдан келмаслигига ишонмоқдир. Бу икки таърифнинг ҳам асли бирдир. Бу ҳам кишининг баданидаги ёшликни ва унга куч берувчи озиқ-овқатни Ҳақ таолодан бошқа ҳеч кимса беролмаслигига ишонмоқ ва унга умид боғламоқдир.

Аллоҳ тиласа, бир жониворни сабаб қилади ва унинг билан баданга куч беради. Тиласа, орага ҳеч қандай восита қўймай, Ўз қудрати ва улуғлиги билан у кучни тўғридан-тўғри беради. Етар, буларни ўйлайсан ва ич-ичингдан бунга қаттиқ ишонасан. Ҳамма сабаб ва воситаларни ўйлаб, уларга ёпишиб олмасдан, бутун қалбинг билан Аллоҳга юзланасан. Хулоса сифатида таваккулнинг ташқи асоси: Ҳақ таолонинг ризққа оид ваъдаси, кафолати, қасамини ўйлашдир.

Ички асоси: Унинг зотини, комил сифатларини, ваъдасидан қайтмаслигини, янглишликка тушмаслигини, ожиз эмаслигини, бутун нуқсонлардан холи ва пок эканлигини ўйламоқдир. Мана шуларнинг барчасини ўйласанг, ҳаммасига тўқис бир имон билан ишонсанг, Аллоҳга таваккул қилган бўласан.

“Ҳақ таоло ризқимизни берувчи эканлигини билгандан кейин ундан ризқ сўраш жоизми, жоиз эмасми?” саволига жавобимиз бундай:

Баданга яшаш кучини берадиган инсон озиқ-овқати – Ҳақ таолонинг ишидир. Бунда бизнинг ҳеч бир таъсиримиз йўқ. Уни олишга ё олмасликка кучимиз етмайди. Уни албатта Аллоҳ беради. Қандай яшаш ва ўлиш қўлимизда бўлмагани каби, бу ҳам қўлимизда эмас. Аммо азалдан бизга тақсим (бўлиб берилган) ризқни сўраш жоиздир. Лекин сўрамаслик янада яхшироқдир. Чунки банданинг унга эҳтиёжи йўқдир. Унинг ёзмишига ёзилгани ҳам албатта келади. Кишининг бунинг учун нотинч бўлишига ва шу туфайли ибодатидан қолишига зарурат йўқ. Аллоҳ буюради:

Дин олимларига кўра, ҳар инсоннинг ризқи Лавҳул Маҳфузда ёзилган. Ҳар кимга бериладиган ризқнинг ҳам вақти, ҳам миқдори белгилidir. Ҳақ таолонинг бу ҳукм ва тақдири ўзгармайди. Баъзи дин олимлари эса, ризқ исташ билан ризқ ортмайди-ю, аммо мол ортади, дейдилар.

Бу фикр ҳам тўғри эмас. Чунки молнинг ва ризқнинг далили битта. Лавҳул Маҳфузда ёзилган, азалдан қисмат, тақдир этилган. Бу далилдан ризқ ва мол, банданинг ҳаракати билан ортиш ва ишни тарк этиши билан озайиш тақозоси кўринмайди. Ҳақ таоло шунга ишора қилиб, Қуръони каримда бундай марҳамат қилади:

لَا تَأْسَوْا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرَحُوا بِمَا آتَاكُمْ

Яъни: **“Қўлингизга кирмаган нарсага қайғурманг, (Аллоҳ сизга ризқ ёзганда) жуда мағрурланиб кетманг дея шундай қилгандир”** (Ҳадид сураси, 23-оятдан).

Демакки, ризқ ва неъмат Лавҳул Маҳфузда ёзилган ва тақдир этилган. Шунинг ўзи билан тасалли топиб, қўлингизга кирмаган неъматга қайғуриб юрманг, айна чоғда берилган неъматларни ишлаб қўлга киритдим, дея жуда севиниб мағрурланиб ҳам кетманг. Бу фикрда шундай бир ҳикмат яширинган: агар одам барча яхши ва ёмон нарсалар тақдирдан бўлганини билса, иши осонлашади. Берилган неъматга ўз меҳнатим билан эришдим, дея севинмайди. Мусибат келганда ҳам ўзимни нега асрамадим, деб ғам чекмайди. Балки барчаси Аллоҳдан келганини билади ва бу тасаллидан фойда кўради. Ахир, ўзинг ўйла: мол истак билан кўпайса эди, киши, эсизгина, дунёликни қўлга киритмагунча истакларимда қусурга йўл қўйдим, дея узлуксиз афсусланмасмиди? Мол тўплаган чоғларида эса,буларни ишлаб топдим, дея севинармиди?

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бирон кишига бир нарса берган пайтларида:

“Бу берган нарсамни ол. Агар сен буни олишга келмасайдинг, у сенга келарди”, – деб ўғит берардилар.

“Ризқ сингари савоб ва азоб ҳам Лавҳул Маҳфузда ёзиб қўйилганми? Бу ҳам исташ билан (савобли ишларни қилиш би-

лан) ортадимми ва уни тарк этиш билан камаядимми?” – дея сўралса, берар жавобимиз будир:

Савоб истагини Ҳақ таоло амр этади. Солиҳ амал қилинмагунча савоб берилмайди. Савоб фақат қозонилади. Бу тақдирда савоб иташ билан, яъни савоб келтирувчи ишларни қилиш билан ортади ва қилмаслик билан камаяди ёки гуноҳ иш қилиш билан йўқ бўлади. Яъни, савобнинг ва азобнинг ортиши ва камайиши банданинг феълига боғлиқ. Савоб ва азоб хусусида Ҳақ таолонинг кафиллиги йўқдир.

Ризқ билан булар орасида фарқ бор.

Баъзи дин олимларига кўра, Лавҳул Махфуздаги ёзмишлар икки қисмга бўлинади:

1. Биринчиси мутлақдир. Банданинг амалига, феълига боғлиқ эмас: ризқ ва ажал каби. Яъни, банда ишламаса-да, Аллоҳ кафил бўлган ризқ миқдорини беради.

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا

Яъни: “*Ер юзида қимирлаган зот борки, ҳаммасининг ризқини бериш Аллоҳнинг зиммасидадир*” (Худ сураси, 6-оятдан).

Ажал борасида эса Аллоҳ таоло бир оятида бундай буюради:

وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ فَإِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ لَا يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ

Яъни: “*Ҳар умматнинг бир ажали бор. Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам суролмайдилар*” (Аъроф сураси, 34-оят).

Бу икки оятда ҳам ризқ ва ажал мутлақ ўлароқ билдирилган, ҳеч бир нарса билан боғлиқ эмас, шартли ва қайдли эмасдир.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам бундай деб марҳамат қилганлар:

“Тўрт нарса тақдирдандир, ўзгармайди:

а – Яратилиш,

б – Феъл-атвор,

в – Ажал,

г – Ризқ”.

2. Иккинчи қисми банданинг феъли билан, амали билан шартли ва унга боғлиқдир: савоб ва азоб каби. Яъни, савоб ва азобнинг берилиши шарт билан (банданинг қилиш-қилмаслиги билан) боғлиқ.

Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади:

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْكِتَابِ ءَامَنُوا وَاتَّقَوْا لَكَفَّرْنَا عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَلَأَدْخَلْنَاهُمْ
جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿٦٥﴾

Яъни: **“Агар китоб аҳли (яҳудий, насронийлар) имон келтириб, Аллоҳдан қўрқсалар (бузғунчиликдан тийилсалар) эди, уларнинг ёмонликларини ўчирган ва уларни жаннат неъматларига дохил қилган бўлардик”** (Моида сураси, 65-оят).

“Неча-неча инсонларни кўрамизки, ишлаб катта бойлик соҳиби бўладилар. Неча-неча инсонларни ҳам кўрамизки, ишламаганлари учун фақирдирлар. Буни қандай тушунмоқ керак?” саволига бу жавобни берамиз:

Бу кузатганларингиз тўғридир. Яъни, ишлаган – топади, маъмур яшайди. Ишламаганлар эса фақирлигича қоладилар. Лекин сиз шундай ақлли ва кеча-кундуз ишлашларига қарамай, яна фақирликдан қутулмаётганларни кўрмаяпсизми? Сўнгра неча-неча қўлидан бир иш келмайдиган, дангаса инсонлар борки, ҳеч ишламасалар ҳам бойликларининг миқдори билиб бўлмас даражада мўл-кўлдир. Бунисига нима деймиз?

Ривоят қиладиларки: Ҳақ таоло бандаларига уч тарзда ризқ беради:

А) Баъзисига заҳмат чекиш ва ўлиб-тирилиш билан.

Масалан, айрим тижоратчилар ва майда ҳунармандлар каби.

Б) Зиллат (хорлик, тубанлик) билан. Паст, ифлос ишларда ишлаш билан. Масалан, баъзи бир ахлат ташувчи, кир, сассиқ жой ишчилари каби.

В) Иззат билан. Обидлар, таваккул қилувчилар каби.

“Ажабо, чўлларда озиқ-овқатсиз, уловсиз сафар қилишлар тўғрими, тўғри эмасми?” саволига беражак жавобимиз бундайдир:

Ҳақ таолонинг ваъдасига ишонган ва қисматига умид қилганлар учун чўлда озиқ-овқатсиз ва уловсиз сафарга чиқишлари жоиздир. Улар ишончлари ва умидлари соясида ризқларини топадилар. Уларга етиб келадиган озиқ-овқат учун хафа ҳам бўлмайдилар, заҳмат ҳам чекмайдилар. Аммо тамоман таваккул ва мадад келишига ишончи бўлмаган кишига озиқ-овқат топиш кийин ва заҳматли бўлади.

Бу Абу Маолий дейди:

Киши Ҳақ таоло билан муомаласини халқнинг одатича қилса, Ҳақ таолодан ҳам унга халқнинг одатича муомала бўлади. Яъни, бандалар Раббиларидан қайси йўл билан ризқларини иташса, ўша йўл билан беради. Агар сабаб орқали иташса, сабаб орқали беради. Агар тақводор бўлиб, таваккул қилсалар, уларга кутмаган томондан беради.

Ривоят қиладиларки, Иброҳим ибн Адҳам озиқ-овқатсиз ва уловсиз Макка сафарига чиқди. Бир чўлга келди. Йўлда қудуқларга дуч келсам, таҳорат учун сув чиқариб оламан, дея ўзи билан тизимча ип ола кетди. Бир кун чўлда бир қудуққа дуч келди. Қалбини тизимчага боғлаб, қудуққа туширди. Тизимча калталиқ қилиб, сув чиқариб ололмади, таяммум қилиб, намоз ўқиди. Энди кетмоқчи бўлиб турганида қудуқ бошига бир кийик келганини ва бошини тикса, сув баландга кўтарилганини ва кийик ичиб кетганини кўрди. Иброҳим бу ҳолга жуда ажабланди. Мен ибодат учун қудуққа тизимча туширдим, сув ололмадим. Бу кийик эса маза қилиб сувдан ичиб кетди. Шу онда унга бир овоз эшитилди:

– Эй Иброҳим! Кийик сувни биздан истади. Сен тизимчангдан истадинг. Агар сен ҳам биздан истасайдинг, берардик.

Иброҳим бу овоз қаршисида Ҳақ таолодан уялди.

Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади:

وَتَكَزُّوْهُ فَاِنَّ خَيْرَ الْاَزَادِ النَّقُوْءُ

Яъни: “(йўл учун) озиқ тайёрланг. Аммо озиқнинг энг хайр-лиси (яхшиси) тақводир” (Бақара сураси, 197-оятдан).

Бу оятга кўра, сафарга чиқишда озиқ ола кетмаслик амрга қарши эмасми? Озиқ ола кетмаслик қай тарзда жоиз бўлади?” саволига жавобимиз будир:

Муфассирлар (тафсирчилар) бу қутлуғ оятни икки шаклда тафсир қилишади:

1 – Оятдаги “зод”, яъни “озиқ” калимасидан мурод – дунё озиғи бўлсайди, оятнинг сўнгида **“озиқнинг энг яхшиси тақводир”** дейилмаган бўларди. Шундай экан, озиқ калимаси “тақво” маъносида тушунилиши тўғрироқдир.

2 – Баъзи кимсалар ҳажга кетишда ўзлари билан озиқ олишмасди. Халққа умид боғлашарди. Халқдан сўрашарди ва уларнинг жонига тегишарди. Ҳақ таолога таваккул қилиб, сабр қилишмасди. Шундайлар назарда тутилиб, ўзлари билан озиқ ола кетиш амр этилди. Чунки озиқ ола кетиш йўлда халққа умид боғлаб, уларни безор қилишдан хайрлироқдир.

“Таваккул аҳллариининг сафарга чиқишда озиқ ола кетишлари жоиз эмасми?” – деб сўровчиларга жавобимиз будир:

Бутун фикри-ёдлари, кўнгиллари озиқда бўлмаслиги шарти билангина жоиздир. Зотан, уларнинг қалблари озиққа эмас, Аллоҳга боғлиқ. Чунки уларнинг Аллоҳга ишончлари жуда кучли. Аллоҳ ризқимизнинг кафилидир. Азалдан қисматимизни тақдир қилиб қўйган. Истаса, баданимизни озиқ билан, истаса, бошқа нарса билан кучлантиради, деб ишонадилар.

Ёки озиқ ола кетишдан кузатган ниятлари йўлда учраши мумкин бўлган муҳтож мусулмонларга ва ё фақир-камбағалларга ёрдам бериш ёхуд Аллоҳ ризоси учун кимга насиб бўлса, ўшаларга бериш учундир. Қалб ўзига ва ё бошқасига насиб қиладиган озиққа боғлиқ эмасдир. Ёнида озиқ ола кетган қанча-қанча кишилар борки, кўнгиллари фақат Аллоҳга ва Унинг ваъдаларига ва кафиллигига боғлиқдир.

Яна ёнида озиқ ола кетмаган қанча-қанча кишилар борки, улар халқдан мадад кутадилар. Қалблари уларга боғлиқдир. Бундайлар таваккул соҳиблари дейилмайди.

Аллоҳ буюради:

وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ

Яъни: **“Ва ўлмайдиган тирик Зотга таваккул қилинг...”**
(Фурқон сураси, 58-оятдан).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ва саҳобалари таваккул масаласида энг етук комил инсонлар бўлишларига қарамай, ёнларида озиқ ола келардилар. Бу ҳаракат таваккулларига зиён етказмасди. Агар кўнгиллари озиққа боғлиқ бўлсайди, бу оятдаги амрга уйғун ҳаракат қилмаган бўлардилар. Ҳеч қачон, ҳеч қачон! Келиб-келиб Пайғамбар Хожамиз қалбини бутун дунё хизматларига мойил этмай, бир неча луқма емакка қалбини берадими ва бу қутлуғ оятнинг амрига қарши ҳаракат қиладими?! Асло! Унинг қалби доимо Аллоҳга боғланган эди. Ишонгани, умид боғлагани У эди! Ўзининг ва саҳобаларининг ёнларида йўл озиғи ола келишларининг сабаби таваккулсизлик эмас (ҳеч қачон!), балки йўлдаги мусулмонларга ва фақирларга ёрдам кўрсатиш каби хайрли бир ният биландир.

“Ёнида озиқ ола келишнинг жоиз эканлигини англадик, ажабо, таваккул аҳлига бу айтилганларнинг қайсиниси афзалдир?” саволига жавоб будир:

Агар ёнида озиқ ола кетишнинг жоиз эканлигини халққа билдирмак мақсади билан ёки бу озиқни йўлда учраган муҳтож мусулмонларга ва камбағалларга бериш нияти билан олиб кета олса, ола кетиш хайрлироқдир. Агар фақатгина Аллоҳга ишончи, Аллоҳдан умиди тугал ва таваккули кучли бўлса, озиқ ола кетмагани яхшироқдир.

Ибодатга тўсиқ бўладиган иккинчи сабаб: инсоннинг тоат-ибодатини хайр ичида қилишига тўсиқ бўладиган **андиша ва шубҳа-ваҳмлардир**. Булардан қутулишнинг бирдан-бир чораси эса керакли тадбирларни қўлга олганингдан сўнгра бутун ишларингни Аллоҳга тафвиз (ҳавола) қилишингдир. Бундай қилишнинг икки нуқтаи назардан фойдаси бор.

Биринчиси: Бундай ҳаракат қилган кишининг қалби мутмоин (ҳузур-ҳаловат ичида) бўлади. Чунки ишнинг сўнги яхшими, ёмонми, маълум бўлмагани учун кўнгли безовталиқ туяди. Бу ишни қилиш ё қилмаслик борасида тараддуд ичида қолади, бир изга туширишни ўйлаб, ишни бажаришга интилади. Баъзан

балки ёмон бўлар, деб ўйлайди-да, ишдан воз кечади. Ҳолбуки, керакли тадбирларни қўлга олгандан кейин ишни Аллоҳга ҳавола этса, ташвиш-хавотирдан қутулади. Қалби мутмоин бўлади. Ҳузур-ҳаловатга эришади. Чунки Аллоҳга ҳавола этилган ҳар ишда муҳаққақ хайр бордир. Бунда ишнинг бузилиш эҳтимоли йўқдир. Шундай бўлгач, қалби тўқис бир ишонч ва умид ичида бўлган инсон учун ҳақиқий саодат ва катта роҳат бордир. Баъзи шайхлар ўзларига мурожаат қилганларга бундай ўгит берардилар: «Ишингни Аллоҳга ҳавола қил ва роҳатлан».

Иккинчиси: Ишнинг келажақда хайрли натижа беришидир. Чунки ҳар ишнинг охири номаълум. Қанча-қанча гуноҳ ишлар борки, хайрли кўринади. Қанча-қанча хайрли ишлар борки, уларни сен гуноҳ деб ўйлайсан. Чунки ташқарисига боқасан, ичини кўрмайсан. Шу сабабдан алданиб қоласан ва фарқиға бормасдан, фалокатга дучор бўласан.

Ривоят қиладиларки:

Бир обид Ҳақ таолодан ўзига шайтоннинг кўрсатилишини сўрайди. Шунда баъзи азизлар унга ўгит берадилар: Ишнинг охири хайрли бўлишини сўра, яхшироқ бўлади. Шайтонни кўришдан сенга нима фойда? – дейдилар. Аммо у гапга қулоқ солмади. Сўраган гапида туриб олди. Ниҳоят, Ҳақ таоло унга шайтонни кўрсатди. Обид шайтонни кўрганда урмоқчи бўлди.

Шайтон унга, агар юз йиллик умринг бўлмасайди, бир соат ўтар-ўтмас дарҳол сени ўлдирардим, деди. Шунда обид бу сўзга ғурурланди. Демак, умрим узун экан. Шундай бўлгач, бир неча йил завқу сафо суриб қолай. Нафснинг орзуларини адо этай, сўнгра тавба қилиб, яна ибодатимни бошларман, дейди ва сафоҳотга (завқу сафога маблағ сарфлашга) берилади. Бирдан ажал келади ва тавба қилишга улгурмай ўлиб кетади.

Бу ҳикояда катта бир ўгит бор. Охири маълум бўлмаган бир нарсани истама. Истагинг амалга ошиши учун туриб олма. Айниқса, ўтган ишингда узун амал ташима. Ишларингни Аллоҳга ҳавола қил, сўнг: “Эй Раббим! Қилаётган ишларимнинг қай бири хайрли бўлса, ўшанисини лутф эт ва амалга ошишини осонлаштир!” дея ёлвор. Бутун ишларингда тўғри йўлни танларкансан, Аллоҳга юз тут ва унинг мададига умид боғла ва ундан ёрдам

келишига ишон. Шундай ҳаракат қилингандан кейинги ҳар ишда албатта хайр бўлади. Бу борада Ҳақ таоло Мусо (алайҳиссалом)дан сўз юритиб, буюрадиким:

وَأَفِضْ أَمْرِي إِلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ ﴿٤٤﴾ فَوَقَّهٗ اللَّهُ سَيِّئَاتِ مَا
مَكَرُوا وَحَاقَ بِآلِ فِرْعَوْنَ سُوءُ الْعَذَابِ ﴿٤٥﴾

Яъни: **“Мен ишимни Аллоҳга ҳавола қиламан. Чунки Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчидир. Аллоҳ уни (имон келтирган одамни) уларнинг ёмон макр-ҳийлаларидан сақлади ва Фиръавн оиласини ёмон азоб ўраб олди”** (Ғофир сураси, 44–45-оятлар).

Бу амрга юрган ва ишини Аллоҳга ҳавола қилган Мусо Ҳазратларини Ҳақ таоло душманларидан кўриди. Фиръавнни ва атрофидагиларни шиддатли азоб билан жазолантирди.

“Тафвизнинг (ишни Аллоҳга қолдиришнинг) ҳақиқати, мавзуи, ҳукмлари нималардан иборат? Унинг зидди нима? – Бизга шуларни ҳам тушунтириб берингки, биз унга кўра амал қилайлик,” деган сўровга жавобимиз будир:

Инсонлар қилишни истаган нарсалар уч турли бўлади:

1 – Қилинса, мутлақ зарар ва жаҳаннам азоби эканлиги очик маълум бўлган нарсалар. Булар гуноҳ эканлиги узил-кесил билинади. Куфр (ҳақ динни инкор, ҳақни инкор этиш), маъсият (Аллоҳнинг айтганига юрмаслик, исён, гуноҳ қилиш), бидъат (динга ўзбошимчалик билан янгилик қўшиш) каби. Буларни қилмаслик кераклиги маълум бўлса ҳам қилаверилса, бу феълларни Аллоҳга ҳавола қилиш маъносиздир.

2 – Қилинса, мутлақо фойда, яхши ва ободлик келтирувчи ишлар. Булар хайрли ишлар эканлиги яққол билиниб туради.

Кишини имонли қилувчи, жаннатга киришга сабаб бўладиган ибодат, яхшилик ва ҳайрат кабилар. Буларда гуноҳ эҳтимоли бўлмагани учун мутлақо қилиниши керақдир. Буларни ҳам Аллоҳга ҳавола қилишнинг зарурати йўқ.

3 – Фойдали ё зарарли, яхши ё ёмон, савоб ё гуноҳ эканлигида шубҳа қилинадиган ишлар. Булар мутлақо хайрлими-хайрсизми,

қатъиян айтиш қийин бўлган амаллар. Нафилалар, мубоҳлар каби. Ана шу ерда тафвиз керак бўлади. Яъни, Аллоҳга ҳавола қилинадиган нарсалар, шу ё шунга ўхшаш амаллардир. Буларни мутлақо истамаслик лозим. Балки, мустасно ҳолларда ва соғлиқка яраб қолармикин деган умидлар билан тилак тиланганда:

“Эй Раббим! Хайрли бўлса, бу тилагимни амалга ошир, хайрли бўлмаса, амалга оширма!” дерсан. Мана шу ҳолни тафвиз дейдилар.

Агар ҳеч шубҳасиз хайр келсин деган тилак билан тиласанг, буни тама (тамаъ) дейдилар. Тама эса, шаръан ачинарли ҳолдир. Бу изоҳдан англаймизки, тафвиз гуноҳ бўлиш эҳтимоли бўлиб, хайр келтириши ҳам аниқ бўлмаган ишларда қилинади.

Тафвизнинг маъносини изоҳлашда олимларнинг қарашлари хилма-хилдир. Баъзиларига кўра, тафвиз сўнгида таҳлика эҳтимоли бўлган ишларни Ҳақ таолога ҳавола этишдир.

Абу Муҳаммад Санавийга кўра, тафвиз таҳлика эҳтимоли бўлган ишнинг танланишини Аллоҳга қолдиришдир. Токи Ҳақ таоло сенинг учун энг фойдали, энг хайрли бўлган ишни сенга насиб этсин.

Шайх Абу Умар дейди:

Тафвизнинг маъноси кўнгилда мавжуд бўлган тамани тарк этишдир.

Мен, Имом Ғаззолий, дейманки:

Таҳликали бўлиш эҳтимоли бор деб ҳисобланган ишнинг энг хайрли бўлишини Ҳақ таолодан сўраш, илтижо қилиб, дуо ўқиш демакдир.

Қарашларда озми-кўпми фарқ бўлишига қарамай, тафвизнинг нималиги англашилди.

Энди тама масаласига келсак, бу ҳам икки қисмга бўлина-ди: Бири – тамоман хайрсиз экани ёки хайрли бўлишига шубҳа қилинганидир. Буни солиҳ бўлиш шарти билан иташ мақбул тамадир. Бу борада Ҳақ таоло Иброҳимдан баҳс этиш орқали бундай марҳамат қилади:



وَالَّذِي أَطْمَعُ أَنْ يَغْفِرَ لِي خَطِيئَتِي يَوْمَ الدِّينِ

Яъни: **“У жазо (қиёмат) кунда менинг хато-гуноҳларим ни мағфират этишини умид қиламан”** (Шуаро сураси, 82 оят).

Иброҳим (алайҳиссалом), биз илк мусулмон бўлганимиз учун гуноҳларимизнинг афв этилишини тилаймиз, деб марҳама қилмоқдалар.

Таманинг иккинчи шакли: зарари маълум ёки шубҳали бўл ганидирки, бу динимизда тақиқланган, ачинарли, кейин пушаймон келтирувчи ҳисобланади. Тафвиз бунинг зиддидир.

Яъни, тафвизнинг зидди – сўралиши тақиқланган тамадир.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари буюрадилар:

“Тамадан сақланинг. Чунки бу – фақирликнинг ўзи”.

Баъзи дин олимлари дерларки:

Тама динни йўқ қилади, асосларини бузади, йиқилишига сабаб бўлади. Тамани йўқ қиладиган нарса эса тақводир.

Тафвизнинг тамойили бўлмиш одатларни кўникма ҳолига келтирмоқ учун ишларнинг таҳликасини ва ёмон натижаларини ўйлаган ҳолда ҳаракат қилиш керак бўлади. Шундан сўнг бу таҳликалардан қутулишнинг қийинчилик ва машаққатларини ҳам назарда тутиш лозим. Мана шу икки асосни ўйловчи ва шунга мувофиқ ҳаракат қилувчилар барча ишларини Ҳақ таолога ҳавола этадилар, ташвишу хавотирлардан қутулиб, ҳузур-ҳаловатга эришадилар.

“Ажабо, биз қандай таҳликалар қаршисида ишимизни Аллоҳга ҳавола қилайлик?” саволига жавобимиз будир:

Бутун таҳликалар икки қисмга бўлинади. Биринчиси: исталган нарсанинг амалга ошиши ё ошмаслиги ҳақида ёки бўлсинми-бўлмасинми, дея тараддудга ва шубҳага тушилади.

Иккинчиси: исталган нарса амалга ошса, бу фойда келтирадимми ё келтирмайдими, дея тараддудга тушилади.

Мана шу иккинчисида ишни Аллоҳга ҳавола этиш вожибдир. Чунки ишнинг сўнгида таҳлика эҳтимоли бор. Демакки, таҳлика эҳтимоли бўлган ҳар ишда тафвиз лозим.

Қаерда ва қайси ишларда тафвиз қилиниши керак?

Бу хусусда олимларнинг хилма-хил қарашлари мавжуд.

Баъзиларига кўра, гуноҳ эҳтимоли бўлган ҳар ишда бир таҳлика бор. Бу – тафвизни (Аллоҳга ҳавола этилишни) керак қилади. Бунга кўра, имонда, суннатда (Пайғамбарнинг йўлида бўлиш) ва тўғрилиқда таҳлика эҳтимоли йўқ. Чунки имон Исломнинг асосидир. Суннат узра тўғри йўлда ва имонли бўлган кимсада гуноҳ қилиш эҳтимоли бу сабабдан имонли, тўғри ва Пайғамбар йўлида бўлган кишининг хайрли иши ҳам кўп бўлганлигига қараб ҳукм қилинади ва шу тариқа қатъий ниятга борилади.

Баъзи олимларга кўра, таҳликали бирон нарса одамни тафвизга муҳтож қилади: у бирон иш қилаётганда ўртада кутилмаган бошқа бир иш чиқиб қолади ва шунда дарҳол биринчи ишни қўйиб, иккинчисини қилиш мажбуриятида қоларкан, таҳлика эҳтимоли юз кўрсатади. Бу изоҳга кўра, мубоҳ, суннат ва фарз бўлган амалларда ҳам таҳлика юзага келади. Масалан, бир кимса пешин намозини адо этаркан, мусулмонларнинг таланиши бошлангани ёки бир жойда ёнғин чиққани каби бир таҳлика қаршисида қолаётганларини эшитса, намозини қолдириб, юз берган ҳодисага аралашиши, одамларни қутқаришга югуриб, намозни қазога қолдириши лозимдир. Чунки бир вақтга тўғри келган бу икки ҳодиса ҳам фарздир. Жабрланганларга ёрдамлашиш, фалокатни ўнглаш иши ҳам савобдир. Намоз баҳонасида ўзини четга олса, хато қилган бўлади. Бундай ҳолларда мубоҳларни, нафилаларни ва баъзи фарзларни охирига етказиш мутлақ шартдир, дея ҳукм қилиш жоиз эмасдир. Яъни, бу ўринда намозини давом эттираркан, қатъий ниятга бориб бўлмайди.

“Ҳақ таолонинг бандаларга фарз қилган бир амалини тарк этиш – азобга сабаб бўлади, дейилгандан кейин, ўз навбатида, тарк қилиниши хайрлироқ бўлишини қандай изоҳлаб берасиз?” деган саволга жавобимиз будир:

Баъзи олимларга кўра, Ҳақ таоло буюрган ибодатни тўсиқлардан узоқ бўлгандагина адо этасан. Лекин тўсиқлар юзага келганда бу тўсиқларни ўнглаш учун ҳаракат қилиш маъқулроқдир. Чунки бу ҳам бирон фарқ бўлиши мумкин. Уларни тарк этиб кетишнинг зарари кўпроқ бўлиши эҳтимол (юқоридаги мисол каби). Бундай

ҳолларда обидларнинг баъзи тўсқинликлар сабабли фарзларни тарк этишдаги узрлари мақбулдир. Бунинг эвазига савоб бор, албатта. Чунки динда зўрлик йўқдир. Энг яхши нарса учун яхши нарса тарк этилади ва савобга эришилади. Бамисоли бармоғини илон чаққан бир кишининг вужудига заҳар ёйилиши билан ўлим хавфи ортинининг эҳтимоли борлиги сабабли бармоқнинг кесиб ташланиши, катта зарарнинг олдини олиш учун кичик зарарнинг амалга оширилиши мажбурий бўлганидай...

Баъзи олимлар дерки:

Ҳақ таоло фарз қилган намоз, рўза, закот каби ибодатлар адо этилишини ишташ тўғридир. Фақат мубоҳ ва нафилалардагина тафвиз ўринлидир. Фарзларда ўринли эмас. Фарзларга зарар этишининг эҳтимоли борлиги бизнинг фикримиз тўғрилигини кўрсатади.

“Бу дунё бало, мусибат ва фалокатлар еридир. Бундай вазиятда киши Аллоҳга боғланиб, ишни унга ҳавола этаркан, натижа ўзига фойдали бўлажакка аниқ ишонса бўладими?” саволига жавобимиз будир:

Абу Умарга кўра: Кўп ҳолларда ишни Аллоҳга ҳавола этган тафвиз аҳли учун хайр ва савоб бордир. Ишлари хайр билан якунланади. Жуда оз ҳолларда акси бўлиши ҳам мумкин. Баъзан исён сабаби билан тафвиз соҳибига зарар келади ва тафвиз мақомидан тушади. Исён сабаби ила зарар кўрган бандалар учун яхши натижа йўқдир. Чунки хайр ва яхшилик гуноҳларнинг афв этилиши ва айбларнинг ўраб ташланиши демакдир. Мутлақо ҳақир ва қирғин қилиш маъносини билдирмайди.

Бир қатор олимлар дерларки:

Тафвиз соҳиби, модомики ишини Аллоҳга ҳавола қилган экан, унинг иши яхшиликдан бошқа файз бўлмайди, яъни иши яхши натижаланади. Бундай қараш Абу Умарнинг қарашидан устундир. Чунки бандаларни тафвизга жалб этган нарса жуда кучли маънога эга.

“Ишини Аллоҳга ҳавола этганнинг ўша ишини энг (яхши) натижа билан тугатмоқ ва энг хайрли тарзда осонлаштирмоқ Ҳақ таолонинг устида вожибми?” саволига жавобимиз будир:

Ҳақ таолонинг устида бандалари учун ҳеч бир нарса вожиб эмас. Лекин лутфининг, фазли карамининг кераги шудир: доимо бандасига – тафвиз соҳибига энг фойдалисини ва энг хайрлисини бермакдир.

Баъзан ҳикматининг ижобати тарзида бандаларини энг фойдали ишга жалб этади. Масалан, Ҳақ таоло Пайғамбар ҳазратлари билан саҳобаларига баъзи сабабларда тонг отгунга қадар уйқу берарди. Кеча ва тонг намозларини қилолмасдилар. Ҳолбуки, ибодат уйқудан ҳам фазилатлироқдир. Баъзи бандаларига дунё неъматларини беради. Ҳолбуки, бойлик, мол-дунёнинг масъулиятларини қилолмаслик эҳтимоли борлиги учун фақирлик ундан уч-тўрт чандон устундир. **Баъзи бандаларига бола-чақа, фарзанд насиб этади. Улар хайрсиз бўлишлари эҳтимоли борлиги учун бола-чақадан маҳрум бўлиш уч-тўрт чандон устундир.** Ҳақ таоло бандаларининг ҳолини яхшироқ билади ва кўради. Ахир, нозик ва шафқатли табиб беморига хасталик ижобига кўра, арпа сувини шакар шарбатидан фойдалироқ бўлгани учун беради-ку! Ҳақ таоло ҳикматининг ҳам кераги ўлароқ устунроғини зарарга сабаб бўлгани учун бермайди. Бундай пайтда энг фойдалиси устунроғини тарк этмоқдир.

“Баъзан бир ишнинг фазилатли ё фойдали эканлиги маълум бўлмайди. Бу тақдирда энг яхшисини танлаш қандай бўлади?” саволига жавобимиз будир:

Ишларнинг фойдали бўлиши кўпинча яшириндир. Фазилат бунинг аксидир. Одамларнинг аксарияти фазилатлини идрок этади-ю, фойдалисини идрок этолмайди. Фойдали эканлиги кўриниб турган жойда тафвизсиз у ишни қилиш жоиздир. Фазилатли эканлиги номаълум бўлган жойда тафвиз қилиш вожибдир. Бу изоҳдан англашилдики, фазилатлисини тиламак ўзига энг яхши бўлган нарсани фойдали ишларда истамакдир.

Бу ҳам жоиздир. Лекин банда учун бунда бир турли эзилиш бўлади. Энг яхшиси бутун ишларда Ҳақ таолога ишни ҳавола қилиш ва Аллоҳга таслим бўлишдир. Намозни қазога қолдириши мазҳабимизнинг ҳақ қараридир. Чунки айна замонга тўғри келган бу икки иш ҳам фарздир. Булардан аҳамияти кўпроғини қилишда савоб кўпроқдир. Тарк

этса, хато қилган бўлади. Бундай ҳолларда мубоҳларни, нафилаларни ва баъзи фарзларни адо этиш тамомила яхшироқдир, дея ҳукм этиш жоиз эмасдир. Яъни, бундай қилганда, қатъий ниятга бориб бўлмайди.

Бундай ҳолда банда ҳар не келишига ҳам рози бўлсин ва шукр қилсин. Бу ишнинг назокатларини ва сирлилигини фақат мукошафа (яширинларни кўра билиш) мартабасига эришганлар идрок этадилар. Биз бу хусусда билганимизча фикрларимизни баён этдик. Асил ҳақиқатни фақат Ҳақ таоло билади.

Ибодатга тўсиқ бўладиган сабабларнинг учинчиси: ҳар тарафдан инсоннинг бошига ёғиладиган мусибатлар, бало ва сиқилишлардир. Иш шайтонлар билан олишишдан, нафс билан мужодала қилишдан бошланади. Буларнинг инсонда вужудга келтирадиган руҳий сиқилишлардан қутулиш учун бирдан-бир чора сабр этишдир. Инсонни бу балолар қаршисида сабр қилишга чорлайдиган икки сабаб бор:

1 – Мақсадга етишиш ва ибодат қила билиш учун сабрли ва чидамли бўлиш лозим. Чунки ибодат қийинчиликка чидаш, балоларга сабр қилиш демакдир. Сабр қилмаганлар мақсадларига эришолмайдилар, ибодатлари билан бирон нарсага муваффақ бўлолмайдилар. Тоат ва ибодат ичида бандаси турли мусибат ва балоларга дучор бўлиши мумкин. Сабр қилмай туриб буларни ўнглаш ва улардан ҳимояланиш мумкин эмас. Буларнинг бир қисмини маълум қилиб ўтай:

А – Ибодат нафс учун катта заҳмат ва оғир юкдир. Орзуларини енгиб, нафсига ҳоким бўлолмаганлар ибодатга берилолмайдилар. Бу эса инсон учун қийин ва заҳматли бир ишдир. Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло бандаларини ибодатга ташвиқ этган ва эвазига катта савоблар беражагини ваъда қилган.

Б – Заҳмат ва фидокорликни керак қиладиган тоат ва ибодатга риё ва кўз-кўз қилиш аралашмаслиги керак. Акс ҳолда, бутун меҳнатлар зое кетади.

В – Бу дунё ғам-ташвишлар ва машаққатларга тўла бир дунёдирки, одамни турли мусибатлар билан юзма-юз келтиради. Оиласи, болалари, хеш-ақрабо ва дўстлари ўлади. Бундан бениҳоя эзилади. Баъзан вужудига кутилмаганда, худди тасоди-

фан келгандай оғриқлардан, хасталиклардан беҳузур ва роҳатсиз бўлади. Баъзан бошқалардан кўрган вафосизлик, душманлари билан қилган мужодаласи сабабли, ўзи ҳақида тўқилган ғийбату тухматлар ва бошқа ёмонликлар касридан ғамга кўмилади. Баъзан табиий офатлар, ўғрилиқ юз бериши ва ё ишининг орқага кетиши сабабли мол-мулкидан айрилади ва хонавай-рон бўлади. Буларнинг ҳаммаси у ё бу даражада бир-биридан фарқланувчи, одамни эзадиган ҳодисалардир. Уларга сабр этилмаса, инсоннинг кўнгли доим алағда бўлгани учун ибодат қилолмайди.

Г – Дунёдан кўра охиратга кўпроқ боғлиқ бўлганларнинг чекадиган ғам-ташвишлари янада зиёдадир. Инсоннинг Аллоҳга яқинлиги ортган сари бошига тушадиган бало ва офатлар ҳам ортиб боради. Фақирлиги ҳам зиёда бўлади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай деб марҳамат қиладилар:

“Дунёда балоларнинг энг шиддатлиси, фақирликларнинг баттариға мубтало бўлувчилар бу – пайғамбарлардир. Ундан кейин авлиёлар, шаҳидлар, тақводорлар ва шуларга ўхшаган солиҳ кишилардир”.

Бу ҳадисдан бизга аён бўладикки, Аллоҳ йўлида бўлганлар ҳар замонда ғам-аламларга, қийинчиликларга учрайдилар. Ўшандай ҳолда ҳам тоат-ибодатда бўладилар, бошларига тушган бало ва мусибатларнинг мотамлари билан ўралашмай, сабр этадилар, мақсадларига эришадилар ҳамда буюк савоблар қозонадилар. Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло имонли бандаларига бало ва ғам-аламлар келажагини, шунда улар буларга чидашлари кераклигини бундай хабар қилади:

لَتُبْلَوْنَ فِيْ أَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ ... وَإِنْ تَصَبَرُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ

ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ

Яъни: **“Албатта, молу жонларингизда имтиҳон қилинурсизлар** (яъни Аллоҳ мол ва жонларингизга хилма-хил офату балолар юбориб, имонингизни текшириб кўрар)... **Сабр қилсангиз ва**

тақволи бўлсангизлар, нажот топасиз” (Оли Имрон сураси, 186-оятдан).

Бу оятдан Аллоҳ йўлига кирганларнинг турли бало ва ғам-аламларга дучор бўлажаги ва буларга **сабр** этган, чидаганларнинг азимли кишилар эканлиги ва шу боис эртами-кечми мақсадларига эришажаклари тушунилади.

Буюк зотлардан Аллоҳ раҳмат қилгур Фазл дерки:

Охират йўлини эсон-омонлик билан ўтмоқчи бўлган азим мўмин кўйидаги тўрт турли ўлимни назаридан қочирмасин:

Оқ, қора, қизил, яшил ўлим. Оқ ўлим очликда ўлишдир, қора ўлим халқ нафратига қолиб ўлишдир, қизил ўлим шайтон билан олишиб ўлишдир, яшил ўлим бошқа бало ва мусибатлардан ўлишдир.

Сабр этишни керак қилувчи иккинчи сабаб: сабр қилувчиларга дунё ва охират ҳаётлари учун ўн фойда бордир:

1 – Сабрли бўлганлар шиддатли балолардан қутуладилар. Бу борада Ҳақ таоло бундай буюради:

وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا

Яъни: “**Ким Аллоҳдан қўрқса** (Аллоҳ) **унга бир қутулиш йўлини эҳсон этади**” (Талоқ сураси, 2-оятнинг охири).

Демак, сабр этиб, Аллоҳдан қўрққанлар ғам-аламлардан қутуладилар.

2 – Душманларидан устун келиб, уларни енгадилар. Бу борада Ҳақ таоло ўз Элчиси Пайғамбар ҳазратларига хитобан бундай буюради:

فَاصْبِرْ إِنَّ الْعَقِيبَةَ لِلْمُنْفِقِينَ

Яъни: “**Сабр қил, оқибат-натижа ҳеч шубҳасиз Аллоҳдан қўрқувчи кишиларникидир**” (Худ сураси, 49-оятнинг охири).

3 – Сабр қилган киши мақсадига етишади. Бу борада Ҳақ таоло бундай маълум қилади:

وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ الْحُسْنَىٰ عَلَىٰ بَنِي إِسْرَءِيلَ بِمَا صَبَرُوا

Яъни: “**Раббининг Бани Исроилга берган ўша гўзал ваъдаси (фалокатларга) сабр қилганлари сабабли тўла-тўқис адо этилди...**” (Аъроф сураси, 137-оятдан).

Дейдиларки: Ёқуб (алайҳиссалом)нинг юборган мактубига жавобан ҳазрат Юсуф (алайҳиссалом) бундай марҳамат қилганлар:

“Оталаринг сабр этдилар, музаффар бўлдилар. Сен ҳам сабр эт, улар каби зафар топ”.

4 – Сабр қилганлар халқ етакчиси бўладилар. Бу борада Ҳақ таоло бундай дейди:

وَجَعَلْنَا مِنْهُمْ آيَةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا لَمَّا صَبَرُوا

Яъни: **“Улар сабр-тоқат қилишгач, биз улардан ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик”** (Сажда сураси, 24-оят).

5 – Сабр қилганлар Ҳақ таоло томонидан ёқтирилган бандалардир. Аллоҳ ўз Расули таърифида бундай марҳамат қилади:

إِنَّا وَجَدْنَاهُ صَابِرًا نَعْمَ الْعَبْدُ إِنَّهُ أَوَّابٌ

Яъни: **“Дарҳақиқат, биз уни сабр қилгувчи ҳолда топдик. У нақадар яхши бандадир. У ҳақиқатан Аллоҳга қайтгувчи (бир зот) эди”** (Сод сураси, 44-оятдан).

6 – Сабр қилиш салават, раҳмат ва ҳидоят билан бирликда бир муждадир (яъни суюнчли хабардир). Бу борада Ҳақ таоло бундай буюради:

“Сабр қилганларга Аллоҳнинг лутфини хабарла. Улар бирон мусибатга дучор бўлган чоғларида: Биз Аллоҳга таслим бўлганлармиз. Охиратда Унга қайтамиз, дегувчилардир. Раббиларининг мағфирати ва раҳмати уларнинг устидадир ва улар тўғри йўлга эриштирилганларнинг ўзгинасидирлар” (Бақара сураси, 155–157-оятлар).

7 – Сабрли бўлганлар Аллоҳнинг севгисини қозонадилар.

Ҳақ таоло буюради:


“Дарҳақиқат Аллоҳ сабр қилганларни севади”.

8 – Жаннатда сабр қилганларга юксак даража ва мартабалар эҳсон этилади. Ҳақ таоло хабар беради:

أُولَٰئِكَ يُجْزَوْنَ الْغُرْفَةَ بِمَا صَبَرُوا وَيُلَقَّوْنَ فِيهَا مَحَجَّةً وَسَلَامًا


Яъни: **“Ана ўшалар сабр-қаноат қилганлари сабабли (жаннатдаги) юксак даражалар билан мукофотланадилар ва у жойда (фаришталар томонидан) салом ва омонлик билан қарши олинадилар”** (Фурқон сураси, 75-оят).

9 – Сабр қилганлар катта иззат-икромларга ноил бўладилар. Бу борада Ҳақ таоло марҳамат қилади:



Яъни: **“Сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли сизларга салом бўлсин! Бу охират дунёси нақадар гўзал!”** (Раъд сураси, 24-оят).

10 – Сабр қилганларга саноқсиз ажр-мукофот ва савоб берилади. Бу борада Ҳақ таоло хушхабар қилади:



Яъни: **“Ёлғиз сабр қилганларга мукофотлари ҳисобсиз ҳолда ўтанилади”** (Зумар сураси, 10-оятнинг охири).

Бу қандайин буюк лутф ва саодатки, Ҳақ таоло мусибат ва балоларга бир соат сабр этган бандаларига ҳам саноқсиз фазилатлар ва ҳисобсиз савоблар эҳсон ва икром қилади-я!

Бу изоҳу тушунтиришлардан дунё ва охират учун энг хайрли ва шарафли нарсалардан бири сабр қилиш эканлиги англашилди, албатта.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳам бунинг аҳамиятини шундай белгиладилар:

“Турли хайрлар ичида ҳеч кимсага сабрдан фазилатли ва хайрли бир неъмат берилмади ва берилмайди”.

Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратлари бундай деб марҳамат қилганлар:

“Мўминларнинг энг катта хайри бир соат сабр қилмоқдир. Эй азиз, бу яхши феъл ва бебаҳо сифатдан ғофил қолма. Унга эътибор бер ва уни ўзингга татбиқ этки, бу дунёда роҳат қиласан, охиратда ажру мукофотлар ва савоблар қозонасан”.

“Ажабо, сабрнинг чинакам маъноси нима, у қандай ҳукмга эга? Зидди нима?” – деб сўралса, жавобимиз будир:

Сабрнинг луғавий маъноси қамамоқдир.

Ҳақ таоло ўзининг Расулига бундай деб буюради:

وَأَصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ

Яъни: “**Эртаю кеч Раббига (фақат) Унинг Жамолини тилаб дуо қиладиган зотлар билан бирга сабр қил...**” (Каҳф сураси, 28-оят).

Бу ерда Аллоҳ ўз Элчисига, нафсингни улар билан бир жойга қама, деб буюрмоқда.

Шаръий маънода сабр – кишининг нафсига турли гуноҳ ишларни (чунончи, фасодни) ман этишидир.

Олимларга кўра, бу сўзнинг ўзагида бало ёғилган пайтларда кўнгилнинг ғамгинликка ботиши маъноси мавжуд.

Баъзиларига кўра, ўзак маъносида балодан қутулишни мақсад этиш бор.

Бу икки қарашга кўра, сабрнинг зидди: хавотирланиб югур-югур қилиб қолиш, эсанкирашдир.

Сабрнинг тамойили: жазава, яъни югур-югур билан бало ва фалокатдан келадиган зарарларнинг ўрнини қоплаш мумкин эмаслигини ўйламоқдир.

Сабрга кўникишнинг энг таъсирли чораси, сабрлиларга Аллоҳнинг берадиган неъматларини ўйламоқдир.

Ибодатга тўсиқ бўладиган сабабларнинг тўртинчиси: Аллоҳнинг инсонларга бергани ва тақдир этгани қазолардир.

Булардан келадиган хафаликлардан қутулиб, ҳузурга етишнинг бирдан-бир чораси Аллоҳ берган бу қазоларга рози бўлмоқдир.

Қазога розилик кўрсатишнинг икки фойдаси бор.

Биринчи фойдаси: қазога рози бўлсанг, ибодатингни роҳатланиб адо этасан. Чунки қазога рози бўлмасанг, хафалигинг ортади. Доимо қалбинг қайғу билан тўлиб-тошади.

Зеҳн уни қувиш билан машғул бўлади. Шунинг учун ҳам ибодатингни роҳатланиб адо этолмайсан. Кишининг қалби

битта, ўйлаш маркази битта. Қалбингни хафалик билан тўлдираверади. Зеҳнингни дунё ўйлари билан машғул қилиб қўйсанг, охиратни ўйлаш ва Аллоҳни ёд этиш учун ўрин ҳам, вақт ҳам қолмайди.

Бир атоқли зот дейдики:

Ўтмишдаги ишларни кавлаштириб масала чиқармоқчи бўлган одам келажакдаги ишларга тадбир топиш учун ўйлайдиган вақтининг баракотини йўқотади.

Иккинчи фойдаси: Аллоҳнинг қазо ва тақдирига рози бўлган киши унинг хафагарчиликларидан қутулади.

Дейдиларки:

Пайғамбарлардан бири бошига келган баъзи фалокатлар хусусида Аллоҳга шикоятлар қилди.

Ҳақ таоло унга ваҳий юбориб, бундай амр этди:

Мендан шикоят қиляпсанми? Мен сенинг шикоятингга қулоқ солмайман. Чунки сен ғайб оламининг сирларини билмассан. Азалдан қадаринг шундай ёзилган. Менинг қазо ва қадаримга нечун рози бўлмаяпсан? Дунё низомини, Лавҳул Махфузни сенинг учун ўзгартиришимни истаяпсанми? Ўз тилагим асосида эмас, сенинг тилагинг асосида ҳаракат қилиб, муқаддаротни тайин этайинми? Сенинг бандалигинг, менинг Рабблигим шунга керакми – сенинг тилагинг адо этилсин-у, менинг тилагим адо этилмасинми? Қалбингни бу фикрлардан тозала! Йўқса, Азаматим ҳаққи учун, сенга берганим Пайғамбарлик рутбасини оламан ва Жаҳаннам оташига отаман!

Эй азиз, Ҳақ таолонинг бу қўрқинч танбеҳини ҳар вақт ёдингда тут. Қазо ва қадарига рози бўлмай шикоят қилган Пайғамбар ва авлиёларини Ҳақ таоло шу даражада қаттиқ озорлаб, оқибати қандай бўлишини билдириб турганда, шикоятлар қилган бандаларининг ҳоли не бўлажаги тўғрисида ўзинг ўйлаб кўр. Эътибор бер, Ҳақ таоло ўз Пайғамбарига яна бир шундай нарсани хаёлингдан ўтказсанг, сени жаҳаннамда ингратаман, деб огоҳлантирмоқда. Бало-қазога нисбатан сабр қилмай бақириб-чақириб, Раббингдан шикоят қилиб, дунёни йиғилар ва фарёдларга тўлдирган инсонлар учун қиёмат кунида бериладиган илоҳий жазо қандай бўларкин! Бутун умрида бир мартагина

шикоят қилган бир Пайғамбар шундай азобланса, ҳар вақт шикоятда бўлган одамларнинг ҳоли не кечаркин? Сўнгра ўзига шикоят қилганларга Аллоҳ шундай жавоб берган бўлса, ўз ҳолидан одамларга шикоят қилганларга қандай бир жавоб беражагини ўйла. Мен бундай ҳаракат қилмоқдан Ўзи асрашини ва бизни ҳар қандай қазога рози бўлганлар зумрасига қўшишини сўраб Ҳақ таолога ёлвораман.

“Қазога розилик кўрсатиш нима дегани, унинг ҳукми нимадан иборат?” деган саволга жавобимиз бу:

Дин олимларига кўра, қазога рози бўлиш дегани, кишининг Ҳақ таоло тақдир этган нарсадан бошқасини ўзи учун хайрли ва фойдали деб билмаслигидир, яъни Аллоҳдан нимаки келса, уни ўзи учун хайрли билиб, қазо ва қадарга бўйин эгиши, ҳеч бир шикоятда бўлмаслигидир.

“Ёмонликлар, гуноҳлар Ҳақ таолонинг қазо ва қадари билан майдонга келмайдими? Тақиқланган бу турли феълларга рози бўлишимиз керакли эканига кўра, бу ҳаракатимиз илоҳий амрга қарши бориш ҳисобланмайдими?” саволига нисбатан жавобимиз будир:

Аллоҳнинг тақдир ва ҳукмига, қазосига рози бўлиш вожибдир.

Тақдир ва ҳукм гуноҳ ёки ёмонлик эмас. Гуноҳ қилиш – бу феълдир, ёмонликнинг ўзгинасидир. Қазога рози бўлишимиз билан гуноҳни қабул қилган бўлмаймиз. Биз феълнинг ўзига эмас, тақдирга рози бўламиз. Чунки гуноҳ банданинг, тақдир эса Аллоҳнинг феълдир. Аллоҳнинг феълда гуноҳ йўқдир.

Дин олимларининг бу хусусдаги фикрларини тавсифлаб чиқсак, бу масала янада ойдинлашган бўларди.

Олимларга кўра, **Аллоҳнинг инсонлар учун тақдир этган нарсалари тўртга бўлинади:**

1. Неъмат.
2. Шиддат (заҳмат).
3. Хайр.
4. Гуноҳ.

Неъматга ризо вожибдир. Неъматнинг ўзига, у неъматни берганга ва инъомига рози бўлиш ва шукр қилиш вожибдир.

Аллоҳнинг бергани ҳар турли неъматга нисбатан (оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам) шундай муносабатда бўлиш лозимдир.

Шиддатга ҳам ризо вожибдир. Яъни, Аллоҳнинг тақдир этгани заҳмат ва машаққатга (қазога ҳам) рози бўлиш, тақдир этганга ва тақдирга шукр қилиш, заҳматларга сабр этиш вожибдир.

Хайрга ҳам ризо вожибдир. Хайр билан якунланган ишга, буни тақдир этганга ва унинг ҳукмига рози бўлиш ва бунга нисбатан миннат ва шукрона бурчини ўташ вожибдир.

Гуноҳга келинса, бу феълни тақдир этганга, тақдирга, яъни Аллоҳнинг ҳукмига розилик кўрсатиш вожибдир. Лекин феълнинг ўзига розилик кўрсатиш вожиб эмас. Ёлғиз Аллоҳнинг тақдири бўлгани учунгина тақдирга розилик кўрсатилади. Аммо феълга розилик кўрсатилмайди. Бу бамисоли муҳолифнинг фикрларини тинглаб ўрганишга рози бўлган ва лекин уларнинг татбиқини ёқтирмаган кишининг ҳолига ўхшайди. Ёхуд ўз мазҳабидан бошқасини ўрганишга ҳаракат қилган ва лекин ўрганганларини адо этмаган кишининг вазияти кабидир. Гуноҳ ҳам шундайдир. Аллоҳнинг тақдири бўлгани учун розимиз. Лекин гуноҳ бўлган ҳаракатга, феълга рози эмасмиз.

Энди ибодатга монелик қиладиган бу тўрт тўсиқ ҳақида янада батафсилроқ тўхталамиз.

РИЗҚ

Юқорида таҳлил қилинган бу тўрт тўсиқдан ҳар бирининг айри бир иши бор. Ичларида энг зўр бўлгани ризқдир. Топиш-тутиш дардидир. Бу ҳар инсон учун бош оғритувчи бир дарддир. Инсонни кўп қийнайди, ўйлантиради ва кўп овора қилади. Нафсга изтироб, қалбга ғамгинлик ва андиша беради. Оқилларни мулоҳазага чўмдирса, ғофилларни телба қилиб юборади. Гуноҳларни орттиради, амалларнинг ҳавога кетишига сабабчи бўлади, топган-тутганларини совуради. Обидларни ибодатларидан чалғитади. Кеча демай, кундуз демай, бу вафосиз дунё билан овора қилиб қўяди. Шу сабабли одамзод қоронғилик, ғафлат, хорғинлик ва ёлғизликда зиллат ва сафолатда (тубанликда ва

қашшоқликда) кун кечирази. Маъюслик, сарсонликлар Аллоҳни эслашга, ибодат қилишга имкон бермайди. Қиёмат кунида Эгасининг ҳузурига қўли бўш кетади. Сўроққа жалб қилинади, узун муддат одамни қовурадиган азоблар ичида аччиқ-аччиқ йиғлайди ва афсуслар қилади. Кўзингни каттароқ очиб диққат билан кузат, кўр ва ўқи, ахир, Ҳақ таоло ризқ борасида шу қадар очик-ойдин оятларни индирди. Ҳаммасида банданинг ризқини кафиллаб қўйганини ҳатто қасам ичиб билдирди. Пайғамбарлар, авлиёлар, олимлар бу хусусда инсонларга қанчадан-қанча ваъзу насиҳатлар айтишди. Тўғри йўлни кўрсатувчи не-не китоблар ёзишди. Қўрқув ва таҳдид билан тўла неча-неча мисолларни келтиришди. Лекин буларнинг ҳаммаси инсонларни ҳидоят йўлига киритолмади. Ҳақ таолонинг бунча лутфи, ваъда кафилликлари кўнгилларини тинчлантира олмади. Аксинча, янада катта ҳирслар билан ва тўрт қўллаб дунёга осилдилар, топиш-тутиш дардига тушдилар. Бир лаҳза бўлса-да ибодатларини қалб ҳузури билан адо этолмадилар.

Бунинг сабаби Аллоҳ оятларидаги чуқур маъноларни, яратган мавжудотлари ва асарларидаги сўнгсиз ҳикматларни, ҳайратлантирувчи мўъжизаларни ўйламасликлари, пайғамбарларнинг, авлиёларнинг, олимларнинг сўзларини тингламаганликлари ва улар айтиб берган мисоллардан ибрат дарси олмаганликларидир. Шайтоннинг васвасаларига, жоҳилларнинг йўлдан оздирувчи ва алдоқчи сўзларига учганларидир. Мияларига ўрнашиб қолган бу ҳақиқатга хилоф фикрлар билан қалбларини тўлдирган шубҳа ва ризқларини тадорик этиш хусусидаги ишончлари устида титраб-қақшашлари ва янада кўпроқ топиш-тутиш дардига тушишларидир.

Лекин ижтиҳод арбоблари, басират эгалари, ақли бошида, феъли-ҳуйи пок, имони тўқис кишилар қалбларини Аллоҳга боғлайдилар ва ёлғиз ундан ёрдам кутадилар. Сабабларга бош уришдан кўра кўпроқ унинг лутфига суянадилар ва топиш-тутиш борасида унинг амр ва ўғитлари асосида ҳаракат қиладилар. Шайтоннинг қутқу тўла васвасаларига, нафснинг шубҳа ва даъватларига, одамларнинг ҳовлиқма сўзларига алданмайдилар ва қулоқ солмайдилар. Қалбларидаги кибр ва ғурурни ўлдирадилар,

одамлар билан бекорчи алоқаларини озайтирадилар. Агарда одамлар, шайтон ва ё нафс ҳар доимгидай ҳийлалар билан миниб олмоқчи бўлсалар, хужум қилиб, йўлдан тойдиришга уринсалар, бу солиҳ инсонлар улар билан муносабатда дарҳол мудофаага ўтадилар ва улар билан олишиб шайтонни чекинишга, одамларни ўзларидан йироқлашишга мажбур қиладилар. Нафсларини эса жиловлаб оладилар. Шундай қилиб, қаршиларида тўғри йўлдан оздирувчи ҳеч қандай тўсиқ қолмайди.

Ривоят қилишларича, бир кун Иброҳим ибн Адҳам озиқ-овқатсиз, уловсиз ҳажга кетишга қарор қилади. Шу пайт қаршисида шайтон пайдо бўлади ва: “Бундай узоқ бир сафарни қандай амалга оширасан? Хусусан, кимсасиз бир чўлдан, озиқ-овқатсиз ва уловсиз қандай ўтасан? Ўзинг билан бирга озиқ-овқат олиб кетмасанг, ҳаётинг таҳликага тушади-ку?” – дейди ва қалбини шубҳа-гумонлар билан тўлдиришга уринади. Иброҳим азм этади. Қарорини ўзгартирмайди. Ва озиқсиз, уловсиз йўлга чиқади. Бир чақирим юрганда икки ракат намоз ўқийди. Ният ва азму қарорида турган Иброҳим саҳродан фақат ўн икки йилда ўта олади. Ўша пайтда ҳажга кетган Хорун Рашид чўлда намоз ўқиётган бир одамни кўради. Кимлигини сўрайди. Иброҳим ибн Адҳам, дейдилар. Хорун унинг ёнига келади ва: “Эй Абу Исҳоқ! Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?” – деб сўрайди. Иброҳим бундай жавоб беради: “Динимиздан кесиб олиб, дунёмизни ямадик. Биз учун на дин қолди, на ямаган дунёмиз қолди. Бу оламда қалбини Аллоҳга боғлаб, дунёсини охирати учун чилпарчин қилган кишига на юксак саодат, на баҳси бичилмайдиган илоҳий эҳсонлар топилади.”

Яна шундай ривоят қиладилар: Бир куни солиҳ зотлардан бири чўлда йўлчиликка чиқади. Шайтон унга яқинлашади ва:

“Сен ёлғизсан. Бу саҳрода на шаҳар бор, на-да қишлоқ. Еса бўладиган бирон нарса топилмайди. Йўлларда оч қоласан, паришон бўласан”, дейди. У зот эса шайтонга қарама-қарши иш тутиб, озиқ-овқатсиз йўлга чиқишга, ҳеч зоғ кўрмайдиган танҳо йўллардан юриб, оғзига ёғ билан асал олмагунча оғзини очмасликка ва ҳеч бир нарса емасликка аҳд қилиб, сафарга отланади. Ҳеч кимса юрмаган йўллардан кета бошлайди. Бир муддат юргандан кейин

йўлидан адашган бир карвон қувиб келаётганини кўриб қочади. Карвон уни кўради ва унга етиб олади.

– Кимсан?! – дейиши билан ерга ётиб олади ва кўзларини юмади. Овози чиқмаётганини кўрган сарбон:

– Бу ҳар ҳолда очликдан ҳушини йўқотган бўлса керак, бир оз ёғ билан асал олиб келинглар, едирайлик, балки, ўзига келиб гуллаб қолар, – дейди. Оғзини юмиб тишларини зичлаб олганига қарамай, пичоқ билан тишларини очиб, оғзига ёғ билан асал тикадилар, шунда у чидай олмай кулиб юборади.

– Жиннимисан, нимасан? – деганларида,

– Йўқ! – дейди ва шайтон билан орасида бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилади. Карвон эса бу илоҳий қудрат қаршисида ҳайрат ичида қолиб, йўлида давом этади.

Солиҳ зотлардан яна бири йўлчилик асносида бошидан ўтган бир воқеани бундай ҳикоя қилади:

“Бир кеча қоронғилик босган паллада бир шаҳарга яқинлашдим. Чеккада бир масжид кўрдим. Уйлардан озроқ узоқда эди. Ёнимда озиғим йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ўша масжидда қолишга қарор қилдим. Лекин шайтон зеҳнимга кирди ва:

– Бу ер аҳоли яшайдиган жойлардан анча узоқ; шаҳарнинг ичидаги масжидлардан бирига кетки, халқ сени кўрсин, меҳмон қилсин, егулик берсин, – деди.

Мен эса шайтоннинг бу васвасасини рад этдим:

– Мен шу ерда қоламан ва оғзимга луқма-луқма ҳолва келмагунча ҳеч бир нарса емайман, – деб қасам ичдим.

Кейин бамайлихотир масжидга кирдим. Эшигини қулфладим. Ҳуфтон намозини ўқидим. Озгина вақт ўтиши билан эшик тақиллади. Очдим, қарасам, бир хотин билан бир ўспирин. Хотиннинг қўлида бир патнис. Хотин менга бундай деди:

– Бу йигитча менинг ўғлим. Касал бўлиб ётганди. Кўзини очди, мендан ҳолва пишириб беришни сўради. Ҳолва қилиб олдиға қўйдим. У ҳолвага қараб турди-да, у ёқдан-бу ёқдан сўзлай бошлади. Бир пайт сўз орасида менга:

– Бу ҳолвани фақат бегона бир меҳмон билан бирга емасам, еёлмайман шекилли, – деди. Бир оздан сўнг:

– Ҳа, менга бир шерик топмасангиз, ҳолвангизни емайман!
– деб қасам ичди.

Мен эса сенинг бу ерга кирганингни кўргандим. Олдим, келтирдим, деди.

Сўнг ҳолвани ўртага қўйиб бир луқмасини менга, бир луқмасини ўғлига едириш тарзида тугатди.

Улар масжиддан чиқиб кетишаркан, мен ҳам Аллоҳнинг ҳикматига ҳайронлар қолиб ҳамду санолар ўқидим”.

Солиҳ ва комил инсонлар билан шайтон орасида бўлиб ўтган бу воқеалардан ва ўрталарида бўлиб кечган курашлардан шундай учта фойдали хулоса чиқади:

1 – Аллоҳнинг ҳар кимга тақдир этган ризқи муҳаққақ эгасини топади. Бир сабаб билан келади, унга боради ва қатъиян бошқасига кетмайди.

2 – Ризқ ишида Аллоҳга таваккул қилиш ва бунда сабот кўрсатиш ҳақиқатан жуда муҳимдир. Чунки шайтоннинг турли ҳийлалари, васвасалари кишининг қалбини бузади. Фақат саводсиз, оми одамлар эмас, дин ва тақвода комил зотлар ҳам шайтоннинг бу ундовларидан, ваҳимали шубҳаларидан ўзларини қутқаролмайдилар. Ҳатто баъзи олимлар айтишадики, нафс ва шайтон билан етмиш йил мужодала қилганлар, олишганлар, аммо бу таҳликадан батамом амин бўлолмайдилар.

Чунки уларнинг бир онлик ғафлатидан фойдалана оладиган нафс ва шайтон уларни тўғри йўлдан тойдириб, фалокат сари сургай билади. Мана юқоридан баён қилинган бу ибрат берувчи воқеалар, ақли бутун мўминлар учун бир огоҳлантирувчи дарсдир.

3 – Яна шу гапга ҳам қатъиян ишонки, жиддий бир маънавий юмуш бўлмасдан, эътиборга лойиқ бир жафо ва имонли бир ғайрат сарф этмасдан, ҳеч қандай мужодала мақомига бориб бўлмайди. Авлиёлар, орифларнинг бу мартабаларга эришувларининг энг муҳим сабаби шудир. Акс ҳолда улар ҳам биз сингари эт ва қондан иборат бадан эгаларидирлар. Ҳатто вужудлари заиф ва кўримсиздир.

Шунга қарамай диний асосларга ваколатлари, қалбларидаги имон нурининг кучи, маънавий майдондаги аёвсиз курашлари,

енгилмас азму иродалари, бу маънавий устун мартабаларга юксалишларини таъминлаган.

Эй азиз! Сен ҳам эътиборли бир назар билан ўз ҳолингга қара, ўзингни нафсинг ва шайтоннинг гуноҳларидан, васвасаларидан ҳимоя қил ва кураш олиб борки, йўлда ғолибликка муваффақ бўлажаксан.

ТАВАККУЛ

Бу баҳсда бир қанча нозик нуқта бор. Буларни билиб олсанг, ибодат ишингда қулайликлар кўрасан, Ҳақ йўли сенга ойдин ва очиқ бўлади.

1 – Таваккул ишидаги нозик нуқталардан бири шудир:

Фараз қилайлик, бир давлат арбоби сени оқшомги зиёфатга таклиф этаётир, унга ишончсизлик кўрсатмайсан ва ёлгон сўзлаб рад этишингга ҳам имконинг йўқ. Ҳатто чорбозордаги бир яҳудийми ё насронийми – бирор танишинг сени шундай бир чақириб қолса, сўзларига бемалол ишонасан ва, кечқурун зиёфатга бораман-ку, деб ўз уйингда овқат пиширишга ҳозирлик кўрмайсан. Бир дўст, бир яҳудий ва насронийга ишонч билдирасан-у, сенинг ризқингни беришга ваъда қилган, кафолатлаган ва ҳатто беражагига онт ичган, сени ва бу оламни Яратганга эътимод этмайсан, кафиллигига суянмайсан, онтига ишонмайсан. Аслида, бу ҳолат сен учун бир фалокат, бир мусибатдир. Сен ачинарли бир ҳолдасан. Сўнгра сен қандай мўминсанки, Қуръон оятларига ишонмайсан? Худо ҳаққи, бундай ишончсизлик ичида топилган озиқ-овқатлар билан таъминланган вужудлар эртага қабрда илонларнинг еми, жаҳаннам оташининг ўтинлари бўлажаклар.

Аллоҳ рози бўлгур Али ҳазратлари дерки:

Эй, инсон фарзанди, Аллоҳ берадиган ризқни бошқасидан кутиб, бошқасига ишониб, ишларининг охирига кўз тутиб юришларинг сенга ярашади деб ўйлайсанми? Бир кофирнинг кафиллигига кўнасан-у, Ҳақ таолонинг кафиллигига кўнмайсан. Бунга сабаб: имонинг заифлиги, ишончинг озлигидир. Бу диндан гумонсирашдан бошланиб, имонсизлик билан якунланади.

Ҳолбуки, Ҳақ таоло шундай ҳолларга ишорат қилиб, Қуръони каримда бундай буюради:

وَعَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ

Яъни: **“Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳга таваккул қилинг. (Аллоҳга ишонинг, Аллоҳга суянинг)”** (Моидда сураси, 23-оятнинг охири).

Бошқа бир оятда ҳам шундай буюрилган:

وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ

Яъни: **“Мўминлар ёлғиз Аллоҳга ишониб-суянсинлар”** (Иброҳим сураси, 11-оятнинг охири).

Бу икки оятда таваккулнинг имон билан боғлиқлиги, мўмин бўлмаганларнинг мутаваккил (таваккулчилар) бўлмаслиги билдирилган.

2 – Яна бир нозик нуқта эса мана будир:

Биз юқорида ризқларнинг азалдан тақсим этилганини ва ҳеч бир суратда кейинчалик ўзгармаяжагини Қуръони каримдаги оятлардан ва қутлуғ ҳадислардан ўргангандик. Ризқ тақсим этилмаган ва ё тақсим этилган бўлса ҳам кейинчалик ўзгариши мумкин деб сўйламоқ имон эшигини ёпиб, куфр эшиги сари кетиш деган маънони билдиради. Ризқнинг азалдан бўлинганига ва бу бўлинишнинг кейинчалик ҳеч ўзгармаяжагига ишониб, шунга кўра ҳаракат қилсанг, дунёйингни ва охиратингни обод қилган бўласан.

Ризқнинг қадимдан тақсим қилингани борасида устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай марҳамат қиладилар:

“Балиқнинг ва ҳўкизнинг терисида: бу – фалон кишининг ризқи, деб ёзилган. Дунёга ҳирс билан (очкўзлик билан) боғланганларнинг жаҳолатдан бошқа бирон корлари бўлмайди”.

Бошқа бир олим дейдики:

Азалдан сенинг оғзингда чайналиши тақдир этилган бир ризқни бошқа бир оғиз чайнай олмайди.

Бу изоҳлардан англашилдики, ёзмишда сенга битилган ризқ мутлақо сени топажакдир. Истасанг, иззат билан, истасанг, заҳмат ва зиллат билан топ ва егин.

3 – Учинчи нозик нуқта эса будир:

Баъзи олимлар дерки, ризқ ишида ўз ҳолимизни ўйласак, бизга бу хусусда етарлича ишонтирувчи бир фикр келишига шубҳа йўқдир.

Нафсимга дейманки: ризқ таъминланмоқ ва яшамоқ учундир. Ўлиққа ризқ керакмас. Менинг ҳаётим эса Аллоҳнинг қудрат қўлидадир. Хоҳласа, яшатади, хоҳласа, жонимни олади. Умрни берувчи ҳам, олувчи ҳам Ўзидир. Менга ҳаёт берган Зот яшашимнинг сабабу воситаларини ҳам беради. Лоқайдлик қилмайди. Агар яшаш менинг қўлимда бўлсайди (Худо сақласин!), Аллоҳ билан ўртоқ (шерик) бўлардим. Бу эса ботилдир (бузуқ фикр ва беҳуда хоҳишдир). Чунки бутун олам ёлғиз унинг тасарруфида ва Унинг иродасига боғлиқ. Шундай бўлгач, ризқни ўйлаш ва ҳирс билан кетидан югуриш ҳорғинлик ва заҳматдан бошқа нарса келтирмайди.

4 – Тўртинчи нозик нуқта мана бу:

Овқатланишдан мақсад – лаззат олиш ва шаҳватни қўзғаш эмас. Балки вужудга ибодат ва хайрли ишлар қила олиш кучини беришдир. Аллоҳга таваккул қилиб, ибодат билан машғул бўлган кимса, таваккул қилганим учун мол ва мулк орттиролмадим, дея афсусланмасин. Чунки Аллоҳнинг унга беражак кафолатланган ризқи – вужудга ёлғиз ибодат ва хайрли иш қила олиш кучини берадиган миқдордан иборат. Бундан ортиғи эмас. Ҳақ таоло бу миқдорни қандай хоҳласа, шундай тарзда беради. Хоҳласа, озиқ-овқат йўли билан, хоҳласа, ўсимлик, дарахтлар ва ё бошқа бирор нарса орқали, хоҳласа, фаришталарда бўлгани каби ўзини тасбеҳ ва зикр этиш орқали етказди. Бунга ишонгандан кейин андишага ўрин йўқ. Шунинг учун ҳам обидлар, зоҳидлар кунларча емаксиз яшай оладилар. Баъзилари ўн кун, баъзилари бир-икки ой ҳеч емак емаган ҳолда вужудларида заррача ҳам кучсизлик ҳис қилмайдилар. Ҳар кун тўйиб овқат егувчи кишилардан кучлироқдирлар.

Баъзилари эса овқат ўрнида қум-тупроқ ейдилар. Аллоҳ уни вужудларида овқатга айлантиради.

Ривоят қиладиларки, Суфён Саврий бир кун Маккага кетаркан, йўлда озиғи тугаб қолгани ва ўн беш кун қум егани ҳолда унга ҳеч нарса бўлмаган.

Яна ривоят қиладиларки, Иброҳим ибн Адҳам йигирма кун гил (тупроқ) еган, аммо ўзини заиф сезмаган.

Яна тағин бир кўр кишидан ривоят қилинади:

Бир кун Иброҳим Тамимий менга:

– Бир ойдан бери ҳеч нарса емадим, – деди.

Мен:

– Қандай чидадинг? – дегандим, у бундай изоҳ берди:

– Аслида мен бир ой эмас, икки ой емак емадим, – деди.

Бир оз индамай тургач, қўшимча қилди:

– Фақат бу орада, бир куни биттаси зўрлик билан менга бир шингил узум берди, едим. Емасам бўларкан, ҳамон меъдамни безовта қилади, – деди.

Эй азиз, бу ҳодисаларга ҳайрон қолмаслик керак. Чунки илоҳий қудрат ҳар нарсага қодир. Масалан, бир хаста одам жон оғриғи сабаби билан баъзан бир, баъзан икки ой деярли ҳеч бир нарса емагани ҳолда ўлиб қолмайди, соғаяди. Ҳолбуки, кўп кимсаларнинг ўлими кўп овқат ейишликдан, қорин қўйишдан бўлади. Андармон бўлиб очликдан ўлганлар ҳам бор. Лекин буларнинг ажали аслан очлик сабаби устига қурилган бўлади.

Абу Саид ал-Худрий дейди:

Уч кунда бир марта овқат ердим. Бир кун чўлда йўлга чиқдим. Ёнимда озиқ йўқ эди. Уч кун ўтганда қаттиқ очикдим, тоқатим тоқ бўлганини ҳис этдим. Ерга ўтириб узандим. Шу пайт ғойибдан бир овоз эшитдим:

– Эй Саид, овқат истайсанми, қувват истайсанми?

– Қувват истайман, – дедим.

Ҳақ таоло менга қувват берди. Ўн икки кун ҳеч овқат емасдан юрдим, тирноқча ҳам заифлик ҳис қилмадим.

Ризқнинг сабаб-воситаларини изламай Раббига тўла-тўкис таваккул қилган обидга Аллоҳ ибодатига етарли қувват ва қуд-

ратни беради. Аллоҳнинг лутфи ва иноятига ноил бўлган бу зот доимо шукр қилади, ҳамду сано ўқийди. Чунки Аллоҳ уни кўпчиликнинг одатига хилоф равишда топиш-тутиш дардидан, озиқ-овқат заҳматидан қутқаради, унга қудрат хазинасидан ёрдам беради. Ҳайвоний сифатларини олади. Фаришталар даражасига кўтаради.

Бу баҳсда гапни чўзиб юбордик. Бунинг сабаби таваккулнинг ибодат томондан жуда муҳим эканлиги, деярли унинг марказий ҳолда бўлганлигидир. Ҳатто ёлғиз ибодат эмас, жуда кўпгина дунё ишларининг муваффақиятга эришуви ҳам таваккулга боғлиқ бўлгани каби, тақво йўлида илгарилаб даража-даража юксалишнинг сабаби ҳам шудир. Олимларнинг, фазлларнинг, басират эгаларининг ҳаммаси дунё ва охират ишларида таваккулга бурканадилар. Улар ҳар доим ибодат учун ёлғизликка чекинганлар, одамларнинг ёмон ишларидан узоқ юрганлар, ваъз ва насиҳатлар билан тўла диний ва ахлоқий китоблар ёзганлар фақат шулардир. Ҳақ таоло бу азиз зотларга доимо ёрдам берган ва уларга турли маънавий ва моддий неъматлар эҳсон қилишни буюрган.

Таваккул ишида қусур кўрсатганларнинг имони заифдир, улар Ҳақ йўлида юриш борасида бўшангдирлар. Қалбларини, зеҳнларини топиш-тутиш ҳирси босган, кеча-кундуз мол-дунё орттириш дарди билан машғулдирлар, мол-дунё ҳавоси ва ҳаваси руҳларини қуршаб олган. Бу кабиларнинг ибодатларида маза-матра, зикрларида лаззат, қалбларида холислик, поклик қолмайди.

ТАФВИЗ

Тафвиз (ишни Аллоҳга ҳавола қилмоқ) хусусида икки нозик нуқта бор.

Биринчиси: Ишлардан энг хайрлисини танламоқ, фақат бу – жаҳоннинг ҳар заррасидан воқиф бўлган ва бутун ишларнинг ҳол-аҳволидан ва ҳаммасининг сирларидан бохабар кишига бирашади. Бўлмаса, яъни бу сифатларга эга бўлмаган кишининг хайрли ва фойдали деб танлаган нарсаси гуноҳ бўлиши мумкин. Бу эса мана бунга ўхшаш бир масаладир: Бизнинг бир неча хил

жавоҳиротимиз бўлса-ю, уни бир чўпонга кўрсатсак ва бизга, буларнинг жинси, хислатлари ва нархлари тўғрисида маълумот беринг, десак, чўпон, албатта шошиб-эсанкираб қолади. Қайсиниси қай биридан устунлигини айириб, танлаб беролмайди, нарх-навосини ҳам айтолмайди.

Уларни олиб бозордаги бир олиб-сотарга кўрсатсангиз, у-ку албатта сарроф эмас, лекин баъзан саррофларда ва ё бошқа касб эгаларида бунга ўхшаш нарсаларни кўргани учун қатъий қилиб айтолмаса ҳам, ҳар қалай бунинг берган маълумоти чўпонниқидан устун бўлиши турган гап, фақат яна қониқарли бўлмайди. Ҳолбуки, мужавҳарларни олиб бир саррофга кўрсатсангиз, унинг берган маълумоти сизни ишонтиради, унинг жавобидан қалбингиз қониқади ва унинг сўзларига кўра ҳаракат қилишдан хавотирланмайсиз. Чунки сарроф бу жавоҳиротнинг жинсини, хислатларини, баҳосини (бунинг мутахассиси бўлгани учун) жуда яхши билади. Мана бизнинг кўз олдимиздаги коинот ҳам худди шу хилма-хил жавоҳирларга ўхшайди. Унинг бутун васфларини, хусусиятларини, сирларини ва уларнинг ичида кечадиган ва кечиши мумкин бўлган жараёнларни ва уларга оид ҳодисаларнинг жамини энг нозик тафсилотларига қадар биладиган зот ёлғиз Ҳақ таолодир. Ва демак, ишларнинг энг хайрлисини, энг фойдалисини (ҳар киши учун) фақат у билади ва у тўғри танлайди. Ҳақ таоло ана шу ҳодисага ишорат қилиб, бундай буюради:

وَرَبُّكَ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَيَخْتَارُ مَا كَانَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ سُبْحَنَ اللَّهِ وَتَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٦٨﴾ وَرَبُّكَ يَعْلَمُ مَا تُكِنُّ صُدُورُهُمْ وَمَا يُعْلِنُونَ ﴿٦٩﴾

Яъни: **“Раббингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратади ва (Ўзи хоҳлаганини) танлайди. Улар учун ихтиёр йўқдир. Аллоҳ уларнинг ширкларидан пок ва юксакдир. Раббингиз уларнинг ичидаги сирларни ҳам, ошкор қилган нарсалари – сўзларини ҳам билади”** (Қасас сураси, 68–69-оятлар).

Ривоятга кўра, Ҳақ таоло комил зотлардан бирига бундай хитоб қилади:

– Тила мендан, нима истасанг берилажакдир!

Комил зот бундай жавоб беради:

– Ҳеч бир нарсанинг ҳақиқатини билмаган бир зот ҳар нарсанинг ҳақиқатини билган Улуғ Зотдан қандай қилиб бирон нарса сўраши мумкин? Мен қайси нарса менга энг хайрли ва энг фойдали бўлишини билмасам, нимани ҳам сўрай. Буларни билувчи ёлғиз Сенсан. Шундай бўлгач, энг хайрли ва фойдали нарсани Сен менга танла, эй Раббим!

Иккинчиси: Жамиятнинг энг илмли, энг кучли, энг фазилатли, энг марҳаматли, энг вафоли ва энг тўғри одами сенга:

– Барча иш ва хизматларингни менга қолдир. Сенга энг фойдали ва энг яхши шаклда ҳозирлаб, тўкис ва комил ўлароқ олдингга келтираман. Жамики эҳтиёжларингни таъмин этаман. Сен қалб ҳузури ичида ва ҳеч бир нарсадан хавотир олмай роҳатланиб яша. Ёлғиз ўзингни қизиқтирган нарсалар билан машғул бўл! – деса, сен буни ғанимат билиб, бу ваъдаларни неъмат ҳисобламайсанми? Бу неъматдан миннатдор бўлиб шукроналарингни ифода қилмайсанми? Сен учун танланган иш фойдали ва ё зарарли бўлишини билмаганинг ҳолда таваккул қилганинг зотнинг тўғрилигига, камолига, сўзининг устидан чиқажагига ишонганинг учун дарҳол қабул қиласан. Натижа ҳам даромадли чиққанида мамнун бўлиб, ҳар ерда у зотнинг тадбиридан, тўғрилигидан, фазилатидан, сўзига садоқатидан, қўлга киритган муваффақиятидан гапириб, уни алқаб юрасан. Бу табиий бир ҳодисадир. Шундай бўлгач, коинотдаги жамики нарсаларни билувчи, қудрати бутун олами тутиб турувчи, иродаси билан жамига ҳукмини ўтказувчи, энг билимдон, энг марҳаматли, энг шафқатли Раббингга нима учун ишларингни ҳавола этмайсан? Сен қандай якун топишини билмайдиган, ақлинг чақолмайдиган ишларингни унга қолдир, энг фойдалисини У сенга танласин. Танланган нарсанинг сирларини билмасанг ҳам, яна рози бўл ва ёлғиз сени қизиқтирган нарсалар билан (ибодат, илм олиш ва ҳоказолар билан) машғул бўл!

Аллоҳнинг тақдирига розилик билдиришнинг икки фойдаси бор:

1. **Ҳолийя:** Яшаркансан, дам олишга вақтинг бўлади. Хотир-жам бўласан. Тақдирга сабр қилган кишининг қалби бефойда алам-қайғулардан қутулади. Роҳатда ҳузур қилиб яшайди.

Баъзи зоҳидлар дерларки:

Тақдирда бори албатта юз беради. Шундай бўлгач, мутлақ бўлган бу илоҳий тақдир туфайли ғамга ботишдан сенга нима фойда?

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари Ибн Масъудга буюрдиларки:

“Аллоҳ тақдир этган нарса албатта бўлади”.

Шунинг учун хафа бўлма, сенинг насибинг бўлмаган, сенга тақдир этилмаган нарса ҳеч қачон келиб сени топмайди.

2. Ризонинг иккинчи фойдаси бўлган **молийя** эса будир:

Сен Ҳақ таолодан рози бўлганингда У ҳам сендан рози бўлади. Бунинг эвазига катта мукофот ва кўпдан-кўп савобларга эришасан. Бу борада Ҳақ таоло бундай марҳамат қилади:

رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ

Яъни: **“Аллоҳ улардан рози бўлганди, улар ҳам Аллоҳдан (рози бўлдилар)”** (Баййина сураси, 8-оятдан).

Тақдирга рози бўлмаслик, хафа бўлишликнинг икки зарари бор:

1. Ёзмишга ризо бўлмаганнинг қалби доимий қайғу ва хавотир ичида бўлади. Шу сабабли ҳузур ва роҳат кўрмайди.

2. Тақдирга ризо бўлмаган одам Аллоҳнинг шиддатли ва аламли азобига қолади. Хафалик ва ички сиқилишлари тақдирни ўзгартиролмайди. Шундай бўлгач, ақли бутун одам ҳузурсизлик ўрнига роҳат келмаяжagini англаши керак, савоб билан азоб бирга бўлмаслигини тан олиши лозим.

Қадарга рози бўлмасликда, хафа бўлишда катта хатар бор. Нифоққа, бузғунчиликка, исёнга, ҳатто куфрга ҳам олиб бориши мумкин. Шунинг учун Ҳақ таоло буюради:

وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنْفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا

Яъни: **“Раббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларга сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича зинҳор мўмин бўлолмайдилар”** (Нисо сураси, 65-оят).

Эй азиз, эътибор бер! Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратларининг ҳукмига розилик билдирмаганлар, ундан хафа бўлганлар имонсизликда айбланыпти. Ҳақ таолонинг ҳукми ва тақдирига розилик билдирмаган ва хафа бўлганларнинг ҳоли нима кечади! Бу борада Ҳақ таоло Ўзининг илоҳий ҳадисида бундай буюради:

“Менинг қазо ва қадаримга рози бўлмаганлар, балоларимга сабр қилмаган ва неъматларимга шукр этмаганлар ўзларига бошқа бир илоҳ топиб олсинлар”.

Бунинг маъноси: Менинг қазоимга рози бўлмаслик Рабб-лигимни қабул этмаслик деганидир. Бундайларнинг гуноҳларини афв этмайман. Жаннатимга киритмайман! Ақли бошида бўлган инсонлар учун бундан оғир бир таҳдид бўлмайди.

Баъзи олимлардан “Рабблик нима, бандалик нима?” дея сўралди. Берилган жавоб бундай бўлди:

Рабб ҳукм этувчи, тақдир бичувчи илоҳ демакдир. Банда бу ҳукм ва қадарга бўйин эгган, рози бўлган инсон демакдир. Раббининг тақдир этган нарсасига ва ҳукмларига банда рози бўлмаса ва итоат этмаса, Рабблик ва бандаликдан асар ҳам қолмайди.

САБР

Сабр баҳсига келсак, бунда ҳам нозик бир нуқта бор. Ҳар ким англай олмайдиган, яширин гўзал маъноли бу нуқта шундан иборат: Сабр – аччиқ бир доридир. Лекин фойдали шарбатдир. Ҳаётга татбиқ қилиниши – қутлуғ. Келиши мумкин бўлган кўп зарарларни йўқ қилади. Кўп манфаатлар келтиради. Сабрнинг бу даража фойдали бир дори эканлигини билганлар унинг бир онлик аччиғига чидайдилар. Чунки бир соатлик

аччиқлиги ичида бир неча йиллик роҳат ва фароғат бўлади. Сабрнинг фойдаси тўрт нарсада жам бўлади.

- 1 – Аллоҳга итоат билан сабру сабот кўрсатмоқ.
- 2 – Гуноҳдан тийилишда сабр қилмоқ, чидамоқ.
- 3 – Дунёнинг лузумсиз завқу сафосидан чекинишда сабрли бўлмоқ.
- 4 – Турли бало ва мусибатларга нисбатан сабрли ва матонатли бўлмоқ.

Ана шу тўрт нарсада сабрли бўлган кимса Раббига тоат-ибодатини маза қилиб адо этади. Чунки савобга, катта маънавий мукофотга ноил бўлади. Гуноҳ қилишдан ва бунинг оқибатида келадиган охират азобидан қутулади. Дунёга боғланиш ва унга сиғиниш балосини бемалол енгиб олади.

Зоҳид ва тақводор рутбасини олишга, илоҳий эҳсон ва икромлардан ҳам юқори турувчи бир ҳақликка муваффақ бўлади.

Сабрсизликнинг инсонга келтирадиган зарарлари эса қуйидагилардир: сабрсиз одам ўзини охират азобига ҳам мустаҳақ қилади. Сабрсизлик инсонни бир қатор манфаатлардан маҳрум этади. Чунки тоат Аллоҳнинг амрларига бўйин эгишни зарурий ҳодисага айлантиради. Бу эса инсонга оғир келади. Уни адо этиш қийин ва заҳматли бўлиб кўринади. Бу ҳол уни ё ибодат қилиш фазилатидан маҳрум этади ёки ибодат қилса ҳам ўзини ёмонликлардан муҳофаза этолмайди. Бу эса амалларининг зое кетишига сабаб бўлади ёхуд ибодатга ўзини чин кўнгилдан бағишлай олмагани учун бу йўлда юксак даражаларга чиқолмайди. Чунки дунё ила машғулдир. Нафсининг истакларини тинчитолмаган бўлади. Мусибатларга дош беролмаганидан хузурсиздир.

Сабрсиз инсон ё гуноҳ қилади, ёки кераксиз нарсалар билан вақтини бекор ўтказди. Айни чоғда ўзи дучор бўлган фалокатларга чидолмайди, керагидан ортиқ инграниб, шикоят қилиб юради ва ё бақириб-чақиради. Шу сабабдан ҳам тилаги амалга ошмайди ҳамда сабр савобидан маҳрум қолади.

Шундай қилиб, икки мусибатга учраган бўлади: бири – фалокатнинг ўзи, иккинчиси – сабр савобидан маҳрумлигидир. Муси-

бат юз берган пайтдаги йиғлаб-сиқташлар бу мусибатни йўқ қилмайди. Унинг ўзига ҳам бир нарса келтирмайди. Йўқотилган нарса ҳеч қачон орқага қайтиб келмайди. Ҳолбуки, сабр қилган фалокатнинг зарари эвазига сабр қилишнинг савобини қўлга киритади.

Сабр борасида Аллоҳ рози бўлгур Али ҳазратлари бундай деб марҳамат қилганлар:

“Тақдир қилинган ишлар албатта юз беради. Сабр қилсанг, мукофотинг қўлингда. Сабр қилмасанг тақдир қилинган нарса барибир юз беради, лекин сен гуноҳли бўласан”.

Хулласи калом, лузумсиз фикр ва хотираларни қалбингдан ўчирсанг, нафсингнинг ёмон қилиқларга берилишини тўхтатсанг ва бутун ишларингда Аллоҳга таваккул қилиб, унга суянсанг, охири нима бўлишини ўзинг билмаган ишларни Аллоҳга ҳавола этсанг, нафсингни қазога рози бўлишга кўниктирсанг, таваккулсизликдан, хафа бўлишлардан воз кечсанг ва сабр шарбатини ичиб, аччиғига чидасанг, албаттаки, ишларингда диққатлироқ ҳаракат қилган бўласан.

Тўғри йўлни тутганча турунг! Бу ҳолнинг ёлғиз ўзи ҳам хайрдир. Сенга ман этилган нарса, билки, сен учун гуноҳдир, зарардир.

Боласини зарарли овқатлардан, зарарли нарсалардан қайтарган шафқатли оналарни кўрмайсанми? Яна бундайлари ҳам бор: яхши тарбиялансин деган эҳтиёж билан уни туғади, уйдан кўчага чиқармайди, юксак маълумотли ва қаттиққўл ўқитувчига беради. Касал бўлганда, керак бўлса, қон қуйдиртиради, игна муолажалари қилдиради. Буларнинг барчасини ўзи қилган ва бошқаларга қилдирган онанинг боласини баъзи овқатлардан ва зарарли нарсалардан қайтариши, нима деб ўйлайсиз, хасислигиданми ёки тўғри тақсим қилишиданми? Қаттиққўл бир муаллимга бериши боласига аччиқланганиданми ва азоб беришни исташиданми?

Қон қўйдириб, игна муолажа қилдиришлари қийнаш ва жонини ачиштириш учунми? Шубҳасизки, ундай эмас. Ҳаммаси ҳам боланинг соғлиги, яхшилиги ва бахтли истиқболи учундир.

Келгувсида бахтлироқ ва амин бир ҳаётга эриштирмоқ мақсадидадир. Чунки у онасининг кўз нури, жигарпораси ва кўнглининг севинчидир. Шундай бўлгач, аччиқми-ширинми, унга ҳар нимаки қилинган бўлса, яхшилиқни ўйлаб қилинган.

Бошқа бир мисол: Танилган, юксак маълумотли бир ҳакимнинг беморга кўрсатган муомаласини ўйла. Керагида хастасига сувсизликдан жигари ёнса, лаблари ёрилиб кетса ҳам, бир томчиям сув бердирмайди. Лекин энг аччиқ дориларни зўрлаб ичиради, игна муолажалари қилади. Ҳакимнинг бу ҳаракати, ҳар ҳолда хастасига зулм ва азоблаш эмасдир. Ҳаким биладики сув ичган тақдирда хастанинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Лекин ичмаса, тузалиш эҳтимоли кўпроқ.

Дорилар аччиқ, игналар изтироб беради. Лекин бадандаги макруҳларни қиради, шифо ва сихҳатлик келтиради. Мана, шафқатли ҳаким буларнинг ҳаммасини хастасини соғайтириш учунгина қилган.

Эй азиз, сен ҳам ўйла ва диққатли бир назар билан қара ва кўр: Ҳақ таоло бир бурда нонни, бир қултум сувни ёхуд ҳар қайси бошқа бир нарсани сендан ҳимоя қилса, (Ўзи асрасин!) бу Унинг ожизлигидан, фақирлигидан, хасислигидан ва ё золимлигидан эмас, ёлғиз сенга хайрли ва фойдали нарсани раво кўришидандир. Чунки ҳар нарсани билган Ҳақ таоло сен учун фойдали ё зарарли бўлган нарсани ҳам билади ва сенга муносибини танлайди. Саховати ва марҳамати сўнгсиз бўлган Раббинг сенга бир нарсани ман этган экан, муҳаққақки, У сенинг яхшилигингни истагани учун шундай қилган. Лекин сен юқорида айтилган бола ёки бемор кабисан. Буларни англаёлмайсан. Барча бу неъматларни сен учун яратган Аллоҳ бир сабаби бўлмаса, ҳеч қандай нарсани сендан қизғанмайди. Ана шуни билдирган Ҳақ таолонинг мана бу марҳаматини қулоқ сол:

وَالَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَّا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا ثُمَّ أَسْتَوَىٰ إِلَى السَّمَاءِ فَسَوَّاهُنَّ
سَبْعَ سَمَوَاتٍ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٩﴾

Яъни: **“У шундай Зотки, сиз учун Ердаги барча нарсани яратди. Сўнгра самога юзланди-да, уларни етти осмон қилиб тиклади. У ҳамма нарсани билгувчидир”** (Бақара сураси, 29-оят).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари хабар берадилар. Ҳақ таоло буюрадики:

“Шафқатли туякаш туясини қичима туя чўккан ерга яқин йўлатмагани каби, мен ҳам авлиё бандаларимни дунё неъматларига яқин йўлатмайман”.

Агар бир бало, бир хафагарчиликка дучор бўлсанг, билки, бу сени синаш, имтиҳон қилиш учун эмас. Балки сенинг ҳар қандай ҳолингни билган Аллоҳнинг сенга марҳамати туфайли дардингга дармон бўлсин, дея ўша балони берганидир.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари буюрадилар:

“Аллоҳнинг бандаларига марҳамати шафқатли онанинг боласига бўлган марҳаматидан кўп ортиқроқдир”.

Бу муфассал изоҳлардан бандаларнинг дучор бўлганлари фалокатларнинг ички томонини, ҳақиқий сабабини ўргандик.

Хулоса шуки, ҳар қандай ишда бир хайр, ҳар бир фалокатда банданинг ўзи билмаган бир маанфаати бордир. Чунки Аллоҳ унинг учун фойдали ё зарарли бўлган нарсаларни билади ва беради. Ҳатто севикли бандаларини ҳам катта сиқилиш ва қийинчиликлар билан юзма-юз қилади. Бу хусусда устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари буюрадилар:

“Ҳақ таоло севикли бандаларига албатта бир балони кўрсатади”.

Ҳақ таолонинг бандаларидан энг кўп мусибат кўрганлари пайғамбарлар, шаҳидлар, авлиёлардир...

Эй азиз, агарда сен Ҳақ йўлидан юрган, амрларини тўла адо этган, тақиқларидан чекинган ҳолингда ҳам дунёликни қўлга киритолмаган, истаган фаровонликка эришолмаган бўлсанг ва кўп қайғу-азоблар, мусибатлар кўрган бўлсанг, билки, бунда сен учун бир хайр бордир. Аллоҳнинг ҳузурида шарафинг ортган, даражанг юксалган. Сен авлиёлар қаторига

қўшилиш йўлига киргансан. Булар сенга азият ва изтироб бериш учун эмасдир.

Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло бундай деб буюради:

وَأَصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ فَإِنَّكَ بِأَعْيُنِنَا

Яъни: *“(Эй Муҳаммад!) Сиз Раббингизнинг ҳукмига сабр қилинг. Чунки сиз шак-шубҳасиз бизнинг кўз ўнгимиздасиз”*. (Тур сураси, 48-оятдан).

Эй азиз, Аллоҳнинг сенга бўлган лутф ва эҳсонини билиб, неъматларига шукр қилки, У сенга энг хайрли ва энг фойдали бўлганини танлайди ва беради. Чеккан қайғу-ҳасратларинг ва заҳматларинг эвазига сени ажр билан мукофотлантиради. Сени эранлар мартабасига юксалтиради, охирингни хайрли қилади. Мўл неъматлар эҳсон этади.

ТАҚДИРГА РИЗОЛИК

Эй азиз, барча бу изоҳлардан англашилдики: Ҳақ таоло бандасига тирикчилик ва ибодат қилиш кучини берадиган миқдорда ризқингга кафиллик қилган. Бу ризқни У керак бўлган пайтда унга беради. Шундай бўлгач, Аллоҳнинг ваъдасига вафодорлигига, ўзи кафиллаган ризқни мутлақо беражагига ишон. Унга суян ва ундан бошқа ҳеч бир борлиққа таянма. Сени қутқарувчидай кўринган бир қанча ўткинчи борлиқларга ва фоний нарсаларга ишонма. Чунки улар ҳақиқий қутқарувчи бўлолмайдилар. Қалбингни эсанкирашдан асра, ризқнинг сабабларини излама, нафсингни ҳавойи нарсаларга берилиб хоришларидан қутқар. Сабаблар фақатгина воситалардир. Аллоҳ истаган пайтида ва истаган шаклда ризқингни юборади. Сенга емагингни едирган, сувингни ичирган, сингдирган ва кераксизини ташқари чиқартирган ва шу тариқа вужудингга тириклик кучини берган ва берувчи Удир. Сени шу тарзда таъминлаб, куч бериб, яшашни давом эттирадиган бадан билан яратди. Ақлларга ҳайрат берадиган вужуднинг қурилмаси Унинг қудратини, санъатининг беқиёс нозиклигини кўрсатадиган буюк асардир. Истаса, бу вужудни фаришталар-

дай озиқ-овқатсиз яшатади. У ҳолда вазифанг бу асарнинг яратувчисига, қудратининг буюклигига имон келтирмоқ ва ёлғиз унга суянмоқдир.

Сен қизиқиб қила оладиган нарсаларингни қил, бошқасини Коинот Эгаси Аллоҳга қолдир. Билмаган, ақлинг етмаган нарсаларинг тўғрисида ўйлаб, миянгни ачитма. Шу ишим битса, жуда зўр бўлади, битмаса, жуда ёмон бўлади каби фикрлар билан беҳуда ўралашма. Чунки бундай фикр ва тал-васаларнинг ҳаммаси ҳам сенга вақт йўқотишдан, кераксиздан кераксиз оворагарчиликдан бошқа нарсага ярамайди. Чунки тилаганларинг амалга ошмаслиги мумкин. У ҳолда бўш кетган вақтингга ачинасан, умрингни эса кераксиз ҳа-вога совурган бўласан.

Баъзи эранлар дерки:

Бўладигани бўлади.

Яъни: Аллоҳнинг азалдан тақдир қилгани ва ҳукм қилгани мутлақо бўлади. Шундай экан, бундай бўлсайди ёки бундай бўлмасайди, яхшироқ бўларди, дея миянгни чарчатма. Ҳар иш, тайин этилган вақтда бўлади, олдин ҳам, кейин ҳам эмас. У ҳолда беҳуда ғам чекиш ва заҳматларга кўмилиб вақтингни бекорга харжлама. Баъзан умид қилган нарсанг бўлмай қолади. Баъзан тахминан кўрққан нарсанг бўлмайди.

Буларнинг бари сенинг орзуингга эмас, Аллоҳнинг иродасига боғлиқдир.

Эй азиз, нафсингга ўғит бер ва унга бундай де:

– Эй нафс, Аллоҳ менга ниманики тақдир этган бўлса, ўша бўлажакдир. Мен учун энг хайрлиси ва энг фойдалисини У билади. Менинг Раббим, Холиқим Удир. Ҳар нарсага кучи етадиган, Коинотга ҳукмини ўтказадиган Удир. Унинг марҳаматининг чегараси йўқ. Бу сифатларга соҳиб бўлган улуғ Зотдан бошқа кимга таваккул қила оламан? Таваккулга, ёрдамига суянса арзийдиган Зот Удир. Шундай бўлгач, эй нафс, ҳар нарсани билган, қудрати ҳар нарсага етадиган Холиқимизнинг бизга тақдир ва ҳукм этган нарсасида (бунинг охири бизга номаълум), шак-шубҳасизки, бир хайр бор, дея ишониб қабул қилишнинг ўзи ҳузурбахш эмасми?!

– Эй нафс, бўладигани бўлади. Қадар жойини топади. Шундай экан, қадардаги фалокат юз берганда қайғу-ҳасрат чекмоқ, аччиқланмоқ, сиқилмоқ, бақириб-чақирмоқ кераксиздир. Чунки булар якунни ўзгартиролмайди. Агар иккимиз ҳам Аллоҳга ишонсак, унинг тақдири ва ҳукмига бўйин эгишимиз керак. Қарор Уники, ҳукм Уникидир. Сенинг вазифанг бу ҳукм ва қарорга итоатдир.

Бошингга бир фалокат келса, қаттиқ қийналиб ғам чекма, йиғлаб-сиқтама, шикоят қилма. Айниқса, фалокатнинг илк онларида диққат-эътиборли бўл. Чунки у онда нафс дарҳол йиғлаб бақира бошлайди. Уни тинчлатиш учун ўзингга ўзинг бундай де:

– Эй нафс, бу бало сенинг тақдирингдир. Уни даф этишга кучинг етмайди. Эзилиб йиғлаш билан ҳам бир нарсага эришолмайсан. Шундай бўлгач, ҳаммасига сабр эт, савобга эриш. Оламда баттардан баттари ҳам бор. Ўшанисидан асрасин. Бунисига шукр қил. Сабр этмасанг, кўп нарса йўқотасан. Сабр қилсанг, кўп нарсага эришасан.

Фалокат чоғида Аллоҳга сиғинишингни ва Ундан мадад тилашингни ифода қилувчи сўзлар айт. Миянгни, Унинг марҳамати, қудратини ва сабр этгувчиларга берадиган ажр даражасини ўйлаш билан машғул қил. Пайғамбарлар, авлиёлар ўзлари кўрган бало ва мусибатларга қандай чидаганларини, уларнинг сабр ва матонатларини хотирла ва шулар билан алахситиб, қалбингни ҳасратдан қутқар, хотиржам қил.

Агар фақирликдан, камбағаллик, етишмовчиликдан сиқилаётган бўлсанг, яна нафсингга бундай де:

– Эй нафс, Аллоҳ сенинг ҳолингни сендан яхшироқ билади. У сенга, сендан кўпроқ марҳаматли ва шафқатлидир. Ҳеч бир мавжудотни, ҳатто кофирни, имонсизни ҳам ризқсиз қолдирмайди. У, Раҳим ва Раҳмон соҳиби бўлган Аллоҳ, сенинг ризқингни ҳам кесмайди. Бунда сен билмайдиган бир ҳақиқат, бир сир мавжуд. Бундай бўлишида мутлақо сенинг учун катта бир фойда бордир.

Аллоҳ ҳар қийинчиликдан кейин бир қулайлик беради. Бунинг сенга хайрли бўлганини кейинлар англаяжаксан.

Бу борада комил зотлар бундай марҳамат қиладилар:

Илоҳий тақдирнинг охирини кут. Бир мусибат билан юзма-юз келганингда дарҳол қайғу-ҳасратга берилма, оғир фикрларга борма. Чунки ғайб оламида неча-неча ғаройиб нарсалар борки, улар бизга билинмайди.

Мана шу барча айтганларимизни тўла-тўкис ўрганиб олсанг ва ҳаётингга татбиқ этиб яшасанг, тоат ва ибодат ишларингга тўсқинлик қиладиган тўрт катта тўсиқдан муваффақият билан ўтган бўласан. Бундан кейин мусибатларга нисбатан сабрли, Аллоҳнинг ҳукм ва тақдирига розиликда бўласан. Бу таваккулинг сени роҳат-фароғат билан таъмин этади. Охиратда савобини кўрасан. Шундай қилиб, ҳам дунё, ҳамда охиратда бахтли бўласан. Бу қийин кечикдан ўтгандан кейин ортиқ ибодатларингни маза қилиб адо эта оласан. Сабр этган ва таваккул қилганлар мартабасига етишиб, авлиёлар ва комиллар қаторига кирасан. Ҳақ таолодан тилагимиз бизни ва сизни, барча мўмин-мусулмонларни ишларида таваккул этганлардан, бало-қазо онларида сабр ва шукр қилувчи бандаларидан айласин. Омин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

БОШҚА САБАБЛАР (ВОСИТАЛАР)

АЛЛОҲДАН ҚЎРҚИШ

Эй азиз, ибодатингни ўнглайдиган сабабларни ўрганиб бўлдинг ва унга тўсқинлик қиладиган тўсиқлар нималар эканини билиб олдинг. Энди очилган саодат йўлларида олға боришинг учун рўпарангдан чиқадиган шу икки нарсага ҳам керагича эътибор беришинг лозим: Бири Аллоҳдан қўрқиш, иккинчиси ёлвориб Унинг марҳаматини сўрамоқдир.

1 – Аллоҳдан қўрқиш гуноҳ қилишни истамасликдир.

Нафси аммора ёмонлик қилишга, гуноҳ йўлга юришга шу қадар мойилдирки, сескантирувчи бир қўрқув, шиддатли бир таҳдид бўлмаса, уни бу майлдан воз кечтириб, хайрга, тўғри йўлга солиб юбориш имконсиздай кўринади. Чунки табиатингда на аҳдга вафо, на-да истаётган гуноҳ сабабли Аллоҳдан уялиш хисси бордир. Уни бу атвордан воз кечтириб йўлга соладиган ягона чора шиддатли қўрқинчни ва таҳдидни унга кўрсатмоқдир. Кулни-ку йўлга соладиган нарса – ҳивичлаш, аммо ҳур одам учун бир озор, бир танбеҳ кифоя қилади.

Нафс эса қулга ўхшайди. Уни тўғри йўлга солиш ва ёмонлик иташдан воз кечтириш учун доимо сўз билан, феъл билан, фикр билан қўрқитиш ва таҳдид қилиш зарур бўлади.

Ривоят қиладиларки:

Бир кун эранлардан бири нафси гуноҳ қилишга майл этибди. У эса дарҳол ўрнидан туриб, темирдай қизиб ётган сахроликка борибди. Кийимларини ечибди ва ерда юмалай бошлабди. Ва ўша қизиб ётган қумда нафсига:

– Мана, мазасини кўр ва солиштир: Бундан минг чандон шиддатли бўлган жаҳаннамнинг ўтига чидай олсанг, гуноҳ қилавер. Эй, сен, кечалари бир мурда каби шалпайиб ётадиган, кундузлари танбалликка берилиб ўтирадиган нафс, Аллоҳдан

қўрқмайсанми, фаришталардан уялмайсанмики, бундай гуноҳлар тўғрисида ўйлайсан ва гуноҳ йўлга киришни истайсан? – дебди.

2 – Агар нафс қўрқмаса (Аллоҳдан қўрқувини ҳис этмаса), қилган ибодатларини рўкач қилса, бу сабабдан бутун бажарган яхши амаллари куйиб кетади ва гуноҳга ботади. Шунинг учун ибодатларинг қусур ва нуқсондан холи эмаслигини, гуноҳсиз инсон йўқлигини, бўлмаслигини ва шу сабабли ҳар доим Аллоҳга сиғиниш зарурлигини айтиб, нафсни қўрқитиш керак бўлади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ҳар қандай банда ўзи билмаган ҳолда кўп гуноҳлар қилиши муқаррарлигига ишорат қилиб бундай марҳамат қиладилар:

“Агар мен ва Исо шу икки бармоқ қилган нарсалар туфайли сўроққа тортилсак, шундай жазоланар эдикки, ҳеч кимса биздай азоб кўрмаган бўларди”.

Ҳасан Басрий дейди:

“Ҳеч биримиз қилган гуноҳларимиз сабабли бизга мағфират ва тавба эшигининг ёпилмаслигига амин бўлмаганимиз каби, бундан кейин қилажагимиз хайрдан фойда кўражагимиз ҳам маълум эмасдир”.

Ибн Саммок нафсини айблаб дейдики:

– Эй нафс! Зоҳидларнинг айтганини айтасан, мунофиқларнинг қилганини қиласан. Шу ҳолингда ҳам тағин жаннатдан, Аллоҳнинг раҳматидан умидворлигингни қара! Ҳайҳот! Жаннат аҳли шундай инсонлардирки, уларнинг қилганлари сенда йўқ, сенинг қилганларинг уларда йўқ.

Мана ҳар мўминнинг нафсига ҳар доим эслатиб туриши лозим бўлган фикрлар шулардир. Фақат ибодатларига суянган нафс, ибодатларини рўкач қилиб, ибодат амаллари куйиб кетганидан беҳабар нафс, охиратда азоблардан қандай қутулиш тўғрисида ўйла!

Аллоҳга сиғинишнинг, Унинг раҳматини сўрашнинг икки сабаби бор:

Биринчи сабаб: Ибодат қила олиш учун бир умидга боғланиш керак. Чунки ибодат оғир ва заҳматли бир ишдир.

Шайтон кишини бу амалидан қолдиришга ҳаракат қилади. Нафсининг ҳою ҳаваси итоатсизликка етаклайди. Ғафлатда қолганлар кўз олдиларидаги ҳавасларини, кундалик завқ ва орзуларин қондиришдан бошқа бир нарсани ўйламайдилар.

Чунки уларнинг кўзларига ибодатгўйларга ваъда қилинга савоб ва мукофотлар кўринмайди, қўл билан тутиб бўлмайдига ҳамда эришилиши қачонлиги номаълум узун замонларга боғликлиги ҳақида ўйлайдилар. Шу сабабдан нафс тоат ва ибодатг нисбатан совуқ ва тисланган ҳолда ҳаракат қилади. Уни тўғри йўлда ҳаракатга келтириш учун ташвиқ қилиш лозимдир. Ибодат йўлида чекилган барча заҳмат ва зерикашлар эвазига ажрлар ортиғи билан берилишини уқтириш керак. Бу эса Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати сўнгсиз даражада кенглигига ишониш ва бунга суяниш ва Унга итоат этганларга мўл савоб ва юксак маънавий даражалар беражаги, сўнгсиз икромлар ва эҳсонларга сазовор бўлажаги ҳақидаги фикрни зеҳнларга жетатиш орқали бўлади.

Буюк зотлардан бири дерки:

Қайғу ва хафалик одамнинг иштаҳасини бўғади. Ҳатто ейилган овқатининг сингишига ҳам халал беради.

Аллоҳдан қўрқув гуноҳ қилишдан қайтаради. Мағфират ва раҳмат умиди тоат ва ибодатни ташвиқ қилади. Ўлимни хотирлаш – умрини дунёнинг кераксиз нарсалари билан ўралашиб ўтказишига қўймайди.

Иккинчи сабаб: Жаннат неъматларини тилаш ва умидланиш – заҳматга чидаш, балоларга сабр қилиш кучини беради.

Истаган нарсасининг қадрини билган кимса уни қўлга киритиш учун бутун кучини сарфлайди. Ҳар қандай қайғу-ҳасратларга парво қилавермайди. Ҳеч бир қийинчиликдан қочмайди. Севган кишисининг ҳар қандай заҳматига чидайди. Ҳатто унинг учун қийналишдан завқланади. Чунки чеккан жафоси эвазига вафо, қилган меҳнати эвазига роҳат келишидан умидвор бўлади. Ўзинг ҳам биласан-ку: Асалга муҳтож одам асаларининг чақишига парво ҳам қилмайди. Кўп пул топажани билган ҳаммол кечгача оғир юк ташишдан чарчамайди. Ўрим,

йиғим-терим пайтида қўлга кирадиган ҳосилни ўйлаган деҳқон (айниқса, баҳо ортиши эҳтимоли бўлса) бутун йил бўйи иссиқ-совуққа қарамай, қишин-ёзин минг бир заҳмат чекиб ер титишдан қочмайди.

Мана обидлар ҳам жаннатнинг ҳурийларини, кўшкларини, гўзалликларини, нозик таомларию тотли сувларини, зийнатларини ва либосларини, хуллас, Ҳақ таолонинг ўз аҳлига ваъда қилган ҳисобсиз неъматларини ўйлаб, кўз олдига келтирганда, бу ўткинчи дунёнинг лаззатини тарк этишни, мусибатлар, балолар ва азиятларни зиммасига олиб, сабр этишни афзал биладилар.

Ривоят қиладиларки, Суфён Саврий жаҳаннамни хотирга олганда, қўрқув ва изтиробдан шу қадар кўп тоат ва ибодат қилар, бундан ҳам қониқмай шу қадар кўп эзилар эдики, буни кўрган ёр-дўстлари унга қандай таскин беришни билмай қийналардилар.

– Эй устоз! Ибодатларингни бироз қисқартирсанг ва бу йўлда ўзингни бунча кўп қийнамасанг бўлмайдами? – дедилар.

Саврий бундай жавоб берди:

– Ибодат йўлида кўпроқ чарчашим керак. Нега десангиз, эшитишимча, жаннат аҳли завқу сафога чўмган бир пайт бирдан саккиз жаннатни ёритган бир нур порлаган. Жаннат аҳли эса буни илоҳий бир нур ҳисоблаб, дарҳол сажда қилганлар. Шунда бир овоз янграб:

– Эй жаннат аҳли! Бошингизни саждадан кўтаринг. Сизлар илоҳий деб ҳисоблаган бу нур бир жориянинг ўз эри юзига бир табассум қилганидан таралди! – деган.

Ибодат ишларида банданинг икки муҳим вазифаси бор:

1. Гуноҳ йўлга юришдан ва ёмонлик қилишдан сақланиш.
2. Тоат-ибодатда бўлиш ва яхшилик қилиш.

Бу икки муваффақиятни қўлга киритиш учун, бир тарафдан, нафсни қўрқитиш, иккинчи тарафдан, уни келажакда кўрадиган савоб ва мукофот билан умидлантириш лозим бўлади.

Нафс қайсар ва асов хачирга ўхшайди. Бирда илгарилаб кетади, бирда ортда қолади – қамчилайсан. Бирда бир чуқурга тушиб қолади, чиқариш учун биров таёқ билан уради. Биров арпа кўрсатиб, уни умидлантиради. Бирда икки ёндан турғазиб,

ёрдам берадилар... Хуллас, турли ҳийлалар билан уни чуқурдан чиқарадилар.

Шўх ва ярамас, мактабга боргиси келмайдиган бир болага ота-онаси, бир томондан, ўқитувчиси билан қўрқитади, иккинчи томондан, унга ҳолва, мева сингари нарсалар бериб, мактабга боришга кўндиради.

Нафс мана шундай дунё саҳросида бир ёввойи хачирга ўхшайди. Қўрқув унинг қамчиси ва юргизувчиси, умид унинг арпаси ва едирувчисидир. Нафс мактабга боргиси келмаётган, кўча ўйин-кулгисига берилган шўх-ярамас болага ўхшайди, унга жаҳаннам азобини эслатиш – ўқитувчидан қўрқиши, жаннат неъматларини эслатиш эса, ҳолва ва мева сингари нарсалардир.

Ибодат ва тоат йўлига кирганлар ўз йўлларида давом эта олишлари учун, бир тарафдан нафсларини қўрқитишлари, иккинчи тарафдан, унга умид берувчи ваъдалар беришлари керак.

Чунки унинг табиати ўз-ўзидан ибодатга боришга мослашмаган. Нафснинг итоат остига олиниши учун Қуръони каримда бир қанча қўрқитувчи ва умидлантирувчи оятлар зикр этилган. Ҳақ таоло ибодат қилувчи ва яхшилиқ қилган бандаларини бу амаллари эвазига турли неъматлар билан мукофотлантира-жагини ваъда этаркан, уларга умид беради, гуноҳ ва ёмонлик қилганларга эса энг шиддатли ва аламли азоблар билан азоб-лантиражагини билдириб, уларни қўрқитади.

ҚЎРҚУВ ВА УМИД

“Қўрқув ва умиднинг ҳақиқатларини, уларнинг қисмларини, ҳукмлари ва зидларини қийналмасдан ҳаётимизга татбиқ қилишимиз учун уларни соддароқ қилиб тушунтириб бера оласизми?” деб сўровчиларга жавобимиз будир:

Дин олимларига кўра, **қўрқув ва ражо** (ёлвориб дуо қилишдан бирор натижа чиқишидан умид) кишининг зехнига ўзлигидан туғиладиган икки хотирадан иборатдир. Лекин буларнинг олдинда келадиган сабаб-воситаларини ҳозирлаш ўз қўлида-

дир. Кўнгилдаги кўрқув, макруҳ бир нарса қилиш исталган вақтда ҳосил бўлса, буни “раъд” дейдилар. Агар бу макруҳ нарсани ўйлаш салобат босиш фикри билан бирликда ҳосил бўлса, буни “хашят” (салобат кўрқуви, даҳшат) дейдилар. Бу кўрқувнинг зиддини “журъат” дейдилар.

Гуноҳ қилишга ниятланган кишининг қалбига дарҳол кўрқув соладиган тўрт сабаб бор:

1. Олдинги гуноҳларини ва ўзига ўзи душманлик қилиб қўйган вақтларини ўйлаб, янгисига қўл уриши қутулишга имкон қолдирмаслигини кўз олдига келтириш.

2. Бу гуноҳга Аллоҳнинг беражаги шиддатли ва аламли азобни ўйлашдир.

3. Бу иш (гуноҳ) оқибатида тушадиган ҳоли қаршисида ўз заифлигини ва ожизлигини тасаввур қилиш.

4. Ҳақ таолонинг, шиддатли ва аламли азоби билан жазолантиришидаги буюк қудратини ва ўзини бундан қутқаришга етарли кучи йўқлигини идрок этиш.

Ражо (дуодан кейин келадиган натижадан умид) эса Ҳақ таолонинг фазли-карами, лутфи-марҳамати мўллигини, кенглигини ўйлаш билан қалбда ҳосил бўладиган севинч ва яхши кайфиятдир. Бу ҳам инсоннинг қўлида бўлмаган бир нарсадир. Лекин қалбини севинтирадиган дастлабки сабаблар унинг ўз қўлида. Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратининг мўллигини ўйлашдан пайдо бўладиган севинч – умидни бор қилади. Умиднинг зидди яъс (яис), яъни маъюслик, умидсизликдир. Яъс демак фазлу карамнинг, лутфу марҳаматнинг йўқ бўлганини ўйлашдан пайдо бўладиган ҳаяжон, қайғуришдир. Бу шаклда яъсга тушмоқ (маъюсланмоқ), яъни Аллоҳнинг раҳматидан умид узмоқ ҳаромдир. Бу кофирликка олиб бориши мумкин. Ҳолбуки, Аллоҳнинг фазлу карами билан марҳамати мўллигига ишонгандан кейин, агар сенга яъс ҳужум қилса ва уни ҳайдашга кучинг етмаса, у ҳолда умид сен учун фарз бўлади. Чунки кишини яъсдан қутқарадиган ягона нарса умиддир. Шу сабабга кўра, Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати мўллигига ишониш, шунга боғланиш (яъни умид) доимо фарздир. Бундан бошқача

умидлар эса нафиладир. Ражо(умид)ни ҳозирлайдиган тўрт муҳим сабаб бор:

1. Сўралмаган ва ҳеч бир шафоатчи орага тушмаган ҳолда берилган неъматларни ўйлаш.

2. Ҳақ таоло буюк карамининг сўнгсиз қудратини кўрсатувчи савоби мўллиги ва ҳақ этмагани ҳолда кишига дунё ва охират неъматларини мўл-мўл бериш билан бўлганлигини ўйлашдир.

3. Дин хусусида, Аллоҳнинг берган ҳидоятини, маълумотни, амални ўзига лойиқ кўриб эҳсон этганлигини ўйлаш.

4. Ҳақ таолонинг раҳмати ғазабидан устун эканлигини ва раҳимлигини, мўмин бандаларига кўп шафқатли, марҳаматли эканлигини ўйлаш.

Олдинда келадиған мана шу сабабларнинг ҳаммасини библиб, ўз ҳаётига татбиқ этган киши умид ва қўрқув сифатларини ўрганган, тоат ва ибодат йўлида ҳеч қандай тўсқинликка учрамай юришга муваффақ бўлади.

Ибодат ва зиёрат йўлида бўлганлар бу кечикда диққат-этибор билан эҳтиёт бўлиб ҳаракат этишлари лозим. Чунки таҳликалар ва қийинчиликлар билан тўла бўлган бу кечикнинг икки ёнида хатарли бирор йўл бордир. Булардан бири аминликнинг терси яъс (умидсизлик) йўлидир.

Бу иккиси орасида сенинг давом этажанинг энг тўғри йўл қўрқув ва умид йўлидир. Бундан четга чиққанлар адашадилар ва бузиладилар. Аллоҳнинг раҳматидан умид қилмасанг, ғазабидан қўрқмасанг, бефойда журъат йўлига тушганингни ўзинг ҳам билмай қоласан. Ҳолбуки, Ҳақ таолонинг осийларга берадиган аламли азобларидан четда қоламан, деб ўйлаганлар зиёнда бўлган кишилардир. Агар Аллоҳдан қўрқсанг-у, раҳмати ва мағфиратининг мўллигидан умидингни узсанг, у ҳолда яъс (маъюслик) йўлига адашиб кириб қолган бўласан. Ҳолбуки, Аллоҳнинг раҳматидан умидини узганлар фақат кофирлардир. Агар Аллоҳдан ҳам қўрқсанг, ҳам раҳмат ва мағфиратидан умидвор бўлсанг, энг тўғри йўлга кирганингдир. Ушбу йўлга кирган авлиёлар, эранларни Ҳақ таоло бундай сифатлантиради:

إِنَّهُمْ كَانُوا يُسْرِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا وَكَانُوا لَنَا خَشِيعِينَ ﴿٩٠﴾

Яъни: “Дарҳақиқат, улар (пайғамбарлар) яхши ишлар қилишга шошилар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо-илтижо қилардилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилгувчи эдилар” (Анбиё сураси, 90-оятнинг охири).

Бу оят мўминлар яхши ишлар қилишга шошилишлари, айти чоғда ҳам Аллоҳдан қўрқишлари, ҳам раҳматидан умидвор бўлиб, чин кўнгилдан, берилиб дуо қилишлари кераклигини маълум қилаётир.

Эй азиз, модомики шундай экан, сенга уч йўл берилган:

Иккиси шайтоний, бири раҳмоний йўлдир.

Шайтоний йўлнинг бири ўзига жуда ишониб юборган журъат йўлидир; иккинчиси эса яъс ва умидсизлик йўлидир.

Раҳмоний йўл билан бу иккисининг ўртасига тушган қўрқув ва умид йўлидир. Бу тўғри йўлнинг ўнгига майл этсанг ҳам, сўлига майл этсанг ҳам таҳликага тушасан.

Фақат шуни билки, бу икки йўл ҳам кенгдир. Соқчилари, йўл кўрсатувчилари кўпдир. Пастлиги, тепалиги йўқдир. Ундан юриш оппа-осон. Шунга қарамай охирида фалокат бор. Йўл кенглиги сабабли инсон табиатининг ижоби шундайки, осон кўринган бу икки йўлдан юришни хоҳлайди. Мана сен ҳам шундай қилишни истаяпсан. Ишонч йўлига қараган чоғингда илоҳий раҳматнинг мўллигини, барча мавжудотларга бергани турли неъматларни кўрасан ва бу қадар катта марҳаматга эга бир Раббдан қўрқишнинг тўғри эмаслиги тўғрисида ҳукм чиқариб, Унинг раҳматига ишонасан, ғурурланасан ва бу хатоли ҳаракатинг билан ўзингни фалокат қучоғига ташлаган бўласан.

Агар бунинг аксини қилсанг, қўрқув томонига қараганда ҳам Аллоҳнинг раҳматидан умид қилмасдан, фақат қўрқув йўлини ўрганиб олиб, юксак бўлган Ҳақ таолонинг азоби шиддатли эканлигини, бу хусусда пайғамбарларига, авлиёларига ҳам илтифотда бўлмаганлигини кўрганда умидингни узсанг, у пайтда яъс (умидсизлик) йўлига тушиб қоласан. У ҳолда қиладиган

ишинг бу икки хавотирли йўлга қараб адашмасдан, ҳам Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати мўллигига суяниш ҳамда шиддатли ва аламли азобидан қўрқиш бўлади. Қўрқув ила севги, умид ила ишончнинг аралашмасидан вужудга келган бу йўл қутулиш йўлидир.

Қўрқув бўлмаган ҳолдаги умид йўли кенг ва ўтилиши осондир. Лекин охири хусрондир (зиён, зарарлидир). Умид бўлмаган ҳолдаги қўрқувга ишонадиган йўл ҳам кенгдир, заҳматсиз, осонгина ўтилади. Лекин охири яъс ва куфрдир. Аммо умид ва қўрқувнинг бирлашишидан вужудга келган ўрта йўлни ўтиш чиндан ҳам қийиндир.

Лекин бу йўл эсон-омон қутулиш йўлидир. Бу йўлнинг паст даражаси мағфират ва эҳсондир. Ўртаси ҳурли ва ғилмонли наъим жаннатидир. Юксаги Аллоҳ ризосининг ошкор этилиши ва унга етилиш бахтидир. Шунинг учун Ҳақ таоло бу йўлнинг йўлчиларига бундай мужда (хушхабар) беради:

يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا

فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٧﴾

Яъни: “Улар Раббларига қўрқув ва умид ила дуо-илтижо қиладилар”. “Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун бекитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни охират неъматларини) бирон жон билмас” (Сажда сураси, 16-оятдан ва 17-оят).

Эй азиз, нафси амморани ўз ҳолига қолдирсанг, табиатидан воз кечмайди ва бу оғир ишларга киришмайди, шундай экан, сен ҳар вақт ёмонлик қилишни истовчи нафсингни тушовлаб, қутулиш йўлига киришинг учун қуйидаги уч асосни диққат ва ғамхўрлик билан ишга сол:

1 – Нафсингни қўрқитадиган, унга умид берадиган ва ташвиқ этадиган Қуръон оятларини ўйла.

2 – Ҳақ Таолонинг неъмат ва савоб, жазо ва азоб беришидаги қудратини тафаккур қил.

3 – Қиёмат кунида ҳар инсон ўз амалига кўра жазо ёки мукофот кўражаги ҳақ эканлигини ўйла.

Биринчи асос:

Ҳақ таолонинг қўрқитувчи ва таҳдид этувчи оятлари билан хайр ишларни амалга оширишни, яхшилик қилишни ташвиқ этадиган, раҳмат ва мағфиратини ҳимоя қилишини билдирадиган бир қатор оятлари, чунончи, мана булардир:

قُلْ يٰعِبَادِىَ الَّذِيْنَ اَسْرَفُوْا عَلٰى اَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوْا مِنْ رَّحْمَةِ اللّٰهِ اِنَّ اللّٰهَ يَغْفِرُ
الدُّنُوْبَ جَمِيْعًا اِنَّهٗ هُوَ الْغَفُوْرُ الرَّحِيْمُ ﴿٥٣﴾

Яъни: «(Эй Муҳаммад), Ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Чунки Аллоҳ бутун гуноҳларни афв этади. Шубҳасиз, у кўп афв этувчи ва меҳрибондир”» (Зумар сураси, 53-оят).

غٰفِرِ الذَّنْبِ وَقَابِلِ التَّوْبِ شَدِيْدِ الْعِقَابِ ذِى الطَّوْلِ

Яъни: “Аллоҳ (мўминларнинг) гуноҳини афв этади, тавбаларини қабул қилади, азоби қаттиқдир” (Ғофир сураси, 3-оятдан).

وَمَنْ يَغْفِرِ الذُّنُوْبَ اِلَّا اللّٰهُ

Яъни: “Гуноҳларни ёлғиз Аллоҳдан бошқа ким мағфират қила олади?” (Оли Имрон сураси, 135-оятдан).

كُتِبَ رَبُّكُمْ عَلٰى نَفْسِهِ الرَّحْمَةُ اَنَّهُ مِّنْ عَمَلٍ مِنْكُمْ سُوْءٌ اِجْهَلْتُمْ ثُمَّ
تَابَ مِنْۢ بَعْدِهِۦ وَاَصْلَحَ فَاَنَّهُ غَفُوْرٌ رَّحِيْمٌ ﴿٥٤﴾

Яъни: “Раббингиз ўз зиммасига раҳмат қилишни ёзгандир: Сизлардан ким билмасдан бирон гуноҳ қилса, сўнгра Ўша гуноҳ кетидан тавба қилиб, (ўзини) тузатса, шубҳасизки, Аллоҳ кўп кечиргувчи, кўп меҳрибондир” (Анъом сураси, 54-оятдан).

وَرَحْمَتِيْ وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍۭ فَسَاكُنْهَا لِّلَّذِيْنَ يَتَّقُوْنَ وَيُوْتُوْنَ الزَّكٰوةَ
وَالَّذِيْنَ هُمْ بِآيٰتِنَا يُؤْمِنُوْنَ ﴿١٥٦﴾

Яъни: “Менинг раҳматим ҳамма нарсадан кенг. Уни тақводорларга (куфрдан, гуноҳ қилишдан сақланувчиларга), закотни берадиган ва оятларимизга имон келтиргувчи кишиларга ёзаман” (Аъроф сураси, 156-оятдан).

إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرُءُوفٌ رَحِيمٌ ﴿١٤٣﴾

Яъни: “Албатта, Аллоҳ инсонларга меҳрибон ва раҳмlidir” (Бақара сураси, 143-оятнинг охири).

وَكَانَ بِالْمُؤْمِنِينَ رَحِيمًا ﴿٤٣﴾

Яъни: “У мўминларга кўп раҳмlidir (марҳаматlidir)” (Аҳзоб сураси, 43-оят).

Қўрқитувчи оятлар эса мана булардир:

يَعْبَادِ فَاتَّقُونِ ﴿١٦﴾

Яъни: “Эй бандаларим, мендан қўрқинг!” (Зумар сураси, 16-оят охири).

أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ ﴿١١٥﴾

Яъни: “Ё сизнингча, биз сизларни беҳуда яратдиг-у, сизлар бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?” (Муъминун сураси, 115-оят).

لَيْسَ بِأَمَانِيكُمْ وَلَا أَمَانِي أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ، وَلَا يَجِدْ لَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿١٢٣﴾

Яъни: “Сизларнинг хомхаёлларингиз ҳам, аҳли китобнинг хомхаёллари ҳам ҳақ эмас – кимки ёмон амал қилса, жазосини олади ва ўзи учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор топмас” (Нисо сураси, 123-оят).

قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُمْ بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا ﴿١٠٣﴾ الَّذِينَ ضَلَّ سَعِيَهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا ﴿١٠٤﴾

Яъни: «(Эй Муҳаммад!) айтинг: “Сизларга қилган амалларидан энг кўп зиён кўргувчи кимсалар хабарини берайми? Улар қилган саъй-ҳаракатлари ҳаёти дунёдаёқ йўқ бўлиб кетган-у, аммо ўзларини яхши амал қилаётганлар, деб ҳисоблайдиган кишилардир”» (Каҳф сураси, 103–104-оятлар).

وَبَدَأْهُمْ مِنْ اللَّهِ مَا لَمْ يَكُونُوا يَحْتَسِبُونَ ﴿٤٧﴾

Яъни: “(Холбуки уларга қиёмат кунда) Аллоҳ томонидан улар ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар – азоблар кўрин(а)ди” (Зумар сураси, 47-оятнинг охири).

Кўрқув ила умид бирга ифода этилган оятлар:

نَحْنُ عِبَادٌ أَتَيْنَاكَ الْغَفُورَ الرَّحِيمَ ﴿٤٩﴾ وَأَنَّ عَذَابِي هُوَ الْعَذَابُ الْأَلِيمُ ﴿٥٠﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад!) бандаларимга менинг кечирувчан, меҳрибон эканлигимни, (айни чоғда) берадиган азобим аламли эканлигини ҳам айтинг!” (Ҳижр сураси, 49–50-оятлар).

Мана, кўриниб турибдики, юқорида изоҳланган биринчи қисмдаги оятларда Ҳақ таоло бандаларига раҳмат ва мағфиратидан умидли бўлишлари кераклигини амр этаркан, иккинчи қисмдаги оятларда азобидан кўрқишлари лозимлигидан огоҳлантиряпти. Бандалари булардан бирига таяниб, бошқасини менсимай хатога йўл қўймаслиги учун ҳам Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратига суяниши, ҳам азобидан кўрқиб, гуноҳлардан сақланиши зарурлигини маълум қилаётир.

Ҳақ таоло бир оятда “Аллоҳнинг азоби қаттиқ” деркан (Ғофир сураси, 3-оят), яна шу оятнинг ўзида фазлу карам соҳиби эканлигини ҳам билдиради. Демак, мўмин Аллоҳнинг азоби ҳақидаги огоҳлантиришидан яъса тушмай, Аллоҳга суяниши ва раҳматидан умидли бўлиши керак. “Ким Раҳмондан кўрқса” оятида Аллоҳ кўрқув калимасини Раҳмон калимаси билан бирга ишлатади. “Раббининг карами сени ғурурлантормасин” оятида эса ғазаб ила карим калималари бирга зикр этилган. Бундан мақсад умидларини узмасинлар, дея инсонларни кўрқитишдир. Ахир, биз марҳаматли султондан ва айни чоғда

шафқатли онадан ҳам кўрқамиз-ку! Шундай бўлгач, барча бу оятларнинг ҳақиқий маъносини ўзлаштирган мўминлар Ҳақ таолонинг ғазабига амин бўлган ҳолда, Унинг лутфи ва марҳаматидан ҳам умидларини узмайдилар. Абадий бахтга эришувчи эранлар шундай бўладилар.

Иккинчи асос:

Ҳақ таоло бандаларига бўлган муомаласини бундай маълум қилади: Кўрқув хусусидаги муомала қуйидагича:

Шайтон саксон минг йил Аллоҳга ибодат қилди.

Ривоятга кўра, ер юзида бошини саждага қўймаган бир қарич тупроқ қолдирмади. Лекин бир амрини адо этмагани учун Ҳақ таоло уни эшигидан қувди. Бунча йиллик ибодатини юзига урди ва абадиян лаънатлади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қиладилар:

“Бир куни Жаброил (алайҳиссалом)ни Каъбанинг чойшабига ёпишиб: “Эй Раббим! Исминни ҳам, жисминни ҳам ўзгартирма!” дея ёлвориб дуо қилаётганини кўрдим”.

Ҳақ таоло ўзининг қудрат қўли билан Одам (алайҳиссалом)-ни яратди. Уни Софийюллоҳ деди. Фаришталарни унга сажда қилдирди ва Одамни уларнинг бўйинларига мингаштириб, жаннатга жўнатди. Одам Аллоҳнинг беҳисоб неъматлари ичида яшади. Фақат ўзига тақиқланган бир буғдой донасини егани учун унга Аллоҳнинг бу хитоби келди: Менга осий бўлган, амримни тингламаган одам яқинимда туролмайди. Фаришталарга, олинг, ер юзига туширинг, деб буюрди. Улар Одамни жаннатдан чиқардилар. Кўкдан-кўкка, то ерга туширгунча уни сурдилар. Ривоят қилинишича, Одам (алайҳиссалом) икки юз йил йиғлади. Турли балоларга, қайғу-ҳасратларга дучор бўлди. Шунча қайғу-ҳасратлар билан ёлворгандан кейин тавбаси қабул этилди. Лекин авлодлари қиёматгача дунёнинг захмат ва қайғу-ҳасратларига маҳкум этилди.

Нух (алайҳиссалом) Аллоҳ йўлида, дин учун қийин азоб-уқубатларни бошидан кечирган пайғамбарлардандир. Шундай бўлгани ҳолда, бир сўз сўйлагани учун, Ҳақ таолодан қуйидаги танбеҳни эшитди:

وَنَادَى نُوحٌ رَبَّهُ، فَقَالَ رَبِّ إِنَّ ابْنِي مِنْ أَهْلِي وَإِنَّ وَعْدَكَ الْحَقُّ وَأَنْتَ أَحْكَمُ
 الْحَكَمِينَ ﴿٤٥﴾ قَالَ يَنْتُحِ إِنَّهُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ إِنَّهُ عَمَلٌ غَيْرُ صَالِحٍ فَلَا تَتَّخِذْ مَالَيْسَ
 لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنِّي أَعِظُكَ أَنْ تَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴿٤٦﴾

Яъни: «Нух Раббига нидо қилиб, деди: “Раббим, албатта ўғлим аҳли оиламдандир ва шубҳасиз, сенинг ваъданг ҳам ҳақдир. Сен адолатли ҳукм қилгувчисан”. (Аллоҳ) айтди: “Эй Нух, у сенинг аҳлингдан эмас! Албатта, унинг амали солиҳларга ёт. Бас, ўзинг яхши билмаган нарсани мендан сўрамагин! Албатта, мен сенга жоҳил бўлмасликни буюраман”» (Худ сураси, 45–46-оятлар).

Ривоят қиладиларки, бу танбеҳдан сўнг Нух (алайҳиссалом) уялганидан қирқ йил бош кўтариб кўкка қаролмади.

Иброҳим (алайҳиссалом) – Халилуллоҳ (Аллоҳнинг дўсти) эди, бир хатоли истакда бўлгани (умматининг фалокатга дучор қилинишини истагани) сабабли неча замон Аллоҳга ёлвориб, кечирилишини тилади. Ҳақ таоло бу ёлворишни оятларида бундай билдиради:

وَالَّذِي أَطْمَعُ أَنْ يَغْفِرَ لِي خَطِيئَتِي يَوْمَ الدِّينِ ﴿٨٢﴾ رَبِّ هَبْ لِي حُكْمًا
 وَالْحَقِّقْ بِالصِّلَاحِ ﴿٨٣﴾

Яъни: “Жазо (қиёмат) кунда менинг хатоларимни мағфират этишингни умид қиламан. Раббим, менга ҳикмат ҳадя қил ва солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин” (Шуаро сураси, 82–83-оятлар).

Ривоят қиладиларки, Иброҳим (алайҳиссалом) бир кун ҳаддан зиёд кўп йиғлаганда Ҳақ таоло Жаброил (алайҳиссалом) ни унинг олдида жўнатди. Жаброил (алайҳиссалом) унга: “Эй Иброҳим, ҳеч бир дўст ўз дўстини жаҳаннам азоби билан жазолантирганини кўрганмисан?” – дейди. Иброҳим (алайҳиссалом) эса: “Хатоимни тушунганимда дўстликни унутаман”, – дея жавоб беради.

Мусо (алайҳиссалом) бир кун жаҳл устида бир кишини ургани ва ўлдириб қўйгани учун қўрққанидан кунлар бўйи ёлвориб тавба ва истиғфор этди ва бундай деб ёлворди:

وَدَخَلَ الْمَدِينَةَ عَلَى حِينٍ غَفْلَةٍ مِّنْ أَهْلِهَا فَوَجَدَ فِيهَا رَجُلَيْنِ يَقْتَتِلَانِ هَذَا مِنْ شِيعَةِهُ وَهَذَا مِنْ عَدُوِّهِ فَاسْتَغَاثَهُ الَّذِي مِنْ شِيعَتِهِ عَلَى الَّذِي مِنْ عَدُوِّهِ فَوَكَزَهُ مُوسَى فَقَضَى عَلَيْهِ قَالَ هَذَا مِنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ عَدُوٌّ مُّضِلٌّ مُّبِينٌ
 قَالَ رَبِّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي فَاغْفِرْ لِي فَغَفَرَ لَهُ

Яъни: «(Мусо) аҳолиси ғафлатда бўлган пайтда шаҳарга кирди ва (у ерда) бир-бири билан урушаётган икки кишини кўрди: бири ўз тарафдорларидан, бири душман(лар)дан эди. Тарафдоридан бўлган киши душман томондан бўлган кимсага қарши ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб уни ўлдириб қўйди ва: “Бу шайтоннинг ишидандир, албатта, у йўлдан ургувчи очик душмандир”, деди. Кейин Аллоҳга: “Раббим, шубҳасиз, мен ўз жонимга жабр қилдим, мағфират қил!” деб ёлворди». (Қасас сураси, 15– 6-оятлардан).

Шунда Аллоҳ уни кечирди. Чунки фақат Аллоҳгина мағфират қилгувчи ва кўп меҳрибондир.

Мусо (алайҳиссалом) даврида Балъам ибн Боур деган эранлардан бир киши бўлган экан. Қуйидаги икки оят мол-дунёга берилган ўша “олим” ҳақида нозил бўлгани ривоят қилинади:

وَاتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ الَّذِي ءَاتَيْنَاهُ ءَايَاتِنَا فَانْسَلَخَ مِنْهَا فَاتَّبَعَهُ الشَّيْطَانُ فَكَانَ مِنَ الْغَاوِينَ ﴿١٧٥﴾ وَلَوْ شِئْنَا لَرَفَعْنَاهُ بِهَا وَلَنُكِنِّهُٓ أَخْلَدَ إِلَى الْأَرْضِ وَاتَّبَعَ هَوَاهُ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ الْكَلْبِ إِنْ تَحِمَلَ عَلَيْهِ يَلْهَثَ أَوْ تَتْرُكُهُ يَلْهَثُ ذَلِكَ مَثَلُ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا فَاقْصُصِ الْقَصَصَ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٧٦﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад) уларга у кимсанинг хабарини ўқинг, Биз у кимсага оятларимизни билдирган эдик. У оятларимиз-

дан ўзини четга олгач, уни шайтон эргаштириб кетиб, йўлдан озгувчилардан бўлиб қолди. Агар хоҳласак, уни ўша оятлар сабабли юксакка кўтарган бўлардик. Лекин у ерга боғланди ва ҳавойи нафсига берилди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайдики, ҳайдасанг ҳам, ўз ҳолига қўйсанг ҳам тилини осилтириб тураверади. Бу – оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг мисолидир. Улар тафаккур қилсинлар учун бу қиссаларни уларга сўйланг” (Аъроф сураси, 175–176-оятлар).

Бу оятларда зикр этилган шахс (Балъом ибн Баура) бир замонлар Аллоҳ йўлида, маънавий соҳада шу қадар баланд мартабага эришгандан кейин ҳою ҳавасга, нафсининг орзуларини қондиришга берилгани сабабли бу мақомидан тушди. Шайтонга эргашди, дунёга сиғинувчи йўлдан тойганлардан бўлди. Шу тариқа абадий фалокат ва бузуқлик чуқурига думалади. Айтишларича, Балъом бу ҳолга тушмасдан олдин шу даражада эдики, курсисига чиқиб ваъз айтган пайтларида ўн икки минг киши ҳикмат ва маърифат билан тўла сўзларини ён дафтарларига қайд қилиб олишарди. Лекин бузулиб кетгандан кейин бир китоб ёзиб, унда бу оламнинг Яратувчисини инкор этди.

Бундай бузуқлик чуқурига қулашдан Ўзинг асра, деб Аллоҳга сиғинамиз.

Эй азиз, шу вафосиз дунёнинг толесизликларидан ибрат ол, унга боғланган олимлар, эранлар ҳам шайтонга эргашиб, йўлдан чиқадилар ва бузуқлик жарига қулайдилар. Бу ҳақда ўйла ва ақлингни бошингга йиғ. Юқорида айтилган асослардан айрилма. Нафснинг ва шайтоннинг сени қўзғатишларига йўл қўйма, ана шунда катта бахтга эришасан.

Довуд (алайҳиссалом) Ҳақ таолонинг халифаси бўлгани ҳолда бир марта кичик бир гуноҳ қилиб қўйгани учун шу қадар кўп йиғладики, кўз ёшлари томган ердан ўтлар униб чиқди ва ниҳоят у:

– Эй Раббим, йиғиларим ва тўккан кўзёшларим эвазига менга марҳамат қилмайсанми? – дея зорланди.

Ҳақ таоло унга бу жавобни берди:

– Эй Довуд, қилган гуноҳингни унутдингми, менга кўзёшларингдан баҳс этасан?!

Бир ривоятга кўра, 40 кунгача, бир ривоятга кўра 40 йилгача тавбаси қабул қилинмаган экан.

Юнус Пайғамбар кичик бир гуноҳ қилгани учун Ҳақ таоло уни 40 кун балиқ қорнига қамади. Юнус (алайҳиссалом) балиқ қорнидалигида бундай дуо ўқирди:

لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ

Яъни: **“Сендан бошқа ҳеч бир Тангри йўқ. Сени танзиҳ этаман. Мен ўзимга зулм қилганлардан бўлдим”** (Анбиё сураси, 87-оятдан).

Юнус (алайҳиссалом)нинг овозини эшитган фаришталар:

– Эй Раббимиз! Дунёнинг бир жойидан сени тасбеҳ этаётган бир овоз келяпти. Қаерданлигини билолмадик, – дейишди.

Ҳақ таоло:

– Бу – денгизда бир балиқ қорнида бўлган ва мендан марҳамат сўраётган бандам Юнуснинг овози! – дея хабар берди.

Шунда фаришталар шафоатчилик қилдилар ва:

– Эй Раббимиз! Бу бандангга марҳамат қил, уни фалокат чуқуридан қутқар! – деб ёлвордилар.

Аллоҳ фаришталарнинг шафоатини қабул қилди, Юнусни қамоқдан (балиқнинг қорнидан) чиқарди. Лекин унинг исмини ўзгартирди ва у яшаган зиндон (балиқ қорни) шарафига “Заннун” (“Балиқ эгаси”) дея чақирди ва бундай огоҳ этди:

فَلَوْلَا أَنَّهُ كَانَ مِنَ الْمُسْتَجِيبِينَ لَلَّيْتُ فِي بَطْنِهِ إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ

Яъни: **“Агар у (Аллоҳга) тасбеҳ айтгувчилардан бўлмасайди, ҳар ҳолда (инсонлар) қайта тириладиган кунгача унинг қорнида қолиб кетган бўларди”** (Саффот сураси, 143–144-оятлар).

Кейин Ҳақ таоло Юнус (алайҳиссалом)га атаган неъматини бундай буюрди:

فَاصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تَكُنْ كَصَاحِبِ الْحُوتِ إِذْ نَادَىٰ وَهُوَ مَكْظُومٌ ﴿٤٨﴾ لَا إِلَهَ إِلَّا أَن تَذَرَكُمُ نِعْمَةً مِّن رَّبِّهِ ۚ لَنُذِيقَ الْغَرَاءَ وَهُوَ مَذْمُومٌ ﴿٤٩﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад) Раббингизнинг ҳукмига сабр қилинг ва балиқ соҳиби каби бўлманг. Эсланг: у бесабрлиги учун тушиб қолган балиқ қорнида ҳазинлик билан паноҳ тилаб дуо қилганди. Агар Раббидан унга бир неъмат етказилмаган бўлсайди, қуруқликка яланғоч ҳолда отилиб тушарди” (Қалам сураси, 48-49-оятлар).

Энди мана бунга эътибор бер: Ҳақ таоло Пайғамбарларнинг Раиси ва яратилганнинг энг шарафлиси бўлган Муҳаммад ҳазратларига қандай буйруқлар буюрди:

فَأَسْتَقِمَّ كَمَا أُمِرْتَ وَمَن تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغَوْا إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١١٢﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад) сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилгани янглиғ тўғри йўлда бўлингиз! Тўғёнга тушмангиз! Албатта, У қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир” (Худ сураси, 112-оят).

Бу оят нозил бўлгандан кейин устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай марҳамат қилдилар:

“Худ сурасининг бу ояти ва бунга ўхшаган таҳдид оятлари мени қаритди”.

Ҳақ таоло Пайғамбар ҳазратларига, мағфиратга эришгунга қадар гуноҳингга истиғфор эт, дея буюрганди. Аллоҳ уни афв этгандан кейин эса бундай эслатди:

أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ ﴿١﴾ وَوَضَعْنَا عَنكَ وِزْرَكَ ﴿٢﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад) Биз сизнинг қалбингизни кенг-мунавар қилиб қўймадикми? Сиздан юкингизни олиб қўймадикми?” (Иншироҳ-Шарҳ сураси, 1-2-оятлар).

إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُّبِينًا ﴿١﴾ لِيُغْفِرَ لَكَ اللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِن ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ وَيُتِمَّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكَ وَيَهْدِيكَ صِرَاطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٢﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад) **Тўғриси, биз (Худайбийя сулҳи билан) сизга оп-очиқ бир зафар бердик. (Аллоҳ) шу тариқа ўтмишдаги ва келгувсидаги гуноҳларингизни кечириб ва Ўз неъматини комил қилиб бериб (яъни динни юксалтириб), сизни тўғри йўлга эриштирди**” (Фатҳ сураси, 1–2-оятлар).

Бу оятлар нозил бўлган пайтларда устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари шу қадар кўп намоз ўқирдиларки, оёқлари шишиб кетарди ва Ул Зотга:

– Эй Аллоҳнинг Элчиси, Раббингиз ўтган ва келажак барча гуноҳларингизни афв этди. Нечун заҳмат чекиб бу қадар кўп намоз ўқийсиз?– деб савол берганларида, устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бу жавобни бердилар:

“Ҳақ таолонинг бунча неъматларига жавобан шукр қилувчи бандалардан бўлмайми?”

Сал-пал хижолатли иш бўлиб қолса, Расулуллоҳ шундай деб марҳамат қилардилар:

“Агар мен ва Исо шу икки бармоқнинг қилган ишлари сабабли жазога тортилсайдик, ҳеч кимса кўрмаган азобларни кўрардик.”

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари кечалари туриб намоз ўқир ва йиғлаб Ҳақ таолога бундай ёлворарди: “Аллоҳим! Азобингдан афвингга, ғазабингдан ризоингга, Сендан шон-шуҳратингга сиғинаман. Мен Сени Ўзингни Ўзинг мадҳ этганинг қадар мадҳ этолмаяпман”.

Пайғамбар ҳазратларининг саҳобалари ўзлари яшаган даврда, замонларнинг энг шарафли замонида, ўзлари Ислом умматининг етакчилари бўлганларига қарамай, одамни ўйга толдирадиган бир ҳаракатда бўлганлари учун дарҳол бундай бир қутлуғ оят нозил бўлганди:

أَلَمْ يَأْنِ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْ تَخْشَعَ قُلُوبُهُمْ لِذِكْرِ اللَّهِ وَمَا نَزَلَ مِنَ الْحَقِّ وَلَا يَكُونُوا كَالَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلُ فَطَالَ عَلَيْهِمُ الْأَمَدُ فَقَسَتْ قُلُوبُهُمْ وَكَثِيرٌ مِنْهُمْ فَاسِقُونَ ﴿١٦﴾

Яъни: **“Имон келтирган зотлар учун қалблари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган Ҳақ Китобига мойил бўлиш вақти келмадими? Илгари китоб ато этилган, сўнг муддат ўтиб, қалблари қотиб кетган кимсалар каби бўлиб қолмаслик (вақти келмадими)? Уларнинг кўплари фосиқ эдилар (диндан чиққан эдилар)!”** (Ҳадид сураси, 16-оят).

Аллоҳни зикр этгани учун Ислом уммати энг хайрли ва раҳматга лойиқ бир уммат экан, Ҳақ таоло бу уммат учун жазо берувчи, тарбиялаб йўлга солувчи ҳукмларни ўртага қўйди. Шу даражадаки, баъзи олимлар айтадилар: ўн дирҳамлик мол ўғирлаган бир ўғрининг қўли кесилишини буюрган бир подшоҳ эртага ўзи қандай жазо олишини шунга қиёслаб билиб олаверсин.

Аллоҳдан қўрқиш лозимлиги тўғрисида берган бундай маълумотимиздан кейин энди унинг раҳмати ва иноятидан доимо **умидли бўлиш кераклигини** ҳам билдириб ўтайлик.

Аллоҳнинг раҳмат ва мағфират денгизи шу қадар каттаки, бутун оламнинг гуноҳига унинг бир парчаси кифоя қилади.

70 йиллик умрини куфр билан ўтказган бир кишининг имонга келган бир соатлик вақти учун барча гуноҳларини кечирганини кўрмайсанми? Чунончи, Фиръавннинг барча сеҳрбозлари имонсиз эдилар. Мусо (алайҳиссалом)ни енгиш ва эзиб ташлаш учун тўпландилар. Лекин унинг қўли ва ҳассасидаги илоҳий қудратни кўрганда:

– Биз Мусо ва Хоруннинг Раббига ва унинг бирлигига жон ва кўнгилдан ишондик! – дедилар. Ҳали уларнинг солиҳ амаллари бўлмагани ҳолда Ҳақ таоло буларнинг имонини қабул этди. Кечмиш барча гуноҳларини афв қилди. Диндор бўлганлар қатори наим жаннатидан абадий қилиб уларга жой берди.

Эй азиз, энди бир ўйлайлик, бир дафъада жон ва кўнгилдан Шаҳодат калимасини айтиб имон келтирганларга, бунча йиллик куфрларини, қайсарликлари, бузуқликлари ва гуноҳларини афв этиб, шундай юксак неъмат бериб, саодатларга кўмган Аллоҳ бутун умрларини Унга тоат ва ибодат билан кечирган мўминларга нималар ҳам эҳсон қилмайди дейсиз?

Асҳоби Каҳф ҳикоясини эшитмаганмисиз? Улар умрларини куфр ва бузуқликда ўтказгандан кейин имонга келдилар ва:

رَبَّنَا رَبِّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَن نَدْعُوكَ مِنْ دُونِهِ إِلهَا لَقَدْ قُلْنَا إِذَا شَطَطًا ﴿١٤﴾

Яъни: **“Раббимиз осмонлар ва ернинг Раббидир. Ундан ўзга илоҳга сиғинмаймиз. Акс ҳолда ноҳақ сўзни айтган бўламиз”** (Каҳф сураси, 14-оят), – дедилар ва мағорага (ғорга) кирдилар. Ҳақ таолога сиғиндилар. Аллоҳ уларга ғорда уйқуда қолганлари узун муддат давомида иззат-икром кўрсатди, баданларига зарар келмасин деб ўнгга-сўлга айлантирди.

وَحَسَبَهُمْ آتِكَاطًا وَهُمْ رُقُودٌ وَنُقِلَبَهُمْ ذَاتَ الْيَمِينِ وَذَاتَ الشِّمَالِ وَكَلْبُهُمْ بَاسِطٌ ذِرَاعَيْهِ بِالْوَصِيدِ

Яъни: **“Уйқуда эканлар, сен уларни уйғоқ деб ўйларсан. Биз уларни ўнгга,сўлга айлантириб турардик. Итлари эса олд оёқларини остонага қўйиб ётарди”** (Каҳф сураси, 18-оятнинг боши).

Ҳақ таоло уларни ҳашаматли либослари ва улуғворлик киёфалари билан муҳтарам қилди ва улар ҳақида ўз Расулига бундай деди:

لَوْ أَطَّلَعْتَ عَلَيْهِمْ لَوَلَّيْتَ مِنْهُمْ فِرَارًا وَلَاحِلْتَ مِنْهُمْ رُعبًا ﴿١٨﴾

Яъни: **“Агар уларнинг устидан чиқиб қолсанг, даҳшатга тушиб, юз ўгириб қочган бўлардинг”** (Каҳф сураси, 18-оятнинг охири).

Аллоҳ Куръони каримда асҳоби Каҳф ила бирга кетган итдан ҳам баҳс этди. Мағорада улар билан бирга асради. Охиратда жаннатга ҳам қўйса керак...

Эй азиз, ўйла, золимларнинг қўлидан қочиб, бир ғордан бошпана топган бир неча мўминнинг ортидан кетган итга шунчалик эътибор кўрсатган, уни шарафли тутган Аллоҳ, Ўзини билган, Ўзига тоат ва ибодат қилган, 24 соатда 80 марта ҳузурида саждага борган мўминларга нималар қилмас?

Шундай мўминларки, минг йил яшасалар ҳам, Ҳақ йўлдан тоймайдилар!

Иброҳим (алайҳиссалом) ўз қавмидан бўлган гуноҳкорларга баддуо қилгани учун Ҳақ таоло томонидан айбланди.

Мусо (алайҳиссалом), қаттиқ сиқилиб қолган пайтида ўзидан ёрдам сўраб келган Қорунга марҳамат қилиб ёрдамига бормагани учун Ҳақ таолодан ҳайфсан эшитди.

Юнус (алайҳиссалом) воқеаси-чи? Балиқ уни соҳилда қолдирганда Аллоҳнинг қудрати билан у ерда бир ниҳол унди ва улғайиб дарахт бўлди. Юнус (алайҳиссалом) унинг соясида қуёшдан ҳимояланди. Бир қанча кундан кейин дарахт қуриб қолганда Юнус (алайҳиссалом) жуда қайғу-ҳасратга чўмди.

Шунда Ҳақ таоло унга:


– Эй Юнус! Бир дарахтнинг қуриб қолишига шунчалик куясан-у, юзмингларча одамларга азоб туширганимни кўрганингда негадир ачинмагандинг ҳам, уларнинг қутулишини тилаб дуо ҳам қилмагандинг. Яна Мен Ўзим уларга марҳамат қилиб ҳимоя қилдим ва уларга юборган азобимни тўхтатдим, дея Юнус (алайҳиссалом)га ҳайфсан айтди.

Бир кун устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари Бани Шайба эшигидан ичкари кириб бораркан, у ерда бўлган бир жамоатнинг кулишганини кўрганда:

– Нега куляпсизлар!– дея уларни озорлаб ўтди.

Ҳажарул Асвад (Каъбадаги Қора Тош) олдига боргандан кейин такрор ўша жамоат ёнидан ўтди ва уларга бундай деди:

«Бугун ёнимга Жаброил (алайҳиссалом) келди ва Аллоҳнинг шу буйруғини билдирди: Эй Муҳаммад, нима учун у бандаларим билан Менинг раҳматимдан умидларини узадиган тарзда гаплашдинг? Ҳабибим, уларга энди бундай де:



Яъни: **“Бандаларимга ёлғиз Менинг Ўзимгина кечиргувчи ва раҳмли эканимни хабар қилинг!”**» (Ҳижр сураси, 49-оят).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай марҳамат қиладилар:

“Ҳақ таолонинг бандаларига марҳамати, шафқатли она-нинг болаларига бўлган шафқати ва марҳаматидан ортиқроқдир”.

Ва яна бундай деб марҳамат қиладилар:

“Ҳақ таолонинг юз раҳмати бор. Бир донасини инсонлар, жинлар ва ҳайвонларга бўлди. Улар эса шу биттагина марҳамати билан бир-бирларига муомала қиладилар, мукофот ва шафқат билан ишлайдилар. Қолган тўқсон тўққизини эса Аллоҳ ўзида олиб қолди. Қиёмат кунини бандаларига булар билан раҳмат қилажакдир”.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, дунёда унинг шу бир дона марҳаматидан маҳрум қолмадик. Турли неъматларига эришдик. Аввало йўқликдан бор бўлдик, ҳаёт топдик, инсон бўлдик. Муҳаммад умматининг аҳли суннат вал жамоатидан бўлдик. Шу тариқа Аллоҳнинг кўринар-кўринмас, моддий-маънавий қанча-қанча неъматларига ноил бўлдик. Ҳақ таолодан тилагимиз: охират кунда ҳам ўша тўқсон тўққиз раҳматидан бизларни маҳрум қолдирмасин. Чунки, эй Раббимиз! Ишингни эҳсон билан бошладинг, охирини ҳам хайр билан якунла – Сенинг сўнгсиз раҳматингдан сўраймиз. Бутун пайғамбарлар, авлиёлар, солиҳ бандаларинг ҳурмати, Эй Раббимиз, охиримизни хайр билан якунла. Омин!

Учинчи асос:

Буниси Ҳақ таолонинг охират кундаги **жазо ва мукофот**ларини билдиради. Буларнинг майдонга келиши, жой-жойига қўйилиши, эга-эгасига берилиши тўрт ҳол ичида бўлади:

Ўлим. Мозор. Қиёмат. Жаннат ва жаҳаннам.

Ана шу тўрт ерда яхшилар билан ёмонларнинг, етакчилар билан ғайратсиз танбалларнинг ҳоллари маълум бўлади.

ЎЛИМ

Аввало икки кишининг ўлим чоғидаги ҳолларини кўрайлик. Булардан бирини Ибн Шарма бундай баён қилади:

Бир кун Шайбий бир беморни зиёрат қилгани кетди, ўлим тўшагида бўлганини кўрди. Ёнида бир киши ўтириб, Шаҳодат калимасини ўқир ва буни беморга такрорлатмоқчи бўларди.

Шаъбий у одамга:

– Жуда мулойим тарзда ва оҳиста-оҳиста сўйла, беморни шоширма, – деди.

Шу пайтда бемор кўзини очди ва Шаъбийга:

– Хоҳласа, оҳиста, хоҳласа, тез-тез ўқийверсин, аҳамияти йўқ. Мен унга етиб олавераман, – деди. Сўнгра бу қутлуғ оятни ўқий бошлади:

إِذْ جَعَلَ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْحَمِيَّةَ الْحَمِيَّةَ الْجَاهِلِيَّةَ فَأَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَى رَسُولِهِ وَعَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَالزَّمَهُمْ كَلِمَةَ التَّقْوَى وَكَانُوا أَحَقَّ بِهَا وَأَهْلَهَا وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا ﴿٢٦﴾

Яъни: “Ўшанда кофир бўлган кимсалар қалбларига қизиқ-қонликни солганларида, Аллоҳ ўз расули ва мўминлари узра ўз сакинат-оромини туширди ва уларга тақво калимасини лозим қилди. Булар ўшал (калима)га жуда ҳақдор ва лойиқ аҳллардан эдилар. Аллоҳ барча нарсани билгувчи зотдир” (Фатҳ сураси, 26-оят).

Бу вазиятни кўргандан кейин Шаъбий:

– Аллоҳга шукрлар бўлсин, бу дўстимиз нажотга эришди, – деди.

Иккинчисини эса бундай ҳикоя қилдилар:

Фазл ибн Йёзнинг бир талабаси бор эди. Бир кун хасталанди. Зиёрат қилгани борганда уни жуда оғир аҳволда кўрди. Боши учида ўтирди ва дарҳол Ёсин сурасини ўқий бошлади. Хаста кўзини очди ва:

– Устод, ўқиманг, тўхтанг, – деди.

Фазл бироз жим тургандан кейин бу гал Шаҳодат калимасини ўқиди ва хастага такрорлатмоқчи бўлди.

Хаста такрор кўзини очди ва:

– Мен бу калимадан биқиб, зерикиб кетдим, – дегандан бироз кейин вафот этди.

Фазл уйига қайтди. Талабасининг ёмон қайтиш қилганига кўп йиғлади, 40 кун ташқари чиқмади. Сўнгра бир кеча тушида

талабасининг жаҳаннамда юзи ерга сурилганча сургалаётганини кўрди ва ундан сўради:

– Сен талабаларимнинг энг меҳнаткаши, тиришқоғи, энг билимлиси эдинг. Қалбингдан имон туйғуси сидириб ташланганининг сабаби нима? – деб сўради.

Талабаси бундай жавоб берди:

– Бунинг уч сабаби бор:

1 – Чақимчилик. Устига-устак ўртоқларимга нуқул сизга айтганларимнинг аксини сўйлардим.

2 – Ҳасад. Қизғанчиқ, жуда рашкчи эдим. Ўртоқларимдан, танишларимдан керагидан ортиқ қизғанардим.

3 – Ичкилик. Бир касалим бор эди, уни йўқ қиламан деб ҳар доим ичкилик ичардим.

Булардан бошқа яна икки кишининг ҳоллари бундайдир:

Булардан бири Абдуллоҳ ибн Муборакдир.

Ривоят қиладиларки, ўлим ҳолида экан, юзини ўгирди, кўзларини очиб кўкка қаради ва роҳатланиб кулимсиради ва бундай деди:

– Кўп ишлаганлар мана шу осмон каби бир мақсад учун ишлашлари керак.

Имом ал-Ҳарамайн устоз Абу Бакрдан бундай ривоят келтирадилар:

– Таҳсилда бўлган пайтларимда бир оғайним бор эди. Илм ўрганиш учун ҳаддан зиёд кўп ишларди. Маълумоти оз эди. Лекин имони жуда кучли, кўп ибодат қиларди. Шу қадар кучли тақво соҳиби бўлгани ҳолда нега илмий соҳада кўп ҳам илгарилаб кетмаётганига ҳайратланардим. Ниҳоят, бир куни хасталанди, хонасида ётди. Кўп заҳмат чекди, негадир ҳеч тузалмасди. Касали кескин оғирлашиб борарди, жон талвасасига тушди. Кўзларини кўкка тикди, ундан кейин эса юзини менга ўгирди ва шу қутлуғ оятни ўқиб, кўзларини юмди ва Аллоҳнинг ҳузурига кетди.

لَيْسَ هَذَا فَلْيَعْمَلِ الْعَامِلُونَ ﴿٦١﴾

Яъни: **“Амал қилгувчилар мана шундай (мангу бахт учун) амал қилсинлар”** (Сафот сураси, 61-оят).

Иккинчисини Молик ибн Динор ҳикоя қилади:

– Бир қўшним бор эди. Касалланди. Кўргани борсам, ўлим тўшагида ётган экан. Ҳолини сўрадим. Менга: “Олдимга оловдан икки тоғ келтиришди ва менга нуқул, буларнинг устига тирмаш, дея зўрлайдилар,” – деди. Оила аъзосидан, бу одам нима иш қиларди, деб сўрадим. Менга, бунинг икки ўлчов тоши бор эди, бири билан оларди, бошқаси билан сотарди, дея жавоб берди. Олиб кел, кўрайин, дедим.

Келтирди, олдим ва бир-бирига уриб синдирдим. Сўнгра хас-тага қараб, ҳолинг қалай бўлди, дея сўрадим. Аввалгидан ҳам баттар бўлди, дея жавоб берди.

ҚАБР

Қуйидаги икки кишининг ҳоли билан танишсак, қабрда аҳвол қандай бўлишини ҳам билиб оламиз.

1. Солих, етук ёшдаги бир зот ҳикоя қилади: – Суфён Саврийни вафотидан бир муддат кейин тушда кўрдим.

– Эй Абу Абдуллоҳ, ҳолинг қалай? – дея сўрадим. Мендан юзини ўгирди ва:

– Ҳозир ҳол сўрайдиган вақт эмас, – деди.

– Ҳар қалай ҳолинг қалай, эй Суфён? – дея такрор сўрадим. У менга буларни айтди:

– Раббимни очик ҳолда кўрдим. Раббим менга дедики: “Эй Ибн Саид, Менинг сендан хурсандлигим сенга муборак бўлсин! Кечалари ухламас, кўз ёши тўкар, Менга ибодат қилар эдинг. Мени соғинардинг. Кел энди жаннатимдан хоҳлаганинг кўшкни танла ва ичида абадий саодатга ет!”

2. Бир киши бор эди, ўлгандан кейин танишларидан бири уни тушда кўрди. Юзи ўзгариб кетган, ранги сўлгин, бўйнига занжир урилган, қўлларига кишанлар тақилган экан.

Шу аҳволда ҳам таниб, ундан ҳол сўрабди:

– Нега бу аҳволдасан?

Унинг жавоби бу бўлибди:

– Тирикликда мен замон билан ўйнашардим, энди замон мени ўйнапти.

Булардан бошқа яна икки кишининг ҳолини кўрайлик:

Бири солих, етук ёшдаги бир зотнинг юртда адолат ўрнатиш учун курашда бемаҳал ҳалок бўлган ўғлидир. Отаси уни йиллар бўйи тушида кўрмайди. Фақат Умар ибн Абдулазиз вафот этган кеча ўғли тушида уйга келганини кўради.

– Ўғлим, сен ўлмаганмидинг? Нега бу ерга келдинг? – дея сўрайди.

Ўғли:

– Йўқ, мен ўлмадим, шаҳид бўлдим ва Раббимнинг ҳузурига бордим, у ерда кўнглим емакдан, ичмакдан не тиласа, менга беришади. Ҳолим жуда яхши. Мен учун қайғурманг, – дея жавоб беради.

Шу пайт онаси ҳам кириб келади ва ўғлидан:

– Бу ерга келишингнинг сабаби нима? – деб сўрайди.

Бу жавобни беради:

– Бугун Умар ибн Абдулазиз вафот этди. Бутун пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва бошқа кимики бор бўлса, ҳаммасининг жаноза намозида бўлишлари учун нидо этилди (чақирдилар), мен ҳам улар билан бирга келдим. Жаноза намози ўқилгандан кейин улардан айрилиб, сизларни кўриб кетгани келдим. Кўришдик, энди кетяпман. Сизларни Аллоҳга топширдим, – деди ва кетди.

Ҳишом ибн Ҳасан ҳикоя қилади:

– Ёш бир ўғлим бор эди. Маъсум бир ёшда вафот этди. Бир кун тушда кўрдим. Қариганди.

– Ўғлим, нега бундай қариб қолдинг? – деб сўрагандим, менга бу жавобни берди:

– Бир муддат қабристонимизга бир ўлик келтириб кўмишди. Ундан кейин жаҳаннам шундай қутуриб кўпирдики, унинг бу қутуриш ҳолининг шиддати ва ҳайбатидан мазорликдаги бутун ёшлар қариб қолишди.

ҚИЁМАТ

Мана бу оятлардан қиёмат нима эканлиги қисқача бўлса-да англашилади:

يَوْمَ نَحْشُرُ الْمُتَّقِينَ إِلَى الرَّحْمَنِ وَفْدًا ﴿٨٥﴾ وَنَسُوقُ الْمُجْرِمِينَ إِلَى جَهَنَّمَ وَرْدًا ﴿٨٦﴾
لَا يَمْلِكُونَ الشَّفْعَةَ إِلَّا مَنِ اتَّخَذَ عِنْدَ الرَّحْمَنِ عَهْدًا ﴿٨٧﴾

“Биз тақводор зотларни от минган ҳолларида Раҳмон даргоҳига тўплайдиган, мужрим (жиноятчи)ларни жаҳаннамга ҳайдайдиган кунда, Раҳмон наздида аҳдида турган (фарзларни адо этган) кишиларгина шафоат ҳаққига эга бўладилар” (Марям сураси, 85–87-оятлар).

Ривоят қиладиларки:

Қиёмат кунда баъзи кишилар қабрларидан турар-турмас ёнларида кийимларини, уловларини шай ҳолда топадилар. Ҳеч яёв юрмасдан, суворий сифатида ва ҳурмат кўриб, жаннатга кетадилар. Баъзи кишилар борки, қабрларидан турар-турмас заботийлар томонидан оёқ-қўллари занжирланади ва кишанланади. Сургаклаб жаҳаннамга олиб борилади.

Бундай аҳволдан Ўзинг асра, деб Аллоҳга сиғинамиз.

Бошқа бир оятда эса Ҳақ таоло бундай буюради:

إِنَّ الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي آيَاتِنَا لَا يَخْفَوْنَ عَلَيْنَا أَفَمَنْ يُلْقَى فِي النَّارِ خَيْرٌ أَمْ مَنْ يَأْتِي
ءَامِنًا يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَعْمَلُوا مَا شِئْتُمْ إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٤٠﴾

Яъни: **“Албатта, Бизнинг оятларимизга эгрилик қиладиган кимсалар Бизга махфий бўлиб қолмаслар. Ахир дўзахга ташиланадиган кимса яхшироқми ёки Қиёмат кунига хотиржам ҳолда келадиган кишими? Ўзларингиз хоҳлаган амални қилаверинглар! Албатта У қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир”** (Фуссилат сураси, 40-оят).

Энди қиёмат кунининг манзарасини, шиддат ва даҳшатини кўриб ҳам жонларига ҳайбат, кўнгилларига кўрқув ва даҳшат,

зеҳнларига қотиб қолиш каби ҳолатлар келмаган инсонларнинг нақадар бахтли эканликларини, улар кўражак иззат-икромларнинг даражасини ва Ҳақ таоло ёнидаги юксак мартабаларинини қандай бўлиши тўғрисида ўйла. Аллоҳ бизни ўшандайлардан айлсин! Омин!

ЖАННАТ ВА ЖАҲАННАМ

Жаннат ва жаҳаннам ҳолини эса мана шу икки оятдан англаб олсак бўлади:

عَلَيْهِمْ ثِيَابٌ سُنْدُسٌ خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ وَحُلُّوا أَسَاوِرَ مِنْ فِضَّةٍ وَسَقَاهُمْ رَبُّهُمْ شَرَابًا طَهُورًا ﴿٢١﴾ إِنَّ هَذَا كَانَ لَكُمْ جَزَاءً وَكَانَ سَعْيُكُمْ مَشْكُورًا ﴿٢٢﴾

Яъни: “Уларнинг устларида яшил ипак ва шойи либослар бор. Кумуш билакузуклар билан безангандирлар. Ва Рабблари уларга ғоятда покиза шароблар ичиради. (Барча бу неъматлар) шубҳасиз сизлар учун мукофот бўлди. Саъй-ҳаракатларингиз (Аллоҳ наздида) машкур (мақбул) бўлди” (Инсон сураси, 21–22-оятлар).

رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْهَا فَإِنْ عُدْنَا فَإِنَّا ظَالِمُونَ ﴿١٠٧﴾ قَالَ اخْسَرُوا فِيهَا وَلَا تُكَلِّمُونِ ﴿١٠٨﴾

Яъни: “Эй Раббимиз, бизларни бу ердан чиқаргин, агар (яна куфрга) қайтсак, у ҳолда шубҳасиз золимлардан бўламиз. (Аллоҳ деди) Йиқилиб кетинг ичкарасига, менга гапирманг” (Муъминун сураси, 107–108-оятлар).

Ривоят қиладиларки, Аллоҳнинг бу ҳайфсанидан кейин кофирлар жаҳаннамга ит шаклида кирадилар ва ит каби улийдилар. Бу ҳолга тушишдан асра, деб Аллоҳга сиғинамиз.

Яҳё ибн Муоз дейди:

Бу ҳол икки мусибатнинг бирга келишидир: Бири жаннатдан маҳрумлик, иккинчиси жаҳаннамга киришдир. Бу икки мусибатнинг қай бири каттароқ, билмайман. Жаннатга кирмаслик буюк бир ҳасратдир. Жаҳаннам азоби эса жуда аламли ва аччиқдир. Иккисига ҳам кимса дош беролмайди. Бир-бирига

қиёсланилса, жаннатдан маҳрумлик жаҳаннам азобига нисбатан енгилроқдир. Энг катта фалокат ва сўнгсиз аччиқ – кишининг абадий ўлароқ жаҳаннамда қолишидир. Чунки бу мусибатнинг охирида қутулиш эҳтимоли бўлса, нафс яна шунга тоқат қилиш учун ҳаракатда бўлади. Лекин бу умид йўқ бўлса ва жаҳаннамда қолиш абадий бўлса, бу ақллари ҳайрат ва даҳшатга соладиган энг буюк фалокатдир.

Ҳазрат Исо (алайҳиссалом) дерларки:

Жаннат билан жаҳаннамнинг абадийлиги ҳақида ўйланилса, шарқда ҳам, ғарбда ҳам халқларнинг қалблари қўрқувдан титрайди.

Ҳасан Басрийнинг ёнида бир кун бундай ҳикоя айтилди:

Азоб муддатларини битириб жаҳаннамдан чиққан барча инсонларнинг сўнггиси Ниҳод исмли киши эмиш.

Ҳасан Басрий бу сўзларни эшитар-эшитмас йиғлай бошлайди ва:

– Кошкийди мен Ниҳод бўлсам, – дейди.

Ҳузурдагилар унинг йиғлашидан ва бу гапидан ҳайратга тушадилар.

– Нега ҳайратланасиз? Ниҳоднинг жаҳаннамдан қутулиши муқаррар, лекин менинг қутулиб-қутулмаслигим маълум эмас! – дейди.

Эй азиз, шуни билки, бутун бу айтган ҳикояларимиз битта асосга бориб боғланади. Бу эса шудир:

Инсоннинг белини буккан, рангини сарғайтирган, жигарини доғ қилган бу қўрқинчли нарса кишининг сўнгги нафасида имонсиз кетишидир. Бу буюк фалокатдан Ўзинг асра, деб, Аллоҳга сиғинамиз.

Дин олимларининг фикрича, мўминнинг уч турли ҳасрати бор:

1 – Қилган ибодатларим қабул бўладими, бўлмайдами?

2 – Гуноҳларим кечириладими, кечирилмайдами?

3 – Сўнгги нафасимда имонли кета оламанми, имонли кета олмайманми?

Мана шу сўнггиси ҳасратларнинг энг шиддатлиси ҳамда энг аччиғидир.

Юсуф ибн Асвот ҳикоя қилади:

Бир куни Суфён Саврийнинг ёнига боргандим. Жуда кўп йиғлаганини ва ҳаддан зиёд ғамга ботиб ўтирганини кўрдим ва гуноҳларинг учун йиғлаяпсанми, деб сўрадим.

– Йўқ, Ҳақ таолонинг ёнида гуноҳ масаласи у қадар оғир эмас, ҳақиқий қўрқувим сўнгги нафасда беҳос имонсиз кетиб қолишдир, – деди. Аллоҳ сақласин.

“Қўрқув ва умид йўлидан қай бири очиқроқ ва зарарсизроқ? Шуни ҳам бизга айтиб беринг”, дея сўралса, берадиган жавобимиз будир:

Иккиси ҳам айни даражада муҳимдир. Ҳеч бири тоқ бошига кифоят қилмайди. Иккиси ҳам бир-бирига чамбарчас боғланган ва бир-биридан айрилмайди. Акс тақдирда бу – ноўрин аминлик ва ҳазинлик бўлади, қўрқув ва умид бўлмайди. Лекин баъзи ҳолларда бири бошқасидан устун келиши мумкин.

Масалан: моддий ва маънавий жиҳатдан қараганда кучли, яъни соғлом ва бой, айни замонда ибодати билан машғул бир кишида қўрқув озроқ бўлиши, умиддан олдинроқда бўлиши лозим. Чунки нафс бу вазиятда қўрқувдан кўпроқ таъсирланади. Ҳолбуки, ибодат қилишга кучи етмайдиган даражада заиф ва хаста бўлган пайтларида кишининг умид тарафи ғолибдир, олдиндадир. Чунки бундай пайтда қўрқининг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Балки бу пайтда қўрқув ўтган, умид келган ва ҳазин қалб Аллоҳнинг карами ва эҳсонини кутишни уйғун кўрган бўлади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари мана бу илоҳий ҳадисни хабар берганлар:

“Ҳақ таоло буюрадики: Мендан қўрққанидан қалби синиқ бўлганлар ва лутфимни кўзлаганларнинг ёнидаман”.

Қалблари синиқ бўлганларни Ҳақ таоло қандай юпатганини биласанми? Эшит ва кўриб қўй:

إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَمُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَبْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنتُمْ تُوعَدُونَ

Яъни: **“Албатта: “Раббимиз – Аллоҳдир!” деб, сўнгра тўғрилиқни устувор билган зотларнинг олдиларига фаришталар тушади ва: “Қўрқманглар ва ҳазин бўлманглар, сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар!” – дейди”** (Фуссилат сураси, 30-оят).

“Ҳақ таоло учун ҳусни занда бўлиш (яхши фикрда бўлиш, унинг яхшилиги борасида гумонга бормаслик) тўғрисида ривоятлар жуда кўп. Бу эса, яъни бу соҳадаги мисолларнинг кўплиги умид йўлининг ғолиб, устун бўлишини ҳукм қилмайдими?” – деган саволга бундай жавоб берамиз:

Ҳақ таоло учун ҳусни занда бўлиш доимо тўғри ҳисобланади. Лекин ҳусни заннинг, яъни лутф ва марҳаматининг келишига ишончнинг бошида гуноҳлардан сақланиш келади.

Аллоҳнинг азобидан қўрқиш ва амирларини тўқис адо этишга ҳаракат қилиш асосдир. Йўқса (шундай қилинмаса), бу ҳусни зан дейилмайди, ғурур дейилади. Ғурур эса, афсусланарли, толе келтирмайдиган бир сифатдир. Ҳатто ғурур – кечирилмас гуноҳ, дегувчилар ҳам бор. Бу борада нозик нуқта (чуқур маъноли сўз) ҳам борки, одамларнинг кўпчилиги буни билмайди. Умид билан истакни бир-биридан айиролмайди, аралаштириб юборади ва янглишликка тушади.

Умид (ражо) бир асосга суянади, ҳолбуки, истак ҳеч бир асосга асосланмайди.

Бу фикримизни бундай бир мисол билан яхшироқ очиб беришимиз мумкин.

Бир деҳқон борки, даласини ҳайдайди, текислайди, ўғитлайди, донини вақтида сочади ва ҳар керакли ишни қилади. Бу деҳқон Ҳақ таолонинг лутф ва карами билан даласида ўрим чоғида муайян бир ҳосил кутадики, буни умид (ражо) дейдилар. Лекин даласини ҳайдаш, ўғитлаш, уруғ сочиш ва парвариш заҳматига оз вақт ажратадиган бошқа бир деҳқон ўрим чоғида бу даладан муайян бир маҳсулдан умид қилса (гарчи Ҳақ таоло ҳар нарсага қодирдир. Фақат бу унинг доимий одатига зиддир) буни умид демайдилар, истак (таманни) дейдилар.

Энди Аллоҳ йўлида бўлган ва бўлмаган кишиларнинг ҳолини мана шу мисол билан солиштирайлик.

Ибодатини қилган ва гуноҳлардан сақланган бир киши қилган ожизона ибодатининг қабулини ва нуқсонлари билан хатоларининг кечирилишини, тоат ва ибодати билан яхши амаллари эвазини сўрашда Ҳақ таолонинг фазл ва карами билан бирга савобини кутса, буни умид (ражо) ва ҳусни зан дейдилар. Бу – биринчи деҳқоннинг ҳолига ўхшайди. Шу асосга асосланади.

Лекин тоат ва ибодати чала, гуноҳлардан сақланмаган, Раббининг ғазабидан қўрқмаган, жаҳаннам азобидан тисланмаган, қазосига рози бўлмаган, ҳикматига таслим бўлмаган киши шу ҳоли билан, мен Ҳақ таолонинг иноят ва раҳматидан умид қилман, азобидан қутулиш ва оstonасидаги сайланганлардан бири бўлишдан умидворман деса, буни умид (ражо) ва ҳусни зан демайдилар, балки, истак (таманни) ва ғурур дейдилар. Бунинг ҳоли эса иккинчи деҳқоннинг ҳолига ўхшайди. Бу истак айни вақтда катта бир хатодир.

Бунинг учун тавба ва истиғфор қилиш лозим. Чунки бу бошқа кичик гуноҳлар каби эмасдирки, тавба ва истиғфорсиз ҳолда фарзларни адо этиш билан булар ҳам афв этилса.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай буюрадилар:

“Ақли бўлган одам охирати учун нафсини қулдай ишлатади. Солиҳ амаллар қилдиради, ўлгандан кейин фойдаси тегсин, дейди. Ожиз бўлган кимса нафсининг ҳою ҳавасига берилади, гуноҳ қилишдан қайтармайди ва шу ҳоли билан тагин Аллоҳдан раҳмат, мағфират ва жаннат сўрайди”.

Ҳасан Басрий дейдики:

– Баъзи инсонларни маҳв этган нарса ҳеч бир асосга таянмасдан (ҳеч қандай маблағ сарфламасдан) Аллоҳнинг раҳматидан ва мағфиратидан умид қилишларидир. Улар дунёда яхшилик, хайр ва эҳсонлар қилишдан узоқда бўлатуриб, Ҳақ таолога ҳусни заннимиз бор, дейдилар. Улар ёлғончилардир. Чунки ҳусни занлари бўлсайди, солиҳ амаллар қилиб, ундан сўнг умид (ражо) қилардилар.

Бу сўзларни айтгандан кейин Ҳасан Басрий қуйидаги қутлуғ оятни ўқиди:

وَذَلِكُمْ ظَنُّكُمُ الَّذِي ظَنَنْتُمْ بِرَبِّكُمْ أَرَدْتُمْ فَأَصْبَحْتُمْ مِنَ الْخَاسِرِينَ

Яъни: **“Ва Раббингиз ҳақида ўйлаган мана шу занларингиз (гумонларингиз) сизларни ҳалок қилди. Ва шу боисдан зиёнга учраган кимсалардан бўлдингиз”** (Фуссилат сураси, 23-оят).

Жаъфар Заббий дейдики:

Обид Абу Майсарани кўрдим. Риёзатдан (жуда оз еб-ичишдан) ва ибодатдан шунчалик заифлашибдики, бели букчайганди. Унга бундай дедим:

– Эй Абу Майсара, Ҳақ таолонинг раҳмати устингга ёғилсин. Ўзингни нега бунча заиф ҳолга туширдинг? Раббимизнинг раҳмати кенг, инояти сўнгсиз-ку!

У менинг сўзларимдан аччиқланиб:

– Нега бундай деяпсан? Амин бўлмаганимни кўрсатувчи бирон нишон кўрдингми менда? – деб сўради. Ва давом этди: – Аллоҳнинг раҳмати Унинг йўлида юрганлар учун яқин. Пайғамбарлар, авлиёлар, тақводорлар, эранлар кеча-кундуз Аллоҳга тоат-ибодат қиладилар. Гуноҳдан сақланадилар. Аллоҳнинг бало ва мусибатларига сабр қилиб, қазосига розилик кўрсатадилар. Бу зотлар илоҳий раҳматнинг мўллигини, лутф ва карамининг сўнгсизлигини ҳаммадан кўп яхши билганлари ҳолда шундай хатти-ҳаракатда бўладилар. Шубҳа йўқки, бу зотлар буларни яхши биладилар, Ҳақ таолонинг ҳусни занлари (яъни Аллоҳнинг ҳам ҳар доим бандаларининг яхши томонини ўйлаши) сўнгсиздир. Лекин яна шуни ҳам яхши биладиларки, ҳеч бир асосга суянмаган ҳусни зан куруқ хом хаёлдан иборатдир. Бу ҳусни зан эмас, ноўрин ғурур, истак, холос. Бунинг сўнги эса зиён келтиради.

ХУЛОСА

Эй азиз, Ҳақ таолонинг раҳмати мўллиги ва раҳмати ғазабидан устунлиги, барча мавжудотларга бўлган лутф ва иноятини билсанг, сени Ислом умматидан қилганига ва бу умматга моддий ва маънавий эҳсонлари беҳисоблигини ва унга Қуръони каримни берганини ва сен уни «Бисмиллаҳ» айтиб очишингни ва ҳаётингга дастур қилиб олишинг зарурлигини чин қалбдан тушунсанг, айна чоғда Ҳақ таолонинг раҳмонлигини, ҳукмдорлигини, қудрати сўнгсизлигини идрок этсанг, ана ундан кейин буларнинг эвазига Раббингга қилишинг керак бўлган хизмат йўлида ғафлатингни, бетаъсирлигингни, қусурларингни ва қилган гуноҳларинг кўплигини, буларнинг ҳаммасини Аллоҳ кўриб турганини, ақл бовар қилмайдиган, ўйлаганингдан ортиқ даражада савоблар бера олишини, қалбларни сескантирадиган, мияларни донг қотириб қўядиган тарзда азоблар ҳам бера олувчи қудратга соҳиб эканлигини ўйласанг, баъзан раҳматинг ва шафқатингга, баъзан бировларга берган ғазаб ва азобингга эътибор қаратиб, баъзан нафсингнинг гуноҳларига ва хоинлигига ва ибодатдаги хато ва қусурларингга диққат қилсанг, – буларнинг бари сени ўз-ўзидан умид ва қўрқув йўлига олиб боради. Шундай қилиб, ноўрин ишонч ва яъс (умидсизлик, бадбинлик) йўлларига тойиб кетишдан қутуласан, ғафлат уйқусидан уйғонасан, Аллоҳ йўлини, ибодат йўлини тутасан. Бошқа томондан эса, нафсинг шаҳватларидан ва хайвоний завқларидан узоқлашасан, ҳаммасини кўнглингдан чиқариб, улоқтириб ташлайсан. На ёлғиз умид йўлига тушиб, ғафлатга чўмасан ва на ёлғиз қўрқув йўлига кириб, умидсизликка тушасан. Ҳеч бирига бепарволик қилмай, ҳар икки йўлни биргаликда ва фақат диққат билан юриб ўтиладиган имондорликка эришасан. Баъзи солиҳ зотлар (пайғамбарлар) марҳамат қилганларидай:

Жаннатни ўйласам, завқим ортади, дўзахни ўйласам, уйқум қочади, дейдиган бўласан.

Сен Ҳақ таоло ёқтирган шундай обидлардан бўл:

إِنَّهُمْ كَانُوا يُسْرِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَ رَغْبًا وَرَهْبًا وَكَانُوا
لَنَا خَشِيعِينَ ﴿١٠﴾

Яъни: **“Ҳақиқатан улар (мазкур пайғамбарлар) хайрли ишлар қилишга шошар ва бизга рағбат ва қўрқув билан дуо-илтижо қилар эдилар. Улар бизга итоаткор эдилар”** (Анбиё сураси, 90-оятнинг охири).

Эй азиз, барча бу тушунтиришларимиз асосида яшасанг, Ҳақ таолонинг лутф ва инояти билан ҳолинг тўғри йўлга қўйилган, чиройли амаллар қилаётган, гуноҳлардан сақланиб ва покланиб, муваффақият билан қутулиб, абадий саодатга эришасан.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

ОФАТЛАР

Эй аҳволлари, ғоялари бир бўлган Ҳақ йўлининг йўлдошлари! Адо этган ибодатларингиз, қилган яхшиликлар, хайрли амалларингиз зое кетмаслиги ва бузуқликлардан омон қолиши учун улар ихлос билан қилиниши ва Аллоҳнинг миннат ва шукрона ҳақлари зикр этилишини вожиб қилади.

Ибодатлар, амаллар ихлос билан қилинишининг икки фойдаси бор:

1. Аллоҳнинг ёнида мақбул бўладиган, савоби бериладиган тоат ва ибодат холис қалб билан қилинган тоат ва ибодатдир. Ўзни паст тутиб (хушуъ билан) фақат Аллоҳ учун қилинмаган ибодатдан бирон фойда қўлга киритилмайди. Чунки бунақаси Аллоҳнинг ёнида мақбул эмас. Уларга савоб ҳам берилмайди.

Кишининг бутун ғайрати, жаҳду ғайжратлари бекорга кетга бўлади.

Шунинг учун ҳам устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайгамбар ҳазратлари бир илоҳий ҳадис билан хабар берадилар:

“Ҳақ таоло буюради: Ўртоқсиз бўлганларнинг энг ўртоқсизси Менман. Бир кимса бир амал қиларкан, Мендан бошқасини ўзига ўртоқ қилса, унинг насибини Мен ўша ўртоғига бераман. Мен, ёлғиз Мен учун холис қалб билан қилинган ибодатларни қабул қиламан. Бошқа турлисини қабул қилмайман”.

Ривоят этилишича, қиёмат кунда, дунёда ибодатини ихлос билан қилмаган бир банданинг ишлаган амаллари учун савоб исташига қарши Ҳақ таоло бу жавобни беради:

– Дунёда сени раис этмадимми, мажлисларда эътиборли ва азиз қилмадимми, олиш-беришларда истаганингдай ҳаракат қилишингга сенга эркинлик бермадимми, дунё неъматларидан сенга истаганингча мўл-кўл бермадимми? Амалларинг Мен учун эмас, муроду мақсадинг шулар эди, тўғрими? Мен

буларнинг ҳаммасини дунёда сенга бердим. Яна Мендан нима истайсан?

Мана ихлос билан қилинмаган амалнинг сўнги шунақа бўлади. Бутун буларнинг сабаби эса риё (ўзини ёмонлиқлардан сақланган қилиб кўрсатиш, иккиюзламачилик) ила ужуб (манманлик, кибр)дир.

Энди булар нималигини очиб беришга уриниб кўрай.

Риё яширин ва очик икки турли уятсизлик, сурбетликдирки, разолатга, ундан ташқари икки мусибатга сабаб бўлади. Бири одамларга билдирмай бекитиқча қилинган амаллардир. Фаришталар буни севинч билан олиб Аллоҳга келтирадилар. Ихлоссиз, риё билан аралаш қилинган бу амални кўриб, Ҳақ таоло фаришталарга бундай садо беради:

– Бу амални олиб, эгасига қайтариб беринг. Чунки бу амал Мен учун қилинмаган, атрофидагиларга кўз-кўз учун қилинган.

Шундай қилиб, бу амал соҳиби фаришталарнинг ёнида расво, уятсиз ва разил бўлади.

2. Ихлоссиз амал соҳиби қиёмат кунида бутун инсонлар олдида очикчасига разилу расво, бети қора бўлади. Шунинг учун ҳам қутлуғ ҳадисларнинг бирида бундай дейилади:

Қиёмат кунида муроий (иккиюзлама, риёкор, мунофиқ)лар тўрт исм билан чақириладилар:

– Эй кофир, эй гуноҳкор, эй хоин, эй йўлдан озган, билиб қуй: амалинг зое бўлди, бекор кетди, мукофоту савобинг йўқ бўлди, насибинг қолмади! Эй айёр одам! Амалларинг, ишларинг ким учун қилинган бўлса, бор, ўша одамдан мукофотингни сўра!

Қиёмат кунида одамлар ўртасида сўзланган бу сўзлардан, амал соҳиби шармандаи шармисор ва расвои радди бало бўлади.

Қиёмат кунида барча инсонлар эшитсинлар деб даллоллар бақариб бундай дейдилар:

– Эй Ҳақни қўйиб, ҳақиқатни қўйиб, бошлиқларга, амалдорларга лаганбардорлик қилганлар, хўжакўрсинга ишлаганлар, боринг, мукофотингизни ўзингиз сиғинган кишилардан истанг! Ишнинг мақбули эвазига ҳеч нима сўрамай, холис қилинганидир! Аллоҳнинг розилиги учун эмас, кўз-кўз қилиш учун риёкорлик билан адо этилган ибодат қабул қилинмайди!

Риёкорлиги сабабли мунофиқ одамнинг кўрадиган мусибатларидан биринчиси:

Риё риёкорнинг бу дунёда ҳурмат ва муҳаббат қозонишига моне бўлади, яхши ва тўғри одамларнинг ҳаммаси унга жирканиб қарайдилар; у дунёда эса жаннатга киришига моне бўлади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир қутлуғ ҳадисларида бундай марҳамат қиладилар:

“Жаннат тилга киради ва бундай дейди:

– Аллоҳ мени хасисларга ва иккиюзлама инсонларга ҳаром қилди”.

Олимлар бу ҳадисни икки тарзда шарҳлайдилар:

1. “Хасис” сўзидан кузатилган мақсад – хасислик қилиб, Шаҳодат калимасини айтмасликдир. “Иккиюзлама” сўзидан кузатилган мақсад – имонсизлигини қалбига яшириб, ўзини одамларга имонли қилиб кўрсатишдир. Бу изоҳга кўра, хасис деганда кофирларни, иккиюзлама деганда, мунофиқларни тушуниш керак.

2. Нафсини хасисликдан, қалбини риёдан қайтаролмаса, бунинг натижасида киши учун икки таҳлика бордир. Бир хасислик ва иккиюзламачилик – одамга охир-оқибатда толесизлик олиб келади. Ундан ташқари, одам ўзи кофирлик оstonасига келганини билмай қолади ва жаннатдан маҳрум бўлади. Иккинчи таҳлика – имонини йўқотгани учун жаҳаннам азобига мустаҳақ бўлади.

Аллоҳ рози бўлгур Абу Хурайра Расулуллоҳдан ривоят қилади: Қиёмат кунида ҳисоб-китоб учун энг олдин чақирилувчилар шу уч зумрадир: Қуръон ўқиганлар (ҳофизлар), жангларда шаҳид кетганлар ва бой бўлганлар.

Дастлаб Қуръон ўқиганлар чақирилади. Ҳақ таоло биринчи ҳофиздан сўрайди:

– Пайғамбарларга юборилган Қуръонни сенга билдирдим, ўргатдим. Сен ўргатганимга қандай амал қилдинг?

Ҳофиз жавоб беради:

– Эй Раббим, бу сенга маълум: кеча-кундуз Қуръон ўқидим.

Ҳақ таоло унга:

– Ёлғон айтяпсан, – дейди.

Фаришталар ҳам:

– Ёлғон айтяпсан, – дейдилар.

Ҳақ таоло:

– Сенинг мақсадинг Қуръон ўқиш эмас, сенга: “Қуръонни қандай чиройли ўқийди!” десинлар деб ўқирдинг. Одамлар бу сўзларни дунёда сен тўғрингда айтишди, – деди.

Сўнгра жангга кириб ўлганлар сўроққа чақирилади.

Ҳақ таоло сўрайди:

– Дунёда Аллоҳ учун деб қандай амал қилдинг?

Урушда ўлган жавоб беради:

– Эй Раббим! Сенинг йўлингда жанг қилишни буюрдилар. Мен жангга бордим, Сен учун одам ўлдирдим. Сўнгида эса ўзим ўлдим.

Ҳақ таоло:

– Ёлғон айтяпсан, – дейди.

Фаришталар ҳам:

– Ёлғон айтяпсан, – дейдилар.

Ҳақ таоло:

– Сен мен учун жанг қилмадинг. Сен ҳақингда “Қандай жасур”, “Қандай қаҳрамон одам!” десинлар дея урушдинг. Сенинг тилагинг бўлди: одамлар сен ҳақда ўшандай дедилар.

Сўнгида бой сўроққа чақирилади. Аллоҳ ундан сўрайди:

– Сенга кўп мол ва неъмат бердим. Кимсага муҳтож қилмадим. У молу пуллар билан Мен учун қандай амаллар, нима ишлар қилдинг?

Бой жавоб беради:

– Эй Раббим! Ўзинг яхшироқ биласан. Сен учун садақа бердим. Очларни тўйдирдим, яланғочларни кийгаздим.

Ҳақ таоло:

– Ёлғон айтясан, – дейди.

Фаришталар ҳам:

– Ёлғон айтяпсан, – дейдилар.

Ҳақ таоло:

– Сен буларни Мен учун эмас, сени “Нақадар саховатли одам десинлар дея қилдинг. Айтганинг бўлди: халқ сен ҳақда шунде гапларни айтди, – дейди.

Расулуллоҳ ҳам ўшандай бойлар ҳақда бундай хабар берганлар:

– Эй Абу Ҳурайра, булар шундай кимсалардирки, жаҳаннал ўти булар билан янада гуруллаб кетади.

Ибн Аббос эса (Аллоҳ ундан рози бўлсин) устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратларидан ривоят қилади Расулуллоҳ: **“Мунофиқларни кўрганда жаҳаннамнинг олови ва одамлар гурра-гурра бақириб-чақира бошлайдилар”** деганларида саҳобалар сўрашди:

– Қандай бақириб-чақирадилар, эй Аллоҳнинг элчиси?

– Оловнинг иссиқлиги шунчалик ортиб, шиддатланиб кетадики, шатир-шутур овозлар чиқаради.

Мана шу биз тушунтириб берган ҳоллар, кўзи очиқ ҳушёр одамлар, гапнинг маънисини чақа олувчи кишилар учун жуда катта шармандалик, аёвсиз мусибат ва катта ибратдир.

ИХЛОС ИККИ ҚИСМДИР

“Ихлос ила риёнинг ҳақиқатларини, ҳукмлари, қисмларини ва қилинган амалларга кўрсатадиган таъсирлари даражасини айтиб беролмайсизми, шунда биз унга кўра ҳаракат қилардик” дегувчиларга бу жавобни берамиз:

Дин олимларига кўра, ихлос икки қисмдир:

1. Амалдаги ихлос; 2. Савоб-мукофот иташдаги ихлос.

1. Амалдаги ихлос

Ҳақ таолога яқин бўлишни, амрларини ҳурмат қилиб, даъватларига уйғун ҳаракат қилишни ўзига мақсад қилиб олиш амалдаги ихлосдир. Бу фақат тўқис бир имон билан амалга ошади. Бунинг зидди нифоқдир. Нифоқнинг маъноси:

Ҳақ таолодан бошқасига эргашишни истамоқдир. Яъни, ибодатини, амалларини бошқалар кўриб қўйсин, дея қилади.

Баъзи олимларга кўра, нифоқ бузуқ бир ишончдир.

2. Савоб-мукофот иташдаги ихлос

Бу – кишининг қилган хайрли амаллари эвазига охират кунда фойда кутишидир.

Бу фикрнинг тафсирларидаги қарашлар хилма-хилдир.

Хаворийлар: “Ихлос нима? Қандай кишиларни ихлосли деймиз?” деб сўрашганида, Исо (алайҳиссалом) бундай жавоб берадилар:

“Ихлос ўзини мақташни севмаслик шарти билан Ҳақ таолога, фақат Унга ибодат қилмоқдир”.

Бу таърифда риёни бутунлай тарк этиш бор. Бу ерда, айниқса, “мақтовни севмаслик” сўзлари қўлланишининг сабаби: риё эшиги – мақтовни севиш эканлигидир. Ихлосни бузадиган нарса ана шудир. Шундай бўлгач, қилинган ҳар бир амалнинг, ҳар бир яхшилиқнинг Аллоҳдан бошқаси мақтамаслигини ишташ риёни йўқ қилишини ва ихлосга сабаб бўлишини билиб – ўзлаштириб олиш керак.

Устига Аллоҳ раҳмати ёғилгур Жунайд Бағдодийнинг фикрича, ихлос – юракнинг амалларда сиқилиши ва ҳазинликлардан покланишидир.

Фазл дейдики: Амалда ихлос узлуксиз мувожабада (Аллоҳни ўйлаб, доим ўзини кузатиш, тафтиш қилишда) бўлиш ва дунё завқу сафоларини унутмоқдир. (Баъзиларнинг фикрича, ихлоснинг энг уйғун, энг мукаммал таърифи шудир).

Саҳл дейдики: Ихлос банданинг ҳаракат ва ўзини тийишлари Аллоҳ учун бўлишидир.

Баъзи олимларга кўра, амалда ихлос унинг эвазига икки жаҳоннинг ҳам манфаатини ўйламаслик ва тиламасликдир.

Баъзи олимларга кўра, амалдаги ихлос – амалнинг қилинганини ҳатто шайтон, ҳатто фаришта ҳам билмай қолишидир.

Бу тақдирда ихлос амалнинг мутлақ бир яширин ҳолда қилинишидир.

Ихлос борасида яна кўпдан-кўп таърифлар бор. Лекин энг танланганлари шулардир.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратларидан ихлос ҳақида сўралганда бундай жавоб берганлар:

“Кишининг ҳар бир амалида Ҳақ таоло Раббим деб, ўзини фақат Унга топширишидир”.

Яъни, ихлос ёлғиз Раббига ибодат қилиб, нафснинг ҳою ҳавасларига сиғинмасликдир. Бу таърифга кўра, Ҳақ таолодан бошқасини назаридан ва қалбидан чиқариб ташлаш, ибодатларни, яхшиликларни фақат Унинг учун қилиш ихлос деб тушунилади. Ҳақиқий ихлос мана шудир.

Ихлоснинг зидди риёдир. Бу ҳам икки қисмдир: бири оддий риё, иккинчиси аралаш риё.

1. Оддий риё: охират амали билан фақат дунёлик исташ ва ундан бошқа ҳеч нима истамасликдир.

2. Аралаш риё: амал қилганда ҳам дунё, ҳам охират манфаатини назарда тутмоқ, яъни иккаласини биргаликда исташдир.

Ихлос билан риёнинг амалга қандай таъсирлар ўтказишига келсак, бу масала қуйидагичадир:

Амалда ихлос обидларни (ибодат қилувчиларни) Аллоҳга яқинлаштиради. Ажр-мукофот истаги билан қилинган ихлос, амалларнинг қийматини, қабул этилишини ва эвазига кўп савоблар берилишини таъминлайди. Нифоқ эса ҳеч нарсага олиб келмайди, Аллоҳдан узоқлаштиради ва ваъда қилинган савобларга ҳақ қозонишни йўқ қилади.

Баъзи олимларга кўра, асл риё Ҳақ таолони билган бир кимсадан шунчаки бир ҳаракат билан содир бўлмайди.

Баъзи олимлар фикрича, янглишлик билан, хато билан бир ҳаракат қилиниши мумкин. Бунда риё бор-йўқлиги билинмайди. Лекин бунинг энг тўғриси шуки, Аллоҳни билган ва охират кунига қалбдан ишонган бир кимсада асл риё бўлмайди.

Аралаш риёнинг амалдаги таъсири будир: Аллоҳ томонида яхши қабул қилинишига моне бўлади. Ваъда қилинган савобларининг жуда озини беради. Олиш-беришида зарар-зиён келтиради.

“Ҳар амалда бу икки қисм ихлос биргаликда бўлиши мумкинми-йўқми?” саволига бу жавобни берамиз:

Баъзи дин олимларига кўра, амаллар уч қисмдир:

Бир қисм амалларда ҳар икки ихлос биргаликда бўлади.

Бир қисм амалларда ихлоснинг иккови ҳам бўлмайди.

Бир қисмида эса ёлғиз савоб иташ ихлос бўлади, амалдаги ихлос бўлмайди. Аллоҳга ёлворишлар каби булар ҳам ибодатга ҳозирлик учун қилинади.

Лекин ботиний (ич) амалларда ихлос бўлмаслигининг сабаби бу эрур: уни Ҳақ таолодан бошқа ҳеч кимса билмайди. Бунда риёни чақирувчи бир сабаб йўқдир. Ихлос риё чақирувчи сабабларни енгиб олган бўлади. Лекин шу ибодатга ҳозирланиш учун қилинган ёлворишлардан амалдаги ихлос бўлмаслигининг сабаби асосида бу бир ибодат эмас, шунчаки ибодатга илҳомлантирувчидир. Таҳорат кишини намоз ибодатига ҳозирлагани каби.

Аммо дин олимларига кўра, асл бўлган зоҳирий ва ботиний (кўриниб турувчи ва ички) амаллар, Ҳақ таолодан бошқасига қилиниши ҳам эҳтимол – мумкиндир. Шу боисдан бундай кўриниб турувчи ва ички амалларда ихлос бўлади. Чунки ички ибодатлар билан ҳам дунёликни иташ эҳтимол бўлгани учун буларда риёга қочиш мумкиндир.

Қисқаси, ботиний ибодатларда ихлоснинг икки қисми ҳам бўлиши жоиздир. Фарзларда ҳам, нафилаларда ҳам.

Ҳатто баъзи комил зотлар дерки: Кишининг ҳалол бўлган барча ишлари хайр нияти билан қилинган бўлса, ибодат саналиши мумкин.

“Амалда ихлос иш билан бирга бўлиши вожибми? Йўқса, олдинга ё кейинга сурилса ҳам бўладими?” саволига жавобимиз будир:

Амалда ихлоснинг иш билан бирга бўлиши вожибдир. Яъни, ибодат қилаётганда ёки бир амални бажараётганда ихлосли бўлиш лозимдир. Ишни битишини кейинга қолдириш жоиз эмас. Лекин ажр (мукофот) иташда ихлос амалнинг битишида бўлиши мумкин. Ишнинг битишида (ихлос) қилинса, амал қадрлантирилган бўлади.

Бироқ бир амалнинг бошида ихлос, сўнгида риё ёки бошида риё, охирида ихлос бўлса, баъзи олимларга кўра, мўътабар бўлган яқундир: Балки сўнги ихлос билан битган бир амал мақбул бўлар, аммо риё билан битган бир амал мақбул бўлмайди. Лекин баъзи олимларга кўра, риёдан кутилган фойда қўлга

Яъна, у амалда балки ихлос бўлгандир, деб ўйлаш мумкин. васл қутилган фойда қўлга кирса, демак, бу ерда ихлос йўқ бошқадиган. Баъзи олимларга кўра, фарз ибодатларда ихлоснинг лаир сўнгигача, битимида бўлиши мумкин. Аммо нафила ибодатларда бирликда бўлиши шартдир. Бу фарқ қуйидаги сабабга кўра вужудга келади.

Ҳақ таоло бандаларига фарзларни таклиф этди. Булар тўқис адо этилиши учун мўминларга керакли қулайликлар ҳам эҳсон айлади. Фақат нафила ибодатни банда ўзига ўзи таклиф қилди. Ўзи таклиф этган миқдорни бажара олиши учун Аллоҳ унга қулайлик беради. Агар ихлосларини амалларига яқин қилган бўлса, Аллоҳ савобини беради. Агарда у (банд), буларни қалб ихлоси билан адо этдим, деб риёдан айрилса, Аллоҳ унга ихлоснинг савобини беради. Фарзларда риё бўлмайди, сўзининг маъноси шудир.

Бизнинг давримизда тоатга истакли, ибодатга ҳавасли кимсалар озаёди. Янги бошлаганларга ва дин илмларини энди ўрганаётганларга осонлик бўлсин, агар бирининг гапида бир нарсаси бўлмаса, бошқасининг гапида бўлсин, деган мақсад билан барча бу қарашларни изоҳладик.

“Ҳар амал учун алоҳида бир ихлос лозимми, ёки бўлмаса ҳаммасига бирдан битта ихлос кифоя қиладими?” деган сўровга бу жавобни берамиз:

Баъзи дин олимларига кўра, ҳар амал учун алоҳида бир ихлос лозим.

Баъзи дин олимлари фикрича, бир-бирига боғлиқ бўлган амалларда, масалан, намознинг рукнлари ва шартлари кабиларда ҳаммасига бирдан битта ихлос кифоя қилади. Чунки булардан бирининг бузуқлиги ёки тўғри-тузуқлиги ҳаммасига тегишли бўлади.

“Ажабо, киши ўзининг қилган охират амаллари билан, масалан, қилган бир хайрли иши туфайли дунё учун бир манфаат истаса, бу риёми, риё эмасми?” дейилган саволга жавоб берамиз:

Охират амаллари билан дунё учун манфаат ишташ мутлақо риёдир. Бу истак, яъни дунёлик манфаат истаги, хоҳ Аллоҳдан

сўралсин, хоҳ халқдан сўралсин, айнидир ва риёдир. Бу ҳақда Ҳақ таоло бундай буюради:

مَنْ كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ الْآخِرَةِ نَزِدْ لَهُ فِي حَرْثِهِ وَمَنْ كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ الدُّنْيَا
نُؤْتِهِ مِنْهَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ تَصِيبٍ ﴿٢٠﴾

Яъни: **“Ким охират экинини истар экан, Биз унга экинини мўл-зиёда қиламиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан берамиз, охиратда эса унинг ҳеч бир насиби бўлмайди”** (Шўро сураси, 20-оят).

Бу қутлуғ оятдан очиқ-ойдин англашилиб турибдики, риёда кишининг нияти асосдир. Хоҳ Аллоҳдан истасин, хоҳи одамлардан истасин, хайрли бир амал қилаётганда нияти бузуқ бўлмаса, халқнинг кўриши риёга сабаб бўлмайди. Асли “риё” сўзи “руъят”, яъни “кўрмак” ўзагидан вужудга келган. Бу эса кўпинча риёнинг одамлар томонидан кўрилишидан вужудга келган. Акс ҳолда, халқнинг кўриши риёга сабаб бўлгани учун эмасдир. Яъни, риёга сабаб бўлган нарсаси одамларнинг кўриши эмас, кишининг ниятидир.

“Хайрли амаллари учун Аллоҳдан дунёлик сўраганлар, инсонларнинг миннатига қолмаслик, уларга муҳтож бўлмаслик, ибодатларига эса баҳона бўлсин дея истаган бўлсалар, риё бўладими-бўлмайдими?” сўровига жавобимиз бу:

Инсонларнинг миннатига қолмаслик ва уларга муҳтож бўлмаслик кўп мол орттириш, мавқе ва мартабада устунликка эришиш орқали бўлмайди. Фақат қаноатли бўлиш билан ва Ҳақ таолонинг ризқ ҳақидаги кафиллигига таяниш билан бўлади.

Лекин ибодатга ва хайрли бир иш қилишга куч йиғиш учун Аллоҳдан дунёлик исталса, риё ҳисобланмайди. Чунки ибодат ва хайрли бир амал учун куч-қувват сўраш Ҳақ таолонинг лутфи ва мададини сўраш демакдир. Буни яхши ният дейдилар. Бу хайрли ният охират амалларидандир, риё эмасдир. Масалан: бир кимса Аллоҳдан тилагани ва қўлга киритгани ортиқча моли билан одамларнинг, бойларнинг ва олимларнинг ёнида эътиборли ва қадрли бўлишини тиласа ва бу ҳоли билан, яъни

молининг кўплиги ва эътиборининг ортганлиги билан исломий ишончларни кенг ёйиш, бидъат аҳлининг Исломга зид қарашлари, фикрларини кучдан қолдириш ва халқни аҳли суннат мазҳабига йўналтириш, илм олишига ва китоблар тайёрлаб тарқатиш ишига ёрдам бериш каби хайрли ва фойдали ишларни қилишни мақсад тутинса, бу истаги ҳаммани хурсанд қилувчи бир ният ва ҳурматга лойиқ ҳаракатдир, риё эмасдир.

Эранлардан бир зот дейдики:

“Катта дин олимларига баъзи солих зотлар тангликка, моддий қийинчиликка тушиб қолган пайтларида Воқеа сурасини ўқийдилар. Ўқишдан кузатган мақсадлари дунёнинг етишмовчиликларидан қутулиш ва мўл ризқли бўлиш учунмиш. Буни одат қилиб ўқиганлар, ризқ мўллигига эришармишлар. Бу ҳақиқатда охираат амали билан дунё молини ишташ эмасмикин?” дея сўраганимда, бу жавобни бердилар:

Буларнинг тилаги дунёликни ишташ эмас. Балки ибодат учун, илм олиш ва илм бериш учун етарли бир кучга эга бўлишдан иборат. Ва яна дедиларки: танглик, етишмовчилик пайтларида ва шунга ўхшаш хусусий ҳолларда бу сурани ўқиш хайрлидир. Бу дунёликни ишташ учун эмасдир.

Торлик-танглик пайтларида бу сурани ўқиш устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратларидан ва саҳобалардан бери бугунга қадар давом этиб келган. Ҳатто, бир ривоятга кўра, Аллоҳ рози бўлгур Ибн Масъуд бутун молини, бори-йўғини Аллоҳ йўлига беради, йўқсулларга тарқатади.

Болаларига ҳеч бир нарса қолдирмайди. Дўстлари унга:

– Нега бундай қилдинг, болаларинг қашшоқ бўлиб қолди, – деганларида, бу жавобни берган экан:

– Мен уларга Воқеа сурасини қолдирдим. Шу уларга етади.

Мана шу ва шунга ўхшаш воқеалардан кейин эранлар ва дин олимлари орасида бу сурани ўқиш одат бўлди. Улар тор-танг пайтларида ўқийдилар. Лекин улар шундай обидлардирки, дунёнинг аччиғидан ва етишмовчилигидан кўрқмайдилар, сабрли ва метиндирлар. Ҳатто дунёнинг етишмовчилики ва тангликларини, аччиқларини ўзлари учун бир неъмат деб биладилар, унинг охиридан хайр келишидан умид қиладилар. Ва Ҳақ таолонинг

бир лутфи ва карами, миннати ўлароқ қабул қиладилар. Ўзларига дунёлик келганда эса, бу бир толесизлик, мусибат келтиради, дея қўрқадилар. Чунки охират тижоратчиларининг сармояси очлик ва қаноатдир.

Тасаввуф аҳлининг ва илк мусулмонларнинг йўли шудир. Агар кейин келган зотлардан бир хато майдонга келган бўлса, уларнинг бу қусури, ҳимматларидаги етишмовчилик туфайли юзага келган. Лекин бу ўзларидан аввал келиб-кетган буюк зотларнинг, комилларнинг йўлини инкор этиш эмасдир. Бу масалада фазилатли, комил кимсаларнинг табиатларини далил қилиб кўрсатишдан мурод соф ҳақиқатни тўлароқ билишга интилишдир. Эранларнинг, комилларнинг ҳолларини билма-гандик, дея бошқаларни айблаб юрмасинлар. Ва бу ишларда янгироқ бўлганлар ўзгаларни яниб (қойиб) демасинларки: Қуръони каримни дунёлик мол орттиришга баҳона, охират амалини ҳайвоний истакларнинг амалга оширилишига восита қилмоқ сабрли кимсалар ва мужодала арбоблари тутган йўлга муносиб келадими? Балки, бу келиб-кетган солиҳ зотларнинг, эранларнинг, суннат йўлида юриш одатидан иборат бўлганини билдирар? Уларнинг бу йўлдаги тилаклари қаноатли бўлишга, ибодат қилиш ва хайрли тадбирлар кўришга куч йиғишдир? Шаҳват ҳирсига эргашиш ва эҳтимол юз берадиган қийинчиликлардан қутулиш учун эмасдир? Балки бир қисм мўминлар бу Воқеа сурасини, соф дунё манфаатини қўлга киритиш (мол-мулк орттириш, бой бўлиш ва фаровон ҳаёт кечириш) учун ўқирлар? Лекин Ҳақ йўлида юрганларнинг мақсади бу эмас. Чунки бу ҳолни тадқиқ этганлар биладиларки, Воқеа сурасини ўқишда давом этгандан кейин кундалик ҳаётимизда қаноаткор бўламиз, зиёфатларга иштаҳа билан ташланмаймиз ва бунинг сабабларини излашдан воз кечамиз. Кўнглимизга покланиш, Раббимизга итоат ва севги билан биргаликда тоат-ибодат билан хизматда осонлик ҳосил бўлади.

МАНМАНЛИК

Ибодат ва амални бузадиган иккинчи сабаб манманликдир.

Бундан сақланмоқ вожибдир. Манманлик (кибр, ужб) ўзини бир нима ҳисобламоқ, хайрли ҳар ишдаги муваффақият Аллоҳдан эмас, ўз кучи ва закосининг натижаси эканлигига ишонмоқдир. Кибр икки турли зарар келтиради:

1. Манманлик (ужб, кибр) Ҳақ таолонинг ёрдамига, унинг қудрати ва буюклигига парда тортилишига ва ёрдами тамоман тўхтатиб қўйилишига сабаб бўлади. Манман бўлиб, кибрланиб кетганлар албатта паришон бўладилар, Аллоҳнинг лаънатига учрайдилар. Ҳақ таолонинг ёрдamidан, лутфидан умиди узилганнинг ҳоли фалокатдир, йўқ бўлишдир. Шунинг учун ҳам устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир қутлуғ ҳадисларида бундай огоҳлантирадилар:

“Уч нарса таҳликали ва йўқ қилувчидир:

1 – Ҳирсли ва хасис бўлиш, шуларга амал қилиш;

2 – Нафснинг ҳою ҳавасига тобе бўлиш;

3 – Кишининг ўз феълини, ўзини севиши(кибр)дир”.

2. Манманлик ибодатларни ва солиҳ амалларни бузади, эскитади, йўқ қилади. Шу боисдан Исо (алайҳиссалом) хабардор қиладилар:

“Эй ҳаворийлар! Неча-неча қандиллар борки, шамол уларни ўчиради. Қанча-қанча обидлар борки, кибр уларнинг амалларини зое кетказади”.

Бирон нарса ибодатнинг фойдасини ва амалнинг ҳосилини йўқ қилар экан, демак, у нарсадан сақланиш лозим.

“Бу манманлик, кибр, ужб нима дегани? Ҳақиқати, ҳикмати ва амалдаги таъсири нимадан иборат?” деган саволга бу жавобни берамиз:

Манманлик, кибр, ужб бир банда ўзи қилган амалнинг, бир хайрли ишнинг буюклигига ишонмоғидир. Буни янада кенгроқ мана бундай изоҳлаш мумкин: Бир банда, амалидан келаётган фойда, обрў ва ҳоказоларни Аллоҳдан бошқа нарсадан (ё ўзининг зўрлигидан, ё атрофидаги одамлардан ё бошқа

нарсалардан) деб билса, у банда манман, такаббур, ужб сифатли ҳисобланади.

Дин олимлари дерларки:

Ужб икки ё уч нарсадан келади. Агар нафсдан (ўзини зўр деб билишдан), инсонлардан ва баъзи нарсалардан бўлса, учлик, агар иккисидан бўлса, иккилик, агар ёлғиз биридан бўлса, бирлик бўлади. Масалан: бир олим илмининг шарафини законининг кучлилигидан ё устозидан, ёхуд кўп ишлашидан келганига ишонса ва бу хусусда Ҳақ таолонинг қудратини, ёрдамини унутса ва бу ишлар ҳақиқатан тўғри бўлса-да, булар воситаси билан илмининг шарафи Аллоҳдандир, деб билмаса, у олим ужб (манманлик, кибр) сифатига эга ҳисобланади.

Яна бир кимса ўз шарафини, барча эришган муваффақиятларини молидан, болаларидан ва ё мансабидан деб билса ва бутун булар билан ҳақиқий таъсир Аллоҳдан келганини унутса, ужб (манманлик, кибр) сифатини ташиётган бўлади.

Сўзнинг қисқаси, феълларни ёлғиз сабаб ва воситаларга боғламоқ ғирт жаҳолатнинг ўзидир. Масалан, бир подшоҳ биттасига бир ҳадя берилишини амр этса, котиб уни ёзади, хазина амалдори уни хазинадан чиқаради ва айтган одамига берилади. Бунга котибнинг ва хазина амалдорининг нима алоқаси бор? Агар ҳадяни олган, берган кишиларнинг шулар эканлигига ишонса, у билимсиз ва ғофилдир, подшоҳнинг неъматига нисбатан нонкўрлик қилган бўлади.

Ужбнинг зидди Аллоҳнинг миннатини эсламоқдир. Бунинг маъноси шудир: Бир киши Аллоҳнинг ёрдами ила ишини муваффақиятли битирганини ва фақат унинг лутф ва инояти билан амалининг шараф қозонганини ва савобига эга бўлганини ўйлаган ва Аллоҳнинг миннат ҳаққини ёдга олган бўлса, ужбга тушадиган пайтларда фарздир. Бошқа пайтларда, яъни ужбга тушиш эҳтимоли бўлмаган пайтларда нафиладир.

Ужбнинг амалдаги таъсири шудир:

Хайрли иш қилиб ужбга тушган бир кимса ўлимидан аввал тавба қилса, амали мақбул бўлади. Тавба қилмасдан ўлса, амали зое кетади, яъни бу амалига савоб тегмайди.

“Ҳақ таолонинг хайрли амаллар ишлашда ёрдам қилганини, шарафлантирганини, лутф ва карами билан унга бу амали эвазига савоб берганини ва ҳар нарсанинг Аллоҳдан келганини билган бир кимса ужб қилган (кибрланган) ҳисобланадими?” саволига бу жавобни берамиз: Бу ерда нозик бир нуқта бор: қилган ишида ўзини севган ва ўзига ишонган инсонлар уч қисмдир:

1. Ҳар амалида ужбга тушганлар. Ёлғиз ўзини севганлар ва ўзини юқори баҳолаганлар. Муътазила ва қодирия мазҳабларининг бир қатор мутафаккирлари шулар жумласидандир.

(Муътазила – қадарни инкор этган ва ақлий асосларга таянган дин фалсафасини майдонга келтирган мазҳабдир; Қодирия – инсоннинг ҳар нарсага қодирлигини илгари сурган ва Абдулқодир Жийлоний асос солган диний-фалсафий тариқатдир). Улар феълларида мустақил бўлганликларини, ҳар ишни ўз кучлари билан бажарганларини даъво қиладилар ва бу хусусда Аллоҳнинг лутф ва ёрдами бўлганлигини инкор этадилар. Буларнинг қарашлари қуйидагича: Агар амаллар Аллоҳнинг ёрдами билан бўлса, у ҳолда кимса на жазога ва на мукофотга ҳақли бўлади. Булар тамоман ужбдадирлар.

2. Иккинчиси – ҳар ҳол ва ҳаракатларида Аллоҳнинг миннат ҳаққини биладилар, қатъиян ужбга тушмайдилар. Булар Аллоҳнинг лутфига сазовор бўлган, ҳақиқатни билган аҳли суннатдан бир жамоатдирки, буларнинг йўли энг тўғри йўлдир.

3. Яна аҳли суннатдан бир жамоат борки, баъзан ҳар нарса Аллоҳдан келганини билади. Унинг миннат ва шукрон ҳаққини ўйлайди, тушунади. Баъзан эса ғафлатга чўмади.

Иши ўнгидан келмаганини “Фалон қилсам бўларди, фалон иш ҳалал бермаганда, фалон бўлар эди... Эсизгина, озроқ пул топилмади-да...” каби сабаб ва воситалардан кўриб, ужбга тушади.

“Муътазила ва қодирия тафаккуридаги ужб сабаби билан амаллар бузиладими, бузилмайдими?” саволига жавобимиз бу:

Баъзи олимларга кўра, тўла ишонишга соҳиб бўлган бир кимсанинг жузъий амалларини ужбга тушиш деб ҳисоблаш керак

эмас. Шунинг учун ҳам аҳли суннат жамоатининг фикрича, тўла ишончга эга бўлган зотларнинг жузъий амалларини кўриб, уларга Аллоҳнинг миннатини рўкач қилиш вожиб бўлмайди. Чунки аҳли суннатнинг куллий ишонишида барча ишлар Ҳақ таолодан эканлиги, Унинг қудрат ва иродаси билан майдонга келиши эътиқоди бордир.

АМАЛЛАРНИНГ ҚАБУЛИГА МОНЕ БЎЛАДИГАН ҲОЛЛАР ВА БУЛАРНИНГ ЗИДЛАРИ

“Амалларнинг қабулига моне бўладиган риё ва уждан бошқа нарсалар ҳам борми?” саволига жавобимиз будир:

Бор, албатта. Лекин булар (риё ва уjb) асл ва катта монеликлар бўлгани учун батафсил изоҳладик. Бошқа сабаблар бу икки-сидан туғилади.

Дин олимларига кўра, амалларнинг қабулига моне бўладиган нарсаларнинг ҳаммасидан сақланиш лозим:

1. Нифоқ: мўминларни бир-бири билан ёвлаштириб, айирмачи талқин ва ҳаракатларда бўлишлиқдир.

2. Риё: амаллар, ибодатларни Аллоҳ учун эмас, кўз-кўз қилиш учун ва эътибор қозониш мақсадида қилмоқдир.

3. Тахлит: “халт” – “аралаштириш”дан олинган сўз бўлиб, яхши-ёмон, ҳақ-ноҳақни аралаштириш, бузиш орқали мусулмонларнинг орасини бузиш.

4. Ман: қилинган яхшилиқни юзга солиш, миннат қилиш.

5. Азо: мусулмонларга азият бериш. Қийинчиликларга дучор қилиш.

6. Надомат: пушаймонлик ҳис қилмоқ.

7. Уjb: манманлик, ўзига юқори баҳо бериш ва ёлғиз ўз кучига ишониб кетмоқ.

8. Ҳасрат: қўлдан кетган фурсатлар ва қўлдан чиққан неъматлар учун ҳис қилинган узилиш, соғинч.

9. Таҳовун: бир ишни муҳим ҳисобламаслик ёхуд Аллоҳ ато қилган муваффақиятга аҳамият бермаслик.

10. Ҳовий яъс: умидсизлик қуршовида қолиш. Бир ишни қилиб қўйиб, ўзини халқдан четга олиш. Маъюслиқда кун кечириш.

Буларнинг зидлари қуйидагилардир:

1. Нифокнинг зидди: амалда ихлос.
2. Риёнинг зидди: амал ва ибодатларнинг ажру мукофотларини фақат Аллоҳдан сўраш.
3. Тахлитнинг зидди: ёлғизликка чекинмак, аралаштирмаслик, бирликни бузмаслик.
4. Маннинг зидди: қилган яхшиликни миннат қилмаслик, юзга солмаслик, буни Аллоҳга қолдириш, эвазини Аллоҳдан сўраш.
5. Азонинг зидди: амалини билдирмаслик ва кимсага азият бермаслик.
6. Надоматнинг зидди: нафсига ҳоким бўлмоқ ва гуноҳлардан сақланмоқ.
7. Ужбнинг зидди: Аллоҳнинг миннатини ёдга олмоқ.
8. Ҳасратнинг зидди: Хайрни эгаллаб олиш, хайрни қозониш.
9. Таҳовуннинг зидди: бир ишни муҳим ҳисоблаш, уни катта кўрсатиш тарзида ҳаракат қилиш.
10. Ҳовий яъснинг зидди: ҳар қандай бир ишда халқдан (одамлардан) эмас, ёлғиз Аллоҳдан қўрқиш.

Нифок амалларни бузади.

Ман ва азо садақаларни, яхшиликларни самарасиз қолдиради, йўқ қилади.

Надомат барча амалларни бузади.

Ужб асил амалларни бузади ва савобларини ювиб юборади.

Ҳасрат, таҳовун, ҳовий яъс амалнинг баракасини кетказди, қадрини туширади, тақдир қилинадиган томонларини йўқ қилиб юборади.

Қисқаси, бир амалнинг қабул ё рад қилиниш ҳоли кишининг ўша онда қандайлигига боғлиқ. Агар у амални виқор билан, таъзим билан қилса, қабул бўлади ва савоби берилади. Агар бепарволик (лоқайдлик) билан ва бунга аҳамият бермасдан қилса, лоқайдлик даражасига қараб рад қилинади. Амал фасодга бузуқликка учраса, савоби ҳам бекор қилинади, берилмайди. Бу бекор қилиш, баъзида ҳам қилинган амалнинг бутун савобини

ҳамда унга яқин бўлган ҳоллардан келган савобларни қамраб олади, ҳаммасини йўқ қилади. Амаллар жойлари ва ҳолларига кўра қиймат қозонади. Бирининг ер ва ҳоли бошқасидан устун бўлади, савоби ҳам шунга кўра тақдир қилинади. Масалан, хайр аҳлига қилинган бир эҳсон оддий бир кимсага қилинган эҳсондан устундир.

Она ва отага қилинган эҳсон бундан ҳам аълодир. Пайғамбарларга қилинган эҳсонлар янада кўп устунроқдир ва мукамалдир. Ихлос ва таъзим билан бажарилган амаллар риё ва лоқайдлик билан қилинган амаллар каби эмасдир. Муайян бир иш ва амалнинг қабул ёки радди бутун шу ҳолларга боғлиқ.

РИЁ ВА УЖБ

Эй азиз, бундан олдинги кечикларнинг барча таҳлика ва кийинчиликларини енгиб шу ергача келдинг. Бундан кейинги кечик бошқаларига қараганда янада таҳликалироқ ва қўрқинчлироқдир. Шунинг учун метин, диққатли ва азим ҳаракат қилиб ўтишинг керак бўлади. Чунки бундан олдинги кечикларда қўлингда сармоянг йўқ эди. Ёмон феъл-атворларингни тарк этишга уриниб ибодат қилар ва шу тариқа сармоя орттиришга интилар эдинг. Ниҳоят, маънавий сармояга эришиб, бу аҳволга, бу мақомгача келдинг. Энди таҳликали бир кечикка қараб бормоқдасан. Бу кечик ўғрилари, қароқчилари кўп. Минг бир заҳмат билан шу лаҳзага қадар ёмон атворларни тарк этиш ва ибодат қилиш йўли билан эришган сармоянгни ўғирлаб кетишлари ҳеч гап эмас. Бу кечикнинг бошқаларидан таҳликалироқ, хатарлироқ бўлишининг сабаби шудир. Хуллас, **бу кечикнинг энг хатарли қароқчилари Риё ила Ужбдир**. Булар шу қадар инсофсизлик билан бутун бошли бир сармоянгни ўғирлаб кетадиларки, маҳшар кунда сен расво ҳамда паришон бир ҳолда қоласан.

А. Риёнинг офати

Энди олдин риёни таҳлил қилайлик. Бунга яхшилаб билиб олмақчи бўлсанг, мана шу тўрт асосга диққат қил:

Биринчи асос:

Ҳақ таоло марҳамат қилади:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَوَاتٍ وَمِنَ الْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَنْزِلُ الْأَمْرُ بَيْنَهُنَّ لِتَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا ﴿١٢﴾

Яъни: “Аллоҳ етти осмонни ва ердан ҳам ўшанинг мислини яратган зотдир. Унинг амри уларнинг ўртасига униб туради. Бу – сизлар Аллоҳнинг барча нарсага қодирлигини ва Аллоҳ барча нарсани ўз илми билан ихота қилиб олганини билишларингиз учундир” (Талоқ сураси, 12-оят).

Эй ғофил инсон! Ҳақ таолонинг бу сўнгсиз қудратини бил, унга таян ва бутун амалларинг билан фақат унинг ризосини қозон: наҳотки тўқис адо этган икки ракат намозинг ё бир яхши амалинг эвазига Аллоҳнинг ризоси, мамнунияти билан қоникмасанг! Нега яна буни одамларга кўз-кўз қилгинг келади? Уларнинг ёқтиришини ва олқишини тилайсан ва эвазига дунёлик истайсан?

Сенинг бу амалларингни кўрган, билган ва нуқсонлари билан қабул этиб мукофотлантирган Аллоҳнинг бу лутф ва эҳсонлари билан қаноатланмай, одамлар билишини ва мақташини ишташдай вафосизлик ва нонкўрлик бўладими? Сенинг бундай қилишинг катта хатодир. Ақлли инсон бўлсанг, кун каби очиқ-ошкор бўлган бу қабоҳатингни кўрарсан. Раббингдан уялиб, ҳақиқатни эгаллаб, Ҳақ йўлига қайтарсан.

Иккинчи асос:

Сенинг қимматбаҳо бир мужавҳаринг, бир ёқутинг бўлса, уни юз минг тиллага оладиган харидор заргаринг бўлса, бу баҳодан кечиб, бир тиллага сотишга отлансанг, бу – сен учун қопланиши имконсиз бўлган бир зарар, ҳатто бир фалокат эмасми? Бу ҳаракатинг, бу билимсизлигингга, ақлинг пастлигига, дунёқарашинг чекланганлигига қатъий бир далил, кимлигингни узилкесил кўрсатувчи бир маълумот эмасми?

Мана, одамлар ёқтирсин, ҳамду сано айтсин, мен дунёлик орттирай дея қилган ибодатинг, яхши амалларингдан оладиган фойданг, бу туйғулардан холи ва пок, ёлғиз Аллоҳ учун қилган

амалларингдан оладиган фойдангга нисбати худди шу минг тилланинг бир тиллага нисбати кабидир. Ҳатто дунёнинг жами сеники бўлса, бунинг қиймати, Аллоҳнинг мақбул кўришига ва сендан рози бўлишига нисбати билан бир тилланинг минг тиллага бўлган нисбатидан пастдир ва қийматсиздир. Энди Аллоҳнинг бу лутф ва карамини, бу бебаҳо эҳсонини, тўловларини, бу айтганимиз паст нарсаларга харж қилиш (яъни ибодат ва яхши амалларни фақат дунёвий фойдалар учун бажариш) охири ҳалокатли бўлган бир тижоратдир. Охиратга бўш қўл билан кўчишдир. Демак, ибодатингни фақат Аллоҳ розилигига эришиш учун қилсанг, дунё сенга ўз-ўзидан келади. Ҳар икки оламда ҳам муродингга осонликча етасан. Бутун истакларинг рўёбга чиққанини кўрасан.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари буюрадилар:

“Ҳақ таоло охират амали эвазига дунёлик ҳам беради. Лекин дунё амали эвазига охиратни бермайди”.

Шундай бўлгач, тоат ва ибодатингни, амалларингни пок ва холис ният билан, ёлғиз Аллоҳ учун қилсанг, ҳиммат ва ғайратингни охират учун сарфласанг, ҳам дунёни, ҳам охиратни қозонган бўласан. Лекин охират амали билан дунёлик тиласанг, охиратинг зойил бўлади. Баъзан дунёлик истакларинг ҳам амалга ошмай қолади. Ва ё келса ҳам доим сен билан қолмайди. Чунки дунё ўтқинчидир. Шу тариқа ҳам дунёни ҳамда охиратни бой берасан.

Учинчи асос:

Эй азиз, агар сен биров учун ибодат адо этиб, яхши амал қилганинг, сендан рози бўлишини истаган кишинг, агар бу ниятингни, барча бу амалларни ўзинг учун қилганингни билсайди, сендан гина қилар, юзингга қарамас, ҳатто нафратланган бўларди. Сени бир исковичдай кўрар, отингни эшитган чоғида сендан жирканарди. Шундай бўлгач, бу кишига нисбатан бўлган ҳолингни англа ва сендан рози бўлишини истаган бу кишингдан эҳтиёт бўл. Қилган амалларингдаги мақсадингни англамасин. Англаса, сени ҳақорат қилади ва мақсадинг сувга оқиб кетади.

Мана бу ҳақиқатни ҳам англа, ақлингни бошингга йиғ, ғафлат ўйкусидан уйғон ва хизматингни, ибодатингни, яхшиликларингни фақат Аллоҳ учун қил, У сенинг бу соф ниятингни билади ва

шу туфайли сени севади, сенга турли лутф ва иноятларда бўлади. Қанча-қанча неъматлар, иззат-икромлар ато этади. Сендан рози бўлади. Шу тариқа ҳам дунёни ҳамда охиратни қозонган бўласан.

Тўртинчи асос:

Бир киши қудратли бир подшоҳнинг хизматига кириши, чиройли иш ва ҳаракатлари билан унинг меҳрини қозониши, яқинларидан бирига айланиши, мансаб ва мартабаси ортиши мумкин бўлатуриб, бундан воз кечиб подшоҳнинг чўпчиси (фарроши) вазифасида бўлган бошқа бирисининг розилигини қозониш учун кеча-кундуз ишлаб, унинг хизматини қилса, билган-кўрганлар, бу одамнинг қилмишини ақлсизликка, дунё-қарашининг етишмовчилигига ва раъйининг паришонлигига йўяди. Ақлли инсонлар уни айблайди, гап-сўз қилади ва бу қадрсиз инсондан сенга ҳеч қандай манфаат ҳам келмайди. Ҳолбуки, подшоҳнинг хизматини қилсайдинг, ким билади, қандай катта манфаатлар кўрардинг. Одамлар ичида эътиборинг бўлар, қадринг ортарди. Ҳар каснинг иззат ва икромини кўрардинг, дея гапирадилар. Агар сендан рози бўлишини истагангинг ва хизматини қилганинг чўпчи (фаррош) сенинг бу ақлга хилоф ишингни билса ва сен билан ҳазиллашиб десаки:

– Эй ҳамиятсиз, нодон одам, буюк бир амрни, подшоҳни қолдириб, мендай жоҳил, қуйи бир табақадаги инсоннинг ёнига келдинг, хизмат қиляпсан. Ҳолбуки, подшоҳнинг хизматида бўлсайдинг, мендай қанча-қанча инсонлар, балки, катта бир жамоат сенинг эшигингда хизматчи бўлар ва қаршингда тик турар, амрларингни адо этар эди!

Бу ҳақли сўзларга нима деб жавоб бера оласан?

Шубҳасизки, бу вазиятда бўлган киши ҳам подшоҳнинг ҳамда супургувчи (фаррош)нинг ва ҳатто бу ҳолдан хабардор бошқа кўпдан-кўп инсонларнинг таънаю дашномларига лойик бир инсон бўлади. Қўлга киритган моддий ва маънавий сармоясини йўқотади.

Мана иккиюзлама, сохтакор (мурой)ларнинг ҳоли худди шу одамнинг ҳолига ўхшайди: барча ишларида уларга ҳар томонлама ёрдам беришга қодир, сўнгсиз қудрат соҳиби бўлган Ҳақ таолонинг ризосини қозониш мумкин бўлатуриб, бунинг ўрнига ўзи каби

оддий ва ғариб бир яратикнинг ризосига эришишга, унинг учун бесамар ва лузумсиз бир ғайрат сарф этишга ҳаракат қилади ва бунинг сўнгида ҳар нарсадан маҳрум қолади. Бу кабилар басирати ёпилиб қолгани, яъни кўр-кўрона ҳаракат қилишлари, маънавий ишончлари заифлашгани учун вафосиз дунёни хоҳлайдилар. Ҳолбуки, ундай қилмасликлари керак. Бунинг ўрнига улар Ҳақ таолонинг хизматини тиласинлар, ибодатларини ва яхши ҳаракатларини пок қалб билан адо этсинлар, одамларга бош уришдан ва ялтоқланиб уларнинг хизматини қилишдан ва ўз ишларини кўз-кўз этишдан воз кечсинлар. Тилакларини Раббла-ридан истасинлар. Чунки оламнинг бутун ишлари ва одамларнинг қалблари Аллоҳнинг қудрат қўли ва иродасининг таъсири остидадир. Бунга чин юракдан ишониб, мен айтганимдай ҳаракат қилсанг, барча инсонларнинг қалблари сен томонга ўтирилади, сени истайди ва кўнгиллари сенинг севгинг билан тўлади. Сенинг тилагингни амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Сен ўз ғайратинг билан бунинг ўндан бирини ҳам қўлга киритишга кучинг етмайди. Агар бу айтганларимга терс ҳаракат қилсанг, ибодатингни, яхши амалларингни, Ҳақ таолонинг ризосини қозониш учун эмас, кўз-кўз қилиш учун қилсанг ва шу йўл билан элнинг тақдир ва ризосини олишга интилсанг, кўнгилларга ҳукм этгувчи Аллоҳ бутун қалбларни сендан ўгиради. Одамлар сендан четланиб ва сенга душман бўлиб қоладилар ва сенга азият берадилар. Мақсадинг сўнади. Халқ нафратланадиган, Аллоҳнинг ғазабига учраган кимсалардан бири бўлиб қоласан. Бундай бўлишдан Аллоҳ асрасин!

Аллоҳ раҳмат қилгур Ҳасан Басрий дейди:

Бир киши бор эди. Онт ичди: Тоат ва ибодатда шунчалик илгарилаб кетайки, ҳар ерда одамлар сўйлаб юрсин. Шухратим ортсин.

Шундан кейин масжидга ҳаммадан олдин борадиган ва мас-жиддан ҳаммадан сўнг кетадиган бўлди. Масжиддалик пайтида тинмай намоз ўқиди. Давомли рўзалар тутди. Ҳар вақт Ҳақ ликрини қилди. Шу тариқа орадан етти ой ўтди. Одамлар уни бу ҳолда кўрганда: “Нақадар риёкор одам! Бу кўз-кўз (қилиш)-лари билан Ҳақ таолодан уялмайдами?” – дер эдилар.

Ўзи ҳақида айтилаётган гап-сўзларни эшитганда бу одам ёлғизликка чекинди. Нафсининг бу йўналишдаги орзу ва ҳавасларини ўчирди. “Мен ибодат билан шухрат қозонишни мақсад қилиб, риёкор сифатида машҳур бўлдим. Энди аҳдим шуки, бундан кейин холис ва пок бир ният билан ёлғизликда ибодатимни қиламан, Ҳақ таолодан бошқасини тиламайман”, деди ва айтганларини бажара бошлади ва шу ният билан аввалгидай тоат ва ибодатда давом этди. Бундан сўнгра халқ уни кўрганда: “Аллоҳ рози бўлсин! Қандай яхши одам! Яхшилик учун Ҳақ йўлда юрибди, яхшилар мақомига юксалмоқда! Қандай бахтли у!” – дея бошладилар.

Ҳасан Басрий шуларни баён қилгандан кейин Қуръондан ушбу қутлуғ оятни ўқий бошлади:

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَيَجْعَلُ لَهُمُ الرَّحْمَنُ وُدًّا ﴿١٦﴾

Яъни: “**Ҳақиқатан имон келтириб, яхши амаллар қилган зотларни Раҳмон севгили қилажақдир**” (Марям сураси, 96-оят).

Мана, бу қутлуғ оят риёсиз ибодатда бўлган ва яхши амал қилганларни Ҳақ таоло ёқтиришини ва халққа ҳам севгили айлашини маълум этмоқдадир.

Б. Ужбнинг офати

Ужб қандай офатлар келтиришини билиб олмоқчи бўлсанг, мана шу тўрт асосга диққат билан боқ:

Б и р и н ч и а с о с:

Банданинг амали Ҳақ таоло рози бўлган ва бу амални қабул қилган пайтдагина қадр топади.

Не-не инсонлар борки, беш-ўн танга пулга эришиш учун эртадан кечгача ишлайдилар. Не-не миршаблар, тун қоровуллари борки, шунча пул топиш учун оқшомдан тонггача посбонлик қилиб, ухламай чиқадиладар. Бошқа ҳунарманд ва тижоратчиларнинг ҳоли ҳам шулардан сал паст ё сал юқоридир. Кеча-кундуз хизмат қилиб, тирикликка етарли пулга эга бўлай деб тинмайдилар. Ҳолбуки, сен Аллоҳ учун бир кун рўза тутсанг, ибодатингни ва яхши амалингни фақат Унинг ризосини қозониш учун адо этсанг,

бунинг эвазига Ҳақ таолонинг ҳисобсиз неъматларига ноил бўласан. Аллоҳ марҳамат қилади:

﴿۱۰﴾ إِنَّمَا يُوفَّى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ

Яъни: **“Шубҳасиз, сабр қилгувчиларнинг ажрлари беҳисоб”** (Зумар сураси, 10-оятнинг охири).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратларининг бир қутлуғ ҳадислари бундайдир:

“Аллоҳ буюрадики: Рўза тутган бандаларимга кўзлари кўрмаган, қулоқлари эшитмаган, ҳеч кимнинг хотир ва хаёлига келмаган неъматлар тайёрлаб қўйганман”.

Мана эрталабдан кечгача минг бир заҳмат чекиб, беш-ўн танга пул топган кишининг ҳоли билан егулигини шомгача кечиктирган бир мўминга Аллоҳ берган неъматларни бир-бирига солиштир ва ўзинг бир хулосага кел. Яна тунни ибодат билан ўтказсанг, сенга бериладиган мукофот тўғрисида Аллоҳ бундай марҳамат қилади:

﴿۱۷﴾ فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

Яъни: **“Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун бекитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни охират неъматларини) бирон жон билмас”** (Сажда сураси, 17-оят).

Мана бу мукофотни, бутун кеча юриб чиққан миршабнинг топганига солиштир ва бир хулосага кел. Сўнгра кечанинг исталган бир соатида ўқилган икки ракат намоз ва юракдан чиқариб айтилган Шаҳодат калимаси эвазига бериладиган неъматлар ва савоблар ҳақида Ҳақ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿۴۰﴾ مَنْ عَمِلَ سَيِّئَةً فَلَا يُجْزَى إِلَّا مِثْلَهَا وَمَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أَنشَأَ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ يُرْزَقُونَ فِيهَا بِغَيْرِ حِسَابٍ

Яъни: **“Ким бирон ёмонлик қилса, унга ёмонлигига тенг жазо берилади (бундан кўп эмас). Ва эркакми, аёлми ким мўмин**

бўлган ҳолида бирон яхшилик қилса, ана ўшалар жаннатга дохил бўладилар ва у жойда уларга беҳисоб ризқ берилади” (Ғофир сураси, 40-оят).

Энди сенинг ва бошқа кимсаларнинг ёнида бу бир соат балки аҳамиятсиз бир лаҳзалардир. Ҳар кун неча соатларинг шундай бекорга оқиб кетади. Ҳолбуки, Аллоҳ ёнида шу бир соатлик ибодат жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу эса амалинг кўплигидан ёки бу соҳадаги ишларинг зиёдалигидан эмас, балки Ҳақ таолонинг ризосига ва қабулига сазовор бўлгани, унинг ризосини қозонган ва ҳусни қабул кўрган бўлгани учун кўп қийматлидир.

Шундай экан, ақли жойида бўлган одамлар амалларининг аҳамиятсиз ва қадр-қимматсиз бўлиб қолишига ишонишлари ва Ҳақ таолонинг лутф ва карами билан қиймат берилганига шукр қилишлари керакдир.

Ибодатларини Аллоҳ учун қилмаган ва шу сабабли қабул бўлмаган, бундай шарафдан маҳрум қолган кимсалардан қоч, узоқлашки, бу одатлари сенга ҳам юқиб қолмасин. Чунки уларнинг амали бефойда ва ибодатга сарфлаган вақтлари ҳам бекорга кетган бўлади.

Бу – мана бунга ўхшаш воқеадир:

Бозорда баҳоси бир тилла турувчи бир боғ гулни олиб, подшоҳга ҳадя этсанг, у мамнун бўлиб, ҳадянгни қабул қилса, бунга жавобан, ким билади, балки, сенга неча минг тилла қийматига эга бўлган совға-саломми, эҳсонми қилар! Қарабсанки, бир тиллалик гулдаста бамисоли бир неча минг тиллага сотилгандай бўлади. Агар подшоҳ гулдастани қабул қилмай, рад этса, ул гулдастанинг баҳоси бир тиллалигича қолади. Мана обидларнинг (доимий ибодат қилувчиларнинг) ибодати, зоҳидларнинг зуҳди ҳам шу гулдаста кабидир. Аллоҳ томонидан қабул қилинса, эвазига қийматини ўлчаб бўлмайдиган ҳисобсиз неъматлар берилади. Қабул бўлмаса, қиймати пастлигича қолади.

Демакки, банда баҳоси номаълум амалини Ҳақ таолога атаркан, қабули учун ёлвориши, саноксиз шукрлар, ҳамду санолар айтиши лозим. Балки, бу ҳаракати амалининг қабулига сабаб бўлар ва шу тариқа абадий бахтиёрликка эришар.

Иккинчи асос:

Сенга қанчадир маош тайинлаб ёнига олган бир подшоҳнинг эшигида кеча-кундуз ишлайсан. Қаршисида соатларча оёқда тик туриб топшириғини кутасан. Отига миндириб, олдида яёв кетасан. Баъзан соқчилик қилиб, тонгларга қадар саройини қўриқлайсан. Керак бўлса, унинг душманлари билан жангга киришиб, азиз жонингни ҳам унинг йўлида фидо қиласан. Шунча хизматни, шунча заҳмат ва таҳликаларни қанчадир маош эвазига назарда тутишга мажбурсан. Замон айланиб, бу хизматларингни бир чақага олмайдилар, вазифангдан бўшатиб, саройдан ҳайдайдилар.

Аслида, бу ишни, билсанг, сенга Ҳақ таоло берган. Подшоҳ бир воситадир.

Энди тушун, ахир, Ҳақ таоло сени йўқдан бор этди. Тупроқдан озиқ-овқат, озиқ-овқатдан нутфа (бир томчи маний), нутфадан қон қуйқуми, қон қуйқумидан эт ва суяк қилди. Сўнгра ҳаёт берди. Дунёга юборди. Турли қобилиятлар ва бебаҳо васфлар билан безади. Сенга ақл ва сўзлаш қобилиятини бериш билан ҳайвон туридан устун қилди.

Сени илм ва ирфон билан бойитди. Мусулмон бўлиш шарарини ато этди. Булардан ташқари яна қанчадан-қанча эҳсонлар берди. Бу ҳақда Аллоҳ дейди:

وَأَتَيْنَاكُمْ مِنْ كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ وَإِنْ تَعُدُّوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تَحْصُوهَا إِنَّ الْإِنْسَانَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ ﴿٣٤﴾

Яъни: **“У сизларга барча сўраган нарсаларингизни ато этди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига етолмайсизлар. Ҳақиқатан, инсон зоти ўта золим ва ношукрдир”** (Иброҳим сураси, 34-оят).

Ҳақ таоло сенга шунча неъматлар бергандан кейин сен иккинчи ракат намоз ўқийсан ёки бирор яхшилик қиласан. Бунинг эвазига эса Аллоҳ сенга ўз фазлу карами билан турли савоб ва эҳсонлар ваъда этаётир. Сенинг хато ва камчиликларингга, ҳуқуқсонларингга қарамай, амалингни рози бўлиб қабул қилади.

Энди сен, бу икки ракат намозни, Аллоҳнинг қайси икромига тенг деб ҳисоблайсанки, бу билан мен, Раббимга ибодат ва хизмат қилдим, дея гердайсанг! Тағин шу манманлик, такаб-бурлик эвазига ажр-мукофотдан умид қилиш ачинарли ҳол эмасми?

У ч и н ч и а с о с:

Шон-шуҳрати, куч-қудрати дунёга танилган бир подшоҳни тасаввур эт: барча вазирлар, беклар, давлатнинг казо-казолари унга хизмат қилиш билан овунадилар. Олимлар, файласуфлар, ҳакимлар подшоҳнинг топшириқларини ўзларича бир неъмат деб биладилар. Жон деб, минг бир таъзимлар билан бу ишни қиладилар, кеча-кундуз унинг остонасида янги амрларини кута-дилар. Кунлардан бир кун бу таниқли зотлар билан бир қисм одамлар саройга тўпланганлар деб фараз қил. Кўпчилик, одам тикилинчилигидан ўтиришга ҳам жой тополмаётган бир палла. Подшоҳ шундай бир вазиятда оёқда тик турган жамоатнинг ичидан бир сўфийга ишорат қилиб, ёнига чақиради. Сўфий оломонни ёра-ёра ҳузурига чиқади. Подшоҳ эса унга илтифот қилиб, ёнидан жой кўрсатиб ўтирғазади. Сўнгра унга осон бир иш беради. Билимсизлигига, ишида йўл қўйган қанча хато ва камчиликларига қарамай, унга ҳурмат кўрсатади, ҳусни қабул кўради ва бу хизмати эвазига сўфийга турли яхшиликлар қилади, ҳисобсиз мол беради. Подшоҳнинг бу муомаласидан хабар топганлар, “сўфийнинг бошига давлат қуши қўнди, энди имкониятлари жуда каттаки, бу илтифотга, бу неъматларга лойиқ бўлмаса ҳам, подшоҳнинг лутф ва карамига эришди, меҳрини қозонди ва халқ ичида устун бир мартаба қозонди”, дейдилар. Энди ана шу сўфий қилган осон иши ва қойиллатиб адо этган аҳамиятсиз амрлар учун бирдан гердайиб, манман бўлиб, мағ-рурланиб кетса, ўзини буюк инсон ҳисоблаб, подшоҳнинг эҳсонларини ўз ҳаққим деган ишонч билан яшаса, буни эшитганлар, бу жуда ақлсиз, тентак одам экан-ку: аслида, ўз ҳаққи қанча эканлигини ҳам билмас экан-да, савияси, қобилятини идрок этолмагани етмагандай, берилган неъматга ҳам шукр қилмайди-я! Ўзини билмаган бу инсофсиз одамга берилган неъматни қўлидан

олиш ва нонкўрлик қилгани учун уни подшоҳ саройидан иблисдай итқитиб ташлаш керак”, дерлар.

Энди, эй азиз, яхшилаб ўйла ва билиб ол: Раббимиз шундай бир султондирки, ерда ва етти қават кўкда неки бор бўлса, ҳаммаси Уни тасбеҳ ва тақдис этади (буюк ва шонли эканлигини билган ҳолда номини ёдга олади ҳамда қутлуғ ва муборак ҳисоблаб шукр қилади).

Яна Раббимиз шундай бир илоҳдирки, кўкларда ва ерда бўлган жамики борлиқлар истаб ё истамай унга сажда қилади ва яна Раббимиз шундай бир подшоҳдирки, Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил, руҳонийлар, Аршни кўтариб юрганлар, Унга яқинлар ва саноғини Аллоҳдан бошқа ҳеч кимса билмайдиган фаришталар фақат унинг эшигида хизмат этадилар. Буларнинг даражалари юксак ва шарафлидир. Гуноҳ қилмайдилар, доимо ибодат билан машғул бўладилар.

Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад ҳазратлари ила бошқа жумла пайғамбарлар (устларига Аллоҳнинг раҳмати ва саломи ёғилсин!) юксак мақомларида Аллоҳга ибодат қиладилар ва ҳамду сано айтадилар. Шарафли мартабаларда бўлган эранлар, зоҳидлар, солиҳ ва комил зотлар фақат пок қалб билан Аллоҳни ёдга оладилар, Унга ибодат қиладилар. Подшоҳлар, давлат арбоблари эса бўйни букик, залил ва ҳақир ўлароқ Ҳақ таоло қаршисида Унинг ҳукмини кутадилар, юзларини тупроққа суриб сажда қиладилар. Бандаликларини эътироф этадилар, камчилик ва хатоларини кечиришини сўраб, гуноҳларига тавба ва истиғфор қиладилар. Ҳақ таоло лутф ва карами билан буларга иноят этса, тилаклари қабул қилинади ва саодатга эришадилар. Қабул қилинмаса, ғазабига учрайдилар. Зиллат ва сафолат (хорлик ва қашшоқлик) ичида судралиб азоб оғушида яшайдилар.

Мана шундай буюклик ва қудратга эга бўлган Ҳақ таоло сенинг нуқсонларингга, қусур ва хатоларингга қарамай лутфу карам кўрсатади, дуоларингни тинглайди. Ёлворишларингни шафқат ва марҳамат билан қарши олади. Ҳолбуки, бу ҳолдан хабардор бўлатуриб, яна дунё бекларининг эшигига борсанг,

улар сени ичкари олмайдилар, юзингга қарамайдилар, сўзингни эшитмайдилар. Аммо бу коинотнинг яратувчиси ва идорачиси бўлган Аллоҳнинг хизматига инсон таклифсиз боради, унга ҳеч ким монелик қилмайди, қилолмайди. Ҳатто Ҳақ таолонинг Ўзи сенга лутф ва қарам кўрсатади, дуоларингни тинглайди. Тилагингни маъқул топади. Ибодатларингни қабул этади. Сенга ғамхўрлик қилади. Қанча нуқсону камчиликлар билан тўла бўлган ибодатларингдан ҳам рози бўлади, хотирингга ва хаёлингга келмайдиган даражада савоб беради.

Шундай бир вазиятда сен, ўша икки ракат намозинг учун қандай қилиб уjb-манманликка борасан? Гердаясан ва ўзингда буюклик кўрасан? Ибодатинг барча қусур-камчиликлари билан қабул этилганига шукр ва ҳамд айтмайсан? Ажабо, бу амалингнинг нимасига бу қадар ишонасан?

Тўртинчи асос:

Қудратли бир подшоҳ, давлат бошлиғини тасаввур эт: қатор давлат арконлари, амирлар, қўмондонлар, бойлар турли ҳадялари билан унинг қаршисига келганлар. Турли инжу-жавоҳирлардан ва қимматбаҳо нарсалардан иборат бўлган бу ҳадялари билан қабул қилинганлар ва ер ўпиб тургандирлар.

Булар ичига аралашиб қолган авомдан бир киши ҳам қўлидаги қадрсиз ҳадяси билан подшоҳ ҳузурига борган, тақдим этган қадрсиз ҳадяси қабул бўлган, пажмурдалигига ва ҳадясининг қадрсизлигига қарамасдан, бу ҳам катта эҳсонларга сазовор бўлган. Бу эҳсонлар ҳадянинг эвазига эмас, шунчаки подшоҳнинг лутф ва қарамидир. Энди подшоҳнинг неъмат ва илтифотларига сазовор бўлган бу қашшоқ ва хор одам, уjb-манманлик қилса, ўзини ёқтириб гердая бошласа, бу неъмат ва илтифотлар менинг ҳаққим, мен ўзимга тегишли ҳаққимни олдим деб, шукр қилмаса ва ҳамд айтмаса, бу кишини мағрур, мақтанчоқ ва адабсиз, беақл ва ё нодон одам демайдиларми?

Энди сен ҳам ярим кечадан кейин уйғониб, икки ракат намоз адо этганингдан сўнг бир фикр қил: ажабо, бу соатлар ер юзида, қитъада, денгизда, тоғларда, чўлларда, шаҳар ва қишлоқларда мужтаҳидлар, сиддиқлар, ошиқлар – не-не зотларнинг қанчаси Аллоҳга ибодат билан машғулдирлар?! Яна шу соатда Ҳақ таоло

эшигида кутиб, хушу билан, ёшли кўзлар, зикрли тиллар, тақводор кўкраклар ила соф ва тоза ибодатда бўлган ва холис амаллар қилаётган қанча кадрли инсонлар бор экан?!

Агар сен ҳам намоз ўқиётган бўлсанг, уни ихлос билан ўқишга диққат қил. Агар бундай қилмасанг, яна Ҳақ таолонинг шониға лойиқ бир ибодатда бўлолмайсан. Чунки ибодатларинг, амалларинг, хатти-ҳаракатларинг камчилик ва хатолардан, гуноҳлардан покланган эмасдир. Чунки лузумсиз ва маъносиз гап-сўзлар тилингни, мол севгиси қалбингни, турли орзу-ҳавас хаёллари зеҳнингни тўлатиб турибди. Сен шу ҳолинг билан Ҳақ таолонинг ҳузурига чиқишга ва унга камчилик ва хатолар билан тўла ҳадянгни, ибодат ва амалларингни тақдим этишга ўзингни қандай лойиқ кўрасан?

Ҳатто баъзи олимлар дерларки:

Эй ғофил инсон, бойларга ҳадя қилиб юборилган нарсаларга кўрсатилган диққат ва ғамхўрлик даражаси (ҳақида) ўйла, Ҳақ таолоға юборилган ҳадяларга ҳам ўша даражада диққат ва ғамхўрлик кўрсатасанми?

Абу Бакр Варроқ дейди:

Ҳар намозимдан кейин ҳаё қуршаб, уялиб кетаман. Худди зино қилган хотиннинг зинодан кейин ҳис қилган уяти каби...

Сўнгра сенинг энг ғариб бир ҳолда (яъни билар-билмас) ўқиган намозларинг, қилган яхши амалларингни Ҳақ таоло барча қусур ва хатолари билан бирга юксак баҳолаб қабул қилади, уларнинг эвазига сўнгсиз савоблар, эҳсонлар ваъда этади. Сен эса унинг бир қули, бандасисан, ҳар неки қилсанг, унинг ёрдами ва берган кучи билан қиласан. Аҳвол шундай экан, амалларингни рўкач қилиб, қандай уjbга, манманликка бериласан, ўзингни севиб, кериласан? Амин бўлки, сен бундай ҳаракатинг билан билимсиз нодонсан ва ғофиллардансан!

РИЁ ВА УЖБНИНГ ЗАРАРЛАРИ

Эй азиз! Ғафлат уйқусида эканликларини билганлар ўз ҳоллари тўғрисида ҳар тарафлама, атрофлича ўйлаб олишлари вожибдир. Шундай бўлгач, сен ҳам ғафлат уйқусидан уйғонки, фалокатларга дучор бўлмагайсан. Чунки олдингдаги бу кечик ҳозиргача ўтилган кечикларнинг энг қийини ва энг таҳликалисидир. Агар бундан кўп диққат билан ҳаракатланиб, эсон-омон ўта билсанг, бутун муаммолар, хатолардан қутуласан, тижоратингда катта даромад кўрасан. Акс ҳолда, амалларингга зиён келтирган, бутун топган-тутганларингни, амалларингни йўқотган бўласан. Чунки бу таҳликали кечикда уч муҳим асос жамланган.

1. Ишларнинг нозиклашиб, қийинлашиб кетиши: риё ва ужбнинг амалларга таъсири.

2. Йўқотишларнинг кўплиги ва шиддати.

3. Таҳликанинг катталиги ва қўрқинчлиги.

1 – Ишларнинг нозиклашиб, қийинлашиб кетиши: риё ва ужбнинг амалларга қўшилиши ва яширин таъсири кучлидир. Буларнинг амал ва ибодатларга қўшилиб ва кенгайиб боришини, уларни дабдала қилаётганини ҳеч кимса кўролмайдигани ва англаёлмайдигани. У ҳали-бери билинмайдигани, ғофиллар бунинг ҳеч фарқига бормайдилар. Риё ва ужбнинг зарарини фақат ибодат ишларида диққат-эътиборли ҳушёр одамларгина, исломий билими кучли олимларгина англай оладилар, кўра биладилар ва ўзларини диққат ва тадбирлар билан ундан қутқара оладилар.

Ривоят қиладиларки, Нишопурда Ото ибн Суламий зўр ҳафса билан бир тўп мато тўқийди. Нуқсонсиз ва кўзга яқин мол тайёрлаганига ишончи комил бўлган ҳолда бозорга элтиб тужжорларга кўрсатади. Мато ишларини жуда яхши фарқлай оладиган тужжорлардан бири нуқсонини кўриб айтганда, Ото йиғлай бошлайди. Тужжор матодаги нуқсонни кўрсатганига афсусланади. Узр сўрайди ва истасанг, молингни ҳаммасини олиб келавер, ҳурматинг учун сотиб оламан, мендан хафа бўлма, дейди.

Ото тужжорга бундай жавоб беради:

– Мен сен айтган нарсага йиғламаяпман. Матонинг нуқсонсиз бўлишига кўп ҳафсала қилгандим ва тамоман нуқсонсизлигига ишониб бозорга олиб келгандим. Сўнгра сен билимдонлигинг билан бу камчиликни топиб, менга айтдинг. Энди мен: охиратда ҳолим нима бўлади, деб ўйлаяпман. Чунки Ҳақ таолога атаган амалларимда қандай нуқсон ва камчиликларга йўл қўйганимни билолмаяпман. Шу борада нима қилишни билмаяпман, ғофиллик қияпман. Шу матонинг айбини, нуқсонини кўра олмаганим каби, амалларимнинг ҳам хато ва етишмовчиликларини кўролмайман, билолмайман. У эса, ҳар нарсани билади ва кўради. Мана мен шунга – ҳолимнинг нозик, англаш қийин бўлган тарафига йиғлаяпман.

Бир олим ҳикоя қилади: Бир кеча саҳар вақти йўл чеккасида Тоҳа сурасини ўқидим. Сўнгра уйқу босиб ухлаб қолдим. Тушимда кўкдан ерга бир киши тушганини кўрдим; кўлида бир қоғоз бор эди. Очиб қарадим. Тоҳа сураси ёзилган. Ҳар калиманинг тагида эса битта савоб ёзилган, ёлғиз бир калима ўчириб қўйилган ва тагига савоб ҳам ёзилмаган.

Мен бу калимани ҳам ўқидим ва кишидан:

– Нега калима бу ерда ўчиб кетган ва тагига савоб ёзилмаган? – дея сўрадим.

У шахс менга бундай деди:

– Ҳа, сен чиндан ҳам ўқидинг. Биз эса ёздик. Лекин Аршдан бизга:

– У калимани ўчиринг ва тагига савоб ёзманг, – деган овоз келди. Биз ўчирдик.

Тушимда йиғлай бошладим ва ўчирилиш сабабини сўрадим.

– Сен у калимани ўқиётганингда йўлдан бир киши ўтиб кетаётган эди. Сен у киши мени эшитсин, деб овозингни баландроқ кўтардинг. Яъни, риё қилдинг, ўзингни кўз-кўз қилмоқчи бўлдинг. Шунинг учун ўша калимани ўчириб қўйдик ва савоб ёзмадик, – деди.

2 – Йўқотишларнинг, зарарларнинг кўплиги:

Риё ва уjb шундай бир офатдирки, бир соат ичида юз бераверади ва ўшал онда етмиш йиллик ибодатни бирдан ўчиради, йўқ қилади.

Ривоят қиладилар:

Бир кун бир киши Суфён Саврийга зиёфат беради. Емак-ичмак асносида бир лаган керак бўлиб қолади. Уй эгаси оиласига: “Биринчи ҳаждан олиб келган лаганни эмас, иккинчи ҳаждан олиб келган лаганни олиб келинглари”, – дея овоз беради.

Бу овоз бериш риё эканлигини англаган Суфён у одамга:

– Эй ақлсиз мискин одам, ҳар икки ҳажингни яксон қилдинг ва ўчириб юбординг. Чунки риё қилдинг, – дейди.

Риё ва уjbнинг катта маънавий йўқотишларга сабаб бўлишининг яна битта далили эса: амал ва ибодатлар қанчалик оз ва кичик бўлса ҳам, риё ва уjbдан холи бўлса, Ҳақ таолонинг ёнида қиммати катта бўлаверади. Лекин ибодат ва хизматлар қанчалик кўп ва улкан бўлса ҳам, риё ва уjbдан холи бўлмаса, Аллоҳнинг ёнида у кичик ва қадрсиз бўлиб қолаверади.

Аллоҳ рози бўлгур Али ҳазратлари бундай дейдилар:

“Аллоҳнинг ёнида мақбул бўлган амал ҳеч қандай тарзда кичрайиб ва озайиб қолмайди”.

Нохкийдан баъзи амалларнинг савоби қанчалик бўлишини сўраганлар. Қабул бўлса, савоби беҳисобдир, дея жавоб берган.

Ваҳб дерки:

Қадимда бир киши бор эди, 70 йил ибодат қилганди. Доим рўза тутарди. Ҳафтада бир карра ифтор қиларди. Ҳақ таолодан бир тилак тилади. Истаги қабул бўлмади. Шунда нафсини айблай бошлади. Фақат сенинг толесизлигингдан хоҳишим қабул бўлмади. Агар сенда бир яхшилик бўлса эди, тилагим қабул бўларди. Мана шу пайтда Ҳақ таоло унга бир фаришта жўнатди ва фаришта:

– Эй одам боласи, шу бир соатлик нафсингни айблашинг сен учун қилган етмиш йиллик ибодатингдан хайрлироқдир. Чунки бунда ихлос бор. Ҳолбуки, қилинган етмиш йиллик ибодатда бу ихлос, бу тоза қалблилик йўқ эди, – деди.

Эй азиз, мана кўр. Бу мисолдан ҳам буюкроқ бир ибратли гап эшитганмисан? Кишининг йилларча адо этган ибодати бир онлик кўз-кўз, бир онлик уjb сабабли маҳв бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Яна фикр қилгинки: кишининг бир соат давомида ўз ҳоли ҳақида ўйлаши, нафсини танқид қилиши, етмиш йиллик ибодатидан

афзал бўлиб чиқяпти. Шундай бўлгач, бирон зарурат йўқ экан, бундай фурсатларни қўлдан чиқармоқ катта бир йўқотиш, бир зарар эмасми?

Инсонда “қалб холислиги” деган биргина нарсанинг борлигидан жуда кўп ва бебаҳо неъмат ҳосил бўлади. Шу нарсани қўлдан чиқармаслик учун ғайрат кўрсатиш ва диққат-эътиборли бўлиш ҳар ким учун вожибдир. Неъматларни йўқ қиладиган, эришилган савобларни ўчириб ташлайдиган сифатлардан (риё ва уjbдан) сақланиш фарзи айнди.

Шу сабабдан кўзи очик ҳушёр инсонлар бу нуқтага кўп эътибор берадилар. Кўзга кўринадиган амалларнинг кўплигига қарамайдилар. Ички оламнинг сирларини ўрганишни мақсад қиладилар, бундаги асосий нарса қалб тозалигидир; кўплик эмасдир. Битта жавоҳир минг дона мунчоқдан қимматлироқ бўлгани каби...

Аммо калта ўйловчи, ҳақиқатни кўрмайдиган даражада кўзлари хаста бўлганлар кўринадиган амалларнинг кўплигига аҳамият берадилар. Қалбларнинг гуноҳига, амалларнинг нуқсонларига қарамайдилар. Руку ва сужудларни кўпроқ қилиш билан нафсларини ҳоритадилар, рўза тутиш билан баданларига азоб берадилар. Кўп ибодат қилаётганлари билан ғурурланадилар. Тоат-ибодатнинг, риёзатнинг риёсиз ва бегидир бўлишига аҳамият бермайдилар ва бу нозик нуқтага ҳеч диққат қилмайдилар. Озгина тўқ ёнғоқ бир қоп пуч ёнғоқдан фойдалироқдир. Мана бу сўзларнинг ҳақиқатини олимлар, барча тафсилотларини тадқиқотчи, кашфиётчилар яхши биладилар.

3 – Таҳликанинг катталиги ва қўрқинчилиги:

Ҳақ таоло улуғворлигининг сўнги, қудратининг чегараси йўқдир. Бандаларига атаган неъмати ва миннати ҳисобсиздир.

Ҳолбуки, банданинг гуноҳлари кўп, нуқсонлари саноксиздир. Нафс доимо ёмонликка ва шахватга майлладир. Нафси ёмонликлар билан тўла, бадани гуноҳлар билан кирланган бир инсоннинг Ҳақ таолонинг жалолига, буюклигига ва неъматининг кўплигига ярашадиган тарзда солиҳ амаллар билан яшаши қийиндир. Бундай бўлганларнинг Аллоҳ билан ҳеч бир муносабати ва алоқаси қолмайди. Шу сабабдан неъматнинг давомлилиги

ҳам мумкин бўлмай қолади. Баъзида фақат бериладиган неъматлар озаяди ёки тамоман берилмайди, баъзида эса қилган ёмонликлари эвазига чидаб бўлмас катта мусибатларга юзмаюз келтириладилар.

Сўнгра Ҳақ таолонинг жалоли ва улуғворлиги шу даражадаки, барча фаришталар кеча-кундуз унга хизмат ва ибодат қилиш билан баъзиси рукуда, баъзиси саждада, баъзиси яратилгандан буён тикка турган ҳолда Аллоҳни тасбеҳ ва таҳлил («Ла илаҳа иллаллоҳ»)да бўладилар. Қиёматгача бир он ҳам бу хизмат ва ибодатларини тўхтатмайдилар. Маҳшар куни бу тоатлари битганда:

– Эй Раббимиз, сенга лойиқ бир шаклда ибодат қилолмадик! – деб садо берадилар.

Барча пайғамбарларнинг энг машҳури, инсонларнинг энг билимдони, энг яхшиси ва энг фазилатлиси – устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Муҳаммад ҳазратлари ҳам:

– Эй Раббимиз! Ўзингни юксалтирганинг даражасида Сени юксак даражали мадҳ этишга кучим етмайди. Бу аҳволда мен қандай қилиб Сенга муносиб, Сенга лойиқ ибодатда бўла оламан! – дея марҳамат қилдилар. Ва яна дедиларки:

– Ҳеч кимса амали билан, ибодати билан жаннатга киролмайди. Фақат Ҳақ таолонинг фазлу карами ила киради.

Саҳоба сўради:

– Сиз ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули?

– Ҳа, мен ҳам. Фақат Ҳақ таоло Ўз раҳмати билан мени ўрайди, – деб марҳамат қилдилар.

Ҳақ таоло инсон турига атаган иноят ва раҳматини Қуръони каримда бундай маълум қилади:

وَأَتَيْنَكُم مِّن كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ وَإِن تَعُدُّوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تَحْصُوهَا إِنَّا
الْإِنْسَانَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ ﴿٣٤﴾

Яъни: “Сизларга барча сўраган нарсаларингизни берди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига етолмайсизлар. Ҳақиқатан, инсон ўта золим, ўта ношукрдир” (Иброҳим сураси, 34-оят).

Устларига Аллохнинг салoми ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қиладилар:

“Маҳшар кунida инсонларнинг уч масаласи ҳал қилинади:

1 – Яхшиликлар масаласи.

2 – Гуноҳлар масаласи.

3 – Неъматлар масаласи”.

Қиёмат кунida ҳисоб-китоб кўриларкан, банданинг қилган хайрлари (яхшиликлари) Аллоҳ берган неъматларнинг эвази ҳисобланади. Шу тариқа неъматлар яхшиликларни ихота қилади. Гуноҳларнинг оқибати эса қандай бўлса, шундай (ҳимояланмай, ихоталанмай) қолади. Улар эса Ҳақ таолонинг тилагига боғлиқдир. Нима қилишни ирода этса, ўшандай қилинади. Нафснинг нуқсон ва гуноҳлари бундан аввалги баҳсларда тушунтирилди. Нафснинг ёмонликларга, гуноҳларга, фасодга қанчалик мойил бўлганлиги, бу феъли билан инсонни турли фалокатларга қандай сургашларини маълум қилгандик. Энди бу сабаблар орқасида хато ва қусурларини билмаган кишининг етмиш йил заҳмат чекиб қилган ибодати ботил бўлади, ҳавога кетади, Ҳақ таолонинг ризосига ва қабулига лойиқ бўлмайди. Бундан ҳам таҳликалисi эса мана бу: Ҳақ таоло ибодат қилган бандасига қарайди. Банда ибодатини Ўзи (Аллоҳ) учун эмас, халқ кўриб қўйсин дея қилганини кузатади. Шу сабабдан амалини қабул қилмайди ва уни остонасидан қувади. Аллоҳ сақласин.

Ривоят қиладилар:

Ўлимидан сўнг Ҳасан Басрийни тушида кўрган бир зот, ундан: “Ҳолинг қалай?” – деб сўраган. Басрий ҳазратлари бундай жавоб берган: «Ўлимимдан сўнг мени Аллоҳнинг ҳузурига олиб бордилар. Ҳақ таоло мени танқид қилди ва бундай маълум қилди: “Эй Ҳасан, бир кун масжидда намоз ўқиётганингда риё мақсадида халққа қарши намозни чўзганингни хотирлайсанми? Ҳалолим ҳаққи учун агар ўша куни намозни Мен учун холис бир ният билан ўқимаган бўлсайдинг, сени эшигимдан қувиб юборар, неъмат ва раҳматимдан маҳрум этар эдим”».

Бу йўлга киришнинг қийинлиги ва дуч келган хатар ва таҳликаларнинг кўплиги сабабли эранлар, зоҳидлар кўп

диққатли хатти-ҳаракатда бўладилар, бу йўлнинг таҳликаларидан қўрқадилар ва зарарларидан чекинадилар. Шу сабабдан кўзга кўринадиган амаллар, очиқ ҳолларга суянмайдилар ва илтифот қилмайдилар.

Робия Адавия дейди:

– Кўзга ташланадиган амалларим билан ғурурланмайман ва буни охиратим учун бир ютуқ деб билмайман...

Баъзи зоҳидлар дейдики:

– Яхшиликларингни ёмонликларингни бекитгандай бекит!

Баъзилари дерки:

– Яхшиликларингни бекитгинки, ўғрилар илиб кетмасин!

Робиядан сўрадилар:

– Амалларингдан бошқа яна нималардан умидлисан?

Бундай жавоб берди:

– Амалларимдан андиша қиламан, ҳолларимдан ҳайратланаман – умидим шулардан...

Ривоят қиладиларки:

Бир кун Муҳаммад ибн Восеъ ва Молик ибн Динор бир мажлисда баҳслашиб қолдилар.

Молик деди:

– Аллоҳга ибодат этмаган киши жаҳаннам оташидан қутула олмайди!

Восеъ деди:

– Аллоҳнинг афви ва марҳаматига эришолмаган киши жаҳаннам оташидан қутула олмайди!

Боязид Бистомий дейди:

Ўттиз йил ибодат билан машғул бўлдим. Сўнгида менга дедиларки:

– Эй Боязид, Ҳақ таолонинг хазинаси ибодатлар билан тўла! Агар Аллоҳга етишаман десанг, зиллатни, ҳақирликни ихтиёр эт, камтар кўнгилли бўл!

Устод Абул Фазл дерки:

Адо этган амалларим қабул бўлмаганини жуда аниқ биламан!

Ундан сўрадилар:

– Қаердан биласан?

Жавоб берди:

– Чунки амал ва ибодатларнинг қабул шартларини биламан. Мен эса, бу шартларни ўрнига қўёлмаганим учун шу сўзларни айтяпман...

– У ҳолда нима учун бу шартларга риоя қилмайсан?

– Нафсимни тоатга алиштиролмадим. Энди Ҳақ таолодан умидим шуки, зора нафсимнинг толесизлигини енгиш ҳамда хотиржам ва нуқсонсиз тоат қилиш қобилиятини менга ато этса...

Мана, ишончли ва тоза қалбли инсонларнинг ҳоли бу.

Энди айтадиган гапимиз шуки, нафси билан курашиш йўлини жуда яхши билганлар бу фазилат қўналғаларидан битта-битта ўтадилар ва пок қалб билан пиллапоялардан юқори кўтарилиб, тилакларига эришадилар. Лекин буни билмаган, ожиз бўлган ва хатоли ҳаракат қиладиганларнинг ҳоли нима бўлади? Бу тақдирда қиладиган ишимиз эранларга хизматда бўлиш, етук, билимли ва солиҳ зотлар билан суҳбатларда қатнашиш, нафсимизни қийнаш, ибодатларни керагидай охирига етказишда танбаллик кўрсатмасликдир. Шу тарзда амалимиз тўғри ва асосли бўлсин. Амалимиздан пушаймонлик ҳис қилмайлик. Бу мавзу билан алоқадор ва китобларда ҳам ёзилган гўзал бир хабар бордир.

Ибн Муборак ривоят этадилар:

Бир кун бир киши саҳобадан бири Муозга деди:

– Эй Муоз! Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратларининг шундай бир ҳадисини менга айтиб бергинки, уни хотирлаганимда даҳшатга тушиб кўрқиб кетай ва керагини адо этмасам туролмайдиган бўлиб қолай...

Бу сўзни эшитганда Муоз бир “оҳ!” чекди ва: “Эй Аллоҳнинг Расули!” деб йиғлай бошлади. Ундан кейин дедик:

– Бир кун устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бир уловга минган ва мени ҳам ортига мингаштириб олганди. Бироз юргандан кейин муборак бошини кўкка кўтариб:

– Аллоҳга ҳамд бўлсинки, У бандалари ҳақида керагидай ҳукм юритади, – дея марҳамат қилдилар. Шундан сўнг менга ўгирилиб:

– Эй Муоз, – деди.

– Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули, – дедим мен.

– Сенга бир ҳадис айтай, сен ёдлаб ол! Агар ҳофизангда сақласанг, кўп фойдасини кўрасан. Агар унутсанг, бу – Аллоҳдан узоқлашишингга сабаб бўлади.

Мен ёдлаб олишга ваъда бердим, сўнгра у давом этди:

– Эй Муоз, Ҳақ таоло бу етти қават кўкни яратишидан аввал етти фаришта яратди. Ҳар бирини бирор кўк дарвозасига соқчи қилиб тайинлади. Бир фариштани ҳар банданинг амалини олиб сақлаб қўйиш ишига тайинлади, у фаришта ҳар банданинг амалини олиб кўкларга чиқаради, қуёшдай порлоқ бўлган бу амалнинг сақловчиси, уни ёқтирган бир соқчи фариштага топширмоқчи бўлади. Соқчи фаришта унга қараб:

– Эй, бу амални олгин-да, обориб эгасининг юзига ур. Чунки у одамларни ғийбат қилади, орқадан гап тарқатади.

Ҳақ таоло менга ғийбат қилганларнинг амалларини бу эшикдан ўтказмасликни буюрган, – дейди ва амални олмайди.

Сўнгра бошқа бир кишининг амалини олиш ва сақлаш топширилган фаришта иккинчи кўкка чиқади. Чакмоқдай порлаб турган бу амални каттайтириб, мақтаб, кўк соқчисига бермоқчи бўлади. Бу фаришта ҳам унга:

– Бу амални олиб бориб эгасининг юзига чапла. Чунки у бу амални Аллоҳнинг ризосини олиш учун эмас, қўлга дунёлик киритиш мақсадида адо этган. Аллоҳ менга Ўз ризоси учун адо этилмаган амалларни бу эшикдан ўтказмаслигимни буюрган, – дейди ва олмайди. Ўша гапларни эшитган барча фаришталар бу амалнинг эгасига лаънат айтадилар. Бундан кейин бошқа бир кишининг амалини олиб, учинчи кўкка чиққан фаришта рўза, намоз, садақа ва яхшиликлар билан тўла бўлган бу амални мақтаб, каттайтириб, соқчи фариштага бермоқчи бўлади. Соқчи фаришта амал олиб келган фариштага:

– Бу амални олиб элт, эгасининг юзига ур. Чунки бу одам такаббур ва одамларга нисбатан жуда мағрурдир. Ҳақ таоло менга кибрли кишиларнинг амалларини бу эшикдан ўтказмаслигимни буюрган, – дейди ва олмайди. Шундан кейин бошқа бир кишининг намоз, рўза, ҳаж, закот, тасбеҳ ва таҳлил (“Ла илаҳа иллаллоҳ” демак)дан ибодат хиралашиб бораётган бир

олдуз каби порлаган амалини мақтаб ва каттайтириб, бошқа кўк соқчиси фариштага топширмоқчи бўлади. Соқчи фаришта унга:

– Олиб бор бу амални, эгасининг юзига ур. Чунки у бу амални адо этаркан, доим унга уjb аралаштирди. Ҳақ таоло менга тоат-ибодатларига уjb аралаштирганларнинг амалини бу эшикдан ўтказмаслигимни буюрган, – дейди ва амални олмай, қайтариб юборади.

Сўнгра қўриқчи фаришталар бошқа бир кишининг келиндай ясатилган амалини бешинчи кўкка чиқарадилар. Қуёшдай порлаган бу амални мақтаб ва каттайтириб, соқчи фариштага бермоқчи бўладилар. Соқчи фаришта уларга:

– Бу амални элтинг ва эгасининг юзига чапланг. Чунки у қизғанчиқ одамдир. Аллоҳнинг инсонларга атаб берган неъматларини қизғанарди. Ҳақ таоло менга қизғанчиқ одамларнинг амалларини бу эшикдан ўтказмаслигимни буюрган, – дейди ва олмай қайтариб юборади.

Қўриқчи фаришталар бу сафар ҳам бошқа бир кишининг амалини олиб, олтинчи кўкка чиқадилар. Қуёш каби порлаган бу кўпдан-кўп ибодатларни мақтаб соқчи фариштага тақдим этмоқчи бўладилар. Соқчи фаришта уларга:

– Олиб боринг бу амални, эгасининг юзига уринг. Чунки у марҳаматсиз бир инсон эди. Ҳеч кимсага ачинмагани етмагандай, тагин у фалокатга учраганларни кўрганда севинарди. Ҳақ таоло менга марҳаматсиз кишиларнинг амалларини бу эшикдан ичкари олмаслигимни буюрган, – дейди ва олмай, орқага қайтариб юборади.

Бундан сўнгра эса сақловчи фаришталар бошқа бир кишининг рўза, намоз, жиҳод каби кўп ибодат ва яхшиликлардан иборат амалини олиб, еттинча қават кўкка чиқарадилар. Қалдирок каби овози, чақмоқ каби нурлари бўлган бу амални мақтаб ва каттайтириб, кўк соқчисига бермоқчи бўладилар. Соқчи фаришта уларга:

– Олиб кетинг бу амални, эгасининг юзига чапланг. Чунки у риёкор эди, амаллари, ишларини адо этаркан, нуқул юксалиш ва

шараф қозониш мақсади билан қиларди. Ҳақ таоло менга риёкор инсонларнинг амалларини бу эшикдан ичкари олмаслигимни амр этганди, – дейди ва олмайди.

Бундан сўнгра сақловчи фаришталар бошқа бир кишининг рўза, намоз, садақа сингари бир қанча яхшиликлардан иборат амалини олиб еттинчи қават кўкка чиқадилар. Бу кўкнинг фаришталари ўша амални қабул қиладилар ва олиб Аллоҳнинг ҳузурига элтадилар. Бу кишининг ушбу амали Аллоҳ учун адо этилганига ва солиҳ бир амал эканига гувоҳлик қиладилар. Шунда Ҳақ таоло бу фаришталарга буюради:

– Эй бандаларимнинг амалларини қабул қилиб олиш ва эҳтиёт қилиб сақлаш вазифасидаги фаришталар! Сизлар кўпинча бандаларимнинг ёлғиз кўзга кўринадиган амалларига қараб ҳукм чиқарасиз. Мен эса уларнинг ичларини теранроқ биламан. Бу бандам амалларини мен учун адо этмади. Бошқаларни мамнун этиш ва ўзини уларга яхши кўрсатиш нияти билан адо қилди. Мен эса уни лаънатладим. Чунки бу амали билан ердаги ва кўкдаги ҳар касни, сизларни ва одамларни алдади. Амалларини холис ва тоза қалб билан адо этганига сизларни ишонтирди. Лекин у мени алдолмади. Зеро, мен ғайбни (яширин, яширилган нарсаларни) биламан, қалбларнинг ич-ичларидаги ҳодисалардан воқифман, хабардорман. Менинг билганларимни ҳеч кимса билолмайди. Узоқ-яқин, ўтмиш-келажак ва ҳозирги вақт мен учун биттадир. Кўзга кўринадиган воқеалар ҳам, кўринмайдиган – ичдаги воқеалар ҳам, яширилганлари ҳам менинг ҳузуримда биттадир. У бандам фақат кўзга кўринадиган нарсаларни билувчиларни ва яширилгандан воқиф бўлолмайдиган яратикларни алдай олади.

Ҳақ таолонинг алдоқчи бандалар ҳақидаги амрларидан хабардор бўлган ва барча бу сўзларини тинглаган хизматчи фаришталар билан яна бошқа уч минг фаришта шундай садо бердилар:

– Эй Раббимиз! Сенинг ва бизларнинг лаънатимиз ўша му-роий кишининг устига ёғилсин!

Шундан сўнг бутун кўк аҳли жўр бўлиб, Аллоҳнинг лаънати ва бутун лаънатланганларнинг лаънати шу одамнинг устига ёғилсин! – деб овоз бердилар.

Устларига Аллохнинг салoми ёғилгур Пайғамбар ҳазратларидан бу хабарни тинглаган Муоз маъюсликка бoтди ва:

– Эй Аллохнинг Расули, ажабо, бу фалокатдан қутулишнинг чораси нима? – дея сўради. Пайғамбар ҳазратлари шу жавобни бердилар:

Пайғамбарга эргаш ва унинг суннати билан иш юрит!

Муоз такрор сўради:

– Эй Аллохнинг Расули, сиз Пайғамбарсиз, мен Муозман. Сиз учун қутулиш бор. Лекин менга ҳам қутулиш йўли бoрми?

Пайғамбар ҳазратлари бу жавобни бердилар:

– Тўғри айтяпсан, эй Муоз! Қутулиш йўли қийин. Лекин Аллох ман этган нарсалардан сақланган ва риёкор бўлмаганларнинг нуқсонли амалларидаги қусурларини Ҳақ таолонинг мағфират қилишига ишониб, қуйидаги асосларга кўра ҳаракат қилган киши учун қутулиш имкони осонлашади. Шундай бўлгач, эй Муоз, эшит:

а – Тилингни ғийбат қилишдан тий. Айниқса, Қуръон аҳли ва Қуръоннинг ҳукмларига кўра амал қилувчиларга қарши гапиришдан қатъиян сақлан.

б – Бошқаларнинг нуқсонларини ахтариб топишдан қоч. Ўз камчиликларингни аниқлаб, уларни тузатиш учун ҳаракат қил.

в – Атрофингдаги инсонларни ёмонлашдан ва ўзингни мақташдан тийил.

г – Атрофингдаги инсонларни пастга уриш йўли билан ўзингни юксалтирма.

д – Амалларга риё аралаштириб, уларнинг савобидан айрилиб қолма.


е – Дунёга охиратингни унутар даражада тўрт қўллаб ёпишма.

ж – Яқинларинг орасида бирон кимса билан пичирлашиб гаплашма.

з – Одамлар орасида ўзингни такаббур тутма, мағрур ҳаракат қилмаки, дунё ва охиратнинг яхшиликлари сени ташлаб кетмасин.

и – Жамоат орасида ёмон сўзлар сўйламаки, одамлар сенинг ёмон феълингдан озорланиб, сендан қочмасинлар.

к – Ит каби одамлар иффати, номуси ва шараф либосларини тилинг билан йиртмаки, жаҳаннам кўппаклари сенинг терингни ҳам ўшандоқ йиртмасин. Зеро, Ҳақ таоло айтади:



Яъни: “(Кофирларнинг жонларини баданларининг) **ич-ичидан қаттиқ суғуриб оладиган** (фаришта)ларга қасам, (мўминларнинг жонларини осонлик билан) **илдам тортиб оладиган** (фаришта)ларга қасам...” (Нозиот сураси, 1–2-оятлар).

Шундан кейин Муоз:

– Эй Аллоҳнинг Расули, бу айтилганларнинг ҳаммасини адо этишга кимнинг кучи етади? – дея сўраганда, Пайғамбар ҳазратлари бу жавобни бердилар:

– Эй Муоз, бу жуда қийин кўринган ҳоллар Аллоҳнинг мадади етиб келгандан кейин жуда осон адо этилади. Бор-йўғи сен шу асосларга эътибор бериб ҳаракат қил: ўз нафсингга нимани раво кўрсанг, бошқаларга ҳам ўшани раво бил. Ўзинг хуш кўрмаган нарсаларни бошқаларга ҳам рўпара қилма, ўзгаларнинг бошига кулфат келишини тилама.

Мана шу асосга риоят қилиб ҳаракат этганинг тақдирда бу дунёда комилликни қўлга киритасан, бутун офатлардан қутуласан ва соғ-саломат, хотиржам юрасан.

Холид ибн Маъдан дейди:

Муоз Қуръондан бу ҳадис билан алоқадор оятни жуда кўп ўқирди ва доимо одамларга шуни насиҳат қиларди.

Эй азиз, ақлларни ҳайратга соладиган, ўрганиб ҳофизангга жойлаштиргандан кейин адо этадиган нарсанг бу кўрқинч таҳликаларнинг оқибатларидан халос бўлиш учун кўп эътиборли қадам босиш билан бирга Аллоҳга сиғиниш, Унга ёлвориш ва Унгагина суянишдир. Чунки Унинг ёрдами бўлмаса, Унинг инояти ва раҳматига эришмасанг, бу таҳликали жардан эсон-омон ўтиш, бу қийин кечикни балосиз кечиш имконсиздир. Ҳаммамизнинг устимизга Аллоҳнинг ёрдами, сўнгсиз раҳмати ва инояти доимо ёғилиб турсин!

РИЁ ВА УЖБАН САҚЛАНИШ

Эй азиз, Ҳақ таолонинг буюклигини, қудратининг камолини, ҳар нарсани билишини, барча мавжудотларга бўлган ҳукмини ва таъсирчанлигини ҳамда ҳаммасининг ҳар жиҳатдан унга муҳтожлигини, ўзига қилинган тоат ва ибодатнинг фазилатларини, инсонларнинг эса заифлигини, билими саёзлигини ва ишларидаги ожизликларини ўйласанг, истар-истамас улардан (инсонлардан) узоқлашасан, Ҳақ таолога яқин бўлиш учун ибодатгўй бўласан. Адо этган ибодат ва яхши амалларинг туфайли одамлар сени мақташига, ёқтиришига ва ё пуф-пуфлаб шиширишига қатъиян аҳамият бермайсан, бундай нарсаларни қадрламайсан. Чунки уларнинг бундай хатти-ҳаракатларидан сенга ҳеч бир фойда келмайди. Аксинча, ибодатингга зарарлари тегади. Сўнгра дунёнинг ўткинчилигини, ҳеч нарсага арзимаслигини, халқнинг ҳасислигини, бу ҳаётда ҳорғинлик ва заҳматнинг кўплигини ўйласанг, дунёга қатъиян илтифот этмайсан, ибодатингни бу ўтар дунёга боғламайсан ва нафсингга танбеҳ бериб дейсанки:

– Эй нафс, Ҳақ таолога ибодат билан банд бўлмоқ ва барча амалларимизда унинг ризосини олишга интилмоқ, шу ожиз ва жоҳил инсонларга хизмат қилиб, мақтов ва меҳрларини истамоқдан хайрлироқ эмасми? Уларга хизмат этсанг, сени тақдирлаб, мукофотингни бермакдан ожиздирлар. Даражангни англаб етмайдилар. Баъзан сени ўз даражангдан пастга тушириб, сендан паст даражали бир нодонгина одамни сендан устун тутадилар. Сен уларга хизмат қилсанг, улар сенга хиёнат этадилар. Бир гўшага чекинсанг, сенга душманлик қиладилар. Насихат этсанг, мазаҳ қиладилар, таҳдид этсанг, ҳужумга ўтадилар. Бу инсонлар сенинг амалингнинг эвазини беролмайдилар. Уларнинг қўлидан ҳеч бир нарса келмайди ва ҳеч бир нарсага кучлари етмайди. Чунки уларнинг жони Аллоҳнинг қўлидадир. Уларга ҳам ва ўзларига ҳам хоҳлаганларини қилдирадилар.

Эй нафс, булар билан ади-бади айтишиб, вақтингни бекорга кетказма. Бу ўткинчи ва ожиз бандалар учун амалларингни

махв этма. Бу яхшиликни билмайдиган инсонлардан қоч. Бўлмаса, ўғрилардай амалларингни илиб кетадилар ва шу йўл билан маънавий тижоратингга зиён етказадилар. Шундай бўлгач, сенинг энг муҳим вазифанг: Боши ва охири бўлмаган, сўнгсиз қудратга эга ва комил сифатлари билан муттасиф бўлган (ажралиб турган) Ҳақ таолони доимо мадҳ этиш, унга ҳамд ва сано ўқиш, берганларига шукр қилиш ва Унга етишиш ишқида тоат ва ибодат этиш бўлсин! Шунини қатъиян яхши билиб олқи, Аллоҳдан бошқаси учун уйғоқ бўлган кўзларнинг йиғлаши, яъни Унга етишиш учун йиғламаган кўзларнинг йиғлаши бутунлай беҳуда ва фойдасиздир.

Эй нафс, энди ҳақиқатни фаҳмладингми? Ундай бўлса, харом молдан нафратлан. Соғлиқ-саломатликка, тинчлик-хотиржамликка эришмоқ учун жонинг билан, бошинг билан ишла! Ҳалол мол топ, жаҳаннам ўтини бўлишдан қутулсан. Аллоҳга чин кўнгилдан тоат-ибодат қилиб, ризосига эришки, абадиян саодатли бўласан! Кўкларда чарх ураётган кабутар ердаги ўртоқларингдан устунлигини, унинг сенга бераётган завқлари ердаги дўстларинг етказётган озорлардан кўпроқлигини кўрмайапсанми?

Ўзинг ҳам доимо юксак ҳиммат соҳиби бўл – ҳимматли бўл! Учган қушлар каби Жабарут (Илоҳий Улуғлик) оламида муқаддас товуслар каби малакут осмонида (фаришталар диёрида) уч! Бу фоний дунёни писанд қилма! Қалбингни шундай бир Эга, шундай бир Соҳиб, шундай бир Мавлога боғлаки, бутун бу олам Унинг қудрат қўлида ва бу коинотда ҳар нарса Унинг ҳукми ва иродаси остидадир.

Яна шуни ҳам ўйла, эй нафс: адо этганинг ибодатларда Аллоҳнинг сенга индирган жуда катта неъматлари бор. Сенга ибодат имконларини яратган, восита берган, тўсқинликларни ўртадан олиб ташлаган Удир. Фақат шу мадад билан ибодат қила оласан. Сенга қулайликлар берган, муваффақиятлар эҳсон этган, ибодат қилиш кучини қозонтирган, севиниб, севиб бажаришингни таъминлаган Удир. Аллоҳ сенинг ибодатингга ва яхши амалларингга муҳтож бўлмаса ҳам, сенга бунча неъматлар эҳсон этар экан, яна ўз лутфи ва карами

билан (ҳаққинг бўлмагани ҳолда) ибодатинг эвазига саноқсиз савоблар бериб, бу амалларинг сабаби ила сени севади ва мақтайди. Табиий, буларнинг ҳаммаси сен шундай ҳақ-ҳуқуқни қўлга киритганинг учун эмас, (балки) унинг лутфи ва иноятининг изларидир.

Мана, эй нафс, нуқсонли ибодатларинг ва қусурли амалларинг учун Карим ва Раҳим бўлган Аллоҳ сенга берган неъматларни, эҳсон этган савобларни ўйла ва шунга кўра амалларингга риё ва уждан аралаштиришдан сақлан.

Доимо Ҳақ таолога шукр ва миннат бурчини адо эт. Ҳар гал намоз ўқиганингдан ва яхши амал қилганингдан кейин уларнинг қабули учун Аллоҳга ёлвор, ялин. Балки, шу тарзда унинг ризосини қозонарсан, марҳамат ва лутфига ноил бўларсан. Зеро, Иброҳим (алайҳиссалом) ҳазратлари Каъба биносини қуриб битказгандан кейин Ҳақ таолога ёлвориб, ялиниб бундай дуо ўқиганди:

وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ وَإِسْمَاعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

Яъни: **“Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар): Эй Раббимиз! Буни биздан қабул эт. Шубҳасиз, сен эшитгувчи, билгувчисан!”** (Бақара сураси, 127-оят).

Бу дуони битиргандан кейин эса яна бундай илтижо қилади:

رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي رَبَّنَا وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ

Яъни: **“Эй Раббим! Мени намозни тўқис адо этгувчи қил ва зурриётимдан (бўлган болаларимни ҳам). Эй Раббим, дуойимни қабул эт”** (Иброҳим сураси, 40-оят).

Коинотнинг Яратувчиси (Ҳақ таоло)нинг остонасига бўйнини эгиб бош урувчи, хато ва камчиликларини эътироф қилиб афв этишини сўраб ёлворган кишининг бу дуосини Раҳим ва Карим бўлган Аллоҳ лутфи ва инояти билан қабул қилади ва эвазига катта савоблар эҳсон этади. Адо қилган тоат ва ибодатидан

кейин барча нуқсонлари билан қабул этилиши учун Раббига ёлвориб-ялинган ва қабулини катта неъмат деб билган, амалларига риё ва ужб аралаштиришдан сақланган киши нақадар бахтли бўлажак!

Бундай қилмаган, минг бир заҳмат чекиб тоат ва ибодатда бўлган, лекин уларга риё ва ужб аралаштиргани учун ҳеч бир амали қабул этилмаган кимсага қанчалар афсус! Чунки унга фақат чеккан заҳмати қолади, холос.

Эй азиз, барча хусусиятлари билан шарҳлаганимиз мана шу асосларни ўйлаб, унга кўра ҳаракат қилсанг, бунинг саодат берувчи теран маъноларининг тагига етсанг, ундан кейин барча ишларингда ёлғиз Ҳақ таолога суянсанг ва ёлғиз ундан мадад тиласанг, Аллоҳ ҳам сени инсонларнинг гуноҳларидан ва нафсининг ёмон майллари билан афсус келтирувчи ёмон сифатларидан ҳимоя қилади. Сенга комил бир имон, пок бир қалб ва холис бир ният билан солиҳ амаллар қилишингни осонлаштиради. Шу тарзда адо этилган ибодат қанча оз бўлса ҳам, фойдаси катта бўлаверади. Чунки Ҳақ таолонинг ризосига ва қабулига эришган. Аллоҳнинг қабулидай ҳадяга бирон ҳадяни тенглаштириб бўладими? Аллоҳ қабул этадиган ва Уни мамнун қиладиган хизматдан ҳам қадри баланд бир хизмат бормикин? Ҳақ таоло танлаб қабул қилганидан орттирилган сармоячалик бебаҳо сармоя бўлиши мумкинми?

Мана, эй азиз, барча амал ва ибодатларингда шу асосларга риоят этиб ҳаракат қилсанг, шукр келтирганлардан, ўзи ва қалби покланганлардан, сиддиқлардан бўласан ва шунда барча адо этганларингни ёлғиз Аллоҳ йўлида ва Унинг ризосини олиш учун қилганлардан саналасан. Шу тариқа қўрқинчли кечикдан соғ-саломат қутуласан, уни орқада қолдириб, бало ва фалокатларингдан халослик топасан. Аллоҳнинг лутфи в карами билан ҳидоятга эришган, савобига лойиқ, Унинг неъматларига муносиб инсон сифатида саодатга кўмилган бўласан. Марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси бўлган Ҳақ таолонинг лутфи ва инояти ила (шундай)...

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

ҲАМД ВА ШУКР

Эй азиз, бундан олдинги шиддатли ва таҳликали олти кечикдан ўтиб, холис ибодатларингни қароқчилардан қутқардинг. Нафсингнинг тубан ва ёмон истакларини тинчитдинг. Инсонларнинг гуноҳларидан узоқлашдинг. Амалларингга риё ва ужб каби икки таҳликали нарсанинг қоришмасини ўнгладинг ва шу тариқа ғалабага етишдинг. Энди барча бу ўлжаларинг, бойликларинг эвазига Ҳақ таолога сўнгсиз ҳамд ва шукр қилиш сенга вожиб бўлди. Сўнгра бебаҳо маънавий сармоянгни Раббингга эсон-омон тақдим этишга муваффақ бўлишинг учун бу неъматига сўнгсиз ҳамд ва шукр этиш сенга фарзи айн бўлган.

Бу маънони ўртага зарур қилиб қўйган ҳолатнинг, яъни неъматлар учун ҳамд ва шукр этишнинг икки фойдаси бордир:

- 1 – Қўлга киритилган неъматларнинг давомини;
- 2 – Бу неъматларнинг ортишини таъминлайди.

Ҳамд ва шукр этиш неъматнинг давомини зарур қилганининг сабаби: неъматга шукр этиш олдиндан келишиб олинган, яъни: шукр қилинса, неъмат давом этади. Шукр қилинмаса, неъматни тўхтатиб қўйиб, очликка ва қўрқувга дучор қилиши мумкин. Зеро, Ҳақ таоло марҳамат қилади:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّى يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ

Яъни: “Бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича (чиройли хулқли бўлмагунларича) Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас...” (Раъд сураси 11-оятдан).

Яна Ҳақ таоло маълум қилади:

وَضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا قَرْيَةً كَانَتْ ءَامِنَةً مُطْمَئِنَّةً يَأْتِيهَا رِزْقُهَا رَغَدًا مِّن

كُلِّ مَكَانٍ فَكَفَرْتُ بِأَنعَمِ اللَّهِ فَأَذَقَهَا اللَّهُ لِبَاسَ الْجُوعِ وَالْخَوْفِ بِمَا
كَانُوا يَصْنَعُونَ ﴿١١٢﴾

Яъни: “Аллоҳ (сизга) шундай бир шаҳарни ўрнакка келти-
ради: у ҳимояланган, тинч (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқу
рўзи мўл-кўл эди, лекин у шаҳар (халқи) Аллоҳнинг неъматига
ношукрлик қилгач, Аллоҳ ҳам (у шаҳар аҳолисига) бу “ҳунарлари”
сабабли очарчилик ва нотинчлик балосини тотдириб қўйди”
(Наҳл сураси, 112-оят).

Яна Ҳақ таоло марҳаматини баён этади:

مَا يَفْعَلُ اللَّهُ بِعَذَابِكُمْ إِن شَكَرْتُمْ وَءَامَنْتُمْ وَكَانَ اللَّهُ شَاكِرًا
عَلِيمًا ﴿١٤٧﴾

Яъни: “Агар шукр қилиб, имонли бўлсангизлар, Аллоҳ сизлар-
ни нега азобласин? Ахир Аллоҳ шукр этувчиларнинг мукофо-
тини берувчи ва билувчи зот-ку!” (Нисо сураси, 147-оят).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари
буюрадилар:

“Неъматнинг ваҳшати бор. Ваҳшийлардай қочади. Уни шукр
боғи билан боғлаб қўйингки, ваҳшийлик қилмасин”.

Шукур неъматни боғлаб олувчи боғ эканлиги боис давоми
ҳам неъматнинг ортишига сабаб бўлади. Бу борада Ҳақ таоло
бундай огоҳ этади:

وَإِذْ تَأَذَّتْ رَبُّكُمْ لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِنْ كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي
لَشَدِيدٌ ﴿٧﴾

Яъни: «Эсланг, Раббингиз (сизга) шуни билдирганди: “Қасам-
ки, агар берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албат-
та уларни орттирурман. Агар куфрони неъмат қилсангиз-
лар, албатта азобим ҳам жуда қаттиқдир”» (Иброҳим
сураси, 7-оят)

Яна Ҳақ таоло марҳамат қилади:



وَالَّذِينَ اهْتَدَوْا زَادَهُمْ هُدًى وَءَانَّهُمْ نَفَقْتُهُمْ

Яъни: “Ҳидоят топган – Тўғри йўлга юрган зотларга эса, (Аллоҳ) яна ҳидоятни зиёда қилур ва тақво ато этур” (Муҳаммад сураси, 17-оят).

Яна Ҳақ таоло марҳамат қилади:



وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا وَإِنَّ اللَّهَ لَمَعَ الْمُحْسِنِينَ

Яъни: “Бизнинг йўлимизда курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир” (Анкабут сураси, 69-оят).

Ҳаким ва Карим бўлган Аллоҳ, бандасига берган неъматининг қимматини билганини ва доимо шукр қилаётганини кўрса, уни ўша неъматга лойиқ ҳисоблаб, эҳсонини орттиради, бирини икки қилади.

Лекин неъматнинг қадрини билмаган, шукр қилмаган, оқибатсизлик кўрсатган бандасидан берган неъматини олиб қўяди. Бойиб кетган бўлса, камбағал ва беқадр қилади. Неъмат эса икки қисмдир:

1 – Дунё неъмат.

2 – Дин неъмат.

Дунё неъматининг икки тури бор:

1 – Кишига фойдали бўлган нарсаларнинг берилишидир.

2 – Кишининг зарар берадиган нарсалардан қўриқланишидир.

Фойдали бўлган неъматдан киши фойдаланади. Масалан, ишига ярайдиган ва ўзига лозим бўлган нарсалар. Бу ҳам икки қисмдир:

1 – Баданнинг соғлиги.

2 – Инсоннинг истак ва эҳтиёжларини қондиришга ярайдиган нарсалар: егулик, ичкулик, кийим-кечак ва бошпана кабилар.

Ҳақ таолонинг бандасини зарар ва зиёндан асраши ва зарарларни узоқлаштириши, даф этиши ҳам икки турлидир:

а – Ичдан келган, тўғридан-тўғри баданга тасодиф этган касалликлардан қўриқлаши.

б – Ташқаридан келган: жиндан, инсонлардан, ваҳший ва зарарли ҳайвонлардан келган бало ва офатлардан асраши.

Дин неъматлари ҳам икки қисмдир:

1 – Ҳақ таолонинг кишига ҳидоят бериши. Уни Ислом билан шарафлантириши, шариат ва суннатга уйғун шаклда амал юри-тишда муваффақият ато этиши.

2 – Ширқдан, бидъатдан, йўлдан тойишдан ва турли гуноҳ ва исёндан бандасини асраши.

Қисқача таърифлаганимиз бу неъматлар асос эътибори ила олганда, санаб бўлмас даражада кўпдир. Бу хусусда Ҳақ таоло бундай маълум қилади:

وَأَتَاكُمْ مِنْ كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ وَإِنْ تَعُدُّوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تَحْصُوهَا إِنْ
الْإِنْسَانَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ ﴿٣٤﴾

Яъни: “(Аллоҳ) сизларга барча сўраган нарсаларингизни ато этди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига етолмайсизлар. Ҳақиқатан, инсон ўта золим ва жуда ношукрдир” (Иброҳим сураси, 34-оят).

Модомики неъматларнинг давоми ва ортиши ҳамд ва шукр қилишга боғлиқ экан, у ҳолда бунча неъматнинг берилишига ва бахтлилик сармоясига эришилишига сабаб бўладиган бу ишни адо этишда бир он ҳам ғафлатга тушмаслик, бу вазифани ўринлатишда лоқайдлик қилмаслик лозим. Чунки бу баҳолаб бўлмай-диган бир фазилатдир.

“Ҳамд ва шукрнинг ҳақиқатлари, қисмлари ва уларни бузадиган нарсалар нималардан иборат?” деган саволга жавобимиз будир:

Дин олимлари ҳамд ва шукрни бир-биридан айириб, фарқли шаклда изоҳлайдилар ва дерларки:

Ҳамд бир кимсани таъзим этиш ва улуғлаш нияти билан гўзал сифатларини зикр қилиш, ёдга олишдир. Бу таърифга кўра Ҳақ таолони ёдга олиш – тасбеҳ ва таҳлил этиш (Ла илаҳа иллаллоҳ – Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ демоқ) ҳамд бўлади. Бу тарзда ҳамд – зоҳирӣ – кўзга кўринадиган бир амалдир ва

бунда неъматга эваз берилган бўлади. Бунинг зидди лавм (танқид, айблов)дир.

Баъзи олимларга кўра, шукр – неъмат эгасининг шукрини маълум қилган феълдир. Бу эса, тил билан, кўнгил ва ҳаракат билан ифодаланади. Бу ҳам зоҳирӣ (кўзга кўринадиган), ҳам ботинӣ (ички, кўзга кўринмайдиган) бўлади. Шукрнинг зидди куфрдир. Бу – динӣ маънодаги куфр эмас, неъматга нисбатан кўрсатилган куфр, яъни ношукрликдир. Яъни, куфрони неъматдир (Аллоҳ берган неъматларни билмаслик ва уларга ҳурматсизликда бўлишдир).

Дин олимларининг шукр таърифида фарқланадиган жойлари ҳам бор.

Ибн Аббосга кўра, шукр кишининг яширин ва очик бутун аъзолари билан ибодат қилишидир.

Баъзи олимларга кўра, шукр:

А) Аллоҳнинг берган неъматлари ўрни-ўрнига сарфланиши ва ишлатилишидир.

Б) Аллоҳга итоат этмоқ ва гуноҳлардан сақланмоқдир.

В) Неъматни берган Аллоҳга таъзимда бўлишлик ва куфрони неъмат қилмасликдир.

Таърифлар кўп бўлса ҳам, ҳаммасининг бирлашадиган нозик жойи битта: шукр – неъмат берганга таъзим этиш таърифидир.

Бу тарзда киши неъматларни гуноҳ ва маъсиятларга восита қилмаган ва буларни адо этиш билан неъмат берганни инжитмаган бўлади. Шундай экан, шукр кишининг неъмат берганнинг (Аллоҳнинг) лутф ва карамларини ёдга олиши, эвазини тоат ва ибодатлар билан тўлаши, ичидаги гўзал ҳоллари тўғрисида ўйлаши ва неъматига нисбатан Аллоҳга ҳурматсизлик қилишдан сақланган бўлганидан мамнунлиги ва севинчини ҳис қилишидир. Аллоҳ берган неъматлар билан гуноҳ ва маъсият йўллариини беркитиш ва улардан бир қалқон сифатида фойдаланиш неъматга эришган одам учун фарздир.

Бундан ташқари инсон гуноҳ ва маъсият йўлида харжлаган қуввати ҳам ўзига Аллоҳ томонидан берилганини идрок этиб,

шунга кўра тўғри йўлни танлай билиши лозимдир. Бу кучни шаърга ва гуноҳга харжлаган чоғида Аллоҳни хафа қилганини билиши керак бўлади. У (Аллоҳ) бу қувватни унга ёмонлик учун эмас, яхшилик йўлида сарфлаши учун берган. У ҳолда – ҳам қувватини ҳамда ўзига берилган неъматларни гуноҳ ва маъсият йўлида харжламаган ва бунинг ўрнига тоат ва ибодатда бўлган киши Аллоҳга шукр этиш вазифасини ўринлатган ва неъматнинг ҳаққини тўлаган бўлади.

“Мусибатга дучор бўлганда шукр этиш лозимми, йўқми?” саволига бу жавобни берамиз:

Шукур, хоҳи дунёга оид бўлсин, хоҳи охиратга оид бўлсин, неъматнинг тўловидир. Лекин мусибатларга нисбатан шукр қилиш ижоб этилган ё этилмаганлиги хусусида ҳам ихтилоф бор.

Олимларнинг баъзилари дерларки:

Мусибатлар қаршисида исён маъсият бўлгани учун сабр этиш фарздир. Неъматнинг эвазига шукр қилиш фарз ҳисобланади.

Баъзилари дерларки:

Ҳеч бир мусибат йўқдирки, унинг кетидан ёки ёнма-ён қанча-қанча неъматлар берилмасин. Бу тақдирда нафс мусибат учун сабр этиши керак.

Абдуллоҳ ибн Умар дейди:

Бошимга келган ҳар бало ила бирликда тўрт дона бир неъмат кўрдим:

1 – Мусибат дунёмга бўлди, динимга бўлмади, алҳамдулиллоҳ!

2 – Энг буюк мусибат бўлмади.

3 – Бунинг эвазига сабр этиш фазилатдир.

4 – Сабр этиш азобидан савобга эришилди.

Баъзиларига кўра:

Бу тўрт неъматдан бошқа неъматлар ҳам бор:

а – Мусибатнинг шиддати ва таъсири бора-бора озаяди, доим бўлмайди.

б – Мусибатнинг душмандан эмас, Аллоҳдан келганлиги.

Ҳақ таоло танглик берар экан, айни замонда осонлик ҳам эҳсон этади.

Баъзиларига кўра:

Дунё мусибатлари учун шукр этиш вожибдир. Булар мусибат эмас, неъмат ҳисобланади. Чунки: ҳар мусибатнинг кетида (охирида), ҳеч шубҳасиз, кўпгина фойдалар ҳам кузатилади ва у замон мусибатнинг заҳматлари, фойдалари ёнида унутилади. Сўнгра қайси неъмат борки, унда заҳмат бўлмасин ва қайси сафо борки, охирида хафалик бўлмасин.

Масалан: бир хаста табиб берган аччиқ дориларни ичаркан ва ё бир жойидан амалиёт қилинарган, нуқул аччиқ ва хафалик ҳис қилади, анчагина заҳматлар чекади. Лекин тузалиб кетгач, табибга миннатдорлик билдиради ва шукроналар қилади. Демакки, кўринишдан хастанинг чеккан заҳмат ва изтироблари, аслида унинг учун неъмат баҳонаси бўлган. Мана дунё мусибатлари ҳам шунга ўхшаш бир нарсадир.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари хоҳи ғамгинлик пайтлари бўлсин, хоҳи севинчли ҳолларида бўлсин, доим Ҳақ таолога ҳамд ва шукр қилардилар. Ҳақ таоло: **“Хуш кўрган нарсангизда ҳам, ёмон кўрган нарсангизда ҳам сиз учун жуда кўп хайр бордир”**, дея марҳамат қилади.

Шундай бўлгач, Ҳақ таолонинг хайр деган нарсасини шаррга йўйиш фақат ақли ноқисроқ бўлганлар ишидир.

Дин олимлари дерларки:

Неъматнинг, неъмат ва хайр дейилишининг сабаби нафсга лаззат беришидан эмас, балки эгасига устун ражо (умид) ва юксак мартаба таъмин этгани учундир. Шундай бўлгач, банданинг шараф ва мартабаси юксалишига сабаб бўлган мусибат (кўринишда мусибат бўлишига қарамай) ҳақиқатда унинг учун бир неъматдир.

“Шукр қилиш фазилятлироқми ёки сабр қилишми?” саволига ушбу жавобни берамиз:

Олимларнинг бу хусусдаги фикрлари хилма-хилдир.

Баъзиларига кўра, шукр қилиш фазилятлироқдир. Чунки Ҳақ таоло:

“Шукр қилган бандаларим оздир” (Сабаъ сураси, 13-оят), деган амрига кўра, шукр қилувчиларни ҳақиқий ва танланган бандаларидан ҳисоблайди. Чунончи, Нуҳ (алайҳиссалом)ни:

“У Менинг шукр қилган бандаларимдан эди” (Исро су-
раси, 3-оят), деб баҳолаган бўлса, Иброҳим (алайҳиссалом)
ҳақида:

“У Аллоҳнинг неъматларига шукр қилганлардан эди” (Наҳл
сураси, 121- оят), деб марҳамат қилган. Бу оятлардан билиниб
турибдики, шукр қилганлар – Ҳақ таолонинг танланган ҳамда
неъмат ва икромларига сазовор бўлган бандаларидир.

Баъзи олимлар дерки:

Неъматга эга бўлиб, шукр қилган мусибатга сабр қилганлар-
дан севимлироқдир.

Лекин олимларнинг кўпчилиги сабр қилганлар шукр қил-
ганлардан фазилатлироқ бўлишларини айтадилар. Чунки сабр
қилувчининг маъюслиги каттагинадир. Заҳмат ва хафалиги
кўп бўлган нарсанинг эса мағфирати , савоби улкан бўлади.
Зеро, Ҳақ таоло Айюб (алайҳиссалом)ни:

“Биз уни сабр этган азиз банда деб топдик” (Сод сураси,
44- оят), дея таърифласа, бошқа бир оятда сабр этганларни:

“Аллоҳ сабр этганларни севади” (Оли Имрон, 146-оят), дея
марҳамат қилса, яна бир оятда:

**“Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари
беҳисоб берилур”** (Зумар сураси, 10-оят), дея ваъда қилади.

Баъзи олимларга кўра эса, сабр ила шукр бир-биридан айрил-
майди. Чунки: дунёда шукр этувчи бўлиш бошга келган мусибат-
ларга сабр қилиш билан юзага чиқади.

Шукурнинг маъноси неъмат берганга таъзим этмакдирки, бу
таъзим исённинг йўлини тўсади. Мусибатга нисбатан сабрли
бўлмаганлар хавотирда ўтадилар. Шунинг учун улар на сабрли
ва на шукр этувчидирлар.

Ҳар сабрда бир турли неъмат бор. Бу жиҳатдан сабр шукр
демакдир. Чунки сабрнинг маъноси Ҳақ таолога таъзим этиш
нияти билан нафсга хавотир ва бесаранжомликни тақиқ этишни
билдиради. Бу маънода ҳам сабр шукрдир. Зеро, шукр исённинг
йўлини тўсган таъзим ҳисобланади. Шукр қилган одам нафсини
куфрони неъматдан қайтарган ва сабрли бўлади. Юқоридай
айтганимиздай, сабр қилган банда Ҳақ таолога таъзим этиш
нияти билан нафсига хавотирни тақиқлайди. Бу маънода сабрли

одам шукр этувчи бандадир. Сабрли бўлишни уддалаш – улуғ бир неъмат. Сабрли одам бунга шукр этади. Кучи бор экан, нафсига исённи ман этиш киши учун жуда оғирдир. Шукр қилган бу қийинчиликка сабр қилади.

Бу шарҳлардан маълум бўладики, сабр ила шукр бир-биридан айрилмайди. Шундай экан, иккиси ҳам айна даражада фазилятлидир.

Баъзи олимларга кўра, буларнинг қайсинисида ўзи билан ўзи олишиш кўп бўлса, ўшаниси фазилятлироқдир. Чунки кўп курашувчи одамнинг савоби ҳам кўп бўлади. У ҳолда ўзи билан ўзи курашиш сабрда кўпроқ бўлса – сабр, шукрда кўпроқ бўлса – шукр фазилятлироқдир. Бунга ушбу ҳикояни мисол қила оламиз:

Ривоят қиладиларки:

Бир ёш йигит амакисининг қизига ошиқ бўлади. Қиз ҳам уни севади. Охирида оилаларининг келишуви билан муваффақиятли никоҳ ўқилади. Чимилдиқ кечасида бу ёшлар бир-бирига:

– Ҳақ таоло мурод-мақсадимизга етказди, бир-биримизга қовуштирди. Бу неъматнинг шукри сифатида ушбу кечани ибодат билан кутиб олайлик, дейдилар ва тонггача ибодат билан машғул бўладилар. Кундузи улар рўза тутадилар.

Ривоятга кўра, неъмат эвазига адо этилган бу шукр, етмиш йил тунги ибодат билан, кундуз рўза билан давом этади. Энди булар агар бир-бирларига яқинлашмасликка ва айри туришга сабр этсалар эди, замон ичида бу қадар чекканлари заҳматчалик мужодала қилолмасдилар. Бу вазиятда ўша ёшларнинг шукрлари сабрдан фазилятлироқдир. Чунки ибодат ва рўзаларида ўзлари билан ўзлари олиб борган курашлари кўпроқдир.

АЛЛОҲГА НЕЪМАТ УЧУН ШУКР

Эй азиз, бу ҳамд ва шукр кечигининг жуда фазилятли эканлигини ва қадри баландлигини, айна вақтда заҳмати озлигини ўрганган бўлсанг, энди ундан осонлик билан ўтиш учун шу икки асос тўғрисида ўйлашинг ва уларга риоя қилишинг лозимдир:

Биринчи асос:

Неъматнинг қадрини билмаганга Аллоҳ неъмат бермай қўяди. Неъматни билган эса шукр қилади. Шукр қилмаганлар неъматнинг қадрини билмаган ҳисобланади ва улар бунга лойиқ бўлмайдилар. Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло марҳамат қилади:

وَكَذَلِكَ فَتَنَّا بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لِّيَقُولُوا أَهَؤُلَاءِ مَنَّ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنْ بَيْنِنَا
أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَعْلَمَ بِالشَّاكِرِينَ ﴿٥٣﴾

Яъни: «*“Бизларнинг орамиздан ана ўшаларга Аллоҳ инъом қилган эмишми?” дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Ахир, шукр қилгувчиларни Аллоҳ яхшироқ билгувчи эмасми?!”* (Анъом сураси, 53-оят).

Имонсизлар (кофирлар) ёлғиз бой ва тагли-тугли бўлганларгина катта неъматга эришганлар, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳол камбағалларга, ғарибларга насиб бўлмайди, деган ишонч билан уларни мазах қилар ва бундай дер эдилар: Ҳеч замонда Аллоҳ орамиздан бу таги паст фақирларни, асли номълум ғарибларни танлар эканми? Уларга неъматларини эҳсон этса этгандир, бизга эҳсон қилмади. Лекин зотимиз билан, асил-лигимиз билан ва молимизнинг кўплиги билан биз улардан айричамиз ва устунмиз, деганларга қарши Ҳақ таоло бундай жавоб беради:

“Ахир, шукр қилгувчиларни Аллоҳ яхшироқ билгувчи эмасми?!”

Бу қутлуғ оятнинг маъноси будир:

Аллоҳ, неъматини неъматнинг кадр-қийматини билганга, ҳақларига риоят қилганга, шукрини ўрнига қўйганга беришни буюради. Неъматнинг қийматини билган ва ҳаққини берганлар Менинг неъматимга жон ва кўнгилдан истакли бўлганлар: уни ҳар нарсадан баланд тутганлар, уни қўлга киритиш учун ишлаган ва заҳмат чекканлардир. Улар неъматни қўлга киритгандан кейин шукр қиладилар. У неъматни азиз бир омонатдай сақлайдилар. Бу заиф кишилар ва солиҳ инсонларни неъматимизнинг

қадрини билиб, шукрини ўрнига қўяжакларини Мен азалдан биламан. Шунинг учун уларни шу неъматга лойиқ кўрдим ва уларга насиб этдим. Сизнинг бой, тагли-тугли, аслзода ва мақому мартабангиз юқорилиги Менинг ҳузуримда ҳеч бир қийматга ва эътиборига эга эмас. Мен қадрламайдиган бу нарсалар билан сиз ўзингизни ўзингиз овутасиз. Аслида, сиз ҳою ҳавасга берилгансиз ва Менинг ризоимни олишга эҳтиёж ҳис қилмайсиз, пайғамбарларимиз сизларга билдирган динни, шариатни қабул этишда иккиланасизлар. Агар сизнинг ёнингизда динимизнинг қадри бўлсайди, заҳмат чекмай, оз-оз бўлса ҳам қабул қилардингиз. Ҳолбуки, сизнинг фақир ва асли номаълум деб камситган ва ёқтирмаган кишиларингиз менинг динимни ҳеч иккиланмай ва меҳр-муҳаббат билан қабул этдилар, уни ўрганиш заҳматини зиммаларига олдилар. Улар ёлғиз Менинг розилигимни истайдилар ва шунинг кетидан қолмайдилар. Дунёга илтифот қилмайдилар. Тўқис бир ғайрат билан бу йўлнинг охиригача боришга тиришадилар. Ҳаётнинг бутун тангликларига чидайдилар. Неъматларимнинг севгиси, уларнинг қалбидан ўрин олган ва ўша ерда илдиз отган. Умрларини шу неъматларимни қозонишга харжлайдилар. Унга эришишлари биланоқ тинимсиз шукр қиладилар. Неъматни пок қалб ва холис ният билан қўлга киритганлар, албаттаки, унинг қадр-қимматини бошқаларга қараганда кўпроқ биладилар, унга ортиғи билан ҳурмат кўрсатадилар ва унга эришишда устун ғайрат қиладилар. Лекин неъматдан маҳрум бўлганларнинг наздида, неъматнинг қадри йўқ: қўлга киритиш учун ҳаракат қилмайдилар, умрларини бу йўлда харжламайдилар, айти чоғда дунёвий истаклардан воз кечмайдилар.

Ҳақ таоло баъзи инсонларга илм ва ибодат неъматини беради. Булар билим олишга бениҳоя иштиёқманд, қобилиятли ва ишчандирлар. Ибодат қилишга хоҳишли бўладилар ва бундан завқ ҳис қиладилар. Бу икки неъмат учун Аллоҳга сўнгсиз шукрларини ифода этишдан тўхтамайдилар. Агар ўқимаганлар табақасида илмга ва ибодатга нисбатан билимли олимлар ва солиҳ обидлар (ибодатгўйлар)дай ҳавас-истак бўлсайди ва улар ҳам булардай завқ олсалар эди, бозордаги олиш-беришдан, пул

топишга шўнғиб кетишдан воз кечар, мактаблардан қолмас, масжидларга борар, ибодат билан машғул бўлар эдилар.

Қийин ва мушкул бир масала қаршисида қолган олимлар кунлар бўйи фикр юритиб, уни ҳал қилиш учун мияни ҳоритадилар, турли заҳмат ва қийинчиликларга ботадилар. Кунларнинг бирида Аллоҳнинг мададига сазовор бўлиб, масалани ечиш йўлини топадилар ва ечадилар, шунда катта хазина топгандай севинадилар.

Олим баъзан бир масаланинг ечими учун беш-ўн йил каби узун бир вақт давомида фикрлайди. Эринмай, зерикмай китоб титиб, бош оғритади. Қийинчиликларга, хафаликларга бардош беради. Сўнгра Ҳақ таоло бу масаланинг ечимини илҳом орқали етказди, олим буни катта бир неъмат деб билади ва Аллоҳга миннат ва шукронларини арз этади. Бу муваффақиятдан ҳис қилган теран севинч ичида дунёни кўрмайди, одамларга кўп ҳам диққат-эътибор бермайди. Ўзини тенгдошлари, сафдошлари қаторида фазилатли ва комил инсон ҳисоблайди.

Айни масалани саводсизлардан бири ёки танбал бир ўқитувчи тасодифан ечиб қолса борми, бу муваффақиятдан ҳеч бир завқ ҳам олмайди – на бир ғурур ва на бир эзилишни хаёлига келтиради. Бу масаладан ўзи билан баҳс очиб қолсангиз, жони сиқилади. Мудрай бошлайди. Борди-ю, шу онда пул топиладиган бир ишдан гап очилиб қолса, дарҳол кўзлари чарақлаб, уйқуси ўчиб кетади ва диққат билан тинглай бошлайди.

Қалби Аллоҳга юзланган кишилар эса, доимо нафсларининг ёмон тамойилларини тўғрилашга ҳаракат қиладилар. Мақсадлари сари бориш учун нафсларини тарбиялайдилар. Нафснинг шаҳват ва лаззатларидан узоқ бўладилар. Шайтон билан урушиб, нафслари билан курашиб, баданларининг барча аъзоларини ҳар тарафлама тозалаб, пок ният билан икки ракат намоз ўқишга жаҳд қиладилар. Неча кунлар давомида Ҳақ таолога ёлворадилар: тўкис қалб озодалиги билан ва диний хушу ичида ҳеч бўлмаганда йилда бир карра ёки лоақал умрларида бир бор муножотда бўлишнинг ўзларига насиб этишини тилайдилар. Бир лаҳза ҳам бўлса бу муножотни ўзлари учун катта бир неъмат биладилар ва бу неъматга эришсалар, яна

Аллоҳга шукр этадилар. Бу йўлда чеккан заҳматларини унуттадилар. Нафсининг шаҳватларидан ўзларини олиб қочишга эришадилар.

Баъзи кимсалар эса кўринишда диндордирлар. Лекин манфаатларига дахл қилдингми, тамом, дарҳол ўзгарадилар. Диндорликларини манфаатлари йўлида фидо қилишдан қайтмайдилар. Фойдасиз бир калимани тарк этмайдилар, диннинг тақиқларини қилишдан тоймайдилар. Соф ва тоза бир ибодат қилиш учун бир лукма овқатларидан, бир соат уйқуларидан кечиш хаёлларига ҳам келмайди. Янги ва етук бир илм ва ибодат мажлисида иштирок этсалар, у ердаги мунозараларнинг қийматини тақдирламайдилар, ибодатни бир неъмат ўрнида кўрмайдилар. Бундай бир йиғинда қатнашишдан завқ олмайдилар ва Аллоҳга ҳамд ва шукр этмайдилар, чунки диннинг теранликларига киролмайдилар, ўзларини дунёвий нарсалар билан овутиб, шу билан тинчиб қўя қоладилар. Масалан, бир мунча даромад, янги бир либос кийиш, зиёфатларга бориш улар учун ҳар нарсадан устундир ва хурсандчилик сабабидир.

Мана динни бир либос ҳолига келтирган бу ғофил ва сўзда мусулмонлар билан юқорида таърифланган ҳақиқий мусулмонлар орасидаги катта фарқ.

Диннинг асосларини бойитолмаган бу мусулмонлар илм ва ибодат мажлисларидан завқланолмайдилар. Яъни булар сўзда мусулмонлар, диний неъматлардан маҳрум кимсалардир.

Мана шу икки турдаги мусулмонларни кўриб турган Ҳақ таоло динга бўлган самимий муносабатларига ва диний асосларга берган аҳамияти даражасига қараб неъматларини эҳсон этади. Баъзи олимларга кўра, Анъом сурасидаги:

“Аллоҳ шукр қилгувчиларни яхшироқ билгувчи эмасми?” оятининг маъно ва моҳияти шудир.

Шундай бўлгач, Ҳақ таоло берган неъматининг қадрини билган, унга эришиш учун ҳаракат қилган ва уни қўлга киритганидан кейин шукр этган киши бу неъматнинг давом этиши ва ортиб боришига ҳақ қозонган бўлади. Ҳақ таоло эса бу неъматини кунма-кун орттиришни давом эттиради.

Мана, эй азиз, шу билдирилган маълумотларга риоя қилишда ғайратингни аяма. Сен ҳам ибодатингни ва хайрли ишларингни пок ният билан адо эт ва савобларинг ортиши учун ҳаракат қил. Ибодатинг қабул бўлишига, истаган хайрли нарса берилишига ҳақ қозон, берилгандан кейин эса шукр этки, неъмат ундан ҳам ортсин ва давом қилсин.

Иккинчи асос:

Ҳақ таоло неъматларини қайтариб олмайди. Фақат берилган неъматнинг кадр ва қийматини билмаган, шукрини қилмаган онкўрлардан олади. Зеро, Ҳақ таоло Балъом ибн Боурнинг ҳолини Пайғамбаримизга бундай билдиради:

وَاتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ الَّذِي ءَاتَيْنَاهُ ءَايَاتِنَا فَانْسَلَخَ مِنْهَا فَاتَّبَعَهُ الشَّيْطَانُ فَكَانَ مِنَ الْغَاوِينَ ﴿١٧٥﴾ وَلَوْ شِئْنَا لَرَفَعْنَاهُ بِهَا وَلَكِنَّهُ أَخْلَدَ إِلَى الْأَرْضِ وَاتَّبَعَ هَوَاهُ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ الْكَلْبِ إِنْ تَحِمَلَ عَلَيْهِ يَلْهَثَ أَوْ تَتْرَكْهُ يَلْهَثَ ذَلِكَ مَثَلُ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَبُوا بِآيَاتِنَا فَاقْصُصِ الْقَصَصَ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٧٦﴾

Яъни: “(Эй Муҳаммад), уларга (яҳудийларга) бир кимсанинг хабарини тиловат қилинг – у кимсага оятларимизни билдирган эдик. Бас, у ўша оятларимиздан четлангач (яъни уларга амал қилмагач), уни шайтон эргаштириб кетиб, йўлдан озгувчилардан бўлиб қолди. Агар хоҳласак, уни ўша оятлар сабабли (юқори даражаларга) кўтарган бўлур эдик. Лекин у ерга (яъни молу дунёга) берилди ва ҳавойи нафсига эргашиди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайдики, уни ҳайдасанг ҳам тилини осилтириб тураверади, ёки (ўз ҳолига) қўйсанг ҳам тилини осилтириб тураверади. Бу бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг мисолидир. Улар тафаккур қилсинлар учун бу қиссаларни сўйланг” (Аъроф сураси, 175–176-оятлар).

Ҳақ таоло бу яхшилиқни билмайдиган одамнинг ҳолини оятлари билан бундай хабар қияпти: Мен бу бандамни диний

неъматлар билан нақшладим. Ҳузуримда қадрини орттирдим. Уни энг катта маънавий мақомга кўтардим. Лекин у худди бутун неъматни бир луқма овқат ёки бир парча суякдан иборат деб билган, мухташам ўрин-кўрпада эмас, ифлосликка тўла бир ерда ётишни маъқул топган бир ит каби ҳаракат қилди. Неъматимизнинг кадр-қийматини билмади, шукрини ўрнига қўймади. Адаби билан яқинлик мақомида турмади. Басират кўзи юмилди, ҳою ҳавасдан бошқа ҳеч бир нарсани кўрмас бўлди. Дунё неъматини билан ғурурланди. У юксак маънавий мақомни қолдириб, бу фоний ва жирканч дунё ҳаётига боғланди. Зиллатга тушишни абадий бахтдан устун қўйди. Бизни унутди. Шу сабабдан катта бахт ичидаги ҳолини ўзгартирдик. Дунё ташвишлари ичида қоврулаётганлар зумрасига доҳил қилдик. Уни олиб, сиёсат майдонига ташладик. Ҳайбатли назар билан унга бир назар ташладик. Ўзига берганимиз кароматни ва устун маънавий қобилиятни жабарутимизнинг (доимий буюклигимиз, қудратимизнинг) ҳикмати билан ундан қайтариб олдик.

Қалбидаги маърифатимизни, севгимизни сидириб йўқ қилдик. Икки жаҳон учун берганимиз бутун неъматлари сидирилиб олинганда у қип яланғоч қолди ва шу ҳолида эгаси томонидан қувилган итдай эшигимиздан қувдик. Лаънатга учраган шайтондай қопқамиздан улоқтирдик.

Шунга ўхшаш ва шунинг ҳолини гавдалантирган яна бир мисол келтирай:

Подшоҳлардан бири ўз хизматкорларидан бирига эътибор берар, унга антиқа либослар кийгизар, доим унга эҳсон бергани-берган эди. Уни энг машҳур вазирларидай жуда қадрлар эди. Унинг учун атай мухташам ва ҳар жиҳатдан мукаммал, шоҳона бир сарой қурдирганди. Ичини қимматбаҳо ашёлар билан тўлатиб, жория ва хизматчилар ҳам берганди. Ўз саройига келган пайтларида уни машҳур чет эллик меҳмонлардай қаршилар, энг мухташам хонасига чақириб олиб, ҳисобсиз иззат ва икромлар кўрсатар, сўнгра унинг тилакларини адо эттирар эди. Бу неъматлар эвазига кунда бир соат подшоҳ эшигида ишлаган ва бошқа пайтларини ўз саройида хоҳлаганидай

Ўтказадиган бу одам подшоҳнинг хизматида экан, бир хизматчи (ошпаз)нинг қўлида кўргани бир парча патирни ёки итга ташланадиган сал сергўштроқ бир суякни олиш учун подшоҳнинг хизматини қўйиб, ўша хизматчининг қўлидаги бир бурда патирни ёки итга ташланадиган суякка эга бўлиш учун чикиб кетса ва шу қўлга киритганини кавшай бошласа, подшоҳ унинг бу ирганч ҳолини кўрса, бу – иззат-икромимизнинг қадрини билмайдиган, эҳсон ва эъзозларимизга нолойиқ бўлган қашшоқ руҳли жоҳил, телба одам экан-ку, берган рутбамни дарҳол сўкиб ташланг, либосларини ечиб олинг, бутун эҳсонларимни қайтариб олинг ва бошқа одамларнинг ичида таҳқирлаб, итдай эшигимдан қувинг, демайдими?

Агар олимлар, солиҳ инсонлар ва эранлар ҳам дунёга майл этсалар, ҳою ҳавасларга тобе бўлсалар, Ҳақ таолонинг ҳузурида шу хизматчининг ҳолига тушадилар. Чунки булар Аллоҳнинг иззат-икромини, ўзларини шариат билан шарафли қилганини, ибодат этиш ва каромат кўрсатиш каби неъматларининг қийматини билмаган бўладилар, шукрини ўрнига қўймаган, дунё севгисини Аллоҳ севгисидан устун билган, тубан ишларга ва жўн нарсаларга ҳавасланган ва шуларга эришишга ҳирс билан киришган бўладилар. Бу вафосиз дунё кўзларига энг азиз нарсадай кўринган бўлади. Уни Аллоҳнинг маънавий неъматларидан устунроқ, шариат ҳукмларидан қийматлироқ деб билган бўладилар.

Мана, ўзингиз ўйланг: Ҳақ таоло бу кишиларга (олимларга, эранларга) тоат ва ибодат қилиш осонлигини беради.

Турли ҳикматлар ва маънавий маълумотлар билан қуроллантиради. Шафоат этиш ва каромат кўрсатиш каби юксак даражалар ато этади. Вақти-вақти билан, сўнгсиз лутф ва иноятлар билан севинтиради. Кўкдаги фаришталар ҳам булар билан бирга бўлади.

Энди эса улар бунчалик устун даража ва мақомларга эришсалар-у, буларнинг қадрига етмасалар, бу иззат ва икромнинг қийматини идрок қилмасалар, алдоқчи нафснинг шаҳватларига, тубан дунёнинг лаззатларига учсалар, бу бебаҳо ҳадяларни ва ўткинчи бўлмаган тўловларни қониқарли деб билмасалар,

охират кунида ўзларига ваъда қилинган сўнгсиз неъматларга қаноат қилмасалар, уларнинг нақадар хасис, тубан, разил ва ёмон инсонлар эканликлари майдонга чиқади. Бу жўн ва жуда ёқимсиз васфларини тил билан ифода этиш, қалам билан ёзиб тушунтириш имконсиздир. Ундай тарзда ҳаракат этишнинг таҳликаларини ўрганган ва бундан сақланиш лозимлигини англаган бўлсанг, бу фалокатдан, бундай аччиқ ҳолга тушишдан сақлан. Диннинг неъматини бил, илмнинг қадрини ва кароматини тушун. Бу вафосиз дунёнинг супуриндилари, ахлатларини ишташдан, нафснинг ёмон ва ўткинчи шаҳватларига ҳавасли бўлишдан қоч. Ҳақ таоло ўзининг Расулига хитобан буюрадики:

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَاكَ سَبْعًا مِّنَ الْمَثَانِي وَالْقُرْءَانَ الْعَظِيمَ ﴿٨٧﴾ لَا تَمْدَنَّ عَيْنَكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ أَزْوَاجًا مِنْهُمْ وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَخَفِضْ جَنَاحَكَ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٨٨﴾

Яъни: “Дарҳақиқат, биз сизга етти такрорланувчини (яъни етти оятдан иборат “Фотиҳа” сурасини ва улуғ Қуръонни) ато этдик. Сиз кўзларингизни биз у (кофирлардан айрим) тоифаларни баҳраманд қилган нарсаларга (мол-давлат, шаъну шавкатларига) тикманг. Уларнинг устида ғамгин ҳам бўлманг! Мўминлар учун қанотингизни паст тутинг!” (Ҳижр сураси, 87–88-оятлар).

Энди бу охират неъмати буюк бир кароматдир. Иброҳим (алайҳиссалом) отаси Озарга берди, қабул этмади. Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Муҳаммад ҳазратлари амакиси Абу Толибга берди, қабул қилмади. Ҳақ таоло пайғамбарларига берди. Жон ва кўнгиллари билан қабул этдилар ва саодатга эришдилар. Аллоҳ наздида ҳақир ва тубан бўлган дунё ҳаёти эса жоҳилларга, имонсиз, ахлоқсиз ва мунофиқларга насиб этган. Фиръавнлар, динсизлар, кофирлар, фосиқ ва жоҳиллар шу қадар кўпки, улар молларининг кўплиги, орттирган маблағларининг мўллиги билан овунадилар.

Ҳолбуки, Ҳақ таолонинг ҳузурида азиз ва қийматли бўлган пайғамбарлар, авлиёлар, эранлар, бу фоний дунёдан ман этилганлар баъзан шундай ҳам эдиларки, бир бурда нонга,

бир ямоқли хирқага ҳам муҳтож бўлганлар. Улардан дунёни ва унинг орзу-ҳавасларини узоқлаштирган Ҳақ таоло уларга, жумладан, Мусо (алайҳиссалом) билан Хорун (алайҳиссалом)-га ҳам шундай деб буюргандир: Мен пайғамбарларни, авлиёлар, эранлар, солиҳ кишиларни бу дунёнинг оташига мубтало қилмадим. Агар истасайдим сизни, дунёнинг моли ва пули билан шу қадар бой қилар, зийнатлар, нақшлар билан шундай ясантирардимки, Фиръавн кўрган чоғида ўз зийнат ва бойликларини унутарди. Лекин мен сизга бу ўткинчи дунёнинг супуриндиларини лойиқ кўрмадим. Пайғамбар ва авлиёларимни дунёнинг бундай неъматидан сақлантирдим. Шафқатли бир туячи туясини ифлос жойларга ёки қўтир туя чўккан ерларга чўктирмагани каби, мен ҳам сизларга дунёнинг бу оташини (бойлиги, зеб-зийнати) ман этдим. Бу – сизга хиёнат эмас (буни хиёнат деб тушунманглар). Бу – менинг кароматим сизда мукаммал бўлишини тилаганимдандир.

Ана шундай... Ҳақ таоло дунёнинг мукаммал лаззатини берган бандаларига охиратнинг мукаммал лаззатини бермайди. Бу борада Ҳақ таоло бундай марҳамат қилади:

وَلَوْلَا أَن يَكُونَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً لَّجَعَلْنَا لِمَن يَكْفُرُ بِالرَّحْمَنِ لِبُيُوتِهِمْ
سُقْفًا مِّنْ فَضَّةٍ وَمَعَارِجَ عَلَيْهَا يَظْهَرُونَ ﴿٣٣﴾ وَلِبُيُوتِهِمْ أَبْوَابًا وَسُرُورًا عَلَيْهَا
يَتَكُونُونَ ﴿٣٤﴾

Яъни: “Агар барча одамлар (имонсиз бойларни кўриб) бир миллат (яъни кофир) бўлиб олишлари бўлмаганида эди, албатта, биз Раҳмонга кофир бўладиган кимсалар учун уйлариинг шифтларини ҳам, унга чиқадиган нарвонларини ҳам кумушдан қилиб қўярдик. Яна уларнинг уй эшикларини ҳам, ўзлари устида суяниб ўтирадиган сўриларни ҳам...” (Зухруф сураси, 33–34-оятлар).

Мана, Ҳақ таолонинг ҳузурида имонсизлардан ҳақирроқ, разил мавжудот, дунё молидан ҳам қадрсизроқ бир нарса йўқ.

Шунинг учун бу тубан сармояни у ҳақир ва разил тоифадан аямайди. Карим бўлган Аллоҳ гўзални гўзалнинг кўнглига, ёмонни ёмоннинг кўнглига солади. Ҳар нарсани муносибига лойиқ кўради. Энди сен шу икки нарсага эътибор бер ва кўр:

Ҳақ таоло ўз душманларини не-не дунё молига кўмиб ташлайди. Пайғамбар ва авлиёларини бу балоли нарсдан қандай узоқлаштиради. Агар сенга фақирлик, йўқсуллик ортиғи билан келаётган бўлса, Ҳақ таолога шукр қилки, сени пайғамбарлари, авлиёларининг йўлига солибди, душманларига дард ва бало бўладиган дунё супуриндисидан сени асрабди ва Ислом динини сенга насиб этибди – сен бунинг учун Аллоҳга сўнгсиз ҳамду сано айт ва шукр қил: сени буюк неъматга мушарраф айлади. Дунёда сенга бахт ато этди. Охиратингни масъуд қилди. Агар инсон туғилганидан то ўлгунича ҳамма вақтини Аллоҳга ҳамд ва шукр билан ўтказса, яна катта Ислом неъматининг эвазини ўтаёлмайди. Чунки бу шундай саодат берувчи бир неъматдирки, бутун денгизлар сиёҳ ва бутун дварахтлар қалам бўлса ва бутун ўсимликлар ва ҳайвонлар ёзувчи бўлсалар, бунинг фазилатини ёзиб, ҳаммасини англатолмас эдилар. Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло ўз Пайғамбарига ишончини бундай ифодалайди:

وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ رُوحًا مِّنْ أَمْرِنَا مَا كُنْتَ تَدْرِي مَا الْكِتَابُ وَلَا الْإِيمَانُ وَلَٰكِن جَعَلْنَاهُ نُورًا نَّهْدِي بِهِ مَن نَّشَاءُ مِنْ عِبَادِنَا وَإِنَّكَ لَتَهْدِي إِلَىٰ صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٥٢﴾

Яъни: “Шундай қилиб, биз ўз амримиз билан сизга бу Рух (Китоб)ни ваҳий қилдик. Сиз илгари на Китобни, на имонни билгувчи эдингиз. Лекин биз уни (Қуръонни) бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан хоҳлаган кишиларни ҳидоят қиламиз. Албатта сиз тўғри йўлнинг раҳбарлигини қиласиз” (Шўро сураси, 52-оят).

Яна бундай марҳамат қилади:

وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكَ وَرَحْمَتُهُ لَهَمَّتْ طَائِفَةٌ مِّنْهُمْ أَن يُضِلُّوكَ وَمَا

يُضِلُّوكَ إِلَّا أَنْفُسَهُمْ وَمَا يَضُرُّونَكَ مِنْ شَيْءٍ وَأَنْزَلَ اللَّهُ عَلَيْكَ
الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَعَلَّمَكَ مَا لَمْ تَكُنْ تَعْلَمُ وَكَانَ فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكَ
عَظِيمًا ﴿١١٣﴾

Яъни: “Агар сизга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганда эди, улардан бир тоифаси сизни йўлдан оздиришга уриниб қолар эди. Лекин улар фақат ўзларини адаштирадилар, холос. Сизга эса бирон зиён етказа олмайдилар. Аллоҳ сизга Китоб ва Ҳикматни нозил қилди ва билмаган нарсаларингизни билдирди. Аллоҳнинг сизга қилган фазлу марҳамати улуғ бўлди” (Нисо сураси, 113-оят).

Яна бундай буюради:

يَمُنُونَ عَلَيْكَ أَنْ أَسْلَمُوا قُلْ لَا تَمُنُوا عَلَيَّ إِلَّا سَلَمَكُمْ بِلِ اللَّهِ يَمُنُ عَلَيْكُمْ أَنْ هَدَيْكُمْ
لِلْإِيمَانِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٧﴾

Яъни: «Улар сизга мусулмон бўлганларини миннат қиладилар. Айтинг: “Сизлар менга мусулмон бўлганларингизни миннат қилманглар. Балки агар содиқ бўлсангизлар, Аллоҳ сизларни имонга ҳидоят қилганини миннат қилади”» (Ҳужурот сураси, 17-оят).

Ривоят қиладиларки, устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ўз ҳузурларида кимлар бўлишидан қатъи назар: “Алҳамдулиллоҳи ало динил-ислом” дея хитоб қилиб қўярдилар.

Аллоҳ рози бўлгур Али ҳазратлари дерларки:

“Не-не кишилар борки, турли-туман неъматлар ичида ўзларидан кетиб мафтун бўлганча ўтирадилар. Неча-неча кишилар борки, ўзлари ҳақда айтилган юмшоқ сўзларнинг атридан маст бўлиб, йўлдан озадилар. Неча-нечалари эса гуноҳларини яширганча гердайиб юрадилар”.

Зуннундан сўрадилар:

– Одамларнинг энг кўп хатолари нима билан боғлиқ?

Бундай жавоб берди:

– Ҳақ таолонинг лутфи ва неъматларидан ғурурланади ва шу ҳоли юзасидан алданганини ўзи ҳам билмай қолади.

Сўнгра бу қутлуғ оятни ўқиди:

﴿قَدْ رَفِئَ وَمَنْ يُكَذِّبُ بِهَذَا الْحَدِيثِ سَنَسْتَدْرِجُهُمْ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ﴾

Яъни: **“Ушбу Сўзни ёлғон дейдиган кимсаларни менга қўйиб беринг. Биз уларни ўзлари билмайдиган томондан аста-секин азобга яқинлаштирамиз”** (Қалам сураси, 44-оят).

Маърифат аҳли ушбу оятни бундай шарҳлайди:

Неъматнинг мўллиги шукр ва миннатнинг унутилишига сабаб бўлади. Неъматнинг мўллиги ичида шукр вазифасини ўрнига қўйиш қийинлашади. Шунинг учун неъмат ортганда жуда эҳтиётли бўлиш керак бўлади. Мансаби ва даражаси юксаклар бу борада донороқ ва андишалироқ бўлишлари, узоқни кўришлари вожибдир.

Бундай бўлган тақдирда сен ҳам ҳол ва амалларингда диққатли бўл ва ўзингни эҳтиёт қилишга уриниш билан бирга Аллоҳга ёлвор ва унга ҳамд айтиш ва шукр қилиш билан машғул бўл. Кўнглингда доимо Аллоҳдан қўрқув бўлсин ва ҳар доим андиша сақла.

Иброҳим ибн Адҳам дерларки:

Биз охиратимиздан қандай амин бўлайликки, ҳазрат Иброҳим (алайҳиссалом)дай бир пайғамбар охиратидан қўрқиб, Ҳақ таолога:

﴿رَبِّ اجْعَلْ هَذَا الْبَلَدَ آمِنًا وَاجْنُبْنِي وَبَنِيَّ أَنْ نَعْبُدَ الْأَصْنَامَ﴾

Яъни: **“Эй Раббим, бу шаҳарни тинч шаҳар қил, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қил”** (Иброҳим сураси, 35-оятдан), дея тинмай ёлворар эди.

Юсуф (алайҳиссалом) ҳам:

﴿تَوَقَّنِي مُسْلِمًا وَالْحَقِّقِي بِالصَّالِحِينَ﴾

Яъни: **“Мусулмон ҳолимда жонимни ол ва мени солиҳ бандаларингдан қил”** (Юсуф сураси, 101-оятдан), дея Раббига тилакларини билдирган ва ялинган.

Муҳаммад ибн Юсуф айтади:

Суфён Саврий бир кеча тонггача йиғлади, ингради.

– Шунчалик гуноҳларинг кўпми? Нега йиғлаяпсан? – деб сўрадим мен.

– Гуноҳ иши осон, – деди у. – Мен умримнинг охирида, Аллоҳ асрасин, мендан Ислом либосини ечинтириб олиб, имон неъматини ўғирлаб кетишади, дея қўрқяпман.

Баъзи олимлар ривоят қиладилар:

Пайғамбарлардан бири Ҳақ таолодан сўрайди:

– Эй Раббим! Балъом ибн Баурга шунча кароматлар бердинг, маънавий рутбалар эҳсон этдинг. Сўнгра эшигингдан қувдинг. Бунинг сабаби нима эди?

Ҳақ таоло жавоб берди:

– Бунча неъматларимга бир марта бўлса-да шукр этмади. Агар бир карра бўлса-да шукр қилсайди, унинг руҳини имонли ҳолида олардим.

Шуни ҳам ёдингдан чиқармаки, Ҳақ таолонинг бизга насиб этгани, бергани сўнгсиз неъматлар ва саноксиз карам ва эҳсонлари ичида энг юксаги Ислом динидир ва Аллоҳни ёдга олишдир. Энг тубани эса бизни маъюсликлардан ва маъносиз суҳбатлардан узоқ тутишидир. Бу неъматга тинимсиз ҳамд айтайлик ва шукр қилайликки, Ҳақ таоло бу неъматни давом эттирсин ва етишмовчиликларини тўлдирсин.

Амал ва ибодатларимизни қабул қилишни буюргандан кейин яна бизни эшигидан қувиб, йўқ ва паришон этмасин ва охирги нафасда имондан маҳрум қилмасин. Чунки балоларнинг энг шиддатлиси, фалокатларнинг энг зарарлиси, таҳликаларнинг энг оғири, тубанга йиқилишларнинг энг аччиғи юксалиб азиз бўлгандан сўнг зиллатга қулаш, неъматнинг ортидан йўқсуллик, бахтиёрликдан кейин бахтсизлик, ҳидоятдан кейин йўлдан тойишдир. Ҳақ таоло берганини олишдан бизни асрасин ва эшигидан узоқлаштирмасин.

ДИНИЙ ИЛМЛАРНИ ЎРГАНИШ

Қисқача бу кўп таҳликали кечикни ҳам ўтгандан кейин Ҳақ таолонинг буюк миннатларига ва сўнгсиз неъматларига назар ташласанг, сен учун дин илмини ўрганиш, Аллоҳга оид маълумотларингни теранлаштириш ва Унга яқинлашиш, катта хато ва гуноҳлардан покланиш муяссар бўлади. Шу тарзда сен учун қанча ҳурмат-эҳтиромлар ва чиройли феъл-атворлар ҳамда аъло фазилатлар ҳосил бўлади. Агар бу сўнгсиз неъматларга шукр қилиб, тилинг билан Аллоҳга ҳамд ва сано айтиб, қалбингда унга севги, аъзоларинг ва бутун вужудинг билан хизмат ва ибодат этсанг, бу комил ва етук амалинг, ҳамдинг ва шукринг, сенинг исён этишингга ва гуноҳ қилишингга тўсиқ бўлади. Ботиний (ички) амалларинг билан кўп савобларни қўлга киритган, таҳликали амал ва фикрлардан узоқлашиб, ўз қусурларингни эътироф этган бўласан. Агар бирор сабаб билан шукрингда ғафлат, амалларингда бўшашиш, сўзларингда ножиддийлик воқе бўлса, у пайтда такрор Ҳақ таолога сиғинишни бошлашинг, тоат-ибодатингни кучайтириб давом эттиришинг керак. Аллоҳга ёлвориб: “Илоҳи, ё Раббий! Аввалига мен лойиқ бўлмасам-да, фазлинг билан дин эҳсон этдинг. Сенинг йўлингда бўлишни ўргатдинг, караминг ва лутфинг билан у эҳсонингни охирига етказ, мени шу динимдан, имонимдан айирма, эй Раббим! Сенинг неъматларинг одамнинг истеъдод ва қобилиятига қарамайди, ҳар касга берилаверади”, – дейсан.

Шундан кейин Ҳақ таолога чин кўнгилдан ёлвориб ва яширин бир овоз билан бу қутлуғ оятни ўқийсан:

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ

Яъни: “Эй Раббий, бизга ҳидоят бергандан сўнг қалбларимизни ҳақ йўлдан оғдирма ва раҳмат ато эт! Шубҳасиз, сен кўп яхшиликлар ато этгувчисан!” (Оли Имрон сураси, 8-оят).

Зеро, авлиёлар, эранлар, солиҳ зотлар, каромат тожини кийган, ҳидоятга етишган, Аллоҳга сиғиниш завқини билган,

қалбларини ибодат лаззати билан беаганлари ҳолда, яна билиб-билмай қилиб қўйган ишларининг оқибатини, айриликнинг аламларини, йўлдан озишнинг даҳшатини, хиёнатдан кейин келадиган қабоҳатнинг оғирлигини ўйлаб ва ибодатнинг лаззатини йўқотишдан, маърифатиллоҳ (Аллоҳни билиш)дан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқиб, Ҳақ таолога сиғинадилар.

Қўлларини кўтариб, Унга ёлвориб-ялинадилар. Ёлғизликка чекиниб муножотда бўладилар ва юқорида келтирилган қутлуғ оятни – **“Раббимиз, бизга ҳидоят бергандан кейин...”**ни доимо ўқийдилар.

Бу қутлуғ оятнинг маъноси ва саодатининг кўрсатмаси будир: Эй Раббимиз, кўнглимизни янглиш ва бузуқ ишларга мойил этма, поклик, тўғрилиқ, охират ишларига мойил қил.

Сендан кўрганимиз неча-неча неъматлардан янада ортиғини эҳсон эт! Чунки буюк эҳсон соҳиби ва лутф этувчи Ўзингсан. Ахир Ўзинг ўз ироданг билан, неъматларинг кўплиги билан бизларни мукаррам қилдинг. Охирида ҳам неъматларингни поёнига етказишда бизни неъматлантир!

Ҳақ таоло мўмин бандаларига бу тўғрида ўша машҳур:

“Иҳди нас сиротал мустақийм” дуосини ўргатди. Бунинг маъноси: Эй Раббимиз! Бизни тўғри йўлга бошла ва Ҳақ Йўлда собит қил! – деганидир.

Бу йўлнинг таҳликалари катта ва азоби аламли бўлгани учун бунинг ҳикматини билганлар бундан қутулиш йўлига кўп диққат ва ғамхўрлик кўрсатадилар. Бунинг мусибатларини олти қисмда қисқача ифодалаб беришимиз мумкин:

- 1 – Ёт элларда касалланиш.
- 2 – Қариганда қашшоқликка дучор бўлиш.
- 3 – Ёшлиқда ўлиш.
- 4 – Олдин кўзи очик, кейин кўр бўлиш.
- 5 – Олдин эъзозда бўлиб, кейин ҳайдалиш.
- 6 – Эгалланган билимларнинг унутилиши.

Дерларки:

Ҳар мусибатнинг қопламаси бўлади, муносабати бор, доимий эмас, енгиллашиб боради. Лекин Ҳақ таолонинг ҳузу-

ридан қувилишнинг қопламаси йўқ, бу – имконсиз бир мусибатдир.

Ушбу кечикдан ўтиб, бу буюк неъматларнинг шукрини Аллоҳ хоҳлаганидай ўрнига қўйган чоғингда Ҳақ таоло сени ҳар ишингда муваффақият соҳиби қилади ва умид қилганингдан ортиқроқ неъмат беради.

Бу сўнгги таҳликали кечикдан ҳам шундай ўтиб кетасан. Бундан кейин шу икки хазинани эгаллаб зафар қозонасан:

1 – Тоат ва ибодатда осонлик, бошқа ишларингда тўғрилиқдир. Бу хазиналар ичида икки дона гўзал жавҳар топасан: бири – бор бўлган неъмат, бошқаси – ваъда қилинган неъмат.

2 – Сенга берилган бу неъматлар собит бўлади ва илдиз отиб боради. Парвозлардан қўрқмайсан, йўқолишдан чўчимайсан. Бундан кейин абадиян шайтоний қувилишлардан қутуласан, битмас-туганмас орзу-ҳавасларни қисқартирасан, илмига амал қилгувчилардан, орифлардан, тавба қилганлардан, покланганлардан, ошиқлардан, тақводорлардан, таваккул қилганлардан, тафвиз этганлардан, зоҳидлардан, розийлардан, сабр қилганлардан, зикр этганлардан ва ниҳоят, файз олганлардан, сиддиқлардан бўласан. Буларнинг бари Аллоҳнинг изни ва ёрдами билан бўлади.

“Бу изоҳлардан кўриниб турибдики, қийинчиликлар билан тўла бу йўлдан эсон-омон ўтиб, мақсадига етиб борадиган киши оз топилади. Чунки бунча заҳматга кимса чидолмайди. Бу қадар оғир шартларга риоят қилиш осон эмас-ку!” дегувчи кишиларга бу жавобни берамиз:

Чиндан ҳам бу йўл қийинчиликлар билан тўла. Лекин ҳидоятга етишганлар учун оппа-осон. Чунки бутун ишлар банданинг эмас, Аллоҳнинг қўлидадир. Банданинг вазифаси ишлаш(жаҳд ва ғайрат сарфлаш)дир. Аллоҳ бу бандаларини кўради. Ҳидоят йўлида муваффақ қилади. Бу майдонда лутф ва иноят ундандир.

Бу борада Ҳақ таоло бундай марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا وَإِنَّ اللَّهَ لَمَعَ الْمُحْسِنِينَ

Яъни: **“Бизнинг йўлимизда ғайрат қилганларга албатта йўлларимизни кўрсатамиз. Шубҳасизки, Аллоҳ чиройли амал қилгувчилар билан биргадир”** (Анкабут сураси, 69-оят).

Ожиз ва заиф бўлган банда зиммасига тушган вазифани, ишни кучи етганча қилса, албатта, Ҳақ таоло марҳамат ва инояти билан уни тоат, ибодат ва амалларида муваффақ қилади. Ҳидоят беради. Лекин Аллоҳ ғайратли бўлмаган ва шукр қилмаганларнинг неъматларини давом эттирмайди ва даражасини орттириб севинтирмайди.

“Умр қисқа, сабр оз, кечиклар қийинчиликларга тўла. Мусибатларнинг олди-орқаси узлуксиз. Бундай қисқа умр билан бу қадар кўп ишни бажариб, ушбу кечикларнинг қийинчиликларига такрор-такрор дучор бўлиб, енгил мумкин бўладими?” деган саволга жавобимиз будир:

Бундай тарзда шубҳага тушиш танқидий назар ва хатоли фикрлашнинг натижасидир. Чунки Ҳақ таоло ўзи севган ва ёқтирган бандаларининг мушкулларини осон қилади. Бу соҳада қийинчиликларни енгиллаштиради. Узоқни яқин айлайди. Узун билан қисқани бир хил қилиб қўяди. Бу даражага етишган солиҳлар, қўналгалардан бир-бир ўтадилар ва мақсадларига (сўнгги манзилга) етиб борган чоғларида бундай дейдилар: “Бу йўлнинг масофаси жуда қисқа ва шароитлар енгил экан, ўйлаганларимиз ва қўрққанларимиз даражасида эмас экан”.

Бандалар бу йўлни бир-бирларидан фарқли вақтларда (қобилиятларига ва Аллоҳнинг мадади ва тилагига кўра) ўтадилар ва мақсадларига етадилар. Бу ишда кучли бир ҳиммат ва ҳайрат билан баъзилари етмиш, баъзилари йигирма, баъзилари ўн йилда мақсадларига етадилар. Чин кўнгилдан ва тўғри ният билан ҳаракат қилганлар, шундай пайтлар бўладики, баъзан бир соатда, баъзан бир онда бу узун йўлдан ўтадилар ва тасаввуф йўлида одимлаб мақсадларига эришадилар.

Зеро, Асҳоби Каҳф ҳукмдорлари Доқянуснинг ва унга тобе кишиларнинг ширк ва имонсизлигини кўрганлари учун уларга қарши бордилар ва улардан узоқлашканлар бундай дедилар:

وَرَبَطْنَا عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ إِذْ قَامُوا فَقَالُوا رَبُّنَا رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَن نَدْعُوهُ
مِنْ دُونِهِ ۚ إِلَهًا لَّقَدْ قُلْنَا إِذَا شَطَطًا ﴿١٤﴾ هَتُولَاءِ قَوْمُنَا اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ
إِلَهَةً

Яъни: “Биз уларнинг қалбларини кучлантирдик – ўшанда улар (золим шоҳ қаршисида) туриб дедилар: “Бизнинг Раббимиз осмонлар ва ернинг раббидир. Биз ундан бошқасини Тангри демаймиз. Акс ҳолда ноҳақ сўзни айтган бўламиз. Ана у қавмимиз эса Ундан ўзгаларни Тангри қилиб олдилар” (Каҳф сураси, 14–15-оятдан).

Бундай гапга қарши қандай ҳам эътироз билдириш мумкин-у, қандай далил келтирса бўлади? Шундай экан, Аллоҳга нисбатан ёлғон сўзлар айтиб, бўҳтон ишлатувчиларни золим демай бўладими? Аллоҳ уларнинг қалбларини сабр ва сабот билан батамом Ҳаққа боғлаганди ва Асҳоби Каҳфнинг қалблари бир онда илоҳий маърифат, илоҳий нур билан тўлганди.

Улар бу йўлнинг ҳақиқатини билдилар ва бир-бирларига хитоб этиб, бундай дедилар:

وَإِذْ أَعْرَضْتُمُوهُمْ وَمَا يَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهَ فَأَوُوا إِلَى الْكَهْفِ يَنْشُرْ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِنْ
رَحْمَتِهِ ۚ وَيَهَيِّئْ لَكُمْ مِنْ أَمْرِكُمْ مَرْفَقًا ﴿١٦﴾


Яъни: “Модомики улардан ва Аллоҳдан ўзга – улар сиғинаётган нарсалардан юз ўгирган экансизлар, энди ғорга паноҳ топиб борингиз. Раббингиз сизларга раҳматини мўл қилади ва сизларнинг ишларингизни ўнглайди” (Каҳф сураси, 16-оят).

Бу сўзлари билан улар тафвиз (ишни Аллоҳга ҳавола) этарканлар, таваккул қилганлардан ва тўғрилардан бўлдилар ва бир соат ичида мақсадларига эришдилар.

Фиръавннинг сеҳргарлари ҳам ҳазрат Мусо (алайҳиссалом)-нинг мўъжизасини кўрганда бир онда имонга келдилар ва:

قَالُوا ءَامَنَّا بِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٧﴾ رَبِّ مُوسَىٰ وَهَارُونَ ﴿١٨﴾

Яъни: **“Оламларнинг Раббига, Мусо билан Ҳоруннинг Раббига имон келтирдик”** (Аъроф сураси, 121–122-оятлар) дедилар ва бир онда ҳақиқат йўлидан ўтиб, ақллилардан, розийлардан, сабр қилганлардан, шукр қилганлардан ва Ҳақ таолога етишишни соғинганлардан бўлдилар ва Фиръавннинг таҳдидлари қаршисида қўрқмасдан бундай дея олдилар:



Яъни: **“Зарари йўқ. Зеро, биз Раббимизга қайтгувчидирмиз”** (Шуаро сураси, 50-оят).

Ва шаҳидларнинг биринчиларидан бўлдилар.

Ривоят қиладиларки:

Иброҳим ибн Адҳам салтанатини тарк этди ва Аллоҳнинг хос бандаларидан бўлиш йўлига кирди. Балхдан Марво шаҳрига боргунга қадар маънавий соҳада шу даражада илгарилаб, шу даражада юксак мартаба қозондики, шаҳарга кирганида бир кишининг тўсатдан кўприкдан пастга тушиб кетганини кўрди ва шу онда унга:

– Тўхта! – дея бақирди ва у ҳавода тўхтади, қаъргача тушмади. Кўрганлар дарҳол югуриб келишди ва ҳеч бир зарар етказмаган ҳолда уни осонлик билан ерга қўндириб олдилар.

Робия Адавия ёши ўтиб қолган қора бир жория эди. Уни сотиш учун Басра бозорида айлантирдилар. Қари бўлгани учун унга сира харидор чиқмади. Ниҳоят, бир тижоратчи унга ачинди ва юз тилла бериб олгандан кейин озод қилиб юборди. Адавия эса тоат ва ибодат йўлини танлади. Ва бу йўлда шу қадар қаттиқ ишладикки, бир йил ўтмасдан илм ва ирфонда, маънавий камолотда шундай бир мартабага кўтарилдики, Басра шаҳрининг обид ва олимлари келиб, унга зиёфат берар, фикр алмашар ва ўзларини дуо қилишини илтимос қилишарди.


Бу мисоллар Аллоҳнинг ҳидояти билан, лутф ва мададига етишганларнинг бу маънавий кечиклардан қанчалик осонлик билан ўтиб мурод-мақсадларига етганларини кўрсатиш учун кифоя қилади, деб ўйлайман.

Лекин Ҳақ таолонинг лутф ва инояти билан мададига етиша олмаганлар, бундай маънавий мартаба насиб этмаган кимсалар шундай бўлдики, бу кечикларнинг бирида етмиш йил ишладилар ва бир турли илгарилаб ўтолмай қолдилар ва ниҳоят йиғлаб-сиқтадилар ва дедиларки: Бу йўлга кириш ва эсон-омон чиқиш шу қадар мушкул ва қийинки, унинг шиддатига, босимларига чидаш имконсиздир.

Бундай кимсалар ниҳоят бу йўлда ҳоридилар ва, Аллоҳнинг тақдири шу экан, дея орқага қайтдилар.

“Ажабо, бу икки тоифанинг ибодат йўли бир хил бўлгани ҳолда, бири мукаммал бир шаклда муваффақ бўлиб, мақсадига эришишининг, бошқаси эса маънавий паришонликка учрашининг сабаби нима экан?” деган саволга бу жавобни берамиз:

Бундай саволга қарши Ҳақ таоло бамисоли шундай садо бериб амр қилади: – Эй банда, Рубубият ила бандалик нималигини ўрган. Раббликнинг яширин сирларини, бандаликнинг ҳаракатларини ўйла. Адаб мақомига тажовуз этма. Менинг қиладиган ишларимга оид савол берма.



Яъни: “У қилганига масъул эмас, улар масъул бўладилар” (Анбиё сураси, 23-оят).

Яна буюради: “Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилур” (Бақара сураси, 253-оят); “Албатта, Аллоҳ ирода қилган нарсага ҳукм қилур” (Моида сураси, 1-оят).

Қисқаси, Ҳақ таоло Ўзи яратган оламда қандай хоҳласа, шундай ҳаракат қилади. Ўзи асрасин, Унинг шериги йўқки, унга эътироз билдирсанг, сўроқ сўрасанг...

Инсонларга вожиб бўлгани адаб сақлаб, илоҳий сирларга ара-лашмасликдир.

Зеро, Ибн Аббос дейдики:

Ҳақ таоло билдирмаганини (яширганини) билишга ҳаракат қилма, ўша ҳолича қабул эт ва шунга мослаш.

Бу йўлдан ўтган соликларнинг (сўфийликдаги маслак олимларининг) ҳоли қиёмат кунида сирот кўпригидан ўтган халқнинг

ҳолидан фарқ қилмайди. Баъзилари чақмоқ каби, баъзилари шамол сингари, қай бири учган қуш мисоли, қай бири яёв инсонлар каби ўтади, қай бири эса суруна-сурина ўтаркан, жаҳаннамнинг бақир-чақирларини эшитади. Яна бирови ўтаётганда, уни чангаллаб, жаҳаннамга ташлайдилар. Бу дунёда ҳам инсонларнинг ҳоли шундай. Бири Аллоҳнинг мадади билан ҳидоятга эришади, тўғри йўлни тез топиб олади. Бири ҳидоятга эришолмайди ва тўғри йўлни тополмайди. Бу ерда икки йўл бор: бирини ибодат йўли, бирини охират йўли дейдилар. Охират йўлининг ҳоллари басират кўзи (қалб кўзи) ила кўрилади. Ибодат йўлида илгарилаб тез ўта олганлар охират йўлини ҳам тез ўтадилар. Бу йўлнинг танланган тарзида (сулукида) бўшашиб ҳаракат қилувчилар ва оғир карвон бўлганлар сирот кўприги йўлида ҳам шундай бўшашган ва оғир карвон бўладилар. Қиёмат кунида сирот кўпригидан ўтаётганда чангал билан чангалланиб жаҳаннамга отиладиганлар бу дунёда шайтонга тобе бўлиб, ҳою ҳавасига берилган кимсалардир.

илоҳий йўл

Бу баҳсда бир қатор нуқталар (нозик маъноли гаплар) бор. Бу Аллоҳ йўли – улвий йўлдир, яъни руҳониятга тегишли йўл, охиратга юксалиш йўлидир. Ер йўли эмас, дунё кечиги каби йўл эмас. Инсоннинг қуввати ёки ҳайвоннинг кучи каби йиғилиб-йиғилиб, сўнгра ўтилмайди. Бунда узоқ масофа, узун вақт каби нарсалар ҳақида ўйланилмайди. Бу – маънавий-руҳий бир йўлдир. Инсон қалби уни очик тасдиқ этолмайди, нозик ва теран тушунмайди; пок имон ва басират билан (қалб кўзи ила) кўради ва ўтади. Бу йўлнинг асли самовий бир нур, илоҳий бир назардир. Солиқларнинг қалбида туғиладиган бу нур билан баъзан малакут оламини биладилар. Баъзан шундай бўладики, бир боқиш билан бутун жабарутий ҳоллардан ва малакут оламининг сирларидан воқиф бўладилар; коинотнинг бутун зарраларини кўрадилар. Оламнинг яратувчиси Ҳақ таолонинг исмларига мазҳар бўладилар, борлиқларнинг ҳақиқатларини

ибрат кўзи билан кузатадилар. Аллоҳнинг буюклигини, қудратининг камолини, ерда ва кўкда ҳар неки бор бўлса, ҳаммаси унинг қудрат қўлида ва идорасида эканлигини, ундан бошқа ҳеч бир кимса оламда эгалик сифатига соҳиб бўлолмаслигини кўрадилар ва биргина Яратувчи ва инсон таянчи Аллоҳ эканлигини англайдилар ва кескин бир имон соҳиби бўладилар. Ҳар не иш қилсалар, Унинг учун қиладилар. Ҳар неданки умид қилсалар, Ундан кутадилар. Унинг ёнида жонлиларнинг яратилиши ила йўқ этилиши битта эканлигини биладилар. Лекин бу йўлга кирган, бу илоҳий нурни топиб, бу мартабага кўтарилишни истаган баъзи кимсалар борки, ҳимматлари қисир (туғмас, беҳосил), курашлари, ғайратлари нуқсонли; хатти-ҳаракатлари жоҳилона ва ҳаракатлари хатоли бўлганлиги учун етмиш йил ишласалар ҳам, бу денгиздан бир томчи, бу маънавий оламдан бир зарра олиш уларга насиб бўлмайди. Баъзи кимсалар ҳам борки, эллик йил ғайрат қилади, ишлайди, охирида бу нурдан ялтир-юлтир қора пардалар қолдирадилар. Баъзи кишилар бир йил ичида бу мартабани топадилар. Баъзилари бир соатда, баъзилари бир онда бу тилакларига эришадилар (Аллоҳнинг лутфи ва инояти билан). Гарчи ҳидоят лутф ва эҳсон Аллоҳдан эса-да, обидман деганлар ибодатларида давом этишлари ва бу йўлда ғайрат кўрсатишлари шарт. Нарёғини Ҳақ таолонинг тақдирига қолдириш лозимдир. Чунки мулкида тилаганини қилгувчи Удир. Не истаса, ўшани қилади.

“Кўриниб турибдики, бу йўл қийин ва оғир, таҳликаси катта, алами кучлидир. Фақат ишлашга, ижтиҳодга ишонч йўқ. Банда заиф, душманлари эса кўп. Устига-устак Ҳақ таолонинг инояти, мадади бўлмаса, мақсадга бориб бўлмайди. У ҳолда бу шароитда ишлаш, бунча қийинчиликларга кўмилиб, бу амалларни қилишдан нима фойда?” саволига жавобимиз будир:

Чиндан ҳам бу йўлнинг таҳликаси, одамнинг ҳафсаласини ўлдирадиган тарафлари ҳаддан зиёддир. Тиланган нарсага эришиш оғир. Инсон у ишни қилгиси келади. Лекин тақдир ва тадбир Аллоҳдандир. Ҳукм ва тадбир Аллоҳдандир. Ҳукм ва ирода Униқидир. Шунинг билан бирга ҳақиқий имонлилар бу йўлда ишлаш ва ғайрат сарфлашга ўзларини маъмур деб

биладилар. Ишнинг қолганини Ҳақ таолога ҳавола этадилар. У билади ва не тиласа, ўша бўлади. Дарҳақиқат, Ҳақ таоло огоҳ этади:

“Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилур” (Бақара сураси, 253-оят); **“Албатта, Аллоҳ ирода қилган нарсага ҳукм қилур”** (Моидда сураси, 1-оят).

Яна таъриф этади:

لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي كَبَدٍ ﴿٤﴾

Яъни: **“Дарҳақиқат, биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик”** (Балад сураси, 4-оят).

Яна буюради:

إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا ﴿٧٢﴾

Яъни: **“Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилгандик, улар буни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Чунки у зулмкор ва жоҳилдир”** (Аҳзоб сураси, 72-оят).

Бу қутлуғ оятнинг мазмуни бундай:

Ҳақ таоло марҳамат қилади:

Биз осмонларга, ерга ва тоғу тошларга шариатдаги тоат-ибодатларни – фарзларни ва шариат ҳукмларини кўндаланг қилгандик ва уларга, кимки буни қабул этиб, ҳуқуқини, керагини ўрнига қўйса, унга катта савоб ато этамиз, адо этолмаса, унга аламли азоб берамиз, дегандик, улар қабул этмадилар. Биз тоат-ибодатларга ва ҳукмларга розимиз. Лекин бу омонатни кўтариб юришга ва ҳуқуқларни ўрнига қўйишга кучимиз етмайди. Бизга савоб ҳам, азоб ҳам ёзма, дейишди. Омонатни одамга таклиф этгандик. Савобидан тама қилиб, уни қабул этди. Охирини ўйламади. Нафсининг сўзига кириб, жоҳилликка борди. Ҳуқуқига риоят этмагани учун ўзига зулмкор бўлди.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қиладилар:

“Агар менинг билганларимни сиз билсайдингиз, кўп йиғлар, оз кулар эдингиз”.

Дерларки:

Кўкларда бир фаришта доим бундай садо беради:

– Қаёқдана бу инсонлар яратилди-я... Кошкийди нечун яратилганларини билсалар ва унга кўра амал қилсалар...

Аллоҳ рози бўлгур Абу Бакр ҳазратлари дерки:

– Оҳ, қанийди бир яшил ўт бўлсайдим... Ҳайвонлар мени есайди, қўрқув азобини тортмаган бўлардим.

Аллоҳ рози бўлгур Умар ҳазратларининг ёнида бир куни бир киши мана бу оятни ўқиганди:

هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ حِينٌ مِّنَ الدَّهْرِ لَمْ يَكُن شَيْئًا مَّذْكُورًا ﴿١﴾

Яъни: **“Аниқки, инсоннинг устига замондан у тилга олгулик бир нарса бўлмаган вақт-муддат ҳам келгандир”** (Инсон сураси, 1-оят).

Шунда Умар ҳазратлари: – Нетарди ўша пайтдаёқ тамом бўлсам, – дедилар.

Бу қутлуғ оятнинг маъноси мана бундай: Чиндан ҳам даҳрда (дунёда, даврда) бир замон бўлганки, инсон инсон сифатида тилга олинмаган ва машҳур эмасди. Балки у пайтларда у бир унсур ва нутфа бўлган.

Аллоҳ рози бўлгур Абу Убайда дерки:

– Қанийди мен бир қўй бўлсам-у, одамлар мени сўйиб есалар, инсон бўлиб дунёга келмасайдим...

Ваҳб ибн Мануя дерки:

– Бу инсонлар аҳмоқдир. Агар аҳмоқ бўлмасалар, сал бўлса-да қўрқиб, еган овқатларини ҳазм қилолмасдилар.

Фазл дерки:

– Мен Аллоҳга яқин фаришталарга, пайғамбарларга ва солиҳ кишиларга қаттиқ интилмаيمان, ҳавас қилмаيمان. Чунки улар қиёмат кунининг даҳшатини кўражаклар. Лекин мен жонсиз мавжудотларга интиламан. Чунки улар қиёмат куни қўрқув билмайдилар.

Ото ибн Сулами дерки:

– Агар олов ёқиб: “Бу оловга ўзини отган кимсадан ҳеч нарса сўралмайди ва қиёмат кунининг даҳшатини кўрмайди”, – десалар, шу ондаёқ ўзимни ўша оловга отар ва кибрдан оловга қочиб, бу мартабадан маҳрум бўлиб ўлишга шошилардим.

Мана бу ҳолларнинг машаққати ва бу кўрқувларнинг шиддати шу даражадаки, пайғамбарлар, авлиёлар, тақводорлар, эранлар бу маънони тасаввур этиб, бу ҳолни ўйлаган пайтларида шундай ҳаяжонга тушар, қалблари, нафаслари сиқилиб, азобланардилар. Чунки бу шундай бир иш, шундай бир амр-дирки, Ҳақ таолонинг абадий ва сўнгсиз илми, қудратли тадбирларининг натижасидир.

Бу балони ҳайдашнинг ва қазони даф этишнинг чораси шудир:

Ожиз ва бечора бўлган банда Раббига кўпдан-кўп ибодат қилиб, тоат-ибодатда бўлиб, унинг пишиқ ипини маҳкам ушлаб (Қуръони каримга берилиб) ич-ичидан самимий туйғу ва тоза қалб билан Раббига ёлвориб-ялинса, фақат шундай қилсагина унинг раҳмати ва мағфиратига, инояти ва карамига сазовор бўлади.

Лекин юқорида ҳам айтганимиздай, ғафлатда қолмаслик керак. Илм ўрганаётганда Ҳақ таолога интилиб, ундан мадад сўраб, вақти-соатида ибодатда бўлган ҳолда яшаш шарт. Ва бу аснода маъносиз ёмон нарсаларни ўйлаш, энг катта ғафлатдирки, бундай ҳолат аҳмоқликдан келиб чиқади. Бундай вазиятда инсонга муносиби ва бандалик адабларига ярашадигани ўз ҳолини зийраклик билан кузатиш ва босаётган қадамлари ҳақида ўйлашдир.

Ҳар жиҳатдан заиф бўлган банданинг оз ибодати ва аҳамиятсиз хизмати, унинг қанчадан-қанча тилаклари амалга ошишига қандай восита бўла олсинки, банданинг Раббидан тилаган нарсаларининг энг ози, энг кичиги ҳам икки турлидир. Бири – икки жаҳоннинг (дунё ва охиратнинг) бутун бало ва офатларидан омон қолиш. Иккинчиси – дунё ва охиратда салтанат тожини кийиш ва каромат мартабасини топишдир.

1 – асоснинг асосига қаралса, дунёда саломат юришнинг ўзи катта мартабадир. Чунки бу дунё золим, шундай алдоқчидирки, Аллоҳга яқин фаришталар ҳам унинг алдоқчилигидан амин эмаслар (ҳайиқадилар).

Ривоят қиладиларки, ўлган бир кишининг руҳи кўкка чиқаркан, самодаги фаришталар эсанкираб бир-бирларига дерлар: – Бу гуноҳ тўла дунёдан ушбу руҳ қандай қилиб эсон-омон қутулдийкин?

Охиратдаги саломатлик Аллоҳнинг катта бир инъоми, бир совғасидирки, дунёдаги саломатлик унинг ёнида бир хантал (горчица) уруғичалик ҳам келмайди. Чунки охиратнинг шиддатлари ва қиёматнинг қўрқувлари шу даражада бўладики, пайғамбарлар, авлиёлар, солиҳ зотлар у ҳисоб кўриш майдонининг ҳайбати, даҳшатига назар ташлаганларида, ҳар бири **“вой жоним”, “вой жоним”дан бошқа ҳеч кимсани ўйлолма-япман**, – дея ингранади.

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари бундай марҳамат қиладилар: Кишининг етмиш пайғамбарнинг ибодатича ибодати бўлса ҳам, қиёмат кунда эсон-омон чиқишига ва қутулишига ишончи бўлмай туради.

Энди бир кишининг озгина шу ибодати, осон ва аҳамиятсиз хизмати билан дунёнинг фалокатларидан, балоларидан нафсини эсон-омонлик билан қутқариши ҳайрон қоларли бир иш ва ғарибгина бир ҳол эмасми?

2 – мана шундай якуннинг бу катта қийинчиликларини кўрганлар дерларки:

Ҳақ таолонинг инояти бўлмагач, айтилган шартларни ўрнига қўйиш ва амалларни битириш билан нимага ҳам эришиш мумкин бўларди?

Лекин банданинг икки оламда ҳам салтанат ва каромат иташининг сабаби авлиёлик (раҳбарлик) мартабасига эга бўлиш истагидир. Чунки бу дунёда Аллоҳнинг авлиёлари нақ подшоҳлардай кишилардир. Ҳақ таолонинг қазо ва қадарига рози ва ҳикматига таслим бўлган авлиёларга қитъа ва денгизларнинг бутун узоқ-яқинлари бир одимдир. Яқинлик ва

узоқлик булар учун бирдир. Дарахтлар, тошлар буларнинг ёнида олтин билан тенг(бир-биридан фарқсиз)дир. Жинлару инсонлар, ҳайвонлару қушлар (хоҳ маҳаллий, хоҳ бегона бўлсин) – ҳаммалари буларнинг амридадир. Хотир ва хаёлларида нима жонланса, неники тиласалар, дарҳол олдиларига келади. Чунки буларга Ҳақ таолонинг хоҳиши етиб келганки, ҳамма хоҳлаганлари дарҳол адо этилади ва адо этилмоқда. Бу авлиёлар, бу етакчилар Аллоҳдан бошқа ҳеч кимсадан қўрқмайдилар. Лекин Ҳақ таоло буларга бир маҳобат берганки, бутун халқ улардан қўрқади. Улар, ёлғиз Аллоҳдан қўрқадилар ва ёлғиз Унга хизмат қиладилар. Дунё подшоҳлари сиқилишиб қолганда, тангликка тушганда, бу авлиёлардан ёрдам сўрайдилар. Лекин авлиёларнинг ўзлари Ҳақ таолодан бошқа ҳеч кимсадан ёрдам олмайдилар ва олишни истамайдилар ҳам. Дунё подшоҳлари ҳеч бир вақт бу мартабага эришолмайдилар. Чунки подшоҳлар ёрдамчиларга муҳтождирлар. Дунё молини истайдилар ва ернинг хазинасига ишқибоздирлар. Ўзларидан кучли душманлардан қўрқадилар.

Жанжалкаш ва ёмон инсонларни эркалатиб қўядилар, инъом-эҳсонлар бериб, идора қиладилар. Атрофидагиларни таъминламасалар, салтанатларида узоқ яшай олмайдилар.

Ривоят қиладиларки, Иброҳим ибн Адҳам салтанатини тарк этиб кетганидан кейин унинг вазирлари, беклари тўпландилар ва уни қидира кетдилар. Ниҳоят, уни бир денгизнинг қирғоғидан топдилар. Хирқасини тикиб ўтирган экан. Тахтига қайтиши учун унга кўп ёлвордилар. Иброҳим қўлидаги игнани денгизга отди. Вазир ва бекларига:

– Игнани денгиздан чиқариб қўлимга берсангиз, таклифингизни қабул қиламан, – деди. Улар:

– Бунга кучимиз етмайди, – деганларида, Иброҳим денгиздаги балиқларга ҳайқира бошлади. Балиқларнинг бошлиғи бир сурув балиқлар билан денгиз қирғоғига келди ва:


– Буюринг, шайх, қандай амрингиз бор – бажарамиз, – деди ва игнани олиб чиқиб, қирғоққа отди. Иброҳим вазир ва бекларига ўгирилди:

– Энди ўзинглар айтинглар – сизлар даъват этаётган салтанатми ё бу салтанатми – қай бири яхшироқ?

Вазир ва беклар Иброҳимнинг оёғига йиқилдилар ва:

– Дуо қилинг, – деб илтимос қилдилар. Сўнгра ҳаммалари йиғлаб-сиқтаб орқага қайтдилар.

Бундан кўриниб турибдики, дунёнинг ҳақиқий подшоҳлари авлиёлардир. Охиратда ҳам улар салтанат соҳиби бўлажакларига Ҳақ таолонинг мана бу амри далилдир:



Яъни: **“У ерда қаён қарасангиз мўл-кўл неъматларни ва ихтишомли салтанат (катта мулк)ни кўрасиз”** (Инсон сураси, 20-оят).

Ҳақ таоло охиратдаги салтанат-мулкни ихтишомли-катта дейиш билан дунё мулкини ҳақир ва тубан кўради. Мана шунга кўра, сен бу икки мулк орасидаги фарқни ўйла. Демак, бутун дунё мулки асосан жуда оздир. Бу жуда оздан инсонга насиб бўладигани оздан ҳам оздир.

Дунё кишиларининг бир қисми бу оздан ҳам озни қўлга киритиш учун, шундай пайтлар бўладиги, ҳеч нимасини аямайди. Бутун кучини, бебаҳо умрини сарфлайди, шу озидан ўзига бир нима берилсин, дея.

Берилганда эса атрофидагилар – дунё кишиларининг бир қисми – буни кўп кўради. Бу толе учун қанчадан-қанча нарсасини ва сарфлаган азиз умрини ўйламайди. Фақат унга берилган нарсани кўп билади.

Инсонларнинг яна бир қисми ҳавас қилади, бир қисми ҳасадга берилади, рашк қилади.

Энди қанча меҳнат ва заҳмат эвазига шу арзимаган нарса, шу кичик фойдага эришган кимса охиратда катта мулк ва юксак мартаба қозониш учун икки ракат намоз ўқиса, озми-кўпми камбағалларга садақа берса, икки-уч кун рўза тутса ёки уч кеча уйқусини фидо қилиб, таҳажжуд намозини адо этса – шу ҳам кўпми, оғирми? Астаффируллоҳ!

Аслида шундайки, бир кишининг мингта нафси бўлса ва ҳар нафсида мингта руҳ бўлса ва ҳар руҳнинг минг умри бўлса ва

ҳаммасини шу хайрли, шарафли ва бахт келтирувчи истакни адо этиш йўлида фидо қилса ва буни қўлга киритиш учун турли заҳмат ва балоларга қолса, ундан кейин муродига етса, бу буюк неъматга ва бу юксак мартабага солиштирганда кичик бир иш ва ғоятда оз бир меҳнатдир.

Дин олимлари дерларки:

Ҳақ таолога ихлос билан хизмат ва тақво ила итоат этган қалбларни Аллоҳ қирқ каромат билан мукаррам қилади. Бу кароматларнинг йигирматасини дунёга, йигирматасини охиратга беради. Бундан ташқари бу кароматларнинг тагида неча-неча яширин нарсалар бордир.

ДУНЁДА БЕРИЛГАН КАРОМАТЛАР

1 – Холис – пок банда доимо Аллоҳ таолони зикр этиш ва сано айтиш билан ёдга олади. Аллоҳ ҳам у бандани доимо ёдга олади, сано айтади. Агар дунё подшоҳлари сени ёқтирсалар, севинчингдан дунёга сиғмайсан. Ҳақ таоло сени хуш кўрар экан, севинганингдан унга руҳингни фидо этмайсанми?

2 – Ҳақ таоло сендан рози бўлади. Сени катта қилади, ҳимоясида тутати ва икром кўришингни таъмин этади.

3 – Ҳақ таоло сенинг вакилинг бўлади. Бутун ишларингнинг тадбирини беради ва ўрнига қўйишинг учун имкон яратади.

4 – Ҳақ таоло сени яхши кўради. Агар шаҳар ҳокими сени яхши кўрса, бу билан фахрланасан, яйрайсан. Неча-неча жойларда ва неча-неча ишларда бу рағбатнинг фойдасини кўрасан. Ҳолбуки, сени коинотнинг яратувчиси бўлган Ҳақ таоло яхши кўрди, оламнинг эгаси ва инсон қалбларининг севгилиси...

5 – Ҳақ таоло бутун ишларингда ризқингнинг кафили бўлади, ҳар нарсанинг чиройлисини, яхшисини сенга беради.

6 – Ҳақ таоло сенга яқин бўлади. Тасалли беради. Мусофирлик аламлари, руҳий сиқилишларингни йўқ қилади. Сени бошқа одамга айланиб қолишдан асрайди.

7 – Ҳақ таоло сени кўп ғалабалар билан таъмин этувчи подшоҳинг бўлади. Душманларинг сенга зиён етказишидан қўриқлайди.

8 – Ҳақ таоло сенга иззат ва шараф беради. Дунё зиллатини, тубанлигини сенга лойиқ кўрмайди. Сенинг дунё подшоҳлари, бекларига хизматкор бўлишингга йўл қўймайди, бунга рози бўлмайди.

9 – Сени юксак неъматларга соҳиб қилади. Дунёнинг тубан ишларига илтифот этмайсан. Зотан, ақлли ва ўзини ҳурмат қилган эркак болаларнинг ўйинчоқларига ва хотин-қизларнинг зеб-зийнатларига жиддий эътибор бермайди.

10 – Аллоҳ сени қалбан халқдан бой ва оилада ўзига тўқ қилади. Қалбингга кенглик, рўзгорингга мўллик беради. Дунёнинг бор-йўқлигига парво қилмайдиган бўласан.

11 – Ҳақ таоло қалбингга ҳидоят нурини, ҳикмат маърифатини, маълумотини беради. Шу даражадаки, узоқ вақт риёзат чекканлар ва умрларининг кўп қисмини шу йўлга сарфлаганлар ҳам бундай мартабанинг ўндан бирини ҳам қўлга киритолмайдилар ва охирига етолмайдилар.

12 – Ҳақ таоло қалбингга севинч, кўксингга ёруғлик беради. Шундайки, на дунё мусибат ва фалокатлари, на инсонларнинг танқиду пўписалари, на-да шайтоннинг шубҳалари – ҳеч бири сенинг юрагингни сиқмайди.

13 – Ҳақ таоло сенга ҳайбат (эҳтиромли қўрқув) беради.

Бутун жанжалчи, баттоллар, ёмон одамлар ҳам, дўстлар ҳам сенга ҳурмат кўрсатадилар, эъзоз ва икром қилувчи бўладилар. Сенинг қаршингда фиръавнларнинг, мустабидларнинг, золимларнинг қалбларига ҳам ҳайиқиш ва қўрқув тушади.

14 – Қалбларнинг севгисини қозонасан, бутун инсонларнинг қалбига сенинг севгинг тушади. Ҳаммасининг сенга мойилликларини ва сени яхши кўришларини кўриб турасан.

15 – Сенинг юрагингдан, қўрқмас сўзларингдан, ҳаракатларингдан, муносабатларингдан ва ўтирган ерингдан халққа баракат, тўкинлик келади (Аллоҳ беради).

16 – Ер ва кўк ҳамда уларнинг ичидаги барча борлиқлар сенинг амрингдан бўлади. Хоҳласанг, денгиз юзида кезасан. Хоҳласанг, ҳавода учасан (сенинг тафаккуринг, ҳаёлинг учун икки дунё бир қадамдир). Хоҳласанг, таййи макон (ер масофаси қисқариши) қиласан, яъни юз йиллик йўлни бир соат ичида ўтасан. Хоҳласанг,

таййи замон этасан, яъни юз йилда қилинадиган бир ишни би онда битирасан.

17 – Бутун ҳайвонлар сенинг амрингда бўлади. Ваҳши ҳайвонлар, қушлар, судралувчилар – ҳаммаси сенга итоа қилади ва тилагингни адо этади. Ваҳший ҳайвонлар сен билан ўйнашади. Қушлар ва сургалувчилар амрингга кўра ҳаракат қиладилар.

18 – Дунёнинг калити сенинг қўлингга берилади. Тиласанг, оёгингни ерга бир уриб, яширин хазинани чиқарасан. Тиласанг, сув чиқарасан. Нима тиласанг ҳаммаси бўлади. Қаерга қўнсанг, сенга бир суфра (дастурхон) келади, олдингга ёзилади.

19 – Ҳақ билан халқ орасида алоқа ўрнатасан. Сен Ҳақ таолондан илмларни ўрганасан. Халқ эса сендан ўрганади. Сен Аллоҳдан мадад оласан. Халқ эса сендан мадад олади.

Сенинг ҳурматинг учун Ҳақ таолонинг ёнида халқнинг тилаклари қабул этилади.

20 – Сенинг дуоларинг қабул қилинади. Ҳар не дуо қилсанг, Ҳақ таолонинг ёнида тўғри ҳисобланади, қабул этилади ва ўрнига қўйилади. Кимга шафқат қилсанг, Аллоҳ уни кечиради. Шундай вақтлар ҳам бўладики, тоққа ишора қилсанг, у жойидан силжийди. Шундай вақтлар ҳам бўладики, сенинг хотирингга келиб, ҳали айтмаган ва ишора ҳам қилмаган нарсаларинг ўша соатда майдонга келади.

Барча бу айтганларимиз фақат бу дунёга оид кароматлардир.

ОХИРАТГА ОИД КАРОМАТЛАР

1 – Сакаратул-мавт (ўлим, кома) ҳолини жуда осон ўтказасан. Сакаратул-мавт шундай даҳшатга солувчи бир ҳолдирки, пайғамбарлар, авлиёлар ҳам унинг шиддатидан қўрқиб, Ҳақ таолога ёлворадилар ва:

– Эй Раббим! Бизнинг сакаратул-мавтни осонлаштир! – дея дуо қиладилар.

Ҳақ таоло истаган бандасига бу ўлим олди ҳолини шундай осонлаштирадики, руҳини таслим этаркан, тиниқ сув ичгандай осон бўлади. Зеро, Ҳақ таоло марҳамат қилади:

الَّذِينَ نُوَفِّهِمُ الْمَلَائِكَةَ طَيِّبِينَ يَقُولُونَ سَلَامٌ عَلَيْكُمْ ادْخُلُوا الْجَنَّةَ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٣٢﴾

Яъни: “Фаришталар уларнинг жонларини пок ва тинчгина ҳолда оладилар ва: “Салом сизга, қилган амалларингиз эвази сифатида киринг жаннатга!” дерлар” (Наҳл сураси, 32-оят).

2 – Имонли ҳолда ўласан. Бу шу қадар муҳимки, Аллоҳнинг хос бандалари ҳам бундан жуда қаттиқ эҳтиёт бўладилар. Қўрққанидан кеча-кундуз йиғлаб, охиратга имонли ҳолда кўчиришини тилаб, Аллоҳга ёлвориб-ялинадилар. Ҳақ таоло уларнинг ҳолига қараб бундай дея маълум қилади:

يُثَبِّتُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَيُضِلُّ اللَّهُ الظَّالِمِينَ وَيَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ ﴿٢٧﴾

Яъни: “Аллоҳ имон келтирган кишиларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам устувор сўз (Шаҳодат калимаси) билан собит қилади. Золимларни эса Аллоҳ ҳақ йўлдан оздиради. Аллоҳ хоҳлаганини қилади” (Иброҳим сураси, 27-оят).

3 – Ҳақ таоло сенга руҳ ва райҳон юборади. Жаннат фаришталари билан муждалар (кутилмаган совғалар) беради ва севинтиради. Зеро, Ҳақ таоло хабар беради:

إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَمُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَبْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ ﴿٣٠﴾

Яъни: «Албатта, “Раббимиз – Аллоҳдир”, деб, сўнгра тўғри бўлган зотлар олдида фаришталар тушиб: “Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннатга севининг” дерлар» (Фуссилат сураси, 30-оят).

4 – Хушхабар фаришталари сенинг пок руҳингни иззат ва икром билан, шафқат ва ҳурмат билан мақоми маҳмудга, яъни ваъда қилинган ерга олиб кетадилар.

5 – Сенинг жасадингни хеш ва акраболаринг жиҳозлайдилар ва кафанлайдилар, жанозангни ўқийдилар. Бу хизматни ўзларига катта шараф ва юксак фазилат деб биладилар.

6 – Қабр азобидан амин (ҳимояланган) бўласан.

7 – Қабрингни кенгайтадилар ва ёритадилар. Жаннат боғларидан бир боғ ҳолига келтирадилар. Димоғингга жаннатнинг ёқимли ва гўзал ҳидлари келади ва буни қиёматгача ҳис қилиб ётасан.

8 – Аллоҳнинг майин шабадалари руҳингни эркалайди. Яшил қуш каби кўнгил очувчи мақомда турасан. Унинг ҳидлари ичида улфатларинг билан бирга ўтирасан. Ҳақ таолонинг турли неъматларидан фойдаланасан.

9 – Ҳашр кунида бошингда тож, эгнингда гўзал либослар билан, улов минган ҳолда ҳозир бўласан.

10 – Севинчли ва кулар юзларинг ой каби ёруғ бўлади.

Ҳақ таоло “У кун юзлар борки, пирил-пирил порловчидир. Кулувчидир, севинчлидир”, дея марҳамат қилган.

11 – Қиёмат кунининг қўрқувларидан амин бўласан. Зеро, Ҳақ таоло буюради:

إِنَّ الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي آيَاتِنَا لَا يَخْفَوْنَ عَلَيْنَا أَفَمَنْ يُلْقَى فِي النَّارِ خَيْرٌ أَمْ مَنْ يَأْتِي
 ءَامِنًا يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَعْمَلُوا مَا شِئْتُمْ إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٤٠﴾

Яъни: “Албатта, оятларимизга эгрилик қиладиган кимсалар махфий бўлиб қолмаслар. Ахир дўзахга ташланадиган кимса яхшироқми, ёки қиёмат кунига хотиржам келадиган кишими? Хоҳлаган амалингизни қилаверинг. Албатта, У қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир” (Фуссилат сураси, 40-оят).

12 – Ҳисоб-китобингни осонлик билан берасан. Баъзи амалларинг ҳақида сўралмайди ҳам.

13 – Қиёмат кунида амал дафтарингни ўнг тарафдан берадилар.

14 – Тарозида яхшиликларинг хато ва гуноҳларингдан анча оғир келади. Нариги паллани кўтариб юборади. Ҳатто баъзи кишилар учун бундай тортув иши умуман бўлмайди ҳам.

15 – Сенга Кавсар сувидан ичирадилар, шундан сўнг абадиян чанқамайсан.

16 – Сирот кўпригидан осонгина ўтасан. Жаҳаннам оловидан қутуласан. Баъзилар сирот кўпригидан ўтаётганда юзининг нуридан жаҳаннам оташи ўчиб қолади.

17 – Қиёмат кунида пайғамбар каби шафоат этиш ҳаққига соҳиб бўласан.

18 – Жаннат ичида абадиян қоласан. Худди бир фариштадай.

19 – Ҳақ таолонинг буюк розилигини қозонган бўласан.

20 – Кам-кўсту муаммолардан муназзаҳ ҳолда тажаллий этган Ҳақ таолони кўрасан.

Биз баён этган бу 40 каромат ва фазилат энг машҳурлари ва саодат берадиганларидир. Агар катта-кичик ҳамма қисм ва бўлимлари ҳамда тафсилотлари билан шарҳлайдиган бўлсак, бу китобга сиғмайди. Масалан, жаннатда абадий қолиш ёки бир фариштадай бўлиш кабиларни олайлик. Бу шундай бир кароматки, унинг тагида не-не неъматлар ётади. Чунончи, Ҳақ таолонинг солиҳ бандаларига эҳсон этгани ҳурийлар, либослар, егулик-ичкуликлар, хизматчилар каби саноксиз неъматлар бор. Бу борада Ҳақ таоло хабар беради:

﴿ ۱۷ ﴾ فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

Яъни: “Уларнинг амаллари эвазига мукофот қилиб улар учун махфий тутилган (бекитиб қўйилган) кўзлар қувончини (неъматларни) бирон жон билмайди” (Сажда сураси, 17-оят).

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари марҳамат қиладилар:

“Жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва хотиру хаёлга келмаган қанчадан-қанча неъматлар яратилгандир”.

Яна Ҳақ таоло буюради:

قُلْ لَوْ كَانَ الْبَحْرُ مَدَادًا لَّكَلِمَتِ رَبِّي لَنَفِدَ الْبَحْرُ قَبْلَ أَنْ نَفِدَ كَلِمَتُ رَبِّي وَلَوْ جِئْنَا بِمِثْلِهِ مَدَدًا ﴿ ۱۸ ﴾

Яъни: **«Айтинг: “Агар Раббининг калималарини ёзиш учун барча денгизлар сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Раббимнинг сўзлари битишидан олдин у денгизлар тугаб битарди”»** (Каҳф сураси, 109-оят).

Баъзи муфассирларнинг фикрича, бу оятдаги сўзлар Ҳақ таолонинг жаннат аҳлига лутф ва карами билан биргаликда айтган сўзларидир.

Бу неъматлар шунчалик кўп ва шунчалик нафисдирки, васфларини билдириш, саноқларини санаб битиришнинг имкони йўқ. Мингдан бирини ҳам таърифлаб беролмайдиганимиз бу неъматлар ақллар бовар қилмайдиган даражада кўп экани бор ҳақиқатдир. Ҳақ таолонинг мўминларига берадиган неъматлари шу қадар мўл ва баракатлидирки, унинг шон-шавкатига лойиқ ва лутфига мос ҳадя-эҳсонлари ҳаддан зиёд кўп ва турли-тумандирки, уларнинг васфларини кўриб ақллар ҳайратга тушади.

Бундан чиқди, барча зоҳидларнинг ва барча мусулмонларнинг шунча тиришиб адо этган ва ўрнига қўйган тоат-ибодатлари, яхши амаллари Аллоҳнинг бу неъматларининг саноғи, васфлари ва ҳажмига нисбатан денгиздан бир томчи, қуёш нуридан бир зарра даражасида экан-да!

Аллоҳ йўлига, саодат йўлига кирган кишилар қуйидаги тўрт нарсани тўла-тўқис ўзлаштириб олишлари шарт ва вожибдир:

1. Илм. 2. Амал. 3. Ихлос. 4. Қўрқув ва ҳадик.

1. Илм: бошланғичини, сўнгини; дунёдаги ҳолларини ўрганишга уриниш.

2. Амал: илмга амал қилинмаса, ҳеч бир маънавий ютуқ таъминланмаяжаги каби, охири ҳам хижолатпазликдир.

3. Ихлос: ихлос ила ва ёлғиз Аллоҳ учун қилинмаган ибодат ва яхшиликларнинг ҳеч қиймати қолмайди.

4. Қўрқув, ҳавфсираш ва умид: Оқибатини (сўнгини) ўйлаб Аллоҳдан қўрққанлар амаллари билан мағрур бўлмайдилар, камтар кўнгилли бўладилар.

Зуннун Мисрий дейди:

Бутун инсонлар ўликдир. Олимлардан бошқаси. Яъни, ёлғиз олимлар тирикдир.

Бутун олимлар эса уйқудадирлар. Илмига амал қилувчилардан бошқаси. Яъни, илмига амал қилувчилар уйғоқдир.

Илмига амал қилувчилар эса мағрурдирлар. Ихлослилардан бошқаси. Яъни, ёлғиз ихлосли кишиларгина мағрур бўлмайди.

Ихлослилар ҳам ҳар замон-ҳар замонда катта таҳлика ила бир-бирларига қаршидирлар.

Баъзи олимлар дерки:

Шу тўрт кимсага таажжубланиб, ҳайрон қоламиз:

Б и р и н ч и с и:

Ақлли бўлатуриб, олим бўлмаганга. Бу кимса бошланғичини, сўнгини; дунёдаги ўрнини (ҳолини) ва бу оламга келиш сабабини нечун ўрганишга тиришмайди, нима сабабдан қиёматнинг келишини ўйламайди ва шунга тадорик кўрмайди?

Ҳақ таоло айтади:

أَوَلَمْ يَنْظُرُوا فِي مَلَكُوتِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ مِنْ شَيْءٍ وَأَنْ عَسَى أَنْ يَكُونَ قَدِ اقْتَرَبَ أَجْلُهُمْ فَيَأْتِي حَدِيثٌ بَعْدَهُ يُؤْمِنُونَ ﴿١٨٥﴾

Яъни: “Самовот ва ер мамлакатлари ҳақида, Аллоҳ яратган нарсалар борасида ва ажаллари яқинлашиб қолган бўлиши мумкинлиги хусусида ўйламайдиларми? Ундан (Қуръондан) сўнг яна қандай гапга ишонадиларми?!” (Аъроф сураси, 185-оят).

Яна Аллоҳ таоло огоҳлантиради:

أَلَا يَظُنُّ أُولَئِكَ أَنَّهُمْ مَبْعُوثُونَ ﴿٤﴾ لِيَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٥﴾

Яъни: “Улар ўлгандан кейин тирилажакларини ўйламайдиларми, улуғ бир кунда?” (Мутаффифин сураси, 4–5-оятлар).

И к к и н ч и с и:

Олим бўлатуриб илмига амал қилмаганга. Бу кимса нечун илмига амал қилмайди? Нимага бунинг оқибатини кўз олдига келтирмайди? Йўлида дин хабар берган катта таҳликаларни ва кетидан нималар бўлажагини нега ҳеч ўйламайди?

Учинчиси:

Илмли ва омил бўлатуриб ихлосли бўлмаганга. Бу кимса нечун басират кўзи ила боқиб, ушбу қутлуғ оят устида фикр юритмайди? Аллоҳ буюради:

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ إِلَهٌُ وَاحِدٌ فَمَن كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ
عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا ﴿١١٠﴾

Яъни: **“Айтинг: “Шубҳа йўқки, мен ҳам сизлардай бир одамман. Менга Тангрингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Раббига етишишдан умидвор бўлса, яхши ишлар қилсин ва Раббига ибодат қиларкан, ҳеч кимсани унга шерик қилмасин (яъни барча амаллари ёлғиз Аллоҳ учун бўлсин!)”**”.

Тўртинчиси:

Ихлосли бўлатуриб, охир-оқибатда нима юз беришидан қўрқмайдиган ва Унинг ғазабидан ҳадик қилмайдиганга. Бу кимса Ҳақ таолонинг авлиёлару солиҳ бандалари билан қиладиган муомаласи устида нега ўйламас экан? Уларга қандай хитоб этиб айблаганини, уларга қандай таҳдид қилганини нечун кўрмас экан?

Ҳақ таоло ўз Пайғамбарига ҳам шундай хитоб этганди:

وَلَقَدْ أَوْحَىٰ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكَ لَئِن أَشْرَكَتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ
مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٦٥﴾

Яъни: **«Дарҳақиқат, сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбар) ларга ҳам ваҳий қилингандир: “Қасамки, агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетади ва албатта зиён кўргувчилардан бўласан!”**»

Устларига Аллоҳнинг саломи ёғилгур Пайғамбар ҳазратлари ушбу хитобдан кейин бундай деб марҳамат қилдилар:

“Худ сураси билан шу мазмундаги бошқа суралар мени қаритди”.

ТАРЖИМОНДАН

Камина ўтган асрнинг 90-йилларида Ғаззолийнинг “Мукоша-фатул-қулуб” асарини таржима қиларканман ва баъзи маданий-маърифий асарларни ўқирканман, кўпинча тадқиқотчилар бу буюк олимнинг “Саодатга элтувчи илм” (“Минҳожул-обидин”) номли китобидан келтирган далилларини кўп учратардим. Булар менда шу китобга қизиқиш уйғотарди.

Менинг бу қизиқишимдан хабар топган дўстим Салмон Чинор менга “Саодатга элтувчи илм” (“Минҳожул-обидин”)ни топиб берди.

Олдинига бу китобнинг таржимаси халқимизга керакми-йўқми, деб иккиланиб юрдим. Аммо ҳаётимизда жуда кўп одамлар фақат беш вақт намозимни ўқиб, рўза тутиб юрсам бўлди, яхши инсон ҳисобланаман, деб юришларини кўрдим.

Баъзилар, мен масжид қуришга фалонча маблағ бердим, тарихга кирдим, дея кибрланишларини учратдим. Рўзғорида бориға қаноат қилмай ризқу рўзини орттириш кўйида ўзини ўтга-чўққа ураётган бечораларга ачиндим. Тама хўрлик келтиришини билмай, ёғочсифат дағал инсонларга термилаётган одамлар учун куйдим. Ахир, инсон боласи ўзи бекорга яратилмаганини фаҳмлаши керак-ку, қалбини очкўзликдан асраши, ҳар бир ишни ихлос билан, ҳеч қандай шахсий манфаатни кўзламай адо этиши лозим-ку, эл-юртнинг бахти-саодатини ўйлаб тўғри йўлдан боришнинг ўзи уни юксакларга кўтарди-ку, дея тинимсиз ўйларга бериларканман, Ғаззолийнинг бу китоби бундай саволларга жавоб бўла олишини ўйлаб, уни таржима қилишга бел боғладим.

Ишни тугаллаганимда, унда хатоликларга йўл қўйган бўлишим мумкинлигини ҳис қилиб турардим. Шу боисдан бу соҳанинг ўткир олимларига мурожаат қилиб, таржимамдаги камчиликларни бартараф қилишда менга ёрдам беришларини сўрадим. Улар мендан ёрдамларини аямадилар. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг арбоблари шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари, Тошкент шаҳар имом-хатиби Анвар Турсун

Ва яна давом этдилар:

“Нима учун мўминлар Худ сураси билан унга ўхшаш сура-лардаги мана бу тўрт оятни ўқимайдилар ва улар устида фикр юритиб, қаттиқ ўйламайдилар?”

﴿١١٥﴾ أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ

1. Яъни: **“Ёки сизларнинг гумонингизча, биз сизларни беҳуда яратдигу, сизлар бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизлар-ми?”** (Муъминун сураси, 115-оят).

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَلْتَنْظُرْ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ لِغَدٍ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٨﴾

2. Яъни: **“Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинг ва ҳар бир жон эрта (Қиёмат куни)га нимани (қандай эзгу амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинг! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир”** (Ҳашр сураси, 18-оят).

﴿٦٩﴾ وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا وَإِنَّ اللَّهَ لَمَعَ الْمُحْسِنِينَ

3. Яъни: **“Бизнинг йўлимизда курашган зотларни албатта ўз йўлларимизга ҳидоят қиламиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир”** (Анкабут сураси, 69-оят).

﴿٦﴾ وَمَنْ جَاهَدَ فَإِنَّمَا يُجَاهِدُ لِنَفْسِهِ إِنَّ اللَّهَ لَغَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ

4. Яъни: **“Ким жамият равнақи учун курашса, ўзи учун курашган бўлади”** (Анкабут сураси, 6-оят).

домламиз, Ислом университетининг катта ўқитувчиси хаттот Ислом Маматов биродаримиз таржимамдаги бир қатор камчиликларни бартараф қилишимга мададкор бўлдиларки, мен бу азиз устоз ва биродарларга чин юракдан миннатдорчилигимни билдираман ва кўрсатган илтифотлари учун Аллоҳдан ажр-мукофотлар беришини тилаб қоламан.

МИРАЗИЗ АЪЗАМ

МУНДАРИЖА

Ғаззолий кимдир?.....	3
1. Ҳаёти	3
2. Вафоти ва у ҳақда айтилган баъзи фикрлар.....	9
3. Асарлари	11
Кириш.....	17
Биринчи бўлим. Илм олиш тўғрисида	20
Иккинчи бўлим. Тавба	35
Изоҳларнинг қисқача хулосаси	42
Ғуноҳнинг моҳияти	42
Учинчи бўлим. Тўсиқлар.....	51
1. Мол-дунё.....	51
2. Инсонларга аралашиб юриш.....	58
Шайтоннинг ҳийлалари	85
Тақво.....	91
Тақвонинг қисмлари	99
I. Кўз тақвоси	100
II. Қулоқ тақвоси	102
III. Тил тақвоси.....	103
IV. Қалб (кўнгил) тақвоси.....	108
A. Узун (битмас-туганмас) орзу-ҳаваслар.....	114
B. Ҳасад.....	118
B. Шошқалоқлик.....	121

Г. Кибр.....	123
У. Меъда тақвоси.....	130
Тўртинчи бўлим. Ибодатдан қолдирувчи сабаблар ...	159
Ризқ	192
Таваккул	197
Тафвиз.....	201
Сабр	205
Тақдирга р изолик	210
Бешинчи бўлим. Бошқа сабаблар (воситалар)	214
Аллоҳдан қўрқиш	214
Қўркув ва умид	218
Ўлим	236
Қабр	239
Қиёмат	241
Жаннат ва жаҳаннам	242
Хулоса	248
Олтинчи бўлим. О ф а т л а р	250
Ихлос икки қисмдир	254
Манманлик.....	262
Амалларнинг қабулига моне бўладиган ҳоллар ва буларнинг зидлари	265
Риё ва ужб.....	267
А. Риёнинг офати	267
Б. Ужбнинг офати	272

Риё ва уjbнинг зарарлари	280
Риё ва уjbдан сақланиш.....	293
Еттинчи бўлим. Ҳамд ва шукр	297
Аллоҳга неъмат учун шукр.....	305
Диний илмларни ўрганиш.....	319
Илоҳий йўл	326
Дунёда берилган кароматлар	334
Охиратга оид кароматлар.....	336
Таржимондан.....	344

Диний-маърифий нашр

Саодатга Элтувчи ИЛМ

Муҳаррир Шариф ХОЛМУРОД

Бадиий муҳаррир Аббос АҲМАД

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусахҳиҳа Дилором БОЙМИРЗАЕВА



САДОАТ ЭЛВАН ММ

Нашр. лиц. АИ № 290. 04. 11. 2016.

Босишга 2018 йил 19 октябрда рухсат этилди. Бичими 70 x 100 ¹/₁₆.

PT Serif гарнитураси. Офсет босма. 22,0 шартли босма тобоқ.

18,7 нашр тобоғи. Адади 5000 нусха.

579-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Гафур Ғулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

www.gglit.uz. e-mail: info@gglit.uz



ISBN 978-9943-5425-3-2



9 789943 542532